

**ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ
НАЗАРИЯСИ**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Тошкент Давлат юридик институти**

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ

**Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик
мутахассислиги бўйича таълим олаётган
талабалари учун**

Тошкент – 2000

**Китоб Очик Жамият Институтининг
Кўмак Жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси
кўмагида chop этилган**

**Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, юридик фанлар доктори,
профессор Х.Б.Бобоев ва юридик фанлар доктори
Х.Т.Одилқориевларнинг умумий тахрири остида**

Муаллифлар таркиби:

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, ю.ф.д. проф. Х.Б.Бобоев – Кириш,
II боб, ю.ф.д., проф. З.М.Исломов – I, III, IV боблар, ю.ф.д., проф. У.Чориёров –
V боб, ю.ф.д. Х.Т.Одилқориев – Кириш, X, XIII, XVIII боблар, ю.ф.д.
Х.Т.Одилқориев, ю.ф.н. Э.М. Абзалов билан ҳаммуаллифликда –
VIII боб, ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов – XX боб, ф.ф.д., проф. Н.Т.Шодиев,
ю.ф.д. проф. З.М.Исломов билан ҳаммуаллифликда – XXI бобнинг 1-7§§,
ю.ф.н., доц. Қ.Т.Холмўминов – XVI, XIX боблар, ю.ф.н., доц. Х.Назаров –
VII боб, ю.ф.н., доц. Г.М.Тансиқбоева ва ўқитувчи М.М.Иноқова – IX боб,
ю.ф.н., доц. А.Р.Болтаев, ўқитувчи Ф.П.Хайитбоев билан ҳаммуаллифликда – VI
боб, ю.ф.н., доц. М.А.Аҳмадиева – XII, XIV боблар, ю.ф.н., М.А.Ҳамидова –
XXI бобнинг 8-11 §§., катта ўқитувчи О.О.Хусанбоев – XI боб,
ўқитувчи М.К.Нажминов – XV боб, катта ўқитувчи Н.Сабуров – XVII боб.

Масъул муҳаррирлар:

**Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, юридик фанлар доктори, профессор
Х.Б.Бобоев ва юридик фанлар доктори Х.Т.Одилқориев.**

Тақризчилар: Академик Х.Р.Раҳмонқулов, ю.ф.д., проф. М.М.Файзиёв

К 51

**Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Олий ўқув юрғларининг ҳуқуқшунослик
мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун** Бобоев Х.Б., Исло-
мов З.М., Чориёров У.; //Масъул муҳаррирлар:Х.Б.Бобоев, Х.Т.Одилқориев
\.-Т.: «Иқтисодинёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000. – 528 б. Сарл.
олдида: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент Давлат юридик
институтини.

I. Бобоев Х.Б. ва бошқ.

Дарслик давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги ҳозирги замон илмий концепцияларини
кнобатта олган ҳолда тайёрланди. У давлат ва ҳуқуқнинг талқин этишдаги ағъна-
навий ёндашувлар билан бир қаторда янги муаммолар ҳамда нуқтан назарларни
ҳам қамраб олган. Шунингдек, унда Ўзбекистонда шаклланаётган демократик
давлатчилик ва ҳуқуқий тизим хусусиятларига оид назарий худосалар ўз ифо-
ласини топган. Давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти, механизми, функциялари ва
ислоҳотлар давридаги роли жонги тарзда баён этилди.

Дарслик талабаларга, магистрант, аспирант ва юридик олий илмгоҳлар
ўқитувчиларига, мутахассисларга, шунингдек, давлат ва ҳуқуқ масалаларига қизи-
қувчи барча китобхонларга мўлжалланади.

ББК 67.0я73

Кириш

Юридик билим юртларида давлат ва ҳуқуқ масалалари аниқланган тарзда алоҳида назарий фан ва ўқув предмети – «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» доирасида ўрганиб келинади. У ҳуқуқшунослик фанлари орасида яққол нуфузли мавқега эга. Мазкур фан ўзининг методологик ва назарий асос сифатидаги хусусиятлари билан бутун юриспруденция соҳасида ажралиб туради.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳуқуқшуносликнинг ниҳоятда бош, серқирра, шу билан бирга мураккаб, сирли оламига киришнинг калити бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқий тафаккур, сиёсий ва ҳуқуқий дунёқараш, онг ҳамда юридик маданиятни шакллантириш, жамиятдаги давлат-ҳуқуқий воқеликлар хусусида мунтазам тизимли билимлар ҳосил қилиш – бу фаннинг (ўқув курсининг) асосий вазифасидир. Ўрганиш ҳамда тадқиқот доирасига «давлат», «ҳуқуқ», «қонун», «демократия», «ҳокимият», «сиёсат» каби жозибали, мураккаб ҳодисаларни қамраб олувчи ушбу фан ҳуқуқшуносликнинг ўзинга гоյа қомуси сифатида майдонга чиқади. Қолаверса, у талабалар талқини учун ҳуқуқ фалсафаси, давлат ва ҳуқуқ социологиясидек қизиқарли йўналишларни ўзида мужассам этади. Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқшунослик илмининг умумназарий заминини ташкил қилади.

Инсоният қадим замонлардан буён давлат ва ҳуқуқ масалаларига катта қизиқиш билан муносабатда бўлиб келади. Давлат ҳокимияти ҳамда ҳуқуқий ҳаёт ҳодисалари ҳамма замонларда алоҳида долзарблик касб этиб келганлиги барчага аён. Бу воқеликлар мустақил Ўзбекистон Республикаси учун ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, янги демократик давлатчилик биносини барпо этаётган жамиятимиз давлат, демократия, ҳуқуқ, қонунчилик, халқ ҳокимиятчилиги, инсон ҳуқуқлари каби қатор категориялар мазмун-моҳиятини қайта мушоҳада этишга муҳтож. Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ҳамда ҳуқуқнинг вужудга келиши, ривожланиши ва намоён бўлишининг энг умумий қонуниятларини очади, уларни илмий талқин этади, илмий таъриф ва тавсифини яратади. Фаннинг бу функцияси биз учун жуда зарурдир.

Биз яқин ўтмишимизда синфий ҳукмронликнинг қуролли сифатида давлат ҳақидаги марксча ғояни шиор қилиб олиб, бу назарияни догмага, давлат ва ҳуқуқни эса синфий қураш, синфий рақибларни енгиш воситасига айлантирган эдик. Мустақиллик тафаккурининг маҳсули сифатида бу борада ҳам янгича назарий қарашлар қарор топди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов талқинида давлат ва ҳуқуқ янгича тавсифга эга бўлди. «Демократия шароитида, – деб таъкидлайди юртбошимиз, – давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муросан мадора билан баргараф этиг воситасига айланади.

Ҳуқуқнинг ўзига эса ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситаси сифатида ёндашилади»¹.

Бугунги ўзбек жамияти ўзи учун ҳуқуқий давлат, инсон ҳуқуқлари ва шахс эркинлиги, демократик фуқаролик жамияти, сиёсий ҳурфикрлилик (плюрализм), ҳокимиятлар тақсимланиши, қонун устуворлиги, мустақил суд ҳокимияти каби фундаментал тушунчаларни қайта кашф этмоқда. Тан олиш лозимки, жамият ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётини замонавий маърифий тамойиллар асосида ислоҳ этишда давлат ва ҳуқуқ бениҳоя катта роль ўйнайди. Шу боис давлат тузилиши, демократик сиёсий тузилишнинг мавжуд бўлиши, ҳуқуқий муносабатлар оқилона тизимининг ташкил этилиши кўп жиҳатдан мамлакатимиздаги давлат-ҳуқуқий институтларнинг фаолиятига боғлиқдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ислохотлар мустаҳкам ҳуқуқий заминга таянган ва қатъий давлат-сиёсий таъминланиш механизmlарига эга бўлган тақдирдагина самарали бўлиши исбот талаб этмайдиган аксиомадир. «Мустаҳкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина, – дейди И.А.Каримов, – ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин»².

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т., «Ўзбекистон», 1996. 20-бет.

² Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т., 1996, 192-бет.

**Айни вақтда, давлатнинг фаол ташкилотчилик ва ижобий
фундакорлик ролига ҳам алоҳида урғу берилди. «Давлат бутун
далкнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жараёнининг
ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи
йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳа-
да ва суверен давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб
ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва
иччил рўёбга чиқариши керак»³.**

Мустақиллик йиллари мобайнида юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва бозор иқтисодиётини қарор топтириш йўлида ҳуқуқий жиҳатдан кўпгина ишлар қилинди. Республикада давлат идораларининг, шу жумладан, ҳуқуқий муассасаларнинг иччил тизими шакллантирилмоқда. Демократик институтларни ҳаётимизга олиб кирувчи ва бозор муносабатларини маърифий шаклда жорий этишга имкон берувчи қонунлар мажмуи яратилмоқда. Ҳозирги вақтда янги иқтисодий муносабатларни шакллантирувчи, демократик сиёсий тизим таркибий тузилмаларини ҳамда фуқаролик жамияти бўғинларини вужудга келтирувчи, инсон ҳуқуқлари кафолатлари тизимини қарор топтирувчи, бир сўз билан айтганда, бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг ҳуқуқий негизини барпо этадиган 300 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлиги ўтган мустақил ривожланиш давримиздаги қонун чиқариш фаолиятининг гултожи бўлди. Конституция ёш давлатимиз чинакам мустақиллигининг буюк рамзи, янги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар дунёга келишининг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси жамиятимиз ҳозирги ҳаётида содир бўлаётган сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий жараёнларни изоҳлашга, уларнинг илмий талқинини беришга, тараққиёт қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда бу воқеликларнинг ижобий ва салбий хусусиятларини аниқлашга сафарбар этилган. Фаннинг яна бир муҳим вазифаси рўй бераётган жараёнларни чуқур тадқиқ ва таҳлил қилиб, давлатчилик ҳамда ҳуқуқий ривожланишимизнинг келгусидаги йўллариини илмий башоратлашдан иборатдир.

³ Каримов И.А. *Ўша асарда, 178-бет.*

Мазкур дарсликни яратишда муаллифлар жамоаси нафақат мустақиллик йилларида тўпланган давлат-ҳуқуқий тажрибамизга, конституциявий тамойиллар ва назарий билимларга, балки умуминсоний ҳамда миллий маънавий қадриятларга, ҳозирги замонда дунёда мавжуд давлатчилик ва ҳуқуқшунослик концепцияларига, шунингдек халқимизнинг асрлароша шаклланиб келаётган бой ҳуқуқий меросига ҳам изчил таянди. Ўзбек давлатчилиги тарихи ўз илдизлари билан асрлар қаърига бориб тақалади ва уч минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон худудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган. Биз ўта ноёб ҳуқуқ ёдгорликларига, беназир илмий юридик меросга эгамиз. Булар – «Авесто», Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ал-Ҳидоя», Абу Исо ат-Термизийнинг «Дастурал мулук», Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам», Амир Темир «Тузуқлари», Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Хўжа Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат», А. Халлофнинг «Усулул фикҳ» асарлари ва бошқалардир. Миллий тарихимиз, давлатчилигимиз равнақи ва умумбашарий тараққиёт ривожига бебаҳо ҳисса қўшган аллома аждодларимизнинг ҳуқуқ ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти хусусида қолдирган илмий мероси, сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ҳар томонлама ўрганишга муносибдир. Ушбу ҳуқуқий қадриятларни бугунги авлод ҳуқуқий тафаккурига, онгу шуурига сингдириш, шарқона демократия тамойиллари мазмунини тавсифлаш ва илмий асослашда фанмиз муҳим роль ўйнаши лозим.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси миллий истиқлол мафқураси моҳиятидан келиб чиққан ҳолда аҳолининг ҳуқуқий онгини ва юксак ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга, улар фаолиятида қонун устуворлиги, қонунга ҳурмат ва унга итоатгўйлик кўникмаларини ҳосил қилишга хизмат қилади.

Дарслик юридик олий ўқув юртлари талабалари ва ҳуқуқ асосларини ўрганаётганлар учун мўлжаллаб ёзилган бўлиб, ундан шунингдек суд, прокуратура, миллий хавфсизлик, адвокатура, божхона, солиқ, ички ишлар идораларининг ходимлари ва бошқа юрист мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

Ғалибчан китобхонлар ушбу дарсликнинг сифатини яхшилаш борасида ўз мулоҳазаларини билдириб, унинг кейинги нашрлари янада мукамал бўлиб чиқишига ёрдам берадилар деган умиддамиз.

Профессор Х.Б.Бобоев
Юридик фанлар доктори Х.Т.Одилқориев

I боб. ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ – УМУМНАЗАРИЙ ФАН СИФАТИДА

1-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг ўзига хос хусусиятлари

Бугун рўй бераётган ўзгаришлар бизни кўпчилик тушунчалар, атамаларни қайтадан идрок этиш ва ҳатто қадриятларни қайта баҳолаш билан шуғулланишга ундайди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Зеро, давлат ва ҳуқуқ назарияси собиқ Иттифок шароитида маъмурий-буйруқбозлик тизимининг ғоявий асоси ва окловчиси вазифасини бажарганлиги сабабли у албатта, қайта идрок этилишга муҳтож. Бундан ташқари, бугунги жамиятимиз тараққиётига хос янгиликлар, давлат ва ҳуқуқ тушунчаси, уларнинг моҳияти, таснифи, вазифаларини янгича талқинда тубдан қайта кўриб чиқишни замон тақозо этмоқда. Бу – табиий ҳол.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанига большевикларча ёндашув, коммунистик мафкура талаблари асосида муносабатда бўлиш шуниси билан фарқ қилардики, билимнинг бу соҳасида инсоният тўплаган бойликларнинг кўп қисми ҳамда республикамызда, хорижий мамлакатларда сақланиб, йиғилиб келган давлат-ҳуқуқ тафаккури дурдоналари марксизм-ленинизм қоидаларига мос келмаган тақдирда, эътибордан батамом четда қолиб кетарди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳуқуқ соҳасида, айниқса унинг «юридик технологияси» ҳақида гап кетганда, унинг кўпгина назарий қоидаларини бугун ҳам маълум жиҳатдан қўлланиш мумкин бўлса-да, аммо давлатшунослик фани соҳасида аҳвол анчагина ачинарлидир. Президентимиз Ислам Каримов ҳаққоний таърифлаб берганидек, Ўзбекистон (собиқ Иттифокнинг бошқа республикалари қатори) амалда ўз давлатчилигига эга бўлмасда, ҳамма ерда «капитализмнинг машаққатли босқичини четлаб, социализмга ўтганимиз» ҳақида жар солинган бир шароитда бошқача бўлмасди ҳам. Амалда эса, жамиятимиз унинг даҳшатли бир кўринишидан иборат эди... Боз устига нокапиталистик тараққиёт йўлига ўтган мамлакатларни таклиф этиб, бизнинг тажрибамиз асосида

улари ҳам капитализмдан «сакраб» ўтишга ўргатмоқчи бўлишарди.

Ҳалокатга элтувчи, олдингисидан келиб чиқадиган ёки ҳеч бўлмаганда, у билан боғлиқ яна бир иллат шундан иборат эдики, марксча-ленинча давлат ва ҳуқуқ назарияси инсонни ҳуқуқдан ажратиб қўйган, шахс манфаатларини жамият манфаатларига тўлиқ бўйсундирган, инсон, фуқаро ва шахснинг ўзини эса, мутлақо эътибордан четда қолдирганди.

Ҳозирги вақтда давлат ва ҳуқуқ назариясининг эволюцияси – унинг марксча-ленинча мазмун ва шаклидан воз кечиш жараёни кечмоқда. Айниқса, сўз давлат ҳақида борганида бу ҳолат яққол кўзга ташланади.

Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаёқ Президентимиз давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда амалиётини янгича тушуниш заруратини асослабгина қолмай, балки унинг моҳиятини ҳам таърифлаб берди: «Биз яқин ўтмишимизда синфий ҳукмронликнинг куроли сифатида давлат ҳақидаги марксча ғояни шиор қилиб олиб, бу назарияни догмага, давлат ва ҳуқуқни эса синфий кураш, синфий рақибларни енгиш воситасига айлантирган эдик. Демократия шароитларида эса давлат ижтимоий қарама-қаршилиқларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муросаи мадора билан бартараф этиш воситасига айланади.

Ҳуқуқнинг ўзига эса ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситаси сифатида ёндашилади»¹.

Давлат ва ҳуқуқ назариясини асл ҳолича қайта тиклаш жараёни эндигина бошланмоқда. Шу муносабат билан, бу ҳилдаги ёндашув сабабларини субъектив эмас, балки объектив характерга эга деб ҳисобловчи А.Б.Венгеров даъвосига қўшилмасликнинг иложи йўқ. У ўз фикрини қуйидагича ифодалайди: «Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, давлат ва ҳуқуқ моҳиятида синфийлик ва

¹ Каримов И.А. *Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том, Т., «Ўзбекистон», 1996, 19-20-бетлар.*

умуминсонийликнинг бирга қўшилиб кетиши тўғрисидаги янги билимлар билан бойиди. Социалистик давлатларнинг фаолият юритиши ва эволюцияси ҳақидаги янги билимлар пайдо бўлди. Буржуазия давлатлари тушунчаси ҳам янгича идрок этила бошланди. Ҳозирги замон давлатчилиги таракқиётида инсонпарварлик ва демократик кадриятлар тўғрисида ҳам янги билимлар юзага келди. Зўравонлик, тоталитаризмга қарши курашда конституциявий қонунийликка асосланишдек демократик кадрият ҳамда қонунлар устуворлиги тушунарли бўлиб қолди. Давлатчиликни ривожлантиришнинг истиқболли ва прогрессив мақсадлардан бири сифатида ижтимоий ҳуқуқий давлат тўғрисидаги масала янгичасига кўндаланг бўлди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бутун муаммолар мажмуи, алоҳида индивид, шахс ҳуқуқларининг давлат, миллат, халқ жамоа тузилмалари ҳуқуқлари олдидаги устуворлиги янгича намоён бўлмоқда»².

Юқоридагилардан келиб чиқиб, юридик олий ўқув юртлари талабалари бугунги кунда фойдаланаётган кўпгина дарсликлар, адабиётлар умуман эскирганлиги ва эндиликда жаҳонда ва республикамизда рўй берган ва бераётган шиддатли ўзгаришлар билан боғлиқ талабларга жавоб бера олмаслигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясида қуйидагиларни алоҳида таъкидлади:

«Миллий тикланиш мафқурасига ва умумбашарий кадриятларни ўрганишга асосланиши зарур бўлган таълим-тарбия, унинг янгича мазмуни тўғрисида беш йилдан бери гапирамиз. Бироқ кўпгина ўқув юртларида, айниқса, ижтимоий, жамиятшуносликка оид фанлар бўйича ҳамон эски ўқув қўлланмалари, ўқув дастурларидан фойдаланилмоқда.

Бундай аҳволни мустақил мамлакатимизнинг болаларига, ёш авлодига қарши жиноят деб баҳолаш керак»³.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, янги қонунларимизга асосланган ҳамда жамиятда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа жараён-

² Венгеров А.Б. *Теория государства и права*. – М.: «Юрист», 1995, 17-бет.

³ Каримов И.А. *Бунёдкорлик йўлидан*. 4-том, Т., «Ўзбекистон», 1998, 181-182-бетлар.

ларни ҳисобга олувчи янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари, маъруза тўшамлари, услубий ишланмаларни чоп этиш зарурати шилақачон етилди. Бирок, энг муҳими – давлат ва ҳуқуқ умумий назариясининг янги концепцияси зарур. Мазкур бўшлиқни тўлдириш – республикамиз ҳуқуқшунос олимларининг асосий мақсадларидан биридир, дейиш мумкин.

2-§. Ҳозирги замон ҳамда давлат ва ҳуқуқ назарияси фани

Сўзни фан таракқиётининг ҳар бир босқичи ҳамisha унинг предметини қараб чиқиш заруратини тақозо этишини таъкидлашдан бошлаймиз. Қадим замонлардан (эрамизнинг I асри ўрталаридан) бизгача етиб келган «Буюклик тўгрисида» деб аталувчи асарда шундай жумлалар бор: «Ҳар бир илмий қўлланма олдиға икки талаб: *биринчидан*, тадқиқот предметини аниқлаб олиш; *иккинчидан*, ушбу предметни ўзлаштиришға кўмаклашувчи усул – воситаларни топиш ва кўрсатиб бериш талаби қўйилади. Бу ўринда иккинчи талаб ўз аҳамиятиға кўра муҳимроқ бўлса-да, тартибға кўра кейинги ўринда туради»⁴.

Дарҳақиқат, ҳар қандай фан ўз предметига ва уни эгаллаш усулиға эға бўлиши керак.

Ҳар бир фан (ёки ўқув фани)нинг предмети – у ўрганадиган масалалардан иборат бўлади.

Маълумки, давлат ва ҳуқуқ назариясининг предмети давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва ҳаракатда бўлишининг энг умумий қонуниятларидан иборат. «... Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ва ҳуқуқнинг айрим жиҳатларига тегишли бўлган қандайдир алоҳида ижтимоий қонуниятларни эмас, балки айнан уйғун бирликда олинган шу қонуниятлар бутун тизимини энг умумий ва мавҳум кўринишда ўз доирасига киритади, яъни ўрганади. Шундай қилиб, у барча давлат-ҳуқуқ ҳодисалари ва жараёнлари учун умумий қонуниятларни ўрганади, давлат ва ҳуқуқни яхлит ижтимоий институт сифатида қараб чиқади»⁵.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси предмети доирасига фақат амалдаги давлат-ҳуқуқ муносабатлари, жараёнлари, ҳодиса-

⁴ *О возвышенном. – М., 1966, 5-бет.*

⁵ *Венгеров А.Б. Теория государства и права. – М.: «Юрист», 1995, 9-бет.*

ларининг энг умумий белгиларигина эмас, балки одамларнинг улар ҳақидаги тасаввурлари ҳам киради. Демак, давлат ва ҳуқуқ назарияси предмети доирасига ижтимоий онгнинг ҳуқуқ билан боғлиқ ва унинг воситасида ўрганиладиган қисми, яъни ҳуқуқий онг ҳам киради.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ўзининг мустақил предмет йўналишига эга бўлиб, ижтимоий, шунингдек, юридик фанлар тизимида муайян ўрин тутади. Унинг бу хусусиятини Президент И.Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг умумий йиғилишидаги нутқида шундай таъкидлади: «...олимларимиз, биринчи навбатда, ижтимоий фан вакиллари олдида турган улкан вазифалар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий давлатчиликни шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролар жамиятини қарор топтиришдек улғу орзу-умидлар билан яшар эканмиз, ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий изланишлар ва уларнинг натижаларига алоҳида эътибор бермаслик мумкин эмас»⁶.

Зеро, бизнинг ҳаётимизда шундай объектив давлат-ҳуқуқ қонуниятлари ҳукм сурадики, уларни тушунмай туриб, соҳавий ёки махсус юридик фанларни ўрганиш хомхаёлдир.

Давлат ва ҳуқуқ назариясини турли хил ижтимоий фанлар билан таққослаш уларнинг ўзаро мустаҳкам боғлиқлигини ва ҳатто бир-бирларига сингиб кетганлигини кўрсатади. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг юридик фанлар тизимидаги ўрни ҳақида сўз кетганда эса, мазкур даъво янада ҳаққонийроқ янграйди.

Бинобарин, давлат ва ҳуқуқ умумий назарияси махсус ва тармоқ юридик фанларига нисбатан умумлаштирувчи, дастурий, йўналтирувчи ҳамда услубий аҳамиятга молик фан сифатида майдонга чиқади.

3-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани предметини ўрганиш методлари

Ҳар қандай фан нафақат ўз предмети доирасига, балки ўз методларига ҳам эга бўлиши лозим. «Методология» сўзи юнонча

⁶ Каримов И.А. *Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том, Т., «Ўзбекистон», 1996, 260-бет.*

«metodos» сўзилан олинган бўлиб, айнан маъноси «бирон нарсаи ўрганиш йўли» демакдир. Метод бу – умумий маънода мақсадга эришиш усули, муайян тарзда изга солинган фаолиятдир. Метод бу – махсус маънода билиш воситаси, ўрганиладиган мавзунини тафаккурда ҳосил қилиш йўлидир⁷.

Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, давлат ва ҳуқуқ назарияси методологияси тўғрисидаги масала бир қатор жиддий муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқдир. Бу ҳолат яқин-яқингача фанда барча методлар умумий–универсал ва шунинг учун барча фанлар, билим соҳалари, ўқув дарсликларига хос ҳамда умумий бўлмаган – алоҳида методлар бўлиб келгани билан изоҳланади.

Коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган даврларда диалектик-материалистик методлар умумий ва айни пайтда энг тўғри метод деб ҳисоблаб келинди. Ҳозирги вақтда кўпчилик жамиятшунос олимларнинг марксизм-ленинизмнинг ўзига ҳам, унинг давлат-ҳуқуқий ҳодисалар ва жараёнларни тасвирлаш, тушунтириш ва истиқболни айтиб беришдаги қобилиятига ҳам қарашлари тубдан ўзгарди. Мазкур ўзгаришлар кўп қиррали характерга эга. Уларнинг айримлари бутун жамиятшуносликнинг умумий методологик инқирози билан боғлиқ. Баъзилари бутун илмий билимлар соҳасидаги чинакам туб ўзгаришларни акс эттиради. Бунда давлат ва ҳуқуқ назарияси диалектик-материалистик тушунчалар ўрнига аста-секин синергетикадан, гайриихтиёрий, ўз-ўзидан ташкил топадиган, тасодифий жараёнлар тўғрисида шаклланаётган янги фандан келиб чиқадиган методологияни ўзига синглириб юбориши кўзда тутилади. Бунда мазкур ўзгаришлар тобора кўпроқ мухлисларни ўзига тортаётганинигина эмас, балки жамиятшуносларнинг ҳеч муболағасиз бир ондаёқ ўз назарий қарашларини ўзгартиришга мажбур қилаётган ҳужумкор характерини ҳам қайд этмаслик мумкин эмас.

Мисол тариқасида А.Б.Венгеров каби машҳур ҳуқуқшуносни олиб кўрайлик. Ўзининг 1995 йилда ёзган дарслигида материалистик диалектика тўғрисида гапираркан, у: «агар ушбу метод ёрдамчи, жузъий, иккинчи даражали деб қаралган бошқа барча методларга зид бўлмаса» – ундан бемалол фойдаланиш

⁷ *Философия лугати. Т., Ўзбекистон, 1976, 305-бет.*

мумкин, деб ҳисоблайди. 1996 йилда чоп этилган ўзининг шу номдаги дарслигида у шундай ёзади: «Синергетика ҳозирдаёқ дунёнинг ўз тузилиши асосларидаги зарурий (қонуний) ва тасолифий ҳодисаларни тушунишни тубдан ўзгартирувчи, дунёни янгича кўриш, янгича идрок этиш методи сифатида майдонга чиқмоқда. Жонсиз материя ҳамда инсон фаолиятининг икти-содий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларидаги тарихий жараёнлар ривожининг сабаблари ва шакллари янгича талқин этила бошланди. Ҳодисаларни биологик ва ижтимоий эволюциянинг мустақил омил сифатида янгича тушуниш, ўздан ўзи ташкил бўлувчи жараёнларда унинг ролини эътироф этиш юзага келмоқда»⁸.

У яна шундай давом этади: «Хуллас, афтидан, сўз оз эмас-кўп эмас – ижтимоий фанлар парадигмаси (намунаси)-ни янгилаш, детерминизм (табиат ва жамият барча ҳодисаларининг объектив қонунийлиги ва сабабий боғлиқлигини тан олувчи фалсафий концепция)ни аввалгича тушуниш ва эътироф этишдан воз кечиш ва, эҳтимолки, детерминизмнинг янги кўринишларини кашф қилиш, мамлакат фанида эса, борлиқни илмий асосда билишнинг асосий методи сифатидаги материалистик диалектикани қайта мушоҳада этиш ҳақида боряпти»⁹.

Боз устига у, ижтимоий фанлар методологиясида янги парадигма «...ё синергетиканинг алоҳида методи сифатида диалектикани ўз ичига олади – шунда ҳам фақат айрим соҳалар учун қўллайди ёхуд уни борлиққа тамоман янгича ёндашувлар билан умуман алмаштиради», деб ҳисоблайди. Бунда иккинчиси афзал.

Олим, илмий ҳуқуқий билимларда ушбу янгиликларнинг ёйилиши мода кетидан қувиш эмас, «эски, одатий қондаларни янги «синергетик жомалар»га кийинтириш эмас», дея таъкидласа-да, унинг нуқтаи назарига, мулоҳаза юритишдаги айрим қатъий фикрларига қўшилиш қийин. Зеро, билиш – ғоят мураккаб жараён бўлиб, шу йўлдаги бирон-бир методга устуворлик беришга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Буни биз бир бор бошимиздан кечириб кўрдик.

⁸ Венгеров А.Б. *Теория государства и права*. – М., «Юрист», 1996, 18-бет.

⁹ *Ўша ерда*, 18-бет.

Бизнинг фикримизча, материалистик диалектика методли давлат ва ҳуқуқ назариясида метод сифатида ўз умрини бутунлай яшаб бўлгани йўқ. Мисол учун, шу нуқтаи назардан, давлат ва ҳуқуқ:

биринчидан, инсон табиати билан, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа шарт-шароитлар билан белгиланади;

иккинчидан, уларни бошқа ижтимоий ҳодисалар билан қиёслаш асосида жамиятдаги ўрни ва ролини аниқлаш мумкин;

учинчидан, давлат ва ҳуқуқ муттасил ривож топиб борди. Жамият таракқиётининг ҳар бир муҳим босқичи улар ривожининг янги поғонасидир.

Мунтазамлилик тамойили. Бу ҳам давлат ва ҳуқуқ назарияси моҳият-мазмунини ифодаловчи муҳим тамойиллардан биридир. Бу, энг аввало, анча мураккаб бўлган давлат ва ҳуқуқнинг ички тузилишига алоқадордир. Давлат ва ҳуқуқ таркибий бўлинмаларини атрофлича, мунтазам ўрганиш – давлат ва ҳуқуқ назарияси учун мажбурий методологик талабдир.

Мунтазамлилик тамойили қонунчилик ишининг ҳам зарурий шarti бўлиб қолиши керак. Жумладан, Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни таъминловчи қонунлар, унинг сиёсий тузилиши ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга доир қонунлар, умуман бутун қонунчилигимиз тўлалигича мунтазамлилик методига қатъий асосланиши керак. Республикамизда олиб борилаётган ҳуқуқий ислохотлар ҳам мунтазамлилик асосидагина муваффақиятли амалга оширилиши мумкин.

Шундай қилиб, мунтазамлилик тамойили давлат ва ҳуқуқ назарияси методологик базасига чуқур сингиб кетиши ҳамда илмий тадқиқотларнинг муштараклигини белгилаб бериши, давлат ва ҳуқуқ назариясини ўрганиш ва ўқитишда рўёбга чиқиши керак.

Объективлик тамойили. Объективизм номи билан аталган ушбу тамойил шўролар даврида буржуазия фани тамойили сифатида давлат ва ҳуқуқ назариясидан чиқариб ташланган ва партиявийлик тамойили билан алмаштирилганди. Унга кўра ижтимоий фанлар ишчилар синфи манфаатларини таъминлаши, коммунистик истиқбол мақсадлари учун курашиб, коммунистик гояларни ҳимоя қилиши керак эди.

Ҳозирги вақтда давлат тузилиши тамойилларида, бошқарув ва давлат қурилиши шаклларида чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда. Улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Бу даврда жамият давлат ва ҳуқуқ назарияси сифатида майдонга чиқувчи методологияга жуда муҳтож бўлади. Бироқ бу ерда ҳар қандай методология ҳам тўғри келавермайди. Назариётчи олимлар олдида объектив равишда илмий асосга эга бўлган, ҳаддан зиёд ғоявийлаштириш ва синфий ёндашувлардан холи методларни яратиш вазифаси кўндаланг бўлади.

Шўро тузуми даврида узоқ вақт мобайнида давлат ва ҳуқуққа оид тадқиқотларда мутлақ синфий ёндашув, ҳаддан ташқари мафқуралаштириб, мутлақлаштирилиб юборилган нуқтаи назарлар ҳукмрон бўлди. Бу эса, тарихнинг ўнқир-чўнқир, нотекис йўлини ўтмиш маданий-маънавий меросига боғлаб ўрганиш имконини бермасди. Монополизм таҳлил воситаларининг бир ўлчовчилиги, фақат бир йўналишда ишлатилиши давлат ва ҳуқуқнинг зиддиятли, қарама-қарши моҳиятини ҳисобга ололмасди. Синфий ёндашув аста-секин мафқуравий мурасасизлик, бикикликка олиб келди. Синфий ёндашув муқаррар равишда, Марксгача бўлган тафаккур, давлат ва ҳуқуқ ҳамда унинг роли ҳақидаги принципиал масалаларни нафақат очиб бериш, балки, ҳатто уларни тўғри қўйишни ҳам удалай олмасди, деган фикрга олиб келарди.

Методологиядаги қатъий бирёкламлик кадрятларга муносабатда ҳам хатоларга олиб келди. Ҳаддан зиёд мафқуравийлик давлат ҳақидаги тасаввурларнинг сохталаштирилишига сабаб бўлди. Давлатнинг функцияси оқибат-натияжада фақат эзувчиларни ҳимоялашга қаратилади, деб ҳисобланарди. Шу сабабдан ҳам давлатни таърифлашда унинг синфийлик жиҳатига урғу бериларди. Ҳуқуққа муносабатда ҳам худди шундай ҳолат юзага келганди: «ҳукмрон синфнинг қонун даражасига кўтарилган иродаси» сифатида унинг императив – синфий жиҳатлари таъкидланарди.

Шу даражада сохталаштирилган, нотўғри мафқуравийлаштиришнинг сабаблари нимада? Бундай сабаблар, афтидан, кўп бўлиб, уларнинг бирини XX асрда сохталаштирилган социологизмнинг ривожидан кидириш керак. Айнан шу даврда А.Я.Вишинский ўз издошлари ёрдамида мамлакатни

маъмурий буйруқбозлик асосида бошқариш эҳтиёжларига муганосиб ҳуқуқ назариясини қарор топтирди.

1938 йили собиқ совет ҳуқуқшунослик фани ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши томонидан илгари сурилган қуйидаги таклиф ҳуқуқни янгича тушунишга асос қилиб олинди: «Совет социалистик ҳуқуқи социалистик давлат томонидан белгиланган ёки тасдиқланган ҳамда ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлар иродасини ифодаловчи ҳуқуқ-атвор қоидалари (нормалари) мажмуи бўлиб, уларнинг қўлланилиши социалистик давлат томонидан мажбурлов кучи билан таъминланади»¹⁰.

Ҳозирги замон давлат ва ҳуқуқ назарияси учун объективлик тамойили ҳам қатта аҳамият касб эта бориб, илмий ҳулосалар ва таклифларда гаразғўйлик, у ёки бу сиёсий тузилмага «яхши кўриниш» истаги каби иллатлардан фанни ҳалос қилиш жараёни кечмоқда.

Бу тамойил илмий изланишларда мамлакатимиз ютуқларини хорижий тажрибани ўрганиш билан қўшиб олиб боришни методологик жиҳатдан удалашни кўзда тутади. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳаётида юз бераётган янгилиниш жараёнлари шароитида инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари жаҳон андозаларини билиш, уларни республикамизда ижодий қўллаш заруриятга айланмоқда.

Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида сўзга чиқар экан, Президент И.Каримов қуйидаги масалага эътиборни қаратди: «Навбатдаги муҳим масала – республиканинг қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ ҳолга келтиришидир. Жаҳонда инсон ҳуқуқлари соҳасида 70 стандарт қабул қилинган. Бу ҳужжатларда ҳуқуматнинг ўз фуқаролари олдидаги мажбуриятлари ва уларга нисбатан қилиши шарт бўлмаган ишлар белгилаб берилган. Ўзбекистон ҳозирча бу стандартлардан 15 тасига қўшилган».¹¹

Бирок, бу нарса мутлақо хорижий тажрибани кўр-кўрона ўзлаштириб олишни аниқлатмайди. Мазкур ишда халқи-

¹⁰ *Основные задачи советского социалистического права. М., 1938, 183-бет.*

¹¹ *Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 119-бет.*

мизнинг маданий ва маънавий анъаналарини ҳисобга олиш шарт. Бу эса, ҳар қандай тажрибани ўзлаштиришга жиддий ёндашишни талаб қилади.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг методология сифатидаги аҳамияти давлат фаолиятининг муайян соҳаларида ҳуқуқий тартибга солишнинг қоида ва шартларини ўрганивчи махсус соҳавий юридик фанлар унинг қонуниятларидан фойдаланишида ёрқин намоён бўлади. Бирок, давлат ва ҳуқуқни билишнинг ҳам махсус, ҳам алоҳида методлари шундай билиш воситаларини қўллашдан иборатки, улар фақат давлат-ҳуқуқий реалликнинг ўзига хос соҳаларини ўрганишгагина ярайди. Алоҳида метод орасида, бизнингча, аниқ-социологик, қиёсий-ҳуқуқий, расман-юридик (қатъий норматив), ҳуқуқий моделлаштириш, шунингдек, математик, математик-статистика, кибернетика ва бошқа методларни айтиб ўтиш керак.

Қабул қилинган қарорлар самарадорлигини, ҳуқуқий тартибга солиш ёки ҳуқуқий муҳофазанинг ўз вақтида ва таъсирчан бўлишини баҳолаш чоғида ҳуқуқий ва давлат институтлари фаолиятининг турли соҳаларини ўрганишда аниқ социологик метод кўпинча ягона тўғри йўл бўлиб чиқади.

Ушбу метод ижтимоий амалиёт эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда муҳим давлат-ҳуқуқий масалаларни ҳал этишга ёндашишга кўмаклашибгина қолмай, балки яқин келажакда биринчи навбатда ечилиши зарур бўладиган бир қатор муаммоларни аниқлашга ҳам ёрдам беради. Буни мисол ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига шахдам қадамлар билан кириб бормокда. Бу жуда мураккаб ва қийин жараёндир. Бинобарин, бу ерда давлат ва ҳуқуқ ривожининг умумий қоида ва тамойилларини, хусусиятлари ва йўналишларини аниқлашнинг ўзи кифоя қилмайди. Амалдаги муносабатларда бозор қандай фаолият кўрсатади, яна ҳам муҳимроғи, бутунича давлат-ҳуқуқий тизими ва унинг ҳар бир унсури доирасида самарали фаолият кўрсатишини қандай таъминлайди, буни аниқ билиш лозим.

Республикамизда бу масалаларга қатта эътибор бериб келиняпти ва уларнинг кўпчилиги муваффақиятли ҳал эти-

лиги. Жумладан, Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, бозор инфратузилмасини яратиш ва унинг фаолияти жараёнларини мувофиқлаштириб боришни таъминловчи қонун ҳужжатлари фаол шакллантирилди. Уларнинг асосий қондилари банклар, банк фаолияти, пул тизими, тадбиркорлик тўғрисидаги, сугурта, биржалар фаолияти тўғрисидаги, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги ва бошқа қонунларда ўз аксини топди. Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши билан бозор механизмларини ривожлантиришнинг мустаҳкам пойдевори яратилди¹².

Юқорида кўрсатилган муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш учун давлат ва ҳуқуқ назарияси анкета сўровлари, мулоқотлар уюштириш, тажрибалар ўтказиш каби қатор методлардан фойдаланади. Ниҳоят, буларнинг ҳаммаси ҳуқуқий счимларнинг энг мақбул йўлларини топиш, ижтимоий-ҳуқуқий ислоҳотларни ўтказиш соҳасида, жиноятчиликка қарши, унинг энг хавфли кўринишлари – уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашда илмий асосланган истиқбол режаларини ишлаб чиқиш мақсадида олиб бориладиган аниқ социологик метод доирасига киради.

Ушбу методнинг асосий талаблари: илмий тавсиялар кўнгилдагидек бўлиши ёки бўлмаслиги, ижобий ёхуд салбийлигидан қатъи назар, барча ижтимоий омилларни атрофлича ўрганиш ва ҳисобга олишга асосланиш керак; ҳақиқий аҳволни аниқ ва ҳар томонлама баҳолаган ҳолда давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги қарорларнинг ижтимоий аҳамияти ва оқибатларини аниқлаш даркор. Жуда узоқ вақт мобайнида ушбу метод шўро фанида назар-писанд қилинмай келингани, фактлар бузиб кўрсатилиб, давлат қурилиши, қонунчиликдаги мавжуд бузилишларни оқлаш учун ҳийланайранглар ишлатилиши одатий тусга кирганлигини айтиб ўтирмасак ҳам бўлади. Энди ушбу метод ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллай бошлади ва биз унинг нақадар самаралилигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Қиёсий-ҳуқуқий метод давлатшунослик ва ҳуқуқшунослик методологиясида аниқ-социологик усул билан бир қатор-

¹² Қаранг: Каримов И.А. *Ўзбекистон: бозор муносабат ўзига хос йўли*. Т., «Ўзбекистон», 1993, 67-89-бетлар.

да муҳим аҳамиятга моликдир. Қиёсий метод тушунчалар, ҳодисалар ва жараёнларни солиштириш ҳамда улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлашни кўзда тутати. Қиёслаш натижасида умуман ҳуқуқ тизими, давлат қурилиши ёки, масалан, алоҳида олинган ҳуқуқий институтлар ва нормаларнинг сифатий ҳолати аниқланади. Бирок, бу ерда муҳим бир шартни ҳисобга олиш зарур – яъни қиёсланадиган объектлар ҳақиқатан таққосланадиган бўлиши керак. Мисолларда тушунтирамиз. Ҳуқуқий тизимларни, давлат тузилмаларини, бир хил номдаги ҳуқуқий институтлар ва қоидаларни ўзаро таққослаш мумкин. Лекин, мисол учун, бутун бир ҳуқуқий тизимни айрим олинган юридик қоида билан солиштириш мумкин эмас. Мазкур объектларни ўз даражаси, ҳажми, мазмун ва белгилари бўйича бир-бирларига қиёслаб бўлмайди.

Айтайлик, агар ўз таркибига кўра мураккаб бўлган юксак даражадаги объектлар (турли мамлакатлар ҳуқуқий тизимлари) таққосланса – бу макроқиёслашга кирати. Мўъжаз ҳажмли, таркиби жиҳатидан анча содда объектлар (ҳуқуқий қоидалар, республика вилоятлари бўйича жиноятчилик даражаси сингарилар)ни солиштирадиган бўлсак, микроқиёслаш дейилади.

Бир вақтнинг ўзида ёки ўтмишнинг турли даврларида мавжуд бўлган билишнинг ўхшаш объектларини таққосламай туриб давлат-сиёсий ва ҳуқуқ амалиётини ислоҳ қилиб ёки такомиллаштириб бўлмайди. Турли тарихий хилдаги, турли мамлакатлар ва қитъалардаги, бир мамлакатнинг ўзидаги давлат ёки ҳуқуқий тизимлар солиштирилиши мумкин. Бирок, улар ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларига оид бўлса – бундай қиёслашлар бирон аҳамиятга молик бўлолмайди. Муҳими битта – ҳақиқатни топиш учун объектнинг микдорий ва сифат жиҳатларини, унинг назарий ва амалий тавсифини таҳлил этиш керак.

Ҳуқуқшунослик, давлатшунослик ва юридик амалиётда қиёслаш методининг аҳамияти жуда катта. Жумладан, қиёслаш асоси ва натижасида давлат ва ҳуқуқ тараққиётининг ҳар бир кейинги босқичи олдингисидан илғорроқ бўлиб чиққанлиги фанга маълум бўлди.

Фақат ҳуқуқий материалларни таққослаш ва натижалар олиш йўли билангина ҳуқуқий тизимни такомиллаш-

тиришнинг, қонунчилик ишларини яхшилаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг аниқ йўллариини белгилаш мумкин.

Ҳуқуқшуносликда ва юридик амалиётда қиёслаш методлигининг кенг қўлланиши ҳуқуқшунослик фани таркибида нисбатан мустақил йўналиш – **қиёсий ҳуқуқшунослик (юридик компаративистика)**нинг шаклланишига олиб келди. Ёшли олимлар, ҳатто, уни ҳуқуқшунослик фанининг мустақил тармоғи деб ҳисоблайдилар.

Расман-юридик (қатъий норматив) методни ҳуқуқшунослик фанига хос, унинг табиатидан келиб чиқадиган, том маънода анъанавий метод деб аташ мумкин. Унинг моҳияти шундан иборатки, ҳуқуқ бутун борлигича ўрганилади. У ҳеч нарсага таққосланмайди, иқтисодиёт, сиёсат, ахлоқ, бошқа ижтимоий ҳодисалар билан боғланмайди.

Бунда соф кўринишдаги ҳуқуқ – унинг тоифалари, тавсифлари, белгилари, таркиби, тузилиши, юридик техникаси ана шу усулнинг тадқиқот доирасига киради. Мазкур метод кўпдан маълум бўлиб, ўрта асрлардаёқ ҳуқуқий қоидаларни таъкил этиш ҳамда амалдаги қонунларни расмий таҳлил қилиш билан шуғулланувчи бутун бир мактаб ва йўналишлар (госсаторлар, постгоссаторлар) таркиб топган.

Ушбу методни улкан асос билан умумий бўлмаган – **алоҳида метод** деб аташ мумкин. Чунки, у фақат ҳуқуқни ўрганишдагина қўлланилади. Шуниси кизикки, бу ҳолатда **соф кўринишдаги ҳуқуқ** тадқиқот мавзуи бўлиб қолади. «**Соф**» ҳуқуқ назарияси (ҳуқуқ нормативчилиги мактаби) асосчиларидан бири Ганс Кельзеннинг ёзишича: «**Ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотнинг «соф»** деб аталишининг сабаби шундаки, у фақат биргина ҳуқуқ билан шуғулланади ва жиддий маънода ҳуқуққа алоқаси бўлмаган ҳамма нарсадан ўрганилаётган мавзуни «тозалайди»¹³.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳуқуқшунос олимлар бу методга анча юксак баҳо берадилар, баъзан баҳолари шу қадар жонли ва эҳтиросли бўладики, бу таъриф-тавсифларни баъдий наслдан деярли фарқ қилолмайсиз. Мана улардан бири:

¹³ Кельзен Г. *Чистое учение о праве*// *Чистое учение о праве Ганса Кельзена*. М.: 1987, 7-бет.

«Бу воситадан фойдаланиб (расмий юридик метод назарда тутилади), ҳуқуқий материянинг ич-ичига кириб бориш, ҳуқуқ анатомиясини икир-чикирларигача билиб олиш мумкин. Ҳуқуқ ва унинг таркибий қисмларини, қонунларни, айрим ҳуқуқий тавсияларга «ишлов бериш», ушбу методни жарроҳ пичогидек қўллаш билангина юридик норма қандай қисмлардан иборат эканлигини, унинг санкцияси қандай тузилиши кераклигини, ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат учун мажбурий таркибий қисмлар нималардан ташкил топиши зарурлигини аниқлаш мумкин»¹⁴.

Ваҳоланки, яқин-яқинларгача шўро ҳуқуқшунослик фанида давлат-ҳуқуқий ҳодисаларни расмий-юридик жиҳатдан қараб чиқиш кўпчиликка маъқул келмасди. Бу ўринда ўша вақтлардаги ҳуқуқ амалиёти учун ва нафақат ҳуқуқ, балки бошқа соҳалар учун ҳам ноёб бўлмаган бундай ёндашув ҳақида яқин ўтмишда кенг тарқалган бир ибора – «...расман тўғри, моҳиятан таққирнинг ўзгинаси» жумласини эслаш kifоя. Айни пайтда бу методни назар-писанд қилмаслик, унга эътиборсизлик билан қарашга асос йўқ. Расмиятчилик – ҳуқуқнинг ажралмас хусусиятидир. Расмий метод ҳуқуқ ва давлатни илмий идрок этишда мажбурий, зарурий босқичдир. Зеро, у олинган билимни тавсифлаш, умумлаштириш, таснифлаш, бир тизимга солиш, имкон қадар аниқ ва равшан етказиб беришга кўмаклашади. Расмий-юридик методнинг унсурларини давлат ва ҳуқуқ, айниқса, ҳуқуқий моделлаштириш, математик-статистика методлари каби ўрганиш воситаларида ҳам учратиш мумкин.

Давлат-ҳуқуқ объектлари мураккаб тизимлардан иборат эканлиги ва улар кечаётган жараёнларнинг зиддиятли ва хилма-хиллигини ҳисобга оладиган бўлсак, методларнинг бутун бир мажмуини қўллаш зарурати тушунарли бўлиб қолади. Улар орасида ҳуқуқий моделлаш методини алоҳида кўриб чиқиш жоиз. Унинг асосида ўхшашлик ғояси, турли хил объектлар ўртасида ўзаро бир хил мутаносиблик қарор топиши мумкин, деган тахмин ётади. Унга кўра, бундай мутаносиблик ўша объектлардан бирининг тавсифи (моделни) билиб олиш

¹⁴ Бабаев В.К. Предмет и метод теории права//Общая теория права. – Нижний Новгород. 1993, 46-бет.

ҳосилга бошқаси (асли) ҳақида етарли аниқлик билан мулоҳаза юритиш имконини беради.

Бундан ташқари, давлат ва ҳуқуқ назарияси мавзуининг муттасил кенгайиб ва мураккаблашиб бориш тамойилига эга яхшилиги уни тадқиқотларнинг барча аниқ ва жиддий методларига мурожаат этишга мажбур қилади. Буларга **математик, математик-статистика ва шунга ўхшаш методлар** кириши. Мазкур методлар давлат ва ҳуқуқни аниқ тадқиқ этишда ўз самарасини кўрсатди. Лекин улардан фойдаланиш компьютер техникасининг мавжуд бўлишини тақозо этади. Бу жд, ўз навбатида далилий, кўп миқдордаги фактик маълумотларни ишлашни тезлаштириш имконини беради.

Шундай қилиб, давлат ва ҳуқуқ назарияси методи ўз гуноҳлигига кўра мураккабдир. Юқоридагилардан ишонч ҳосил қилганимиздек, у давлат-ҳуқуқ ҳодисаларини билишнинг **умумфалсафий, умумилмий ва алоҳида методлари, воситаларининг яхлит тизимидан** иборат.

Яна бир жиҳатни таъкидлаш ва яхшилаб тушуниб олиш муҳимки, у ҳам бўлса – методология ҳеч қачон дастлабки кўринишича доимий ўзгармас ҳолатда қолиши мумкин эмас. У муттасил бойиб, ривожланиб боради, бу ҳолат бизга тадқиқот мавзуи – доимий ривожланишда бўлган давлат ва ҳуқуқни янада чуқурроқ ўрганиш имконини беради.

Бинобарин, давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳақидаги масала – давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларини тадқиқ этишнинг муайян назарий тамойиллари, мантиқий методлари, махсус воситалари мажмуи ҳақидаги масаладир.

4-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни ва роли

Давлат ва ҳуқуқ назарияси алоҳида ўз баҳс мавзуйига эга бўлиб, ҳуқуқшуносликка оид ва оид бўлмаган бошқа ижтимоий фанлар тизимида ўзига хос ўрин тутди. Бирок бу ўзига хослик унинг жамият ҳақидаги билимларнинг яхлит ва мураккаб тизимида қандайдир имтиёзли, боз устига алоҳида устувор мавқега эга бўлишини аңлатмайди. Моддий ва маънавий дунёнинг бирлиги фанларнинг ҳам муштараклигини тақозо этади.

Айнан шунинг учун ҳам ижтимоий, табиий ва аниқ (техника) фанлар ўртасида ўзаро мустаҳкам боғлиқлик мавжуд.

Тарихдаги кескин бурилишлар даврида ижтимоий фанларнинг мавқеи айниқса ошиб боради. Биз ҳозир ана шундай мураккаб бир даврда яшамокдамиз. Ўзбекистон Фанлар академиясининг умумий мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов олимларимиз, биринчи навбатда, ижтимоий фан вакиллари олдида турган улкан вазифалар ҳақида тўхталиб: «Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий давлатчиликни шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролар жамиятини қарор тоштиришдек улуғ орзу-умидлар билан яшар эканмиз, ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий изланишлар ва уларнинг натижаларига алоҳида эътибор бермаслик мумкин эмас»¹⁵, – деб таъкидлади.

Албатта, бугунги ижтимоий ҳаётнинг туб масаласи – давлат ҳақидаги, ҳуқуқ тўғрисидаги масаладир. Ижтимоий фанларнинг бундай мавқеи, улар ижтимоий шарт-шароитларнинг ўзгариши қонуниятларини ўрганиб, ижтимоий воқеликни қайта қуриш йўналишларини асослаш, жумладан, аниқ, табиий илмий билимлар учун ҳам илмий асосланган башоратлар беришлари билан боғлиқдир. Ўз навбатида, табиатни билишдаги, техника фанларидаги кашфиётлар ёхуд, аксинча, улардаги муваффақиятсизликлар ва хатоликлар жамиятшунослик барча тармоқларининг ривожига бевосита таъсир кўрсатади. Масалан, табиатга ваҳшийларча муносабат натижаси сифатида Оролнинг фожеали тақдири ҳаммининг ёдида. Эндиликда технократик ёндашувлардан, табиат илми фанларининг ўз қобиғига ўралиб қолиб кетишидан воз кечиш зарурлигини кўпчилик яхши тушунади. Ҳозир йирик табиий-илмий муаммолар ечимини ишлаб чиқишга иқтисодчилар, социологлар, файласуфлар, ҳуқуқшунослар, руҳшунослар, тарихчилар ҳамда ижтимоий фанлар соҳаларининг бошқа вакиллари ҳам тобора кўпроқ жалб этиляпти.

Табиийки, илмий билимлар муштараклиги, фанлар интеграцияси уларнинг маълум ўзаро фарқларини мутлақо инкор этмайди. Ҳар бир фан табиат ёхуд жамиятдаги ҳодисалар-

¹⁵ Каримов И.А. *Истиқлол ва маънавият*. – Т., «Ўзбекистон», 1994, 58-бет.

нинг муайян доирасини ўрганеди ва шунинг ўзи фанлар маъну доирасини ташкил этади.

Чунончи, давлат ва ҳуқуқ назарияси ўз баҳс мавзуга эга бўлиб, ҳуқуқшуносликка алоқадор бўлган ва бошқа ижтимоий фанлар тизимида тегишли ўринни эгаллайди. Шунинг учун давлат ва ҳуқуқ назариясини, бир томондан, юридик бўлмаган фанлар ва илмлар (иқтисодиёт, фалсафа, социология, сиёсатшунослик, этнография) билан, иккинчи томондан – юридик (давлат ва ҳуқуқ тарихи, сиёсий таълимотлар тарихи, соҳавий юридик) фанлар билан ўзаро муносабатини аниқлаш тўла асослидир. Бу ушбу фан мавзу доирасини аниқроқ белгилаб олиш ва, демакки, уни яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг юридик бўлмаган ижтимоий фанлар билан муносабатини ўрганишни барча фанларнинг «она»си деб аталадиган фалсафадан бошлаймиз. Албатта, бу ерда ҳеч ҳам муболаға йўқ. **Фалсафа – табиат, жамият ва тафаккур таракқиётининг умумий қонуниятлари тўғрисидаги фан.** Қолаверса, у – мавжудот ва билишнинг умумий тамойиллари, инсоннинг атроф муҳитга муносабати тўғрисидаги билимлар тизимидир. Фалсафанинг умуман ҳамда, хусусан, бизнинг навкирон давлатимиз учун аҳамиятини И.А.Каримов жуда яхши таърифлаб берган: «Ислоҳ динимизнинг муқаддас мероси – фалсафа илмини, хусусан, Шарқ фалсафасини теран ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва кадриятларимиз илдизларини жонлантириш, яқин ўтмишимиздан қолган мафкурадан халос бўлиш, ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аجدодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий-умумбашарий руҳ билан бойитиш ҳаммамизнинг долзарб вазифамиздир»¹⁶.

Фалсафа давлат ва ҳуқуқ масаласини ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Албатта, бунда мазкур жараёнларни тадқиқ этувчи махсус фанларнинг ўрнини босиш маъноси тушунилмайди. У, фақат давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти, табиати, ижтимоий ҳодисалар тизимидаги вазифалари ва ўрнини, уларнинг

¹⁶ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Т. «Ўзбекистон», 1996, 260-бет.

жамият тараккиёти ва шахс камолотидаги роли ва аҳамиятини белгилаб беради.

Давлат ва ҳуқуқ назариясига келсак, у юқорида таъкидланган муаммоларни батафсил, барча фарқлари, нозик жиҳатлари ва кўринишларини, пайдо бўлиш ва ривожланиш қонуниятлари, асосий тамойилларини чуқур ва мукамал ҳолда ўрганади. Шундай қилиб, барча юридик ва умуман ижтимоий фанлар учун фалсафа назарий асос ҳамда маълум даражада методологик йўналиш берувчи илм сифатида хизмат қилади. Айнан шунинг учун ҳам ҳуқуқий ҳаёт ҳодисаларини фалсафий нуқтаи назардан идрок этиш ҳуқуқшунослик фанини ижодий ривожлантириш, амалдаги қонунларни янада такомиллантириш кафолатидир. Фалсафа фани ютуқлари давлат ва ҳуқуқнинг моҳиятини, уларнинг ишлаш – амал қилиш механизмини, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва бошқарувчилик таъсири шакллари яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Бунинг устига **фалсафа негизида ҳуқуқшунослик фанларининг асосий категориялари ишлаб чиқилади.**

Давлат ва ҳуқуқ назарияси социология фани билан ҳам ўзига хос муносабатга эга. Социология – бус-бутун яхлит тизим сифатида олинган жамият тўғрисидаги ҳамда алоҳида ижтимоий тартиблар, жараёнлар, гуруҳлар тўғрисидаги фан бўлиб, социум (жамият)нинг давлат ва ҳуқуқ сингари муҳим қисмларини ўрганади. Демак, давлат ва ҳуқуқ жамиятшунослик категорияларидан бўлиб чиқяптими? Шубҳасиз, шундай. Бирок, давлатнинг ижтимоий асосларини, ҳуқуқнинг ижтимоий қимматини ажратиб кўрсатар экан, масаланинг давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий шакллари ёхуд ижтимоий муносабатларни юзага келтириш ва тартибга солиш ҳуқуқий усуллари каби юридик жиҳатларини эътиборсиз четлаб ўтади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси сиёсат, сиёсий жараёнлар, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, тизимларни ўрганишдан иборат бўлган сиёсатшунослик фани билан ҳам ўхшашдир. Сиёсат, албатта, давлат ва ҳуқуқ ҳаёти билан чамбарчас боғланиб кетган. Бирок, сиёсий ҳокимият сиёсий тузумларда ҳам, ижтимоий муносабатларнинг бошқа шаклларида ҳам амал қилади. Ушбу материаллардан фойдаланиб, давлат ва ҳуқуқ назарияси универсал умумҳуқуқий концепциялар, категориялар, тушунчаларни ишлаб чиқади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси тарих фани билан ҳам узвий алоқадордир. Тарих, маълумки, жамият тўғрисидаги, жамиятшуносликка оид фандир. У инсоният маданий-маънавий тараққиётнинг ҳар хил турлари ва даврлари, жамиятнинг ривожланиш йўллари ва тикланиш босқичларини, инсониятнинг ўтмишдан келажак томон юксалиб бориш сабаблари ва моҳиятини тадқиқ этади. Муайян халқлар, давлатларнинг муайян даврлардаги ҳаётининг аниқ шакллари ва тажрибасини ва ҳатто айрим ҳуқуқий-тарихий ёдгорликларни ҳам ўрганади. Лекин тарих фани учун вақт чегаралари муҳимдир. У умумлашма хулосалар чиқармайди, қонуниятлар кетидан қувмайди, айти шу жиҳатлари билан давлат ва ҳуқуқ назариясидан фарқ қилади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси иқтисод назарияси фани билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки, иқтисод назарияси жамиятдаги иқтисодий-моддий ишлаб чиқариш муносабатларини, айирбошлашни, тақсимотни, ишлаб чиқариш усулларини, унинг тарихий хилларини ўрганар экан, бунда давлат ва ҳуқуқнинг аҳамиятига ва унинг ўрнига алоҳида эътибор беради. Бозор муносабатларини шакллантиришда, иқтисодий ислоҳотларни олиб боришда давлат ўзининг бош ислоҳотчилик фаолиятини ҳуқуқ орқали амалга оширишини бу фан албатта ҳисобга олади.

Шундай қилиб, давлат ва ҳуқуқ назарияси илмининг фалсафа, социология ва бошқа ижтимоий фанлар билан ўзаро муносабатлари моҳияти ва зарурати нималардан иборатлигини умумий тарзда кўриб чиқдик. Бирок, шу муносабат билан бир муҳим нарсани – ҳеч бир бошқа фан, шу жумладан, фалсафа ҳам, сиёсатшунослик ва иқтисодий назария фанлари ҳам давлат ва ҳуқуқ назарияси учун қандайдир йўл-йўриқлар кўрсатувчи, унинг тараққиётини белгилаб берувчи вазифани ҳеч қачон ўтай олмаслигини англаш ва ёдан чиқармаслик лозим. Буни эътибордан соқит қилмаслик зарур. Зеро, яқин-яқинларга қадар ҳам марксизм-ленинизм, айтмики, унинг тарихий материализмдек таркибий қисми давлат ва ҳуқуқ назариясининг асосий мазмун-моҳиятини белгилаб беради, деган гайриилмий таълимот ҳукмронлик қилиб келарди.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда бўлганидек, бизнинг республикамизда ҳам, собиқ Иттифок ўрнидаги бошқа мам-

лакатларда ҳам барча ижтимоий фанлар – иқтисодий, сиёсий фанлар, экологик билимлар, бошқарув фанлари, ижтимоий-илмий йўналишлар учун давлат ва ҳуқуқ назариясининг роли, унинг аҳамияти ғоят даражада долзарб ва ўта муҳимдир.

Узоқ вақтлар давомида, Шўро тузуми даврида давлат ва ҳуқуқ назарияси фанига ўта нописанд муносабат ҳукмрон бўлиб келгани илмнинг бу муҳим тармоғига муносабатни кескин ўзгартиришни қатъий тақозо этди. Масалан, иқтисодий билимлар етакчи вакилларининг бу фанга бўлган муносабатини олайлик. Уларнинг даъволарича, ғўё таркибига давлат ва ҳуқуқ ҳам қирадиган устқурмага нисбатан «иқтисодий базиснинг белгиловчи роли» Маркснинг «ҳуқуқ иқтисодиётдан юқори туриши мумкин эмас», деган хулосасидан келиб чиқади.

Афсуски, иқтисодий билимнинг кўпчилик вакиллари ҳуқуқнинг мунтазамлилик тамойилига асосланган бутун тизимдан иборат эканлигини, шунингдек, ишлаб чиқилмаган ҳуқуқий шаклга ёхуд бошқа ҳуқуқий ечимларга зид бўлган ҳуқуқий шаклга қийинтирилган иқтисодий хулосалар иш бермаслигини ҳисобга олишмасди, аниқроғи, назар-писанд қилишмасди. Бу эса барча яхши иқтисодий мақсад ва ниятларни барбод этишини тажриба исботламоқда. Мисол тариқасида Егор Гайдар ва унинг тарафдорларининг 90-йиллардаги орзу-умидларини келтирамыз. Уларда «иқтисодий детерминизм» деб аталувчи нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишлари ҳақидаги материалистик таълимот доирасида ҳуқуқий расмийлаштирилмаган иқтисодий ечимларнинг ўзи етарлилиги ҳақидаги тасаввурлар устун турарди.

Бозорга ҳос бўлган рақобат ҳар қандай бозор истеъмол молларига тўлиб бориши билан нарх-навонинг ўз-ўзидан пасайишига олиб келади, иқтисодий муносабатлар ўз-ўзидан ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, деб ҳисобланарди. Эндиликда ғоят қудратли ва серқирра ҳуқуқий таъминотсиз ислохотлар юришмаслиги равшан бўлди. Республикамызнинг иқтисодий фаолият тажрибаси эса иқтисодий ислохотларни давлатсиз, ҳуқуқсиз амалга ошириб бўлмаслигини яна бир бор тасдиқлади.

Ўз ривожланиш ва тараққиёт йўлини танлаган республикамизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асосий омилларидан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий пойдеворини яратишдан иборат. Аввал бошданок ўтмиш ҳатоларидан муҳим хулоса чиқарилди – зарур ҳуқуқий таъминотсиз ва тегишли қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатларсиз амалда ислохотларни рўёбга чиқаришнинг ишончли кафолатларини, ислохотлар рўёбга чиқарилишининг кафолатларини яратиб бўлмаслиги эътироф этилди. Таъкидланганидек, мустаҳкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жаmiят қуриш мумкин.

Шундай қилиб, давлат ва ҳуқуқ назарияси иқтисодий ислохотларнинг итоаткор хизматкори эмас. Республикамизда ҳокимият тепасида турганлар буни яхши тушунадилар.

Бунинг устига республикамизда инсон ва фуқаро ҳуқуқларини ҳимоялаш масаласига нақадар катта эътибор бериб келинаётгани маълум. Олий Мажлиснинг сессиясида таъкидланганидек, инсон ва фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш ҳозирги вақтда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бинобарин, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги, юксак ижтимоий бойлик сифатида унинг кадр-қимматини тушуниш давлат ва ҳуқуқ назариясини амалда республикамиздаги ўзгаришларнинг олдинги жабҳаларига олиб чиқиб қўймоқда.

Бундан яна ҳам кенг қамровли чуқур хулосалар чиқариш мумкин. Ўзбекистонда давлатчиликнинг ҳуқуқий асослари кучайиб бориши, ҳуқуқий маданият, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳуқуқий таълим ва, шу жумладан, юридик таълим ҳам ривож топиб бориши билан давлат ва ҳуқуқ назариясининг ҳамда барча юридик фанларнинг ижтимоий фанлар бутун тизимидаги аҳамияти ҳам ортиб боради. Бу – ижтимоий тараққиётнинг муҳим талабидир.

5-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси юридик фанлар тизимида

Давлат ва ҳуқуқ назариясини турли ижтимоий фанлар билан қиёслаш улар ўртасида узвий алоқа ва ўзаро боғлиқлик мавжудлиги тўғрисида хулоса чиқаришга олиб келди. Ҳатто улар ғоялари, қоида ва хулосаларининг бир-бирларига сингиб бориши каби жараёнлар маълум бўлди. Гап давлат ва ҳуқуқ назариясининг юридик фанлар тизимидаги ўрни ҳақида борганда, бу ҳолатлар янада яққолроқ кўринади. Чунки, юридик фанлар давлат-ҳуқуқ мавжудлигининг у ёки бу жиҳатлари, қисмлари, хусусиятларини муайян нуктаи назардан туриб, муайян даражада ўрганати. Давлат ва ҳуқуқ назарияси кўпгина таркибий қисмлар ва кичик тизимлардан иборат бўлиб, уларнинг қайсилари ва қай даражада ўрганилишига қараб, юридик фанлар ҳам бўлиниб кетади.

Фанда таркиб топган умумий қоидага мувофиқ барча **юридик фанлар учта катта гуруҳга бўлинади. Булар фундаментал тарихий-назарий, соҳавий ва амалий юридик фанлардир.**

Юридик фанларнинг ҳозирги вақтда амалда бўлган таснифи куйидаги бўлимлардан ташкил топган:

- 1) *тарихий-назарий;*
- 2) *хорижий давлат ва ҳуқуқни ўрганадиган;*
- 3) *соҳавий;*
- 4) *соҳалараро;*
- 5) *амалий юридик;*
- 6) *ҳалқаро ҳуқуқ фанлари.*

Бироқ ушбу таснифдан бошқача кенгрок тасниф ҳам мавжуд. Чунончи, юридик фанлар тизими мазкур соҳага оид билимлар ҳажмига кўра:

- 1) *давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи;*
- 2) *давлат ҳуқуқи ва бошқарув, давлат қурилиши, маъмурий ҳуқуқ, молиявий ҳуқуқ;*
- 3) *фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик процесси, халқаро хусусий ҳуқуқ;*
- 4) *ҳўжалик ҳуқуқи, арбитраж процесси;*
- 5) *меҳнат ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи;*

- 6) қишлоқ хўжалик ҳуқуқи, ер, сув, ўрмон ва қон ҳуқуқи;
- 7) жиноий ҳуқуқ ва криминология; ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи;
- 8) жиноят иш жараёни ва криминалистика;
- 9) халқаро ҳуқуқ;
- 10) суд тузилиши, прокурор назорати, адвокатурага бўлинади.

Албатта, булардан бошқача таснифлар ҳам мавжуд. Булар жадал ўзгариб боровчи ҳаёт ҳодисалари ёки бўлмаса муамлифлар субъектив тасаввурлари натижасидир. Чунончи, уларнинг баъзилари тарихий-юридик туркумга Рим ва муслимон (ислом) ҳуқуқларини киритишса, хўжалик-ҳуқуқий (хўжалик ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи) туркумини фуқаролик-ҳуқуқий туркум (фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи ва ҳоказо)дан ажратишади.

Бизнинг назаримизда, мазкур муаммо бўйича барча нуқтаи назарларни келтириб ўтириш ва, айниқса, улардан бирортасига устуворлик бериш зарурати йўқ. Бунинг имкони ҳам йўқ.

Ҳар қандай янги андоза ва тузилмалар ҳозирги замон ҳаётининг тез ўзгариб боровчи ҳолатини бирдек ифодалаб беролмайди. Фанда янги йўналишларнинг пайдо бўлиши, фан-техника тараққиёти фазовий, атом, компьютер каби ҳуқуқ бўлимлари пайдо бўлишини тақозо этди. Сиёсий ҳаётдаги янги воқеликлар, бозор муносабатларининг ривож топиши ҳуқуқшуносларда тижорат, солиқ, биржа ва бошқа ҳуқуқларни яратиш (ёки улар устида ишлаш)га рағбат уйғотди.

Маълумки, соҳавий ёки махсус юридик фанлар кўпинча давлат ёки ҳуқуқий ҳаётнинг бирон тармоғи, йўналиши ёхуд жиҳатини тадқиқ этиш билан шуғулланади. **Давлат ва ҳуқуқ назарияси улардан фарқли ўлароқ, давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг умумий, лекин ўзига хос хусусиятларини ўрганади.**

Шу тарзда давлат ва ҳуқуқ назариясини ўзига хос бир ҳовуз деб тасаввур этсак, айрим юридик фанлар унинг тагига «инъонгиши» ва яна юзага «сузиб чиқиши» мумкин. Фикримизни мисоллар ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Шўро даврида давлат ва ҳуқуқ назарияси умумий қонуниятларини билишнинг барча жиҳатлари (фалсафий, сиёсий ҳамда

социологик жиҳатлари) ягона бир фанга – давлат ва ҳуқук назарияси фанига тикиштирилганди. Бирок, кейинги пайтларда етарли даражада асосга эга бўлган таклифлар, талаблар, мулоҳазалар пайдо бўлмоқда. Улар, жумладан, давлат ва ҳуқук назариясидан сиёсий фанлар, ҳуқук фалсафаси, ҳуқук социологияси, ҳуқук этикаси, ҳуқук энциклопедиясини, ҳуқуқий мафқурани ажратиб чиқаришдан иборат.

Бирок, бу юридик фанлар тизимидаги билимларнинг мустақил илмий тармоғи сифатида давлат ва ҳуқук умумий назариясининг аҳамиятини бирон-бир даражада камситмайди. Ҳолбуки, ҳаётимизда давлат-ҳуқук қонуниятлари объектив суратда амал қилади. Уларни билмай туриб, соҳавий ёхуд махсус юридик фанлар ўрганадиган ҳодиса ва жараёнлар ва нарсаларни ўзлаштириш мумкин бўлмай қолади.

Чиндан ҳам юридик фанлар ҳуқуқнинг моҳияти, мазмуни ва шаклини, ҳуқуқ соҳалари ва тартиботларини, ҳуқуқ тизими ва таснифи, ҳуқуқий меъёрлари ва ҳуқуқий муносабатларни илмий идрок этмай туриб, фақат ижтимоий қимматга эга бўлган натижаларгагина таяниб, қандай қилиб самарали ривожланиш мумкин? Хатти-ҳаракатларнинг қонунийлигини, ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик, қонунийликнинг умумий масалаларини, яъни ҳуқуқ умумий назарияси шуғулланадиган масалаларни билмасдан жиноятчиликка қарши, айниқса, унинг мураккаб ва уюшган шаклларига қарши самарали кураш олиб бориш мумкин эмас.

Ёки бошқа бир мисолни олайлик. Ҳозир ҳаммамиз мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш зарурияти ҳақида гапиряпмиз. Халқимиз мазкур масалага онгли равишда тушуниб ёндашмоқда. Лекин шундай саволга жавоб беринг-а: давлатнинг моҳияти, мазмуни, шакллари, унинг ижтимоий роли ва вазифаси тўғрисидаги фундаментал тушунчаларсиз ушбу қатга аҳамиятга молик, долзарб вазифани ҳал этиш мумкинми?!

Демак, давлат ва ҳуқуқнинг умумий назарияси ўзининг махсус ва соҳавий юридик фанларга бўлган муносабатида умумлаштирувчи, раҳбарий, йўналтирувчи, методологик аҳамиятга молик фан бўлиб, у соҳавий ва махсус юридик фанларнинг назарий асосларига оид муаммоларни ишлаб чиқиш учун зарур.

Аммо бир иштибоҳдан огоҳлантириб кўйиш даркор. Худди натурфилософия (табиат фалсафаси) аниқ табиий илмий билим ўрнини босолмай, у ёки бу фан соҳалари олдидаги конкрет вазифаларни ечишни удалай олмасдан ўз тарифларини метафизиканинг боши берк кўчасига олиб кириб кўйганидек, ҳуқуқ назарияси ҳам ҳуқуқий билимнинг махсус соҳаларига хос муаммоларни ечишга уринмаслиги керак, бунинг уддасидан ҳам чиқолмайди. Бу вазифа ўз махсус назариясига эга бўлган соҳавий фаннинг фаолият доирасига киради.

Ҳақиқатан ҳам, процессуал фанлар далиллар назариясини ривожлантиради, унинг асосий қоидаларидан айримларини ҳуқуқ назарияси ҳам ўрганади. Фуқаролик ҳуқуқи фани, жумладан, мажбурият ҳуқуқи, интеллектуал мулк, юридик шахс, мулкий жавобгарлик назариясини ишлаб чиқади. Бирок, умумназарий қоидалардан фойдаланилмаганда, мазкур илмий билимлар жўн позитивизмга, у ёки бу қонун ҳужжатлари ва улар айрим моддаларининг оддий баёнига айланиб қолган бўларди. Шунга қарамай, умуман олганда, ҳуқуқ умумий назариясининг тармоқ фанлари билан ҳамкорликдаги фаолияти ўзаро фойдали, объектив бўлиб, ҳозирги замон ҳуқуқ назариясига хосдир.

Демак, давлат ва ҳуқуқ умумий назарияси махсус ва соҳавий фанларга нисбатан дастурий, йўналтирувчи, методологик аҳамиятга эга бўлган умумлаштирувчи фан сифатида майдонга чиқади. У соҳавий ва махсус юридик фанлар шугуланувчи махсус, тор доирадаги муаммоларни ишлаб чиқиш учун ҳам керак. Боз устига давлат ва ҳуқуқ умумий назарияси соҳавий билимлар тайёрлаган хулосаларни тадқиқ қилади ва тартибга солади, улардан ўз илмий ғояларини шакллантиришда фойдаланади. Шу билан бирга бу – унинг хулосалари ихтисослашган ёки соҳавий юридик фанлар хулосаларининг оддий йиғиндиси ёхуд мажмуидан иборат, деган маънони англатмайди. Бу ерда ҳамма нарса биз ўйлагандан кўра анча мураккаброкдир.

Қадимдан маълумки, ҳар қандай фаннинг назария савияси қанчалик юқори, илмий замини мустаҳкам бўлса, унинг илмий-методологик аҳамияти ҳам шунчалик юксак бўлади. Давлат ва ҳуқуқ умумий назарияси ҳақида гап кетганда, бу

фикр ўн чандон, юз чандон кўпроқ керак ва муҳимроқдир. Биринчи навбатда бу давлат ва ҳуқуқ назарияси амалиёт билан нафақат тармоқ ёки ихтисослашган фанлар орқалигина эмас, балки бевосита боғлиқ эканлиги билан ҳам изоҳланади.

Агар яна соҳавий фанлар ўз тадқиқотларида фақат ҳозирги замон давлат амалиётига, амалдаги ҳуқуққа урғу бериши, айни пайтда эса, давлат ва ҳуқуқ умумий назарияси илмий текширишларида макон ва замонда чекланмаганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг ўзаро бир-бирларини бойитиши равшан бўлиб қолади ҳамда давлат-ҳуқуқий воқелиги кўлами янада тўғрироқ ва яхлитроқ бўлади.

6-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг функциялари

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг ривожини фақат унинг олдида турган вазифалар билан белгилашмай, балки у бажарилган функциялар билан ҳам боғлиқдир. Давлат ва ҳуқуқ назарияси функциялари тўғрисидаги масала моҳиятан юридик фан, жилла бўлмаса, унинг назарий қисми жамият учун, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш учун, давлатчиликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини барқарорлаштириш учун нималар қилаётгани ҳақидаги масала ҳамдир. Чунончи, эвристик функция фан тараққиёти билан боғлиқ. Эвристика («эуриско» юнонча – «топаман») – ҳақиқатни топиш, аниқлаш санъати. Давлат ва ҳуқуқ назарияси шундай мантикий усул ва услубий қоидалар тизимига эгаки, улар фақат давлат ва ҳуқуқни ривожлантиришдаги янги қонуниятларни билибгина қолмай, бу қонуниятларни кашф этиш имконини ҳам беради. Бу эса, ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришлар босқичининг мураккаб вақтларида жуда муҳимдир.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси соҳавий ва ихтисослашган юридик фанлар учун фундаментал фан сифатида методология хизматини ўтайди, яъни уларга нисбатан методологик функцияни бажаради. Давлат ва ҳуқуқ умумий назарияси тушунчаси ва концепциялари соҳавий ва махсус фанларнинг асоси бўлиб майдонга чиқади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат-ҳуқуқ ҳодисаларини ўрганиш билангина чекланмай, ҳуқуқ, ҳуқуқий ва давлат

тармоқларини қайта қуриш тамойилларини ҳам ишлаб чиқди. Давлатнинг ўзи сиёсий кураш маркази сифатида мийдонга чиқади, шунинг учун давлат ва ҳуқуқ назариясининг яна бир муҳим функцияси – **сиёсий функция**дир. Сиёсат (арабча «сиёсатун» – раҳбарлик, бошчилик қилиш) давлат ҳокимиятини амалга ошириш ва сақлаб қолишга йўналтирилган ижтимоий фаолиятни, мамлакат ичкарисидаги ва хорижий давлатлар билан муносабатлардаги давлат фаолиятининг муайян йўналиши ва тарзини ҳам англатади. Мамлакат сиёсий йўли ҳуқуқшунослик фаолиятида ҳам, амалдаги қонуқчиликда ҳам ўз ифодасини топади.

Сиёсий функция билан мустаҳкам алоқада бўлган **мафкуравий вазифа** (функция) ҳам мавжуд. Мафкура (арабча «факкара» – ўйламоқ, фикр юритмоқ) ва фаннинг мафкуравий вазифаси сиёсатнинг дунёқараш билан боғлиқ жихатини акс эттиради. Бу ерда ҳам, олдиндан огоҳлантириб шуни айтиш жоизки, мафкуравий функцияга чидашга тўғри келадиган ёвузлик сифатида қараш керак эмас. Уни ҳукмрон партия у ёки бу сиёсий йўлини оқлаш мажбурияти сифатида, назарий «асосчилари» фикрларидан иқтибослар келтириш, фаннинг энг сўнгги ҳақиқатини айтиши, айниқса, бошқа фан соҳалари вакилларига «ўргатиб қўйиш» ҳуқуқи даъвогарли сифатида тасаввур этиш керакмас. Албатта, яқин ўтмишда шундай бўлганди. Бироқ, биз бундай қолиплардан воз кечишимиз зарур.

Ҳозирги замон мафкураси ва унинг мамлакатимиз ва халқимиз тақдиридаги аҳамиятига келсак, бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов шундай дейди: **«Олдимизда турган энг муҳим масала, бу – миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизда татбиқ этишдир.**

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим»¹⁷.

Онгли тарзда тушуниладиган ва қабул қилинадиган мафкуравий функция, ҳуқуқ, давлат мамлакат иқтисодий-

¹⁷ Каримов И.А. *Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура*. 1-том, Т., «Ўзбекистон» 203-бет.

ижтимоий ҳаётида, маданият соҳасида, ижтимоий онг соҳасида салмоқли роль ўйнашини эътироф этишдан иборатдир.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг ташкилотчилик ёки амалий ташкилотчилик функцияси ҳар қандай йўналишда фаолият юритувчи юристнинг ўзи қатнашган у ёки бу назарий-маърифий моделларни ҳақиқатда амалга оширишдан манфаатдорлиги билан боғлиқ. Давлат ва ҳуқуқ назариясига яна давлат ва ҳуқуқий ҳаётнинг турли жараёнлари ва ҳодисаларини ислоҳ қилиш воситаси сифатида ҳам қараш мумкин.

Умумий назариянинг амалий-ташкилотчилик томони турли халқлар, давлатлар дуч келаётган энг мураккаб муаммолар ечимларини излаб топишда намоён бўлиши керак ва шундай бўлмоқда. Бу, айниқса, собиқ Иттифоқ республикалари халқлари учун долзарбдир.

Кишиларда, давлат ва ҳуқуқ назарияси бир лаҳзалик ўтқинчи муаммолар билан шуғулланар экан-да, деган нотўғри фикр туғилиши ҳам мумкин. Лекин бундай фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки унинг яна ҳам муҳим вазифаси – муаммоларнинг пайдо бўлишини айтиб беришдан иборат. Бу вазифани давлат ва ҳуқуқ назариясининг **прогноз – башорат қилиш функцияси** бажаради. «Прогносис» юнончадан таржимада «олдиндан айтиб бериш», муайян маълумотлар асосида «олдиндан кўра билиш», деган маъноларни билдиради.

Давлат ва ҳуқуқ назариясида давлат-ҳуқуқий ривожланишининг кашф қилинган қонуниятлари назарияси, унинг томонидан исботланган фактлар, тўпланган статистика маълумотлари олдиндан башорат қилишга асос бўлади. Юридик фандаги ишлар аҳволи учун масъулият шу назария «зиммасида»дир. Бундан ташқари, у нафақат юридик, ижтимоий, балки тиббиёт ва техника фанларини интеграциялаш вазифасини ҳам бажариши керак. Унинг томонидан қилинган башоратларнинг тўғри бўлиши кўп жиҳатдан давлат-ҳуқуқ муҳитини бир бутун яхлитликда кўра билиш қобилиятидан, шу мақсадда барча фанлар берган маълумотлардан фойдалана олишга боғлиқ.

Юқорида сўз борган барча функциялар ҳақиқатан ҳам жуда муҳимдир, бироқ, бунда давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги фан назарий фаннинг муваффақиятли ривожини, албатта барча вазифаларнинг ўзаро мустаҳкам боғлиқлиги, мушта-

раклигини тақозо этади. Шунга кўра, прогнозлар фақат амалиётга асосланиши мумкин, амалиёт эса, барча функцияларнинг амалга оширилиши билан таъминланади.

Айтилганлардан давлат ва ҳуқуқ назариясининг келажакги норлоқ, деган хулоса келиб чиқади. Зеро, унинг аҳамияти мутғасил ортиб боради. У босиб ўтган йўлнинг ўзи ҳам таҳсинга лойиқ. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг шаклланиши ва ривож топишига унинг муаммолари устида турли мамлакатларда иш олиб борган кўплаб атоқли олимлар катта ҳисса қўшишган. Булар – Хитой легистлари-ю Ману қонунлирининг номаълум тузувчилари, ҳар биримизга маълум Юнонistonнинг машҳур мутафаккирлари-ю, қадимги Римнинг сиёсий нотиклари, ўрта аср Уйғониш даври назариётчилари, диниёт ҳақида, ҳуқуқ тўғрисида ҳозирги замон қарашларининг асосчилари, янги замон ва буржуа инқилоблари оралиги сиёсатчилари, немис классик файласуфлари, француз мифрифатпарварлари-ю итальян сиёсатчиларидир.

Ислом юридик тафаккурининг ҳам бунда ҳиссаси салмоқли.

Россиянинг Октябрь инқилобигача бўлган юридик фани ҳам муайян ҳисса қўшган. Шўро даври давлат ва ҳуқуқ назариётчилари ишлари ҳозиргача маълум даражада ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Бундан ташқари, республикамызда юридик фanning мазкур йўналиши ривожда бошдан кечириладиган босқич ҳуқуқшунослик ва давлатшуносликнинг бир қатор фанлари тараққиётида гоаят самарали бўлиши мумкин.

Давлат ва ҳуқуқ умумий назариясини ишлаб чиқишга республикамыз Президенти Ислом Каримов мислсиз ҳисса қўшди. Унинг кўплаб асарлари шу йўналишда иш олиб бораётганларга методология хизмати, илмий-амалий қўлланма вазифасини ўташи мумкин.

Айтиш керакки, юридик фанлар бизнинг республикамызда ҳамиша ривожланишда бўлган. Бироқ тоталитар тузум даврида кўп мавзулар тақиқланган ёки ёпик эди. Чунончи, ислом ҳуқуқшунослиги билан шуғулланишга деярли имкон бўлмаган. Ваҳоланки, бизнинг минтақамиз учун, бутун жаҳон ҳам-жамияти учун ҳам унинг аҳамияти бекиёсдир. Бу улкан ва жиддий масала бўлиб, алоҳида суҳбатга мавзу бўлишга лойиқ.

7-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг ўқув фани сифатидаги тузилиши

Анъанага кўра давлат ва ҳуқуқ назариясига ушбу ўқув фанининг умумий тавсифи масалалари (предмет ва метод, ижтимоий ва юридик фанлар тизимидаги ўрни), давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва даврийлаштирилиши билан боғлиқ масалалар (давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, ҳуқуқ ва давлат тушунчаси, моҳияти, типологияси, таснифи) киради.

Ҳуқуқнинг умумий назариясига оид масалалар гоят кенг қамровли (ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни нормативлар орқали бошқариш тизимида; ҳуқуқ тамойиллари, шакллари, манбалари, унинг ижтимоий қадрият эканлиги; ҳуқуқ ва ахлоқийлик, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият; юристнинг профессионал ҳуқуқий онги; ҳуқуқ нормалари тушунчаси, белгилари, таркиби ва турлари; ҳуқуқий ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар – тушунчаси, тамойиллари, тузилиши турлари; ҳуқуқ тизими ва қонунчилик тизими; ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси, таркиби, турлари; ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни татбиқ этиш, ҳуқуқий тизимлар). Сиёсий тузум тушунчаси, давлат ҳокимияти, бошқарув, давлат аппарати, шунингдек, давлат шакллари (бошқарув шакли, давлат тузилиши шакллари, давлат режими), унинг функциялари ва механизмлари тавсифи давлат ва ҳуқуқ умумий назарияси масалаларини ташкил этади. Масалаларнинг мустақил гуруҳига ҳуқуқ-тартибот муаммолари (ҳуқуқий хулқ-атвор, ҳуқуқбузарлик тушунчаси, белгилари, турлари, юридик масъулият тушунчаси, белгилари, турлари, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот; ҳавфсизлик, ҳуқуқий давлат) киради.

8-§. Инсонпарварлик ва умуммаданий қарашлар давлат ва ҳуқуқ назарияси асослари сифатида

Ҳозирги замон босқичида инсонпарварлик, умуммаданий қарашлар давлат ва ҳуқуқнинг дунёқараш, фалсафий асослари ҳисобланади. Фақат улар оддий баёнотлардангина иборат бўлиб қолмай, инсонлар ҳаётида фаол, ижобий кучга айланиши шарт. Бунга эришиш осон эмас. Бунинг учун:

биринчидан, инсонпарварлик тафаккури шиорлар, чақириқлар, яхши истаклардан иборат бўлмай, балки аниқ, умумаҳамиятга сазовор тамойиллар ва институтларда ўз татбиқини топиши керак. Уруш ва инқилоблар, тоталитаризм лиҳшатларини бошидан кечирган замонамиз инсонлари учун табиий ҳуқуқлар категориялари ва уларнинг ўзаги бўлмиш инсоннинг туғма ажралмас ҳуқуқлари – унинг шаъни ва қиър-қиммати алоҳида аҳамиятли ва қимматли;

иккинчидан, «инсонпарварлик ...етарли даражада чуқур философий заминга эга бўлиши, жамиятнинг яшаши ва ривож топишини, унинг босқичлари, фазаларини белгилаб берувчи асосий ижтимоий кучлар моҳияти тушунчаси билан боғлиқ бўлиши зарур»¹⁸;

учинчидан, инсонпарварлик асослари ҳуқуқ моҳиятининг ўзида акс этиши жуда муҳимдир. Зеро, сўз қоғозга битилган ҳуқуқларнинг ўзларининг кўп қиррали маънавий-ахлоқий мазмунларига бўлган мураккаб зиддият нисбатлари ҳақида кетмоқда. Ўз навбатида, бу нисбатлар муайян давр ёхуд муайян мамлакат шароитларига боғлиқдир.

Инсонпарварлик дунёдаги барча халқлар, миллатларга ҳос бўлган умумий хислат ва фазилатлардан бири ҳисобланади. Бу умуминсоний қадрият энг қадимий туркий халқлардан саналган ўзбекларга ҳам тўла тааллуқлидир. Республикамиз Президентининг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» асарида бу ҳақда ажойиб фикрлар баён этилган: «Инсонпарварлик – бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир. Бизнинг халқимиз ўзининг воқеаларга бой кўп минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошидан кечирди – маданият, илм-фан, ўз давлатчилиги ютуқлари нашидасини сурди, ўзаро низолар, бегоналар асорати азобини тортди, энг яхши ўғил-қизларидан жудо бўлди. Лекин тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жангу жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ туширолмади. Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва ёруғлик, болаларга меҳр, катталарга ҳур-

¹⁸ Алексеев С.С. *Теория права*. – М.: Издательство «Бек». 1993, 23-бет.

мат, яқинларга ва бошқаларнинг қайғусига ҳамдардлик му- жассамлашгандир»¹⁹.

Дастлаб, жамият нимадан иборатлигига ва уни «бошқара- ётган» кучларга алоқадор бир нечта энг умумий қоидаларни кўриб чиқайлик. С.С.Алексеевнинг таъкидлашича, «Киши- лик жамияти шафқатсиз ва чорасиз табиат тобелигидан ажра- либ чиққан ҳамда ўз-ўзини қўллай оладиган, энтропия²⁰га қарши тура оладиган онгли мавжудотларнинг ўз-ўзидан ри- вожланувчи тизимидан иборат. Жамият тизимлар сифатида ўз-ўзини ривожлантириш учун заминга эга бўлиши *инсония- т цивилизациясининг* бошланғич нуқтаси бўлди»²¹.

Цивилизация шароитларида жамиятнинг бош хусусияти *озодлик* бўлиб, у аста-секин юзага келадиган сермаъно, зид- диятли, ҳам ижобий, ҳам салбий хислатларга эга бўлган ҳодисадир. «Озодликнинг ижобий томони, – деб таъкидлай- ди олим, – ақл-идрок асосида ривожланишнинг мислсиз имкониятларидан иборат, – моҳиятан у олий мақсадлар, орзу- умидлар, ҳаёт завқларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ коинотдаги янги даврни билдиради».

Салбий томони – жамиятнинг тобора кучайиб бораётган табиатдан узилиш хавфидир (бунда яқин ўтмишда кенг тар- қалган «биз табиатдан инъом-эҳсон кутиб ўтиролмаимиз, ундан ундириб оламиз», деган шиорни эслайлик). Бу эса, жиддий фалокатларга, ҳатто инсониятнинг оммавий ҳалока- тига олиб келиши мумкин.

Цивилизация шароитларида жамиятни «бошқарувчи», унинг ўз-ўзини ривожлантирувчи кучларига келсак, улар – *ҳокимият, мулк, гоядир*.

Ҳокимият – одамларни бўйсундириш ва улар устидан ҳукм- ронлик қилиш муносабатларидир. Бирок, унинг бўлиши объек- тив заруриятдир, шунинг учун ҳам кўпинча ижобий тусга эга бўлади. Чунки, жамиятни барқарорлаштириш, унинг ташки- лий уюшқоқликлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу муно- сабат билан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Олий

¹⁹ Каримов И.А. *Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сийosat, мафкура*. 1-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 77-бет.

²⁰ Энтропия – тизимнинг ички тартибсизлиги даражаси.

²¹ Алексеев С.С. *Теория права*. – М.: Издательство «Бек», 1995, 24-бет.

Мажлис сессиясида ҳокимият тўғрисида айтган гапларни эслайлик. У: «Эски, қотиб қолган тизим билан янги тизим ўрта-сидаги кураш кескин тус олган ҳозирги ўтиш даврида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш учун кучли ижроия ҳокимияти зарур. Буни ҳаётнинг ўзи ҳар қаламда тақозо этмоқда»²², деб уқдиради.

Айни пайтда, ҳокимият салбий хусусиятларни ҳам ўзида мужассамлаштириши мумкин. Зеро, унинг табиатида ўз-ўзини ўстириб бориш, катъий марказлаша бориш ва ҳатто зўравошликка интилиш майллари бўлади. Шўро тоталитар тузуми бошқарган йиллар бунинг ёрқин далили бўлиб хизмат қилади. Ўша тузум даврида ҳокимият фақат партия-давлат раҳбарияти манфаатларига, Марказ манфаатларига хизмат қилганди. Буни «бир неча ўн йиллар мобайнида иқтисодиёти Марказдан бошқариладиган ягона халқ хўжалиги мажмуининг таркибий қисми» бўлиб келган Ўзбекистон мисолида яққол кузатиш мумкин. «Марказ қабул қиладиган қарорлар Ўзбекистоннинг манфаатларидан йироқ эди. Хуллас, чор империяси давридагидек, республика арзон хом ашё ва стратегик минерал ресурслар етказиб берувчи, тайёр маҳсулот сотиладиган қулай бозорга айланиб қолаверди, яъни республика хом ашё базаси бўлиб келди»²³.

Қарийб бир ярим аср давом этган оғир мустамлакачилик шароитида Ўзбекистон сиёсий, ҳарбий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий қашшоқлик ва қарамликнинг барча шаклларини ўз бошидан кечирди. Мустамлакачи маъмурлар ўлкамизнинг саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга атайлаб йўл бермади, техника ва технологиянинг, илм-фан, маданият, маънавият ва маърифатнинг ўсишига тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатди, халқимизнинг пешона тери, ақл-идрок ва тафаккури билан етиштирган моддий ва маънавий бойликларини зўравонлик йўли талон-торож қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигидан олдинги оғир қисматини Олий Мажлиснинг ўн тўртин-

²² Каримов И.А. *Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир*. Т., «Ўзбекистон», 1996. 11-бет.

²³ Каримов И.А. *Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура*. 1-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 282-бет.

чи сессиясидаги маърузасида зўр ачиниш билан ушбу сўзлар орқали баён этди: «Мамлакатимиздан катта микдордаги – етиштирилган пахта ҳосилининг аксарият ҳажми – моддий бойлик сувтекинга ташиб кетилар эди. Олтин, қимматбаҳо ва рангли металллар, стратегик аҳамиятга эга материаллар, жаҳон бозорида ўта харидоргир бўлган бошқа қимматбаҳо маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишдан келадиган фойда Ўзбекистон хазинасига тушмас эди.

Бундай вазият республикада ўткир ижтимоий, экологик муаммолар ҳал этилмаётган, нуфузи жадал суратда ўсиб бораётган, аҳоли турмуш даражаси жиҳатидан собиқ СССРда энг охириги ўринлардан бирида турган пайтда рўй бераётгани айниқса ачинарли эди»²⁴.

Мулк – нарсаларга бўлган муносабат, нарсалар устидан ҳукмронликдир. Бирок, мулк хусусий бўлгандагина жамият учун биринчи даражали аҳамият касб этади. Афсуски, республикамиз 75 йил мобайнида танҳо давлат мулкчилиги шароитида яшаб келди. Ваҳоланки, бу халқимизнинг асрий анъаналари ва менталитетига мутлақо зид эди. Президентимиз таъкидлаганидек биз шарқ одамларимиз. Хусусий мулк, шахсий мулк одамларда қизиқиш, рағбат уйғотишини яхши биламиз. Мулк эгалари бўлса, меҳнат унумдорлиги юз марта, минг марта ошади.

Бирок мулк ҳам ҳокимият сингари салбий ҳислатлардан холи эмас. Муайян вазиятларда у одамлар устидан ҳукмини ўтказди, кишиларни бир-бирларидан бегоналаштиради. Ахлоқ, қонунларнинг топталишига, жиноятларга олиб келади.

Ниҳоят, гоёлар. Уларни С.С.Алексеев жуда яхши таърифлаган: «Гоёлар деганда, энг юксак ва аҳамиятга молик бутун коинот олами, ақл-идрок... учун характерли ходисалар маҳсули тушунилади. Гоёлар ақл-идрок ва ишонч-этиқоднинг табиат ва нарсалар оламига ёриб киришини ифодалайди. Бу қаттиқ, ваҳший қонуниятлар ва кўр-кўрона тасодифлар салтанатидаги ёрқин нурдир. Гоёлар фан мазмунини ташкил этади, қутилмаган янгиликлар... дунёқарашларнинг тарқатувчилари бўладилар. Лекин муайян тарихий шарт-

²⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999, 4-5-бетлар.

широитларда ғоялар мафкура – ҳокимият билан боғлиқ буй-рук оҳангидаги қарашлар тўпламига айланади.

Ғоялар, ҳокимият ва мулк сингари жамият ҳаётида бир-лек бўлмаган зиддиятли аҳамиятга эга»²⁵.

Жамиятда фикрлар хилма-хиллиги бўлмаган, бир мафкура ҳукм сурадиган ҳоллар айниқса хавфлидир. Масалан, собиқ Иттифокда марксча-ленинча мафкура ҳукмронлиги худди шундай давр бўлганди. «Ягона мафкура ҳукмрон бўлган жойда тенглик ва адолат бўлмайди. Биз буни ўтмишдаги илччиқ тажрибамиздан жуда яхши биламиз»²⁶, деганида Президентимиз Ислон Каримов минг бора ҳақ. Бизнинг мамлакатимизда мазкур қоида қонуний мустаҳкамлаб қўйилган – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафқураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас»²⁷.

Бирок, умумахлоқий тамойиллар, диний ваҳийлар ва фатволар, табиий ҳуқуқшунослик, инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари тушунчаларига чуқур сингиб кетган инсонпарварлик руҳи билан сугорилган юксак ғоялар – инсон ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Ғояларсиз, мафқурасиз инсон ижтимоий ҳаётининг мавжуд бўлиши мумкин эмас. Худди шунинг учун ҳам Ислон Каримов: «Олдимизда турган энг муҳим масала, бу – миллий истиқлол мафқурасини яратиш ва ҳаётимизда татбиқ этишдир.

Миллий истиқлол мафқураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим»²⁸, – деб ҳисоблайди.

²⁵ Алексеев С.С. Теория права. – М.: Издательство «Бек», 1995, 26-бет.

²⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, сиёсат, мафкура. 1-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 16-бет.

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Адолат», 1998.

²⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 203-бет.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг янги концепцияси ҳақида гапирилганда, шубҳасиз, *жамият тараққиёти асосий фазаларини* аниқлашга бўлган янгича ёндашувга албатта эътиборни қаратиш жоиз. Марксизм жамият ривожини формациялар – мулк шаклига қараб фарқланадиган жамоат тузилмаларига қараб белгилайди. Бундай формациялар бешта бўлиб, улар ибтидоий жамоа тузуми, қулдорлик жамияти, феодализм, капитализм, социализм (коммунизм)дан иборат, деган фикр мавжуд эди.

Мулк ҳақиқатан ҳам жамият ривожини белгиловчи салмоқли омил бўлишига қарамай, ушбу назария илмий-тавсифий хусусиятга эга, холос. Бирок, жамият ривожининг асоси, унинг базиси сифатида мазкур назария фақат бир омил – мулкни тан олади. Қолган икки омил – ҳокимият ва ғоя – бу назарияга кўра иккинчи даражали, устқурма вазифасини бажаради. Эндиликда жамият ҳаётида, унинг тарихида юқорида кўрсатилган барча омиллар ҳам, уларнинг қай бири айна вақтда ҳукмрон сифатида майдонга чиқишига қараб, бирламчи бўлиши мумкинлиги кўпчиликка равшан бўлиб қолди.

Айнан шунинг учун ҳам С.С.Алексеевнинг қуйидаги фикрига қўшилмаслик мумкин эмас: «...Кишилик жамияти тарихини (албатта формация кўринишидаги қатъий ҳосилалар сифатида эмас, тўғрироғи, етакчи йўналишлар, умумий конструкция сифатида) аниқ уч давр, уч тарихий саҳифа: ҳокимият даври, мулкчилик даври, инсонпарварлик ғоялари даврига бўлиш мумкин. Анъанавий жамиятлар асоси бўлмиш ҳокимият даври айниқса узок чўзилиб, машаққатли, энг турғун давр бўлиб чиқди»²⁹.

Агар истиқбол ҳақида гапирадиган бўлсак, ғоялар, боз устига инсонпарварлик ғоялари ижтимоий ҳаёт асоси бўлиб қолиши мумкин. Ва бу ҳеч ҳам хомхаёл эмас.

Маълумки, жамиятимиз тараққиётининг асосий мақсади фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат. Ривожимизнинг ушбу босқичи одамларимиз ҳаётида эндигина кўзга ташланмоқда. Бир вақтнинг ўзиде у ҳам мўътадил ҳокимиятнинг, ҳам капитализмнинг ижобий жиҳатини

²⁹ Алексеев С.С. *Теория права*. – М., Издательство «Бек», 1995.

Ўзига синглириб бормокда. Албатта, буларнинг ҳаммаси кишилик жамияти моҳиятини, унинг табиати, озодлик сари ҳаракатини ифодаловчи инсонпарварлик ғоялари асосида рўй бермокда. Ана шу ғоя Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида чиройли тасвирланган. Унда таъкидланишича, «Мустақил давлатда, тинчлик ва осойишталикда, ғоявий чалкашликлар ва «темир парда»дан халос бўлиб, биз умумбашарий қадриятларнинг энг биринчи асоси бўлган халқ инсонпарварлиги чашмаларидан қадам-ба-қадам баҳраманд бўлмокдамиз. Айни шу ҳол тараққиёт йўлидан дадил боришимиз ва бутун Инсоният билан бирлигимизнинг энг мустаҳкам кафолатидир»³⁰.

9-§. Ўзбекистон фуқаролик жамияти ҳуқуқини яратиш йўлида

Республикамызда ҳуқуқий демократик жамият асослари фаол барпо этилмокда. Аввалги тоталитар тузум қусурларига кескин барҳам берилмокда. Кўппартиявийлик амалда рўёбга чиқди, танҳо мафкура ҳукмронлигига чек қўйилди. Республикада умуминсоний қадриятлар, чинакам демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг жаҳон эътироф этган қоидалари устуворлиги қарор топмокда.

Ўзбекистонда ҳокимиятнинг бўлиниш тамойиллари тобора изчил амалга ошириляпти. Республика янги парламенти – Олий Мажлиснинг қонун чиқарувчилик фаолияти ёш мустақил давлатнинг дадил қарор топиши ва ривожини ҳар томонлама юридик таъминлашга йўналтирилган. Давлат бошқарувининг янги, янада самаралироқ тизими шакланмокда. Президентлик бошқаруви шакли бу тизимнинг ўзагидир. Жойларда ҳам бошқарув тизими қайта ташкил этилмокда – вилоятлар, шаҳарлар, туманларда ҳокимлар институти таъсис этилган. Қонулар устуворлиги, барча фуқароларнинг суд олдида тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга даъват этилган суд ҳокимияти ислох қилиняпти.

³⁰ Каримов И.А. *Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура*. 1-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 80-бет.

Демак, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳуқуқий ислоҳотлар республикада демократик ўзгаришларни амалга ошириш – демократия, бозор хўжалигининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва оқибат натижада ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг туб вазифаларини бажаришга қаратилмоқда. Булар, шубҳасиз, ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий, биринчи даражали масалаларидир.

Шу билан бирга, албатта, стратегик мақсадни ҳам кўра билиш керак. Олий Мажлис сессиясида Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, «**Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз**». Ўз фикрига аниқлик киритиб, у давом этади: «**Ана шундай давлат ва жамиятни қуриш, ҳақиқий демократик кадриятларни вужудга келтириш – бизнинг бош концепциямиз ва миллий равнақимиз асосидир**»³¹.

Айни пайтда фуқаролик жамияти албатта ҳуқуқнинг олий даражадаги ривожини тақозо этади. Ўз навбатида бундан, ҳозирги замон фуқаролик жамияти ҳуқуқий жамият бўлади, деган ҳулоса келиб чиқади. Лекин республикадаги катта ҳуқуқий ўзгаришлар, ҳуқуқий ислоҳотлардаги ютуқларни қайд этган ҳолда ҳуқуқий тизимни такомиллаштиришнинг кейинги истиқболларини белгилаш ҳамда унинг устувор йўналишини аниқлаш ҳам муҳимдир.

Ана шу устуворлик ҳуқуқни инсонга «яқинлаштириш»дан иборат бўлиши керак. Қонун даражасига кўтарилган давлат иродасидан ҳуқуқ инсон иродаси ва манфаатлари устувор бўлган ҳуқуқий тизимга айланмоғи даркор. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясининг муҳим афзалликларидан бири сифатида қуйидагиларни бежиз таъкидламаган: «Унда: «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдилар», дейилган, яъни, фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва қафолатланган»³².

Ҳозирги замон озод, демократик фуқаролик жамияти учун ғоят зарур бўлган ҳуқуқни чинакам маданий тараққиёт на-

³¹ Каримов И.А. *Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир*. 3-том, Т., «Ўзбекистон», 1996, 10, 12-бетлар.

³² Каримов И.А. *Биздан озод ва обод Ватан қолсин*. 2-том, Т., «Ўзбекистон», 1996, 94-бет.

мунаси қиёфасига қайтариш йўллари қандай? Бу ерда масаланинг уч жиҳати муҳим аҳамиятга молик.

Биринчи жиҳат – хусусий ҳуқуқни тиклаш, унинг ҳуқуқий тизимда юксак ва муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш. Хусусий (ёки фуқаролик) ҳуқуқ шўро тузумида ҳам шаклан, ҳам мазмунан бузилганди: фуқаролик қонунчилиги давлатлаштирилди. Аслида хусусий ҳуқуқ хусусий шахслар юридик устунлигининг олий даражада ўзига ҳос ҳуқуқий соҳасидир. Шахсийлаштирилган хусусий мулксиз бозор ҳўжалиги мавжуд бўлмаганидек, хусусий (фуқаролик) ҳуқуқсиз хусусий мулкнинг ўзи, тадбиркорлик, иктисодий эркинлик ва умуман эркинликнинг бўлиши мумкин эмас. Шу билан ҳам Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг амалга киритилиши муҳим тарихий воқеа бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Иккинчи жиҳат – у умумэтирофга сазовор инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига асосий белгиловчи бўлган аҳамиятини беришдан иборат.

Учинчи жиҳат – жамиятимиз ҳаётида судларнинг ролини ошириш. Парламентимиз сессиясида бу масала кўтарилди. «Суд ислохотини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш – ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим йўналишидир. Ижтимоий турмушимизнинг демократик институти тариқасида суднинг аҳамияти жиддий оширилиши зарур»³³, деб ҳисоблайди Президентимиз Ислом Каримов. Ўйлаймизки, давлат ва ҳуқуқ назариясини ривожлантириш сари бундай йўналтирилганлик давлат ҳуқуқи фани ва амалиёти ривожининг жаҳон тамойилларига мос келади ва инсоният шу вақтгача тўплаган давлат ва ҳуқуқ назарияси асосий бойликларини тиклаш ҳамда тараққий эттиришга хизмат қилади. Форобийнинг ижтимоий-ахлоқий асари, Амир Темур тузуклари, Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя»си, ислом қадриятлари бебаҳо бойликларимиздир. «Агар биз адолатли давлат, эркин жамият қурмоқчи бўлсак, бу олижаноб мақ-

³³ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-том, Т., «Ўзбекистон», 126-127-бет.

садни амалга ошириш йўллари минг йиллик диний ақидалар билан муштарак эканлигини ёдда тутишимиз лозим. Бу муқаддас мақсад йўлида, керак бўлса, жон фидо қилиш зарур деганимизда, айнан адолатли давлат ва диннинг илдизлари муштарак эканлигини унутмайлик»³⁴.

II боб. ЖАМИЯТ, ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ

1-§. Жамият ҳақидаги ғоялар ва тушунчалар

Жамият, жамият ва инсон, жамият ва давлат масалалари жула қадим замонлардан илм аҳли томонидан ўрганиб келинган масалалардир. Арасту (Аристотель), Форобий каби кўнлаб мутафаккирлар асарларида инсон, давлат ва жамиятнинг бир-бирига бўлган муносабати баён қилинган. Уларнинг ҳаммаси тўғрисида тўхталиб ўтишнинг зарурияти йўқ деб ўйлаймиз. Биз ҳам, таъбир жоиз бўлса, ўзимизнинг ана шу ўта мураккаб масалалар хусусида хулосаларимизни, тушунчаларимизни келтирамиз.

Биринчидан, жамият – одамлар ўртасида содир бўладиган ижтимоий муносабатлар маҳсулидир. Иккинчидан, одамларни жамоага бирлаштирган бир бутун организм бўлиб, унинг моҳияти иктисодий, сиёсий, маънавий каби ижтимоий алоқалар ва муносабатларда намоён бўлади. Учинчидан, инсонларни бирлаштирган жамият мураккаб, тобора такомиллашиб борадиган оилавий, миллий, синфий, айрим гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар, манфаатлар асосида қурилади. Жамият табиий қонунлар ва инсон томонидан қабул қилинган қонунлар асосида ташкил топади ва идора қилинади.

Жамият илмий адабиётларда кўп жиҳатдан ижтимоий муносабатлар тизими нуқтаи назаридан ўрганилади, унинг негизини иктисодий муносабатлар ташкил этиши ва унинг асосида турли устқурмалар, масалан, сиёсат, давлат, ҳуқуқ, санъат, адабиёт ва бошқалар қурилиши эътироф этилади. Жамият тарихий нуқтаи назардан ўрганилганда ижтимоий-иктисодий формацияларга: қулдорчилик, феодал, капиталистик ва коммунистик босқичларга бўлиб ўрганилади. Бизнинг фикримизча, тарихий жиҳатдан жамиятни ўрганишда қадимги дунё, ўрта асрлар, янги тарих каби даврларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жамият инсонсиз бўлиши мумкин эмас. Инсон жамиятнинг тузилишида ва унинг ривожланишида асосий ролни ўйнайди. Жамият инсонларнинг бир-бирлари билан жамоа бўлиб яшашга табиий эҳтиёжлари асосида пайдо бўлган.

Жамият пайдо бўлганидан бошлаб бугунги кунга қадар ривожланишда мураккаб, турли шакллар ва тарихий босқичлардан ўтди. Масалан, илк бор жамиятнинг пайдо бўлишини оладиган бўлсак, уни адабиётларда *ибтидоий жамоа тузуми* деб юритадилар. Ибтидоий жамоа тузуми узок йиллар давомида мураккаб бўлмаган, яъни табақа, синфларга бўлинмаган оддий шаклда амал қилди. Бугунги кундаги жамият ўта мураккаб кўринишда бўлиб, уларнинг кўпчилиги бир миллат асосида бошқа миллатлар вакилларини бирлаштирган, масалан, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Франция, Олмония, Ўзбекистон каби мамлакатларда. АҚШни оладиган бўлсак, бундай жамиятлар турли-туман миллатлар иттифокидан ташкил топганини кўраемиз.

Ижтимоий-сиёсий институтлар. Жамият турли ижтимоий-сиёсий институтларга бўлинади. Бошқача қилиб айтганда, жамиятда турли ижтимоий ёки сиёсий вазифани бажарувчи ташкилотлар, органлар, муассасалар, бирлашмалар мавжуд бўлади. Арасту, Форобийлар айтганларидек, инсонлар ижтимоий мавжудот бўлганлиги сабабли кундалик турмушида, яъни меҳнат қилиш, ўқиш, яшашда ўзига ўхшаган бошқа инсонлар билан ижтимоий муносабатларга киришиб, турли иттифок ва ташкилотларни объектив равишда ташкил қиладилар.

Жамиятнинг биринчи табиий бўғинини ташкил этган институт – *оиладир*. Оила табиий қонунга кўра ташкил топади, қон-қариндошчилик муносабатлари асосида амал қилади. Уруғ бир неча оиланинг қон-қариндошчилик асосида бирлашиши ва мулкни идора қилиши, умумий, қариндошчилик қоидалари асосида ташкил топиши билан характерланади. Жамият таракқиётида бир неча уруғларнинг қўшилиши билан қабила, кейинчалик умумий тил, урф-одат каби бирлик асосида миллат келиб чикди.

Сиёсий институтларнинг энг дастлабкиси – давлат бўлди. Шарқда, масалан, Навоий асарларида мулк («мулки Ажам») тушунчаси асосида давлат институти тушуниланган. Давлат билан бир вақтда ҳуқуқ институти пайдо бўлди. Жамият таракқиёти натижасида давлат билан бирга бугун кўплаб нодавлат ташкилотлар: касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, турли-туман ижтимоий ташкилотлар юзага келди.

Жамият ва ҳокимият. Инсон табиатан шундай хислатларга эгаки, булар ундаги хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларга сиёсат бўлади. Форобий айтганидек, соҳибни қонун бу хислатларни назарда тутиши, уларни тузатиши керак. Бошқача қилиб айтганда, жамиятга бирлашган фуқароларни бошқариши керак. Жамиятни бошқариш ўз-ўзидан амалга ошмайди. Уни ҳокимият бошқаради. Ҳокимият жамиятни тартибга солади. Унга қалб бахш этади. Ҳокимият изидан чиқан жамиятларда бирқарорлик ва тартиб йўқолади. Шу нуқтаи назардан ҳокимият масаласи жамиятнинг яшашида муҳим ўринни эгаллашди. Ҳокимият туфайли жамият ҳаётида содир бўладиган ижтимоий муносабатлар тартибга солинади ва улар маълум бир мақсад ва вазифаларнинг бажарилишига йўналтирилган бўлади. Ҳокимият турли шакл ва характерда бўлиши мумкин, масалан, нодавлат ва давлат ҳокимиятлари мавжуддир. Уларнинг ҳар иккиси ҳам жамиятни бошқариш учун ташкил этилади.

Социал ҳокимият ёки ижтимоий ҳокимият ва сиёсий ҳокимият тушунчаларига келганда шунини айтиш керакки, ижтимоий ҳокимият уруғ, қабила, гуруҳ, синф, халқ томонидан ташкил этилган куч бўлиб, одамларни ўзига бўйсундирган ҳолда ишонтириш ва мажбурлаш усуллари орқали умумий манфаатни таъминлаш учун хизмат қилади.

Ҳокимиятни ташкил этиш ва унинг аниқ амал қилиши кўп омилларга боғлиқ бўлади. Биринчидан, аниқ тарихий шароитдан келиб чиқиш керак, иккинчидан, иқтисодиётнинг даражасига, учинчидан, инсонларнинг, айниқса, ҳукмрон доираларнинг эркига боғлиқ бўлади. Ҳокимият тўғрисидаги таълимотларда «ҳукмронлик қилаётган субъект» деган тушунчага катта эътибор берилади. Бунинг маъноси шуки, ҳокимият эгасиз бўлмайди. Энг муҳими, ҳокимият кимга тегишли: халқ ҳокимияти ёки айрим синф, гуруҳларники эканлигини аниқлаш муҳимдир. Эрк ана шу ҳокимият ва унинг эгасини ҳокимият субъекти билан боғлайди, мустақамлайди. Раҳбарлар ва уларга бўйсунувчи, итоат этувчилар, ҳукмронлик қилувчилар ва тобелар каби тушунчалар мавжуддир. Ҳокимият эгаси – субъекти раҳбарлар бўлса, унинг объекти эса унга тобе шахслардир. Ҳокимият масаласини кўраётганда унинг муҳим унсурларидан бўлмиш эрдан таш-

қари бошқа унсурлари ҳам муҳимдир. Масалан, ҳокимият кучли бўлса, тартиб бўлади, ва аксинча, у кучсиз бўлса, ҳокимиятни одамлар менсимай қўйишади. Натижада қонунлар бузилади, ижтимоий тартиблар изидан чиқади. Ҳокимият халққа таянса, унинг ишончига сазовор бўлса кучли бўлади. Бунинг учун ҳокимият вакиллари мафкура орқали ҳамда турли-туман одамларга ваъдалар бериш йўллари ва усуллари билан уларнинг ишончини қозонишга ҳаракат қилади. Н.Макиавеллининг сўзлари билан айтганда, ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва марказлаштириш учун турли усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ҳокимият ҳамма вақт жамият тарақиётига ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилади. Турли сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, синфлар, табақалар, миллатлар вакиллари ҳокимиятга эгаллик қилиш учун курашадилар. Шу сабабдан ҳам ҳокимият учун кураш баъзан қонли тўқнашувлар, фуқаролик урушларини келтириб чиқаришини биз тарихдан яхши биламиз.

Хулоса қилиб айтганда, ҳокимият бевосита жамият билан боғлиқ бўлиб, у жамиятнинг пайдо бўлиши билан ташкил топади. Ҳокимият турли кўринишлар ва шаклларда ривожланган мураккаб ижтимоий воқелиқдир. Одатда, илмий китобларда унинг икки хил кўринишда мавжуд бўлиши эътироф этилади: сиёсий бўлмаган ва сиёсий ҳокимият. Уларнинг ҳар иккаласи умумий социал ҳокимият тушунчаси билан таърифланади. Социал ҳокимият жамиятга тартиб, шакл беради, раҳбарлик қилади. Одамларнинг қонун ва қонунларга биноан яшашларини таъминлайди. Шу сабабдан ҳам ҳокимиятнинг тўғри ташкил этилиши, унинг омма билан алоқадорлиги, кучлилиги каби сифатлари жамиятнинг умумий манфаатларини, фаровон ҳаётини, тинчлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Китобларда кўп жиҳатдан ҳокимият иқтисод асосида ташкил топган усткурма сифатида таърифланади. Унинг ривожланиши, кўриниши, шакли ва мазмуни иқтисодий муносабатлар билан белгиланади. Аммо шуни ёдда сақлаш керакки, ҳокимият жамиятда раҳбарлик қилаётган кучлар, синфлар, партиялар ва табақалар, айниқса айрим шахсларнинг эрklarига, уларнинг ғоялари ва мақсадларига боғлиқ бўлиб, жамиятнинг ривожланишида ижобий ёки салбий роль ўйнай-

ли. Агар гоълар, мақсадлар илғор, инсоний ва кўпчилик манфаатига қаратилган бўлса, сўзсиз, ижобийдир, ва аксинчи, фракат алоҳида гуруҳ, партия, табаканинг манфаатига қаратилган бўлса, бундай ҳокимият тоталитар, авторитар, диктаторлик режимларига олиб келади.

Ҳокимиятнинг тўғри, демократия тамойиллари асосида тинчлик этилиши – улуг ишдир. Масалан, Япония, Олмония каби мамлакатлар халқлари бахт-саодатлари, уларнинг тинчликлари боиси тартиб ва қонунчиликнинг чинакам ўрнатилганлигидадир. Россия, Афғонистон каби мамлакатларда, ифсуски, тўкнашувлар, урушлар бу ҳокимиятнинг, тартиб, қоидаларнинг яхши шаклланмаганидан, кучсизлигидан, адашмаётганидан далолат беради. Ўзбекистонда эса, бугун шундай ҳокимият ташкил топдики, у ўтиш даврининг қийинчиликлари ва инжиқликларига қарамасдан, мамлакатда тинчликни таъминлади. Жиноятчилик, айниқса, ўта хавфли уюшган жиноятчиликка қарши ўз кучини қарши қўйишга муваффақ бўлди. Мамлакатда кучли давлатчиликдан кучли жамият сари ривожланишни таъминлади.

Ҳокимият масаласи, энг аввало, қонун-қоидалар билан боғлиқ бўлади. Ҳокимият ўз-ўзича ишлай олмайди. Унинг ўзи, ички тузилишлари ҳам қонунлар ва қоидаларга асосланган бўлиши керак. Жамият аъзоларининг юриш-туришлари ҳам қонунлар ва қоидалар билан белгиланган бўлиши шарт. Адабиётларда қонунлар ва қоидалар (нормалар) бир сўз билан социал нормалар деб юритилади. Улар икки асосий турга: мажбурий характерда бўлмаган (одоб-ахлоқ нормалари) ва ҳамма учун мажбурий (қонунлар)га бўлинади.

Жамиятда социал нормалар яхши ишланган ва ҳаётий бўлса, уларнинг амалиётда қўлланилиши яхши йўлга қўйилган бўлса, бундай жамиятда адолат, тинчлик, фаровонлик мавжуд бўлади. Жамиятда социал нормалар амал қилмаса, улар бузилса, айниқса соҳиби қонунлар томонидан эътиборсизлик билан қаралса, бундай жамиятларда парокандалик, тартибсизликлар бўлиши муқаррардир.

Жамият аъзоларининг кундалик турмушларида, уларнинг ўзаро муносабатларида ҳукмронлик қиладиган ва уларнинг дунёқарашларида кўникмаларга айланиб қолган қоидалар – уларнинг ота-боболари томонидан ўрнатилган, жорий этил-

ган қонунлар муқаддаслигидир. Жамиятда умумий тинчлик, барқарорлик сақлашда ҳокимият ана шу қонуниятларга қатъий риоя қилиши керак.

Ижтимоий тартибни ўрнатишда, муайян тизимга солишда, бошқаришда, биринчи навбатда, одамларнинг хатти-ҳаракатларини, юриш-туришлари, уларнинг жамоалари, ташкилотлари, органларининг фаолиятлари қоида ва қонунлар асосида қурилади. Жамиятдаги ижтимоий тартиб қуйидаги қонуниятлар асосида амалга оширилади.

Биринчидан, муайян тарихий шарт-шароитни эътиборга олиш керак. Жамиятдаги иқтисодий, сиёсий, маънавий дунёқарашнинг ривожланиш даражаси, очиқроқ қилиб айтганда, иқтисодий муносабатлар ва иқтисодий кучларнинг бир-бирлари билан муносабат даражаси, синфий зиддиятлар, ҳур фикрлилик кабиларни эътиборга олган ҳолда ривожланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчидан, одамларнинг дунёқарашлари, руҳияти каби омиллар жамият тараққиётини тартибга солишда катта роль ўйнайди. Масалан, жамият ҳаётида рўй бераётган, амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ислохотлар аҳоли томонидан қандай тушунилаяпти ва қай даражада қабул қилинаяпти каби масалалар муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш аҳамиятлидир. Жамиятда одамлар орасида, синф ва табақалар, миллатлар ўртасида келиштирув, тинчлик ва ўзаро ёрдам бериш ғояларини тарғиб этиш аҳамиятлидир.

Учинчидан, ижтимоий тартиб ўрнатиш, одамлар, ташкилотлар, муассасалар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш учун қонунларни жорий этиш лозим. Одатда уларни адабиётларда икки турга бўладилар. Оддий бир шахсга тааллуқли ёки бир маротаба амал қиладиган нормалар ва мураккаб, яъни ҳамма учун баробар бўлган, доимий амал қиладиган нормалар.

Нормалар билан жамият ҳаётини тартибга солиш инсоният ҳаётида энг муҳим ютуқлардан бири ҳисобланади. Ҳамма учун қатъий қилиб ўрнатилганлиги ва унга амал қилиш давлат томонидан таъминланиши жамиятни тартибга келтиради. Қонун-қоидалар қанчалик ҳаётий, адолатли бўлса ва уларни соҳиб қонунлар амалга оширишни таъминласалар, бун-

лий жамиятда ижтимоий тартиб юксак бўлади. Аксинча, қондаларга риоя этилмаса, қонунлар бузилса, жамият ҳаётида тартибсизлик юз беради. Тартибсизлик жамиятни охиروقибатда ҳалокатга олиб келиши мумкин. Жамиятда тартибсизликни келтириб чиқарадиган кучлар мавжуд бўлади. Жиноятчи гуруҳлар, турли-туман сиёсий, диний ақидапарастларни мисол қилиб келтириш мумкин. Соҳиби қонун ҳамма шикт ана шу хавф ва хатарлардан огоҳ бўлган ҳолда уларни бостириш учун ижтимоий тартибни мустаҳкамлаши керак. Масалан, бугунги Ўзбекистон, Япония каби давлатларда ижтимоий тартиб жамиятнинг ривожланишига олиб келганлигини кўрамиз. Афғонистон, Россия ва яна бошқа бир қатор мамлакатларда, аксинча, ижтимоий тартибсизликка олиб келувчи кучларнинг устунлигини кузатамиз.

Жамиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши масаласини ўрганадиган бўлсак, биринчидан, узоқ йиллар давомида адабиётларда ушбу масала бирламчи манба сифатида марксизм-ленинизм таълимоти асосчиларидан бири Ф.Энгельснинг «Оида, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» асари асосида ўрганилди.

Ф.Энгельснинг асари эса ўз навбатида машҳур америкалик тарихчи олим Л.Морганнинг «Қадимги жамият» (1877 йил) деган асари асосида ёзилган эди.

Иккинчидан, жамиятнинг пайдо бўлиши, ривожланиши масаласи асосан евроцентрик таълимотлар, ғояларга таянди.

Учинчидан, энг ачинарлиси шундаки, инсон «хайвонот дунёсидан» ажралиб чиққандан кейин жамиятнинг дастлабки босқичига асос солди ёки инсон маймунлар оиласидан ажралиб чиқиб, ўз жамиятига асос солди, деган қарашлар ва таълимотлар ҳозирча адабиётларда ҳукмронлик қилиб келмоқда. Бизнинг фикримизча, бундай қарашлар илмий далилларга асосланмаган таълимотлардир. Инсон табиатан инсон бўлиб яратилгани бошқа гап. Унинг ҳаёти, маданияти, тафаккури турли тарихий даврларда турли босқичларни босиб ўтиб, цивилизациянинг юқори ривожланиш босқичига эришган.

Бугун биз жамиятни тарихий жиҳатдан ўрганишда юқорида санаб ўтилган қарашлар, таълимотларга эргашмасдан, уларга асосланмасдан илмий нуқтаи назардан ёндашиш имкония-

тига эгамиз. Бизнинг фикримизча, илк бор жамиятнинг ташкил топишида оилага эътиборни қаратишимиз зарур. Чунки одам табиат қонунларига кўра ўзи якка яшамасдан, ўз наслини давом эттириш учун барча бошқа мавжудотлар каби оила куради. Оилада она, ота ва болалар ўртасида ижтимоий муносабатлар вужудга келади. Табиийки, оилани ҳам жамоа сифатида бошқариш зарур бўлади. Шу боисдан ҳам оиланинг пайдо бўлиши ижтимоий тартиб ва қоидаларнинг ўрнатилишига олиб келади. Китобларда аввал Она бошқаруви, яъни матриархат ўрнатилган ва кейинчалик Ота ҳокимияти – патриархатнинг ўрнатилишига олиб келган, деган мулоҳазалар мавжуддир. Энг муҳими, бизнинг фикримизча, оилаларнинг шакллари турли замонларда турлича бўлиши ва турли халқлар ва элатларда ҳам оиланинг турлича шарҳланишига қарамасдан, бугунги кунга қадар оиланинг сақланиши ва ривожланишини эътиборга олиш керак. Уни жамият ва давлатнинг илк бор пайдо бўлган бўғини сифатида ўрганиш давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг вазифасига киради. Арасту ва Форобийлар таъкидлаганларидек, оилалардан уруғлар, қабилалар, бутун бир маҳалла ва шаҳар (полис) давлатларининг ташкил топганини эътироф этмоқчимиз. Она (матриархат) ёки ота (патриархат) бошқаруви масаласига келганда, албатта, шундай тарихий даврлар бўлганки, қон-қариндошчилик она томонидан белгиланган, айниқса, кўп никоҳлилик ёки кўп хотинлилик ва аксинча кўп эрлилик ҳолларида Она ёки Отанинг оилани, уруғни бошқаришдаги роли ўзгариб турган десак хато бўлмайди.

Уруғларнинг иттифоқи натижасида бутун бир маҳаллалар ва маҳаллаларнинг ягона шаҳарга бирлашиши оқибатида ижтимоий ҳокимият, оила, уруғ раҳбарларининг ўзаро тўпланиб, масалаҳат, кенгаш орқали шаҳарларни бошқариши амалга оширилади. Илмий адабиётларда кўп жиҳатдан давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлишига қадар даврда ибтидоий жамоа тузумининг ташкил топганлиги ҳақида ёзилган.

Ибтидоий жамоада ҳокимият уруғ, қabila бошлиқларининг обрў-эътиборларига таянган. Олий органи барча уруғ аъзоларининг йиғини, мажлиси бўлган. Бу даврларда ҳокимият ҳам жамиятда шаклланиб, ундан ажралмаган ҳолда амал қилган. Ҳокимият тўғридан-тўғри барча аъзоларнинг

бирга яшаш, ишлаш ва ҳаракат қилишлари асосида олиб борилган. Ҳокимият учун махсус тайёрланган мутахассислар ёки қуролланган кучлар бўлмаган. Ҳамма меҳнат қилди ва зарур бўлганда ҳамма бир бўлиб уруғни ташқи душманлардан ҳимоя қилади.

Уруғ раҳбари – оқсоқолнинг уруғга раҳбарлик қилиши имкониятлари чексиз бўлган. У зарур бўлганда уруғ аъзоларининг умумий йиғилишларида муҳим масалаларни ҳал қилган. Айрим қоида ва одат нормаларини бузганларга нисбатан чора кўрган. Бу ерда шуни айтиш керакки, жиноятчига нисбатан кўрилган чора-тадбирлар қатъий бўлиб, улар ўз вақтида ошқора амалга оширилган. Зарур бўлганда энг олий жазо – ҳаётдан маҳрум этиш ёки уруғдан бадарға қилиш чоралари ҳам қўлланилган. Уруғ аъзолари тенг бўлганлар. Улар орасида ҳеч бир шахс имтиёзларга эга бўлмаган, шу боисдан ҳам қоида бузувчилар жавобгарликдан четда қолини мумкин бўлмаган.

Давлатли жамиятларга хос бўлган иллатлар, масалан таниш-билишчилик, қариндошчилик, порахўрлик, ўғирлик, сансалорлик, фирибгарлик каби нуқсонларга ўрин бўлмаган. Ибтидий жамоа аъзоларининг хатти-ҳаракатлари, турмуш тарзлари тажриба асосида вужудга келган одат, ахлоқ қоидалари (нормалари) асосида амалга оширилган. Кейинчалик кўп йиллар давомида тақрорланган ва ҳамма учун маъқул ва зарур бўлган одат қоидалари ибтидий мактабларда ўргатилган. Масалан, бизнинг Ўзбекистон ҳудудида ана шундай инсоният тарихига мансуб бўлган қадимий ибтидий мактабга мисол тариқасида ҳозирги Сурхондарё вилоятида сақланган Зараутсой суратларини келтириш мумкин. Зараутсой Кўхитанг тоғи этакларида жойлашган Хўжа Анқо ва Қизилолма кишлоқлари орасидадир. Зараутсойда 270 тага яқин ранг-бўёқ билан тошга ўйиб ишланган расмлар сақланган.

Ибтидий жамоа тузуми давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлгунга қадар инсоният тарихида узоқ асрлар давомида мавжуд бўлган ўзига хос хусусиятлар ва сифатларга эга тузум эди. У давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлгунга қадар инсонларни бирлаштирган, уларнинг турмуш тарзларини белгилаб берган, кўп жиҳатдан табиий қонуларга мос ҳолда барчанинг ижтимоий тенглигини таъминлаган жамият эди. Шу сабаб-

дан ҳам қадимги шоирлар, мутафаккирлар бу даврни «олтин» давр деб ҳам таърифлаган.

Уруғларнинг кўпайиши, ҳаётнинг ривожланиши инсоният томонидан кашф этилган жамиятнинг янги тарихий босқичга ўсиб ўтишига олиб келди. Янги босқич, давр сифат ва мазмун жиҳатидан аввалги ибтидоий тузумдан фарқ қилди. Янги ижтимоий тузумнинг ўзига хос хусусияти давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлишидир. Бу жараён бир кунда рўй бермасдан, балки, узоқ асрлар давомида амалга ошган.

Давлат жамиятда илк бор пайдо бўлган сиёсий институтдир. Давлат, Ф.Энгельс айтганидек, махсус, фақат идора ишлари билан шуғулланувчи ижтимоий ҳокимиятнинг жамиятнинг ичидан ажралиб чиқиши ва шу жамиятни бошқариш жиловини ўз қўлида сақлаши билан характерланади. Давлатли жамиятда уруғлар, халқлар, миллатлар, синфлар ўртасида ижтимоий тенгсизлик мавжуд бўлади. Давлат ана шу кучларни муросага келтириш, жамиятни ягона тузум сифатида сақлаб, идора қилиш учун хизмат қилади. Давлат жамиятни идора қилишда ўзининг аппаратига ва асосан ўзи томонидан ишланган қонунларга асосланади.

2-§. Диний, сиёсий ва ҳуқуқий қарашларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши

Инсоният тарихида илк бор жамият, давлат, қонунлар тўғрисидаги қарашлар Турон, Миср, Бобил, Ҳиндистон ва Хитой каби мамлакатларда мифология шаклидаги илоҳият билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган ва ривожланган. Масалан, қадимги Турон ва Эрон, яъни Ажам давлатида «Авесто» – зардуштийларнинг диний кутобида ердаги ҳокимият ва тартиб, қонун-қоидалар коинот қонун-қоидаларининг давоми, ажралмас қисми сифатида ўрганилади. Куч, қудрат, адолат, ҳақиқатнинг барчаси Худонинг сифати, шу жумладан давлат ва қонунлар ҳам унинг иродаси билан пайдо бўлган деб уқтирилади ва ҳоказо.

Худди шу тарзда барча китобий динларда давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва моҳияти ўрганилади. Бу ерда шуни айтиш керакки, ҳар бир мамлакатдаги сиёсий-ҳуқуқий қарашларнинг ўзига хос томонлари ҳам мавжуд бўлган. Ма-

силан, қадимги Хитой манбаларида ёзилишича: император ерда осмон томонидан тайинланган ва у худо билан муносабатда. Унинг ҳокимияти мутлақ, Давлат хизматидаги бошқа мансабдор шахслар ва барча фуқаролар фақат унинг ирода-сини, фармонларини амалга оширувчилардир. Миср, Бобил, ҳинд халқлари ҳаётида эса Оллоҳ бир вақтнинг ўзида бутун қонунни ва ердаги жамиятни, давлатни бошқарувчи куч сифатида ўрганилган. Қадимги яҳудийлар диний китоби – Мусо қонунлари тўғридан тўғри Оллоҳдан олинган, аниқ-роғи Мусога нозил бўлган. Шу сабабдан ҳам Оллоҳ бутун яҳудий халқи билан алоҳида шартнома асосида, зарур бўлганда унинг ўзи жамиятни тўғридан-тўғри идора қилади. У Олий соҳиби қонун, бошқарувчи ва қозидир. Исломда ҳам муқаддас Куръон оятлари пайғамбар Муҳаммад алайху вас-сал-ламга нозил бўлган. Демак, Олий соҳиби қонун Оллоҳнинг ўзи. Унинг талаблари, қоидалари пайғамбар орқали одамларга етказилади. Пайғамбар ва муқаддас қонунлар орқали давлат бошқарилади.

Ҳаммурапи қонунлари (эр.ав. ХҮШ аср, Бобил), Ману қонунлари (Ҳиндистон, тахминан эр.ав. II аср) ва кўплаб бошқа қонунлар мажмуаси ана шу қадимги динлар асосида иужудга келган эди.

Эрамининг бошида пайдо бўлган христианлик дини, унинг манбалари – Инжил китоби ҳамда йирик диний ар-боблар китобларида ҳам давлат ва ҳуқуқ масалалари ўзига хос тарзда илоҳийлаштирилган. Масалан, Аврелий Августиннинг (354-430, Шимолий африкалик) «Яратувчи таянчимиздир» деган китобида унинг қарашлари баён этилган. Унинг фикрича, икки дунё, икки давлат ва икки қонун мавжуд. Биринчиси Оллоҳнинг номи билан боғлиқ, иккинчиси эса инсонга боғлиқдир. Инсон ўзининг азим хатоси, жинояти туфайли Оллоҳ томонидан жаннатдан чиқарилиб, у гуноҳкор ва кунини яшаб бўлганлиги учун умрининг сўнгида ўлимга ҳукм қилингандир. Инсон Оллоҳ йўлида, унга итоат қилиб яшаса, у яхшидир, ва аксинча, у инсон сифатида ўз таъбирича яшаса, у ёмон, гуноҳкордир. У одамларни икки тоифага бўлади: биринчи тоифадагилар Оллоҳнинг марҳамати билан фақат унинг қонун-қоидаларига мувофиқ яшовчилар ҳамда иккинчилари инсон сифатида ўз қонун-қоидаларига биноан

яшовчилар. Биринчилар абадий Оллоҳ билан бирга бўлсалар, иккинчилари абадий адашишда, азобдирлар. Шу йўналишда у қонунларни ҳам икки тоифага бўлади: «илоҳий» ва «инсоний» қонунлар. Биринчиси иккинчиси учун асос ҳисобланади, яъни давлат томонидан қабул қилинаётган қонунлар аввало илоҳий қонунларга биноан қабул қилиниши керак деган таълимотни илгари сурди.

Бундай қарашлар кейинчалик Фома Аквинский (1225-1274 йй.) асарларида ривожлантирилди. Унинг «Хукмдорларнинг ҳукмронлиги тўғрисида» (1265-1266 йй.), «Илоҳиёт мажмуи» (1266-1274 йй.) асарларида сиёсат, давлат, қонунлар масаласи тўғрисида фикр ва мулоҳазалар билдирилган. У илоҳий таълимотлар нуқтаи назаридан давлатнинг вазифаси умумий фаровонликка эришишдир, деб ҳисоблайди.

Давлат ҳокимиятининг уч унсури: 1) моҳияти, 2) пайдо бўлиш шакли, 3) амалга оширилишини фарқлайди ва уларни шарҳлаб беради. Масалан, давлатнинг моҳияти Оллоҳ томонидан бошқарувчилар ва уларга итоат этувчилар ўртасидаги муносабатдан иборат. Юқори табақадагиларнинг эрклари куйи табақадагиларни бошқаради. Бу қонда абадий, қатъий, Оллоҳ томонидан ўрнатилгандир. Унинг шакли турлича, баъзан ёмон бўлиши мумкин. Давлат ҳокимиятининг амалга оширилишида ҳам мансабни сунистеъмол қилишлар учраши мумкин. Бундай ҳолларда, одамлар христиан дини таълимотларига, унинг Черковига эргашилари керак, каби мулоҳазаларни илгари сурган.

Бизнинг мамлакатимизда диний таълимотлардан ислом, исломга қадар зардуштийлик (Авесто) кўп асрлар давомида одамларнинг ижтимоий-сиёсий дунёқарашларини шакллантирган динлардир. Қадимги Турон ва Эрон замида (араблар уларнинг ҳар иккаласини Ажам давлати деб ҳисоблаганлар, яъни арабдан ташқари деган маънода) энг қадимги йирик дин зардуштийлик дини бўлди. Унинг таълимотлари «Авесто» китобида баён этилган. Унинг асосчиси Зардушт тахминан милоддан аввалги 630-553 йилларда яшаган. У туркий тилда гапирувчи халқлар вакили бўлган, масалан, Беруний уни озарбайжонлик деб ҳисоблаган. Зардуштийлик қонунларида ҳақиқат, адолатлилик уч ахлоқий-ҳуқуқий таянчга асосланади: эзгу фикр (ғоя), эзгу калом

(сўз), эзгу амал (иш). «Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман. Мен яхшиликдан иборат Ахура Мазда қонунига шон-шавкат бахш этаман» («Ясна», 14). «Инсон қалби чироғини ёқишда икки қарама-қарши куч: Воху Мана («Эзгу фикр») ва Ако Мана («Ёвуз фикр») тўқсир кўрсатади. Барча фикр, ғоя, ва сўзлар заминида эгулик ва ёвузлик ётади» («Ясна», 30). Эзгуликка асосланган сўз, ғоя, ҳаракат – тинчлик, гамхўрлик кабилардир. Ва, аксинча ҳасадгўйлик, ёмонлик, уруш ва жанжаллар ёвузликдан дарак беради.

«Авесто»да тинчлик, дўстлик, яхшилик, адолат ғоялари билан бирга жиноят ва жазо, табиатни муҳофаза қилишга тегишли кўйилан-кўп, бугун ҳам ибратли қоида(норма)лар мавжуддир.

Ислом масаласига келганда шуни айтиш керакки, бу дин ўндан аввалги энг йирик динлар орасида ёш дин бўлганлиги сабабли унинг қонун ва қоидалари (Қуръон, Ҳадис) фалсафий, ҳуқуқий фикрлар илоҳий таълимотлар асосида инсон ҳаётининг турли соҳалари ва қирраларини тартибга солади. Инсоннинг пайдо бўлиши ва унинг яшаш, турмуш қоидалари; инсон ва Оллоҳ, инсон ва пайғамбар, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар; инсон билан инсон ўртасидаги муносабат ибратли тарзда изоҳланади. Жамият ҳаётида давлат тартибининг ўрнатилиши, айниқса қонунчиликка риоя қилиш тўғрисидаги жуда кўп фикр ва мулоҳазалар битилган. Уларни билиш бугун ҳам аҳамиятлидир.

3-§. Давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳақидаги дунёвий таълимот

Давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши тўғрисида дунёда жуда кўп қарашлар, ғоялар ва таълимотлар борки, уларнинг ҳаммаси тўғрисида сўз юритиш имконияти йўқ. Шу сабабдан биз уларни асосан уч гуруҳга бўлдик. Биринчиси, *дунёвий билимлар*, иккинчиси эса *диний* ва учинчиси, яқин ўтмишда собиқ СССРда асосий, ягона таълимот ҳисобланган *марксизм-ленинизм таълимотидир*.

Дунёвий билимлар ҳақида сўз юритадиган бўлсак энг аввало шуни эсда сақлаш керакки, бу йўналишдаги ғоялар, қарашлар илмий асосга эга ва ҳаётийдир.

Дунёвий ҳуқуқий билимларнинг ўзи ҳам турли-туман мактаблар, йўналишларга бўлинади. Масалан, патриархал назария (Арасту, Форобий), шартнома назарияси (Жан Жак Руссо, Гуго Гроций, Спиноза, Локк ва Гоббс), табиий ҳуқуқ назарияси (Д.Локк, Т.Гоббс, Г.Гроций, Б.Спиноза) ва бошқалар. Собиқ иттифок даврида ёзилган ўқув қўлланмаларида марксизм-ленинизм таълимотидан ташқари давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги мактаблар, қарашлар «буржуача», «феодалларча» дунёқарашга асосланган ва улар тўғри эмас дея танқид қилинган. Бугун Мустақиллик шарофати билан фақат миллат, республика озод бўлиб қолмасдан, балки давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги фан ҳам марксизм-ленинизм доғмасидан озод бўлди. Эндиликда уни барча бошқа илғор мамлакатлар университетларида ўрганилаётганидек, биз ҳам чекламасдан, турли томонларини турли нуқтаи назардан ўрганиш имкониятига эга бўлдик.

Кишилик жамияти тараққиёти турли даврлар ва босқичларни босиб ўтган. Форобий эса инсоният жамоаларини кичик, ўрта ва буюк жамоаларга бўлади. Ва давлат, қонун масалаларини ана шу бўлинишда ўрганади. Форобий кичик, яъни бир шаҳар марказини ташкил этган одамлар бахтли ҳаёт кечирадиган жамоа, давлатнинг идеал маърифатли жамоа ва давлат эканлиги тўғрисида ёзади.

Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялар орасида етакчи ўринни эгаллайдиган назария *табиий ҳуқуқ назариясидир*. Унинг тарафдорлари Фарбий Оврупо олимлари Д.Локк, Т.Гоббс, Г.Гроций, Б.Спиноза ва бошқалардир. Бизнинг фикримизча, табиий ҳуқуқ назарияси тарафдорлари қаторига патриархал назария асосчилари – Арасту, Форобийлар; шартнома назарияси асосчилари – Ж.Ж. Руссо ва бошқалар ҳам қирадилар. Чунки шартнома асосида ёки оилаларнинг ривожланиши ва иттифоқи асосида давлатнинг, ҳуқуқнинг келиб чиқишининг эътироф этилиши табиий қонунларнинг бирламчилигини тан олишдан бошқа нарса эмасдир.

Табиий ҳуқуқ назарияси тарафдорлари икки ҳуқуқнинг мавжудлигини: табиий ҳуқуқ ва инсоний ёки китобларда позитив ҳуқуқ деб юритиладиган ҳуқуқнинг мавжудлигини эътироф этадилар. Табиий ҳуқуқ асос, бошқача қилиб айтганда, бирламчи ҳисобланади. У инсон тафаккуридан таш-

кирида абадий мавжуд бўлади. Инсон ҳуқуқлари, яъни давлатларда ўрнатилган ҳуқуқлар ана шу табиий ҳуқуқлардан келиб чиққан бўлиши керак деб ҳисобланади.

Табиий ҳуқуқнинг ўзи қандай ҳуқуқ? Биринчидан, абадий; иккинчидан, инсон ҳуқуқидан устун туради ва учинчидан, инсон ҳаётида, барча мавжудотлар ҳаётида ҳал қилувчи кучга эгадир. Бизнинг фикримизча, теологик, яъни диний таълимотларда барча оламнинг эгаси Оллоҳ дейилганидек, табиий ҳуқуқ ҳам табиат ва жамият тараққиётини белгилаб беришда танҳодир. Шу маънода улар бир-бирига яқин тушунчалардир.

Табиий ҳуқуқларга, масалан, инсоннинг дунёга келиши ва унинг яшаш ҳуқуқи, оила қуриш ҳуқуқи, ота ва оналик ҳуқуқи, болаларнинг ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи ва ҳоказолар киради. Бу ҳуқуқлар табиатдан инсонга ато этилган бўлиб, уни бирор ҳукмдор ёки қонун бекор қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Г.Гроций, Б.Спиноза, Ж.Локк, Ш.Монтескье, Т.Жефферсон ва қўплаб бошқа олимлар, сиёсий арбоблар ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва мулкдор бўлиш ҳуқуқига эгадир, деб ҳисоблайдилар. Улар ўзларининг асарларида янги давлатларнинг тузилишини белгилаб, унда инсон ва унинг ҳуқуқларини аниқ кўрсатиб беришга муваффақ бўлдилар. Фуқароларнинг давлат билан бўладиган муносабатлари йиғиндиси сифатида «Фуқаролик ҳуқуқи» фани вужудга келди. «Фуқаролар ҳуқуқи», «фуқаровий ҳуқуқлар», «инсон ҳуқуқи» каби тушунчалар пайдо бўлди.

Табиий ҳуқуқ назарияси таълимотлари асосида Эркинликнинг буюк хартияси (1215 й.), Ҳуқуқ тўғрисидаги петиция (1628 й.), Ҳуқуқ тўғрисидаги билл (1689 й.), Америка Қўшма Штатларининг Мустақиллик декларацияси (1789 й.), Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик декларацияси (1990 йил 20 июнь) яратилган. Ана шу декларациялар асосида эса бугун амалдаги АҚШ Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва яна кўплаб жаҳондаги илғор дунёвий давлатлар конституциялари қабул қилинган. Франция декларацияси инсон ҳуқуқлари қаторига эркинлик, мулк, ҳаёфсизлик ҳақида, зулм ва зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига қарши

кураш ҳуқуқларини киритган бўлса, Ўзбекистон Мустақиллик декларацияси эса мустақиллик, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечириш ва хавфсизлик ҳуқуқларини белгилади.

Табиий ҳуқуқ назарияси бугун дунёвий демократик ҳуқуқий давлатларнинг Конституцияси ва қонунларига асос қилиниб олинган. У ўзининг ҳаётийлиги, тўғрилиги билан барча бошқа назариялардан фарқ қилади. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва давлат қурилиши ана шу табиий ҳуқуқ таълимотлари асосида ривожлантирилиши жамият ва давлатнинг истиқболини белгилаб бермоқда.

Демак, табиий ҳуқуқ назарияси, биринчидан, инсон ҳуқуқидан устун ва мустақил бўлган абадий амал қилувчи ҳуқуқ; иккинчидан, инсон ҳуқуқи, яъни ҳар бир давлатда мавжуд, амал қилаётган ҳуқуқ; учинчидан, дунёвий давлатларда инсон томонидан қабул қилинган ҳуқуқлар ёки позитив, яъни давлатда табиий ҳуқуққа асосан ва унга мос равишда қабул қилинган қонунларни ўз ичига олади.

4-§. Давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳақидаги марксча-ленинча таълимот

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ғарбий Оврупода ҳаёлий социализм таълимотининг якуни сифатида янги сиёсий-ҳуқуқий дунёқараш, яъни марксча-ленинча таълимот вужудга келди. Унинг асосчилари К.Маркс ва Ф.Энгельслар эди. Кейинчалик бу таълимотнинг тарғиб этилиши Россия ва барча бошқа иттифокдош республикаларда асосан мафкура тарихида амалга оширилди. Ўзбекистонда ҳам бу дунёқараш 1990 йилларга қадар асосий дунёқараш бўлиб хизмат қилди. Шу боисдан ҳам биз ушбу масалага қисқача тўхталишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Уни танқидий ўрганиб, тўғри, илмий ҳулосалар чиқариш бугунги кунда учрайдиган ўтмишдан сақланиб қолган иллатлар, камчиликларни бартараф қилишда кўмаклашади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси К.Маркс, Ф.Энгельс ва В.И. Ленин асарларида бош масала ҳисобланади. «Коммунистик партия манифести», «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши», «Францияда синфий кураш», «Францияда граж-

«Олимлар уруши», «Давлат ва революция», «Давлат тўғрисида», «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» каби асарларда ана шу таълимот баён қилинган. Ана шу асарлар асосида жуда кўплаб ҳуқуқшунос олимларнинг китоблари ёзилдики, уларнинг ҳаммаси тўғрисида фикр юритиш мушкулдир. Хулоса шундан иборатки, марксча-ленинча таълимот давлат пайдо бўлиши ва ривожланишини хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, жамиятни қарама-қарши курашувчи синфларга бўлиниши маҳсули сифатида ўрганади.

Давлат жамиятдаги синфлар, табақалар ўртасида тинчликни таъминловчи, уларни муросага келтирувчи куч сифатида эмас, балки жамиятдаги энг бой ҳукмронлик қилувчи синфнинг қўлидаги қурол деб ўргатилади. Хусусий мулк ҳукмронлик қилган мамлакатларда давлат эзувчи синф манфаатларини ҳимоя қилса, социалистик тузумдаги жамиятларда бу пролетариат диктатурасидир, деган ғоялар илгари сурилди.

Ҳуқуқ масаласига ҳам синфий нуқтаи назардан қараб, масалан, «Коммунистик партия манифести»да унга буржуа синфининг қонун даражасига кўтарилган эрки, бу эрkning асосини шу синфнинг моддий шарт-шароити ташкил қилади, деган маънода таъриф берилган. Давлат ва ҳуқуқ бир замонларда пайдо бўлган бўлса, келажакда, яъни коммунистик жамиятда улар барҳам топади. Пролетар диктатураси давлатининг ўзи синфларни тугатади, хусусий мулкни барҳам топтиради, ҳаммани ижтимоий ҳаётда тенг ва бахтли қилиб, натижада ўзи ҳам барҳам топади, деган кўпдан-кўп фикрлар асосида марксча-ленинча таълимот ривожланди.

Оқибат натижада социалистик мамлакатларда тоталитар тизим юзага келиб, давлат аппаратида қўп жиҳатдан жазоловчи, зўрликка таянган механизмлар ривожланди. Бу ҳол эса кўплаб бегуноҳ одамларнинг ҳуқуқлари поймол қилинишига, мамлакат сиёсий ҳаётида бутун бир миллатларга нисбатан репрессиялар ўтказилишига сабаб бўлди.

Ушбу таълимотнинг энг катта камчилиги унинг ҳаёлий, афсонавий тенглар жамиятига чиқиш тўғрисидаги қарашлари табиат қонунларига қарама-қаршилигида эди.

Назарияда ҳамманинг тенглиги эътироф этилсада, амалда ягона коммунистик партиянинг ҳукмронлиги, мил-

III боб. ДАВЛАТ ТУШУНЧАСИ, МОҲИАТИ, БЕЛГИЛАРИ ВА ТИПЛАРИ

1-§. Давлат тушунчаси ва моҳияти

Давлат ҳақидаги фан тарихи мураккаб, серқирра жараён-дир. Ушбу фан доирасида давлатчилик табиати, тузилиши ва функциялари ҳақидаги, давлатнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси тўғрисидаги билимлар тўпланиб, бойиб боради. Давлат тушунчаси ва моҳиятини кўриб чиқишга киришишдан олдин, уларнинг талқини турлича бўлиб келганига эътиборни қаратиш жоиз. Давлат моҳиятини ўрганишга турлича методологик ёндашувларнинг мавжудлиги бунинг асосий сабабидир. Чунончи, шўролар давридаги адабиётларда давлат ягона синфий нуқтаи назардан тушунтирилган, яъни унга ҳукмрон синфнинг чекланмаган ҳокимияти, диктатура курали сифатида қаралган.

Давлат моҳиятини таърифлашга айнан шундай ёндашув Афлотун ва Арастудан тортиб, то уларнинг Ғарбий Оврупадаги бугунги издошларигача бўлган номарксистик таълимотларни асосиз равишда идеалистик, ноилмий қараш сифатида рад этиб келди. Ўзаро фарқларига қарамай, уларнинг аксарияти давлатни ижтимоий муроса ва умумий эзгулик ютуғи сифатида тушунишлари бунга сабаб бўлган.

Давлатчилик тарихида уни қандай тушуниш лозимлигини аниқлашни Афлотун ва Арастудан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Улар тасаввурига кўра, давлат сиёсий алоқалар воситасида муайян бир тарзда бирлашган ва ўзаро боғлиқ одамлар жамоасидир. «Инсоннинг ўзига ўхшаган ва озод кишилар устидан ҳукмронлигини ўрнатувчи ҳокимият»¹ шу алоқалар асосини ташкил этади, деб ҳисобларди улар.

Давлат умумий қиёфасини ягона фуқаролик жамоаси, сиёсий уюшма сифатида тушуниш Оврупа ҳуқуқшунослик фанида узоқ вақт мустаҳкам ўрин эгаллаб келди. Умуман, бу борада Афлотун ва Арасту издошлари кўпчилиликни ташкил этади.

¹ *Аристотель. Политика. 2-том (С.А.Жебелев таржимаси).*

Улар орасидан энг буюклари – Г.Гроций, Ж.Локк ва И.Кантлар номини келтирамиз.

«Уруш ва тинчлик ҳуқуқи тўғрисида»ги асарида Г.Гроций давлатни «ҳуқуққа риоя этиш ва умум манфаати йўлида тузилган эркин кишиларнинг мукамал иттифоқи»² сифатида таърифлайди.

Ж.Локк ҳам давлатни қарийб худди шундай тушунади. «Хукмдорлик тўғрисида икки рисола» асарида у ўз нуқтаи назарини шундай ифода этади: «Давлат деганда мен ҳамиша демократия ёки бошқарувнинг у ёки бу шаклини эмас, балки лотинча «civitas» сўзи билан ифодалаган ҳар қандай мустақил уюшмани назарда тутаман, бизнинг тилимизда ушбу сўзга «давлат» «commonwealth» сўзи мос келади, у кишиларнинг шундай уюшмасини англатадиган тушунчани янада аниқроқ ифодалайди»³.

И.Кант ҳам давлатга бўлган ўз қарашларида шундек фикр юритали. «Абадий тинчлик сари» асарида у шундай ёзади: «Давлат ўзи жойлашган ернинг ўзидай мулк эмас. Давлат – кишиларнинг ўзи ҳўжайинлик қилиб, ўзи бошқарадиган жамиятидир»⁴. «Ҳуқуқ ҳақидаги таълимотнинг метафизик асослари»да ҳам давлат тўғрисидаги шунга ўхшаш таърифни учратамиз: «Ҳуқуқий қонунлар ҳимоясида бўлган кўпчилик одамларнинг бирлашмасидир»⁵.

Албатта, давлатни ҳамиша ва ҳамма айнан шундай тушунган экан, деб ўйлаш мумкин эмас. Жумладан, қадимги ҳинд сиёсий онгида давлат (подшолик) тушунчаси давлатпаноҳнинг, ҳукмдорнинг «жисми»ни билдирган. XVI-XVIII асрлардаги Ғарбий Оврупога қайтадиган бўлсак, бу ерда давлатчиликни тушуниш кескин равишда ўзгарган. Давлат деганда тобора кўпроқ ҳукмдор ва унинг яқинлари, халқ ҳокимияти органлари, амалдорлар, мансабдор шахслар катламлари ва шу қабилар биргаликда тушуниладиган бўлди. Давлат моҳиятини тушунишдаги бундай ўзгаришларнинг, албатта, ўз сабаби, ўз тарғиботчилари бор эди.

² Гроций Г. «О праве войны и мира», М., 1956, 74-бет.

³ Локк Дж. Соч. 3-томник. М., 3-том, 388-бет.

⁴ Kant I. *Schriften zur Rechtsphilosophie*. Berlin, 1988, S. 290.

⁵ *Ibid.* S. 127.

Улар орасида Ж.Боден ўзининг «Давлат тўғрисида олти китоб» асарида давлатни «суверен ҳокимият воситасида кўйлаб оилалар ва уларга тегишли нарсалар»⁶ устидан адолатли ҳукмронлик сифатида тушунишни таклиф этганди. Атоқли француз давлатшуноси, Арасту сингари, давлат дегишда одамларнинг муайян бирлигини қайд этса-да, бу birlik энди давлатнинг асосий, тизимлар ташкил этувчи қисми сифатида майдонга чиқмайди. У фақат давлат томонидан ҳаракат объекти сифатидагина намоён бўлади. Давлат эса, унинг таъкидлашича, суверен ҳокимиятнинг одамлар жамоаси устидан амалга оширадиган раҳбарлигидир. Ж.Боденга ҳеч ким давлатни шундай тушунмаганини қайд этиш жоиз.

«Суверенитет», «суверен ҳокимият» унинг назариясидаги муҳим сўзлардир. Унинг фикрича, суверенитет «давлатнинг доимий ва мутлақ ҳокимиятидир». Айни пайтда унинг бу назариясининг ўзига хос томони шундаки, одамларнинг бутун жамоаси суверен ҳокимиятнинг энг яқин ва бевосита амалга оширувчиси бўлолмайди, бу вазифани ҳамманинг устидан ҳукмрон бўлган давлатпаноҳ (ёки олий орган) бажариши мумкин. Шу тариқа у халқ суверенитетини кейинги ўринга суриб, уни давлатпаноҳ суверенитетига алмаштиради.

Ж.Боден давлатнинг шубҳасиз муҳим белгисини алоҳида ажратиб, муносиб баҳолай олганлигини таъкидлаш керак. Лекин мазкур тамойил, муаллифнинг бундай талқини баъзи элитрозларга сабаб бўлмаслиги мумкин эмас. Зеро, бу суверенитет эгасини ижтимоий яхлитликни ташкил этувчи одамлар жамоасидан кескин ажратиб қўйиш деган гап эди. Чунки давлатнинг ўзи ҳам, унга суверенлик ҳуқуқини бахш этувчи ҳам ана шу яхлитликнинг қисмларидир. Шу нуқтаи назарни Т.Гоббс ҳам қўллаб-қувватлаб ривожлантиради. Дарвоқе, бунинг учун у бирмунча бошқача далиллардан фойдаланади.

Одамларни кўрқувда ушлаб, улар ҳаракатини эзгуликка йўналтиришга, дейди Т.Гоббс, фақат барча алоҳида имтиёз ва кучларни бир одам қўлида ёки бир қанча кишилик жамоат қўлида жамлаш орқалигина эришиш мумкин. Агар шу тариқа кўпчилик одамларнинг бирлашуви рўй берса, бу давлат деб аталади. Монарх (яъни, подшо) давлат тимсолида

⁶ «*LL. pensiero politico dalle oruginial nostri Giorni*». Roma, 1966, P. 356.

намоён бўлади. Давлат моҳияти фақат ана шу одамда (ёки тегишли шахслар йигинида)гина мужассамлашган бўлади, деб ҳисоблайди Т.Гоббс. Суверенитет соҳиби айнан шу давлатнинг ўзидир, унинг зиммасига «қўл остидагиларга тинчлик-осойишталикни бахш этиш, улар хавфсизлигини таъминлаш юклатилади»⁷.

Бундай қарашлар дунё миқёсида анча кенг тарқалган. Анархистлар ҳам, социалистлар ҳам, либераллар ҳам уларни қўллаб-қувватлашган. Чунончи, мисол учун рус анархисти М.Бакунин, давлатни жамиятга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ташкилот деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, давлат «уч ярамас нарсага – бюрократия, полиция ва армияга таянади. – ...бу имтиёзли синфлар эзувчи ва ақидапараст идрокининг кўзга ташланиб турувчи тана жисмидир»⁸.

Шундай қилиб, биз давлат моҳиятининг марксизм асосчилари томонидан талқини масаласига етиб келдик. Уни алоҳида изоҳламоқчимиз. Зеро, давлатчилик назарияси ва амалиёти тараққиётида улар алоҳида салбий аҳамият касб этган.

К.Маркс ва Ф.Энгельс учун давлат, биринчи навбатда, «бир синфнинг иккинчи синф томонидан бостирилиш машинасидан бошқа нарса эмас». Маркс ва Энгельс, буржуа жамиятидаги давлат «фақат бутун буржуазия синфи умумий ишларини бошқарувчи кўмитадир, холос», деб уқтиришган («Коммунистик партия манифести»). Ленин ҳам давлат тимсолида «бир синфнинг бошқаси устидан ҳукмронлигини сақлаб турувчи» машинани кўрган. «Давлат – муайян синфнинг ҳукмронлик органидир, – дейди у. – У ўз мухолифлари билан (ўзига қарама-қарши синф билан) муросага келиши мумкин эмас».

Бундай ёндашув давлат тўғрисидаги тасаввурларни қашшоқлаштирар ва ҳатто бузиб кўрсатарди, унинг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини жўн ва бир томонлама тушунишга олиб келар, мазкур ҳодисанинг мажбурловчи, зўравонлик томонлари устуворлигини тан олишга даъват этарди.

Бирок, шуни ҳам огоҳлантириш жоизки, ҳар қандай ёндашувни, шу жумладан, синфий ёндашувни ҳам бир йўла рад

⁷ Гоббс Т. Соч. В 2-х томах. М., 1992, 2-том. 133-бет.

⁸ Бакунин М. Избр. соч. М., 1992, 2-том. 262-бет.

этиб бўлмайди. Давлат ривожда шундай пайтлар бўладики, унда мазкур ёндашув ҳам (барча нуқсонларига қарамай) иш бериши мумкин. Масаланинг моҳиятини ойдинлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, иқтисодийнинг ривожланиши муайян даражага етиб, ижтимоий неъматларни тенг тақсимлашнинг аввалги тизими яшай олмай қолган ҳамда жамиятнинг бундан кейинги ривожини учун Шарқ жамиятида бўлганидек, сиёсий соҳада ёхуд Овруподагидек сиёсий ва иқтисодий соҳада бошқарув билан шуғулланадиган элитар қатламни ажратиш заруратга айланганда давлат дунёга келади. Бу – жамиятни табақаланишга олиб келди ва шунда дастлаб (ибтидоий жамоа тузумида) жамиятнинг барча аъзоларига тегишли бўлган ҳокимият сиёсий мазмун қасб этди, яъни у энг аввало имтиёзли ижтимоий гуруҳлар, синфлар манфаатига хизмат қила бошлади. Бинобарин, давлатнинг пайдо бўлиши ҳамини оммавий ҳокимиятнинг мазмуни ўзгариб, сиёсий ҳокимиятга айланиши билан боғлиқ. Бу нимани англатади? Ибтидоий жамоа тузуми ҳокимиятидан фарқли ўларок, бу ҳокимият энг аввало жамиятнинг, синфнинг имтиёзли қисми манфаатларини ўйлаб амалга оширилади. Ушбу ҳолатда синфий ёндашув бундай ҳокимиятни тавсифлаш, бундай давлат моҳиятини очиб беришда кенг имкониятлар яратиб беради.

Бироқ давлат ҳокимиятининг мазмуни ҳамини бир хил бўлавермайди. Чунончи, Қадимги Афина ва Римда синфийлик яққол кўзга ташланиб туради ва шубҳага ўрин қолдирмайди. У ерларда ҳокимият кулдорлар қўлида бўлиб, улар асосий ишлаб чиқариш воситалари (ер)га ҳам, ишлаб чиқарувчилар – кулларнинг ўзига ҳам эгаллик қилардилар. Куллар давлат ҳокимиятини амалга ошириш у ёқда турсин, умуман ҳар қандай ҳуқуқлардан маҳрум этилганди.

Йирик ер эгаллигига асосланган феодал жамиятда ҳам аҳвол шундай эди. Ҳокимият феодаллар – йирик ер эгалари қўлида бўлган. Деҳқонлар ҳокимият ишига аралаша олмас, феодалларнинг тўла ёки қисман мулки ҳисобланиб, барча юридик ҳуқуқлардан қарийб маҳрум эди. Шундай қилиб, кулдорлик жамиятида ҳам, феодал жамиятда ҳам биз ошқора ижтимоий тенгсизликка, давлат ҳокимиятининг синфий (табақавий) мазмун – характерида дуч келамиз.

Бирок, буржуа жамиятида давлат ҳокимияти характери ни баҳолашга бирдек ёндашиб бўлмайди. Зеро, бундай жамият-да қонун олдида расман ҳамма тенг, бир хил ҳуқуққа эга ва булар, олатда, декларация ва конституцияларда юридик жи-ҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Лекин илк буржуа жамия-тида қонун томонидан белгилаб қўйиладиган мулккий, маъ-лумотга оид ва бошқа камситишлар аҳоли камбағал қатлам-ларининг сайлов ҳуқуқларини ҳам чеклаши ҳаммага маъ-лум. Шу йўл билан ҳокимиятнинг иқтисодий ҳукмрон синф – буржуазияга мансублиги таъминланади.

Энди ҳокимият бюрократик амалдорлар маҳкамаси (тўғри-роғи унинг раҳбарияти) қўлида бўлган Шарқ давлатларига мурожаат қиламиз. Шу ўринда, амалдорларнинг синфийлиги ҳақида гапириш мумкинми, деган савол туғилиши мумкин. Бунинг устига мазкур мамлакатларда ишлаб чиқариш во-ситалари (ер)га мулк эгаллиги йўқ бўлиб, ишлаб чиқарувчи-лар эса, расман озод эдилар. Лекин бу ерда шуни назарда тутиш керакки, ушбу мамлакатларда ҳокимият кўпроқ бутун жамиятнинг эмас, балки ҳокимият тепасида турган муайян ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодаларди. Бундан шу нарса келиб чиқадики, бу ижтимоий гуруҳлар ижтимоий неъматларни тақсимлаш тизимидаги алоҳида ўринлари ҳам-да унинг анчагина қисмини ўзлаштириб олишлари билан, ишлаб чиқариш воситаларига алоҳида муносабатлари би-лан, яъни амалда уларнинг эгаларига айланиб, ишлаб чиқа-рувчиларнинг ўзларини ҳам асоратга солиб, «қуллар жа-моаси» даражасига тушириб қўйишлари билан ажралиб тура-дилар ва амалда синфларга айланадилар.

Умуман олганда, давлат (баъзан эса, давлат-партия) маҳ-камасининг бундай чекланмаган ҳукмронлиги ишлаб чиқа-риш воситаларига хусусий мулкчилик ҳукм сурган жамиятда ҳам вужудга келиши мумкин. Давлат маҳкамаси фавқулодда мустақилликка эга бўлиб, жамиятга қарийб бўйсунмай қўйган вазиятда бундай ҳолат юзага келади. Жумладан, синфларни бир-бирига тенг қўйиш, уларни бир-бирларига гиж-гижлаш йўли билан бунга эришиш мумкин. Бонапартистлик ҳукм-ронлиги даврида Францияда худди шундай ҳолат юз берган-ди. Ҳар қандай ўзгача фикрлашни, ҳукмрон доиралар раъйи-га қарши ҳар қандай ҳаракатларни аёвсиз бостириш йўли

билан ҳам шундай ҳолатга эришиш мумкин. Олмония ва Италиядаги фашистик режимлар, Лотин Америкасидаги тоталитар ёки авторитар режимлар шароитида шундай вазиятлар кузатишган.

Шундай қилиб, келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, синфий ёндашув давлатнинг муҳим хусусиятларини аниқлаш, ундаги мавжуд ижтимоий зиддиятларни илғаб олиш имконини беради. Бундан ташқари, маълумки, барча тарихий босқичларда жамият эзилувчи синфлари ва қатламларининг давлат ҳокимиятини эгаллаб олган эзувчиларга қарши чиқишлари кузатишган. Буларга Римдаги қуллар кўзғолонини, Англия, Франция, Олмония, Хитойдаги деҳқонлар исёнлари ва урушларини, ишчиларнинг иш ташлашлари ҳамда инқилобий чиқишлари ва шу кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Шунга қарамай, яна бир бор таъкидлашни истар эдикки, давлат ҳокимиятининг синфий, «табақавий» хусусиятини аниқлаш билангина давлат моҳиятини тўла намоён этиб бўлмайди. Мазкур муаммони фақат синфий ёндашув ёрдамида ўрганиш давлат ва сиёсий ҳокимиятни илмий билиш имкониятларини анча чеклаб қўяди.

Биринчидан, ҳокимият давлатдан анчайин кичик ижтимоий гуруҳлар қўлида бўлиб, бу гуруҳлар у ёки бу синф манфаатларини тўла ифода этмаслиги, балки ўзларининг тор гуруҳий манфаатлари йўлида (бонапартизм, тоталитар бюрократик режимларидагидек) ҳаракат қилишлари мумкин.

Иккинчидан, мустамлакачилик қарамлигидан озод бўлган баъзи мамлакатларда кўпинча бирон-бир синф ҳокимиятини қўлга олиш учун етарли куч ва уюшқоқликка эга бўлмаган ҳолатлар юзага келади. Башарти, бу мамлакатда умуммиллий манфаатлар (мустақилликка эришиш, миллий иқтисодиёт ва маданиятни ривожлантириш) кўндаланг бўлган тақдирда турли синфлар ва синф бўлмаган ижтимоий гуруҳлар блоки ташкил топиб, кўп ҳолларда улар таркибига миллий буржуазия, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, ҳунармандлар, майда савдогарлар ҳам қирадилар.

Учинчидан, муайян шароитларда бутун халққа тегишли бўлган давлат юзага келиши мумкин. Бунда умумхалқ манфаатлари синфий ёки гуруҳий манфаатлардан ғолиб келади.

Тўртинчидан, (бу жуда муҳим) ижтимоий зиддиятларнинг мавжудлигига қарамай, *жамият ҳамиша бир бутун яхлитдир*. Зеро, кулларсиз кулдорларнинг, деҳқонларсиз йирик ер эгаларининг, ишчиларсиз капиталистларнинг бўлиши мумкин эмас. Шарқ мамлакатида жамоа меҳнати амалдорлар маҳкамаси мавжудлигининг зарур шартидир. Шу боис ҳокимият тепасида турган синф ёки ижтимоий гуруҳ ҳамиша (хатто ўз манфаатини ўйлаб ҳам) эзилувчи синф ҳақида бир қатар ғамхўрлик қилишга мажбур.

Шунинг учун ҳам ҳар қандай давлат *умумижтимоий функцияни бажариши, бутун жамият манфаатлари йўлида ҳаракат қилиши* шарт бўлади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда ҳар қандай давлат фақат бостириш кулоли бўлибгина қолмай (қадим аждодларимиз айтиб кетганларидек), бирлаштириш воситаси, интеграциялаш (яхлит ҳолатга келтириш) йўсини сифатида жамият тимсоли ҳамдир.

Шундай қилиб, *давлатнинг умумижтимоий функцияси* унинг муҳим хусусияти бўлиб, синфийлик хусусияти билан бир қаторда давлат умумий моҳиятининг энг аҳамиятли жиҳатини ташкил этади. Шунини ёдда тутиш керакки, давлатда ҳукмрон доираларнинг тор синфий ёхуд гуруҳий манфаатлари ҳамиша бутун жамият манфаатлари билан кўшилиб кетади. Лекин давлат моҳиятининг юқорида тилга олинган жиҳатлари турли даврларда ва турли тарихий шароитларда бирдек бўлмаган ва бир томоннинг кучайиши иккинчи томоннинг заифлашувига олиб келади. Буни инобатга олиш жуда муҳим.

Чунончи, кулдорлик жамиятида давлатнинг синфийлик жиҳати энг кўп даражада устувор бўлади. Бутун ҳокимият, юридик ҳуқуқлар, ўз манфаатларини амалга ошириш имкониятлари тўлиқ ҳукмрон синф кўлида бўлади. Шунга қарамай, бу жамият тўғрисидаги билимларимизнинг ҳаммасини ҳам тўғри деб бўлмайди. Бутунлай ҳақ-ҳуқуқсиз зот сифатида куллар тўғрисидаги тасаввуримизда бирмунча муболаға ҳам бор. Биргина мамлакатдаги куллар сони озод фуқаролар сонидан анча кўп бўлганлигидан келиб чиққан тақдиримизда ҳам кулларга ҳеч нарса боғлиқ бўлмаган, дея олмаймиз. Масалан, Римда озод кишилар умумий аҳолининг атиги уч фоизини ташкил этган. Шунинг учун куллар билан ҳисоблашмасликнинг иложи ҳам йўқ, хавф-

ли ҳам эди. Ҳар қандай бирон қимматга эга бўлган мулк қатори қуллар ҳам маълум даражада юридик жиҳатдан ҳимояланган. Буларнинг ҳаммаси *қулдорлик давлатининг умумижтимоий роли* биз ўйлаганимиздан анча каттарок эканлигидан далолат беради.

Жамиятнинг қулдорлик тузумидан феодализмга, феодализмдан капитализмга томон ҳаракати давомида давлат фаолияти умумижтимоий жиҳатининг аҳамияти ҳам ошиб борган. Хусусан, унинг ҳозирги Ғарб жамиятидаги мақоми катта. Тадбиркорлар фойдасидан ундириладиган катта солиқлар, меҳнат шароитларининг давлат томонидан мувофиқлаштириб борилиши, турли хилдаги ижтимоий дастурларнинг кенг ривож топганлиги ва бошқа тадбирлар шунга олиб келдики, натижада мавжуд ижтимоий зиддиятлар салмоқли тарзда юмшаб бормоқда, синфий рақиблар тобора камайиб бораётганлиги туфайли уларни бостириш чораларига зарурат ҳам камаймоқда, жамиятнинг сиёсий барқарорлиги ошмоқда. Шундай қилиб, давлат фаолиятидаги ижтимоий жиҳатларнинг ўсиб бориши билан бир вақтда унинг синфийлик мазмунини белгиловчи улуши ҳам камайиб борапти.

Хулоса сифатида шунини айтиш керакки, давлат тушунчаси ва моҳиятини ҳар тарафлама тўлиқ ҳамда объектив билиш учун фақат синфий ёндашувнинг ўзи мутлақо кифоя қилмайди. Бинобарин, бу ўринда давлат тўғрисидаги бошқа назариялар – элитар, технократик, плюралистик демократия, «умумий фаровонлик» давлати ва бошқа назариялар қоидаларидан фойдаланиш керак бўлади. Бу ҳақда кейинги бобларда батафсил тўхталамиз.

2-§. Давлатнинг асосий белгилари

Давлат жамиятнинг сиёсий тизимига кирувчи бошқа ташкилотлардан бир қатор ўзига хос белгилари билан фарқ қилади. Давлатнинг белгилари тўғрисидаги масала ҳаминша ҳуқуқшунослар эътиборини тортиб келган ва бу ҳақда уларнинг турли талқинлари мавжуд.

Ф.Энгельс ўзининг «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» деган асарида давлатнинг асосий белгилари сифатида аҳолининг ҳудудий бўлиниши, оммавий ҳокимият

ҳамда солиқлар тизимининг ташкил этилишини кўрсатиб ўтганди. Г.Ф.Шершеневич ҳам шунга ўхшаш уч белги: «а) одамларнинг бирлашуви; б) улар устидан ҳукмронлик қилувчи ҳокимият; в) шу ҳокимият таъсир доирасидаги ҳудуд...»⁹ни санаб ўтади.

Ҳозирги вақтда давлатнинг умумий эътироф этилган қуйидаги асосий белгиларини кўрсатиш мумкин:

♦ давлат ўз давлат чегаралари доирасида фуқаролик белгиси бўйича бирлашган бутун жамиятнинг, бутун аҳолининг ягона вакили сифатида майдонга чиқади;

♦ давлат – суверен ҳокимиятнинг ягона соҳибидир;

♦ давлат юридик кучга эга бўлган ва ҳуқуқ нормаларини акс эттирган қонунлар ва уларга асосланиб чиқариладиган ҳужжатларни қабул қилади;

♦ давлат ўз вазифалари ва функцияларини бажариш учун зарур бўлган давлат органлари ҳамда тегишли моддий воситалар тизимидан иборат мураккаб механизм (маҳкама)дир;

♦ давлат – қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот посбони бўлишга махсус даъват этилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш (жазолаш) органлари (суд, прокуратура, милиция, полиция ва ҳоказо)га эга бўлган ягона ташкилот;

♦ фақат давлатгина ўз мудофааси, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминловчи қуролли кучлар ҳамда хавфсизлик органларига эга бўла олади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган биргаликда олинган давлат белгиларининг жами жамият сиёсий тизимида давлатнинг алоҳида ўрни ва етакчи ролини тўла изоҳлайди. Албатта, бунда, ҳар бир тарихий даврда, турлича ижтимоий-иқтисодий шароитларда давлатнинг бу белгилари ҳам ички мазмуни, ҳам ташқи кўриниши билан фарқ қилишини ҳисобга олиш зарур.

Ҳозирги шароитларда демократия ва эркинликларни, барқарорлик, тинч-тотувликни, республика халқлари ҳам-жихатлиги ва ҳамкорлигини қарор топтиришда, ислоҳотлар ва уларни амалга оширишдаги ташаббускорликда, маданияти юксак ривож топган жамиятга ўтишда Ўзбекистон давлати етакчи роль ўйнамоқда.

⁹ Шершеневич Г.Ф. *Общая теория права*. М.1995, 172-бет.

Ушбу мақсадларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш давлатни мустақкамлаш вазифаларини бажариш, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти барча бўғинларининг самарали ишлашини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ.

3-§. Давлат моҳияти ва белгиларини тушунишда ёндашувлар хилма-хиллиги

Маълумки, давлатнинг келиб чиқиши, давлат ҳокимиятининг табиати, унинг мақсад ва вазифаларини, давлатнинг тараққиёт йўллари ва шу қабиларни турлича изоҳловчи кўплаб хилма-хил назариялар мавжуд. Бу ҳолат ижтимоий ҳодиса сифатида давлатнинг мураккаблиги, кўпқирраллилиги билан, ўтмишдаги ва ҳозирги вақтдаги унинг шакллариининг хилма-хиллиги, шунингдек, давлатнинг сиёсий ҳокимиятни амалга ошириши, унинг фаолиятининг турли ижтимоий синфлар ва гуруҳлар манфаатларига бевосита дахлдорлиги билан боғлиқ. Булар объектив омиллардир.

Агар ушбу муаммога субъектив жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, мазкур ҳолат турли муаллифларнинг турли мафкуравий ва фалсафий нуқтаи назарлари билан ҳам боғлиқлигини кўрамиз.

Давлат тўғрисидаги назарияларни шартли равишда **тўрт гуруҳга:**

- давлатнинг моҳияти тўғрисидаги;
- давлатнинг мақсад ва вазифалари ҳақидаги;
- давлатнинг фаолият воситалари ва методлари тўғрисидаги;
- давлатнинг кейинги тараққиёти истиқболлари ва йўллари ҳақидаги назарияларга ажратиш мумкин.

Модомики, турли муаллифлар ўз асарларида давлат билан боғлиқ муаммоларни тушунтириш мақсадида юқорида қайд этилган масалаларга у ёки бу тарзда мурожаат қилар эканлар, хилма-хил гуруҳларга мансуб назариялар турли бирикмалар ташкил этиб, ўзаро таъсир этмай қолмайди.

Қуйидагиларни давлат моҳиятига боғлиқ назариялар қаторига киритиш мумкин:

Элита назарияси. Ушбу назария ХХ аср бошларида вужудга келди (В.Парето ва Г.Моски асарлари) ҳамда асри-

миз ўрталарида янгидан ривожлантирилди (Х.Лассуэл, Д.Сартори, Т.Дай ва бошқалар томонидан). Мазкур назариянинг бош ғояси, гўё халқ оммаси давлатни идора этишга қодир эмаслиги, шунинг учун бошқариш жамиятнинг ҳукмрон доираси – элитаси томонидан амалга оширилиши кераклигини исботлашдан иборат. Элиталар турли белгилари (келиб чиқиши, маълумоти, тажрибаси, қобилияти кабилар)га қараб аниқланади. Дарвоқе, бунда элита сафлари халқ оммаси ҳисобига, уларнинг энг қобилиятли вакиллари билан тўлдириб борилиши мумкинлиги ҳам назарда тутилади.

Бунинг устига, мазкур назариянинг ҳозирги тарафдорлари бир қанча элиталар мавжуд бўлиб, улар ўртасида ҳокимият учун кураш бориши, бироқ, халқ ўз сайлов ҳуқуқидан фойдаланиб, улар фаолиятини назорат қилиши мумкин, деб таъкидлайдилар.

Шубҳасиз, ушбу назариянинг нуқсонлари ҳам мавжуд. Чунончи, аҳолини ҳокимият ишларидан четлаштиришни тарғиб қилади, ҳокимиятнинг синфий табиати бутунлай инкор этилади. Лекин ушбу назариянинг ижобий томонлари ҳам йўқ эмас. Ҳақиқатан ҳам, ҳокимият ишларини олиб бориш амалда кишиларнинг ғоят чекланган доираси – депутатлар, давлат маҳкамаси ходимлари томонидан бажарилади. Муҳими – мазкур кишилар чиндан ҳам халқ, турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар манфаатларини ифода этишлари керак. Шу жиҳатдан халқ сайлаган ва ўз номидан вакил қилган кишиларнинг элита характерини, улар фаолияти устидан таъсирчан назоратни таъминлаш заруратини тушуниш мумкин.

Технократик назария. Мазкур назария асримизнинг 20-йилларида вужудга келиб, 60-70-йилларда анча кенг тарқалди. Унинг тарафдорлари орасида Т.Веблен, Д.Барнхейм, Г.Саймон, Д.Белл ва бошқалар бор эди. Умуман олганда ушбу назария элиталар назариясига жуда ўхшаб кетса-да, замонавий воқеликни ҳисобга олиши билан ажралиб туради.

Бу назарияга кўра, жамиятни мутахассис-бошқарувчилар, мененжерлар идора этишлари лозим (кўпинча амалда ҳам шулар бошқаришади). Айнан уларнинг ўзлари жамиятнинг ҳақиқий эҳтиёжларини, унинг энг матлуб ривожланиш йўлларини, бунинг учун зарур воситаларни аниқлашга қодир.

Бу бошқаришни илмий асосда олиб бориш имконини беради ҳамда жамиятнинг ўсиб боровчи ривожини таъминлайди.

Мазкур таълимот гоёларидан нафақат давлатнинг моҳиятига, балки унинг бошқа жиҳатларига ҳам тегишли бўлган бошқа назарияларда ҳам фаол фойдаланилмоқда.

Плюралистик демократия назарияси. Мазкур назария ҳам XX асрда пайдо бўлган. Г.Ласки, М.Дюверже, Р.Дарендорф, Р.Даль ва бошқалар ана шу назария вакиллари дир. Ушбу назария социал-демократларнинг ҳам, либералларнинг ҳам қарашларини ифодалайди. Унинг гоёси ҳозирги жамиятда моҳият-эътиборига кўра синфлар амалда йўқолиб кетди ва ҳокимият шу тариқа ўз синфий табиатидан халос бўлди, деган маънони билдиради. Жамият турли белгиларига – ёши, касб-кори, истиқомат жойи, манфаатлар доираси ва бошқаларга кўра юзага келадиган одамлар ижтимоий бирлашмалари (страталар) йиғиндисидан иборат.

Шундай қилиб, кексалар ва ёшларнинг, спортчилар ва пивохўрларнинг страталари мавжуд бўлиши мумкин ва ҳоказо. Ҳар бир одам кўпчилик страталарга кира олади. Улар асосида давлат идораларига «тазийк» ўтказувчи ҳамда шу йўл билан давлат сиёсатини йўналтирувчи турли сиёсий ва жамоатчилик ташкилотлари тузилади. Бинобарин, ҳар қандай одам, ҳар бир бирлашма давлат ҳокимиятида ўз «улуши»га эга бўлади, давлатни бошқаришда иштирок этади. Давлат шу тариқа умум иродасининг, бутун жамият манфаатларининг ифодачисига айланади.

Ушбу назариянинг ижобий жиҳатлари унинг чинакам демократик характерида, давлатни бошқариш ишларида барча фуқаролар иштироки зарурлигини асослашида намоён бўлади.

Давлатнинг мақсадлари тўғрисидаги масала юзасидан баҳс юритувчи назариялар орасида «**умумий фаровонлик давлати**» назариясини қайд этиб ўтиш керак. У иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган бўлиб, давлатнинг ижтимоий ҳаётга аралашмаслигига оид олдиндан мавжуд таълимотга қарши чиқади. Бунда нафақат ҳуқуқбузарлик ҳолатлари мустасно этилади («Тунги қоровул давлати» назарияси). Унинг моҳияти 30-йилларда Д.Кейнс томонидан таърифлаб берилганди. Д.Мюрдал, А.Цигу, К.Боулдинг, В.Мунд ва бошқаларнинг асарларида бу назария янада ривожлантирилган.

Мазкур назариянинг бош гоёси шундан иборатки, барча синфлардан устун тураркан, давлат аҳоли барча қатламлари манфаатларини ифодалай бошлайди, умумфаровонликни таъминлайди. Ривожланган мамлакатларнинг аҳоли турмушининг юксак даражасини таъминлашдаги, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда йирик давлат дастурларини амалга оширишдаги улкан муваффақиятлари ушбу назариянинг юзага келишига сабаб бўлди. Мазкур назария инсон манфаатларини давлат фаолиятининг асосига қўйиш билан ҳар бир шахс қадр-қимматига эътиборни жалб этади.

Бизнинг назаримизда, ушбу назариянинг ижобий жиҳатлари умуминсоний қадриятлар, инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари устуворлиги унинг асосига қўйилганлиги билан белгиланади. Унинг камчилиги эса, нималар ва кимлар эвазига бунга эришиш мумкинлигини кўрсатиб бера олмаганидир. Мабодо, эксплуатация марказини ярим мустамлака ва ривожланаётган мамлакатларга кўчириш назарда тутилмаган бўлса – бундай «фаровонлик» эътиборни тортиши амри маҳол.

Ҳуқуқий давлат назарияси. Бундан олдингисига қарама-қарши ўларок, бу назария ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳуқуқнинг устуворлигини таъминлашдан иборат давлат фаолияти мақсадини ҳам, давлатнинг иш юритиш воситалари, йўсинларига оид муаммоларни ҳам ёритади. Бу назария муаллифлари ҳақли суратда, давлатнинг бутун фаолияти ҳуқуқий мақсадларда, ҳуқуқ асосида ва ҳуқуқий воситалар ила амалга оширилиши керак, деб таъкидлайдилар. У бизнинг замонамизда энг оммавийлашган ва энг долзарб ҳамда илғор назариядир. Унинг ижобий жиҳатларига қисқача тўхталадиган бўлсак, энг аввало, унинг жамиятни демократлаштиришга, давлат органлари ишларидан ўзбошимчалик, зўравонлик ва қонунсизликни бутунлай мустасно этишга йўналтирилганлигини таъкидлаш зарур. Камчилиги – жамият ижтимоий ва иқтисодий ҳаётидаги аҳволдан келиб чиқиб, баъзи тамойилларни амалга оширишнинг имкони бўлмаган ҳолларда уларнинг бир қадар қуруқ баёнотга айланишидир.

Давлат фаолияти назариялари ва воситалари қаторига «*технократик давлат*» назариясини ҳам киритиш керак. Унинг пайдо бўлиши аксарият мамлакатларнинг техника воситалари,

шу жумладан, радиоэлектроникани ўзлаштириш ва улардан фойдаланишдаги йирик муваффақиятлар билан боғлиқ. Мазкур назарияга кўра, техниканинг бундан кейинги тараққиёти давлат бошқарувининг кўпгина масалаларини бошқача ҳал этиш имконини беради. Масалан, радиотелевизион техникадан фойдаланган ҳолда фуқаролардан социологик сўровлар ва ҳатто овоз бериш (референдум) ўтказиш мумкин. Компьютерлар алоҳида шахслар иродасига боғлиқ бўлмаган адолатли ва энг мақбул ечимларни топиш имкониятини беради.

Давлатнинг истикболдаги ривожини башорат қилувчи назариялардан бири – *конвергенция назарияси* XX асрнинг 50-60-йилларида пайдо бўлган (Д.Гэлбрейт, Р.Арон, П.Сорокин асарлари). Унинг моҳияти шундан иборатки, инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида икки тизим: Фарба – АҚШ, Англия ва бошқалар билан собиқ Совет Иттифоқи ва социалистик лагернинг бошқа мамлакатларининг бир-бирларига ўзаро таъсири рўй беради. Натижада юқоридаги мамлакатларнинг ҳар бир гуруҳи энг яхши томонларни ўзлаштиради ва шу тариқа ўз моҳияти, ташкилий уюшиши, фаолият шакллари ва шу кабилар бўйича давлатларнинг яқинлашуви содир бўлади. Назария муаллифларининг фикрича, бу шундай ҳолатга олиб келиши керакки, унга кўра маълум вақтдан кейин ўзаро фарқлар йўқола бориб, ягона типдаги «постҳиндустриал давлатлар» – «умумий фаровонлик» давлатлари юзага келади.

Мазкур назария муаллифларининг олдиндан кўра билиш заковатларига тан бериш керак. Зеро, ушбу назария ғояларининг ҳаммаси бўлмаса-да, кўпчилиги ҳозирги ҳаётимизда ўз таъсирини топмоқда.

Давлат тўғрисидаги назариялар орасида *тарихий-материалистик назария* алоҳида ўрин эгаллайди. У давлатнинг мавжудлиги ва тараққиётининг кўпгина жиҳатларини таҳлил этади. Бу назариянинг асосида тарихий материализм ва синфий кураш ғоялари ётади. Давлатга иқтисодий ҳукмрон синф ҳокимиятининг қуроли сифатида қаралади. Унинг хусусиятлари энг аввало жамият тараққиётининг муайян босқичидаги унинг иқтисодиёти билан белгиланади. Мақсад – социалистик, сўнг эса, коммунистик жамиятни ҳам қуриш, давлатнинг охир-оқибат тақдири эса, коммунистик жамият барпо этила бориши билан барҳам топишига эришишдан

иборат. Мазкур назарияга юқорида тўхталгандик, кейинрок у ҳақда яна батафсилроқ тўхталамиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, сиёсий-ҳуқуқий тафаккурда мавжуд ёндашувларнинг хилма-хиллиги тўғрисида гапирарканмиз, давлатнинг жамият сиёсий тизимидаги ўрнини белгилашдаги турлича ёндашувлар муаммосини четлаб ўтишнинг иложи йўқ. Қўйилган муаммо таҳлилига киришишдан олдин бир нарсага тўхталиш, тўғрироғи, жамият «сиёсий тизими» тушунчасига нималар қиради, деган саволга жавоб бериш фойдадан холи бўлмас.

Аввало, жамият сиёсий тизими тўғрисидаги асосий ғоялар давлат назариясида асримизнинг 60-70-йилларида баён этилганди. Шунга қарамай, кейинги вақтларда сиёсий тизим назариясини ривожлантириш ҳамда унинг амалиёти таҳлилида фан сезиларли ютуқларга эришди. Бирок, барибир, адабиётларда сиёсий тизим тушунчаси тўғрисида ягона фикр йўқ. Масалан, баъзи бир муаллифлар (В.Е.Чиркин, Ю.А.Тихомиров, М.Н.Марченко) *сиёсий тизим тушунчаси жамиятнинг сиёсий уюшмаси тушунчасига айнан мос келади* дейишса, бошқалар (чунончи – Н.Н.Разумовский) унга *жамият сиёсий уюшмасининг таркибий қисми* сифатида қарайди. Шундайлар ҳам борки, улар *сиёсий тизимни сиёсий соҳа билан айнан ўхшатишади. Ҳатто, сиёсий тизим тушунчасини сиёсий устқурмага яқин тушунча*, дейдиганлар ҳам бор.

Биз барча нуқтаи назарларни батафсил қараб чиқишни, айниқса, уларнинг қай бири устуворлигини аниқлашни мақсад қилиб қўймаганмиз. Бу алоҳида суҳбат мавзудир. Умуман турли нуқтаи назарлар муаллифлари қарашларини ҳурмат қилган ҳолда, айни пайтда *сиёсий тизимни том маънода тушунадиган, яъни унга, жамият сиёсий ташкилотини (сиёсий тузилмалар, уюшмалар ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги)ни ҳам, сиёсий ҳаётнинг барча бошқа кўринишларини ҳам ўз ичига оладиган категория* сифатида қарайдиганлар сафига кўшилиш керак деб ҳисоблаймиз.

Жамият сиёсий тизими ҳақида зикр этилганлардан келиб чиқиб, унга қуйидаги таърифни бериш мумкин. Яъни, *жамиятнинг сиёсий тизими шахсларнинг сиёсий ҳокимиятнинг амалга ошириш жараёнида уларнинг ташкилий мустақиллиги ва сиёсий фаоллигини оширишга даъват*

этилган ўзаро бир-бирига чамбарчас боғлиқ давлат, жамоат ва бошқа ташкилотларнинг йигиндисидир.

Биз мазкур таъриф воситасида жамият ва давлат сиёсий тизимининг муносабатдорлигини аниқлаш, унинг жамият сиёсий тизимидаги ўрни ва мақеини белгилайдиган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий омилларни келтиришга ҳаракат қиламиз.

Олдинданок айтиш керакки, **давлатнинг ички тuzилиши ва фаолиятининг** турли жиҳатларига алоқадор масалаларни тадқиқ этишга етарли эътибор бериб келинади. Давлат турли йўналишлар бўйича, яъни таркибий ва функционал жиҳатлар, ривожланишдаги турғунлик ва динамика нуқтаи назаридан, шакл, мазмун, моҳият фалсафий категориялари қарашларидан келиб чиқиб чуқур ўрганиляпти. Бирок, айти пайтда, кўпинча **сиёсий тизимнинг таркибий қисми** сифатида давлатнинг амал қилиши билан боғлиқ масалалар эътибордан четда қолиб кетади. Шу жиҳатдан давлатни таҳлил этиш, шубҳасиз, катта қизиқинч уйғотишига карамай, юқоридаги ҳолат рўй бермоқда. Ваҳоланки, у давлат механизмини сиёсий муносабатлар орқали тавсифлаш ва шу йўл билан давлатнинг жамият сиёсий тизимидаги ўрни ва ролини аниқ белгилаш имконини беради.

Даставвал, жамият сиёсий тизими таркибида давлат **алоҳида бўгин** сифатида майдонга чиқишига эътиборингизни қаратамиз ва буни ёдда тутиш керак. Унинг ўрни ва ролини на ҳукмрон партиянинг, на сиёсий тизим бошқа бўгинларининг ўрни ва роли билан тенглаштириб бўлмайди.

Жамият сиёсий тизимида нега давлат **асосий ёки бош** эмас, балки фақат **алоҳида бўгин** ҳисобланади? Зеро, бу таърифлар кўпинча маъно жиҳатидан бир-бирига яқиндай туюлади.

Боз устига юридик адабиётларда давлатни **сиёсий тизимнинг асоси** сифатида тушуниш учраб туради. Бу ерда биз М.Н.Марченконинг фикрига кўшилаамиз. Унга кўра давлат **сиёсий тизимнинг асосий ёки бош таркибий қисми** сифатида майдонга чиқа олмайди ва чиқиши ҳам мумкин эмас, зеро, сиёсий тизимнинг иқтисодий, ижтимоий ва мафкуравий асослари шу мақомга эга бўлиши мумкин.

Давлатнинг сиёсий тизимдаги ўрни ва роли қуйидаги жиҳатлар билан белгиланади:

♦ давлат жамиятни такомиллаштиришда муҳим роль ўйнайди, ҳамма ва ҳар бир одам манфаатлари йўлида уни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди;

♦ давлат барча фуқароларнинг ташкилоти сифатида майдонга чиқади;

♦ давлат бошқарув ва мажбурловнинг махсус маҳкамаларига эга;

♦ давлат турли ишонтирув ва мажбурлов услубларидан фойдаланиш имконини берадиган кенг тармоқли юридик воситалар тизимига эга;

♦ давлат суверенитетга эга;

♦ давлат бутун мамлакат миқёсида ягона тўлақонли ҳокимият ташкилотидир.

Нодавлат ташкилотларнинг биронтаси бундай хусусият ва вазифаларга эга эмас.

Шундай қилиб, биз жамият сиёсий тизимидаги *алоҳида бўгин* сифатида давлатни бошқа барча бирлашмаларга қарши қўймаймиз, лекин, айти пайтда унинг бошқа демократик ташкилотлар тизимидаги ролини ҳам камситмоқчи эмасмиз. Барибир, яна бир бор шуни таъкидлаш лозимки, *сиёсий тизим таркибидаги бош ва асосий бўгинлар тушунчалари бир хил маънони англатмайди. Бош бўгин вазифасини шахс бажаради, шу билан бирга, асосий бўгин давлатдир.*

Давлат сиёсий ташкилотлар каторига кирмаслиги мумкин эмас. Зеро, махсус мажбурлов ва бостириш маҳкамаларига ҳамда турма ва бошқа мажбурловчи муассасалар кўринишидаги тегишли «моддий қисмларга» эга бўлган давлат ҳокимият тепасида турган сиёсий кучлар қўлидаги бош куч сифатида, улар иродаси ва манфаатларининг бош татбиқчиси сифатида, сиёсий ҳокимиятни амалга оширишнинг муҳим воситаси сифатида майдонга чиқади. Албатта, бу ерда сиёсий ҳокимиятни ким амалга ошириши, унинг манфаатлари бутун халқ манфаатларига қай даражада мос келиши муҳим аҳамиятга эга бўлади.

4-§. Давлат типологияси

Типология – жуда турли хил белгиларга эга бўлган фавкуллода мураккаб ва серқирра ҳодисадир. Бу ҳолат уни таснифлашнинг турли тизимларини яратиш имконини беради.

*Тарихий ёндашув қадимги, ўрта аср ва ҳозирги замон давлатларини ажратиб кўрсатишни тақозо этади. Тарихий ва маданий ривожланиш тарихига қараб эса, улар **деҳқончилик билан шуғулланувчи ва саноат билан шуғулланувчи давлатлар** (ёки хиндутриал тараққиётгача, хиндутриал ва постхиндутриал давлатлар)га бўлиниши мумкин.*

Цивилизация характерига кўра, давлатлар *шарқий, ғарбий ва аралаш (оралиқ)* давлатларга, иқтисодий тараққиёт даражаси бўйича эса, *юксак ривожланган, ўртача ривожланган ҳамда «камбағал» давлатларга* ажратилади.

Мазкур таснифларнинг аксарияти давлатдан кўра кўпроқ жамиятни тавсифлайди. Бунинг ажабланидиган жойи йўқ. Чунки мазкур таснифларнинг бирортаси ҳам давлатни бошқа ҳодисалардан ажратиб турган бош омил – сиёсий ҳокимиятни амалга оширишни инобатга олмайди. Шу боис, таснифлашнинг ҳокимият муносабатлари, яъни ҳокимиятнинг моҳияти, унинг синфий (ижтимоий) тааллуқлилигини тавсифлашга асосланган турлари ҳам муҳим аҳамиятга моликдир.

Таснифлашга айна шундай ёндашув ҳозирги замон фанига ҳосдир, боз устига бундай ёндашув давлатнинг тарихий типлари тушунчасига асосланади.

Давлатни таснифлашнинг яна кўплаб турли хил тизимларини келтириш мумкин. Бирок, шунини таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда давлатни типларга ажратишда асосан иккита – *формациявий ва маданий (цивилизация)* ёндашув мавжуд.

Яқин вақтларгача формациявий ёндашув мумкин бўлган ягона ва илмий ёндашув сифатида эътироф этиб келинарди. Зеро, у давлат типи тўғрисидаги масалага бўлган марксистик муносабатни ифодаларди. Унинг моҳияти шундаки, давлат хилини белгилашда тарих ижтимоий-иқтисодий формациялар алмашинувининг табиий-тарихий жараёни сифатида тушунилади. Бу формацияларнинг ҳар бирига мос ўз давлат типи бўлади. Буларга *қулдорлик, феодал, буржуа ва социалистик давлат типлари* киради, деб уқтириларди.

Формациявий (ёки уни **синфий** деб ҳам аташади) ёндашувга мувофиқ ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг алмашинуви ижтимоий инқилоблар натижасида содир бўлади ва бу давлатнинг тарихий бир типидан бошқа, ундан юқорироқ типига ўтишни тақозо этади.

Бир йўла шуни ҳам қайд этиш жоизки, мазкур типология жуда тор маънодаги **синфий ёндашувга** асосланган. Бирок, фикримизча, бирон-бир нуқтаи назарга беписанд қараш мумкин эмас. Чунончи, қулдорлик ва феодал давлат типларининг пайдо бўлиши ва ривож топишини илмий асосда тушунтиришда ушбу масалаларнинг марксча талқини муайян роль ўйнаган. Бу ёндашув, шунингдек, XIX аср ўрталарига тўғри келувчи давлатнинг буржуа типини ҳам тўғри тавсифлаб берди. Шу вақтга келиб, саноат капитализмининг шаклланиши ниҳоясига етган ва унга хос бўлган буржуазия билан пролетариат ўртасидаги зиддиятлар кучайиб, **синфий курашнинг** кескинлашуви юз берди. Лекин давлат ва унинг типологиясига марксистик ёндашувнинг бундай мувофиқлиги 1917 йил Октябрь тўнтаришигача давом этган эди. «Классиклар»нинг капитализмнинг чириб бориши ва ҳалокати тўғрисидаги башоратларига келсак – улар ўзини оқламади. Капиталистик тузум Россиядаги инқилоб берган сиёсий зарбага бардош берибгина қолмай, 20-йиллар охири ва 30-йилларнинг бошларидаги чуқур иқтисодий инқироз шароитлари машаққатларидан ҳам муваффақиятли ўтди.

Шунга қарамай, бундай тор доирадаги **синфий ёндашув** изсиз кетмади. Аввал бошданок ҳамма давлатлар ҳам марксистик типология чизмасига силлиқ жойлашиб кетавермади. Бунда биз, энг аввало, шарқий типдаги давлатлар типологияси масаласини кўзда тутаямиз. Шуниси қизиқки, ҳуқуқшунослар ё умуман бу давлатларнинг ўзига хос хусусиятларидан кўз юмардилар ё уларни қулдорлик ёки феодал давлат типининг «шарқона тури»га мансуб қилиб кўрсатардилар. Холбуки, Шарқ давлатлари *Ғарб давлатларидан принципиал ва тубдан фарқ қилади*. Келинг, мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ғарб давлатларида сиёсий ҳокимият иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон синф қўлида эди, яъни *давлат ҳокимияти иқтисодий базага, асосий ишлаб чиқариш воситаларига мулккий эгаллик табиатига бевосита боғлиқ эди*.

Шарқ давлатларида эса, бутунлай бошқача ҳолат кузатилади. *У ерларда айнан давлат ҳокимияти бирламчи бўлиб*, ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат натижаларига эғалик қилиш имконияти сиёсий ҳукмронликка боғлиқ (бу мамлакатларда хусусий мулкнинг бўлмаганлиги, давлат мулки эса раҳбар доиралар қўлида бўлганлигини эслатиб ўтатиш). Бинобарин, Шарқ давлатларини классик (оврупоча) типларга мансуб дейиш ёки уларни «капитализмгача» бўлган типга (қулдорлик билан феодал) қўшиб юбориш нотўғри бўлур эди.

Боз устига Шарқ давлатлари фақат Ғарб давлатларидангина фарқ қилиб қолмай, балки ўзига хос хусусиятлари билан бир-бирларидан жиддий ажралиб турардилар. Жумладан, Хитойда ҳеч қандай қулдорликнинг аломати ҳам бўлмаган, Миср ва Осурияда эса, унинг жиддий роли бор эди. Давлат ҳокимияти тизимида руҳонийлар мавқеи ҳам турлича бўлган, уларнинг ҳуқуқий тизимлари жиддий фарқланарди. Демак, давлат типологиялари ва ҳуқуқий тизимларнинг ғарбий ва шарқий йўналишлари мавжудлиги ҳақида гапириш тўғрироқ бўлади.

Кўриниб турибдики, давлат ҳокимияти ҳамisha ҳам синфий табиатга эга бўлавермайди. У кўпинча озми-кўпми тор доирадаги ижтимоий гуруҳ (давлат маҳкамаси раҳбарияти, партия-давлат элитаси сингари) қўлида бўлади. Лекин уни ижтимоий синф сифатида қабул қилиш мумкин эмас. Албатта, бундай гуруҳ бирон-бир синф манфаатини ифодалаши мумкин ва амалда кўпинча шундай ҳам бўлиб чиқади. У ҳолатда ҳокимиятнинг синфий мазмуни, давлат типини яққол кўзга ташланиб қолади. Бирок, бундай гуруҳлар аксарият ҳолларда фақат ўз манфаатларининггина ифодалаши ҳам маълум.

Кўп ҳолларда юқоридаги гуруҳлар ўз таянчига эга бўлиш мақсадида (баъзи Шарқ мамлакатларидагидек) динга мурожаат қилади, собиқ Иттифоқда Сталин даврида бўлганидай ҳам жисмоний, ҳам ғоявий ялпи тазйикқа дучор қилиши мумкин. Энди шундай савол туғилади: ҳеч қандай синф манфаатларини ифодаламайдиган ёки уни арзимас даражада ифодаловчи давлатни қайси типга киритиш мумкин?

Шу муносабат билан мустамлакачилик кишанларидан озод бўлган мамлакатлар давлатларини таҳлил этиш муайян

қизиқиш уйғотади. Уларда кўпинча шундай вазият вужудга келадики, биронта синф ҳокимиятни яққа ўзи қўлга олиш ва уни ушлаб туриш учун етарли куч ва уюшқоқликка эга бўлмайди. Бундай мамлакатларда умуммиллий манфаатларни бирлаштирувчи турли ижтимоий кучлар блоклари юзага келади. Бирок, бундай бирлашмалар кўпинча муваққат характерга эга бўлиб, умуммиллий вазифалар ҳал этиб борилиши билан синфий манфаатлар ҳам пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун давлатнинг бундай типи (асосли равишда) *ўтиш даври давлати* номини олган.

Бундан ташқари, анъанавий синфий ёндашув бир ижтимоий-иқтисодий формацияга мансуб давлатлар ўртасидаги жиддий тафовутларни изоҳлаб беролмайди. Чунончи, ҳозирги Жанубий Африка Республикаси билан шу мамлакатнинг анартеид давридаги давлати ўртасида шубҳасиз катта фарқ бор. Ёки сталинизм давридаги ва «қайта қуриш» давридаги Совет Иттифоқини олинг. Давлат моҳиятининг *иккинчи жиҳати – унинг умумижтимоий ролидан* келиб чиқилгандагина уларни тушунишга йўл очилади. Шунга қарамай, давлат моҳиятининг умумижтимоий жиҳати, табиийки, синфий жиҳат сингари ҳокимият муносабатларида намоён бўлади. Бу ерда гап давлатнинг кимга тегишли эканлиги тўғрисида эмас, балки жамиятнинг амалда давлат ҳокимияти ўз қўлида бўлган қисми билан қолган аҳоли, яъни шу жамият аъзоларининг катта қисми ўртасидаги муносабатлар ҳақида кетяпти.

Бундай ҳолатларда ҳозирги замонда фанда кенг фойдаланилаётган давлат таснифи қўлланиши мумкин: улар *тоталитар, авторитар, либерал ва демократик давлатларга* бўлинади (бу ерда, албатта, кўпгина оралик шакллар бўлиши мумкин).

Либерал давлатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жамият ҳаётининг барча соҳаларида расман амал қилади, давлат ишларида фуқароларнинг расман иштирокларига йўл қўйилади. Ман этилмаган ҳамма нарсага руҳсат этилади. Лекин мавжуд давлат ва ижтимоий тузумни ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Тоталитар давлатда ҳамма нарса бир ғояга – «давлат – бу ҳамма нарса, инсон эса – ҳеч нима» деган ғояга бўйсун-

дирилган. Бутун ҳокимият ҳукмрон элита кўлида бўлиб, бошқалар давлатни бошқаришдан четлатилган.

Авторитар давлатда ҳам ҳақиқий ҳокимият тор элитар доира кўлида бўлиб, шахсий манфаатлар давлат манфаатлари йўлида қурбон қилинади. Сиёсий жабҳада руҳсат этилганидан ташқари ҳамма нарса ман этилиши тамойили амал қилади.

Демократик давлат фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришдаги ҳуқуқларини амалда таъминлайди, шундай иштирокка ёрдам беради. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари доираси жуда кенг бўлиб, уларни амалга ошириш таъминланган бўлади. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонун билан тўғридан-тўғри тақикланмаган ҳамма нарсага йўл кўйилади.

Тоталитар, авторитар давлатлар йўқолиб кетгандан кейин тарих сахнасида тарихий зарурият, объектив қонуният асосида пайдо бўлган демократик давлат ўзининг мазмун-моҳияти, асосий тамойиллари, мақсад-вазифаларига кўра давлатларнинг ўтмишдаги хилларидан кескин равишда фарқ қилади.

Демократик давлат – давлатнинг тамомила янги тарихий типидир. Бундай давлат ўтмишда бўлган эмас. У ижтимоий алоқат тамойилларига, ҳуқуққа, қонунга, қонунчиликка асосланадиган давлатдир. Ўтмиш жамиятларда халқ давлатга қул каби хизмат қилган, унга батамом қарам бўлган, инсон давлат машинасининг бир мурвати деб ҳисобланган бўлса, демократик давлат эса, аксинча халқ учун хизмат қиладиган, унинг манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялайдиган давлатдир.

«Давлат тушунчаси, унинг маъно-моҳияти тубдан ўзгарди. У ислоҳотларнинг бош ташаббускори ҳамда уларни мувофиқлаштирувчи асосий кучга айланди. Давлат бозор иқтисодий муносабатларига вазминлик билан, пухта ўйланган ҳолда, босқичма-босқич ўтишни амалга оширмоқда»¹⁰, дейди мамлакатимиз йўлбошчиси биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида.

Жаҳонда инсон фаолиятининг барча соҳаларида рўй берган ва содир бўлаётган ўзгаришлар давлатга ҳам таъсир

¹⁰ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-том. Т. «Ўзбекистон», 1997, 107-бет.

этмай қолмаганлиги табиий. АҚШ, Англия, Франция, Швеция ва Ғарбнинг бошқа ривожланган мамлакатлари тажрибаси кўрсатиб турганидек, давлат эндиликда фақат «тунги қоровул» роли билан кифоялана олмайди. Кейинги йилларда у тобора ижтимоий зиддиятларни зўравонлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий муросага эришиш воситасида ҳал этиш қуролига айланиб бормокда. Айни пайтда бу даъвоимиз фақат демократик ривожланишнинг узок тарихига эга бўлган Ғарб давлатларига нисбатан эмас, балки СССРнинг тарқалиб кетиши ва мустақилликни қўлга киритиш натижасида ташкил топган ҳозирги ёш суверен давлатларга нисбатан ҳам гоят ҳаққонийдир. Демократик тараққиёт йўлига, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлига кирган Ўзбекистон Республикаси бунга ёрқин далил бўла олади. Табиийки, бизнинг давлатимизда кўп нарса, шу жумладан, давлатга қарашлар ҳам ўзгарди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов бу ҳақда шундай дейди: «Биз яқин ўтмишимизда синфий ҳукмронликнинг қуроли сифатида давлат ҳақидаги марксча гоёни шиор қилиб олиб, бу назарияни доғмага, давлат ва ҳуқуқни эса синфий кураш, синфий рақибларни енгиш воситасига айлантирган эдик. Демократия шароитларида эса, давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик билан бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муросаи мадора билан бартараф этиш воситасига айланади»¹¹.

Шу тариха *цивилизациявий ёндашув* давлат типологиясига тобора кенг эътиборга лойик, замонавий ёндашув бўлиб бормокда. Ҳозирги вақтда унда «технологик» деб ном олган йўналиш устунлик қилмокда. Технологик йўналишга мувофиқ давлат типи шу давлатга хос бўлган фан-техника тараққиёти босқичига, аҳоли турмуш даражасига боғлиқ равишда белгиланади.

Мисол тариқасида *«иқтисодий ўсиш босқичи назарияси»*ни келтириш мумкин. Таниқли Америка социологи ва сиёсатдони Уолт Ростоу унинг муаллифидир. Ушбу назария, муаллиф фикрига кўра, марксизмга жанг эълон қилиши

¹¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 19-20-бетлар.

ҳамда ҳозирги замон тарихини ўрганиш методи сифатида уни сиқиб чиқариши керак. Унга биноан иқтисодий ривож бўйича барча жамиятларни *беш босқичдан* бирига – яъни анъанавий жамият; ислоҳотларга асос солинадиган ўтиш жамияти; силжиш жараёнини бошдан кечираётган жамият, пишиб етилаётган жамият ва халқ истеъмолининг юксак даражасига эришган жамиятга киритиш мумкин.

Мазкур таълимотга кўра, айнан бешинчи босқичда «умумфаровонлик давлати» деб аташ мумкин бўлган жамият юзага келади. Биз юқорида тилга олган «ягона ҳиндутриал жамият», «постҳиндутриал жамият» назариялари ҳам олдинги назарияга ғоят яқиндир.

Инглиз тарихчиси А.Тойнби давлат типлари тўғрисидаги масалага цивилизациявий ёндашувнинг бошқа бир йўналиши вакилидир. У цивилизацияни диний, рухий, маданий ва бошқа белгиларига кўра бирлигини кўрсатувчи жамиятнинг ёпиқ, локал ҳолати, деб тушунтирувчи таълимот муаллифларидан ҳисобланади. Шу белгиларга кўра, у жаҳон тарихида 20 дан ортиқ цивилизацияларни ажратиб кўрсатади. Тойнби жамият ва давлат ҳақидаги тушунчаларни аралаштириб юбориши эътиборни тортади. Бинобарин, унинг назарияси қизиқиш уйғотса-да, бироқ у давлатдан кўра кўпроқ жамият типологиясига мансубдир.

Давлат типологиясига бошқача ёндашувлар ҳам мавжуд. Улар асосида бошқача мезонлар ётади-ю, лекин улар, одатда, субъектив характерга эга. Шунинг учун биз эътиборингизни фақат икки асосий ёндашувга қаратдик. Яна давлат типологияси тўғрисидаги масалани ўрганишда бир-бирига қарама-қарши қўймаган ҳолда ҳар иккаласидан кераклигини таъкидлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

5-§. Давлатнинг асосий типлари

Ҳуқуқшунослик фанида асосан **тўрт типдаги давлат** – *қулдорлик, феодал, капиталистик ва социалистик давлатлар* таҳлил этилган. Аввал қайд этиб ўтганимиздек, том маънодаги қулдорлик ва феодал давлатлар фақат Оврупода бўлган. Жаҳоннинг қолган қисмида – Осиё, Африка, Америка қитъаларидаги давлатлар улардан жиддий фарқ қилар-

ди. Бундай ҳолат Фарбнинг (классик) давлатларидан фарқланувчи «шарқ» типига мансуб давлатлар мавжудлиги ҳақида гапириш имконини беради.

Уйлаймизки, баҳсимизни шу типни таърифлашдан бошлаш мақбулдир. Бунда, лоақал, бу давлатлар инсоният тамаддуни тарзида биринчи бўлиб пайдо бўлганлиги эътиборга олинган бўларди.

Шундай қилиб, энг дастлабки давлатлар суғориладиган деҳқончилик ҳудудлари (Миср, Элам, Ҳиндистон ва Хитой)да бундан беш минг йиллар муқаддам вужудга келди. Суғориш шохобчаларини бунёд этиш билан меҳнат унумдорлигининг кескин ошиши уларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бундай табиати жамоаларнинг сақланиб қолишини тақозо этарди: бир оиланинг ўзи сув иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланишнинг уддасидан чиқолмасди. Шунинг учун у ерларда хусусий мулк пайдо бўлмади, синфлар – ишлаб чиқариш воситаларига эгаллик қилувчи мулкдорлар юзага келмади.

Давлатнинг ташкил топиш жараёнида пирамида шаклида бунёд этилган жамият пайдо бўлди: энг юқорида ягона ҳукмдор (подшоҳ, фиръавн, шоҳ, хон ва ҳоказо), қуйроқда – унинг энг яқин сафдошлари, маслаҳатчилари давраси (вазирлар, амирлар) турарди. Улардан кейин қуйи мартабали амалдорлар, пирамиданинг асосини эса, қишлоқ хўжалик жамоалари ташкил этарди. Ана шу жамоалар ижтимоий маҳсулотнинг қатта қисмини давлат маҳкамаларига солиқ тарзида тўлаб, эксплуатация объектига айланганди.

Албатта, шарқий жамиятда хусусий мулк мутлақо бўлмаган дейиш мумкин эмас. Йўқ, бундай мулк бўлган ва у подшоҳларнинг саройлари, қуллари, жавоҳиротлари тарзида мавжуд эди. Сармоя ва моддий бойликлар савдогарлар ҳамда ҳунармандларнинг бир қисмида ҳам бор эди. Бирок, шунга қарамай, шарқ жамиятида *хусусий мулк ижтимоий ишлаб чиқаришида муҳим роль ўйнамаган*. Ижтимоий бойликнинг асосий ҳиссаси эркин жамоачилар ёки давлат ва ибодатхоналар мулки бўлган қуллар меҳнати билан бунёд этиларди. **Эътибор беринг-а**, қуллар фақат давлат ва ибодатхоналар мулки бўлган. Шу тариха ягона давлат мулки бўлган – давлат олий ҳукмдор тимсолида «жонли-жонсиз ҳамма нарса»-

га, шу жумладан, ўзининг энг яқин кишиларигача барча фуқароларнинг ҳам ҳаёти, ҳам мулкига эгалик қиларди. Айнаи пайтга Шарқ жамияти барқарор табиатга эга бўлиб, туб ўзгаришларга учрамасди.

Чунончи, Қадимги Миср давлати эрамиздан аввалги IV-III минг йилликларда пайдо бўлиб, ўттиз асрдан кўпроқ яшади. Қарийб эллик аср давомида яшаб келган Хитой давлати деярли XIX аср охирларигача жиддий ўзгаришларга дуч келмаган.

Илгари таъкидлаганимиздек, Ғарб мамлакатлари (Ғарб жамиятлари ҳам) Шарқ давлатларидан анча кейин пайдо бўлган, бироқ улар анча тез ривожланган. Айнаи Оврупада ижтимоий-иқтисодий формациялар (ва давлат типлари) алмашинуви анча тез юз берди: кулдорлик феодализм билан, у эса, ўз навбатида капитализм билан алмашди.

Шундай қилиб, бу давлат типларини батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Кулдорлик давлати. Европада илк кулдорлик давлатлари эрамиздан олдинги IX-VII асрларда, яъни Мисрдагидан 20 аср кейин пайдо бўлди. Бу даврга келиб, Шимолий Ўрта Ер денгиз бўйи шароитларида кишлоқ хўжалик жамоалари барҳам топиб, ерга оилавий, яъни хусусий мулкчилик муносабатлари юзага келди. Шу тарзда жамиятнинг антагонистик (муросасиз) синфларга бўлиниб кетиши рўй берди. Боз устига улар (Шарқда бўлганидек) ҳокимият тизимидаги турлича мавқелари билан эмас, балки ишлаб чиқариш воситаларига турли муносабатлари билан бир-бирларидан фаркланарди. Бир синф ер ва меҳнат қуроолларининг, шунингдек, ишлаб чиқарувчининг ўзи – қулга ҳам мулк эгаси бўлиб қолди. Фақат ана шу ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси бўлган синф оммавий ҳокимиятни ноқонуний эгаллаб олади ва уни эксплуатация қилинувчи кўпчилик қаршичилигини бостириш, синфий эзиш қуролига айлантиради.

Айтиш лозимки, турли мамлакатлардаги қулларнинг аҳволи бирдек эмасди. Жумладан, Афинада қулни калтаклаш ва ўлдиришни қонун тақиқларди. Римда бу ман этилмаганди. Шунга қарамай, яна бир бор қулнинг мутлақо ҳақ-ҳуқуқсиз маҳлук – гапирувчи қурол эканлиги ҳақидаги тасаввурлар муболағадан холи эмаслигини такрорлашни истардик. Улар

мутлақ кўпчиликни ташкил этганлигининг ўзиёқ маълум даражада улар билан ҳисоблашишга мажбур этарди. Бундан ташқари, қулдорлик давлатининг турли даврларида қулларнинг аҳволи яхшиланиб борган. Қулларнинг ҳатто табиблик ва ўқитувчилик вазифаларини адо этган ҳолатлари тарихдан маълум. Уларнинг аксарияти ҳунармандчилик билан шуғулланиб, бойлик орттиришган.

Буларнинг ҳаммасига қарамай, қулдорлик тузумида ҳуқуқсизлик ҳукмрон бўлганини айтиш керак. Барча қулдорлик давлатларида ҳокимият мутлақ ҳукмрон синф кўлида бўлиб, қуллар жамиятда арзимаган вазифаларни эгаллашлари мумкин эди. Бу ерда ҳокимиятнинг синфий табиати яққол кўзга ташланиб турарди.

Давлатнинг вазифалари фақат қулдорлар манфаатлари йўлида, унинг умумижтимоий функциялари эса, ҳукмрон синф манфаатларига мувофиқ келадиган даражада амалга ошириларди. Шу боис, қулдорлик давлатларида қулларнинг қаршилиқ ҳаракатлари тез-тез содир бўлиб турганлиги, уларнинг қулдорлар ҳокимиятига қарши йирик исёнларга айланиб кетган ҳоллар тасодиф эмасди (Сицилияда, Кичик Осиёда қулларнинг эрамиздан олдинги II асрдаги ғалаёнлари, эрамиздан олдинги I асрдаги Спартак кўзғолони шулар жумласига киради).

Яна бир хусусиятга эътиборингизни тортмоқчимиз. Оврүподаги қулдорлик давлатларининг кўпчилиги шаҳар-республика сифатида пайдо бўлди ва яшади. Шу йўл билан ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилувчи мулкдорларнинг умумсинфий иродаларини аниқлаш енгилроқ бўларди. Хусусий мулк, ягона давлат мулкига асосланган Шарқ давлатларидан фарқли ўларок, маълум даражада демократик ислохотларни ўтказиб туришни тақозо этарди. Мулкка нисбатан тенг ҳуқуқли кишилар оммаси манфаатларини мувофиқлаштириб бориш эҳтиёжи анча мураккаб ва пухта ўйланган ҳуқуқий тизимларнинг пайдо бўлишига ёрдам берди. Бу тизимларда давлат органлари томонидан ишлаб чиқиладиган қонунлар ҳуқуқнинг асосий манбаларига айланарди.

Кўриб турганимиздек, Шарқ жамиятларига нисбатан қулдорлик давлатлари анча гадбиркорроқ бўлиб, уларда кейинги тараккиёт учун керакли замин яратилганди. Шунинг

учун ҳам кейинчалик унинг асосида феодал жамият на унга мос келадиган давлат ҳам пайдо бўлади.

Феодал давлати. Бу типдаги давлат Оврупада эрамининг VI-IX асрларида вужудга келган ҳамда қатор мамлакатларда ҳозиргача феодал муносабатлар сарқитлари мавжуд.

Феодалларнинг ерга хусусий мулкчилиги феодал давлатининг *иқтисодий асоси*ни ташкил этади. Деҳқонлар феодал ерларида майда якка хўжаликка эга бўлиб, ердан фойдаланганликлари учун ҳосилнинг бир қисмини беришлари ҳамда унга текин ишлаб беришлари керак эди (оброк ва баршчина). Феодал жамияти ривожланиб бориши билан деҳқонларнинг феодалларга қарамлиги давлатнинг мажбурий чоралари билан янада ортди: деҳқонлар ерга «бириктириб қўйилар» ва ўз хўжалиklarини ташлаб кетолмасдилар.

Ижтимоий тенгсизлик қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйиларди. Деҳқонлар, одатда, давлатни бошқаришда ҳеч қанақасига иштирок этишмасди. Давлат ҳокимияти шакл-шубҳасиз синфий бўлиб, тўла-тўқис феодаллар ихтиёрида эди. Давлат ҳукмрон синфнинг диктатура (зўравонлик) қуролли бўлиб, унинг мулкдор сифатидаги манфаатларини ҳимоя қиларди.

Давлат умумижтимоий функциялар жиҳатидан ҳам тўла мустақилликни қўлга киритган.

Бирок, шунинг ҳам айтиш керакки, бундай тарқоклик давлатни заифлаштиради. Натижада ўзидан кучлироқ қўшнларга енгил ўлжа бўлиши мумкин эди (кўпинча шундай бўларди ҳам). Бу ҳолатлар ерларнинг янгидан бирлаштирилишига сабаб бўлиб, табақавий-вакилик ва мутлак монархиялар пайдо бўларди. Лекин феодал жамият таракқиётининг барча босқичларида давлатнинг моҳияти ўзгармай қолди, у ҳамини катта ер эгалари синфи манфаатларига хизмат қилди.

Умуман олганда, феодал жамият маълум даражада шарқ жамиятини эслатаётгандай туюлади. Бу тахминларда асос ҳам бор. Ҳақиқатан, бу ерда ҳам ерга эгаллик мулк ҳокимиятининг баъзи хусусиятларини ўзлаштира бориб, муайян тарзда давлатга айланади. Бирок, барибир, фарқлар яна сақланиб қолаверади. Шарқ давлатидан у ҳокимият манбаи – мулк эканлиги, тесқарисининг эса бўлмаслиги билан, ер мансабдор шахсларга эмас, балки қариндош-уруғчилик асо-

сида мерос қолдирилиши билан, вассал олган ер унинг мулкига айланиши ва наслдан-наслга мерос бўлиб ўтиши билан, қишлоқ хўжалик жамоалари умуман сақланиб қолмаганлиги ёхуд улар Шарқдаги мавқега эга бўлмаганлиги билан, шарқ давлатидагидек қудратли ва кўпсонли амалдорлар маҳкамаси мавжуд эмаслиги билан фарқ қилади. Шунга қарамай, барибир, ерга асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида эгалик қилишнинг феодал табиати феодал давлати монархия (якка подшолик) сифатида пайдо бўлиши ва яшаши тақозо этади. Ва, ақсинча, савдогарлар кўпчиликини ташкил этган ва мулк хусусий бўлган мустақил шаҳарларда кўпинча бошқарувнинг республика шакли (Генуя, Данциг, Новгород, Псков шаҳар-республикалари) кўзга ташланади.

Феодал ҳуқуқнинг асосий манбаи таомиллар бўлиб, феодал тарқоқлик шароитларида улар бир-бирларидан фарқ қилади. Бирок, шунга қарамай, ягона ҳуқуқий тизимнинг яратилиши феодал тарқоқликни барҳам топтиришда катта аҳамиятга молик бўлди. Бунга умумдавлат қонунчилигини яратиш воситаси билан суд прецеденти (умумий ҳуқуқий тизими)га умумий куч бағишлаш орқали эришилди.

Буржуа давлати. Дастлабки буржуа (капиталистик) давлатлар бундан 200-300 йил муқаддам Оврупо ва Шимолий Америкада вужудга келган. Хусусан, улар Буюк француз инқилобидан кейин кенг тарқалди.

Буржуа жамиятини лоақал бир хусусияти – расман мустақамланган синфий тенгсизликка асосланган ўзидан олдинги ижтимоий-иқтисодий формациялардан фарқли ўларок, капиталистик ишлаб чиқариш усули ўз меҳнатини эркин сотувчи ишчиларга эга бўлганлиги учун ҳам анча илғор (прогрессив)роқ дейиш мумкин. Умуман эса, буржуазия «Озодлик, тенглик, қардошлик» каби мафтункор шиорлардан фойдаланиб, ҳокимиятни қўлга киритарди. АҚШнинг Мустақиллик декларациясида, Франциянинг Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси ва бошқа худди шундай ҳужжатларда барча одамларнинг тенг бўлиб туғилиши ва тенг ҳуқуқларга эга эканлиги, улар шундай ҳолатда қолишлари кераклиги эълон қилинарди. Бирок, афсуски, бундай ваъдаларнинг кўпчилиги ҳаётга татбиқ этилмай қолиб кетарди. Ниҳоят, буржуа давлати табақавий тенгсизликни барҳам топтирган

бўлса-да, унинг ўрнига ижтимоий тенгсизлик келди. Бировлар ишлаб чиқариш воситаларига эгаллик қилса, улардан махрум бошқалар эса, ўз ишчи кучларини сотишга мажбур эдилар. Шунинг ҳам эътиборга олиш муҳимки, буржуа жамияти ўз тараққиёти давомида қатор босқичлардан ўтади, у билан бирга давлат ҳам ўзгариб боради.

Биринчи босқич (сармоянинг илк жамғарилиши ва эркин рақобат даври)да буржуазия синфи жуда кўпсонли бўлиб, озми-кўпми тенг ҳажмдаги мулкка эга бўлади. Ана шунинг ўзи уларнинг умумий манфаатларини белгилайди. Буржуа давлати ушбу манфаатларнинг ифодачиси ва ҳимоячиси сифатида майдонга чиқади. Унинг фаолияти яққол кўзга ташланадиган синфий тусга эга бўлади: ишчиларнинг бирлашишлари ман этилади, мулккий маълумот олиш, ўтроқлик ва шу каби цензлар деб аталадиган турли тўсиқлар жорий этилиб, ишчиларнинг давлатни бошқаришдаги иштирокларини чеклашга эришилади. Шу тариқа ялпи тенг ҳуқуқчилик тантанали шиорлигича қолиб кетиб, амалда сиёсий тенгсизлик қонуний жиҳатдан мустаҳкамланиб борди. Давлат ҳам, ҳуқуқ ҳам ҳуқуқрон синф манфаатларини ҳимоя қилар, яъни ўз функциясини астойдил бажарди. Давлатнинг умумижтимоий функциялари четга суриб қўйилган эди.

Буржуа жамияти ривожининг **иккинчи босқичи** XIX аср охири – XX аср бошларига тўғри келиб, монополистик капитализм номи билан машҳур. Унинг бошқалардан фарқ қилувчи асосий хусусияти шундаки, кўпчилик майда корхоналар рақобатга бардош бериш мақсадида трестлар, синдикатлар, корпорация ва бошқаларга бирлашадилар. Саноат, савдо ва молия сармояларининг бирлашуви содир бўлади ва шу тариқа ишлаб чиқариш ҳамда тақсимот турли хилларининг монополиялашуви кузатилади. Натижада бойликнинг катта қисми буржуазиянинг нисбатан камчиликни ташкил этувчи вакиллари қўлида тўпланади.

Бундан ташқари, уларнинг қўлларида сиёсий ҳокимият ҳам жамлана боради. Демократик тузилмаларга эҳтиёж барҳам топади. Баъзи ҳолларда бу монополистлар манфаатларини ифодаловчи антидемократик тартибларнинг пайдо бўлишига олиб келади (масалан, Олмония ва Италиядаги фашистик тартиблар, Лотин Америкаси ва Жанубий Африкадаги ҳар-

бий-полиция давлати ва бошқалар). Бунинг устига кўпинча бунга ўхшаш тартиблар ҳокимият тепасида турувчи давлат ёхуд партия-давлат маҳкамаси раҳбар доиралари манфаатларини ҳимоя қилади. Мазкур ҳолатларда демократик тузилмаларни сақлаб қолиш ғоят зарур бўлиб, бунинг уддасидан чиқиш тобора қийинлашиб боради.

Шунга қарамай, ҳар қалай, кўпчилик мамлакатларда демократия тамойиллари ҳатто ривожланади ҳам: цензлар (турли чеклашлар) бекор қилинади, умумий сайловлар ҳуқуқи жорий этилади. Айни пайтда, ҳокимият ҳамон монополистик буржуазия кўлида қолаётганига қарамай, В.В.Лазарев таъкидлаганидек, бошқарувнинг демократик шакллари ривожланиб бориши билан бир вақтда ҳукмдорлар нуфузини сақлаб қолиш учун умумижтимоий вазифаларга тобора кўпроқ эътибор бериш талаби кучайиб боради.

Кўриниб турибдики, буржуазия давлати пайдо бўлиши билан жамият ўз тараққиётида сифат ўзгаришига молик сакрашни бошдан кечирганлиги шак-шубҳасиз. Ўз навбатида бу қонуниятдир. Бундай шароитларда меҳнат унумдорлигини ошириш зарурати ўсиб боради, бу эса, фан ва техникадаги жиддий кашфиётлар билан боғлиқдир.

Вақт ўтиши билан монополистик капитализмнинг давлат-монополистик капитализмга ўсиб ўтиши содир бўлади, бу эса, давлатнинг ўзи ҳам монополист бўлиб қолганлигини билдиради. У, С.А.Комаров таъбири билан айтганда, **бирлашган капитализмга айланади.**

Асримизнинг 30-йилларида буржуа жамияти ўз тараққиётининг янги, ҳозирги замон босқичига киради. Бу давр буржуа давлатидаги туб ўзгаришлар билан ажралиб туради. Содир бўлган ўзгаришларнинг сабаблари, энг аввало, аср бошидаги инқилобий ҳаракатнинг ўсиши билан боғлиқдир. Жумладан, Россиядаги 1917 йил октябр воқеалари бутун дунё ҳамжамиятидаги буржуа давлатининг ўзгаришига жиддий таъсир кўрсатди.

Буржуа давлатининг ўзгаришига фан-техника тараққиёти ютуқлари ҳам таъсир этмай қолмади. Зеро, саводхон, юксак малакали кишиларгина яхши ишчи бўлиши мумкинлиги равшан бўлиб қолганди. Умуман олганда, инсоният – эксплуататорлар ҳам, эксплуатация қилинувчилар ҳам ақлли-

роқ бўлиб бораверишлари сезилган. Эксплуататорлар, жумладан, ишчилар синфини ўз «қора тўни»да сақлаб қолавериш қимматга тушаётганини, бу нарса хавф-хатардан холи эмаслигини тушуниб қолишди. Эксплуатация қилинувчилар ҳам қурол ёрдамидагина муроса йўлини топиш бирдан-бир чора эмас, деган хулосага келдилар. Бу меҳнат унумдорлигининг анча ўсишига ва оқибат натижада аҳоли турмуш даражасининг ошишига олиб келди.

Бундан ташқари, ҳозирги замон буржуа жамиятида давлат ҳам иштирок этаётган акциялаштиришнинг кучайиб бориш жараёнида аста-секин хусусий мулк улуши қисқариб бормоқда, бу эса, жамиятнинг иқтисодий асослари ўзгараётганини билдиради. Айни пайтда, йўқсуллар (пролетариат) синфи тугаб кетмоқда. Зеро, йўқсуллар камайиб, акциядорлар сони ортиб бормоқда. Ишчиларнинг аксарияти аҳолининг бошқа қатламлари билан биргаликда «ўрта» синфни вужудга келтирмоқда. Эндиликда илгаригидек буржуазия кўлида қолаётганлигига қарамай, жамият қолган қисмининг унга таъсири кучаймоқда. Бунда демократик сайлов тизими қўл келмоқда. Чунки мазкур жараёнда ҳукмрон раҳбар доираларининг кўпчилик вакиллари бутун жамиятнинг сергак ва жиддий назорати остида бўлади. Ҳуқуқ ва қонунчилик тобора кўпроқ аҳамият касб эта боради: ижтимоий, ҳуқуқий давлатни чинакамига шакллантириш сари муайян олға силжишлар рўй бермоқда. Давлатнинг функциялари сезиларли даражада ўзгарди. У режалаштириш, давлат буюртмаларини жойлаштириш, кредитлаш йўллари билан иқтисодиётга фаол аралашмоқда. Халқ хўжалигининг айрим тармоқларини давлат ихтиёрига ўтказиш амалга оширилмоқда. Лекин, бу ерда сўз ушбу тadbирни зўравонлик билан бажариш ҳақида бораётгани йўқ. Аксинча, давлат хусусий тadbиркорлар учун самарасиз, аммо аҳоли эҳтиёжи мавжуд бўлган буюмлар ишлаб чиқаришни ҳамда хизмат кўрсатишни ўз зиммасига олади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги замон Фарб буржуа давлати классик маънодаги буржуа давлатидан жиддий фарқ қилади. Зеро, унинг моҳиятини тушуниш учун синфий ёндашувнинг ўзи мутлақо етарли эмас. Шунинг учун ҳам давлатнинг фақат синфий моҳиятигина эмас, балки унинг ҳозирги вақтда тобора кўпроқ аҳамият касб этиб бораётган ижтимо-

ий жиҳатини ҳам ҳисобга олувчи давлат таҳлилига бошқача ёндашувлардан ҳам фойдаланиш керак.

Социалистик давлат. Мазкур ғоя дастлаб назария сифатида К.Маркс, Ф.Энгельс ва В.Ленин асарларида пайдо бўлди. Марксизм-ленинизм классиклари ўз асарларида социалистик давлатни бошқа ҳар қандай турдаги давлатларга қарши қўйдилар ҳамда улардан асосий фарқи бу давлатларда ҳокимият эксплуатация қилувчи озчилик қўлида бўлиб, эксплуатация қилинувчи кўпчилик қаршилигини бостиришда ундан фойдаланишида, деб билдилар. Социалистик давлат, «классиклар» фикрича, социалистик инқилоб натижасида вужудга келиши керак эди, яъни ҳокимиятни қўлга киритиш зўравонлик йўли билан амалга оширилиши шарт эди. Эски давлат машинасини синдириб, пролетариат диктатурасини ўрнатиш зарурати бунга сабаб қилиб кўрсатиларди. Шу билан бирга инқилоб ғалабасидан сўнг ҳокимият ишчилар синфи қўлига ўтиши режалаштирилганди. Ишчилар синфи эса, бутун халқ манфаатлари йўлида ағдариб ташланган эксплуататор синфлар қаршилигини бостириб бориши, шунингдек, «янги ёркин келажак»ни бунёд этиш йўлида халқни ўз орқасидан эргаштириши керак эди. Помешчиклар ва капиталистлар ҳукмронлигидан озод бўлган халқ ишлаб чиқариш воситаларининг умумийлаштирилиши шароитларида меҳнат унумдорлигини оширишда мислсиз сакрашни содир этади, фан ва техникани ривожлантиришда буюк ютуқларга эришилади, барча меҳнаткашлар янги ҳаётнинг фаол бунёдкорларига айланадилар ва уларнинг барчаси давлат ишларини бошқаришга жалб этилади, деб тахмин қилинганди («опшаз аёл ҳам давлатни бошқариши мумкин», деган машҳур иборани эсланг).

Умуман, давлат тўғрисида гапирадиган бўлсак, марксистлар унга унчалик катта аҳамият беришмаганди. Боз устига, улар давлат ўз қиёфасидан маҳрум бўлади ва даставвал «ярим давлат»га айланиб, кейинроқ (зарурат бўлмаганлиги боис) умуман барҳам топади, деб ҳисоблашарди. Ана шундай «назарий қоида»лар Лениннинг «Давлат ва революция» асарида баён этилган.

Эндиликда биз ушбу фаразларнинг аксарияти таги пуч уйдирмалардан бошқа нарса эмаслигини аниқ тушуниб олдик. Ҳатто, СССРда 70 йил мобайнида социалистик давлат-

нинг яшаганлигининг ўзи мазкур назарияларнинг утопиядан иборат эканлигини рад этолмайдигина эмас, балки уларнинг бемаънилиги, ҳатто ҳалокатлилигини бутун куч билан исботлаб турибди.

1917 йил Октябр тўнтаришидан кейин Россияда барча ишлаб чиқариш воситалари ва ер давлат ихтиёрига ўтказилганидан сўнг мамлакат ўзининг ҳақиқий хўжайинларидан маҳрум бўлди, меҳнатга ҳақ тўлашдаги текисчилик унумли меҳнатни бесамар қилиб қўйди. Натижада меҳнат мажбурий юкка айланди. Давлатда ҳокимият сўздагина вакилликка асосланган бўлиб, халқ номидан иш юритаётгандек кўринса-да, амалда бир тўда фитначилар қўлида эди. Улар шафқатсиз террор – «пролетариат диктатураси» ёрдамидагина ҳокимиятни қўлларида ушлаб тура олардилар.

Лекин, маълумки, ҳокимиятни эгаллаб олишнинг ўзи кифоя қилмайди, уни ушлаб қолиш яна ҳам қийин ва муҳимроқдир. Давлат ҳокимиятининг бутун кейинги тарихи – жиноятларнинг қонли занжиридан иборат. 30-50-йиллар «социализми»нинг модели, С.А.Комаров тўғри таъкидлаганидек, асосий ишлаб чиқариш воситаларини тўлиқ давлатлаштириш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига давлатнинг аралашуви, ижтимоий манфаатларнинг шахс манфаатларидан устуворлиги ва фуқароларнинг қатор ҳуқуқ ва эркинликларини инкор этиш асосига қурилганди.

Шу муносабат билан В.В.Лазаревнинг: «Оқибат-натижада амалда ягона давлат мулкчилигига асосланган жамият ва давлат шаклланди. Шунинг учун ҳам улар кўп жиҳатдан шарқ типидagi жамият ва давлатларга ўхшаб кетарди. Партия-давлат маҳкамаси, тўғрироғи, унинг раҳбар доиралари ишлаб чиқариш воситаларининг ҳақиқий эгаларига айланди. Натижада улар чекланмаган ҳокимиятга эга бўлдилар»¹², – деган фикрига қўшилмай бўлмайди. «Социализм» қуришга киришган бошқа мамлакатларда ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлса-да, юқоридагига ўхшаш жараёнлар содир бўлаётганди.

Шундай қилиб, социалистик давлат ғояси амалда юзага чиқмай қолди – утопиялигича қолиб кетди. Бирок, бу социа-

¹² Лазарев В.В. *Общая теория государства и права. М., «Юрист», 1994, 254-бет.*

лизм ғояларини бутунлай инкор этиш деган гап эмас. Дарвоқе, урушдан кейинги кўпгина буржуа давлатлари илмий социализмнинг баъзи қоида ва ғояларидан фойдаландилар ҳамда коммунистлардан фарқли ўлароқ уларни ҳаётга татбиқ ҳам этдилар. Булар – умумий тенг ҳуқуқлилиқ тўғрисидаги, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш ҳақидаги, аҳолининг юксак турмуш даражасини таъминлаш мақсадида давлат назоратини йўлга қўйиш тўғрисидаги ғоялар эди. Колаверса, бу ғояларни зўр-базўргина соф «социалистик ғоялар» деб аташ мумкин. Масалан, Куръон К.Марксдан 1100 йил олдинроқ тенглик, қардошлиқ ва ижтимоий адолат ғояларини эълон қилган.

6-§. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларида давлат масалалари

Ўз мустақил ривожланиш йўлига қадам қўйган республикамиз учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг серқирра фаолияти билан бирга, унинг нутқлари, мақолалари, нашрий асарларининг ҳам аҳамияти беқиёс эканлигини алоҳида таъкидлаш керак. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси бу асарларда ўзини қизиқтирган ҳар қандай саволга жавоб топиши мумкин. Юртбошимиз ўз асарларида ҳеч қачон энг мураккаб ва қийин муаммоларни четлаб ўтмайди, эътиборсиз қолдирмайди. Улар қаторида давлат тўғрисидаги, унинг роли ва вазифалари ҳақидаги масалалар олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Улар Президентимизнинг кўпгина асарлари ва нутқларида кенг ёритилган. Бу эса, ушбу масалаларни у ғоят долзарб деб билишидан далолат беради. Баҳс мавзуимизга киришишдан олдин унинг мулоҳазалари, хулосаларининг илмий асосланганлигини, аниқ далилларга эгаллигини, методологик ва услубий йўналтирилганлигини таъкидлаш лозим.

Ислом Каримов ўзининг илк асарларидан бири – «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» асарида шундай тавсифни келтиради: *«Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу – мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу*

– инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»¹³.

Худди шу асарида у: «Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистон барча фуқароларининг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак»¹⁴, деб таъкидлайди.

Бу эса, сиёсий ва давлат тузилиши инсонга: «... унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак»¹⁵лигини англатади.

Гапни бир бошдан бошлаймиз. **Сиёсий соҳага** нисбатан бу қоидалар ҳақиқий демократия принципларини қарор топтириш; ҳокимиятнинг бўлиниши асосида миллий давлатчиликни барпо этиш; барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини кафолатловчи ҳуқуқий давлатни шакллантириш; озчиликдан иборат миллатларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; бир мафқуранинг яккаҳоқимлигидан қатъиян воз кечиш; кўппартиявийликни амалда шакллантиришдан иборат.

Иқтисодий соҳа хусусида гапирадиган бўлсак, Президентимизнинг фикрича, бу қуйидагиларни англатади: қудратли ва барқарор ривожланиб боровчи иқтисодиётни барпо этиш; мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилинишини ва мулкчилик шаклларининг ҳуқуқий тенглигини таъминлаш; иқтисодиётни ўта марказлаштирмаслик ҳамда якка ҳокимликка барҳам бериш; меҳнат қилиш, дам олиш ва ҳар йилги ҳақи тўланадиган таътилга чиқиш бўйича конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш учун зарур шартшароитларни яратиш; ишсиз бўлиб қолган тақдирда муҳофазат қилиш; табиатга ваҳшиёна муносабатда бўлиш, экологияга зарар етказилишига йўл қўймаслик.

Ижтимоий ва маънавий соҳада бу – инсонпарварлик фояларига содиқлик; маънавият ва ахлоқийликни қайта тик-

¹³ Каримов И.А. *Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсий, мафқура. 1-том, Т., «Ўзбекистон», 1996, 44-бет.*

¹⁴ Ўша ерда.

¹⁵ Ўша ерда.

лаш; қадимги ва замонавий маданий бойликларни билиш ва кўпайтириш; виждон ва дин эркинлиги қондаларини қарор топтириш; ижтимоий адолат қондаларини рўёбга чиқариш; малакали тиббий хизматни таъминлаш; умумий таълим олиш, касбни ва тегишли махсус тайёргарликни ўтишни эркин танлашда барчага баравар ҳуқуқ бериш; ижоднинг барча турларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Ислом Каримов оилани давлат ва жамиятнинг асоси, деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан у қуйидагиларни ёзади: «*Оила – жамиятнинг негизи*. Бизнинг давлатимизни ҳам қатта бир оила деб тушунишимиз мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил рўёбга чиқариши керак»¹⁶. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат тўғрисидаги энг асосий ҳулосаларидан бири шудир.

Шу муносабат билан бозор муносабатларини ривожлантиришнинг давлат томонидан мувофиқлаштириб борилиши тизимида қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши улкан аҳамиятга эга бўлди. Булар иқтисодий эркин корхоналар ва фуқароларнинг ўзаро муносабатлари механизмини солиқлар тизими, монополистик фаолиятни чеклаш, гаров ҳуқуқини жорий этиш ва корхоналар банкротлигини қонуний йўл билан тан олиш орқали белгилаб берилди.

Ислоҳотчи-давлат мамлакат сиёсий ҳаётининг ранг-баранг бўлишига кўмаклашади. Республикада кўппартиявийлик жорий этилмоқда. Бу қонда республика Асосий Қонунида мустаҳкамланган бўлиб, унинг асосида мамлакатимиз-

¹⁶ Каримов И.А. *Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир*. 3-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 178-бет.

да илк бор ҳокимиятнинг олий органи – Олий Мажлисга сайловлар бўлиб ўтди.

Президентимиз айтганидек, ўз ислохотчи-давлатига ишонч-ҳурмат Ўзбекистон аҳолиси менгалитетидан мустаҳкам ўрин эгашлаган. Ислохотларнинг ҳар бир одими, янги қонун ва ҳукумат қарорларининг ҳар бир лойиҳаси бизда инсонийлик нуқтаи назаридан, одамларга наф келтириши нуқтаи-назаридан идрок этилади. Бизнинг халқимиз ғайриодатий, аммо таракқиёт учун зарур нарсаларга ишонч билан қарайди.

Республикаимизнинг беш йиллиги арафасида бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясида сўзга чиқар экан, Президент Ислом Каримов қониқиш билан қуйидагиларни қайд этди: «Ана шу йиллар мобайнида давлатнинг ўзи ҳам анчагина ўзгарди – давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизими ва тузилмаси бутунлай янгиланди, уларнинг иш услуби ва шакли ўзгариб бормокда, тоталитар тизимнинг қолдиқлари жадал бартараф этилмокда. Давлатнинг ўтиш босқичидаги, миллий давлатчиликни қарор топтириш давридаги бундай роли, бугун кўриниб турганидек, ўзини тўла оқлади»¹⁷.

Давлат масаласи бўйича Президент Ислом Каримов асарларида илмий асослаб берилган назарий қонда ва ҳулосалар қайд этиб ўтилганлардангина иборат эмас. Улар мазмун-моҳиятан ниҳоятда чуқур, қамрови жиҳатидан эса гоят даражада кенг ва хилма-хилдир.

Юртбошимиз асарларида, нутқлари ва маърузаларида, саволларга берган жавобларида давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, давлатнинг асосий органлари сайланиши ва уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, тайинланадиган давлат органларининг ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги каби ўта мураккаб, жуда катта амалий, сиёсий ва улкан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган назарий масалалар ҳам ўз ифодасини топган.

Ислом Каримов асарларида назарий жиҳатдан асослаб берилганидек, Ўзбекистон мустақил бўлганидан кейин давлат тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Бизда барпо этилаётган мустақил, демократик, ҳуқуқий давлат ўзи-

¹⁷ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-том. Т., «Ўзбекистон», 1997, 129-бет.

нинг шакл-шамойили, сифат-мазмуни, инсонпарварлик қоидаларига асосланганлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни ўзи учун бош мақсад қилиб олганлиги ва бошқа хислат-фазилатлари билан собиқ совет давлатидан ер билан осмончалик фарқ қилади.

Ислом Каримов биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи мажлисидаги маърузасида дунёда бир-бирига айнан ўхшаган иккита инсон бўлмаганидек, бир-бирига айнан ўхшайдиган давлат ҳам йўқлигини, бундай бўлиши мумкин ҳам эмаслигини уктириб шундай дейди: «Ҳар бир давлат – бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосилдир, унинг ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир»¹⁸.

Мамлакатимиз Олий раҳбари ўша маърузасида собиқ совет давлатининг зўравонликка, тоталитаризмга, диктатурага асосланганлигини, оддий инсонлар манфаатларига зид бўлганлигини ўзининг қуйидаги чуқур маъноли сўзлари билан баён этади: «Биз ҳозир ўзгартираётган совет социалистик давлати халқимиз ҳаётига четдан зўравонлик билан жорий этилган эди. Бу давлатнинг шакли ва моҳияти халқимизнинг ахлоқий, маънавий ва рухий қадриятларига тўғри келмайдиган, мос келмайдиган тизимга асосланган эди.

Хўш, бундай тузум авваламбор кимга суянар эди?

Бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-ажлодларини билмайдиган манқуртларга таянар эди. Шунинг учун ҳам эски совет тузумининг байроқларида ва шиорларида баён қилинган гоълар амалдаги ишларидан ниҳоятда узоқ эди. Худди шу боис бу давлатнинг ижтимоий тизими билан халқ эҳтиёжлари ўртасида жарлик пайдо бўлди. Яъни инсон, унинг моддий, маънавий, шу жумладан, миллий қадриятлари бу тизимда орқа ўринда турар эди. Бинобарин, бундай давлатнинг аввал-бошданок истиқболи йўқ эди. Собиқ Иттифоқ ҳудудининг гоҳ у, гоҳ бу ерида рўй бераётган бугунги кескин ижтимоий этник можаролар бунинг яққол мисолидир»¹⁹.

¹⁸ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-том, Т., «Ўзбекистон», 1996, 6-бет.

¹⁹ Ўша асар, 7-бет.

Юртбошимиз асарларида мустақилликка эришганимиздан кейин биз қандай давлат қуряпмиз, унинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий негизи, қиёфаси қандай бўлиши керак, янги демократик жамият шаклланишидаги таъсири қандай бўлади, деган ўта мураккаб назарий масалаларга атрофлича жавоб берилган.

Ислом Каримов асарларини синчиклаб ўқиш ва улардаги назарий қоида ва ҳулосаларни чуқур мулоҳаза қилиш, қалбдан, юракдан ўтказиш жараёнида бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган, эркин, очик, демократик давлат қураётганлигимизни, қураётган давлатимизнинг шаклини, қиёфасини, инсонпарварлик моҳиятини яққол тасаввур қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Президент асарларида белгилаб қўйилганидек, бизнинг давлатимиз ўзининг қуйидаги хусусиятларига эга:

♦ Бизнинг давлатимиз халқ иродасини ифода этади, унинг манфаатлари учун хизмат қилади.

♦ Давлат органлари ва жамики мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. «Собик тоталитар тузум шароитида, – дейди Президент, – бундай фикрни ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтира олмас эди. Бугун эса инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясидадир»²⁰.

♦ Асосий Қонунимизнинг 7-моддасида белгилаб қўйилишича, «Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади».

Бизнинг давлатимиз энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга, ижтимоий қадриятларга асосланади. «Ватанимиз азалдан башарият тафаккури хазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди. Ва ўз навбатида бу фал-

²⁰ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. «Ўзбекистон», 1996, 94-95-бетлар.

сафий-ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди.

Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда, Хўжа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим»²¹.

Президент асарларида илмий асослаб берилганидек, янгиланган жамият давлатининг ривожланиш йўлига асос қилиб олинган етакчи тамойиллардан бири: «Ижтимоий адолат қондаларини рўёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламлари – кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи-ёшларнинг давлат томонидан ижтимоий муҳофазага бўлган қафолатли ҳуқуқларини таъминлаш. Энг тараққий этган мамлакатларда инсонни ижтимоий муҳофаза қилиш тизими кенг қўлланилади, бунга ниҳоятда кўп аҳамият берилади, бизнинг шароитимизда эса бу – фуқаролар тотувлигини сақлаб қолиш қафолатидир»²².

Ислом Каримов ижтимоий ҳимоялашнинг жамият тараққиёти учун нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигини, у фуқаролар тинчлиги – осойишталиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни қарор топтириш, сиёсий, давлат ва конституциявий тузумни мустаҳкамлаш калити эканини ўз асарларида қайта-қайта уқтириб келмоқда. Бу ҳақда у шундай дейди: «Бозор муносабатларига ўтишнинг илк даврида биз олдиндан бутун аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўлидан бордик. Бу чоратадбирлар одамларнинг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишининг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Республикада осойишталик ва барқарорликни сақлаб қолиш омили бўлди»²³.

²¹ *Ўша асар, 7-8-бетлар.*

²² *Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 48-бет.*

²³ *Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 218-бет.*

Кудратли, эркин, демократик давлат куриш ва мустаҳкамлашнинг, давлатчилик негизларини белгилашнинг энг муҳим омилларидан бири – ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида адолат ва ҳақиқатни қарор топтиришдир. Ана шу назарий масалалар ҳам Ислом Каримов асарларида ўзининг чуқур илмий ифодасини топган.

Президентнинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари» асарида назарий асослаб берилганидек, «бугун жамиятда ижтимоий мулккий жараёнларнинг объектив ўзгариши юз бераётган бир пайтда адолат ғоясини ихчам бир хулоса билан ифодалаш мумкин. Яъни давлат жамиятнинг кескин табақаланишига – **ошиб-тошиб кетган бойлару камбағал-қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслиги керак**».

Одамларнинг ўз қобилият ва эҳтиёжларини тўла намоён қилишлари ва амалга оширишлари учун зарур бўлган тенг имкониятларни ва шу жараёни вужудга келтирадиган ҳуқуқий механизмни яратиб бериш давлатнинг Президент асарларида илмий асослаб берилган асосий вазифаларидан бўлиб ҳисобланади. Инсоннинг жамиятда тутадиган ўрни, обрў-эътибори, тараққиётимизга ижобий таъсир кўрсатиши давлат томонидан ана шу масаланинг тез ва ижобий ҳал этилишига бевосита боғлиқдир.

Президент асарларида илмий асослаб берилганидек, жамиятимизда ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир кишига ўз оиласини боқиш, билим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, ўзининг ва қариндош-уруғларининг кадр-қиммати ни ҳимоя қилиш учун барабар имкониятларни вужудга келтириш ва амалга ошириш давлатимизнинг яна бир муҳим вазифасидир.

Ислом Каримовнинг давлат ҳақидаги назарий таълимотида суд ислохотини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи – мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш – ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишларидан бири тариқасида алоҳида аҳамият касб этади.

Ижтимоий тараққиётимизнинг ҳозирги тарихий босқичида фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, эркинликларини, шаъни, кадр-қиммати, миллий гурурини ҳимоя қилиш асо-

сида ижтимоий адолатни қарор топтириш судларнинг ва ҳуқуқ тартиботни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида асосий мезонга айланмоғи лозим.

Одамларнинг судларга бўлган эскича қараш, тасаввур ва тушунчаларини батамом ўзгартириш зарурлигини ҳаёт тақозо этмоқда. Одамлар ҳозиргача ҳам кўпинча, суд бўлди, деса кимдир жазо олди, кимнингдир тақдири ҳал бўлди, деб тушунишади. Ҳолбуки, суд бўлди, деганда, одамлар ҳимоя қилинди, ҳақ жойида қарор топди, деган тушунча одамлар онгига мустаҳкам сингиши керак. Бунинг учун, – дейди Президент, – суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга, ижтимоий адолат посбонига айланиши, халқнинг ишонч қалъасига айланиши, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш лозим.

Ислом Каримов бу хусусда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида куйидагиларни алоҳида таъкидлади: «Фақат шундай қилганда ҳозир судни жазоловчи орган деб биладиган одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади. Ана шундагина суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақил учинчи тармоғига айланади»²⁴.

Президент суд қарорларини ижро этиш тизимини қайта ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлигини биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида (1996 йил 29 август) сўзлаган нутқида таъкидлаганди. Ўша нутқида Ислом Каримов бугунги кунда айрим суд қарорлари ўз вақтида ижро этилмаяпти дейди. Ҳар бир суд қарори сўзсиз бажарилишини таъминлашга имкон берадиган пухта механизм барпо этилмаганини, қолаверса, хўжалик судлари тизимида бундай тузилма умуман йўқлигини бунга сабаб қилиб кўрсатди. Суд қарорлари ижросини тартибга солиб турувчи қонун қабул қилиш зарурияти туғилганлигини қайд этди: судларнинг ижро этувчи ҳокимият ва энг аввало жойлардаги ҳокимлар ва прокуратура органлари билан ўзаро муносабатларини туб-

²⁴ Каримов И.А. *Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда*. Т., «Ўзбекистон», 1999, 29-30-бетлар.

лан қайта кўриб чиқиш фурсати етди. Ҳокимлар судларни камситишга, ҳар қандай усуллар билан уларга ўз таъсирини ўтказишга уринаётган ҳоллар ҳам маълум. Бундай фактларнинг қатъият билан пайи қирқилиши керак.

Ислом Каримов асарларида адвокатлар тизимининг мавқеи ва аҳамиятини кескин кўтариш, улар биринчи навбатда судлов амалиётида ҳуқуқий меъёрларга қатъий риоя этилишини таъминлашлари, ўз ҳимояларидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати ҳимоя қилишлари лозимлиги қайта-қайта тилга олиб келинаётганлигини зўр мамнуният билан айтмасдан ўтиб бўлмайди.

Мамлакатимиз раҳбари адвокатлар мавқеи ва аҳамиятини кескин кўтариш зарурлиги ҳақидаги назарий қондасини ижодий ривожлантириб ва бойитиб, Республика Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузаси (1999 йил 14 апрел)да шундай дейди: «Биз **адвокатура тизимини кучайтириш ва унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш**, уларнинг ваколатлари ва мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш учун қонунчилик соҳасида ҳам, амалий ишлар соҳасида ҳам кўпгина чора-тадбирлар кўрмоқдамиз.

Ҳар қандай суд жараёнида, жинсий иш кўрилаётган бўлса ҳам, бир томонда айбловчи, иккинчи томонда тенг ҳуқуқ билан ҳимоячи сўзга чиқади.

Фақат қонунга бўйсунувчи суд, судьялар эса қонуний ҳуқуқларга, ўз виждонига амал қилиб, айбловчи ва ҳимоя қилувчи томонларнинг фикрларини ҳолисона ҳисобга олиш асосида мустақил равишда адолатли қонуний ҳукм чиқаради»²⁵.

Президентнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», «Ўзбекистон буюк келажак сари», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номли ва бошқа кўпчилик асарлари, маърузалари, нутқлари, саволларга берган жавобларида олдимизда фуқаролик жамиятини қуришдек ниҳоятда муҳим, келажакимизни ҳал қилувчи вазифа турганлиги таъкидланган. Бу соҳада дастлабки, аммо муҳим қадамлар қўйилди. **«Биз фуқаролик жамиятини қуришга интил-**

²⁵ Каримов И.А. *Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда*. Т., «Ўзбекистон», 1999, 29-бет.

моқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир»²⁶.

Тарихий тараққиёт жараёнида бугунги ўтмиш даври учун муҳим ва зарур бўлган давлатимиз функциялари ва аломатлари бора-бора тадрижий равишда марказдан жойларга, давлат ҳокимияти органларидан жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига ўта боради. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Президент асарларида илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилганидек, фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуммиллий манфаатларга дахлдор энг муҳим вазифаларни амалга оширади.

Ислом Каримов давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилаётган энг муҳим умуммиллий вазифалар нималардан иборатлигини ўз асарларида аниқ ва равшан баён этди. «... *Шундай давлат ва ижтимоий тузилма яратиш керакки, – дейди бу ҳақда у, – унда кучли марказий ҳокимият ўз сабъ-ҳаракатларини мудофаа, давлат хавфсизлиги ва фуқароларнинг хавфсизлиги, тартиб-интизом, ташқи сиёсат, валюта-молия, солиқ тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва жамиятнинг бошқа стратегик вазифаларини амалга ошириш сингари асосий умуммиллий вазифаларга қаратмоғи зарур*»²⁷.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, экология масалалари, умумреспублика транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш, янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш ва бошқа шунга ўхшаш стратегик аҳамиятга молик масалалар ҳам давлат миқёсида ҳал этилади.

Ислом Каримовнинг «Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби», «Ўзбекистон ХХI асрга интилоқда», «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» асарларида аниқ белгилаб берилганидек, бозор ислоҳотларини амалга ошириш,

²⁶ Каримов И.А. *Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир*. 3-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 11-бет.

²⁷ Каримов И.А. *Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби*, 5-том. Т., «Ўзбекистон», 1997, 129-130-бет.

тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш сингари қолган барча масалалар маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилиши керак.

Ислом Каримов асарларида фуқаролик жамиятини қуришда бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, биринчи навбатда маҳаллалар ихтиёрига босқичма-босқич топшириш кўзда тутилганлиги белгилаб берилган.

Маҳалла – ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб, асрлар синовидан ўтган самарали бўғинидир. Маҳалла жамоа аъзоларини уюштириш, бошини-бошига қовуштириш, дўстлик, қон-қардошлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликни шакллантириш ва мустақамлашнинг, миллий қадриятлар қарор топиши ва ривожланишининг, миллий урф-одатлар ва анъаналарни сақлаб туриш, тиклаш, ривожлантириш ва ҳаётга жорий этишнинг, ўсиб келаётган ёш авлодни миллийлик, миллий гурур ва ифтихор, халқларварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг тарих синовидан ўтган, ҳаётда ўзини оқлаган ва оқлаб келаётган энг муҳим омилларидан бўлиб ҳисобланади.

Маҳалла аҳли бир-бирининг аҳволидан, иссиқ-совуғидан боҳабар бўлиб туришади, яхши-ёмон кунда ҳамкор-ҳамдард бўлишади. Хонадонлардан бирида бирон-бир қор-қол, ғамташвиш рўй бергудек бўлса, биринчи бўлиб кўни-кўшнилар, маҳалладошлар хабар топиб, кўмак беришга, дардқашнинг дардига малҳам бўлишга, моддий-маънавий, руҳий кўмак беришга ошиқадилар. Тўй-маъракалар ҳам, ҳайиту байрамлар ҳам, ҳашарлар ҳам маҳаллада ўзаро ҳамкорликсиз ўтмайди.

Маҳаллаларда маданий, ахлоқий, сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади.

Озодагарчилик, тартиб-интизом, экология масалалари, табиатни эъзозлаш, газ, сув, электрдан тежаб-тергаб оқилона фойдаланиш, болалар тарбияси, исрофгарчиликка қарши кураш, тўй тантаналари, юбилейларни замонавий талаблар асосида ўтказиш, маданият, маънавият ва маърифатни юк-

салтириш, ҳуқуқий таълим-тарбияни яхшилаш сингари масалалар бўйича умуммахалла миқёсида доимий равишда тадбирлар ўтказилиб турилади.

Маҳалла кекса авлод билан навқирон авлодни туташтириб, қовуштириб турадиган, ҳаётга эндигина кириб келаётган норасидалар, йигитчалар ва қизалокларни ёши улуг, ҳаётий тажрибаси бой, ақли зукко кишилар йўл-йўриқлари, ўғитлари асосида тарбиялайдиган, сабоқ берадиган маскандир.

Кимнинг кимлиги, нималарга қодирлиги, билимдонлиги, ҳаётий тажрибаси, феъл-атвори, иймон-эътиқоди, ҳалол-поклигини аниқ белгилаб берадиган, тошу тарозидан ўтказадиган асосий маскан, энг катта мезон – маҳалладир.

Маҳалланинг таълим-тарбия мактаби, ҳаёт дорилфунуни сифатидаги аҳамияти шу қадар каттаки, унинг бу борадаги ўрни ва ролини аниқ ва мукамал баён этиш, моҳиятини тўла ёритиш ҳеч ҳам мумкин эмас.

Маҳалла томонидан амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, таълим-тарбиявий, ҳуқуқий, маданий-маърифий соҳалардаги вазифалар ҳаддан ташқари кўп ва хилма-хил, қамрови ниҳоятда кенг.

Маҳалла ваколатига кирадиган функциялар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши ҳақидаги қонунлар, қарорлар ва расмий ҳужжатларда белгилаб берилган.

Ислом Каримов «Ҳалоллик ва фидойилик фаолияти-мизнинг асосий мезони бўлсин» номли рисоласида ўзини ўзи бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда мос бўлган усули – маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бораётганлигини, зеро, унинг қўлидан келмайдиган иш йўқлигини қуйидагича ифодалайди: «Зеро, барчамиз маҳаллада ўсганмиз. Унинг нуфузини кўтариш, билинги, нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу – сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир. Биз маҳаллаларга шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим. Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди. У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой-

жойига қўя оладиган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди. Энг зўравон, манаман деган одам ҳам маҳалла аҳли олдида юввош бўлиб қолади. Нега деганда, ҳамма – у қандай одам бўлмасин, қайси лавозимда ўтирмасин, маҳалла аҳлига бўйсуниб мажбур. Шунинг учун, тақрор айтаман, айрим «бели бақувватлар» ҳам, қутуриб кетаётган баъзи кимсалар ҳам маҳаллага кулоқ солади. Кулоқ солмай ҳам кўрсин-чи! Шундай экан, барча масалада маҳаллаларга суянган ҳолда ишлашимиз, келажагимизни улар ёрдамида қуришимиз лозим»²⁸.

Президент асарларида илмий асослаб берилган назарий қоида ва ҳулосалар мазмун ва моҳиятидан англашилиб турилганидек, давлат, давлатга қарашли тузилмалар ўтиш даврининг бошида ҳал қилувчи роль ўйнади. У ислохотларнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқди, устувор йўналишларни танлашда фаол иштирок этди, ислохотларни рўёбга чиқаришни, қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назорат олиб боришни таъминлади. Мустақилликнинг дастлабки, энг оғир йилларида давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларини, қолаверса, амалда республиканинг бутун аҳолисини ўтиш даврининг қийинчиликларидан ҳимоя қилишдек мураккиб вазифани ўз зиммасига олди.

Йўлбошчимиз юқоридаги фикрларини янада давом эттириб, биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: «Айнан давлат янги ҳуқуқий база ва янги ижтимоий муносабатлар шаклланишида, эркин демократик меъёрларга ўтишда, кўп укладли иқтисодиёт ва бозор инфраструктурасининг қарор топишида, янги банк, молия, солиқ тизими шаклланиб, янги мазмун билан бойишида ташаббускор бўлди»²⁹.

²⁸ Каримов И.А. *Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 281-бет.*

²⁹ Каримов И.А. *Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби 5-том. Т., «Ўзбекистон», 1997, 129-бет.*

IV боб. ДАВЛАТ ШАКЛЛАРИ

1-§. Давлат шакли тушунчаси, унинг таркибий унсурлари

Давлат шакли тушунчаси давлатшуносликнинг энг му-
хим, сермазмун хусусиятларидан биридир. Ҳуқуқшунос Иван
Ильин шу муносабат билан қўидагиларни таъкидлаганди:
«Бу мураккаб ва ғоят масъулиятли масалани эҳтиёткорлик
ва мутлақо холис фикр билан ўртага қўйиш зарур.

Энг аввало, давлат шакли халқлар ҳаётига бефарқ қарай-
диган «мавҳум тушунча» ҳам, «сиёсий чизги» ҳам эмас, бал-
ки *ҳаёт тарзи ва халқнинг жонли ташкилотидир*. Халқ
*ўз ҳаёт тарзини тушуниши, айнан «шундай» ташкилла-
нишини уйдлаши*; шу тузум қонунларини *ҳурмат қилиши*
ҳамда шу ташкилотга ихтиёрий ҳиссасини қўшиши зарур.
Бошқача айтганда, айнан *халқнинг жонли ҳуқуқий онги*
давлат шаклини рўёбга чиқаради, унга ҳаёт, куч бахшида
этади; бинобарин, давлат шакли *энг аввало халқ ҳуқуқий*
онги даражасига, халқ томонидан тўпланган тарихий *сиё-
сий тажрибага*, унинг ирода кучи ва миллий характериға
боғлиқ»¹.

И.Ильиннинг бу фикриға қўшилмасликнинг иложи йўқ.
Ҳақиқатан ҳам мабодо бирон киши ўйин қоидаларини бил-
маса, ўйин режасини такдим эта олмаса, ва, умуман, ўйнаш-
ни хоҳламаса, бундай одамни шахмат ўйнашға мажбур қилиш
ҳеч кимнинг ҳаёлиға ҳам келмайди-ку.

Бир жамоада бирға ўйнамаган ўйинчилардан тузилган
футбол командаси ўйинни бой бериши турган гап.

Тарихчиларнинг шоҳидлик беришича, буюк саркарда
Амир Темур бўлажак жанг қандай бориши кераклиги, унинг
мазмун-моҳиятини батафсил тушунтирар, шунинг учун ҳеч
қачон мағлубият аламини тотмаган экан.

Сиёсий ҳаётда ҳам шундай: у жонли одамлар томонидан
уларнинг ватанпарварлик муҳаббати билан, уларнинг давлат
тушунчаси билан, уларнинг бурчға садоқати, ташкилий кўник-

¹ Ильин И. О грядущей России. Избранные статьи. М., Корпорация «Телекс», 1993, 27-бет.

малари билан, уларнинг қонунга ҳурматлари билан яратилади. Буларнинг ҳаммасини инсонда тарбиялаш керак. Бинобарин, давлат шакли ҳақида фақат халқ ҳуқуқий онги даражасини ва олинган кўникмани ҳисобга олган ҳолдагина гапириш зарур.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси тушунчалари тизимида «*давлат шакли*» категорияси билан «*давлат моҳияти*» категорияси бевосита боғлиқдир.

Олдинги бўлимларда давлатнинг моҳиятини очиб бергандик. Яъни унинг ижтимоий вазифалари, жамиятнинг давлат пайдо бўлгунига қадар бўлган ташкилий тузилиши аниқлаб берилган, давлатнинг асосий белгилари ажратиб кўрсатилиб, асосий таърифлар берилганди. Энди *давлат қандай тузилганини* қараб чиқиш пайти келди. Бошқача айтганда, *жамиятнинг бу алоҳида сиёсий, таркибий, ҳудудий ташкилоти қанақанги шаклларда мавжуд бўлади ва амал қилади?* Давлатнинг шундай шакли, яъни тузилишини ўрғаниб чиққандан сўнггина биз шундай мураккаб ҳисобланган давлатни тушуниб етиш сари бир қадам олға силжидик, дея оламиз.

Айни пайтда ушбу мавзунинг яқин ўтмишдаги назарий ва амалий ишланмалари мазкур тоифа маълум маънода муносиб баҳоланмаганидан далолат беради. Бироқ, бу ерда сўз фақат муносиб баҳолай олинмаганидагина эмас, «давлат шакли»ни батафсил ўрганишнинг аҳамияти ҳақида ҳам бормоқда. Зеро, Е.И.Темновнинг ҳаққоний таъкидлашича, «давлат-ҳуқуқ моҳиятидан келиб чиқувчи давлат шаклининг (ҳуқуқ шакли сингари) қатъийлиги ва аниқлиги эълон қилинган сиёсий йўлни амалга оширишда субъективизм ва зўравонликни жиддий чеклаши мумкин эди»².

Шу боис – бирон мақсадни кўзлабми ёки беихтиёр равишдами – билмадик, бироқ совет даври муаллифлари аксариятининг асарларида, одатда, давлат «мазмуни»нинг аҳамиятини таъкидлаб, унинг синфийлигига урғу бериларди. Ҳолбуки, шаклсиз мазмуннинг ҳам яшай олмаслиги аллақачонлардан маълум эди. Шунга қарамай, давлат ҳақидаги ижобий гапларнинг ҳаммаси беистисно унинг мазмунига нисбатан

² Темнов Е.И. *Форма государства// Общая теория права и государства*. М., «Юрист», 1994. 255-бет.

айтиларди. Бундай нуқтаи назарнинг асоссизлигини кўрсатиб ва исботлаб бериш учун ушбу категорияни батафсил қараб чиқиш керак бўлади.

Гапни «*давлат шакли*» тушунчасига оид турли нуқтаи назарлар мавжудлигидан бошлаш ўринли, деб ўйлаймиз. Жумладан, бир хил муаллифлар уни фақат тор маънода изоҳлайдилар. Уларнинг фикрига кўра, бу – *фақат бошқарув шакли холос*. Бошқа бировлар бу тушунчани *кенг маънода* талқин этади. Зеро, улар мазкур тушунчага *бошқарув шакллари билан давлат тузилиши шаклини* киритадилар.

Бирок, нуқтаи назарлар фарқи шу ёндашувлар билангина чекланмайди. Давлатнинг ички ва ташқи шаклларини фарқловчи муаллифлар ҳам бор. Ички шакл деганда, демократия, ташқи шакл дейилганда эса, сиёсий ҳокимиятнинг аниқ ташкилоти тушунилади (Д.А.Керимов). Ушбу нуқтаи назар нималарга асосланганлигини куйидагича изоҳлаш мумкин: модомики, демократия сиёсий тартибнинг бир кўриниши экан, уни давлатнинг ички шакли сифатида тушуниш зарур, бошқарув ва давлат тузилиши шакллари мажмуи эса, ташқи шаклни ташкил этади.

Айрим давлатшунослар давлатга ҳаракатдаги динамик ва ташкилий статик тизим сифатида қарашни таклиф этадилар. Шу таклифдан келиб чиққан ҳолда улар динамик жиҳатдан сиёсий (давлат) тартибни, статик жиҳатдан эса, бошқарув шакли ва давлат тузилиш шаклларини давлат шакли деб ҳисоблайдилар.

Юқоридагиларнинг ҳаммаси юридик адабиётларда давлат шакли бўйича ягона тушунчанинг йўқлигидан далолат беради. Айни пайтда, ушбу тушунчанинг анъанавий ҳисобланган таърифи мавжуд бўлиб, уни аксарият олимлар маъқуллашади, биз ҳам уни асос қилиб олишни тавсия этамиз.

Шундай қилиб, *давлат шакли деганда, уч таркибий қисми (ёки томони) – бошқарув шакли, давлат тузилиши шакли ва сиёсий идора усули бирликда олинган сиёсий ҳокимият ташкилоти тушунилади* (С.А.Комаров).

Ушбу таърифга эътироз билдирмаган ҳолда, биз, эътиборингизни «*сиёсий ҳокимият*» ҳамда «*сиёсий идора усули*» деган ибораларга жалб этишни истардик. Бу иборалар бизга таниш мазкур йўналишда тез-тез қўлланади. Фикри-

мизча, бу зарурий шарт эмас. Шунинг учун ҳам баъзи муаллифлар диққатни чалғитмаслик учун бу ибораларни шундай қўллашади: *сиёсий (давлат) ҳокимият, давлат (сиёсий) идора усули*.

Яна бир жиҳатни таъкидлашни истардик. Биз юқорида давлат шакли унинг мазмуни билан узвий боғлиқлигини айтиб ўтгандик. Шу фикрни батафсилроқ тушунтирамиз. Мазмун давлат ҳокимиятининг кимга тегишлилигини, унинг субъектини (эгасини) аниқлаш имконини беради, шунингдек, уни ким амалга оширади, деган саволга жавоб беради. Зикр этилганлар асосида, давлат шаклининг *уч жиҳати* мавжудлигига ишонч ҳосил қиламиз. Булар:

♦ бошқарув шакли, яъни давлат ҳокимияти ва бошқарувни тузиш ва ташкил этишнинг муайян тартиби;

♦ давлат тузилиши шакли, яъни давлатнинг ҳудудий тузилиши, марказий, минтақавий ва маҳаллий ҳокимиятларнинг ўзаро муносабатлари муайян тартиби;

♦ сиёсий (давлат) идора усули, яъни сиёсий (давлат) ҳокимиятни амалга ошириш усул ва услубларидир.

Лекин шунга таъкидлаш жоизки, булар ҳозирча давлат шаклини тушунишга умумий ёндашув, энг илк танишувдир. Уни батафсилроқ тушуниш учун давлат шаклини ташкил этувчи *уччала жиҳатни диққат билан ўрганиш, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, ўзаро таъсирини кузатиш ҳамда назарий, сиёсий-ҳуқуқий тафаккур юз йилликлар давомида давлатни ўрганар экан, давлат шаклининг айнан шундай мазмунини нега алоҳида ажратиб кўрсатганлигини* тушунишга ҳаракат қилиш керак.

Давлат шаклини бундай тушуниш дабдурустдан таркиб топмаганлиги ва ҳозир ҳам унга қўшилмасликларини қайд этиб ўтиш жоиз деб ўйлаймиз. Узоқ вақт давомида давлат шакли бошқарув шакли ва давлат тузилиши шаклидан (биз келтирган таркибда дастлабки иккитасидан) иборат деб ҳисоблаб келинганди. Кейинчалик унга сиёсий идора усули қўшилди. *«Давлат шакли»* ва *«сиёсий идора усули»* ўртасига тенглик аломатини кўювчилар ҳам бўлганди. Бунга асос ҳам бор эди. Бирок, буни кейинроқ *«сиёсий (давлат) идора усули»* тушунчасини батафсил кўриб чиқиш вақтида яхшироқ тушуниб оламиз. Шунга қарамай, ҳозирги кунда давлат

ҳокимияти ташкилоти уч қисм – бошқарув, давлат (сиёсий) тузилиши ҳамда давлат (сиёсий) идора усули – бирлигидан ташкил топади, деган концепция кенг тарқалган.

2-§. Бошқарув шакли

Аввал – бошданок, давлатни назарий жиҳатдан тушуниб етишда бошқарув шакли алоҳида ўрин тутишини таъкидлашни истардик. Қонуният шуни тақозо этади. Давлатга уюшган жамиятда давлат ҳокимиятини ким ва қандай амалга оширишини айнан шу шакл белгилаб беради. Бу масала инсониятни жуда қадимдан тўлқинлантириб келади. Арастунинг ўзи, ундан кейин Афлотун ҳам қадимги дунёда давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва уни бошқаришнинг хилма-хил шаклларини ўрганар эканлар, бу давлатларни ким ва қандай бошқариши, яъни бошқарув шакли мезони бўйича давлатлар таснифини ишлаб чиқишга уринишган.

Тўла асос билан айтиш мумкинки, кўп асрлар давомида назарий сиёсий-ҳуқуқий тафаккур кўплаб, баъзан бир-бирига сира ўхшамайдиган давлатларни зўр бериб ўрганишни давом эттириб келди. Олимлар ўз изланишларида давлат шаклларидаги энг муҳим жиҳатни ажратиб олиб, уларни тасвирлаб бериш, таҳлил этиш, баҳолашга ва илжи бўлганда бу шаклларни ривожлантириш истиқболларини олдиндан айтиб беришга уринардилар. Августин, Форобий, Гоббс, Монтескье, Локк, Руссо, Радишчев ва бошқаларнинг асарларида давлат шакллари ҳақидаги билимларни умумлаштириш ва тизимлаш, уларнинг вужудга келиш ва ривожланишининг туб илдизларига етиб боришга кўп уриниб кўрилган.

Айнан шунинг учун, агар Арасту ва Афлотун даврларида назарий сиёсий-ҳуқуқий тафаккур бошқарувнинг у ёки бу шаклини белгилаб берувчи сабабларни аниқлашга уриниб, асосан бошқарув хилма-хил шаклларини тасвирлаш йўлидан борган бўлсалар, XX асрда эса, сиёсий-ҳуқуқий тафаккур марксистик назария доирасида бошқарув шаклини (формациядан келиб чиққан ҳолда) давлат хили билан, жамиятнинг синфий таркиби, иқтисодий базиси кабилар билан боғлаб тушунтиришга интилади.

Бошқарув шаклини (биз юқорида айтиб ўтган давлат шакли уч қисмидан бирини) аниқлашда марксистик назария давлат ҳокимияти у ёки бу тузилишини тавсифловчи ижтимоий-синфий белгисини асосий белги сифатида ажратиб кўрсатарди. У бошқарув шаклини мазкур давлатнинг ижтимоий-синфий моҳиятининг, сиёсий мазмунининг, синфий кучлар амалдаги нисбатининг ташқи ифодаси сифатида таърифларди. Бу чизмага кўра республика синфий кучларнинг бир хил нисбатида пайдо бўлса, монархия бошқа нисбатида вужудга келади.

Албатта, жамиятнинг синфий тузилиши, синфий манфаатларнинг тўқнашуви, синфий кучлар нисбатини ҳеч ким инкор этмайди, улар ҳаётда мавжуд бўлиб, давлат тузилишига, энг аввало, ҳокимият тизими қандай шаклларда ташкил топгани ва амал қилишига, давлатни ким бошқаришига таъсир этади. Бирок, айтилган пайтда, давлат синфий белгиси аҳамиятини ошириб юборишга ўрин йўқ. Биз юқорида бундай ёндашув услубий жиҳатдан нотўғри бўлиб, аксарият ҳолларда кўпгина нарсаларни тушунтириб бера олмаслигига мисоллар келтиргандик. Яна бир бор шу масалага тўхталамиз.

Бундай ёндашувда бошқа бир қанча омиллар: тарихий анъаналар, миллий руҳият, диний онг, маданий муҳит, жамиятни ўта ғоявийлаштириш ва сиёсийлаштириш даражаси, экология ва кўпчилик бошқа омиллар масалани ўрганиш доирасидан ташқарида қолиб кетади.

Ҳозирги вақтда фанимиз, шу жумладан, давлат ва ҳуқуқ назарияси жамият ривожининг марксистик таълимоти умумий инқирози билан боғлиқ услубий инқироздан аста-секин ҳалос бўлиб бормоқда. Бу – давлат тузилишининг асосий хусусиятларидан бири сифатида бошқарув шаклини янада чуқурроқ ва асослироқ тушуниш, ушбу шаклларнинг чуқур ўйланган таснифини такдим этиш, улар ривожининг реал истиқболларини олдиндан айтиб бериш имконини беради. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда бошқарув шаклининг қуйидаги таърифини таклиф этамиз:

Бошқарув шакли – конкрет давлатда давлат ҳокимиятини ташкил этиш усулларининг мажмуидир. Агар ушбу таърифни янада аниқроқ ифодалайдиган бўлсак, у олий ҳокимиятни, боз устига унинг олий ва марказий органлари-

ни, таркиби, ваколатини, шу органларни ташкил этиш тартибини, шунингдек, унда оддий халқ иштироки даражаси, бу органлар ваколати муддатларини кўзда тутишини айтишимиз керак бўлади. Бошқарувнинг қадим-қадимдан инсониятга маълум бўлган шакллари **монархия** ва **республикадир**. Шу муносабат билан Арасту ўз вақтида бошқарув шакллари олий ҳокимият танҳо амалга ошириладиган монархияга, тор доирадаги чекланган шахслар томонидан амалга ошириладиган аристократияга, бутун халқ ҳокимиятни бошқарадиган демократияга бўлганлигини эслаш ўринлидир.

Қадимги юнон файласуфининг шу қадар узоқни кўра билиш қобилиятига тан бериш керак! Зеро, ҳозиргача бошқарув шакли олий ҳокимият бир киши томонидан амалга оширилиши (монархия) ёки у сайлаб қўйиладиган ваколатли коллегиал орган (республика)га тааллуқлилигига қараб бўлинади.

«Монархия» атамаси («монос» – бир, «архе» – ҳокимият) юнонча сўз бўлиб, «яккаҳокимлик», «ягона ҳукмдор» маъноларини билдиради. Монархия бошқарув шакли сифатида ўзининг аниқ юридик белгиларига эга. Монарх давлатнинг жонли тимсоли бўлиб, ташки ва ички сиёсат бобида давлат бошлиғи сифатида, халқ вакили, миллат «отаси» сифатида, фуқароларни жипслаштирувчи, уларни давлат теварагига бирлаштирувчи шахс сифатида майдонга чиқади. Монархлар – масалан, Франция қиролларидан бири: «Давлат – менинг ўзимман», деб бежиз айтмаган. Бирок, бу аксарият ҳолларда масаланинг фақат юридик томонини англатар, амалдаги аҳволни ифодамай олмасди.

Монарх танҳо ҳукмронлик қилади. Албатта, бу давлатнинг барча ишларини унинг бир ўзи ҳал этаркан, деган маънони билдирмайди. Турли давлат органларида хизмат қилувчи кўпсонли маслаҳатчилар, вазирлар, амалдорлар давлат ишларини бошқаришарди. Айни пайтда, энг муҳим, принципал давлат ишлари бўйича монархнинг ўзи ҳукм чиқаришига тўғри келарди. У бутун ҳокимиятнинг тўла соҳибидир. Монарх ҳокимияти олий ҳокимият бўлиб, мустақилдир. У – давлатдаги олий ҳокимиятдир.

Одатда, унинг ҳокимияти муқаддас деб эълон қилинар, дин оғушига ўралар эди.

Албатта, шуларнинг барчасига қарамай, монархнинг халқаро, сиёсий ва миллий кучлар таъсирини ҳис этмаслиги мумкин эмас. Лекин баъзан монарх ҳукми тасодифий, субъектив омилларга боғлиқ бўлиб қоладиган ҳолатлар ҳам учрайди (буни ҳам тушунса бўлади – ахир монарх ҳам одам, инсонларга хос нарсаларнинг ҳаммаси унга ҳам бегона эмас).

Монархия ҳокимияти ворислик асосида бир авлоддан иккинчи авлодга мерос бўлиб ўтади. Ҳокимиятнинг бир шахсдан иккинчисига ўтишига халқнинг ҳеч қандай алоқаси бўлмайди. Монарх муддатсиз ва умрбод ҳокимият эгасидир. Лекин бундан монархни фақат табиий ўлимгина ҳокимиятидан ажратар экан-да, деб ҳулоса чиқариш хато бўлурди. Монархлар ағдариб ташлангани, ўлдирилгани, бошқа кишилар билан алмаштирилганига тарихда мисоллар кўп.

Монарх масъулиятдан озод киши ҳисобланади, яъни у ўз бошқаруви натижалари учун аниқ юридик ва сиёсий жавобгар ҳисобланмайди. Дарвоқе, тарихда халқ монархни жавобгарликка тортган ҳолатлар ҳақида кўпдан-кўп мисоллар мавжуд (инкилобларни эслайлик).

Монархиянинг энг гуллаб-яшнаган даври янги давр арафасига тўғри келиб, бу вақтда унинг бошқарувнинг республика шаклидан фарқлари кўзга ташлана бошлаган, *мутлақ (чекланмаган) ва чекланган монархия* кўринишлари ўртасидаги фарқлар аниқ билиниб қолаётганди.

Мутлақ монархия шаклидаги бошқарувнинг асосий белгиси – монархнинг тўла ҳокимиятини чеклайдиган бирон-бир давлат органининг йўқлигидир. Монархиянинг юридик хусусиятлари тўғрисидаги С.А.Комаров нуктаи назари биз учун ҳам матлуб бўлиб, улар:

- ҳокимиятдан муддатсиз, яъни умрбод фойдаланиш;
- тахтни мерос сифатида ёки қариндошлик ҳуқуқи бўйича эгаллаш;
- ташқи алоқаларда қафолат (мандат) асосида эмас, ўз шахсий ҳуқуқи бўйича вакилликни амалга ошириш;
- давлат бошлиғи жавобгарлигининг йўқлиги (фақат худо олдида масъуллик)дир.

Бундай шароитларда (зарурат йўқлиги туфайли) табақавий, вакиллик муассасалари йўқолиб кетади ёки тўла таназ-

зулга юз тутади, халкнинг сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқсизлиги одатий ҳолга айланади.

Чекланган монархия турли тарихий даврда турли кўри нишга эга бўлади. Қизиги шундаки, Арасту *рухий асослар* дан келиб чиқиб, монархияларни «тўғри» бошқарув шаклига эга бўлган монархия ва мабодо монарх барчанинг манфаатлари ўрнига ўзининг ғаразли, шахсий манфаатларини кўзлаб, бошқаришда зулмни қўллайдиган бўлса – «нотўғри» (золимлик ва истибдод) шаклга эга монархияларни ажратиб кўрсатганди. Ҳозирги замон олимлари *юридик асослар* нигина ҳисобга олишади. Уларга кўра, чекланган монархия (феодализм даврида) табақавий-вакиллик ҳамда конституциявий монархияга бўлинади. Конституциявий монархия ўз навбатида *дуалистик ва парламентлик монархия* (капитализм даврида) кўринишларига эгадир.

Конституциявий монархия буржуазия жамиятининг шаклланиш даврида пайдо бўлган. У шундай бошқарув шаклидан иборатки, бунда монарх ҳокимияти вакиллик органи томонидан чекланган бўлади. Бу эса, парламент тасдиқлайдиган конституцияда мустаҳкамланади. Уни ўзгартиришга монархнинг ҳақи йўқ. Шу асосда *дуалистик* ҳокимият икки тарафлама хусусиятга эга бўлишини тушуниб олишимиз мумкин (мазкур сўзнинг таржимаси ҳам шундан гувоҳлик бериб турибди).

Амалдаги мавжуд ва юридик ҳокимият монарх шакллантирадиган ҳукумат билан қонунчилик органи сифатида майдонга чиқувчи парламент ўртасида бўлинади. Мамлакатни бошқариш монарх ихтиёрида бўлиб, вазирлар унга ҳисоб бериб турадилар. Ҳукумат парламентнинг партиявий таркибига боғланмаган ҳолда шакллантирилади. Бошқарув дуализми (икки тарафламалилиги) шундан иборатки, мисол учун монарх феодаллар манфаатларини, парламент эса, буржуазия ва бошқа табақалар манфаатларини ифодалайди.

Бундай бошқарувга Пруссия, Италия, Руминия (ўтмишдаги) давлатлари мисол бўла олади. Ҳозирги вақтда бошқарувнинг бу шакли ўз умрини яшаб бўлди.

Парламентлик монархия мамлакатлари (ҳозирги Англия, Бельгия, Норвегия, Швеция)да қирол шохлик вазифасини ўтаса-да, мамлакатни тўла маънода бошқаролмайди. Ҳуку-

мат парламент томонидан сайловларда кўп овоз олган муайян партиялар вакилларида иборат қилиб шакллантирилади. Энг кўп депутатлик мандатларига эга бўлган партия раҳбари ҳукумат бошлиғи бўлади. Қонун ҳужжатлари парламент томонидан қабул қилиниб, расман монарх имзолайди. Шундай қилиб, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд соҳаларида монарх ҳокимияти рамзий маънога эга. Лекин юқорида зикр этилганлардан монарх фақат соф рамзий шахсга айланиб қолади, деган маъно келиб чиқмайди. Бу шўро даврига оид хато бўлиб, у вақтда монархия умри тугаб бўлган бир нарса сифатида рўйхатдан чиқариб юборилганди. Агар шундай бўлса – минг йиллаб яшаб келган бошқарувнинг бу шакли ҳозиргача баъзиларнинг эътиборини тортиб келаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Чунончи, 1975 йили Испания халқи плебисцит (референдум)да монархияни қарор топтиришга овоз берди. СССР барҳам топиши билан кўпчилик республикалар (Россия, Украина)да монархиянинг қайта тикланиши эҳтимоли ҳақида гаплар бўлди. Албатта, буни изоҳлашнинг қийин жойи йўқ. Машаққатли дамларда, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда ҳукм сураётган бекарорлик шароитларида аксарият одамлар ҳокимият тепасига монархнинг – «миллат отаси»нинг, «миллатлар яқдиллиги рамзи»нинг келишига умид боғлай бошлайдилар. Бирок, бунда файласуф И.А.Ильиннинг ҳаққоний таъкидига кўра, монархия диний илдишларга асосланган бошқарувнинг «жонли» шакли бўлади, шунинг учун ҳам махсус ижтимоий-рухий муҳитни тақозо этади. Уни декрет билан жорий этиш, яна ҳам муҳимроғи тасодифий бир шахсни монарх деб эълон қилиш мумкин эмас.

Республика (лотинча Respublica – халқ иши) – *давлат ҳокимияти аҳоли муайян муддатга сайлаб қўядиган органлар томонидан амалга ошириладиган бошқарув шакли*дир. Республика ҳам монархия сингари муайян тарихий хусусиятга эга. Бошқарув республика шаклининг бир қанча турлари мавжудлиги тарихдан маълум. Улар қулдорлик шароитларидаёқ намоён бўла бошлаган эди.

Демократик республика Афина давлатида (эрамизгача V-IV асрлар) мавжуд бўлган. Буни жамиятнинг ижтимоий таркиби, қулдорликнинг шу ерга хос хусусияти, яъни овоз

афиналикларни қулга айлантиришнинг истисно этилганлиги, қулдор жамоалар бўлганлиги, давлат бошқарувининг самарали тизими мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин эди.

Спарта (эрамизгача V-IV асрлар) ва Рим давлати (эрамизгача V-II асрлар) аристократик республикалар ҳисобланади. Давлат сифатида улар кўпроқ аҳолининг аристократик қисми манфаатларини ифодаларди.

Капитализм даври *парламентар (парламент) республикаси ҳамда президентлик республикаларини* вужудга келтирди.

Парламентар республикаларнинг бошқалардан фарқ қилувчи хусусияти ҳокимият поғоналарида келишмовчиликларнинг бўлмаслигидир. Зеро, ижроия ҳокимияти бошлиғи (бош вазир) ва унинг маҳкамаси парламент, тўғрироғи, парламент аъзоларининг кўпчилиги томонидан тайинланади ва назорат қилинади. Ҳукумат қонун чиқарувчилар кўпчилиги қўллаб-қувватлаб турган муддатлардагина ўз вазифаларини бажара олади. Бундай кўпчиликдан маҳрум бўлганда эса, мазкур ҳукумат истеъфога чиқишга мажбур бўлади. Одатда, парламент республикаларида президент катта роль ўйнамайди: ижроия ҳокимияти гўё қонун чиқаруви ҳокимиятнинг давоми сифатида иш олиб бориши туфайли ҳокимият тармоқлари ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган ихтилофларнинг олди олинади.

Бирок, парламент республикаси ҳам камчиликлардан холи эмас. Партия тизимининг ўта майда бўлақларга бўлиниб кетганлиги шундай камчиликлардан биридир. Мазкур ҳол парламент коалицияларининг ҳам майдалашувиغا, бу эса, ўз навбатида ҳукуматнинг беқарорлигига олиб келади. Муайян шароитларда, ҳатто озчиликни ташкил этувчи экстремистик партиялар ҳам, парламент кўпчилиги коалициясининг бир қисми бўлиб қолиши мумкин. Бу эса, мамлакатга ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлар ўртасидаги зиддиятлардан кам бўлмаган жиддий салбий оқибатлар келтириши мумкин.

Боз устига, парламент республикасида шу парламент оддий кўпчилиги кучи билан мустабидликни яратиш эҳтимоли истисно этилмайди. Бошқача қилиб айтганда, бошқарув парламент шаклининг самарадорлиги ва барқарорлиги парламентдаги ўринлар учун кураш олиб борувчи сиёсий партиялар табиатига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Президентлик республикаси бошқарув шакли сифатида биринчи навбатда сайлаб қўйилган давлат бошлиғи бир вақтнинг ўзида ҳукумат раҳбари ҳам бўлиши билан фарқ қилади. Президентнинг ўзи парламент розилиги билан шу ҳукуматни тузади ва зарурат туғилганда уни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга бўлади. Бутун халқ томонидан сайланган президент умуммиллий манфаатлар ифодачиси, миллат рамзи бўлиши (ҳар қалай шундай бўлиши керак ҳам) бошқарув президентлик шаклининг ижобий томонидир. Мазкур шакл бутун ваколатни бир шахсга беради ва у фавқулодда ҳолатларда масъулият ва раҳбарликни ўз қўлига олади. Бошқарувнинг президентлик шакли, одатда, парламент шаклига нисбатан юқорироқ даражадаги сиёсий барқарорликни таъминлайди. Зеро, президент конституцияда белгилаб қўйилган қатъий муддатга сайланади.

Президентлик бошқарув шаклининг заиф жойлари ҳам мавжуд. Бошқарувнинг парламент шаклидан фарқли ўларок, у ҳокимиятнинг ижроия ва қонун чиқарувчи тармоқлари ўртасидаги зиддият ва можароларни, шунингдек, конституциявий инкироз эҳтимолини истисно этмайди. Бундай вазият, чунончи, президент билан парламент кўпчилиги бошқа-бошқа партиялар, сиёсий оқимларга мансуб бўлган вақтларда юзага келиши мумкин.

Шундай қилиб, бошқарувнинг парламент ва президентлик шаклларидадан бирини танлаш ягона, аммо беқарор раҳбарият (парламент бошқаруви) билан барқарор, лекин икки ҳокимият ўртасидаги ихтилофларни истисно этмайдиган раҳбариятдан бирини танлаш деган маънони англатади.

Бундан ташқари, президентни сайлашнинг энг матлуб услуги ўзи бормикан? Уларнинг ҳар бири ўзининг кучли ва заиф томонларига эга. Шу муносабат билан президентлик сайловларининг аҳамияти ошиб боради. Тўғридан-тўғри сайловлар энг содда ва демократик сайловлардир. Бундан ташқари, президентлик ҳокимияти қонунчилик ҳокимиятига жуда катта қарам бўлиб қолиши ҳам мумкин (масалан, фавқулодда ҳолат шароитларида президентни иккинчи муддатга қайта сайлаш тартибини олиб кўринг).

Давлат бошқарув тизими қотиб қолган эмас, балки тарихий тараққиёт жараёнида муқаррар равишда ўзгариб, янги-ланиб туради.

Дунёдаги давлатлар бошқарув шакллари кўп минг йиллик тарихга эга бўлиб, жамият тараққиёти асосида такомиллашиб, мазмун жиҳатидан мукаммаллашиб борган. Бундан Ўзбекистон давлат бошқаруви мисолида кўриш мумкин: Конституциямизга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий тамойилларидан бири – халқ ҳокимиятчилигидир. Республикада халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Халқ давлатни бошқарувни бевосита ёки сайлаб қўйилган ўз вакиллари орқали амалга оширади.

Мустақиллик туғайли Ўзбекистонда давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими шакллантирила бошланди. «Президентлик бошқарув усули – шу тизимнинг ўзгидир»³.

Давлат бошқарувининг президентлик шакли Ўзбекистонда тасодифий равишда юзага келмади. Давлат бошқарувининг бу замонавий ва самарали шаклини юзага келтиришда халқимизнинг давлатчилик соҳаларидаги кўп минг йиллик тарихий тажрибалари, диёримизнинг муайян шарт-шароитлари, халқнинг анъаналари ва менталитети, ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, ҳозирги замон илғор давлатларининг тажриба ва ютуқлари зарурий равишда назарда тутилган.

Жаҳон тарихий тажрибаси президентлик усули давлат бошқарувининг энг мақбул, халқ манфаатлари – эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай тизимларидан эканлигини кўрсатиб турибди. «1995 йилги маълумотга кўра, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо 186 давлатдан 140 тасида Президент лавозими мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти президентлик республикасидир. Булар АКШ, Франция, Аргентина, Бразилия, Мексика, Россия Федерацияси, Гондурас, Гамбия, Уругвай ва бошқалардир»⁴.

Ўзбекистонда жорий этилган давлат бошқаруви президентлик усулининг мазмун-моҳияти, асосий тамойиллари, ўзига хос хусусиятлари, Президентнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари Республика Конституцияси – Асосий Қонунда,

³ Каримов И.А. *Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура*. 1-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 37-бет.

⁴ Мустақиллик. *Изоҳли илмий-оммабоп лугат*. Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1998, 41-бет.

Олий Кенгашнинг саккизинчи сессиясида 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунда баён этилган.

– Асосий Қонуннинг 90-моддасида белгилаб қўйилишича, «Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президентини бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президенти сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади».

Халқимизнинг содиқ ўғлони, фидойи фарзанди, таниқли давлат, сиёсат ва жамоат арбоби Ислом Абдуғаниевич Қаримов 1990 йил 24 мартда Республика Олий Кенгашида Ўзбекистон Президенти этиб сайланди. 1991 йил 31 августда Ислом Қаримов томонидан Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб Ислом Қаримов мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш, давлатимиз ва жамиятимизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий-маънавий, ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, келажакда Ўзбекистоннинг буюк давлатга айланишини таъминлаш бўйича қатъий ва изчил сиёсат юргизиб келмоқда.

Ислом Қаримов 1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтган умумхалқ сайловида Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди. Сайловчиларнинг 86 фоизидан кўпроғи Ислом Қаримов учун овоз бердилар. 1995 йилнинг март ойида ўтказилган умумхалқ референдумида эса Ислом Қаримовнинг президентлик ваколатлари 2000 йилгача узайтирилди.

Конституциянинг XIX бобида Ўзбекистон Республикаси Президентининг юксак ваколатлари тўла ифодаланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасида белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Президент айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади.

Конституциянинг 93-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва Қонушларга риоя этилишининг кафилидир. Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш миллий давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўради. Мамлакат ичкарасида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради. Музокаралар олиб боради.

Президент ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди Ўзбекистон Республикаси вазирликларини, давлат кўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир Фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади.

Олий Мажлисга Конституциявий суд раиси ва аъзолари Олий суд раиси ва аъзолари, Олий хўжалиқ суди раиси ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади. Вилоятлар, туман, шаҳар ва хўжалиқ судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади. Фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини кўзлаб Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади.

Президент республика Куролли Кучларининг Олий Бош кўмондони ҳисобланади. Куролли Кучларнинг олий кўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонларни беради. Амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни афв этади. Миллий хавфсизлик ва давлат назорати хизматларини тузади

уларнинг раҳбарларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этилади ҳамда ўз ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 95-моддасига кўра Президент давлат бошлиғи сифатида зарурат тутилган чоғда, Конституциявий суд билан бамаслаҳат, Олий Мажлисни тарқатиб юбориши ва уч ой мобайнида янги парламент сайловларини белгилаши мумкин.

Президент зарур бўлганда, 93-моддага мувофиқ республика бошқарув органларининг, шунингдек, ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади ва бекор қилади.

Президент ўз ваколатларини бажаришда бошқа ҳокимият тармоқларидан мустақилдир.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда Президент Ислоҳ Каримов раҳбарлигида кучли ҳокимият – давлат бошқаруви қарор топди.

Республика фуқаролари давлат мустақиллигидан кейин ўтган қисқа вақт ичида Ўзбекистонда эришилган улкан тарихий ютуқларни, иқтисодиёт, сиёсат, маданият, маънавият, маърифат, ҳуқуқий таълим-тарбия бобида қўлга киритилган ижобий натижаларни, жаҳон ҳамжамиятида унинг обрў-эътиборининг ортиб бораётганини ҳаққоний равишда Президент Ислоҳ Каримовнинг илмий-амалий фаолияти билан боғлайдилар.

Ўзбекистон давлати Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида олис келажакни кўзлаб, буюк давлатлар сафида бўлиш нияти билан ривожланиб бормоқда. «Ўзбекистон халқи келажакка ишонч билан қарайди. У энг аввало ўз кучларига, ўзининг бой табиий, иқтисодий ресурсларига ишонади, сихат-саломатлик, бахт-саодат, бойлик ва маданиятга ўз йўли билан келади. Улуғ келажак – олдинда. Ва у бизнинг – Ўзбекистон фуқароларининг бахт-саодати йўлида олиб бораётган муштарак ишимизга куч-қувват, ғайрат бахш этади»⁵.

Социалистик республика. Бошқаришнинг бу махсус шакли бир қатор мамлакатларда социалистик инқилоб натижасида вужудга келган. Марксизм назариётчилари фикрига кўра, у ишчилар синфи бошчилигида тўла-тўқис халқ ҳокимиятини таъминлайдиган чинакам демократик республика

⁵ Каримов И.А. *Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура*, 1-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 85-бет.

лика бўлиши керак эди. Социалистик республиканинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

– ҳокимият олий ва маҳаллий органларининг демократик марказлашув (централизм) тамойиллари асосида ягона вакиллик тизимига қўшилиб кетиши;

– давлат ҳокимияти асосини ташкил этувчи вакиллик органларининг етакчи мавқеи;

– мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий жараёнларига ягона раҳбарликни амалга ошириш. Бу моддий ва маънавий бойликларни тақсимлаш ишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириб бориш имконини беради;

– ишчилар синфи ва унинг партиясининг ижтимоий ва давлат ҳаётидаги раҳбарлик роли;

– ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниш заруратини инкор этиш.

Одатда, бошқарув социалистик шаклининг уч кўриниши: Париж Коммунаси, Совет республикаси ва халқ-демократик (халқ) республикаси қайд этилади. Улар асосида эса пролетариат диктатураси тамойили ётади.

Баъзан бошқарувнинг аралаш шакллари, жумладан, парламент-президентлик шакллари учраши мумкин. Улар биз келтирган таснифга тушмайди ва парламентлик ҳамда президентлик ҳокимиятларининг ўзига хос синтези, бирикмасидан иборат бўлади (масалан, Франция).

Яна бир жиҳатга эътиборингизни жалб этишни истардик: ҳар қандай бошқарув шаклини бирдек баҳолаш мумкин эмас. Албатта, республикалар, умуман олганда, монархияга қараганда бошқарувнинг илғор шаклидир. Айни пайтда шундай вазиятлар ҳам вужудга келиши мумкин, унда монархия у ёки бу жамиятни барқарорлаштириши мумкин бўлади. Ўз навбатида, бошқарувнинг республика шакли монархия сулолаларини ўрнатишга дебоча бўлиши ҳам мумкин. Чунончи, республика шаклидаги давлатларда тоталитар тузум шароитларида бошқарувнинг монархия шакли белгилари намоён бўлиши мумкин. Масалан, давлат бошлиғи (Индонезияда Сукарно, Югославияда И.Б.Тито)нинг ўзгармай қолиши ҳолларини эсланг. Бу ҳам етмагандай, Марказий Африка Республикасининг бир умрлик президенти Бокасса император ҳам бўлиб олди.

3-§. Сунний ва шиъа давлат-ҳуқуқий таълимоти хусусиятлари: бошқарувнинг халифалик ва имомлик шакллари

Мусулмон давлати – халифалик VII асрда вужудга келган. Бу кулдорлик жамияти ҳалокатга юз тугиб, Фарбий Арабистонда унинг харобалари ўрнида феодал жамият қаддини тиклаётган ўтиш даври эди. Халифаликнинг пайдо бўлиши ислом ва диндорлар мусулмон жамоасининг тараққиёти билан боғлиқ бўлиб, унинг доирасида ўзаро муносабатлар ислом ҳуқуқи билан мувофиқлаштириб борилган. Шу тариқа, айнан VII-X асрлардаги ислом ҳуқуқи фани доирасида мусулмон давлати назарияси вужудга келган, дейиш мумкин.

Биз юқорида мумтоз мусулмон ҳуқуқи Куръон ва Суннадан ҳокимият муносабатларини тартибга солувчи қоидаларни жуда кам олганлигини таъкидлаб ўтгандик. Боз устига улар «давлат» атамасини умуман қўлламайдилар. Фақат «имомат» (сўзма-сўз таржимаси «ибодат чоғида раҳбарлик қилиш») ва халифалик (ворислик) тушунчалари мавжуд бўлиб, улар кейинчалик мусулмон давлатларини ифодалаш учун ишлатила бошланган.

Мусулмон давлатини ташкил этиш ва унинг яшаш тамойилларини ишлаб чиқиш зарурати туғилган пайтларда ислом фикҳшунос олимлари катта қийинчиликларга дуч келишган. Бироқ, бу тамойиллар оз бўлса-да, Куръон ва Суннада мавжуд халифаликка оид қоидаларни кенг маънода талқин қилиш асосида ҳамда Муҳаммад (С.А.В.) ва унинг гўрт ворислари – «чор ёр»лар томонидан олий ҳокимиятни бошқариш амалиёти тўғрисидаги маълумотларни қўшиш асосида ишлаб чиқилди.

Халифалик мусулмон сиёсий назариясининг ҳал қилувчи муҳим категорияси бўлиб, у икки нуқтаи назардан – ё мусулмон ҳокимиятининг моҳияти сифатида ёки бошқарувнинг махсус шакли сифатида талқин этиларди. Ислом таълимотида халифаликка берилган барча таърифлар асосида йирик фикҳшунослардан бири – ал-Маварди (974-1058 йиллар) қарашлари ётади. У давлатга динни ҳимоя қилиш ва дунёвий ишларга раҳбарликда пайғамбар фаолияти ворисли-

ги сифатида қарарди. Мазкур тушунча асосида *халифалик вазифаси олий дунёвий (сиёсий) ҳокимиятни амалга ошириш ва мусулмон жамоаси даражасида динни қўллаб-қувватлашдан иборат бўлган ташкилотдир*, деган хулоса қилинган.

Ислом ҳуқуқшунослик таълимотида халифаликнинг келиб чикиши, унинг вазифалари ҳақидаги масала энг муҳим ҳисобланарди. Ислом фикҳшуносларининг кўпчилиги, халифалик ҳокимиятининг қарор топиши мусулмон жамоаси зиммасига юкланган муқаррар мажбурият деб ҳисоблайди. Бу диндорлар мусулмон ҳуқуқи қондаларини қандай бажараётганлари ҳамда давлат ва жамоат ишларида тартибни таъминлаш устидан халифа назоратининг зарурлиги билан изоҳланарди. Зеро, улар, ҳатто адолатсизликка йўл қўйган тақдирда ҳам, ҳар қандай ҳокимият ҳокимиятсизликдан, бебошлиқдан, яъни анархиядан афзал деган фикрга амал қилардилар.

Шиъа сиёсий тафаккури намояндалари кучли ҳокимият тамойилини янада изчиллик билан ёқлаб чиққандилар. Улар имомат (халифаликни улар шундай аташади) Муҳаммад (С.А.В.) пайғамбарлик миссиясининг давоми ва ниҳояси деб ҳисоблашарди. Модомики шундай экан, дейишади улар, имоматни ўрнатиш Оллоҳнинг ҳақ-ҳуқуқидир, унинг қарам ва донолигининг олий намунаси, диннинг илк арконларидан биридир.

Ислом фикҳшунослик фани халифаликда олий ҳокимият кимга тегишли бўлиши кераклиги масаласини жуда бошқача ҳал этади. *Сунний таълимотга асосан сиёсий мустақилликнинг бош соҳиби Оллоҳдир. Унинг номидан ерда ҳокимиятни халифа амалга оширади. Жамоанинг махсус ҳақ-ҳуқуқлари ўз ҳукмдорини сайлаш ва унинг фаолиятини назорат қилишдан иборат бўлади.*

Бундай ёндашувдан фарқли ўларок, *шиъа сиёсий таълимоти мустақиллик беистисно Оллоҳнинг ўзигагина хос бўлиб, унинг номидан мусулмонларнинг барча ишларига яқка имомнинг ўзи раҳбарлик қилади, деб даъво қилади. Имом эса фақат шариятга бўйсунди, ҳеч кимга, шу жумладан, жамоатга ҳам ҳисоб бермайди, деб ҳисобланади.*

Кизиғи шундаки, халифалик бошқаруви тўғрисидаги таълимот Куръоннинг атиги икки (бошқаси йўқ ҳам) қоида-си асосида ишлаб чиқилган. У, аввало, халифадан маслаҳат билан иш кўриш ва умумий фикрни инобатга олиб ҳукм чиқаришни талаб қилар, иккинчидан, жамоат зиммасига ҳукмдорга бўйсунуш вазифасини юқларди.

Исломиий фикр таълимотининг яна бир ўзига хос хусусиятини – унда мусулмон давлати бошлиғи лавозимини эгаллаш тартиби тўғрисида кўрсатма йўқлигини таъкидлаш лозим.

Сунний таълимотга кўра, халифани мужоҳидлар деб аталган мусулмон фикршунослигининг энг йирик билимдонлари сайлашлари керак. Улар Куръон ва Суннада тилга олинмаган ҳуқуқий масалаларни мустақил ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлишган.

Шиа таълимоти бўйича имом жамоат томонидан сайланмай, у Оллоҳнинг бевосита вакили ҳисобланади.

Суннийлар таълимоти давлат бошлиғининг ўз хатти-ҳаракатларида мусулмон ҳуқуқий қоидаларига оғишмай амал қилиш, раият манфаатлари ва «умум фойдаси»ни ҳисобга олиш, шунингдек, муҳим қарорлар қабул қилиш чоғида «маслаҳат билан иш кўриш»ни халифаликнинг муҳим ҳислатлари деб эълон қилади. Сунний фикр таълимоти айниқса *давлат бошлиғининг ҳокимияти мутлақ ҳокимият эмаслигига* алоҳида ургу беради. Бинобарин, у олий ҳокимиятни амалга оширишига қарамай, унинг ваколатлари илоҳий кучга эга эмас. Халифа қонун чиқарувчи ҳокимиятдан фойдалана олмайди ҳамда унинг ўзи ҳам мужоҳид бўлгандагина янги ҳуқуқий қоидаларни жорий этиши мумкин.

Шиаъларнинг бу борадаги назарий қарашлари суннийлар таълимотидан жиддий фарқ қилади. Шиа таълимотига кўра, имом мутлақ ҳокимиятга эга ва бу ҳокимият қарийб илоҳий қудрат касб этади. Бу ҳолат уни жамоатдан анча юқори қўйишга олиб келади. Куръон ва Суннада тилга олинмаган масалалар бўйича фақат имомнинг ҳукми қонун кучига эга бўлади. Халифаликка исломий ёндашув, шунингдек давлат моҳиятини ва унинг фаолият юритишининг айрим жиҳатларини ўрганиш, «мусулмон ҳуқуқи устуворлиги» қоида-сидан келиб чиққан ҳолда унинг сиёсати мақсадларини белгилашни ҳам ўз ичига олади.

Мазкур ёндашувнинг моҳияти *мусулмон давлатининг ислом яратган*, деган ғоядан иборат. Ҳокимият мазмунининг мусулмон фикҳшунослари икки мақсадни амалга оширишда кўрганлар. Улардан бири ер юзида Оллоҳ иродасини бажаириш бўлса, иккинчиси бунинг учун пайгамбар (С.А.В.) ва унинг илк сафдошлари олий диний ва дунёвий вазифаларни амалга оширишдаги бошланғич фаолият йўриқларига ўхшаш бошқарув тизимини яратишдан иборат⁶.

Давлат ҳақидаги ислом таълимотининг айрим қоидаларидаги мавжуд қарама-қаршиликларга эътиборни қаратиш лозим. Жумладан, айрим илғор жиҳатлар (давлат фаолиятининг эксплуатацияни бирмунча чеклашга ва муҳтожларга ёрдам беришга йўналтирилганлиги) ундаги элита ҳокимиятини мустаҳкамлаш ҳамда мусулмонларни давлат ишларини ҳал этишда қатнашишдан четлаштириш билан кўшилиб кетади.

Бизга маълумки, ислом таълимотига кўра жамоат халифани назорат қилиши мумкин бўлганига қарамай, амалда бу ҳуқуқ халифа қилаётган ишларга индамай рози бўлишдан иборат бўлиб қолади. Фақат мужоҳидлар (кўпинча расман) ҳукмдорни танқид қилишга ҳақли эдилар. Оддий мусулмонлар ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Боз устига ҳокимиятни ташкил этишнинг аниқ шаклини танлаш халифанинг ҳамда ўзига ҳос «маслаҳат кенгаши»ни ташкил этган мужоҳидларнинг иши ҳисобланарди. Фикри жамоат фикрига тенглаштирилган ана шу кенгаш орқали давлат бошлиғининг фаолияти назорат қилинади ҳамда истибдод ва зўравонликнинг олди олинади, деб ҳисобланарди.

Шунга қарамай, А.Х.Саидовнинг фикрича, «тахлил этилаётган назария умуман олганда *демократик характерга эга*». Бироқ, у «моҳиятан бошқарувнинг илоҳийлаштирилган шаклини ва ўз хатти-ҳаракатлари учун мутлақо жавоб бермайдиган имомнинг чексиз ҳукмронлигини ҳимоя қилувчи шиъалар назариясининг консерватив кўриниши»ни ҳам қайд этади. Бундай фикрга қўшилиш кийин. Зеро, муаллиф ўзи фикрини давом эттираркан, ушбу назариянинг демократик тамойиллари амалда рўёбга чиқмай қолиб кетди, дея тан олади. У яна шундай давом этади: *«Мусулмон тадқиқотчила-*

⁶ Саидов А.Х. *Основы мусульманского права*. Т., ЎзР ИИВ академияси, 1994. 54-бет.

рининг ўзлари эътироф этишларича, пайгамбар (С.А.В.) ва унинг дастлабки тўрт халифаси давлатигина мусулмон идеали – «маслаҳат» бошқарувига расман, шунда ҳам қисман мос келган. Улардан кейин ҳукмдор ҳокимияти ўз шаклига кўра амалда авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтувчи монархияга айланди. Унинг «чинакам» мусулмон бошқарувига ҳеч қандай алоқаси йўқ эди»⁷.

Ҳуқуқий назария қоидаларида уларни амалга ошириш омилини кўрсатиб берилмаган бўлса, бундай назариянинг демократик моҳияти ҳақида гапириш мумкинми? Бизнингча, гапириб бўлмайди.

Албатта, мусулмонча бошқарув таълимоти ислом оламига кирувчи мамлакатларнинг ҳозирги давлат-ҳуқуқий ривожига ўтказаятган таъсирини инкор этиб бўлмайди. Жумладан, бошқарувнинг монархия шаклидаги бир қатор мамлакатларда ҳокимият мерос сифатида эмас, балки энг обрўлиди арбоблари ва ҳукмрон сулола вакиллари томонидан сайланиш натижасида қўлга олинади.

Маълумки, мусулмон давлатчилиги дунёга келган кунидан бошлаб бир-бирига чамбарчас боғлиқ икки қоида устуворлиги унинг асосини ташкил этган: маслаҳатлашув (шўро) – яъни ҳукмдорларнинг қарорларни жамоа бўлиб қабул қилиши ҳамда шариат қонуларининг мустақиллигидир. Бунинг устига ўрта аср араб-мусулмон давлатлари тузилмаларида маслаҳатлашув тамойили аниқ юридик тасдиғини топмади. Демак, мусулмон ҳукмдорлари учун улар мажбурий тус ололмади. Шариат қоидаларига ёки «илоҳий қонулар»га риоя этилишига келсак, бу ҳамisha ҳар қандай давлат ҳокимияти қонунийлигининг зарур шarti бўлиб келган. Шунингдек, мусулмон олами давлат-сиёсий ривожининг барча босқичларида «тақводор ислом», унинг Куръон ва Суннага асосланган мумтоз давлат-ҳуқуқий таълимоти билан уларнинг амалда қўлланиши ўртасида маълум узилиш бўлганлигини қайд этиш лозим. Бундай ҳолатнинг бош сабаби, афтидан шундаки, «ислом, барибир, озми-кўпми давлатчиликнинг яхлит назариясини ярага олмади. Куръон ва Суннада шу масалаларнинг барчаси бўйича фақат энг умумий қоидаларгина баён этилган. Улардан амалда жамият ривожининг у ёки бу даврига таал-

⁷ Саидов А.Х. *Основы мусульманского права. Т., ЎзР ИИВ Академияси, 1994, 96-бет.*

лукли ўзгариб борувчи ижтимоий-иктисодий шарт-шароитларга боғлиқ ҳолда турлича фойдаланиш мумкин»⁸.

Ислом дини, унинг Куръони Карим ва Ҳадиси Шариф номли муқаддас китоблари мусулмон давлати ва ҳукуки учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Жаҳон маданиятининг таркибий қисми бўлган ислом маданиятида, хусусан ислом динида умумбашарий аҳамиятга эга бўлган ғоялар, таълимотлар, инсонни тўғри йўлга бошлайдиган йўл-йўриқлар беҳисоб даражада кўп. Ислом дини ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Ақсинча, барча иллатлардан, ёлгон ва риёкорликдан покланишга, юксак маънавий-ахлоқий фазилат соҳиби бўлишга, бировларнинг мол-мулки ва жонига қасд қилмасликка, қон тўкмаслик, жонлини бежон қилмасликка даъват этади.

Ислом бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эсла-тиб туради, одам боласини ҳаром йўллардан узоқ юришга яхши бўлишга, ўзаро бир-бирини ҳурмат қилишга, ўзида яхши из қолдиришга, савоб ишларни, эзгуликларни кўпроқ қилишга ҳар доим ундаб туради. Савобли ишларни қилган одамга, унинг элу юртига, албатта, Оллоҳнинг раҳматлари ёғилади, яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир, дег таълим беради.

Ислом дини миллат ажратишни, миллий адоват ва низо-ларни, маҳаллийчиликни, бировларни «сен – мусулмон» бош-қаларни эса «сен – кофир» деб ажратишни, хурофот-ни-бидъатни, жаҳолатни кескин қоралайди. Оллоҳнинг бан-даси бўлган Инсонни олий кадрият сифатида эъзозлайди Шунинг учун ҳам дунёдаги кўпчилик мамлакатлар ва халк-лар сингари мустақил Ўзбекистонда ҳам ислом дини умум-башарий кадрият сифатида эъзозланиб, ҳурмат қилиниб ке-линмоқда, унинг замонавий ғоялари ва таълимотларида одамларнинг рухий дунёсини, иймон-эътиқодини, инсоний фазилатларини мустаҳкамлашда, илм-фан, маданият ва маъ-навиятда, таълим-тарбия тизимида, ҳукуқий тарбияда ижо-дий фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекис-тон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорли

⁸ *Ўша ерда, 56-бет.*

шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» номли китобларида биз ўз миллатимизни ислом динидан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаслигимиз, диний кадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга чуқур сиғиб кетганлиги зикр этилган. *«Ислом дини, – дейди бу ҳақда юртбошимиз, – бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўғитларга амал қиладилар. Меҳроқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар»*⁹.

Президент томонидан таъкидланганидек, биз диндан сиёсий мақсадлар ва ёвуз ниятлар йўлида, ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклаш йўлида фойдаланишларга мутлақо қаршимиз. *«Биз бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий кадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралashiш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз»*¹⁰.

Ислом Каримов ўзининг *«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»* асарида XX аср охирида жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ислом кадриятларини тиклаш байроғи остида рўй бераётган хатарли ҳодисалар, ғоят хилма-хил, кўп қиррали уринишлар, ҳаракатлар, ваҳобийчилик номи остидаги диний экстремизм ва фундаментализм сингари хавф-хатарлар, мафкуравий таҳдидлар ҳақида батафсил тўхталган.

Ҳозирги пайтда биздан узоқ масофаларда жойлашган айрим ислом давлатларида ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган

⁹ Каримов И.А. *Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 40-бет.*

¹⁰ Каримов И.А. *Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 44-бет.*

муайян ташкилотлар мавжуд. Улар бундан ўн тўрт аср бурungi воқеликни тиклаш ниятида катта маблаг ва мафкуравий таъсир воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг асосий мақсади ислом дини ниқоби остида ҳукмронлик қилиш, ҳокимиятни қўлга киритишдир. Диний экстремистлар ва фундаменталистлар фикрича, мусулмонлар яшайдиган мамлакатлар ўртасида ҳеч қандай маъмурий чегаралар бўлмаслиги, бу давлатларнинг барчаси ягона халифалик маркази томонидан бошқарилиши керак, эмиш.

Бу – тарихий ҳақиқатга, замон талабига, дунёдаги халклар, миллатлар талаб ва эҳтиёжларига батамом зиддир. Бу – тарих гилдирагини орқага қайтаришга уринишдир. Ўтган вақтни орқага қайтариб бўлмайди. Инсоният тарихининг объектив қонуниятларига асосан ўтмишдан келажакка томон тўхтовсиз равишда илгарилаб, юксалиб бораверади.

Ислом Каримов ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклашга уринувчилар орасида «Ҳизби таҳрири исломия» ташкилоти айниқса фаоллиги билан ажралиб турганлигини кўрсатиб, шундай дейди: «Унинг вакиллари бизнинг мамлакатимиз ҳудудида ҳам яширинча, пинҳона иш олиб боришга уринишмоқда. Улар асосан ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз ёшларимизни ўз тузоғига илинтиришга, турли йўллар билан уларнинг миясини заҳарлаб, ўз халқи, ўз юртига қарши ғанимга айлантиришга жонжаҳди билан, ҳеч қандай маблағларини аямасдан ҳаракат қилмоқдалар. Табиийки, биз бундай ёвуз ингилишларга асло йўл қўяолмаймиз ва қўймаймиз ҳам»¹¹.

4-§. Давлат тузилиши шакллариининг хилма-хиллиги

Маълумки, ҳар қандай давлат муайян ҳудудда жойлашган. Унинг фуқаролари ҳам худди шу ҳудудда истиқомат қилишади. Ўзининг ижтимоий функцияларини бажариш – фуқароларнинг иқтисодий турмуши ва ҳимоясини ташкил этиш, суғурта заҳираларини яратиш ва ҳоказолар учун давлат турли хил фаолиятни амалга оширади. Аммо аҳолининг

¹¹ Каримов И.А. *Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т., «Ўзбекистон», 1999, 13-бет.*

сони анча кўп, ҳудудий ўлчами катта бўлган шароитларда бир марказдан туриб бу фаолиятни амалга ошириш – қарийб уддालаб бўлмайдиган вазифадир.

Фуқаролар сони ва ҳудуд кўлами муайян чегарага етганда мамлакат ҳудудини округлар, вилоятлар, ўлкалар, штатлар, кантонлар, губерниялар, туман сингари ҳудудларга бўлиш ҳамда шу ҳудудий тузилмаларда ҳокимиятнинг маҳаллий (ҳудудий) органларини тузиш зарурати туғилади. Шу тарика ҳокимият ва бошқарувнинг марказий ҳамда маҳаллий органлари ўртасида ваколатларни бўлиш эҳтиёжи ҳам пайдо бўлади. Бу давлат (ҳудудий) тузилиши заруратини келтириб чиқарадиган биринчи сабабдир.

Иккинчи сабаб у ёки бу давлат аҳолисининг кўпмиллатлилиги билан боғлиқ. Ҳар бир халқ, миллатнинг ўз анъаналари, давлатчилик бўйича тарихий тажрибаси мавжуд, маданий, тил ва бошқа маънавий эҳтиёжларга эга. Буларнинг ҳаммасини давлат тузилиши чоғида назарда тутиш керак.

Учинчи сабаб субъектив ва ҳатто тасодифий омилар – ўзлаштириб олиш, мустамлакачилик таъсири, сиёсий манфаатлар ва бошқа кўпгина ҳолатлардан иборат бўлиши мумкин.

Бошқарув шакли сингари ҳудудий тузилиш илдизлари ҳам жуда қадим замонларга бориб тақалади. Қадимги Шарқ деспотик империялариёқ вилоятлар, шаҳарлар, сатрапиялар, забт этилган ҳудудларга бўлинган. Улар ўз ҳудудий тузилмалари ҳамда ўз ҳокимият ва бошқарув органларига эга бўлишган. Албатта, давлат ўз ҳудудий тузилмаларининг оддий йиғиндисидан иборат эмас. Лекин бу тузилмаларсиз давлат мавжуд бўла олмайди.

Давлатшунос олимлар томонидан давлат тузилиши тушунчасига кўплаб таърифлар берилган. Лекин улар бир-бирларидан унчалик катта фарқ қилмайди. Уларнинг қарийб барчаси *давлат тузилиши шакли деганда давлат ҳокимиятининг маъмурий-ҳудудий ташкил этилиши, давлат билан уни ташкил этувчи қисмлар ўртасидаги, давлатнинг алоҳида қисмлари ўртасидаги, марказий ва маҳаллий органлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар характерини тушуниш керак*, деб ҳисоблашади.

Тузилиш таркибига кўра давлатлар оддий – *унитар* ҳамда мураккаб – *федератив ва конфедератив* давлатларга бўлина-

ди. Давлат тузилиши шакли нафақат оммавий ҳокимият билан, балки давлатнинг яна бир муҳим хусусияти – аҳолининг ҳудудий ташкилоти билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Унитар (ягона, лот. «унус» – «бир» сўздан олинган) давлат оддий тузилишга эга яхлит давлат бўлиб, тўла сиёсий бирлиги билан бошқалардан фарқ қилади. Унитар давлатларнинг аксарияти муайян маъмурий-ҳудудий бўлиниш (туманлар, вилоятлар, кантонлар)га эга. Бироқ мазкур мустақил қисмлар давлат суверенитети аломатларига эга эмас. Бундай давлатда олий органларнинг ягона тизими ҳамда ягона қонунчилик мавжуд бўлади. Унитар давлатнинг яхши томони шундаки, унинг тузилиши содда бўлиб, олий ҳокимият тўлалигича унинг тасарруфида бўлади.

Барча унитар давлатларга хос бўлган марказлаштириш турли шаклларда ва турли даражада намоён бўлиши мумкин. Баъзи мамлакатларда маҳаллий органлар умуман бўлмайди ва маъмурий-ҳудудий бўлинмалар марказий ҳокимият вакиллари томонидан бошқарилади.

Бошқа давлатларда маҳаллий органлар ташкил этилади-ю, лекин улар (бевосита ёки билвосита) марказий ҳокимият назорати остида бўлади. Марказий ҳокимият маҳаллий органлар устидан назоратнинг қандай турини амалга оширишига қараб, *унитар давлатлар марказлашган ва марказлашмаганга* бўлинади.

Бундан ташқари, баъзи унитар давлатларда бир ёки бир неча ҳудудий бўлинмаларга бошқалардан имтиёзлироқ ҳуқуқий мақом берилиши мумкин. Бундай унитар давлат нисбий маъмурий мустақил мухторият (автономия)га эга бўлади. Давлат тузилишининг юқоридаги шакли ҳудудий бўлинмаларнинг махсус манфаатларини ҳисобга олиш зарур бўлган жойларда қўлланилади. Мазкур автоном тузилмаларда ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи бошқа аҳолига қараганда кенгрок бўлади. Бироқ, мухториятлар мустақиллигига марказий ҳокимият белгилаган доирадагина йўл қўйилади.

Яна бир жиҳатни ҳисобга олиш керак. Унитаризм ер эгалликлари, князлик ва бошқаларга бўлиниб кетган феодал тарқоқлигига нисбатан ўз даври учун илғор ҳодиса бўлган. Зеро, у ягона бозорнинг вужудга келиши, буржуа иқтисодий муносабатларининг ривожига йўл очиб берган. Лекин ка-

литизмнинг ривожланиб бориши, фан-техника тараққиёти билан, янги иқтисодий муаммоларнинг пайдо бўлиши ва бошқа омиллар туфайли интеграция жараёнлари бошланиб кетади. Булар эса, мураккаб давлатлар ва уларнинг тузилмалари – федерация, конфедерация, ҳамдўстлик ва ҳоказоларни юзага келтиради.

Федератив давлат (лот. «feodus» – иттифок, шартнома) – мураккаб давлат. Давлат ва ҳуқуқ фанида *давлатларнинг шартнома ва қонуний тартибга солинган бирлашувини таъсис этишга асосланган иттифоқи федерация деб аталади. Демак, ўзаро бирлашишга интилувчи бир қанча мустақил давлатлар мавжуд бўлган жойдагина федерация ташкил этилиши мумкин.*

Режалаштирилаётган Россия ва Белоруссия иттифоқи муносабати билан ҳозирги вақтда федерация ҳақида жуда кўп гапирилаётгани диққатга сазовор. Бунда ажабланарли жойи шундаки, кўпчилик (сиёсатчилар, юристлар, жамоат арбоблари ҳам) федерация нима эканлиги ҳақида жуда мавҳум тасаввурга эга эканлар. Шу муносабат билан биз тарихга мурожаат этишга қарор қилдик.

Федерациянинг келиб чиқиш тарихини тахминан шундай тасаввур этиш мумкин: сиёсий жиҳатдан шаклланиб бўлган бир қанча кичик давлатлар мустақил яшашга интилишади-ю, бироқ ташқи хавф-хатар ва ички қийинчиликлар улардан *бошқа ўзларига ўхшаш давлатлар билан бирлашишни талаб қилаётганига* ишонч ҳосил қилдилар. Шундай қилиб, улар мазкур бирлашув нималардан иборат бўлиши ҳамда қандай қонуний тартибда бу амалга оширилиши ҳақида шартнома тузиб, ягона давлатни барпо этадилар. Бу бирлашув, одатда, «абადий» деб эълон қилинади.

Швейцарияда худди шундай воқеа содир бўлган. У ерда кучли кўшниларга қарши кураш давомида дастлаб 1321 йили Ури, Швиц, Нидвалден ва Обвалден деб номланган кичик давлатлар (кантонлар) *стратегик* жиҳатидан бирлашишди ва кейинчалик «иттифок ёрлиғи»ни тақишди. 1332 йили улар федерациясига Люцерн кантони қўшилди. 1352 йили Цюрих, Гларус ва Цуг федерацияга бирлашди. 1353 йили Берн «абадий» иттифокқа қўшилди. 1415 йили Ааргау кан-

тони Австриядан ажратиб олинди ва федерация таркибига киритилди. Шу йилдан бошлаб Швейцарияда ҳар йили ўтказиладиган федерал съездлар ўз ишини бошлади.

Анча кейинроқ Америка Қўшма Штатлари худди шундай асосда бирлашдилар. Улар дастлаб бир-биридан мустақил 13 инглиз мустамлакасидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг махсус сиёсий ва конституциявий тарихига эга эди. 1775 йили бу колониялар Англияга қарши курашда *стратегик* мақсадларда бирлашишди. 1781 йили, кейин эса, 1787 йили штатлар федерал конституцияларини ишлаб чиқишди, яъни улар энди *давлатчилик* асосида бирлашишганди. Кейин улар сафига Франциядан сотиб олинган Луизиана қўшилди. Россиядан Аляска сотиб олинди. Мексикадан «худудлар», Испаниядан Антил ороллари тортиб олинди.

Юз йилликлар мобайнида мустақил сиёсий ҳаёт кечириб келган 25 немис мустақил давлати ва эркин шаҳари 1871 йили худди шу тарзда бирлашишди. Улар «абдий конфедерация» сифатида ягона Олмонияни ташкил этди.

1867 йилда Шимолий Америкадаги уч инглиз вилояти (Канада, Янги Шотландия ва Янги Брауншвейг) «Канада номли ягона мустақил давлат»га бирлашди.

1885-1886 йилларда инглиз суверенитети асосида олтита Австралия мустамлакаси, Янги Зеландия ва Фижи ороллари Австралосиё федерал давлатига бирлашди.

Мумтоз маънодаги федератив давлатлар пастдан юқорига, кичикдан каттага, кўпликдан бирликка шаклида типик тарзда пайдо бўлган. Бунда федерал конституциялар сиёсий жиҳатдан ўсиб-чагишиб кетадиган кичик давлатлар айнан нималарда ўз мустақилликларини сақлаб қолади-ю, нималарда йўқотишларини белгилаб беради. Одатда, уларнинг ҳар бири учун алоҳида тааллуқли бўлган ҳамда ҳамдўстлик бирлигига хавф солмайдиган ҳамма нарсада уларга мустақиллик берилди.

Агар, мабодо, иттифок давлати ўз ваколатини суниистеъмол қилиб, маҳаллий ишларга аралашадиган бўлса, маҳаллий мустақиллик тарафдорлари *федерал конституцияга* ишора қилиб: «Биз – федералчилармиз! Бизнинг давлатимиз унитар эмас, федератив давлатдир», дейишади. Шундай қилиб,

И.Ильин асосли равишда таъкидлаганидек, «федерализм» гоёси ўзининг *бош, бирлаштирувчи, марказлаштирувчи аҳамияти*дан ташқари акс таъсир ҳолатларини ҳам ўз ичига оладики, булар *қисмларнинг сўнмас ўзига хослиги, уларнинг қонун доираларидаги мустақиллиги, катта иттифоқ қаъридаги жонли ташаббускорликларидан* иборат. Мужими, шуни таъкидлаш жоизки, бу акс таъсир ҳолатлари *юридик эмас, сиёсий* маънога эга, зеро, у конституциявий нормаларга эмас, балки *уларни ҳаётда қўллаш ва амалга оширишга* тааллуқли»¹².

Шунингдек, федерация кичик давлатларнинг бир-бири билан чатишиб кетишининг ҳеч ҳам бирдан-бир ва бунинг устига энг яхши усули эмаслигини назарда тутиш керак. Тарихнинг шохидлик беришича, федерация асосларида эмас, балки унитар давлатга сингиб, тўла чатишиб кетиш асосида яхлит бир бутунликка айланиш ҳолларига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Францияни олайлик. У ҳозирги ҳолатдаги бирликка уч-тўрт аср давомида эришган. Ваҳоланки, дастлаб Франция бир киролик, бир курфюрстлик, 26 герцоглик, олти князлик, бир маркграфлик, бир эркин графлик, 77 графлик, 19 вицеграфлик, 14 «мулк», бир «маркизлик», бир «капталат» ва 13 вақф ерлари (уларнинг баъзилари кейинчалик Германия ва Швейцарияга ўтиб кетган)дан ташкил топган. XIX аср бошларига келиб, шунчалик кўп давлатларнинг изи ҳам қолмади.

Италия, Испания, Англия ҳам худди шундай ҳолатни бошдан кечирди. Шу ҳолатларнинг ҳаммасида кичик давлатлар федерацияга кириш йўли билан эмас, балки биттасига сингиб кетиш ёки қўшилиш орқали бирлашган. Миллатлар аралашиб, халқларнинг *унитар сиёсий шакл* доирасида сиёсий фарқланиш жараёни ниҳоясига ета бошлаганди.

Шундай қилиб, тарихда йирик давлатлар вужудга келишининг икки йўли мавжуд. Ҳар икки йўл бир нечта ёки кўпчилик алоҳида-алоҳида давлатлардан бошланади. Биринчи йўл – шартномавий бирлашув (федерация) йўли; иккинчиси – унитар давлатга иктисодий ва маданий чатишиб кетишнинг сиёсий қўшилиш йўли.

¹² Ильин И. О грядущей России. М.: Телекс, 1993, 54-бет.

Федератив тузум ўз асосларига эга эканлигини таъкидлаш зарур. Бу асосларсиз у ё «қоғозда» қолиб кетади ёки «сохта федерация»га айланиб, мамлакатни парчаланиш, заифлашувга олиб келади ҳамда адоқсиз ички низолар, тўнта-ришлар, фуқаролик урушлари ва фитналарга йўл очади.

Федератив тузумнинг биринчи асоси – икки ёки бир неча мустақил давлатнинг мавжуд бўлишидан иборат. Агар булар бўлмаса, ҳеч қанақанги федерация ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Федерацияга кирувчи ҳар бир давлат ё бутунлай мустақил бўлиши ёки жилла бўлмаганда ўз мустақиллигини эълон қилиб, уни амалга ошириш учун курашни бошлаши керак. И.Ильин тўғри таъкидлаганидек, «уларнинг ҳар бири ўз ичида мустаҳкам ҳокимият, бирлик ва ҳуқуқ-тартиботга эга бўлган жипслашган давлат жамоаси бўлмоғи даркор. Сиёсий бекиёфалар, кўчманчи қум саҳро-лари, қалбаки «давлат сифатлар», (хуши жойига келмайдиган жиннилардек) ҳамиша эзилган, дарғазаб ҳолатдаги жамоалар федерацияни ташкил этолмайди: зеро, улар шакл-шамойилсиз, масъулиятсиз, хуши жойига келмайдиган, давлат шартномасини тузишни ҳам, унга риоя қилишни ҳам удалай олмайдиган мавҳум мубҳам нарсалардир»¹³.

Иккинчи асос – давлатлар нисбатан унча катта бўлмаслиги керак. Яъни янги ташкил топган давлат ҳаётий-сиёсий маънога эга бўлсин. Жаҳонда маълум бўлган федерациялар ичида кичкина Швейцария учун федерацияга бирлашиш энг осон кечганди, улкан Қўшма Штатлар учун бу жараён машаққатли кечган. Лекин, шунга қарамай, ҳатто Швейцария ҳам янги «кантонлар»ни қабул қилишдан қатъиян бош тортиб келмоқда. Қўшма Штатлар эса, ўз таркибига Канаданинг киришига ҳеч рози бўлмапти. «Шундай ҳудудий этник ва хўжалик микёслари мавжудки, – деб ёзади И.Ильин, – бундай микёсларда федератив шакл бутунлай фойдасиз: у тартибни, ҳаёт ва хўжалик хавфсизлигини енгиллаштириш ўрнига уни бемаъниларча қийинлаштиради. Айнан шунинг учун ҳам биронта жиддий ва тажрибали сиёсатчи Шўроларнинг гўё «федератив тузум»ни амалга ошираётганига ҳеч қачон ишона олмаган. Шунинг учун ҳам «бутун жаҳон совет

¹³ Ильин И. *О грядущей России*. М.: Телекс, 1993, 56-бет.

иттифоқи» сўзлари бир вақтнинг ўзида ҳам юридик аҳмоқлик, ҳам сиёсий алдамчилик бўлиб янграйди».

Учинчи асос шундан иборатки, шартлашаётган давлатлар бир-бирларига **ҳақиқатан ҳам стратегик, ҳам хўжалик, ҳам сиёсий жиҳатдан аниқ эҳтиёж сезиши зарур.** Акс ҳолда федерация таркиб топмайди ҳам, ўзини сақлаб қолмайди ҳам. Умуман, федерация ўйлаб топилмайди. Ўздан-ўзи пайдо бўлиб қолмайди – у жонли мавжудот сингари ўсиб-улғаяди. Лекин бу ҳам кам – халқаро бу эҳтиёжни тушуниб этишлари, унинг фойдасини эътироф этишлари ва шу бирлашувни ихтиёр қилишлари даркор.

Кичик давлатлар бир-бирларисиз яшай олмаган, лекин уларнинг буни тан олишни истамаганлиги, бирлашишни уदдалай олмай, фуқаролик урушлари ёхуд истилолардан ҳалокатга учраган мисоллар тарихда кўп топилади (Рус князликлари). Шунингдек, бошқалар билан шартнома асосида бирлашишга йўл тополмай, қирилиб кетган халқлар ҳақида ҳам тарих шохидлик беради.

Федератив тузумнинг **тўртинчи асоси** шундаки, халқда ўз бурчини англаш ҳисси тарбияланган, мажбуриятлар ва шартномаларга ҳолис ва садоқат билан қараш, ўз шаъни ва кадр-қимматини билиш, давлат сифатида ўзини ўзи бошқара олиш қобилияти шу халққа хос фазилатлар бўлган жойлагина бундай федерацияни тузиш мумкин. Давлатлар иттифоқи садоқатга асосланиб, абадиятга тузилади. Бу иттифоқ «ихтиёрий чиқиб кетишлар», хиёнатни тан олмайди, сиёсий шухратпарастлик, буюклик васвасаси ҳамда бошқа халқларга нафрат билан қараш касаллигига мубтало бўлган халқлар ўртасида бундай иттифоқнинг бўлиши мумкин эмас. Давлатларнинг шу тарздаги иттифоқи узоқ яшай олмайди – у ё унитар давлат шаклига алмашади ёки ўзининг барча иштирокчиларини хароб қилиб, ўзи ҳам ҳалокатга учрайди.

Нихоят, халққа (ёки халқларга) **келишиши санъати ёки сиёсий мураса истеъдоди** ҳаётиятан этилган жойда федерация вужудга келиши мумкин.

Келишиш санъати ирода интизомини, умумий иш учун ватанпарварлик садоқатини талаб қилади. Сиёсий мураса қобилияти иқир-чикирларни орқага суриб, асосий масалаларда бирлашишга эришишдан иборат. Халқда бундай фазилат-

лар асрлар давомида тарбияланиб боради. Федерация асослари шулардан иборат. Фақат уларни чуқур билиб ва англаб олгандан кейингина, бизнинг фикримизча, федерация сингари мураккаб сиёсий ҳодиса ҳақида баҳс юритиш мумкин.

Шундай қилиб, федерация ўз таркибидаги субъектлари давлат мустақиллигига эга бўлган мураккаб давлатдир. Ҳозирги вақтда юридик адабиётларда иттифоқ ва мухторият кўринишлари тилга олиншини ҳам қайд этиш жоиз.

Иттифоқ федерацияси ҳудуди унинг субъектлари ҳудудларидан ташкил топгани учун федерациянинг ҳар бир субъекти фуқароси бир вақтнинг ўзида бутун мамлакат фуқароси ҳисобланади. Бундай давлат ягона федерал Куролли Кучларига, молиявий, солиқ ва пул тизимларига эга бўлади. Федерация субъектлари ўз ҳарбий қисмларига эга бўлишлари мумкин бўлса-да, асосий ташқи сиёсий фаолиятни ҳам федерал органлар олиб боради.

Федерал давлатда давлат ҳокимиятининг умумфедерал (конун чиқарувчи, ижроия ва судлов) органлари бўлади. Уларнинг қарорлари федерация ваколатларида қай даражада белгиланган бўлса, ўша даражада унинг субъектлари учун мажбурий ҳисобланади. Олий федерал органлар билан бир қаторда федерация аъзолари, қисмлари, субъектларининг ҳам давлат ҳокимияти олий органлари бўлади.

Шу тариқа федерация таркибида давлат маҳкамасининг икки даражаси – федерал (иттифоқ) ҳамда республика (кантон, штат, ер ва ҳоказолар даражаси) микёсидаги маҳкамалар мавжуд. Давлатнинг федератив моҳияти олий даражада кўш палатали иттифоқ парламентини тузишда ўз ифодасини топади. Мазкур палаталардан бири (юқори палата) федерация субъектлари манфаатларини ифодалайди. Уни шакллантиришда аҳолисининг сонидан қатъи назар, тенг вакиллик тамойилидан фойдаланилади. Иккинчи палата давлатнинг барча аҳолиси манфаатларини ифодалаш учун тузилади. Кўш фуқаролик федерация расмий белгиларидан бири бўлиб, бу ҳар бир фуқаро айна вақтда ҳам федерациянинг, ҳам тегишли давлат тузилмаси (масалан, республика)нинг фуқароси ҳисобланишини билдиради.

Федератив давлатда гарчи унинг субъектлари ўз ҳуқуқий тизимларини тузишлари, ўз конституцияларига эга бўлишля-

ри мумкин бўлса-да, ягона марказлаштириш тамойили асосидаги ҳуқуқий тизим амал қилади. Бироқ бу, конституция ҳам, қонунлар ҳам федерал конституция ва қонунларга тўла мувофиқ келиши ва уларга зид бўлмаслиги шарт бўлган субординация ва қонунлар иерархияси доирасида амал қилади.

Федерация субъекти конституцияда кўрсатилган ўз судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига эга бўлиш ҳуқуқидан фойдаланади. Олий суд погонаси (инстанция), одатда, федерация субъектлари судлари қарорлари юзасидан шикоятларни қараб чиқмайди ёки қонунда алоҳида кўрсатилган ҳолатлардагина уларни кўриб чиқиши мумкин.

Федерацияда солиқларнинг икки йўналишли тизими: федерал солиқлар ҳамда федерация субъекти солиғидан фойдаланилади. Йиғилган солиқлар умумфедерал газнага тушадди, кейин уларнинг бир қисми (бюджет орқали) федерация субъектларига жўнатилади. Шу билан бир вақтда давлат тuzилмалари (республикалар) даромадлари етарли бўлмай, улар ёрдам пули ва дотацияларга эҳтиёж сезади. Молиявий қарамлик конституциявий механизмга қўшимча муҳим омиллардан бири бўлиб қолади. Бунинг ўз заминлари мавжуд. Федерация субъектлари ўртасидаги муносабатлар жуда мураккаб, яъни уларда хўжалик муносабатларининг ширкати (кооперацияси) бўлиб, федерациянинг бир субъектидан иккинчисига молиявий маблағларнинг оқиб ўтиши юз бериб туради. Шу боис федерация субъектларининг бири ушбу иттифокдан чиқишни ихтиёр этса, федерация бошқа аъзоларига бу нарса маъқул бўлмайди. Бинобарин, бунинг учун федерация барча аъзоларининг розилиги керак бўлади. Бошқача айтганда, миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш тамойили давлат яхлитлигига путур етказмаслиги лозим.

Ҳозирги шароитларда федератив давлатда миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқини амалга ошириш шунчалик мураккабки (хўжалик муносабатларининг узилиши, этник жиҳатдан озчиликни ташкил этганларнинг муаммолари, тўқнашувлар, жумладан, қуролли тўқнашувлар, қочоклар, инсон ҳуқуқларининг бузилиши, ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши), федерациядан чиқиш учун қилинган ҳар бир даъватнинг халқ, миллат учун қанчалик қимматга тушишини яхшилаб мулоҳаза қилиш зарур.

Албатта, ҳаёт ғоят мураккаб, юз бериши мумкин бўлган ҳар бир ноҳуш ҳодисани олдиндан кўриш қийин. Президентимиз айтганидек, ҳар бир миллат ўз тараққиёт йўлига эга бўлиши лозим. Муҳими – ушбу йўл боши берк кўчага элтмаслиги керак. Ахир шундай ҳолатлар ҳам бўладики, муайян федерацияга кириш ҳодисаси миллат, халқ учун ўлим билан баравардир. Зеро, бундай федерацияда миллатнини анъаналари, тили, боринги кадр-қимматини махсус ишлаб чиқилган режалар асосида йўқ қилиш ҳоллари ҳам юз бериши мумкин-ку! Бирок, бундай давлатни аксарият ҳолларда федератив давлат деб аташ қийин. Аслида у унитар авторитар, тоталитар давлатга кўпроқ ўхшайди.

Ҳар қандай федерациянинг бош масаласи иттифоқ билан федерация субъекти ўртасидаги ваколатлар чегараларини аниқлашдан иборат. Давлат тузилмаларининг аҳволи ва улар муносабатларининг мазмун-моҳияти айнан шунга боғлиқдир. Қоидага кўра, у федерация конституцияси ёхуд федератив шартномада белгилаб қўйилади.

Маълумки, федератив ва маҳаллий органлар ваколатлари масаласи уч тамойил асосида ҳал этилади:

биринчиси – беистисно федерация ваколати тамойили, фақат федерация қарор қабул қилиши ва меъёрий ҳужжатлар чиқариши мумкин бўлган масалаларни аниқ белгилашдан иборат. Қолган барча масалаларни ҳал этиш федерация субъектлари ваколатига кирди;

иккинчи тамойил – ҳам федерация, ҳам федерация субъектлари ҳамкорликда ҳал этадиган, яъни бир хил ваколатга эга бўлган масалалар рўйхатини белгилаш тамойили;

учинчиси – уч соҳавий ваколатлар тамойили. У (федерация субъектлари) штатлар, республикалар, ерлар, кантонлар бўйича федерал ваколатларни ҳамда федерациянинг ўзи ва федерация субъектларининг биргаликда ҳал қилиш ҳуқуқини берувчи ваколатларни белгилашни кўзда тутди.

Баъзи федератив давлатлар (масалан, Россия) амалиётида ваколатларни тақсимлашнинг шу ваколатларни ихтиёрий топшириш усули ҳам пайдо бўлганлигига эътиборингизни қаратишни истардик. Бу қоида федерация субъектининг марказга қатъий тобелиги масаласини анча юмшатади ҳамда ваколатларни тақсимлаш тамойилининг ихтиёрийлигидан

дашлат беради. Бу ўз навбатида анъанавий федерация субъектларидан кўпроқ мустақиллиги билан, ваколатларнинг марказлаштирилган тақсимоли ўрнига уларнинг ихтиёрий тақдим этилиши билан ажралиб турадиган «бирлашган аъзолик» тушунчасини дунёга келтирди.

Миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, яъни федерация таркибидан чиқиш ҳукуқи федерациянинг энг мураккаб масалаларидан биридир. Турли федерациялар конституциялари таҳлили уларнинг биронтасида ушбу тамойил қонуний мустақамлаб қўйилмаганини кўрсатди. Фақат собиқ СССР Конституцияси бундан мустасно бўлиб, у ҳам аслида куруқ баёнотдан нарига ўтмаганди. Зеро, унда мазкур ҳукуқни амалга ошириш омиллари кўрсатиб берилмаганди.

Бундай қилинишининг ўз асослари бор. Федерация субъектлари ўртасидаги муносабатлар одатда чамбарчас боғланиб кетган бўлади. Хўжалик алоқаларининг кооперациялашуви, молиявий маблағларнинг федерациянинг бир субъектидан иккинчисига оқиб ўтиши одатий бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам федерация субъектининг бир томонлама иттифокдан чиқиш ҳақидаги хоҳиш-иродаси бошқа барча аъзоларга маъқул келмаслиги мумкин. Бинобарин, бутун федерациядан тўлиқ руҳсат олишга тўғри келади. Бошқача айтганда, миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари ҳукуқи тамойили давлатнинг бир бутунлигига раҳна солмаслиги керак.

Юқорида иттифок ёки мухторий (автоном) федерациялар бўлиши мумкинлигини эслатгандик. Энди улар ўртасидаги фарқларни асослашга ҳарақат қиламиз. Буни «шўро» федерацияси мисолида яққол кузатиш мумкин. Собиқ Иттифок таркиби федерациянинг икки тури – иттифокдош республикаларни бирлаштирган (яъни иттифок) федерация ҳамда мухториятга асосланган (яъни мухторий) федерациядан иборат бўлганлиги маълум. Уларнинг биринчисига суверен (аслида қозғош) давлатлардан ташкил топган Совет Иттифоқи мисол бўла олади. Иккинчисига эса, РСФСР мисол бўлиб, унинг таркибига 16 мухтор республика, 5 мухтор вилоят ва 10 мухтор округ кирган. Лекин иттифок федерациясининг мухториятдан фарқи шу билан чекланиб қолмасди. Шўро федерациясининг икки тури ўртасидаги фарқ, шунингдек, улар давлат ҳокимияти органларининг тузилишидаги ўзига хос хусусиятларда ҳам ўз ифодасини

топган. Чунончи, СССР Олий Кенгаши икки палатадан иборат эди. РСФСР Олий Кенгаши мухториятга асосланган федерациянинг олий органи сифатида ёлгиз бир палатадан иборат қилиб тузилганди. Бундан ташқари, иттифокдош республика федерациядан чиқиш ҳуқуқига эга бўлиб, на мухтор республика ва на мухтор вилоят бундай ҳуқуққа эга эмасди.

Ҳозирги вақтда Россия, АКШ, Бразилия, Ҳиндистон федератив давлатлар сифатида мавжуд. Одатда, федерация норматив шартнома асосида (1922 йили СССРнинг ташкил топиши) ёхуд конституция қабул қилиниши асосида вужудга келади (АКШ, 1787 йил).

Конфедерация давлатларнинг шундай иттифокдан иборатки, у қатъий муайян мақсадлар (сиёсий, ҳарбий, иқтисодий мақсадлар) йўлида шартнома ёки битим асосида тузилади ҳамда муваққат характерга эга бўлади. Конфедерация кейинчалик ё федерацияга (АКШ, Швейцария сингари) ўсиб, бирлашади ёхуд (Австро-Венгрия каби) тарқалиб кетади.

Конфедерацияни ташкил этувчи давлатлар халқаро ҳуқуқий муносабатлар субъектлари сифатида сақланиб қолиб, ўз фуқароликлари бўлишида, ҳокимият органлари тизимини бошқаришда, судлов органларига эгалик қилишда давом этадилар. Улар ҳокимиятни мустақил бошқариб, ўз конституцияларига эга бўладилар. Шунинг учун конфедерация даражасида қабул қилинадиган ҳужжатлар шу конфедерацияга кирувчи давлатлар олий органлари томонидан маъқулланиши шарт. Конфедерация аъзолари ўз мустақил даромад манбаларига эга бўлиб, унинг бир қисмини конфедерация бюджетига ўтказишлари мумкин. Конфедерация армияси мазкур конфедерация аъзолари бўлган давлатлар ҳарбий қисмларидан ташкил топади ва уларнинг қарорлари асосида конфедерация қўмондонлиги ихтиёрига юборилади.

Умуман, таъкидлаш лозимки, давлат ҳокимияти тузилиши биз юқорида кўрсатиб ўтган шакллардангина иборат, деб ўйлаш нотўғри бўлурди. Дунё давлатлараро бирлашиш ва ошқора ҳуқуқий иттифокларнинг кўплаб шакллари (шахсий ва ҳақиқий уния¹⁴, вассаллик, сюзеренитет¹⁵, миллатлар ва давлатлар ҳамдўстлиги,

¹⁴ Уния – лот. бирлашма, икки монархик давлатнинг бир монарх ҳокимияти асосида бирлашуви.

¹⁵ Сюзеренитет – фр., бир давлатнинг иккинчи давлат (вассаллик)ка нисбатан устуворлик ҳуқуқи.

Давлатлар ҳамжамияти)ни, доминионлар ва метрополииялар, савдо иттифоқлари, ҳарбий блоклар муносабатлари ва ҳоказоларни қўл кўрган. Бирок, булар энди давлатлараро бирлашмаларга кирати.

Бундан ташқари тантанали равишда эълон қилинган федерация аслида унитар давлат бўлиб чиққан ҳолатлар маълум. «Шўро халқлари миллий социалистик давлатчилигининг олий шакли»¹⁶ ҳисобланган шўро федерацияси билан худди шундай бўлганди.

Шўро социалистик иттифоқдош республикалари СССР Конституциясида мустаҳкамланган ихтиёрий бирлашув асосида ягона иттифоқ давлати сифатида СССРга кирадилар, деб ҳисобланарди. ССР Иттифоқини тузиш ҳақидаги шартнома (1922 йил) бу бирлашувнинг ҳуқуқий асоси бўлганди. Бирок, бу фақат қоғоздагина шундай, яъни юристлар тили билан айтганда, *de jure* бўлиб, амалдаги сиёсат – *de facto* марказдан туриб амалга оширилиши давом этаверган. Шунга ўхшаш ҳолатни Россияда ҳозир ҳам кузатиш мумкин. Чунинчи, бу ерда ижроия ҳокимияти раҳбарларини сайлаш – шаҳар ва вилоятлар маъмуриятлари бошлиқларини мамлакат президенти томонидан тайинланиши билан қўшиб олиб борилади. Лекин жойлардаги олий мансабдор шахсларни пойтахтдан туриб тайинлаш ва уларнинг ваколатларини белгилаб бериш федерация эмас, унитар давлатнинг аломатидир. Бундан ташқари Россия олдинги хатоларининг ҳам жазосини тортмоқда. Ахир собиқ Иттифоқ давлат-ҳудудий чегараланиши даврида миллатлар манфаатлари ҳисобга олинмай яратилганди. Ўша вақтларда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Зеро, миллатга мансублик қандайдир иккинчи даражали, аста-секин барҳам топиб кетадиган тушунча деб қараларди. Фақат биргина «миллат» – ягона шўро халқигина яшашга ҳақли эди. Бирок, тарих ҳамма нарсани жой-жойига қўйиши яна бир бор ўз исботини топди: бундай давлат, тўғрироғи, давлат тузилишининг бу шакли ўлимга маҳкум бўлди.

Инсоният учун энг муҳим сабоқлардан бири шундан иборатки, давлат тузилишининг ҳар қандай шаклида ҳам марказ

¹⁶ *Юридический энциклопедический словарь. М.: Советская энциклопедия, 1984 й, 394-бет.*

Билан ҳудудий жойлар ўртасида ваколатлар ҳар қандай миллий-этник можароларнинг келиб чиқиш эҳтимолини қарий йўқ даражага олиб борадиган омилларни яратиш имконини берадиган тарзда тақсимланиши даркор. Буни албатта ёдда тутиш лозим. Чеченистондаги воқеалар бунинг ёрқин далилидир.

5-§. Сиёсий режим тушунчаси ва турлари

Мазкур тушунча илмий доираларда нисбатан яқинда - XX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлди. Шу заҳотиёқ у олимлар дунёсида жиддий мунозараларга сабаб бўлди. Жумладан улардан айримларининг фикрича, «сиёсий режим» сўзининг синтезлаш моҳиятига кўра, «давлат шакли» тушунчасининг синоними сифатида қаралиши керак эди. Бошқаларнинг фикрига кўра эса, сиёсий режим умуман давлат шакли таркибидан чиқариб ташланиши зарур. Зеро, деб тушунтирадилар, давлатнинг амал қилиши сиёсий эмас, балки давлат режимини тавсифлайди. Бу мунозаралар охири-оқибатда сиёсий режимни тушунишга икки хил ёндашув – *тор ва кен маънодаги ёндашувлар*нинг пайдо бўлишига олиб келди.

Кенг маънодаги ёндашув сиёсий режимни сиёсий ҳаё ва умуман жамият сиёсий тизими ҳодисалари қаторига киритади.

Тор маънодаги ёндашув уни фақат давлат ҳаёти ва давлатнинг ўзигагина мансуб тушунча сифатида талқин этади ва буни унинг давлат шаклининг бошқа томонларини – бошқарув шакли ва давлат тузилиши шаклини, шунингдек, давлатнинг ўз функцияларини амалга ошириш шакли ва усуллари аниқлаб бериши билан изоҳлайди.

Лекин кўп ўтмай, сиёсий режим ҳам кенг маънодаги ҳам тор маънодаги ёндашувларни тақозо этади, деган хулосага келинди. Нима сабабдан шундай бўлди? Шунинг учунки мазкур қараш жамият ҳаётининг икки асосий соҳаси – давлат ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда рўй бераётган сиёсий жараёнларни замонавий тушунишга кўпроқ мос келади. Бундай қараш, шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотлар ижтимоий-сиёсий ташкилотлар таркибига кирувчи сиёсий тузумнинг замонавий талқинига ҳам мос келади. Сиёсий тузумнинг барча таркибий қисмлари – сиёсий партиялар

**Жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари (шунингдек, «ти-
шдан ташқари» объектлар – черков, оммавий ҳаракатлар
ва бошқалар) давлатнинг, унинг моҳияти, функциялари, шакл
ва услубларининг жиддий таъсирини ҳис этиб туради.**

**Шундай қилиб, давлат шаклини тавсифлашда сиёсий ре-
жим тор маънода (давлат раҳбарлиги усул ва услублари йи-
гиндиси) ҳам, кенг маънода тушунилганда (шахснинг демок-
ратик ҳуқуқлари ва сиёсий эркинликларининг кафолатла-
ниш даражаси, расмий конституциявий ва ҳуқуқий шакл-
ларнинг сиёсий ҳаёт воқелигига мос келиш мезони, ҳокими-
ят таркибларининг давлат ва ижтимоий ҳаёт ҳуқуқий асос-
ларига муносабати характери) ҳам катта аҳамиятга молик-
дир.**

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда тўла асос билан
шунини айтиш мумкинки, сиёсий режим давлат ҳокимияти-
нинг аҳоли билан ўзаро муносабатлари қандай қилиб ва
қандай усуллар, йўсинлар ёрдамида амалга оширилади, иж-
тимоий қатламларнинг сиёсий соҳадаги ҳақиқий нисбати
қандай намоён бўлади, турли жамоат ташкилотларининг
сиёсий мақоми қандай, давлат органлари ўз ҳудудларида
янговчи аҳолини бошқариш бўйича амалда қандай роль ўйнай-
дилар, деган саволларга аниқ жавоб беради.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлатчиликнинг кўп асрлик
тарихида маълум бўлган сиёсий режимнинг бир неча асосий
турини ажратиш кўрсатади.

Аввало, барча сиёсий режимлар биринчи навбатда икки
хил кўринишдаги катта гуруҳга – демократик ва демокра-
тияга зид режимга бўлинади.

Демократияга зид режим уч турдан – тоталитар, фашист-
тик ва авторитар турлардан иборат.

Авторитар режимга *жамоа авторитарияси ва ягона
шахс авторитарияси* киради.

Жамоа авторитарияси ўз навбатида аристократия ва
олигархия деб ном олган бошқарув шаклларида бўлинади.

Ягона шахс авторитарияси деспотия, мустабидлик,
шахсий ҳокимият шаклларида эга.

Энди мазкур режимларни батафсил кўриб чиқамиз.

Деспотик режим (юнонча «чекланмаган ҳокимият»).
Ушбу режим ҳокимият истисносиз фақат бир шахс томо-

нидан амалга ошириладиган мутлақ монархияга (подшоҳ ликка) хосдир. Деспотик режимлар қадимда пайдо бўлган У ҳокимиятни бошқаришдаги ўта ўзбошимчалик, фуқароларнинг деспот олдидаги тўла ҳуқуқсизлиги, бошқаришд ҳеч қандай ҳуқуқий ва ахлоқий асосларнинг бўлмаслиги билан ажралиб туради. Деспотия шароитида мустақил ҳаракат қилиш, норозилик билдириш, қаҳр-ғазаб изҳор этиши мумкин эмас – улар дарҳол бостирилади. Бундай бостиришлар чоғида қўлланиладиган жазолар ўта шафқатсизлиги билан ажралиб туради ва айни пайтда жазо «жиноят»дан анча даҳшатли бўлади.

Нега шундай қатъий чоралар кўриларди? Даҳшат ва кўркунуруғини сочиш учун шундай қилинарди. Деспотия одамларни даҳшатда ушлаб туришга асосланган режимдир. Монтескье деспотияни таърифлар экан, ҳамма ҳукмдорнинг жазога кўтариб турилган қўлини ҳар дақиқа ҳис этиши керак эканлиги ҳақида шундай ёзади: «Мабодо ҳукмдор даҳшат солиб турувчи қўлини бир лаҳзагагина туширса, башарти, у давлатда биринчи ўринларни эгаллаб турган шахсларни тўхтовсиз яқсон қилиб ташлай олмаса, ҳамма нарса барбод бўлди, деяверинг, зеро, даҳшат кўркуви – бошқарувнинг мазкур ягона асоси йўқолар экан, унда халқнинг ҳимоячиси ҳам йўқ бўлади».

Деспотик режим асосан Ўрта Ер денгизи мамлакатларида, Яқин Шарқда, Осиё, Африка, Жанубий Америка мамлакатларида, яъни Осиё ишлаб чиқариш усули (осиёча тараққиёт йўли) қарор топган давлатларда учраган. У инсоният тараққиётининг дастлабки босқичларига хосдир. Бирок, бу режим ҳозирги босқичда ҳам, ҳозирги замон давлатларида ҳам улар ривожининг тарихий ўзига хослиги, бу давлатлардаги бошлиқларнинг шахсий фазилатларига боғлиқ равишда пайдо бўлган ва бўлиши ҳам мумкин.

Мустабидлик режими – яқка шахс ҳукмронлигига асосланган. Мустабид ҳокимияти одатда, зўравонлик, босиб олиш, баъзан эса, қонуний ҳокимиятни ағдариб ташлаш натижасида ўрнатилиши билан деспотиядан фарқ қилади. Унда ҳам ҳуқуқий ва ахлоқий асослар бўлмайдди, у зўравонлик, баъзан эса террор ва геноцид асосига қурилган бўлади. Мустабид ҳокимияти шафқатсиздир. У ҳам даҳшат ва кўркувга асосланади. Мустабид ҳар қандай қаршиликни туғилишдаёқ бостиришга ҳара-

Ит қилади, шунинг учун ҳам ғалаён кўтарганларни қатл эта-
ллар. Бошқа мамлакат ҳудуди ва аҳолисини забт этиш нафа-
дат жисмоний ва ахлоқий зўравонликни, балки асоратга со-
длиган халқ анъаналари ва урф-одатларини таҳқирлашга ҳам
блиб келади. Мустабид режимлар қадимги Юнонистон по-
лислари¹⁷да, айрим ўрта аср шаҳар-давлатларида мавжуд бўлган.

Аввал таъкидлаганимиздек, мустабидлик деспотия син-
гари зўравонликка асосланади, бироқ, деспотия шароитла-
рида қаҳр-ғазаб қамчиси энг аввало олий мансабдорлар бо-
шига тушса, мустабидлик тузумида унинг зарбига ҳар бир
олам учрайди. Қонунлар ишламайди, уларнинг ўзи жуда кам
бўлади. Чунки мустабидлик ҳокимияти қонунларни яратиш-
га интилмайди ҳам.

Тоталитар режим. Ушбу режим XX аср маҳсулидир.
Тўла асос билан унга фашистик давлатларни ҳамда «шаҳсга
сиғиниш» даври социалистик давлатини киритиш мумкин.
Тоталитар режим авторитар режимнинг энг кескин шакли-
дир. Тоталитар давлат тўла қамровли, тўла назорат қилувчи
ва ҳамма нарсага чуқур кириб борувчи ҳокимиятдир.

Тоталитар режим – фуқаролар ҳаётига ўз аралашувини
чексиз-чегарасиз кенгайтирган, бошқаруви кўламига уларнинг
бутун фаолиятини ва мажбурий мувофиқлаштиришни ҳам
қўшиб олган сиёсий режим демакдир. «Тотус» сўзи лотинча-
да «жами, бир бутун» маънони англатади. Бинобарин, тоталитар
давлат ҳамма ва жами нарсаларни ўз қомига тортувчи
давлатдир. У фуқароларнинг ташаббускорлиги нозарур ва зар-
рарли, фуқаролар эркинлиги эса хавфли ва чидаб бўлмайдиган
нарса деган қоидага амал қилади. Ягона ҳокимият маркази
мавжуд бўлиб, у ҳамма нарсани билиш, ҳамма нарсани
олдидан кўра олиш, ҳамма нарсани режалаштириш, ҳамма
нарсани амр қилишга даъват этилган ҳисобланади. Таниқли
ҳуқуқшунос И.Ильин бундай давлатни қандай таърифлашига
эътибор қилинг-а: «Одатий ҳуқуқий онг, тақиқланмаган ҳам-
ма нарсага руҳсат берилади, деган нуқтаи назардан келиб
чиқади; тоталитар давлат эса, бутунлай бошқа нарсани – ёзил-
маган ҳамма нарса ман этилади, деб уқтиради. Одатий давлат:
сенинг хусусий манфаатларинг бор, унда сен эркинсан дейди;

¹⁷ Полис – Юнонистонда шаҳар-давлатлар шундай аталган.

тоталитар давлат: фақат давлат манфаатигина мавжуд ва сен унга боғлангансан, дея эълон қилади.

Одатдаги давлат ўзинг ўйла, эркин эътиқод қилавер, ўз ички ҳаётиггни ўзинг хоҳлаганигча қуравер, деб руҳсат беради; тоталитар давлат: ёзилганларнигина ўйла, эътиқоднинг кераги йўқ, ўз ички ҳаётиггни кўрсатмалар асосида қурасан, деб талаб қилади. Бошқача айтганда: бу ерда бошқарув ҳамма нарсани қамраб олади, инсон ҳар томонлама асоратга солинган, эрк жиноят ҳисобланиб, жазога тортилади»¹⁸.

Шу муносабат билан И.Ильин, тоталитаризм моҳияти *давлатнинг алоҳида шакли* (демократик, республика ёки авторитарлиги)да эмас, балки *бошқарув ҳажмидадир – бу ҳажм ҳамма нарсани ўз қомига қамраб олишда ифодаланади*, деб ҳисоблайди.

Бироқ, бундай шароит фақат ягона ҳокимият, истисносиз ягона партияга, иш беришда монополияга, ҳамма ёққа кириб борувчи қидирувга, ўзаро чақимчиликка ва шафқатсиз террорга асосланган энг изчил диктатура шароитидагина амалга оширилиши мумкин.

Тоталитар режимда сиёсий ҳукмрон партия, сиёсий лидер, халқ дохийси бошчилигидаги ҳукмрон элита томонидан яратиладиган ягона расмий мафкура мавжуд бўлади.

Тоталитар режим жамиятнинг етакчи кучи деб эълон қилинувчи ягона ҳукмрон партиянинг бўлишигагина йўл кўяди. Унинг қондалари муқаддас ақидалар сифатида қабул қилинади. Ҳукмрон партия давлат бошқаруви жиловини эгаллаб олади: партия ва давлат маҳкамаларининг чирмашиб-чатишиб кетиши рўй беради. Бундан ташқари, ҳукмрон партиянинг мислсиз муваффақиятлари ҳақидаги ахборотлар халқ онига муттасил синглириб борилади. Чунки оммавий ахборот воситалари ҳам партиявий ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси тоталитар режим асосий қонунлар билан эмас, балки партия амр-фармонлари, фармойишлари ва йўриқномалари асосида яшашини англатади. Қонунлар ҳали умуман мавжуд экан, улар тўлалигича партия йўриқларига бўйсундирилган бўлади. Давлат органлари гўё амал қилаётгандек экан, улар партия диктатурасини яшириб турувчи пардага айланади.

¹⁸ Ильин И. *О грядущей России. М.: Телекс, 1993. 50-бет.*

Модомики, «фуқаролар» ҳали мавжуд экан, улар (ҳуқуқ, ваколатларни эмас) мажбуриятларни адо этувчи субъектларга ҳамда фармойишлар объектига айланадилар.

Бу шундай тузумки, унда ҳуқуқ субъектлари бўлмайди, қонунлар ҳам, ҳуқуқий давлат ҳам бўлмайди. Бу ерда ҳуқуқий онг руҳий омиллар – очлик, кўрқув, азоб-уқубатлар ва хўрликлар билан, ижодий меҳнат эса, зўр бериб қулларча ишлаш билан алмаштирилади.

«Шунинг учун ҳам тоталитар режим, – деб ёзади И.Ильин, – ҳуқуқий ҳам, давлат режими ҳам эмас. Материалистлар томонидан яратилган бу режим тўлалигича «тан-руҳ»нинг хайвоний ва қуллик омилларига, қул назоратчиларининг таҳлидли буйруқларига, бу назоратчиларга юқоридан сингдирилган ўзбошимча фармойишларига асосланади. Бу – фуқаролари, қонунлар ва ҳукумати мавжуд бўлган давлат эмас, ижтимоий гипноз машинасидир; бу – даҳшатли ва тарихда мисли кўрилмаган биологик ҳодиса – ҳуқуқ асосида эмас, эркинлик, онг-идроққа, фуқаролик, давлатга асосланмай, кўрқув, нодонлик ва ёвузлик чағинмасидан иборат жамиятдир»¹⁹.

Агар бу ташкилотнинг шакли ҳақида гапирадиган бўлсак, у мислсиз миқёслардаги ва ўз қомига дунёни тортувчи қулдорлик диктатурасидир.

Давлат бошқарувида тоталитар режим ўта марказлашганлиги билан тавсифланади. Юқоридан келадиган буйруқларни ҳамма бажариши шарт, ҳар қандай ташаббус жазоланади.

Тоталитар тизимга «дохий» бошчилик қилади. У – энг оқил, доно, энг адолатли одам ҳисобланади. У беайб, уни танқид қилиш мумкин эмас. У қарийб худо мақомига чиқариб қўйилади.

Тоталитар режим аҳолига нисбатан кенг қўламли ва доимий террорни қўллайди. Террор ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва амалга оширишнинг бош шарти бўлиб қолади.

Тоталитаризм шароитида ҳаётнинг барча соҳалари устидан давлатнинг тўла назорати ўрнатилади. Иқтисодий ҳаётда мулкнинг барча шакллари давлат тасарруфига ўтказилади. Сиёсий ҳаётда фуқаролар қарийб қатнашмайди, одамларнинг шахсий ҳаёти ҳам назорат остида бўлади. Ақидапа-

¹⁹ Ўша ерда.

растлик мафкуравий, сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётнинг асосига айланади. Тоталитар режим «душманлар»га қарши кураш ниқоби остида чақимчиликни рағбатлантиради.

Мамлакатни ҳарбийлаштириш ҳам тоталитар режимга хос хусусиятлардан биридир. Ҳарбий-саноат мажмуи, армия тоталитаризмнинг асосий таянчлари ҳисобланади.

Шахсий ҳокимият режими тоталитаризм кўринишларидан биридир. У кўпгина жиҳатлари билан тоталитар режимга ўхшаб кетади. Лекин унда «шахсга сифиниш», дохийга сифиниш айниқса кучаяди. Бошқарувнинг бундай усули оқибатлари яқин ўтмишимиздаги шўро ҳокимияти давридаги ҳолатдан ҳаммамизга маълум.

Шунга қарамай, бугунги кунда ҳам собиқ Иттифокни қайтариш, тиклаш ҳамма балолардан халос этади, дегувчилар учраб туради. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов бундай даъволарнинг бутунлай асоссизлигига эътиборни қаратади. Жумладан, у шундай деганди: «Табиий савол туғилади: Ўзбекистон етмиш йил мобайнида текин хом ашё макони эди, хўш, ўша иттифоққа Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиё минтақаси марказ ва бошқа республикаларни яна сувтекин хом ашё билан таъминловчи сифатида қайтадими? Сизлар шуни хоҳлайсизларми, жаноблар ва ўртоқлар?!»²⁰

Фашистик режим. Бу тоталитаризмнинг энг юқори поғоналарига хос шакллардан бири бўлиб, миллатчилик мафкураси, бир миллатнинг бошқаларидан афзаллиги тўғрисидаги тасаввурлар билан, ўта агрессивлиги билан ажралиб туради.

Фашизм давлат сиёсати даражасига кўтариладиган миллатчилик, ирқчилик мафкурасига асосланади. Миллий муштаракликни муҳофаза этиш, геополитик ва ижтимоий вазифаларни ҳал этиш, миллат «софлиги»ни асраш фашистик давлатнинг мақсади деб эълон қилинади. Фашистик мафкуранинг бош шиори одамлар қонун олдида, ҳокимият, суд олдида тенг бўлиши мумкин эмас – уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайси миллатга, ирққа мансубликларига боғлиқ, деган ярамас ақидалардан иборат. Бунда муайян миллат олий ирққа мансуб ва шунинг учун барча эзгуликларга муносиб

²⁰ Каримов И.А. *Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.*

1-том. Т., «Ўзбекистон». 1996, 207-бет.

деб эълон қилинади. Бошқалар фақат норасо, тубан одамлар сифатидагина яшашлари мумкин, деб ҳисоблашади.

Фашистик режим инсонга нафрат билан қаровчи агресив режим бўлиб, барча халқларни, шу жумладан, ўз халқини ҳам азоб-уқубатларга олиб боради.

Фашизмни тавсифловчи хусусиятлар:

– динсизлик; умуман динга душманларча муносабатда бўлиш;

– доимий ва гўё «идеал» тузум сифатида ҳуқуқий тоталитаризмни барпо этиш;

– партия якка ҳукмронлигини ўрнатиш ва улардан ўсиб чиқувчи коррупция ва ахлоқий бузилишлар;

– миллатчилик ва жанговар шовинизмга муккасидан кетиш;

– сафсатабозлик, лаганбардорлик ва деспотия суяк-суягига сингиб кетган цезаризмга бутун борлиги билан берилиб кетиш.

Юқоридагиларга қарамай, инсониятга таҳдид солмайдиган тузумни режим деб ҳисоблаш мумкин эмас. Мазкур режим муайян тарихий шарт-шароитларда вужудга келиши мумкинлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Бунда жамиятдаги ижтимоий ихтилофлар, омманинг қашшоқлашуви якқол кўзга ташланади. Умуман, фашизм большевизмга қарши жавоб сифатида, давлат-муҳофаза кучларининг ўнга томон жамланиши кўринишида дунёга келган. Кучларнинг бундай жамланиши ҳатто демократик давлатларнинг ўзида ҳам кейинчалик амалга оширилавериши мумкин. Миллий хавф-хатар чоғларида халқнинг соғлом кучлари ҳамиша мудофаа-диктаторлик йўналишида жамланади. Қадимги Римда шундай бўлганди, янги Европада ҳам шундай бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Авторитар режим. У ҳуқуқий, ахлоқий асосларга эга бўлиши мумкин. Бирок, бундай давлат халқни бошқариш ишларига жалб этмайди. Вакиллик органларининг мавжудлиги аҳволни ўзгартиролмайди. Улар амалда давлат ҳаётида арзирли мавқега эга бўлмайди. Парламент доҳий ёки бир гуруҳ шахслар (хунта, олигархия) бошчилигидаги ҳукмрон элита таклиф этган ҳар қандай қарорларни сўзсиз тасдиқлаб бераверади. Раҳбарликни амалга оширувчи элита, олий мансабдор шахслар учун қатта енгилликлар, имтиёзлар мавжуд

бўлади. Давлатда раҳбарлик ҳарбий ёки давлат тўнтариши ёрдамида ҳокимиятни забт этганлар қўлига ўтар экан, авторитар режим *тўда ёки хунта* номини олади. Хукмрон тўда ичида бошлиқ ажралиб туради. Бошлиқ у ёки бу масалани муҳокама этишда ўз «командаси»га мурожаат қилиши, уларнинг маслаҳатларни тинглашига қарамай, унинг таъсир доираси чексиз-чегарасиздир.

Авторитаризм шароитида муҳолифатга йўл қўйилмайди. Бундай режимда шахс ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдалана олмайди. Ҳокимият билан ўзаро муносабатларда ўз хавфсизлиги кафолатларидан ҳам маҳрумдир. Зеро, ҳокимият унга нисбатан бемалол мажбур этиш чораларини қўллаши мумкин. Давлат манфаатларининг шахс манфаатларидан тўла устуворлиги эълон қилинади.

Авторитар ҳокимият халқ ишончи буюк куч эканлигини яхши тушунади. Шунинг учун омма орасида доҳий ва унинг сафдошларига кўр-кўрона фидойиликни сингдиришга интилади. Бунинг учун у сафсатабозлик ва халқ онгини турли хийла-найранглар билан заҳарлаш йўлларида фойдаланади. Ҳозирги вақтда авторитар режимлар турли мамлакатларда тез-тез учраб туради.

Шундай қилиб, биз демократияга қарши режимларни кўриб чиқдик ва энди **демократик режимлар таҳлилига** ўтамыз.

Демократик режимнинг энг замонавий шаклларида бири **либерал-демократик режим** ҳисобланади. У кўпчилик мамлакатларда мавжуд. Унинг аҳамияти ва мафтункор кудрати шу қадар кучлики, кўпчилик олимлар уни ҳокимиятни амалга ошириш режими эмас, балки жамият тараққиётининг муайян босқичида цивилизациянинг яшаш шарти, жамият сиёсий ташкилоти сиёсий эволюциясининг қарийб оқибат натижаси деб ҳисоблашмоқда. Албатта, бу ерда бўрттириб юбориш, муболага кўриниб турибди. Ҳозир давлат ҳокимиятининг янги шакллари пайдо бўлаяптики, бундай шошқалоқлик ва қатъий хулосаларга ўрин йўқ.

Шунингдек, давлат ва ҳуқуқ назариясида энг демократик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳокимиятни амалга оширишнинг сиёсий усул ва услубларини ҳам либералликка тааллуқли деб қарашларини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Бу тамойиллар энг аввало шахс билан давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни белгилаб беради. Бунда инсон ўз мулки, ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлади, иқтисодий жиҳатдан мустақил, сиёсий эркин ҳаракат қилади. Шахс билан давлат ўртасидаги нисбатларда устуворлик шахс томонида бўлади. Либерал режим бозор муносабатларини, бозор иқтисодиётини ташкил этишни тақозо этади. Бозор эса, тенг-ҳуқуқли, эркин ва мустақил шерикчиликни талаб этади. Либерал жамиятда сўз эркинлиги, фикр алмашиш эркинлиги, мулк шакллари эркинлиги эълон қилинади, хусусий таъаббускорликка кенг йўл очилади.

Бундай жамиятда давлат ҳокимияти сайловлар йўли билан шакллантирилади. Давлат бошқарувини амалга ошириш ҳокимиятни тақсимлаш тамойили асосида йўлга қўйилади.

Давлат бошқарувида марказдан қочиш тамойилидан фойдаланилади, яъни марказ маҳаллий органлар ҳал эта олмай-диган муаммоларнигина ечишни ўз зиммасига олади. Либерал-демократик режим давлат режими бўлган жамият фуқаролик жамияти деб аталади.

Бирок, буни ҳам ортиқча иделлаштириш мумкин эмас. Бу режимда аҳоли даромадларининг, улар турмуш даражасининг кескин табақаланиши рўй беради, фуқароларнинг бошланғич имкониятлари бир-бирларидан жуда катта фарқ қилади, уларнинг ижтимоий ҳимоясида муаммолар бўлади, фақат ўзинигина ўйлаш (индивидуализм) ривожланиб кетиши мумкин ва ҳоказо. Барибир, либерализм бутунги кунда кўпчилик давлатлар учун энг жозибадор режим бўлиб қоляпти.

Асл демократик режим. «Демократия» сўзи, албатта, кўпчиликка маълум бўлиши керак, лекин бу сўз орқали ифодаланмайдиган маъно бирдек тушунилавермайди. Бундан ташқари, тоталитар тузумлар ҳамда ҳарбий диктатуралар халқ мададига таяниш мақсадида ўзларига демократик тамғалар осиб олган ҳолларга тарихда мисоллар кўп. Айни пайтда демократик ғоялар ҳеч қачон тарих майдонини тарк этмаган ва инсониятни доим тўлқинлантириб келади.

Лугатларда демократияда «халқ олий ҳокимият тимсолига эга бўлиб, бу ҳокимиятни ё ўзи бевосита амалга оширади ёхуд эркин сайлов тизими орқали ўзлари танлаган вакиллари воситасида амалга оширади», деб таърифланади. Авраам

Линкольн (АҚШ президенти)нинг сўзларига қараганда, демократия – «халқнинг шу халқ учун амалга оширадиган халқ бошқарувидир».

Шу жиҳатдан И.Ильин таърифи ҳам қизиқиш уйғотиши мумкин. У шундай ёзади: «Демос» сўзи халқ маъносини англатади, «кратос» сўзи куч, ҳокимиятни ифодалайди. Ҳақиқий давлат шу маънода «демократик» бўлиши мумкин-ки, ўзининг энг яхши кучларини халқдан олади ҳамда уни ўз тузилишида тўғри иштирок этишга жалб қилади. Бу шу энг яхши кучларнинг доимий танлови давом этиб, *халқ ўз давлатини тўғри қуришни билиши даркор*²¹.

Қизиги шундаки, демократия жуда мураккаб ҳодиса бўлишига қарамай, унинг дунёга келиш, ҳатто туғилган санасини аниқлаш ажабланарли тарзда ғоят осон ишдир: бу – милоддан аввалги V асрдаги Афина шаҳар-давлатидир. Перикл Афинаси (унинг энг шуҳрат топган бошлиғи шарафига бу давлат шундай аталган) сиёсатчи-назарийotchилар ва давлат арбобларининг кейинги авлодлари учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилган.

Шу билан бирга, бугунги кўз билан қаралганда, Афина демократиясининг кўпгина жиҳатлари ғалати ва ёт туюлиши мумкин.

Милоддан аввалги олтинчи-бешинчи асрларда Афинада марказий сиёсий институт (махкама) 5-6 минг киши қатнашадиган йиғин бўлган. Йиғин балоғат ёшига етган ҳамма эркак фуқаролар учун очик эди (аёллар, куллар ва муҳожирлар истисно қилинган). Йиғин ҳеч қандай ҳуқуқий чеклашларсиз, кўпчилик овоз билан амалда ҳар қандай ички муаммоларни ҳал эта оларди. Судлов ишлари ҳам маслаҳатчилар таркибидаги 501 фуқаро иштирокида боягидай кўпчилик овоз билан бирон кишининг айбли ёки айбсизлиги ҳақида ҳукм чиқарарди.

Йиғин бошқарувчилари сайланмай, қуръа ташлаш йўли билан аниқланиши яна ҳам ажиброк эди. Зеро, афиналиклар ҳар қандай фуқаро давлат лавозимини эгаллай олади, деб ҳисоблардилар. Лавозимларнинг ўзи ҳам жуда кам эди: стратеглар бир йиллик муддатга сайланишарди. Бошқа ҳамма ҳолатларда Перикл Афинаси ҳаммага маълум ижроия

²¹ *Ильин И. О грядущей России. М., Телекс, 1993. 42-бет.*

институтлари бўлмиш президент, бош вазир, маҳкама ёки доимий фуқаролик хизматисиз ишларни эплайверарди. Қарорлар қабул қилиш учун масъулият беистисно йигин аъзолари бўлган фуқаролар зиммасига тушарди.

Конституциявий чеклашлар нималигини билмаган Перикл Афинасида фракциячиликка мойилик кучли бўлиб, кўпинча сўзамол ва айёр нотиклар таъсирига тушиб қолинарди. Шунинг учун ҳам оқибат-натижада демократик Афина файласуф Сукрот (Сократ)ни ўлимга маҳкум этди ва бу билан унинг шогирди Афлотуннинг битмас-туганмас нафратига учради. Афлотун умуман демократиянинг ашаддий душманига айланди.

Лекин душманлари бўлгани, ички заифликларига қарамай, Афина демократиясини нозик гулга ўхшатиб бўлмасди. У эрамиздан олдинги 404 йилда Пелопоннес урушидаги мағлубиятни бошдан кечириб ҳамда ўзининг бош рақиби Спарта қўлига тушиб ҳам, қарийб 200 йил яшади.

Демократия гоъларининг умри абадий деб бўлмаса-да, ундан ҳам узоқроқ бўлди. Балки шу боисдан озодлик ва демократия кўпинча синоним сўзлар сифатида ишлатилади. Зеро, демократия озодликнинг ўзигина эмас, балки узоқ ва укубатли тарих давомида шаклланган амалий нормалар ва жараёнлар мажмуидир. Бошқача айтганда, демократия озодлик қонуний мақомга эга бўлганини билдиради.

Демократия икки асосий турга – *бевосита (тўғридан-тўғри) ва вакиллик демократияларига* бўлинади. *Бевосита демократия шароитида* сайланган ёки тайинлаб қўйилган расмий шахслар воситачилигисиз фуқаролар ижтимоий қарорларни қабул қилишда қатнаша оладилар. Бундай тизим нисбатан кам одамлар қатнашадиган жамоа ва қабила кенгашларида, қасаба уюшмалари маҳаллий органлари йиғинларида ҳамма аъзолар масалаларни муҳокама этиш ҳамда консенсус йўли ёки кўпчилик овоз билан қарор қабул қилиш учун бир бинога жойлаша оладиган ҳоллардагина мазмунмаънога эга бўлиши мумкин. Қадимги Афина – жаҳондаги биринчи демократия давлатида бевосита демократияни, ёдингизда бўлса 5-6 минг киши қатнашадиган йиғинлар ёрдамида амалга оширишганидан ҳайратга тушасан киши (афтидан, бу микдор бевосита демократияни ҳаётга татбиқ этиш учун

одамларни бир жойга тўплаш мумкин бўлган энг катта миқдор бўлган бўлса ажабмас).

Ҳозирги замон жамияти ўзининг мураккаблиги, кўпсонлилиги билан бевосита демократияни амалга ошириш имкониятига эга эмас. Шунинг учун бугунги кунда унинг энг кўп қўлланиладиган шакли *вакиллик демократиясидир. Бунда фуқаролар сиёсий қарорларни қабул қилиш, қонунларни таърифлаб бериш ҳамда ижтимоий фаровонлик йўлидаги дастурларни ҳаётга татбиқ этиш учун расмий шахсларни сайлайдилар.* Бу расмий шахслар мураккаб ижтимоий муаммоларни чуқур ўйлаб, тартибли ҳал этишлари мумкин. Бунинг учун улар бошқа хусусий шахслар эга бўлолмайдиган куч ва вақтларини сарфлашлари керак бўлади.

Расмий шахсларни сайлаш тартиблари хилма-хил бўлиши мумкин. Масалан, умуммиллий миқёсда қонун чиқарувчилар туманларда сайланиши, уларнинг ҳар бири бир кишидан вакилни танлаши мумкин. Мутаносиб вакиллик тизимида қонун чиқарувчи органда ҳар бир сиёсий партия бутун мамлакат бўйича сайланганларнинг умумий сонига фоизлик нисбатига мувофиқ равишда ўз вакилига эга бўлади. Маҳаллий ва туман сайловлари шу моделлардан нусха кўчириши ёки сайловлар ўрнига гуруҳий консенсус орқали, яъни камроқ расмиётчилик билан ўз вакилларини сайлашлари мумкин. Бироқ, қандай усул билан сайланишларидан қатъи назар, вакиллик демократиясида расмий шахслар халқ номидан ўз жойларини эгаллайдилар ҳамда барча ҳаракатларида халққа ҳисоб бериш туришга мажбурдирлар.

Демократик режим барча одамларнинг тенглиги ва озодлигини эътироф этиб, давлатни бошқаришда халқнинг иштирокига асосланади. Демократик давлат фақат ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини эълон қилибгина қолмай бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг иқтисодий асосларини таъминлаши, уларнинг конституциявий кафолатларини ҳам белгилаши керак бўлади. Натижада кенг ҳуқуқ ва эркинликлар қоғозда эмас, амалда мавжуд бўлиб қолади.

Демократик давлатда халқ ҳокимият манбаидир. Бундаги ҳокимиятнинг чуқур касбийлашуви (профессоналиزم) демократик режим мавжуд бўлган давлатни бошқаларида фарқлайдиган муҳим белгидир.

Жамият ишларини бошқаришда халқ иштироки чинакам оммавий тус олади. Референдумлар, плебисцитлар, халқ ташаббуслари, муҳокамалар, намоёишлар, йиғилишлар ижтимоий ҳаётнинг одатий воқеаларига айланиб қолади. Жамоат ташкилотлари қарорлар, тавсияларни ишлаб чиқишда қатнашади, шунингдек, ижроия органлари устидан назоратни амалга оширади.

Шу ерда ҳақли бир савол тугилади: мазкур ўнғай бўлмаган вазибаларни муваффақиятли уддалаш учун фуқаро қандай фазилатларга эга бўлиши керак?

Давлат ҳаёти арифметик асосда эмас, жонли асосда ташкил топади. Бу ҳаётда қатнашаётган одамлар мавҳум фуқаролар бўлмай, жонли шахслардир. Улар озодликка шунчаки муҳтож бўлиб, уни талаб қилишмайди, балки шу озодликка *муносиб бўлишлари ҳам даркор*. Сайлов бюллетенини истаган киши қутига келтириб ташлай олади, бироқ, масъулият билан, давлат нуқтаи назаридан келиб чиқиб фикр юритиш ва ҳаракат қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Инсон ўз давлати ҳаётида жонли мавжудот сифатида қатнашади ва шу жараёнда ўзи ҳам давлат танасининг жонли аъзосига айланади. У ўз давлати ҳаётида бутун борлиги билан – меҳнати, қурол олиб юриши, ҳарбий машаққатлар, азоб-уқубатлари, қалбининг салоқати, бурч ҳисси билан, қонунларни бажариши ва энг муҳими *ҳуқуқий онги билан* иштирок этади. У ўз давлатини шахсий садокати билан, оилавий ҳаёти, солиқларни тўлаб бориши билан, хизмати, савдо-сотиқлари билан, маданий ижодкорлиги ва ҳатто ўз номининг шухрати билан барпо этади.

Бироқ, бу давлат – «ҳамма нарсанинг ҳаммаси», ҳамма нарсани ўз қомига тортади ва ҳаммани асоратга солади, дегани эмас. Лекин давлат ҳаётининг матоси унинг барча фуқаролари ҳаётдан тўқилган. Ҳар бир алоҳида олинган ёмонлик давлат «танаси»да юз беради, унга зарар етказди, уни емиради. Аксинча, ҳар бир яхшилик, олижаноблик, маданий фаолият давлат ҳаётини қуради ва мустаҳкамлайди. Буларнинг ҳаммаси қонуниятдир, чунки давлат мавҳум бир нарсаси эмас, у «қаердадир» биздан нарида жойлашмаган (ҳукумат, милиция, армия, солиқ идораси, амалдорлар маҳкамаси), у бизнинг ичимизда, бизнинг тимсолимиз сифатида яшайди, зеро, биз жонли шахслармиз, унинг қисмлари, аъзо-

ларимиз. Бундай муносабат ташқи ишлардангина иборат эмас, у бизнинг ички ҳаётимизга дахлсиз қолиши мумкин эмас.

Лекин юқоридагилардан биз ҳеч нарса қила олмас эканмиз, давлат эса ҳамма нарсага қодир, биз қуллармиз-у, давлат қулдор, фуқаро «ижозатингиз билан...» тамойили асосида яшаши керак экан, деган хулоса келиб чиқмайди. Мутлақо бундай эмас: чунки давлатни озод, ташаббускор, маънавий бадавлат кишилар бунёд этади, мустақкамлайди, такомиллаштиради. Шунини қайд этиш керакки, ҳар қандай сиёсий организм энг аввало самимий-маънавий табиатга эгадир: маънавий қадр-қиммат ҳиссини йўқотган, масъулият ва давлатга дахлдорлик мазмунидан маҳрум бўлган, ор-номус ва ҳалолликдан юз ўгирган халқ муқаррар равишда ўз давлатига хиёнат қилади ва уни барбод этади.

Ҳақиқатан ҳам фуқаро ўз ҳуқуқий онгидан ажралиб яшай олмайди: ҳуқуқий онги тубан одам ўз мажбуриятларини бажармаслиги билан, ваколатларини ошириб юбориши билан, майда ҳуқуқбузарлик ва қўпол жиноятлари, порахўрликлар ва камомадларга йўл қўйиши, коррупция ва жосусликка қўл уриши билан ҳар қадамда ўз давлатига зиён-заҳмат етказиши. Бу фуқаро эмас, балки хоин, соткин қул, тугилмаган ўғридир. Бу «фуқаро» кимни сайлай олади-ю, унинг ўзини қаерга сайлаш мумкин? Давлат ишларида у ниманинг фаҳмига етади?

Шундай қилиб, гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, давлат халқдан ташкил топади ва ҳукумат унга бошчилик қилади. Бинобарин, ҳукумат халқ учун яшаб, ишлашга даъват этилган ҳамда халқдан куч-қувват олиши керак, халқ эса, ўз навбатида буни билиши ва тушуниши даркор, ўзининг бутун куч-қувватини умумий ишга сафарбар этмоғи лозим. Давлат ҳаётида халқнинг тўғри иштироки унга куч бағишлайди. Чинакам давлатчиликнинг демократик қудрати ана шундир. Мабодо, халқ сиёсий калтабинлиги, эркисизлиги ёки ахлоқий жиҳатлари туфайли ўз демократиясини тўғри ташкил эта олмаса – унда демократиянинг бўлиши мумкин бўлмай қолади. Аини пайтда бу ерда бир-биридан андоза олиш мумкин эмас, ҳатто ҳалокатлидир. Зеро, ҳар бир халқ ўз ҳаётининг ҳар бир даврида айнан ўзи учунгина мос ва мақсадга мувофиқ услубни топиши мумкин ва лозим.

Демократия марказий ва маҳаллий органлар ўртасидаги наволатларни чегаралаш тизимининг янги даражаси билан ҳам белгиланади. Марказий давлат ҳокимияти фақат умуман жамиятнинг мавжудлиги билан боғлиқ масалалар – экология, жаҳон ҳамжамятида меҳнат тақсимоти, қуроли можароларнинг олдини олиш каби масалаларнигина ҳал этишни ўзиммасига олади.

Демократик жамиятда норматив мувофиқлаштириш ҳам тубдан ўзгаради. Зеро, келажак орзулари ушалиши билан мажбурловни оммавий қўллаш масаласи олиб ташланиши керак.

Албатта, демократик режим муаммоларсиз режим эмас. Унда жамиятнинг ижтимоий табақалашуви, жамият ҳокимияти, баъзан айрим тарихий шарт-шароитларда жамиятни вақтидан эртароқ демократлаштириш юз бериши, бу эса, ҳокимиятнинг заифлашувига, ижтимоий барқарорликнинг бузилишига, ҳатто анархияга олиб келиши, экстремизмнинг жонланишига шароит яратиши мумкин. Бирок, барибир, демократиянинг ижтимоий қиммати ғоятда юқори. Ниҳоят, ким нима дейишидан қатъи назар, демократик режим инсоният давлат тузилишида эришган, ҳозирги замон цивилизацияси моддий асосларига, янгиликлари ва интилишларига мос энг буюк неъматдир.

6-§. Ўзбекистонда давлатчиликни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Маълумки, 70 йил мобайнида Ўзбекистоннинг тақдири ва фарвонлиги собиқ Иттифок қўлида бўлиб келди. Республикадан маҳсулотлар ва хом ашёни ташиб кетишар, республикага эса, бу ерда истиқомат қилувчилардан сўраб-нетмай, маслаҳатлашмай, ўзлари лозим топган нарсаларнигина келтиришарди.

Ўзбекистонда амалга ошириладиган бошқарув тизими жойларда ҳам, тармоқларда ҳам, ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам ва тақсимотда ҳам марказга қатъий тобелик асосида, у белгилаб берган чизиқдан ташқарига чиқмай олиб бориларди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, Ўзбекистон ўзининг чинакам мустақилликка эришиш мақсадини бирин-

чилардан бўлиб эълон қилди. У собиқ Иттифоқ республикалари ўртасида биринчи бўлиб бошқарувнинг президентлик шаклини жорий этди, кенг миқёсли ислохотлар, жамиятдаги туб ўзгаришлар ва янгиланишлар йўлини танлади.

1991 йилнинг 31 август куни ўзбек халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи амалга ошди – Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Республика бутун кўпмиллатли аҳолининг иродаси «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги конституциявий қонунда мустақамланди ҳамда умумхалқ референдумида яқдил тасдиғини топди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва иқтисодий салоҳияти бўлинмаслиги, унинг чегаралари эса дахлсиз бўлиб, давлат ҳимоясида эканлиги тамойили қарор топди.

Мустақиллик қўлга киритилиши билан дарҳол республикада демократик ҳуқуқий давлат асослари вужудга келтирила бошлади. Бунинг учун олдинги тоталитар тузум иллатларини тағ-томири билан кўпориб ташлашга кескин киришилди. Кўппартиявийлик, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллиги билан мураса қилиш ҳаётий воқеликка айланди. Бир мафкура ҳукмронлигига барҳам берилди. Умуминсоний қадриятлар, жаҳон тан олган чинакам демократия, инсон эркинликлари ва ҳуқуқлари нормаларини қарор топтириш вазифаси қўйилди.

Республикада сўзда эмас – амалда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва судлов ҳокимиятларига бўлиниш тамойили амал қилмоқда. Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг чинакам манбаига айланди ва бу ҳокимиятни ҳам бевосита, ҳам ўз ваколатли вакиллари – депутатлар корпуси орқали амалга оширмоқда. Буларнинг ҳаммаси қонун чиқарувчилик ишини фаол йўлга қўйишни тақозо этди. Уни республика парламенти – Олий Мажлис муваффақиятли олиб бормоқда. Олий Мажлиснинг бутун салоҳияти бугунги кунда ёш мустақил давлатимизни ҳар томонлама ҳуқуқий таъминлашга йўналтирилган.

Давлат бошқарувининг янги, янада замонавий ҳамда янги шароитларга тез мослашадиган тизимини шакллантириш бўйича ишлар зудлик билан бошлаб юборилди. Бошқарувнинг президентлик шакли бу тизимнинг ўзаги бўлиб қолди.

Жойларда бошқарув тизимини қайта ташкил этиш вазифаси кўйилиб, муваффақиятли уддаланди – вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлик тузилмалари жорий этилди. Қонунлар устуворлигини, улар олдида мамлакат барча фуқаролари тенглигини таъминловчи суд ҳокимиятини қайта ташкил этиш ишлари фаол олиб борилмоқда. Цивилизациялашган фуқаролик жамиятининг ушбу таркибий қисмлари қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботнинг, қатъий интизом ва масъулиятлиликнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Республика олдида ўз тараққиёт йўлини танлашдек жиддий вазифа кўндаланг турарди. Унинг зарурлиги республикамиз Президентининг куйидаги сўзларида яққол ифодаланган: «Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ўз давлатчилигини қўлга киритиш, миллий ва ижтимоий озодликка эришиш ҳеч қаерда енгил ва осонликча бўлмаган. Мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият барпо этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга интилади. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият, одамлар ўртасида таркиб топган муносабатлар, уларнинг дунёқараши, жумладан диний эътиқоди, руҳияти ва ҳуқуқ-аъвоқ нормалари шунини тақозо этади»²².

Давлатимиз бошлиғи, шунингдек, жаҳонда ижтимоий тараққиётнинг турк, швед, жанубий корейс ва бошқа турли хил кўринишлари мавжудлигини ҳам таъкидлади. Бир қатор мусулмон давлатлари ва янги саноати ривожланган мамлакатлар тажрибаси, иккинчи жаҳон урушидан кейин халқ хўжалигини тиклаш бўйича Оврупо мамлакатлари ва Япония амалиёти намуналари мавжуд. Бирок, дея таъкидлайди Президент, «Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан шак-шубҳасиз самарали фойдаланади»²³.

Бунда гап, албатта, у ёки бу мафтунокор ва ижобий самараси юксак андозадан оддий нусха кўчириш устида бораётгани йўқ.

²² Қаримов И.А. *Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафжура. 1-том. Т., «Ўзбекистон», 1996. 40-бет.*

²³ *Ўша ерда.*

Президентимизнинг қуйидаги фикрларида ушбу масалага бўлган қатъий нуқтаи назар ўз ифодасини топган: «Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир. Бу – ўтмиш йилларнинг ҳатоларини, давлат тузилишининг шакл ва усулларига нисбатан мавжуд қарашларни идрок этиш натижасидир. Бу – таркиб топган ижтимоий воқеликка берилган реал баҳодир. Бу – Ўзбекистон халқининг ижтимоий тараққиётга, муносиб турмуш шароитига интилишидир»²⁴.

1992 йилнинг 8 декабрида Ўзбекистонда шонли воқеа содир бўлди – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. У республикаимиз мустақил ва эркин тараққиётининг ҳуқуқий асосларини яратиб берди.

Ўзбекистон Республикаси давлат тузилиши шакли Конституцияимизнинг «Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши» деб номланган тўртинчи бўлимнинг XVI – XVII бобларида ўз ифодасини топган. Жумладан, 68-моддада шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, кишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат». 70-модда эса, Қорақалпоғистон Республикаси мақомига бағишланган. Унда: «Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига қиради», деб таъкидланади.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар, Ўзбекистон келажаги учун уларнинг аҳамияти тўғрисида гапириб, юртбошимиз шундай деди: «Биз жуда катта қийинчиликларни бошдан кечирдик. Олдинда яна қанчадан-қанча синовлар турибди. Бугунги мураккаб вазиятда танлаб олинган ва азалий миллий манфаатларимизга, халқимизнинг табиатига, онгига маъқул бўлган йўлдан адашмаслик чоралари ҳақида, Ўзбекистоннинг порлоқ истиқболга етиш йўли хусусиятлари тўғрисида гаплашиб олишимиз зарур деб ўйлайман»²⁵.

²⁴ Ўша ерда.

²⁵ Ўша ерда. 200-бет.

V боб. ДАВЛАТ ФУНКЦИЯЛАРИ

1-§. Давлат функцияси тушунчаси ва таснифи

Давлат функциялари билан боғлиқ масалаларни ўрганиш унинг моҳияти, жамиятда тутган ўрни ва ижтимоий вазифасини чуқурроқ билиб олишга ёрдамлашади. Одатда давлат фаолиятининг асосий йўналишлари унинг функциялари, деб аталади. Уларнинг мазмуни бошқа тушунчалар билан ҳам алоқадордир.

Давлат функциялари унинг даври, сиёсати, мақсади, вазифалари ва фаолияти билан чамбарчас боғланган.

Авваламбор, давлат пайдо бўлганидан буён унинг ривожланишида кўп даврлар ўтган. Шундай экан, жамият таракқиётининг турли босқичларида давлат функцияларининг мазмуни ва тизими ҳам ўзгариб бораверган. Масалан, илк бор давлат келиб чиққан пайтдаги функциялардан уларнинг тизими ўз мазмуни ва ҳажми жиҳатдан анча фарқ қилади. Бу ҳолат биринчи навбатда жамият ривожланишининг мазкур босқичдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муаммолари ва вазифалари билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, масалан, давлатнинг ҳозирги даврда тан олинаётган табиат бойликлари ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш функцияси кулдорлик давлатида бўлмаганлигини кўрамиз, чунки бунга ҳали эҳтиёж ҳам бўлмаган. У пайтда инсоннинг ҳаёт кечирishi учун табиий шарт-шароитлар етарли ва зарарсиз бўлган.

Хар бир даврда давлат ўз олдига маълум мақсадларни қўяди, чунки у маълум гуруҳнинг ёки бутун халқнинг манфаатини ифодалайди. Масалан, давлатнинг демократик жамият куриш, иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтиш, ҳуқуқий давлатни шакллантириш каби мақсадлари ижобий бўлса, 30-йилларда фашистик давлатлар олға сурган бутун жаҳонга ҳукмронлик қилиш мақсади бошқа мамлакатлар ва ўз халқи учун салбийдир.

Давлатнинг ўз олдига қўйган мақсади хаамиша ҳам реал бўлавермайди. Масалан, СССРнинг 1977 йилги Конституциясида шундай дейилган эди: «Совет давлати-

нинг олий мақсади – синфсиз коммунистик жамият куришдан иборат бўлиб, бу жамиятда ижтимоий коммунистик ўз-ўзини бошқариш ривож топади» (Муқаддима). Давлат ўз мақсадини амалга ошириш учун тегишли сиёсат юргизади. Бу сиёсат негизида эса мазкур жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-маданий эҳтиёжлари ётади, яъни давлат олиб борадиган сиёсат оқибат-натижада жамиятнинг реал ҳаётига асосланади. Давлат сиёсатининг кучи – унинг адолатлилиги ва реаллигиладир.

Давлатнинг сиёсатини қуёш нурларига ўхшатса бўлади. Қуёш ўз атрофига доимо нур тарқатиб турганидек, давлат ҳам жамият ва мамлакатнинг барча ички ва ташқи муаммолари юзасидан ўз муносабатини, қарашларини, ёндашувларини, ва энг муҳими, ўзининг яқин ва узоқ даврга мўлжалланган орзу-ниятларини ифодалаб туради. Чунончи, тинчликсеварлик ё босқинчилик ёки ўз минтақасида гегемонлик учун ҳаракатни давлатнинг сиёсатига мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Давлатнинг сиёсати билан унинг мақсади бир-бирига боғлиқ, бири иккинчисини тўлдириб туради.

Давлатнинг умумий, келажакка мўлжалланган сиёсати ва мақсадидан унинг муайян вазифалари келиб чиқади. Давлатнинг вазифалари, унинг функцияларидан фарқ қилиб, ҳали бажарилмаган режа, адо этилиши лозим бўлган топшириқ, кўрсатма, навбатдаги ишлар, тadbирлар ҳисобланади. Масалан, ЎзР Конституциясининг муқаддимасидаги «фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсади»ни рўёбга чиқариб туриш учун Ўзбекистон давлатининг тегишли органлари қатор ташкилий-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириб келмоқда.

Давлат олдида турган битта вазифа унинг битта функциясига ҳамиша ҳам айнан мувофиқ бўлавермайди. Баъзан давлатнинг бош вазифалари унинг бир неча функциялари билан амалга оширилади. Ва аксинча, битта функция орқали давлатнинг бир неча кичик вазифалари адо этилиши мумкин.

Сўнгра, ҳар бир давлатнинг мақсади, сиёсати ҳамда вазифаларини амалга ошириш учун унинг ўзи ва тегишли органлари зарурий ваколатлар (ҳуқуқ ва бурчлар йиғиндиси)га эга

бўлади. Жамиятнинг бошқариш тизимида давлат алоҳида мавқега эга бўлиб келмоқда. Бу унинг ваколат доирасини белгилайди. Ваколатларни амалга ошириш, бажариш, адо этиш эса, ўз навбатида, давлатнинг, унинг идораларининг фаолиятини ташкил қилади.

Давлатнинг фаолияти, худди унинг ўзидек, объектив характерга эга. Чунки давлатни келтириб чиқарган ва мазкур босқичида мавжуд бўлишини тақозо этувчи зарурат ва эҳтиёжлар унинг фаолият кўрсатишини талаб этади, акс ҳолда у ўзининг тарихий тайинланишини, вазифаларини ҳал эта олмаганлиги туфайли яшашга, ҳаракат қилишга қодир бўлмай қолади.

Давлатнинг жамият ва шахс ҳаётига аралашуви даражаси унинг функциялари чегарасини, мазмунини ва қолаверса, уларнинг бутун моҳиятини белгилайди. Бу аралашув жамият ва инсоннинг мазкур босқичдаги талаблари даражасида бўлса, демак, давлат ижобий аҳамиятга эга бўлган қадриятдир. Агар давлат бу ишларга ортикча аралашса, иқтисодий ва ижтимоий эркинликни чегаралаб қўйса, ҳаётда салбий роль ўйнайди ва тоталитаризм сари қадам қўйган бўлади. Шунинг билан биргаликда жамият ҳаётининг айрим соҳаларидаги вазифалар фақат давлат фаолияти орқалигина ҳал этилади, масалан, мамлакатни мудофаа қилиш, ҳуқуқий тартиботни ўрнатиш ва кўриқлаш, шу жумладан жиноятчиликка қарши кураш қабилар.

Давлат фаолиятининг энг муҳим соҳалар (йўналишлар)га бўлиниши, юқорида айтганимиздек, унинг функцияларини келтириб чиқаради.

Функциялар давлат фаолиятининг шунчаки тўплами, арифметик йиғиндиси эмас. Улар давлат фаолиятининг муҳим, асосан йирик соҳалардаги йўналишларидан иборат. Масалан, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ёки мамлакат мудофааси соҳаларида давлат олиб бораётган ишларни алоҳида-алоҳида асосий функциялар сифатида кўрсатиш мумкин ва лозим.

Шундай қилиб, давлат функциялари унинг сиёсати, мақсади, вазифалари ва ваколатлари билан белгиланадиган маълум босқич (давр)даги фаолиятининг асосий йўналишларидир. Мазкур асосий функциялар таркибида тагин нисбатан кичикрок йўналишлар ҳам бўлиши табиийдир. Масалан, давлатнинг ҳозирги замондаги маданий-тарбиявий функцияси

таркибида инсонларни маънавият ютуқлари асосида тарбиялаш битта кичик йўналиш бўлса, фан ва техникани тараққий эттириш – иккинчи, олий, ўрта махсус ва умумтаълим тизимини ривожлантириш – учинчи йўналишдир ва ҳоказо.

Бундан ташқари, ҳар бир функция қатор қисмлардан таркиб топади. Буни аниқроқ тушуниш учун қуйида мудофаа функциясини мисол келтирамиз. Мазкур функция таркибига: давлатнинг ташқи чегараларини аниқ белгилаш ва уни қўриклаш чора-тадбирларини кўриш, қуролли кучларни шакллантириш ва тарбиялаш, уларни қурол-аслаҳа, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаб туриш, зарур бўлганда мамлакатни ҳарбий куч билан ҳимоя қилиш, давлат хавфсизлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш, мудофаа соҳасидаги ишларга раҳбарлик қилиш бўйича давлат органларини ташкил этиш, ҳарбий-мудофаа ҳақидаги қонунларни яратиш ҳамда такомиллаштириш кабилар кирази.

Давлат ўз функцияларини адо этиш учун қонун чиқарувчилик, ижро этувчилик ва судлов фаолиятини олиб боради. Давлат ўз функцияларини амалга оширишда ишонтириш, рағбатлантириш ва мажбур этиш усулларидан фойдаланади. Мазкур шакллар ва усулларнинг қўлланиш даражаси давлат функцияларининг ҳажми, даври, тизими, характерли хусусиятлари билан боғлиқ.

Давлат функцияларининг моҳияти, мазмуни, айрим бошқичлардаги хусусиятлари уларни таснифлашга сабаб бўлади. Давлатнинг фаолияти объектив бўлгани ҳолда унинг функцияларини таснифлаш субъектив хусусиятга эга. Чунки функцияларни таснифлаш олимлар томонидан фанда, назарияда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам ҳатто бир даврдаги функциялар таснифи ҳар хил ифодаланади. Бу фикрга ишониш учун давлат ва ҳуқуқ назариясидан ёзилган 3-4 та дарсликни кўриш kifoya.

Функцияларни таснифлаш (гуруҳларга, турларга бўлиш) давлатнинг моҳиятини чуқурроқ англашга, унинг жамият тараққиётидаги ролини яққолроқ намоён этишга кўмаклашади. Бунда давлат фаолиятининг маълум бошқичдаги бош йўналишлари (масалан, иқтисодий, ижтимоий, ташқи ва бошқа соҳалар) белгиловчи асос қилиб олинади, албатта.

Илгари, совет даврида давлат функцияларини марксизмнинг давлатнинг тарихий типлари тўғрисидаги таълимотига биноан таснифлаш принципи ҳукмрон эди. Қулдорлик ва феодализм тузумида аҳолининг бир қисми деярли ҳуқуқсиз ёки чегараланган доирада ҳуқуқли бўлган. Бу ҳолат ўша давлатларнинг функцияларида ўз ифодасини топганлиги табиий ҳолдир. Инсоният босиб ўтган асосий даврлардаги давлат функцияларини таснифлаш уларнинг муайян мазмуни ва тизимини чуқурроқ англашга имкон беради.

Қуйида давлат функцияларини таснифлашга оид иккита умумий ҳолатни таъкидлаб ўтмоқ даркор.

а) Давлатнинг ички ва ташқи функциялари мавжудлиги ҳамма олимлар томонидан тан олинади. Ташқи функциялар кўпинча ички функцияларнинг давоми бўлиб, улардан келиб чиқади, уларни тўлдиради, айрим ҳолларда, масалан, уруш пайтида ички функциялар ҳам мамлакатни мудофаа қилишга хизмат қилиши тушунарлидир.

б) Давлат тараққиётининг барча босқич (давр)ларида аҳолининг ҳамма табақалари учун тегишли бўлган «умумий ишлар» давлат функцияси мавжуд бўлганлиги тобора кўп эътироф қилинмоқда¹. Бу функция илгари синфий ҳукмронлик, зўрлик ишлатиш қуроли деб аталган, қулдорлик ва феодал давлатларида ҳам мавжуд бўлган.

Жамият ривожланишининг капиталистик ва ҳозирги демократик босқичларида барча давлат функцияларининг ижтимоий (социал) базаси тубдан кенгайиб, аҳолининг ҳамма гуруҳларини ўз ичига олади, яъни улар синф эмас, балки бутун халқ, миллат манфаатига хизмат қилади. Умуман ҳамма функцияларга фақат синфий нуқтаи назардан қараш давлатнинг жамиятдаги ролини камайтиради ва ҳолисона баён этишга халақит беради.

Давлатнинг умумий ишлар функцияси мавжудлиги синфийликни биринчи ўринга кўтаришга имкон бермайди. Бу функцияга мамлакатни мудофаа қилиш, ҳуқуқий тартиботни ўрнатиш ва муҳофаза қилиш, шу жумладан жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш, бутун миллат, халқ

¹ Спиридонов Л.И. Теория государства и права. Учебник, Москва, 1995, 47-48-бетлар.

манфаатларини кўзлаб умумий иктисодий , ижтимоий-маданий (ғоявий) ишлар олиб бориш, Шарқда эса, булардан ташқари, суғориш иншоотларининг давлат ёрдами билан бунёд этилиши киритилиши мумкин.

Л.И.Спиридонов мазкур функцияни янада кенг маънода олиб, унинг умуман инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга қаратилганлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, бу функция таркибига кишиларнинг ҳаёти, соғлиги ва нормал яшаши учун зарур бўлган табиий шароитларни таъминлаш; ижтимоий-маданий, иктисодий ва сиёсий шарт-шароитларни таъминлаш билан боғлиқ давлат фаолияти кирadi².

Умумий ишлар давлатнинг бош функцияси бўлиш имкониятига эга. Тўғри, мазкур ишлар ҳозирги замонда давлатнинг бошқа функциялари мазмунида ҳам мавжуд ва улар орқали ҳам амалга оширилмоқда. Чунончи, демократик Ўзбекистон Республикасида давлатнинг барча функциялари айрим синфлар учун эмас, балки бутун халқимиз манфаатини кўзлаб амалга оширилмоқда. Бундай натижага узок ривожланиш оқибатида эришилди, албатта.

2-§. Давлатнинг ички ва ташқи функциялари ҳамда уларга таъсир қилувчи омиллар

Жамият ва унинг сиёсий тузуми ривожлана бориши оқибатида давлатнинг функциялари тизимида ҳам ўзгаришлар содир бўлиб турган, шу жумладан тамоман янги функциялар пайдо бўлган. Бу ҳолат кенг ижтимоий тараққиёт сабабли юз берган. Тарихда қуллар ва қулдорлар, крепостной деҳқонлар ва феодаллар, ёлланма ишчилар ва капиталистлар бўлганлигини инкор этиш мумкин эмас. Шу боисдан қуйида давлат функцияларини қулдорлик, феодал, буржуа (капиталистик), собиқ СССР давлатлари мисолида кўриб ўтамыз.

Қулдорлик давлатларининг қуйидаги функциялари мавжуд бўлганлигини асло инкор этиш мумкин эмас. С.Айнийнинг «Қуллар» романида ёзишича, Ўрта Осиёда ҳатто XVIII

² Спиридонов Л.И. Теория государства и права. Учебник, Москва, 1995, 47-48-бетлар.

асргача кул бозорлари мавжуд бўлган экан. Куръонда ва мусулмон ҳукукининг бошқа манбаларида кулларнинг мавжуд бўлганлиги, уларнинг ҳукукий макоми ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди.

Кулдорлик давлатларининг ички функциялари

1. Давлатнинг хўжалик юритиш фаолияти. Буни умумий оммавий ишлар юритиш функцияси, дейиш мумкин. Бу фаолият мамлакатнинг, уруғ ёки қабиланинг умумий манфаатларини назарда тутиб, олиб борилган. Бу функция, айниқса, Шарқда маълум даражада ривож топган. Чунки бу минтақада деҳқончилик ишлари суғориш асосида олиб борилган, бунинг учун эса каналлар қуриш, сувни хўжаликлар ўртасида тақсимлаш каби масалалар давлат органлари томонидан бажарилган.

2. Кулдорлар мулки ва манфаатларини кўриклаш. Бу функцияни амалга ошириш учун қадимги давлатлар қатор ҳукукий норматив ҳужжатларни қабул қилган ва уларга риоя этилишини таъминлаб турганлар, бошқа мулкый муносабатларни тартибга солиш чораларини ишлаб чиққанлар.

3. Кулдорлик давлатларида куллар ва бошқа эзилган омма қаршилигини бостириш функцияси бўлган. Чунки куллар деярли ҳуқуқсиз бўлиб, ўз кулдорларига хизмат қилган, агар улар бу оғир ҳаётдан норози бўлиб, ғалаён кўтарса, кулдорлик давлати томонидан аёвсиз равишда бостирилган, албатта.

4. Кулдорлик давлатлари халқ оммасини ғоявий томондан давр руҳида тарбиялаш функциясини ҳам бажарган. Бунда кулдорлик тузумини назарий жиҳатдан асослашга, куллар кўзғолонини жамият учун хавфли куч, деб кўрсатишга ҳаракат қилишган. Бунда дунёвий илмий билимларнинг пастлиги сабабли кулдорлик давлатлари аҳолига ғоявий тарбия бериш мақсадида диний ақидалардан кенг фойдаланган.

Кулдорлик давлатларининг ташқи функциялари

1. Улар ҳам бошқа давлатлар каби мамлакатни ташқи душманлардан мудофаа қилиш функциясини амалга оширганлар, кўшни давлатлар билан маълум даражада алоқалар олиб боришган, савдо муносабатларини ўрнатишган.

2. Улар бошқа мамлакатлар аҳолисини (худудини) босиб олиш, талаш, эзиш, солиқ (бож, ўлпон) тўлатиш функциясини адо қилиб туришган. Бундай фаолиятнинг мақсади бош-

қа давлатлар халқлари ҳисобига бойиш, урушда асир тушганларни эса кул қилиб ишлатиш бўлган. Худди ана шу қулдорлик жамиятида дастлабки босқинчилик урушлари келиб чиққан, бошқа давлатлар худудини эгаллаб олишга кўплаб уринишлар юз берган. Босқинчилик урушлари оқибатида қадимги Урарту (Арманистонда), Эски Ниса (Туркманистонда) давлатлари, Кушон салтанати (Ўзбекистонда) кейинчалик йўқ бўлиб кетган.

Ўз моҳияти ва мазмуни билан қулдорлик давлатларининг функциялари феодал давлатлари функцияларида ҳам асосан такрорланади.

Феодал давлатларнинг ички функциялари

1. Ижтимоий (оммавий) ишлар функцияси. Бу функция айрим давлатлар, айниқса Шарқда суғориш асосида деҳқончилик ишлари олиб борувчи давлатлар фаолиятида кўпроқ бажарилган. Масалан, Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида давлат томонидан қатор бунёдкорлик тadbирлари амалга оширилганлиги олимлар томонидан таъкидланмоқда. Бу ҳақда Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам, суғориш иншоотлари қурилишида қаҳрамонлик кўрсатганлар хусусида гапирилади. Ўша давлатлар бу йўналишда маданий-оқартув, маориф, аҳолига турли хизмат кўрсатиш борасида ҳам маълум умумий ишларни олиб борганлар. Бу ишлар аҳолининг барча табақаларига тааллуқли бўлган ва бутун мамлакат фаровонлигига хизмат қилган.

2. Шу билан биргаликда давлат ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига бўлган феодал мулкчилигини устун даражада кўриқлаш функциясини барча ташкилий ва ҳуқуқий усуллар ва чоралар билан амалга ошириб турган. Шундай бўлмаслиги мумкин ҳам эмас эди. Чунки аҳолининг иқтисодиётда ҳукмрон бўлган гуруҳлари сиёсий ҳокимиятда ягона куч бўлиб, давлатни ўз манфаатига хизмат қилишга йўналтирган, феодалларнинг ерга бўлган мулкчилигини ҳимоя қилган.

3. Бу ҳам кам эди. Феодал давлатлари крепостной деҳқонларни қарамликда тутиб туриш, лозим бўлганда уларнинг қаршилигини бостириш функциясини алоқилиб туришган. Бундай фаолиятни ҳатто алоҳида феодаллар ҳам

бижарган. Тўғри, крепостной деҳқонлар кулларга қараганда қисман озод, маълум ҳуқуқларга эга бўлган. Аммо улар ўзларининг мулкый мавқеи билан сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг фаол иштирокчилари бўла олмаган.

4. Бунинг устига феодал давлатлари халқ оммасини мифкуравий томондан тарбиялаш функциясини ҳам бажариб турган ва бунда дин ақидалари ва тузилмаларидан моҳирона фойдаланган. Бунинг устига улар дунёвий билимлар соҳибларига қарши қаттиқ кураш олиб борганлар. Буюк олимлик даражасига кўтарилган Коперник, Мирзо Улуғбек ва бошқалар фожиаси бунинг далилидир.

Феодал давлатлари ички функцияларининг руҳи уларнинг ташқи фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланади.

1. Табиийки, феодал давлатлари ҳам ўз аҳолиси ва ҳудудларини ташқи душманлардан ҳимоя қилиш функциясига эга бўлганлар ва бунда халқ оммасини ва барча воситаларни мамлакатнинг мудофааси манфаатларига хизмат қилдирганлар, бу курашни уюштирганлар.

2. Ўз навбатида, ҳар бир феодал давлати ўз ҳудудини бошқа мамлакатлар ҳисобига кенгайтириш функциясини кенг равишда амалга ошириб келишган. Феодал давлатларнинг шу мақсадларда олиб борган ўзаро урушлари, ўнлаб мамлакатларни босиб олиш ҳоллари тарихда жуда кўп бўлган ва оқибатда босқинчилик натижасида йирик империялар вужудга келган. Марказий Осиёни аввал греклар, араблар, сўнгра мўғул ва рус давлатлари томонидан босиб олинishi бунга яққол мисолдир. Бу урушлар туфайли фақат бизнинг минтақамизда ўз вақтида ривожланган юзлаб давлатлар йўқ қилиб юборилган ва ҳозир улар тарих мулкига айланган.

Феодал давлатлари функциялари ҳам ўзгариб, такомиллашиб борган, улар ўз тарихининг сўнгги босқичида феодал мутлақ ҳукмронлигини сақлаб қолишга, шиддат билан дунёга келаётган буржуа-капиталистик кучларга ва муносабатларга қарши курашга хизмат қилган.

Буржуазия ва капиталистик ижтимоий муносабатларнинг тарих майдонига кириб келиши умуман инсоният тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Бу давр куллик ва крепостнойликка барҳам берди, ҳамма шахсни расман эркин ва тенг, деб эълон қилди. Озодлик, адолат, тенглик, умумий

сайлов ҳуқуқи, парламент каби тушунча ва шиорлар шу даврда пайдо бўлиб, реал воқеликка айланишга қадам қўйди. Буржуазия ва капиталистик муносабатлар XVII-XVIII асрларда узил-кесил шаклланди, давлат ривожланишининг мазкур босқичида ҳам ёлланма меҳнат ва хусусий мулк муносабатлари сақланиб қолди. Шу муносабатлар буржуа давлатлари функцияларининг моҳиятини, мазмуни ва тизимини белгилаб беради.

Мазкур давлатларнинг ички функциялари

1. Капиталистик хўжалик тизимини ва хусусий мулкчиликни муҳофаза этиш. Ушбу функция барча давлат апарати фаолиятида, ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топади.

2. Капиталистик муносабатлар чуқурлаша борган сари буржуа давлатлари инқилобий ва ишчилар ҳаракатини бостириш функциясини ҳам бажариб бораверади. Чунки ишчилар ва деҳқонлар мавжуд тузумдан норозилик кайфиятларини ифодалай бошлади ва хусусий мулкчиликка, эксплуатацияга қарши кураш очдилар. Шундай экан, буржуа давлати бундай ҳаракатларни бостириб келаверди.

3. Бугун халқ оммасини даврнинг ҳукмрон мафқураси руҳида тарбиялаш. Бу функцияни амалга оширишда буржуа давлати радио, телевидение, матбуот, маданий-оқартув муассасалари хизматидан кенг фойдаланади.

4. XIX аср охири ва XX аср бошларида капиталистик муносабатлар монополистик босқичга кирди. Монополизм ўз таъсирини давлат сиёсатида ҳам ўтказди. Натижада давлатнинг монополистик капитал манфаатларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодийни ҳуқуқий тартибга солиб туриш функцияси пайдо бўлди. Бунга кўра давлат иқтисодийда ўз секторини вужудга келтирди. Узоққа мўлжалланган иқтисодий ривожланишни режалаштириш ва маблағлар билан таъминлаш каби чораларни белгилайди. Айни пайтда бу давлатлар фан, техника тараққиётини таъминлашга, табиатни муҳофаза этишга ҳам бефарқ эмас.

5. Капиталистик давлатлар аҳолига хизмат кўрсатиш, ҳуқуқбузарликка ва жиноятчиликка қарши кўраш, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини кўриқлаш функциясини ҳам бажармоқда.

Буржуа давлатларининг ташқи функциялари

1. Йирик ва қудратли буржуа давлатларининг ўз мамлакатини мудофаа қилиш фаолияти дунёдаги бутун капиталистик тузумни муҳофаза қилиш функциясига айланди. Шу мақсадда бизнинг асримизда жаҳоннинг турли минтақаларида ҳарбий, иқтисодий блоклар, ҳамжамиятлар барпо этилди, мазкур тизимни кўриқлаш бутун давлатнинг умумий иши, деб тушунилди. НАТО бунинг яққол кўринишидир.

2. Минг афсуски, капиталистик давлатлар фақат мудофаа билан шуғулланмади, балки босқинчилик урушлари сиёсатини ҳам олиб борган. Уларнинг айби билан XX асрнинг биринчи ярмида икки марта ўта даҳшатли жаҳон уруши ва локал урушлар олиб борилиб, ўн миллионлаб инсонлар қурбон бўлди. Бунда жаҳонда ҳукмрон бўлиш, бошқа халқлар бойлигини эгаллаш, гегемонизм ғояларига суяниб иш кўрилган.

3. Ер шарида «социалистик» деб аталмиш давлатларнинг пайдо бўлиши ва яшай бошлаши капитализмни қаттиқ ташвишга солди, унинг мустамлакачилик сиёсатига кетма-кет зарба бера бошлади. Шу боисдан ҳам улар бошқа давлатлардаги инқилобий ва миллий озодлик ҳаракатларини бостириш функциясини ҳам бажара бошладилар. Ҳозир замон ўзгарди, бу функцияга эҳтиёж кўп жиҳатдан камайиб кетди.

Бугина эмас, капиталистик давлатларнинг ишчилар ва инқилобий ҳаракатдан, социалистик тузум хавфидан «ташвишланиши» етмиш йиллик даврдан кейин деярли йўқолди. Инсоният минг йиллардан буён табиий равишда тараққий этиб келган йўлга қайта кириб келмоқда. Энди ўйлаб қарасак, Россияда 1917 йилдаги Октябрь тўнтариши ғайритабиий ҳаракат бўлганлиги тобора аниқ бўлмоқда.

Тўғри, марксизм ва социализм ғоялари инсоният ривожланишидаги яхши ҳаёт рамзи сифатида эмас, балки миллионлаб кишиларнинг оғир турмуши, яхши яшаш учун қилган орзу-умидлари натижасида юзага келганди. Социалистик инқилоб, пролетариат диктатураси ана шундай гўзал ва бой турмушга олиб келиши тасаввур этилар эди. Лекин бундай бўлиб чикмади. 70 йилдан ортиқроқ вақт яшаган ниҳоятда қудратли СССР мустақил давлатларга тарқалиб, бўлиниб кетди, социализм ва коммунизм кураш назарияси ва амалиёти асримизнинг 90-йилларига келиб барбод бўлди. Бирок

социалистик давлат 1917 – 1991 йилларда тарихда яшади, қатор функцияларни озми-кўпми амалга ошириб келди³. Уларни қисқача кўриб ўтмаслик мумкин эмас.

СССРда давлатнинг ички функциялари

1. Ҳокимиятдан ағдарилган собиқ эксплуататор синфлар қаршилигини бостириш. Тўғри, уларнинг бир қисми меҳнаткашлар сафига кўшилиб кетди, қолганлари эса синфий кураш сиёсати асосида, социалистик курашларга қаршилиқ кўрсатаётганлар сифатида жисмонан йўқ қилиб юборилди. Бугина эмас, меҳнаткашлар, давлат ва жамоат арбоблари сафидан ҳам миллионлаб кишилар халқ душмани, Ватан хоинлари сифатида бу курашнинг қурбони бўлди. Умуман СССР мазкур функцияни «аъло» даражада бажарди. Ягона синф диктатураси оқибати ана шу қонли фожиалар билан тугади.

2. Синфий курашдан қўли бўшаган пайтда совет давлати муҳим хўжалик-ташкилотчилик ишларини ҳам олиб борди. Бунда давлат иқтисодиётнинг деярли ҳамма масалаларини қатъий режалаштириш, маблағ ва ресурслар билан таъминлаш сиёсатини ва амалиётини олиб борди, халқ хўжалигини бошқаришда маъмурий-бўйрукбозлик усуллари туфайли умумий ривожланиш натижалари ҳам анча сезиларли бўлди. Ишлаб чиқаришда ягона давлат банкига тушган фойдалар ҳисобига кенг доирада саноатни, қурилишни, қишлоқ хўжалигини жиддий ривожлантириш учун имконият яратилди.

3. Совет давлати олиб борган маданий-тарбиявий функция асосида саводхонлик анча ошди, таълим, санъат, адабиёт ва дунёвий фанлар ривожланди. Бироқ ягона мафкура таъсири остида тарихий ва миллий ҳамда умуминсоний қадриятлардан фойдаланиш қатъий чекланди.

4. Давлат меҳнат ва истеъмол меъёри устидан назорат олиб борди ҳамда аҳолига бошқа ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича тadbирларни амалга ошириб турди, ишсизликка барҳам берилди.

³ Бу ҳақда батафсил қаралсин: Черноголовкин Н.В. *Теория функций социалистического государства*. М.Юрид. литература, 1970, 215-бет; Кутафин О.Е. *Плановая деятельность Советского государства*. М.Юрид. литература, 1980, 239-бет; Загайнов Л.И. *Экономические функции Советского государства*. М.Юрид. литература, 1968, 263-бет; *Давлат ва ҳуқуқ назарияси*. Дарслик, Тошкент, 1982, 106-108-бетлар ва бошқалар.

5. Социалистик мулкни кўриклаш функцияси. Уни давлат ниҳоятда қаттиққўллик билан, 1932 йилда бу мулкни талон-торож қилганлик учун ҳатто ўлим жазосини жорий этиш, 1947 йилдаги фармон билан эса уни сақлаб қолиш билан олиб борди. Чунки давлат (социалистик) мулкни кўриклаш ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асоси, деб тушунилар эди. Амалда ҳам шундай бўлганди.

6. Давлат расман фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кўриклаш функциясини ҳам олиб борди. Бироқ миллионлаб кишиларнинг қонуний асосларсиз йўқ қилиб юборилиши, узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилиши бундай функциянинг авж олишига тамоман зид эди.

7. Совет давлати табиат бойликлари ва атроф муҳитни муҳофаза этиш бўйича ҳам ташкилий-ҳуқуқий тadbирлар белгиллаган эди. Аммо бунда сезиларли натижаларга ҳали эришилмаганди. Аксинча, совет тузуми табиатга аёвсиз талафотлар етказди.

СССРнинг ташқи функциялари

1. Мамлакатни муҳофаза қилиш функциясини Совет давлати чет эл интервенцияси ва гражданлик уруши ҳамда Улуг Ватан уруши даврида айниқса яхши бажарди.

2. Дунёдаги ҳукмрон икки ижтимоий-сиёсий тизим пайтида СССР тинчлик ва тинч-готув яшаш учун курашни ҳам давлат функцияси даражасига кўтарди.

3. Аввалига халқ демократик, сўнгра социалистик давлатлар билан ҳамма томонлама ҳамкорлик олиб бориш СССРнинг муҳим ташқи функцияси эди. Бунда Совет давлати социализм позицияларини мустаҳкамлаш мақсадида ўша мамлакатларга кўп жиҳатдан бир томонлама ёрдам кўрсатиб турди.

4. Бундай ёрдам, айниқса, мустамлакачилик тузумидан озод бўлган давлатларга нисбатан кенг доирада олиб борилди.

5. СССР маълум доирада капиталистик мамлакатлар билан ҳам ҳамкорлик функциясини бажарган. Бироқ бунда мафкуравий тўсиқлар ҳалақит берар эди.

СССРда давлат бажарган ички ва ташқи функцияларнинг ижобий ва салбий натижалари мавжуд. Улар келажақда янада аниқ-равшан бўлажак. Бироқ шуни айтиш лозимки, СССРнинг тарқалиб кетишида миллий, миллий-давлат муносабатларидаги нуқсонлар белгиланган аҳамиятга эга бўлди.

Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш лозимки, давлатнинг ички ва ташқи функциялари тизими, моҳияти ва мазмунига инсоният босиб ўтган ҳар бир даврнинг ижтимоий, иқтисодий, ташқи ва маданий аҳволи, вазифалари, ҳокимиятнинг кимлар қўлида бўлганлиги, демократик режим ёхуд фашистик тартиб-қоидалар бўлганлиги, халқаро вазият, ҳатто табиий шарт-шароитлар ҳам ўзининг таъсирини ўтказиб келган. Чунончи, қулдорлик ва феодализм даврларида аҳоли бир қисми ҳуқуқларининг чекланганлиги, кимларнингдир манфаатлари устун даражада ифодаланганлиги ўша пайтдаги давлатлар функцияларининг моҳиятини кўрсатиб турибди. Жамиятдаги ҳукмрон мулкчилик шакллари муҳофаза қилиш эса барча давлатларнинг табиатини характерловчи функциялардир. Яна бир мисол. Кишилик жамияти олға борган сари унинг табиий бойликлари ҳажми қисқара борган, жамиятни ривожлантиришда янги вазифалар келиб чиққан. Натижада фан ва техникани тараққий эттириш давлат функцияси XX асрда юзага келди. Шу фикрни табиат бойликларини ва атроф муҳитни кўриклаш функциясига нисбатан ҳам далил айтиш мумкин. Ўз навбатида, инсонлар дунёвий билимларининг ўсиши уларда илмий дунёқарашни шакллантириш, ҳозирги давр маданияти-маънавияти руҳида тарбиялаш функциясини келтириб чиқарди.

Жаҳонда мамлакатлараро уруш муносабатларининг кескин юмшаши давлатларнинг мудофаа учун қиладиган харажатларини камайтиришга имкон беради ёки давлатлараро алоқаларнинг мустаҳкамланиши уларнинг ўзаро ва халқаро ҳамкорлик олиб бориш функциясини авж олдириш учун кенг асос ярагади. Сўнгра, халқнинг моддий ва маданий фаровонлиги ўсиши, ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши, ўз навбатида, ҳуқуқ-тартиботни кўриклаш функциясига ижобий таъсир ўтказиб туради. Халқаро ташкилотларнинг мустаҳкамланиши, улар мавқеининг ўсиши босқинчилик урушларининг олдини олишга жиддий ижобий таъсир ўтказди ва ҳоказо.

Ҳозирги демократик, шу жумладан мустақилликка эришган давлатларнинг функциялари ҳам ўзига хос хусусиятларига эга.

3-§. Ўзбекистон давлатининг асосий функциялари

СССР тарқалиб кетди, Ўзбекистон ва бошқа собиқ иттифокдош республикалар мустақил бўлиб қолдилар. Социализм ва коммунизм қуриш назарияси ҳамда амалиётидан воз кечилди, унинг ўрнига инсоният тажрибасида исботланган бозор муносабатлари асосидаги демократик жамият тузумига ўтиш мақсад қилиб қўйилган. Давлатнинг сиёсати, вазифалари, фаолияти ва улардан келиб чиқадиган функциялари шу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган.

Бизнингча, ҳозирги босқичда ёш суверен, мустақил давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси олдида қуйидаги учта муҳим вазифа турибди.

1. Эришилган сиёсий, давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш.

2. Иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтиш ва бу шароитда жамиятнинг ижтимоий-маданий тараққиётини таъминлаш.

3. Янги шароитда тамоман мустақил ташқи сиёсий, иқтисодий вазифаларни ҳал этиш. Чунки бу вазифалар илгари асосан СССР органлари томонидан бажарилар эди.

Мустақиллик шароитида, янги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий вазиятда ёш давлатларнинг функциялари СССРнинг давлат функцияларидан анча фарқ қилади. Тўғри, Ўзбекистон ҳам, бошқа собиқ иттифокдош республикалар ҳам ўз ҳудудларида давлат функцияларини тамоман ўзлари, мустақил адо қилмоқдалар.

Хусусан, Ўзбекистон давлати қуйидаги энг асосий функцияларни амалга оширмоқда.

Унинг ички функциялари

1. Иқтисодий функция ёки иқтисодиётда давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги. Мазкур функция мазмунида совет даврида жуда ҳам кенгайиб кетган давлат мулкани унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, натижада мулкчиликнинг турли шакллариغا йўл очиш, иқтисодий ривожланишга маъмурий-буйруқбозлик асосида эмас, балки ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб туриш усуллари орқали таъсир қилиш, давлат сектори (қарамоғи)даги иқтисодиётни бошқариш ва

умумий ривожланиш истиқболларини белгилаш, халқ хўжалигида тузилмавий ўзгартишларни амалга ошириш, иқтисодиётни бошқаришда чет эл инвестицияларини жалб этиш, солиқлар сиёсати ва тизимини белгилаш, баҳоларнинг барқарорлиги учун кураш каби масалалар ва йўналишлар мавжуд.

Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида И.Каримов мустақиллик ва бозор муносабатларига ўтиш шароитида давлатнинг ривожланиши ва ролига катта баҳо берди: «Давлат ислохотларнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқди, устувор йўналишларни танлашда фаол иштирок этди, ислохотларни рўёбга чиқаришни, қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назорат олиб боришни таъминлади. Айнан давлат янги ҳуқуқий база ва янги ижтимоий муносабатлар шаклланишида, эркин демократик меъёрларга ўтишда, кўп укладли иқтисодиёт ва бозор инфраструктурасининг қарор топишида, янги банк, молия, солиқ тизими шаклланиб, янги мазмун билан бойишида ташаббускор бўлди... Давлатнинг ўтиш босқичидаги, миллий давлатчиликни қарор топтириш давридаги бундай роли, бугун кўриниб турганидек, ўзини тўла оқлади⁴».

Иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий йўналтирилган бўлиши давлатимиз сиёсати ва фаолиятида марказий ўрин тутади.

2. Ижтимоий функция. Унинг тизимида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, вақтинча ишсизларга давлат ёрдами, ёшларни касбга ўргатиш, ижтимоий соҳани – аҳолига савдо, коммунал, тиббий, маиший ва бошқа хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва шу тармоқларни ривожлантириш; аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш, яъни иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақа ва омонатдаги маблағларни индексациялаш, халқнинг меҳнат орқали ўз ижтимоий аҳволини яхшилаб бориши учун шароит яратиш, соғлом авлод учун кураш ва бошқалар орқали давлатимиз ўзининг ижтимоий (социал) вазифасини, табиатини намоён этмоқда.

3. Таълим, фан, техника, маданият ва аҳолини гоёвий (мафкуравий) тарбиялаш соҳасидаги давлат функцияси, буни одатда, маданий-тарбиявий функция дейилади. Янги даврда унинг таркибида миллий тарихий ва маданий

⁴ «Халқ сўзи», 1996 йил 30 август.

қадриятларни тиклаш ҳамда ривожлантириш, умуман халқ ҳаётида маърифат ва маънавиятни авж олдириш, умумий саводхонликни юксалтириш, мутахассисларнинг касбий малакасини ошириш, умуминсоният маданий-маънавий бойликлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш, янги миллий мафкурага эришиш сингари устувор вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилади.

4. Ҳуқуқ – тартиботни кўриклаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини огишмай, мулкчиликнинг ҳамма шаклларида ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликка ва жиноятчиликка қарши кураш. Бу функция ўз моҳияти ва мазмуни билан адолат ўрнатишга, инсонпарварликка, қонунчиликни мустаҳкамлашга, ҳуқуқий давлат ва маданиятнинг шаклланишига хизмат қилади.

5. Табиат бойликлари ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш. Бунда, бир томондан, табиий бойликларни кўриклаш, тежаб-тергаб сарфлаш зарур бўлса, иккинчи томондан, кимё ва техниканинг салбий таъсири билан сув, ҳаво, тупроқ ва атмосферанинг ифлосланишига қарши кураш эҳтиёжи мавжуд. Давлат бундай функцияни бажариш билан иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга хизмат қилган бўлади. Бизнинг минтақада, айниқса, Орол денгизи билан боғлиқ масалалар бу функциянинг долзарблигини исботлаб турибди.

Ўзбекистон давлатининг ташқи функциялари

1. Мамлакатнинг мудофааси ва миллий хавфсизлигини таъминлаш. Эндиликда мазкур функцияни бевосита бажариш учун давлатнинг қатор органлари ва ўз Куролли Кучлари мустақиллик асосида ташкил этилган. Куролли Кучларни зарур курол-аслаҳа ва бошқа моддий-техника воситалари билан таъминлаш ушбу функция таркибида муҳим ўрин эгаллайди.

2. Яқин ва узоқ давлатлар билан турли соҳаларда ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик олиб бориш функцияси. Аслида бу – янги функция. Бироқ қисқа давр ичида Ўзбекистон дунёнинг кўп давлатлари томонидан расман тан олинди, улар билан ҳар хил шаклларда алоқалар, дипломатик муносабатлар ўрнатилди, икки томонлама шартномалар тузилди. Дунёда кўпчилик мамлакатлар билан ҳамкорлик олиб бориш Ўзбекистоннинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тараққиётида муҳим аҳамиятга моликдир, шу боис халқаро

муносабатлар соҳасида фаолият кўрсатувчи давлат органлари ва идораларини тузиш, уларни муносиб ходимлар билан мустаҳкамлаш жиддий роль ўйнайди.

Республикамизнинг юқорида санаб ўтилган функцияларини бажариш учун давлат механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда, авваламбор, давлат органлари шаклланишининг демократик асосларини мустаҳкамлаш, қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда давлат аппарати ваколатларини қатъий белгилаб қўйиш, бошқарув органлари тизимини иқтисодиётда бозор муносабатлари хусусиятлари, талабларига биноан қайта ташкил этиш ва унинг ҳуқуқий мақомини белгилаш кўзда тутилади. Чунки эндиликда иқтисодий соҳада давлат билан бир қаторда жамоа (оммавий) ва хусусий бошқарув унсурлари пайдо бўлмоқда. Янги давр вазибаларини адо қила оладиган давлат хизматчилари гуруҳларини тайёрлаш ва қайта тарбиялаш жиддий вазифа ҳисобланади.

Шундай қилиб, даврлар ўта бориши билан давлатнинг функциялари тизими ҳам ўзгариб бораверади. Умуман давлат бор экан, у маълум функцияларни бажариб туради, акс ҳолда унинг мавжудлиги ҳеч бир маънога эга бўлмай қолади, албатта. Бироқ ана шу зарурий функцияларнинг давлат томонидан бажарилиши ҳар хил даражада бўлиши мумкин. Бу, сўзсиз, кўпгина омилларга, шу жумладан, давлатнинг моддий-иқтисодий имкониятларига, демократик тартибга, ички ва ташқи вазиятга боғлиқ бўлиши табиий ҳолдир.

Хуллас, жамиятда давлат қачон зарур бўлмай қолса ва у фуқаролик жамияти тузилмасига уйғунлашиб кетса, ўша пайтда унинг функциялари ҳам барҳам топади ва улар жамиятнинг ўзини ўзи бошқарувчи субъектлари зиммасига маълум ўзгаришлар билан юкланади. Бу ҳақда узил-кесил ва батафсил хулоса чиқаришга ҳали эрта, аммо жамиятнинг ўша юқори даражадаги тараққиётига эришилган сари мазкур муаммо тобора ойдинлашиб боради, инсоният ривожланиши эса узоқ келажакда ўша ҳар томонлама юксак марралар сари бориши муқаррардир.

VI боб. ДАВЛАТ МЕХАНИЗМИ

Давлат механизми тушунчаси

Давлатга ўз ҳокимиятини амалга ошириш имконини берувчи ташкилий-моддий куч давлат механизмидир. Механизм давлатнинг нимадан ташкил топганлигини кўрсатувчи таркибий ва предметли ифодасидир. Айтиш мумкинки, механизм давлатнинг доимий амал қилиши, фаолиятининг ифодачисидир.

Давлат механизми – давлат органлари ва муассасаларининг давлат ҳукмини, давлат вазифалари ва функцияларини амалга оширувчи яхлит иерархик тизимидир.

Келтирилган тавсиф давлат механизмига хос бўлган қуйидаги хусусиятларни белгилаб олиш имконини беради.

1. У давлат органлари ва муассасаларининг яхлит иерархик тизимидир. Унинг яхлитлиги давлат органлари ва муассасалари тамойилларининг, вазифалари ва мақсадларининг ягоналиги билан таъминланади.

2. Давлат хизматчилари (амалдорлар, баъзан бошқарувчилар, деб юритилади) фаолият кўрсатаётган давлат органлари ва муассасалари механизмнинг дастлабки таркибий қисмидир. Давлат органлари субординация ва мувофиқлаштириш асослари билан ўзаро боғлиқдир.

3. Давлат ҳукмининг таъминланиши учун у ҳар бир даврнинг техник даражасидаги мажбурлаш қурол (муассаса)ларига – қуролланган отрядлар, қамокҳоналар ва шу қабилага эга бўлади. Бирон бир давлат уларсиз фаолият юрита олмайди.

4. Механизм ёрдамида ҳукмронлик амалга оширилади ва давлат вазифалари ижро этилади.

Давлатнинг функциялари ва вазифалари ўртасида бевоқиф ва мустаҳкам алоқа мавжуд. Механизм давлат функциясини бажариш учун яратилган. Давлат органлари ва муассасалари унинг ўзгарувчан функцияларига мослашиши керак. Агар жамиятда синфий ва миллий зиддиятлардан келиб чиқадиган вазифалар етакчилик қила бошласа, шу билан боғлиқ равишда давлат механизмнинг зўрлаш, мажбурлаш органлари биринчи ўринга чиқади.

Ўқув адабиётида давлат «механизми» ва «аппарати» тушунчалари моҳияти жиҳатидан бир-бирига яқин деб тушунтирилади. «Механизм» атамаси фақат аппаратнинг яхлитлиги, унинг амалий фаолиятга йўналтирилганлиги билан изоҳланади.

2-§. Давлат механизми таркиби

Давлатнинг ягона ва яхлит механизми таркибий қисмларга – органлар, ёрдамчи тузилмаларга ажралади. Улар ўрта сида ўзига хос иерархия мавжуд: давлат механизмида турли органлар ва ёрдамчи тизимлар турлича ўрин эгаллайди, улар ўзаро субординация ва мувофиқлаштиришнинг мураккаб муносабатларига киришади.

Давлат механизми таркиби ўзгарувчан ва турлича, лекин барча шароитда унинг таркибига бошқарув ва мажбурлаш органлари киради. Буни давлат механизмининг биқисми фақат бошқариш билан, иккинчиси фақат мажбурлаш билан шугулланади, деб тушунмаслик керак. Амалд бошқарув ва мажбурлаш вазифалари бир-бирига қўшили кетади.

Кўп асрлар ва минг йилликлар давомида давлат механизм яхши тараққий этмаган, унинг органлари таркиби ва вазифаларига кўра ажратилмаган эди. Кулдорлик, феодализм даврларида, капиталистик давлатнинг бошланғич даврларида ҳам давлат механизмининг асосини ҳарбий муассаса, ички ишлар, моли ва ташқи ишлар муассасалари ташкил этар эди.

Замонавий давлат механизми ўта мураккаблиги, органлари ва муассасаларининг турли-туманлиги билан ажрало туради, йирик қўшимча тизимларга бўлинади. Масалан, давлатнинг олий органлари: ҳокимият, давлат раҳбари, ҳукумат унинг бир қисмини ташкил этади. Улар одатда жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари диққат марказида бўлиб, жамоатчилик фикрини шакллантиради. Иккинчи қўшимча тизим – ҳуқуқни муҳофаза этиш, суд, прокуратура органлари, шунингдек, ҳарбий кучлар (армия, полиция, разведка)-дир. Улар давлат олий органлари қарорларини бажарадилар. Бунда давлат мажбурлаш усуллари (ҳарбий тазйик, полиция чоралари) қўлланилиши мумкин.

Давлат органи таркибига ҳокимият ваколатларига эга бўлмаган, иктисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда умумижтимоий вазифаларни бажарадиган давлат муассасалари ҳам кирази.

3-§. Давлат органи тушунчаси ва белгилари

Давлат механизмининг дастлабки ва энг муҳим таркибий унсури давлат органидир.

Давлат органи – давлат функцияларини ижро этишда қатнашувчи ва бунинг учун ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат механизмининг бўғини (унсури)дир.

Ушбу орган хусусиятларини ўрганиш умуман давлат механизмини чуқурроқ тушуниш имконини беради.

1. Давлат органи муайян мустақилликка, автономликка эга бўлсада, у яхлит давлат механизмининг бир қисмидир, давлат таркибида ўз ўрнига эга бўлиб, унинг бошқа қисмлари билан мустаҳкам алоқада бўлади.

2. Давлат органи ўзаро ва орган билан алоҳида ҳуқуқий муносабатларда бўлган давлат хизматчиларидан иборат. Улар расмий ходимлар бўлиб, ўзаро оилавий, фуқаровий ва бошқа муносабатларга киришмайди.

Давлат хизматчиларининг маъқеи, ҳуқуқи ва бурчлари қонунчилик томонидан белгиланиб, уларнинг ҳуқуқий мақомини таъминлайди. Улар томонидан ҳокимият ваколатларидан фойдаланиш ҳажми ва тартиби қонунчилик томонидан белгиланиб, лавозим йўриқномалари, штат жадваллари ва шу кабиларда изоҳланади.

Ҳокимият ваколатига эга бўлган, ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариб, уларни мустақил равишда ҳаётга жорий этувчи мансабдор шахслар давлат хизматчилари қаторига кирази.

Давлат хизматчилари бевосита моддий бойликлар яратмайди, шу сабабдан уларни жамият боқади. Улар эгаллаб турган лавозимига ҳамда бажарган ишига мувофиқ тарзда давлат органидан иш ҳақи олади.

3. Давлат органилари ички тузилишга (таркибга) эга. Улар ягона мақсад атрофида уюшган бўлинмалардан иборат бўлиб, ҳамма учун бир хил бўлган тартиб-интизомга риоя этади.

4. Давлат органининг энг муҳим белгиларидан бири

муайян моҳиятга ва ҳажмга эга бўлган ҳокимият ваколатлари (ҳуқуқ ва мажбуриятлар яхлитлиги)нинг мавжудлигидир. Унинг ваколоти давлат органи томонидан улар бўйича қарор қабул қиладиган ва бажарадиган аниқ масалалар ва вазифалар билан белгиланади. Ваколат одатда юридик жиҳатдан (конституцияда ёки жорий қонунчиликда) белгилаб қўйилган бўлади. Давлат органи томонидан ўз ваколатини амалга ошириш нафақат унинг ҳуқуқи, балки бурчи ҳамдир.

5. Ўз ваколатига мувофиқ равишда давлат органи қуйидаги ҳокимият ваколатларига эга:

а) ижро этилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар. Бу ҳужжатлар меъёрий ёки индивидуал (ҳуқуқ меъёрларини қўллашга доир ҳужжат) бўлиши мумкин;

б) давлат органлари ҳуқуқий ҳужжатларининг ижроси турли усуллар, шу жумладан мажбурлаш ва ишонтириш тарзида ижро этилишини таъминлаш.

6. Ўз ваколатини амалга ошириш учун давлат органи зарур моддий база билан таъминланади, молиявий маблағлар, банкдаги ҳисобрақами, молиялаш манбаига (бюджет ҳисобидан) эга бўлади.

7. Давлат органи давлат вазифаларини бажаришда фаол қатнашади, бунинг учун тегишли шакл ва усуллардан фойдаланади.

4-§. Давлат органлари турлари

Давлат органлари турли асосларга кўра тавсифланади.

Келиб чиқиш усулига кўра, улар бирламчи ва ҳосилга органларга бўлинади. Асосий давлат органлари бошқа органлар томонидан яратилмайди. Улар мерос тартибида ўтади (монархия) ёки белгиланган тартибга кўра сайланади ва сайловчилардан ҳокимият ваколатини оладилар. Уларга ижрочи-фармойиш берувчи органлар, прокуратура органлари ва шу қабилар киради.

Ҳокимият ваколоти ҳажмига кўра давлат органлари олий ва маҳаллий турларга бўлинади. Ҳамма маҳаллий органлар ҳам давлат органи бўлавермайди (масалан, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи). Давлат олий органлари давлат ҳокимиятини энг кўп даражада ўзида мужассамлаштиради ва уни

давлатнинг бутун ҳудудига татбиқ этади. Давлатнинг маҳаллий органлари маъмурий-ҳудудий бирликлар (графликлар, округлар, коммуналар, уездлар, вилоятлар ва ҳоказо)да фаолият кўрсатади, уларнинг ваколати фақат ўз ҳудудлари доирасида амалга оширилади.

Умумий ва махсус ваколатга эга бўлган давлат органларининг фаолият доираси кенг. Улар кенг миқёсдаги масалаларни ҳал этиши мумкин. Масалан, ҳукумат қонуларни ижро этар экан, давлат барча вазифаларининг ижросида иштирок этади. Махсус (соҳа) ваколатга эга бўлган органлар у ёки бу вазифани, муайян фаолият турини ижро этишга ихтисослашади (молия вазирлиги, адлия вазирлиги).

Давлат органлари сайлаб қўйиладиган ва тайинланадиган, коллегиял ва алоҳида бўлиши мумкин. Давлат механизми, унинг олий органлари таснифига бевосита ҳокимиятни тақсимлаш тамойили таъсир кўрсатади. Унга кўра қонунчилик, ижроия ва суд органлари ташкил этилади.

Қонунчилик органлари. Одатда қонун чиқариш ҳукуки олий ҳокимият вакиллик органларига тегишли бўлади. Улар умумий «парламент» тушунчаси билан ифодаланади. Англия, Канада, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда «парламент» термини – қонунчилик органининг номини билдиради, бошқа мамлакатларда эса унинг номини ўзгача.

Парламентаризмнинг тараққиёти буржуазия давлатчилигининг шаклланиши ва тараққиёти даврига тўғри келди. Айнан шу пайтда унинг асосий ваколатлари доираси қарор топди: қонунлар қабул қилиш, бюджетни тасдиқлаш, ҳукуматга сўровлар ва унинг фаолиятини муҳокама қилиш шаклида назорат этиш, ишонч ёки ишончсизлик билдириш ва шу кабилар. Ижтимоий ҳаёт мураккаблашгани сайин, одатда, ижтимоий ва илмий-техник тараққиёт жараёнида ҳукумат ролининг ўсиши ва парламент ролининг пасайиши кузатилади.

Дунё мамлакатларининг кўпчилигида парламентлар юқори ва қуйи палатадан иборат бўлади. Кичик мамлакатлар (Дания, Финляндия) парламентлари бир палатали бўлади. Юқори палата, одатда, демократик бўлган қуйи палатани мувозанатлашга хизмат қилади.

Давлат бошлиғи. Уч қисмга бўлинган давлат ҳокимияти ўз ягоналиги ва суверенлигини йўқотмайди: унинг ҳукмрон-

лигини таъминловчи манба ягона – халқ; у мамлакат аҳолисининг ягона туб манфаатларини ифодалайди. Шу сабабдан қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятининг мустақиллиги мутлақ бўлмай, нисбийдир. Давлат бошлиғи бу органларнинг яхлит давлат иродаси манфаати йўлида ва умумдавлат мақсадлари йўлидаги фаолиятнинг мувофиқлаштирилишини таъминлаши керак. Замонавий давлатларда давлат раҳбарлари одатда ягонадир: конституцион монархияда – монарх, республикаларда – президент.

Монарх конституциявий қарорлар ёки қарор топган аёнчаларга кўра, парламентга нисбатан қатор ҳуқуқларга эга сессия чақириш, сессияни тарқатиш (одатда қуйи палатада) юқори палата аъзоларини тайинлаш, қонунларни тасдиқлаш ва эълон қилиш каби. У партиявий фракциялар кўпчилиги ёки парламент фракциялари коалицияси фикрини эътиборга олган ҳолда ҳукумат раҳбари ва вазирларни тайинлайди (ёки тасдиқлайди). Расмий жиҳатдан у олий бош қўмондон ҳисобланади ва халқаро муносабатларда мамлакат номидан иш кўради. Амалда бу ваколатлар ҳукумат (ёки тегишли вазирлик) томонидан амалга оширилади.

Замонавий давлатларнинг кўпчилигида аҳоли ёки парламент томонидан сайланадиган ёхуд алоҳида сайлов жараёни орқали сайланадиган президент давлат бошлиғи ҳисобланади.

Президент чет эллик дипломатик вакилларни қабул қилади, бошқа давлатларга элчилар тайинлайди, қатор мамлакатларда халқаро шартнома ва битимларни тасдиқлайди, ҳарбий кучларнинг олий бош қўмондони ҳисобланади. Айрим мамлакатларда президент парламентни тарқатиб юбориш, қонунни тасдиқлашдан бош тортиш, уни иккинчи бор парламент ихтиёрига ҳавола этиш ҳуқуқига эга.

Парламентар ва президентлик республикаларида президентнинг вазифаси ва ваколатлари бир хил эмас.

Парламентар республикаларда президент ички ишлардаги кам ҳаракатчан шахс бўлиб, амалий ҳокимиятни ўз қўлига тўплаб олган ҳукумат раҳбари томонидан иккинчи ўринга суриб қўйилган. Масалан, бундай давлатларда парламентнинг тарқатилиши президент фармони билан расмийлаштирилса-да, амалда ҳукумат қарорига кўра амалга

оширилади; ҳукуматни тайинлаш учун парламент розилиги талаб этилади. Президентнинг ҳужжатлари ҳукумат раҳбари ёки тегишли вазирлик раҳбарининг имзосисиз амалий кучга эга эмас.

Президентлик республикаларида президент – марказий сиёсий фигурадир. Масалан, АКШ президентида Конституция томонидан кенг ваколатлар берилган. У бир пайтнинг ўтида ҳам давлат, ҳам ҳукумат раҳбари. У 2,5 миллион давлат хизматчиларидан ташкил топган давлат апаратини бошқаради. Улардан 1500 федерал идоралар раҳбарларини шахсан ўзи тайинлайди. Фақат олий федерал лавозимларга Сенатнинг розилиги билан тайинлайди. У давлат ҳаётининг турли масалалари бўйича фармонлар чиқаради.

Ижроия органлари. Ижроия ҳокимияти бевосита мамлакатни бошқараётган ҳукуматга тегишлидир. Ҳукумат, одатда, ҳукумат раҳбари (бош вазир, кенгаш раиси ёки вазирлар маҳкамаси раиси, биринчи вазир, канслер ва шу кабилар), унинг ўринбосарлари ва ҳукумат аъзоларидан иборат бўлиб, улар давлат бошқарувининг алоҳида идораларини (вазирликлар, департаментлар) бошқаради ва вазирлар, котиблар, статс-котиблар деб номланади.

Ҳар бир давлатда битта ҳукумат ташкил этилади. Федератив давлатда умумфедерал ҳукумати ва федерация аъзолари ҳукумати мавжуд бўлади.

Ҳукумат ўз ваколати доирасига кирувчи барча масалалар бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаради (фармонлар, декретлар, қарорлар ва фармойишлар).

Ҳукумат ўзининг кўп томонлама фаолиятини давлат маъмуриятининг кўп сонли органлари – вазирликлар, маҳкамалар ва комиссиялар ва шу кабилар орқали амалга оширади. Вазирликлар ва бошқа идоралар мураккаб, кенг тараккий этган амалдорларнинг бюрократик апаратига эга бўлиб, давлат механизми асосини ташкил этади.

Ҳуқуқ органлари бирмунча мураккаб, фуқаролик, жиноий, маъмурий, ҳарбий дала, транспорт ва бошқа судлардан иборат тизимдир. Унинг бошида олий ва конституциявий судлар туради. Суд органлари суд юритишнинг процессуал ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган одил судловни амалга оширади.

Судлар мустақилдир. Қонунчиликда барчанинг қонун ва суд олдида тенглиги, ишни кўриб чиқишда маслаҳатчиларнинг иштирок этиши, айбдорнинг ҳимояланиш ҳуқуқи каби демократик тамойиллар белгилаб қўйилган.

Давлат механизмига давлат ҳокимиятининг асосий кучини ташкил этувчи ҳарбий кучлар, хавфсизлик органлари, полиция (милиция) киради. Милициянинг вазифаси – жамоат тартибини ҳимоя қилиш ва давлатнинг ички хавфсизлигини таъминлашдир. Милиция ўз фаолиятининг турли жиҳатларига кўра тор ихтисосликларга бўлинади. Масалан, сиёсий милиция ички хавфсизликни таъминлайди, ўз давлатининг сиёсий муҳолифларига қарши кураш олиб боради. Жиноий милиция жамоатчилик тартибини сақлайди. У транспорт милицияси, чегара милицияси, санитария милицияси, ўрмончилик милицияси ва шу кабиларга бўлинади.

Давлат механизмида маҳаллий ҳокимият органлари алоҳида ўрин эгаллайди. Бундай органлар ёки мансабдор шахслар (губернаторлар, префектлар, комиссарлар ва шу кабилар) одатда ҳукумат томонидан у ёки бу ҳудудни бошқариш учун тайинланади (Финляндия, Люксембург). Кўпинча тайинланган мансабдор шахслар билан бирга ҳудудий миқёсда аҳоли томонидан сайланган маҳаллий ҳукумат органлари фаолият кўрсатади. Шундай давлатлар ҳам борки, у ерда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш вазифасини аҳоли томонидан сайланадиган маҳаллий маъмурият бажаради.

5-§. Давлат механизмида бюрократия ва бюрократизм

Бюрократия ва бюрократизм давлат сингари қадимий бўлиб, унинг ажралмас қисмидир, кўп жиҳатдан унинг механизмини (аппаратини) белгилайди.

«Бюрократия» тушунчаси кўпинча турлича тушунилади. М.Вебр таъбири бўйича бюрократия – давлат аппарати фаолиятининг ҳамма учун мажбурий бўлган, тартибга солинган жараёнлари устуворлигига асосланган давлат бошқарувининг оқилона ташкил этилишидир. Уларнинг ижро этилиши ким томонидан ва кимга йўналтирилганлигига қараб фарқланмайди. Ушбу тартиб барча учун баробар. Бундай бирхиллаштириш давлат амалдорларининг нуқсонларидан кафолатла-


ниши ва суистеъмолчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади. К.Маркс бюрократияга кескин салбий муносабатда бўлиб, уни мутлоқ ёмонлик тарзида баҳолаган.

Бошқаришнинг бюрократик усулидан фаркли ўлароқ бюрократизм касаллик бўлиб, бутун дунё давлатларига хосдир. Том маънода бюрократизм «бюро», яъни ёзув столи, идоранинг ҳукмронлигини англатади. Моҳиятан – давлатдан ажралиб қолган ҳокимиятдир. Бюрократларнинг асосий захираси – айнан ҳукмронлик, уни суистеъмол қилиш, лавозим, хизмат бурчидан фойда кўришдир. Бюрократнинг қўлида бу захира капиталнинг бошқа кўринишларига, моддий бойликларга айланади.

Бюрократизмнинг яшовчанлиги асосан манфаатлар хилма-хиллиги ва қарама-қаршилигида, улардан бошқа мақсадлар йўлида фойдаланиш имконияти мавжудлигидадир. Чунинчи, давлат манфаатини бюрократлар идоравий ёки маҳаллийга, гуруҳларнинг манфаатига ёки шахсий манфаатга айлантириши мумкин. Яъни «давлат вазифалари идоравий вазифаларга айлантирилади», «идоравий вазифалар давлат вазифаларига айлантирилади». Бюрократизмга хос бўлган хусусиятлардан бири яширин иш юритишга, махфийликка интилишдир.

Бюрократик аппаратнинг энг муҳим қонунларидан бири – ҳокимиятни сақлаш ва кучайтириш, яъни ўз-ўзидан ўсишдир. Шу сабабли, давлат аппаратининг кенгайиб кетганлигини бюрократиянинг авж олиши белгиси, деб баҳолаш мумкин.

Бюрократия билан курашишнинг энг амалий воситаси демократиядир. Давлат механизмининг барча бўғинлари устидан доимий демократик назоратнинг ўрнатилиши, давлат органлари ходимларининг ҳисобдорлиги ва алмашувчанлиги, ошқоралик ва танқид бюрократиянинг кушандасидир.



VII боб. ҲУҚУҚ ҲАҚИДА ТАЪЛИМОТ

1-§. Ҳуқуқнинг тушунчаси ва моҳияти

«Ҳуқуқ» ибораси кундалик ҳаётимизда кўп қўлланиладиган тушунча бўлиб, «ҳақ», «ҳақиқат» сўзларидан олинган. Ҳуқуқ ҳозирги кунда қуйидаги маъноларда қўлланилади: **биринчидан**, муайян жисмоний ёки юридик шахснинг ҳуқуқи. Масалан, фуқаро Аҳмедовнинг илм олиш ҳуқуқи. **Иккинчидан**, ҳуқуқ ҳамма учун мажбурий бўлган, давлат томонидан ўрнатиладиган ва бажарилиши таъминланадиган, муҳофазат қилинадиган қоидалар, меъёрлар мажмуидир.

Масалан, Фуқаролик кодекси – мулкӣ ва шахсий хусусиятга эга номулкӣ муносабатларни тартибга солувчи давлат томонидан белгиланган, умуммажбурий қоида, меъёрлар мажмуидир.

Учинчидан, ҳуқуқ – ижтимоӣ фан соҳаларидан бирининг номи бўлиб, давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги илмларни ўзида мужассамлаштиради. Масалан, конституциявий ҳуқуқ фани, фуқаролик ҳуқуқи фани, жиноӣ ҳуқуқ фани.

Афлотун ва Арасту фанга сиёсий ҳуқуқ тушунчасини киритган ва уни табиӣ ҳамда шартли ҳуқуқларга ажратган. «**Сиёсий ҳуқуқ – табиӣ ҳуқуқ ва шартли (инсонлар хохиш-иродаси билан ўрнатиладиган) ҳуқуқ қисмларидан иборат. Табиӣ ҳуқуқ** тан олиш ёхуд тан олмасликдан қатъи назар ҳамма жойда бир хил аҳамиятга эга бўлган қоидалардир. **Шартли ҳуқуқ** – инсонлар томонидан уларнинг хохиш-иродасига кўра ўрнатиладиган қоидалар мажмуидир.

И.Кант ҳуқуқни «**қатъий императив**» деб атайдиган ва уни инсоний ҳолатларга ҳам, тарихий даврларга ҳам, тажрибаларга ҳам боғлиқ бўлмай мутлақлик хусусиятига эга деб ҳисоблаган. Кантнинг «қатъий императиви» «шундай хатти-ҳаракат қилгинки, сенинг хатти-ҳаракат қоидаларинг барча учун умумий бўлмай қолсин», деган талабга асосланади. Инсон қатъий императивга амал қилишда эркин бўлгандагина ҳуқуқ ҳақида сўз юритиш мумкин деб ҳисоблайди Кант. Қатъий императив асосида бировнинг бошқаларга нисбатан зўравонлик қилишини чеклайдиган нормалар ҳуқуқни таш-

кил этади. Табиий қонунлар асосида бировнинг бошқаларга нисбатан зўравонлик қилишини чекловчи нормалар мажмуаси ҳуқуқ дейилади.

Кантнинг фикрича, ҳуқуқ табиий, исбот талаб қилмайдиган қоидалар мажмуидир, иккинчидан, ҳуқуқ қонун соҳиб эрки-иродасини ифодаловчи ижобий қоидалар йиғиндидир, учинчидан, ҳуқуқ – адолатни амалга ошириш қоидаларидир.

Қадимги Рим мутафаккирлари ҳуқуқни яхшилик, ҳалол яшаш, ҳар кимга ўзига муносибини бериш, ўзгаларга зарар етказмаслик, эзулик ва адолат санъатидир, деб таърифлайди.

Шарқ мутафаккири, қомусий олим Абу Наср ал-Форобий ҳуқуқни фозил кишиларнинг ҳақиқий бахтга эришиш воситаси деб тушунган. Ҳуқуқ, унинг фикрича, мамлакатда тинчликни таъминлаш, хавфсизликни таъмин этиш, тараққиётга шарт-шароит яратиш, ижодий меҳнатга имкон яратиш воситасидир. Ҳуқуқ – эҳтиросларни жиловлаш воситасидир. Ҳуқуқ – инсонни асраш, авайлаш қуролидир.

Юридик адабиётларда ҳуқуққа турлича таъриф берилган: «Ҳуқуқ – бу давлат томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулланадиган ва қўриқланадиган, ҳамма учун мажбурий бўлган яшаш қоидаларидир. Ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи регулятордир»¹.

Иккинчи фикр: «Ҳуқуқ – ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ва қонунларда ифодаланган адолат ва эркинлик ғояларига таянувчи норматив қоидалар тизими», – деб таърифлайди².

Учинчи фикр: «Ҳуқуқ – давлат томонидан белгиланган ёки руҳсат этилган ва унинг кучи билан ҳимоя қилинадиган умуммажбурий ҳулқ-атвор қоидалари тизими»дир,³ – деб ҳисоблайди.

Ҳуқуқни замон талаблари асосида тўғри тушуниш амалий фаолият учун ғоят муҳим ва зарурдир. Шу боис ҳуқуққа

¹ Қаранг: *Давлат ва ҳуқуқ назарияси. А.Аъзамхўжаев ва Ш.Ўразаев таҳрири остида. Т., 1992, 255-бет.*

² Қаранг: *Давлат ва ҳуқуқ назарияси. А.Аъзамхўжаев ва Ш.Ўразаев таҳрири остида. Т., 1992, 255-бет.*

³ *Тожихонов У., Саидов А. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Ўқув қўлланма. Т., 1999, 40-бет.*

давлат арбоблари ҳам катта эътибор бериб, уни тушунишга ўз муносабатларини ифодалайдилар. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ҳуқуққа шундай таъриф берган: «**Ҳуқуқ ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситаси**»дир⁴.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳуқуқ кўп қиррали тушунча, бир таърифда унинг ҳамма жиҳатларини қамраб олишнинг имкони йўқ. Шундай бўлса-да, ҳуқуқ тушунчасини ташкил этувчи қуйидаги асосий белгиларни кўрсатиш мумкин:

- 1) Ҳуқуқнинг барча учун мажбурийлиги;
- 2) Ҳуқуқнинг қонун ва бошқа аниқ шаклларда ифодаланган бўлиши;
- 3) Ҳуқуқнинг давлат томонидан ўрнатилиши, муҳофаза қилиниши;
- 4) Ҳуқуқнинг ижтимоий тартиб-интизом, эркинлик, адолатпарварлик, тенгликни таъминлаш воситаси эканлиги;
- 5) Ҳуқуқнинг субъектив ва объектив ҳуқуқларга бўлиниши ва субъектив ҳуқуқлар орқали ҳаракат қилиши;
- 6) Ҳуқуқ эҳтиросларни жиловлаш воситаси эканлиги.

Мазкур белгиларнинг мажмуи ҳуқуқ ҳақида тўлароқ тушунчага эга бўлиш имконини беради.

Ҳуқуқнинг моҳиятига келсак, ҳуқуқнинг инсоният учун хизмат қилиши билан белгиланади. Демак, ҳуқуқнинг моҳиятини аниқлаш учун унинг кимга хизмат қилишини, кимнинг иродасини ифодалашини аниқлаш зарур.

2-§. Ҳуқуқни тушунишнинг умумий масалалари ва уларнинг амалий фаолият учун аҳамияти

Ҳуқуқ фалсафий ва назарий категория сифатида аниқ мазмунга эга бўлганда муҳим восита сифатида аҳамиятга молик бўлади. **Ҳуқуқ нима** деган масала бўйича истаганча баҳс юритиш мумкин, унинг келиб чиқишини турлича талқин

⁴ Каримов И. А. *Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари*. Т., «Ўзбекистон», 26-бет.

қилиш, ҳуқуқнинг моҳияти ва жамиятдаги ўрнини аниқлаш турли фикрлар айтиш мумкин. Аммо амалий фаолиятда ҳуқуқни бир хил тушуниш, бир хил нуқтаи назар, бир хил аниқли нуқтасини белгилаш зарур бўлади. Дарҳақиқат, агар фуқаролар ҳуқуққа асосланиб ҳаракат қилса, агар юрист-амалиётчи масалани тўғри ҳал қилиш учун ҳуқуққа мурожаат қилса, фуқаролар ёки мансабдор шахслар хатти-ҳаракатини аниқлаш, ҳуқуқ тўғрисида умумий аниқ тушунча зарур бўлади.

Ҳуқуқни тушуниш турлича бўлганда барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий алоқаларни тартибга солиш бўйича ўз қадрини йўқотган бўлар эди. Ҳуқуқни тушунишдаги аниқлик – ижтимоий муносабатларда тартиб ва муайянликни дастлабки талабидир.

Дунёнинг турли қисмларида, турли давлат гуруҳларида ёки алоҳида олинган мамлакатларда ўзининг ҳуқуқ тизим тарихан шаклланган. Муайян томон, замон ва ривожланиш шарт-шароитлари, у ёки бу халқларнинг ҳуқуқ манбалар объектив тарзда шаклланган. Шу билан бирга ҳар бир замоннинг муайян қисмида, ҳар бир алоҳида вазиятда ҳуқуқ ҳақидаги тасавурларда ягона ёндашувга эришиш бўйича келишув юз берган.

Мавжуд дунё ҳуқуқий тизимлари ва ҳуқуқий оилалар буни яққол тасдиқлайди. Агар давлатларнинг ҳуқуқ тизими бир-бирига яқин бўлса, фуқаролар бир давлатдан иккинчисига ўтганда тез мослашади, юристлар ҳеч қийнамай судлов фаолиятини амалга оширишда қатнашади. Ҳуқуқни ягона тарзда тушуниш турли минтақа халқлари ни бир-бирига яқинлаштиради.

Нима учун **ҳуқуқий давлат қураётган Ўзбекистон** давлатида ҳам бошқа давлатлардаги каби ҳуқуқни тушунишда турли хил ёндашувлар мавжуд? Албатта, Ўзбекистонда ҳозирги пайтда ҳеч ким атайлаб ҳуқуқни тушунишни чалкаштираётгани, хаспўшлаётгани йўқ. Тарихда ҳуқуқни тушунишда шундай ҳолатлар ҳам рўй берган. Расман ҳуқуқ деб ҳисобланган қондалар, меъёрлар етарли фойдаланилмай, қўлланилмай қолган. Жамият, унинг куйи ва юқори табақалари ўз давлат қонунлари билан чиқишмай қолганда, яъни мазкур қонунлар йўқсулларга ҳам, ҳокимият соҳибларига ҳам оғир юкка айланган ҳолларда ёзма ҳуқуқ ўз қадрини йўқотган, қонунийлик инкирозга юз тутган.

Ҳуқуққа нисбатан турли хил ёндашувлар жамиятни демократлаштириш билан, хусусан фикрлар хилма-хиллигини ўтироф этиш билан мувофиқлашади.

Турли хил кучлар, ижтимоий ҳаракатлар, партиялар ҳаётга, умуман тизимимизга, хусусан ҳуқуққа доир ҳам ўз нуқтаниларлари, қарашларига эга бўлиши табиий, албатта. Ўзбекистоннинг сиёсий мустақилликка эришуви, марксизмнинг мафкуравий кишанларидан ҳалос бўлиши туфайли аввал буржуа ҳуқуқ тизими деб беписанд қараб келинган ҳуқуқ тизимларидан ҳам бугунги кунда фойдаланиш имкониятлари очилмоқда. Хусусан, ҳуқуқнинг ҳуқуқий давлатни барпо этиш муҳим қуроли эканлиги Ўзбекистонда тан олинди ва бу борада ибратли ишлар қилинмоқда. Ҳуқуқ ҳуқуқий давлат барпо этиш йўналишларини белгилаб бермоқда. Қонун устуворлиги, давлат ҳокимияти ҳужжатларининг ҳуқуққа мувофиқлиги таъминланмоқда.

Ҳуқуқий давлатни шакллантириш жараёнида ҳуқуқ ва уни тўғри тушунишнинг амалий аҳамияти яққол намоён бўлади. Нимани муҳофаза қилиш, нимага бўйсунуш, нимага итоат этмаслик – бу масалалар ҳар бир амалиёт ходимининг қаршисида турган масаладир.

Умумий қоида сифатида айтиш мумкинки: ҳуқуқни қўлловчилар ва оддий фуқаролар учун юридик кучга эга бўлган қонунлар ва унга асосланиб чиқариладиган ҳужжатлар ғоят зарур. Ҳуқуқ ижодкорлари, қонун ижод қилувчилар учун ҳуқуқ масаласи жуда муҳим.

Юридик адабиётларда ҳуқуққа турли хил ёндашувлар баён этилган бўлиб, уларда ҳуқуқнинг турли жиҳатлари хусусида фикрлар билдирилган. Ҳуқуқни мукамалроқ билиш, тасаввур қилиш учун унинг турли хил таърифларини билиш, таҳлил қилиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик. Аммо амалий фаолият учун ҳуқуқни тушунишда бир хилликка эришиш лозим.

3-§. Ҳуқуққа «норматив» ёндашув – қонунийлик ва барқарорликни таъминлаш воситаси сифатида

Ўзбекистонда кенг тарқалган ҳуқуққа ёндашувлардан бири – **норматив ёндашувдир**. Ҳуқуқни давлат томонидан муҳофаза қилинадиган нормалар мажмуи деб тушуниш ҳуқуқий

қоидаларнинг меъерий ҳужжатларда ифодаланган мазмун билан фуқаролар ва бошқа ижрочиларга бевосита танишиш имконини беради ва ўз ҳаракатининг ҳуқуққа мослигини аниқлашга ёрдам беради.

Ҳуқуқни тушунишнинг норматив назарияси ХХ асрда ўзининг мантикий тугалланган шаклига эга бўлди. Мазкур назариянинг намояндалари Штаммлер, Новгородцев, Кельзен ва бошқалардир. Бу назариянинг асосий ғоялари:

– ҳуқуқ – нормалар тизими, эҳроми бўлиб, унинг эн юқорисида асосий норма бўлади, бу норма қонун чиқарувчи томонидан белгиланади, қўйи нормалар юқоридаги норма лардан келиб чиқади;

– юридик фанлар ҳуқуқни соф шаклда ўрганиши керак у сиёсий, иқтисодий баҳолардан холи бўлиши лозим.

Ҳуқуқни бундай тушунишнинг ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. Аввало ижобий жиҳатлари хусусида:

Биринчидан, ҳуқуқнинг норматив назариясида ҳуқуқнинг энг муҳим нормативлик характери таъкидланади. Эзгулик айниқса, умумий ва барқарор бўлса, у умумий қоидага айланади.

Иккинчидан, нормативлик ҳуқуқнинг шаклий аниқлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳуқуқий талабларга асосланиш имконини беради.

Учинчидан, ҳуқуқнинг бузилиш ҳолатларида давлат мажбурлови чоралари белгиланади.

Тўртинчидан, қонунсизлик ва зўравонлик режимига қонунийлик қарама-қарши қўйилади.

Бешинчидан, қонуний кучга кираётган ирода адолатли, ахлоқий, илғор бўлиши шарт.

Олтинчидан, юридик амалиёт мобайнида ижтимоий муносабатлар қонунга асосланиб чиқарилган ҳужжатлар асосида норматив тарзда тартибга солинади.

Еттинчидан, ижтимоий тараққиётга давлат таъсир этишининг кенг имкониятларини тан олади.

Мазкур назариянинг ушбу ижобий жиҳатлари шубҳасиздир. Айниқса, давлатнинг ҳуқуқ орқали ижтимоий тараққиётга самарали таъсири, жамият манфаатларини ифодаланиши, инсонпарварлик, адолат, озодлик қадриятларига асосланиши ғоят муҳимдир.

Ҳуқуқни норматив тушуниш барқарорлик, тинчлик-осойишталик ҳукмрон бўлган мамлакатларда катта самара беради. Агар қонунлар ўз вақтида янгиланиб борса, демократик талабларга риоя қилинса, ҳуқуқий нормаларда халқнинг илғор кайфияти, ғоялари ифодаланса, ҳуқуқни бундай тушуниш эътирозларга сабаб бўлмайди.

Ҳуқуқни норматив тушунишнинг салбий жиҳатлари:

- шахснинг табиий ҳуқуқларини чеклайди, давлат яратган ҳуқуқларнинг устуворлигига асосланади;
- ҳуқуқни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий омиллардан ажратиб қўяди;
- юридик нормаларнинг устунлигини тан олиш оқибатида эски ҳуқуқ нормаларининг ҳам қўлланишига йўл қўяди;
- одат ҳуқуқи, шартномаларни ҳуқуқ манбаи сифатида етарли инobatга олмайди.

4-§. Ҳуқуққа «социологик» ёндашув – ижтимоий ҳаётнинг ўсишини таъминлаш воситаси

Ҳуқуққа «социологик» ёндашув XIX асрнинг иккинчи ярмида «эркин ҳуқуқ» мактаби доирасида шаклланган. Оврупода бундай ёндашувнинг намояндалари Эрлих, Жени, Муромцев ва бошқалардир. Ҳуқуқ нормалари ижтимоий тараққиёт талабларига жавоб бермай қолган шароитда вужудга келди ва ривожланди. Мазкур ёндашув қуйидаги ғояларга асосланади:

1. Ҳуқуқ табиий ҳуқуқларда ҳам эмас, қонунларда ҳам эмас, балки қонунларни ҳаётга татбиқ этишда ифодаланadi.
2. Ҳуқуқ – юридик хатти-ҳаракатлар, юридик амалиёт, ҳуқуқий тартибот, қонунларнинг қўлланишидир. Ҳуқуқ бу ҳуқуқнинг субъектлари – жисмоний ва юридик шахсларнинг амалий хулқ-атворларидир.

Бу назариянинг бошқача номи «жонли ҳуқуқ» назариясидир.

3. «Жонли ҳуқуқ»ни даставвал судьялар ўзининг юрисдикцион фаолиятида яратади. Улар «қонунларни» ҳуқуқ билан тўлғизади ва судьялар ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини амалга оширади.

Ҳуқуқни «социологик» тушуниш ўзига хос ижобий ва салбий жиҳатларга эга.

Ижобий жиҳати шундан иборатки, *биринчидан* ҳуқуқни бундай тушуниш ҳуқуқнинг ҳаётга татбиқ этилишига асосланади.

Иккинчидан, ҳуқуқ шаклларига нисбатан ижтимоий муносабатлар устуворлиги тан олинади.

Учинчидан, давлатнинг иктисодиётга аралашувини чеклашни тан олади, бошқарувни марказлаштирамаслик тарафдори.

Ҳуқуқни социологик тушунишнинг салбий жиҳатлари:

– агар ҳуқуқни қонунларни ҳаётга татбиқ этиш, реал ҳуқуқий тартибот деб тушунсак, ҳуқуқий ва ҳуқуққа хилоф ҳатти-ҳаракатларни белгилаш мезонлари йўқолади, чунки ҳуқуқни ҳаётга татбиқ этиш қонуний ва ғайриқонуний бўлиши мумкин;

– ҳуқуқ ижодкорлигининг фақат судьялар ва маъмуриятчиларга юқлаб кўйилиши айрим мансабдор шахслар томонидан ошқора зўравонлик ва ўз ваколатлари доирасидан четга чиқиш, ишончни суиистеъмол қилиш хавфини кучайтиради.

Бизнинг шароитимизда мансабдор шахсларнинг қонунни четлаб ўтиши, қонун талабларининг аксини қилган ҳолда ўз манфаатларини қондириш ҳоллари учраб туради. Агар ҳуқуқни социологик тушуниш ҳукмрон бўлса, ундайларнинг фаолияти қонуний бўлиб қолади ва ҳуқуқ билан, қонун билан ҳеч қандай боғлиқ жойи қолмайди. Мансабдор шахсларга, айниқса милиция ходимларига «фақат қонун йўл кўйган барча ҳатти-ҳаракатга ижозат берилади» тамойили кўпроқ, ишончлироқ самара беради.

Социологик ёндашув тадқиқотчилар ва қонун чиқарувчи идора учун яхши самара бериши мумкин. Ҳуқуқни билиш, фойдали ва самарали қонунни ишлаб чиқиш учун амалдаги қонунчиликни ўрганиш зарур. Ҳаётга татбиқ этилган ёзма ҳуқуқ нормаларини ўрганиш уларни такомиллаштиришнинг энг маъқул йўлидир. Ҳаётга татбиқ этилган ҳуқуқ – ижтимоий муносабатларни қонун билан тартибга солишдаги нуқсон ва камчиликларни аниқлаш манбаидир.

5-§. Ҳуқуқнинг психологик назарияси

Ҳуқуққа ёндашувда айрим олимлар ҳуқуқий нормалар ва ҳуқуқий муносабатлар билан бирга ҳуқуқий онгни ҳам ҳуқуқ тушунчасига киритадилар. Шу боис ҳуқуқнинг психологик назарияси келиб чиқди, у фанда ва амалиётда мустақилликка даъвогар бўлса-да, аслида ҳуқуқий реализм ғоялари ва бошқа назариялар билан боғлиқликда яшаб келмоқда.

Мазкур назария XX асрда мантиқий тўла шаклланган бўлиб, Петражицкий, Росс, Рейснер ва бошқалар бу назариянинг Овруподаги намояндаларидир. Мазкур назариянинг асосий ғоялари:

1. Инсон психикаси (руҳияти) – ижтимоий тараққиёт – жамият, давлат, ҳуқуқ, ахлоқнинг ривожланишини белгиловчи омил;

2. Ҳуқуқ тушунчаси ва моҳияти қонун соҳиби фаолияти орқали эмас, психологик қонуниятлар – ҳуқуқий эҳтирослар (императив-атрибутив характер), яъни нимагадир ҳуқуқий ваколат (атрибутив норма), нимадир қилиш бурчи (императив норма) мажмуи орқали киритилади деб ҳисоблайди;

3. Барча ҳуқуқий ҳис-туйғулар иккига – ижобий (давлат томонидан ўрнатиладиган) ва интуитив (шахсий) ҳуқуқ ҳис-туйғуларига бўлинади. Интуитив ҳуқуқ инсон хулқ-атворининг ҳақиқий тартибга солувчиси бўлиб, «ҳақиқий» ҳуқуқ сифатида қаралиши керак.

Мазкур назариянинг ижобий жиҳатлари:

– *биринчидан*, ҳуқуқни тушунишда иқтисодий, сиёсий жараёнлар билан бирга психологик жараёнларга ҳам эътиборни қаратади. Бу ижтимоий психологияни ҳисобга олмай, индивиднинг психологик тузилишини инobatга олмай туриб қонунлар чиқариш мумкин эмаслигини билдиради;

– *иккинчидан*, жамият ҳуқуқий тизимида, ҳуқуқий тартибга солишда ҳуқуқий онгнинг ўрни ва аҳамиятини оширади;

– *учинчидан*, инсон ҳуқуқларининг манбаини қонунлардан эмас, инсон руҳиятидан қидиради.

Салбий жиҳатлари:

– ҳаддан зиёд психологик омилларга катта эътибор бериб, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий омилларга эътиборни сусайтиради;

– интуитив ҳуқуқнинг ҳақиқий деб ҳисобланиши билан ҳуқуқни давлатдан ажратади, ҳуқуқий, ҳуқуққа ҳилофлик, қонуний ва ғайриқонунийлик ўртасидаги фарқни, мезонни йўқотади.

Собиқ совет ҳуқуқ назариясида ҳуқуққа психологик ёндашув субъектив идеализмга олиб келувчи назария сифатида рад этилган эди. Бирок, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида агар пролетар давлатининг манфаатлари талаб қилса, судьялар ҳуқуқий онга мурожаат қилиши декретларда тан олинган эди. Амалда эса, социалистик ҳуқуқий онга асосланиб, жойида отиб ташлаш интуитив ҳуқуқи кенг миқёсда қўлланилди. Бунинг салбий оқибатлари ҳаммага маълум.

Бирок, ҳуқуққа психологик ёндашув назариясининг асосчиси Л.И.Петражицкий ҳуқуқни объектив ва субъектив, интуитив ва позитив, расмий ва норасмий турларга бўлиб тушунтиради. Юридик амалиётда, хусусан қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида психологик назария ҳулосаларидан самарали фойдаланиш мумкин. Ҳуқуқ нормалари ҳаракатининг психологик механизмини билиш ниҳоятда муҳим, чунки бу ҳуқуқни қўллашда ҳуқуқни қўлловчининг касбий мўлжалларининг тўғри ва аниқ бўлиши, ҳуқуқни қўллаш мотивларининг асосли бўлиши имконини беради.

6-§. Табiiй ҳуқуқ назарияси (ҳуқуққа фалсафiiй ёндашув)

Ҳуқуқни тушунишга фалсафiiй ёндашув назария сифатида XVII-XVIII асрларда тўла мантиқан шаклланди. Унинг намояндалари Гоббс, Локк, Радишчев ва бошқалардир.

Мазкур назариянинг асосий ғоялари:

– ижобiiй ҳуқуқ, яъни давлат томонидан қабул қилинган қонулар билан бир қаторда инсонга тугилишиданок берилган олий, ҳақиқiiй, «табiiй» ҳуқуқ мавжуд. Ҳар қандай қонун ҳам ҳуқуқiiй бўлмаслиги мумкин;

– ҳуқуқ ва ахлоқ айнанлаштирилди, (мазкур назария намояндаларининг фикрига кўра) адолат, ҳақиқат, озодлик, эркинлик, тенглик каби ахлоқiiй тушунчалар ҳуқуқнинг ўзгичини ташкил этади ва ҳуқуқ ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш жараёнини белгилаб беради;

– инсон ҳуқуқларининг манбаи қонунларда эмас, инсон табиатида бўлиб, унга тугилишдан ёхуд худонинг амри билан эга бўлиш мумкин.

Ҳуқуқни тушунишнинг табиий ҳуқуқ назарияси қуйидаги ижобий жиҳатларга эга:

– *биринчидан*, назариялар орасида энг илғори бўлиб, янги эркин давлат тузуми яратилишига асос бўлди;

– *иккинчидан*, қонунлар ҳуқуқий бўлмаслиги мумкин, агар қонунлар инсоннинг табиий ҳуқуқларига зид келса, уларни инкор қилса, адолат, ҳақиқат, эркинлик, тенглик меъёрлари бузилади;

– *учинчидан*, инсон ҳуқуқларининг манбаи табиат ёхуд Оллоҳ деб тан олинади. Шу боис давлат тузилмалари ва мансабдорлар томонидан зўравонлик қилишнинг, суиистеъмолларнинг олдини олиш имкони яратилади.

Ҳуқуқни бундай тушуниш ҳам ўзига хос салбий жиҳатларга эга бўлиши мумкин.

Хусусан:

1. Ҳуқуқни мавҳум ахлоқий кадрият сифатида тушуниш унинг шаклий-юридик хусусиятларини сусайтиради, қонуний ва қонунга ҳилоф ҳаракатлар мезонини ҳар хил одамда ҳар хил бўладиган эркинлик, адолат, ҳақиқат тўғрисидаги тасаввурларга қараб белгилашда қийинчиликларга олиб келади.

2. Ҳуқуқни бундай тушуниш ҳуқуқ билангина эмас, ҳуқуқий онг билан ҳам кўпроқ боғлиқ бўлади. Ҳуқуқий онг эса турли хил одамларда турлича бўлади.

Ҳуқуқни бундай тушунишга Ўзбекистонда ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон давлатининг қонунлари ҳам инсоннинг табиий ҳуқуқларини, адолат, ҳақиқат, озодлик, мустақиллик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда белгиламоқда.

Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Амир Темур, Алишер Навоий каби аждодларимиз ҳам ҳуқуқни табиат ёхуд Оллоҳ томонидан инсонларга берилган имкониятлар мажмуи деб тушунганлар.

7-§. Ҳуқуқни тушунишга тарихий ёндашув

Ҳуқуқни тушунишга тарихий ёндашув XVIII аср охири ва XIX аср бошларида мантиқан шаклланди. Унинг асосий намояндалари Гуго Гроций, Савини, Пухта ва бошқа олимлардир.

Мазкур назариянинг асосий ғоялари:

1) Ҳуқуқ – тарихий ҳодиса бўлиб, тил каби фақат бирор кишининг келишуви ёки кимнингдир кўрсатмаси билан эмас, муайян тарихий шароитда келиб чиқади ва ривожланади.

2) Ҳуқуқ – даставвал ҳуқуқий одатлар (юридик оқибатлар келтириб чиқарувчи, тарихан шаклланган хулқ-атвор қоидалари)дир. Қонунлар «миллий руҳ», «халқ онги» замирида ҳуқуқдан келиб чиқувчи қоидалар мажмуидир.

3) Бу назария намояндалари инсон ҳуқуқларини инкор этиб, йирик ер эгаллиги ҳукмрон бўлган вақтда инсоннинг табиий ҳуқуқларини тан олиши мумкин бўлмаган.

Ҳуқуқни тарихий тушуниш назариясининг ҳам ўзига хос камчиликлари йўқ эмас:

– бу назария йирик ер эгаллиги тузуми инқирозга учраган бир пайтда табиий ҳуқуқ назариясига қарама-қарши назария сифатида эски тузумни сақлаб қолиш ниятида вужудга келган;

– ҳуқуқий одатларнинг аҳамиятини қонунлардан устун қўйишга ҳаракат қилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ҳуқуқий урф-одатлар ижтимоий муносабатларни тартибга солишда давлат органларининг ҳуқуқий ҳужжатларисиз ожизлик қилиб қолади.

8-§. Ҳуқуқни марксча тушуниш

Ҳуқуқ назарияси ҳуқуқни марксча тушунишни бундай таърифлайди: *биринчидан*, ҳуқуқ синфий ҳодиса бўлиб, ҳукмрон синфнинг қонун даражасида ифодаланган иродасидир.

Иккинчидан, ҳуқуқда ифодаланган синфий ироданинг мазмуни моддий ишлаб чиқариш характери билан, ишлаб чиқариш воситаларининг тўла эгаси, давлат ҳокимиятини ўз қўлида тутиб турган синфнинг характери билан белгиланади.

Учинчидан, ҳуқуқ ижтимоий ҳодиса бўлиб, синфий ирода – давлат-норматив иродаси сифатида ифодаланadi. Ҳуқуқ – давлат томонидан ўрнатилган муҳофаза қилинадиган нормалар йиғиндисидир.

Ҳуқуқни марксистик тушуниш ўзига хос салбий нуқсонларга ҳам эга.

Хусусан:

– ҳуқуқда умуминсоний қадриятларга путур етказиб синфий ҳолатларга ортикча аҳамият беради;

– ҳуқуқни ҳаддан зиёд моддий омиллар иқтисодий детерминизм билан боғлайди.

9-§. Ҳуқуқни тушунишга интегротив ёндашув

Ҳуқуқни тушуниш бўйича ҳар хил ёндашувлар билан танишув ҳуқуқнинг кўп қиррали тушунча эканлигини тасдиқлаб турибди. Бу ёндашувларнинг бирортаси мутлақ тўғри ҳам эмас, нотўғри ҳам эмас. Уларнинг ҳар биридан бирор фойдали жиҳатларни топиш имконини беради. Шу боис ҳуқуқни тушунишда интегротив ёндашувга эҳтиёж туғилади. Чунки, ҳуқуқни кўллаш ва ҳуқуқни ижод қилиш жараёнида бу назарияларнинг барча ибратли жиҳатларини умумлаштириш зарурати туғилади. Бирок, барча нуқсонларини умумлаштириш хавфини олдини олиш керак бўлади.

Интегротив ёндашув асосида ҳуқуқни мукамал қилувчи, ривожлантирувчи, инсон, давлат, жамият талабларига жавоб берувчи жиҳатларни умумлаштиришга эътибор бериш зарур. Бу ҳуқуқнинг шаклига ҳам, мазмунига ҳам тааллуқли хусусиятларни қидиришни зарур қилиб қўяди. Эркинликнинг адолатли ўлчовлари ҳуқуқнинг мазмунини тавсифлайди, шаклий жиҳатини эса давлат томонидан мажбурловга асосланувчи мажбурийлик ташкил этади. Шу боис, амалиётчи (судья, прокурор, милиция ходими, юрисконсульт) учун қайси норматив ҳужжатда, қандай ҳуқуқий муносабат, қандай ҳуқуқий онгда ифодаланган эркинлик ва адолатни эмас, муайян жамиятда муҳофаза қилинадиган эркинлик ва адолатни ҳимоя қилиш муҳим. Акс ҳолда норозиликлар, жанжаллар, ҳар қандай адолатни топташларга йўл очилади.

Шундай қилиб, ҳуқуқ амалда мутлақо мукаммал талабга жавоб берадиган бўлмай, вақт ва макон шарт-шароитларига қараб ўзгаришлар, тўлдиришлар, янгиланишларга муҳтож бўлади. Шу боис ҳуқуқ ижодкорлигининг самарали бўлишини таъминлаш мақсадида ҳуқуққа ҳар хил ёндашувлардан фойдаланиш, ҳуқуқнинг ҳар хил таърифларини ўрганиб уларни синтез қилиш яхши самара беради. Ҳуқуқ нима деган баҳслар асосида жуда кўп амалий муаммолар: ҳуқуқнинг асослари, ҳуқуқнинг манбалари, ҳуқуқнинг таъсир доираси, ҳуқуқнинг самарадорлиги, ҳуқуқдаги зиддиятлар ҳал қилинади.

Хулоса қилиб, ҳуқуқнинг интегратив таърифини келтирамиз. Ҳуқуқ – жамиятда тан олинган ва расмий муҳофаза билан таъминланган тенглик ва адолат меъёрлари, эркин хоҳиш иродаларини мутаносиблаштирувчи, уларнинг ўзаро курашларини ҳамда ўзаро муносабатларини тартибга солувчи меъёрлар мажмуидир.

VIII боб. ХУҚУҚ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

1-§. Хуқуқ принципларининг тушунчаси ва моҳияти

Хуқуқ принциплари, ҳеч муболағасиз, унинг моҳиятини ифодаловчи асосий механизмлардан бирини, таг замин ўзаги (синч – умуртқаси)ни ташкил этади. Улар бутун ҳуқуқий материяни – ғоялар, нормалар ва муносабатларни қамраб олиб, жами ҳуқуқий ҳаётга муайян мантик, мазмун – маъно, собитқадамлик, ички мутаносиблик ҳамда уйғунлик бахш этади. Янада теранроқ таъриф қиладиган бўлсак, ҳуқуқ принципларида, бамисоли, ҳуқуқ ривожининг бутун дунёвий тажрибаси, инсоният маърифий тараққиётининг ҳосиласи ўзининг муҷассам ифодасини топади. Принциплар ҳуқуқ шаклланишида йўналиш берувчи мўлжал, мезон вазифасини ўтайди.

Хуқуқ принциплари ҳуқуқнинг шаклланиш жараёни, ривожланиши ва ҳаракатланишининг раҳбарий ғояси, ибтидо қондаси, етакчи мезони сифатида майдонга чиқади.

Аввало қонунда, ҳуқуқий нормаларда ўз тасдиғини топадиган ҳуқуқ принциплари жамиятнинг бутун сиёсий-ҳуқуқий ҳаётига, мамлакат ижтимоий тизимига тўлалигича сингиб кетади. Улар нафақат ҳуқуқнинг моҳиятини, балки унинг мазмунини тавсифлайди, нафақат унинг ички тузилиши, статик ҳолатини, балки ҳуқуқни қўллаш жараёнини, ҳуқуқ фаолиятининг динамикасини акс эттиради. Хуқуқ принциплари норматив актларни тайёрлашнинг бутун жараёнига, уларни қабул қилиш ва чиқаришга, ҳуқуқий талабларга риоя этиш қафолатлари ўрнатилишига ниҳоятда катта таъсир кўрсатади.

Хуқуқ принциплари ўзига хос таянч тузилма (конструкция) бўлиб, унга нафақат ҳуқуқ нормалари, институтлари ёки тармоқлари, балки бутун ҳуқуқ тизими асосланади. Мазкур раҳбарий тамойиллар давлат идораларининг бутун ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти учун йўналтирувчи машғал бўлиб хизмат қилади. Уларга риоя этиш даражасига ҳуқуқий тизимнинг бақамтилиги, барқарорлиги ва самаралилиги бевосита боғлиқ. Хуқуқ принциплари умуммажбурий тусга эга бўлганлиги сабабли

улар турли ҳуқуқ тармоқлари ва институтлари, нормалари ва ҳуқуқий муносабатлар ўртасидаги, объектив ҳамда субъектив ҳуқуқ ўртасидаги ички бирликни, уйғунликни ва ўзаро алоқадорликни таъминлашга кўмаклашади.

Ўз моҳияти, табиати жиҳатидан ҳуқуқ принциплари тасодифий эмас, балки жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тизими томонидан объектив тарзда белгиланади. Бундан ташқари, улар мазмунига мамлакатда мавжуд давлат ва ҳуқуқ, ҳукмрон сиёсий ва давлат режими, жамият сиёсий тизимининг қурилиш ҳамда амал қилиш тамойиллари ўз таъсирини ўтказади¹.

Юқоридаги фикр кундек равшан, уни исботлаб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Зеро, айтайлик, феодал ҳуқуқнинг тузилиш ва ҳаракатланиш принциплари қулдорчилик ҳуқуқи ёки ҳозирги замонавий ҳуқуқ принципларидан тубдан фарқ қилади. Шунингдек, рим ҳуқуқига асосланган бугунги кунимиздаги роман – герман ҳуқуқининг принциплари ислом дини арконларига асосланган мусулмон ҳуқуқи принципларидан фарқланиши барчага аёндыр.

Ҳуқуқ принциплари, одатда, бевосита қонун ҳужжатларида (конституция ва жорий қонунларнинг муқаддасида, моддаларида) мустаҳкамланади; баъзан ҳуқуқ нормаларининг мазмунидан келиб чиқади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддасида инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик принципи, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қондалари устуңлигини тан олиш принципи ўз аксини топган.

Шунингдек, Конституциямизнинг бир қатор моддаларида ўта муҳим бошқа ҳуқуқий принциплар мустаҳкамланган. Улардан баъзиларини эслаб ўтамыз: «давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги» (2-модда), «халқ ҳокимиятчилиги» (7-модда), «давлат ҳокимиятининг тақсимланиши» (11-модда), «сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрлар хилма-хиллиги» (12-модда), «Конституция ва қонун устуворлиги» (15 ва 16-моддалар), «фуқароларнинг қонун олдида тенглиги» (18-модда) ва ҳоказо.

¹Васильев А.М. *Правовые категории. Методологические аспекты разработки системы категорий теории права.* – М., 1976, 216-225бетлар

Хорижий давлатлар тажрибаси ҳам айнан шундай. Мисол учун Швеция Конституциясининг 1-моддасига мувофиқ: «Швецияда бутун давлат ҳокимияти халқдан келиб чиқади. Швед халқининг бошқаруви фикрларни эркин шакллантириш ҳамда умумий ва тенг сайлов ҳуқуқига асосланади. Бошқарув давлат тузуми воситаси билан, вакиллик ва парламент тизими, ва коммунал ўзини ўзи бошқариш орқали амалга оширилади».

Адолат ва эркинлик ҳуқуқ биносининг тамал тошларидир. Барча принциплар орасида улар алоҳида муҳим ўрин тутади. Адолат ва эркинлик принципи кўпгина нуфузли халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, мамлакат ички қонунчилигида ўз тасдиғини топган. Фикримизнинг далили сифатида 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»ни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси ва бошқа қонунларни келтириш мумкин.

2-§. Ҳуқуқ принципларининг таснифи

Ҳуқуқ принципларини мазмуни, намоён бўлиш жабҳаси ва хусусиятларига қараб турли мезонлар асосида таснифлаш мумкин. Масалан, ҳуқуқнинг типи ва ҳаракатланиш кўламига қараб қулдорчилик, феодал, буржуа ва социалистик ҳуқуқ принциплари ҳақида гапириш мумкин. Шунингдек, ҳуқуқ принциплари ўз табиатига кўра ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, ахлоқий, диний ва махсус-юридик турларга бўлинади. Ҳуқуқшуносликка оид адабиётларда умумий ва махсус, соҳавий ва тармоқлараро принциплар тўғрисида фикр – мулоҳазалар мавжуд.

Умумий ҳуқуқий принциплар бутун ҳуқуқий тизим замида туриши билан характерланади. Бу принциплар таҳлили орқали у ёки бу мамлакат ҳуқуқий тизимининг мазмун – моҳияти, табиати, ўзига хос хусусиятлари, ҳаракатланиш сифатлари ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Бундай ҳуқуқий принциплар қаторига қуйидагилар киради:

1) **Ҳуқуқни шакллантириш ва амалга оширишда демократизм принципи.**

Мазкур принцип ҳуқуқни яратиш соҳасида халқнинг, бевосита халқ вакиллари бўлмиш депутатларнинг, жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партияларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқий сиёсатни шакллантириш ва қонунчиликни такомиллаштиришда кенг иштироки орқали намоён бўлади. Ҳуқуқни амалга ошириш жабҳасида демократизм тамойили ҳуқуқни қўлловчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларни ташкил этиш ва фаолият юритиш тартибида, даставвал одил судловни амалга ошириш жараёнида, уларнинг фуқароларга яқинлигида, аҳоли учун юридик ёрдамнинг реаллиги даражасида ўз аксини топади.

Хусусан, Ўзбекистонда авж олдирилаётган суд-ҳуқуқий ислохотнинг заминиди ҳам демократик жиҳатларни чуқурлаштириш ётади. Бунда адвокатлар мавқеини кучайтириш, суд жараёнида прокурор билан адвокатнинг ҳуқуқий мавқеини тенглаштириш, прокуратура ва милиция фаолиятини инсон ҳуқуқларини таъминлаш нуқтаи назаридан ислох этиш кабилар кўзда тутилади. «Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор, – деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов. – Булар – халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир. Ана шу уч соҳада ҳақиқий силжишлар бўлмас экан, демократия ҳақидаги ҳамма гап – сўзлар ё халққа хушомад қилиш ёки оддий сиёсий ўйин бўлиб қолаверади»².

2) Қонунийлик принципи. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни субъектлари томонидан норматив-ҳуқуқий актлар лойиҳасини тайёрлаш, муҳокама этиш, қабул қилиш ва нашр этиш қонунлар, аввало, Конституция асосида амалга оширилади. Қонунийлик тамойилининг асосий маъноси шундаки, қонун чиқарувчи идора – парламентнинг ҳам, ҳуқуқ ижод этувчи бошқа идораларнинг ҳам фаолияти қонун асосида қатъий амалга оширилиши лозим.

² Каримов И.А. *Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.* – Т., 1998, 156-157-бетлар.

Судлов жараёни ҳамда ҳуқуқни амалга оширишда иш кўрадиган барча давлат идоралари ва мансабдор шахслар фаолияти ҳам батамом қонунга мос равишда бўлиши талаб этилади. Мазкур фаолиятда қонунийлик принципи барча мутасадди идоралар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар хатти-ҳаракатида қонунга итоат этиш, унинг талабига оғишмай риоя қилишда намоён бўлади. Қонунийлик умумийлик ва ягоналик сифатлари билан характерланади. Қонунга итоат этиш барча субъектлар учун умумий талабдир. Айни вақтда, қонундаги ҳар бир қоида ҳуқуқий муносабатнинг барча иштирокчилари учун ягона талаб сифатида майдонга чиқади. Бошқача қилиб айтганда, қонун устувор ва бутун мамлакат ҳудудида ягонадир. У бир хилда тушунилиши ва бир хилда бажарилиши лозим.

3) Инсонпарварлик принципи. Бунинг маъноси шундаки, ҳуқуқ жамият – инсон – давлат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш ва тартибга солишда адолат, инсонни севиш, шахсни эъзозлаш ва унинг шаънини қадрлаш, унга ҳаёт кечириниш учун муносиб шарт-шароитлар яратиб бериш нуктаи назаридан келиб чиқади.

Ҳуқуқнинг инсонпарварлиги қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган иқтисодий ҳамда ижтимоий тузум шахс учун қулай шарт-шароитлар, имтиёзлар яратишини назарда тутаяди. Ҳуқуқда шахсни таҳқирловчи, қийновчи, унга нисбатан ноинсоний муносабатни мустаҳкамловчи қоидалар бўлиши мумкин эмас. Мамлакатда вужудга келтирилган кафолатлар тизими фуқароларни ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлардан ҳамда уларнинг оқибатларидан ҳимоя қилиши керак.

Албатта, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг тўла кафолати фақат демократик ҳуқуқий давлат шароитидагина бўлиши мумкин. Ўзбекистонда инсонпарвар ҳуқуқнинг шаклланиши мустақиллик, давлат суверенитетининг қўлга киритилиши ҳамда мустаҳкамланиши даври билан чамбарчас боғлиқдир. Хусусан, Ўзбекистон Конституциясида: оила жамият ва давлат муҳофазасидадир (63-модда). Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунарликка қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди (64-модда). Воя-

га етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар (66-модда), – деб таъкидланганлигида нақадар инсонпарварлик ғоялари мужассамдир. Бундай инсонпарварлик билан йўғрилган ҳуқуқий қоидаларни Оила кодексида, Меҳнат кодексида, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида», «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги ва бошқа қонунларимизда кўплаб учратиш мумкин.

4) Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Мазкур принцип қўйидаги жиҳатлар билан тавсифланади. Биринчидан, давлатда барча фуқаролар тенг ҳолат ва мақомга эгаллиги. Давлат ўз қонунлари билан фуқароларга бир хилдаги шароит ва тенг имкониятлар яратиб беради. Ҳамма бир хилдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Бирок, улардан фойдаланиш амалда турлича бўлади. Масалан, биров олий ўқув юртига киради, иккинчи фуқаро эса бу ҳуқуқдан фойдаланмайди. Иккинчидан, бу принцип умумфуқаровий ҳуқуқларнинг тенглигида ифодаланади. Бу ҳуқуқлар, аввало, Конституцияда ва бошқа қонунларда мустаҳкамланади. Булар фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва сайланиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи, медицина ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи, турар жойга, хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқи ва ҳоказолардир. Учинчидан, бу принцип фуқароларнинг қонун олдида бирдек масъуллигида ифодаланади. Қонунни бузган ҳар бир фуқаро, ҳар бир мансабдор шахс (шу жумладан, юридик шахс) беистисно ўз қилмиши учун жавоб бериши шарт.

5) Давлат ва шахснинг ўзаро масъуллиги принципи. Давлат билан шахс бир-бирлари билан муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали боғлиқ бўлишлари лозим. Бу демократик сиёсий тизим ва адолатли давлат бошқарувининг муҳим талабларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси-

нинг Конституциясида ана шу талаб ўз ифодасини топган: «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир – бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас» (19-модда). Аини вақтда, давлат идоралари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

Ўз навбатида, фуқаролар Конституция ва қонунларга қатъий итоат этишлари, жамият манфаатларига мувофиқ иш тутишлари, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари, қонун билан белгиланган солиқларни тўлашлари лозим. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмаслиқлари шарт (Конституциянинг 20-моддаси). Башарти, бир томондан, давлат, давлат идоралари ва мансабдор шахслар, иккинчи томондан, фуқаролар ўз зиммаларидаги қонуний мажбуриятларини бузсалар, тегишли юридик жавобгарлик келиб чиқади. Бундай ҳолларда фуқаро давлат олдида, давлат эса (ўз мансабдор шахслари ва идоралари орқали) фуқаро олдида қонунда белгиланган мажбуриятларни ўтайди. Мазкур юридик муносабат ҳамда алоқадорлик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг зарурий шартидир. Таъбир жоиз бўлса, бу ерда гап «давлат суверенитети» ва «шахс суверенитети»нинг ўзаро диалектик алоқадорлиги, боғлиқлиги хусусида бормокда.

Умумий ҳуқуқий принциплар қаторига, шунингдек, ижтимоий адолат, тенг ҳуқуқлилиқ, ҳуқуқ ва мажбуриятлар борлиги, ҳуқуқнинг устуворлиги кабилар киради.

Махсус-юридик принциплар аслида ҳуқуқий тилда ифодаланган ижтимоий принциплардир. Одатда, илмий адабиётларда махсус-юридик принциплар тоифасига қуйидагилар киритилади:

1) ҳуқуқ нормаларининг бутун мамлакат аҳолиси учун умумий-мажбурийлиги ҳамда уларнинг бошқа ижтимоий нормалардан устуворлиги;

2) амалдаги объектив ҳуқуқни ташкил этувчи нормаларнинг зиддиятсизлиги ва қонуннинг бошқа норматив-ҳуқуқий актлардан устунлиги;

3) ҳуқуқнинг оммавий ва хусусий ҳуқуққа, нисбатан мустақил ҳуқуқ соҳалари ҳамда институтларига бўлиниши;

4) объектив ва субъектив ҳуқуқ ўртасида, ҳуқуқ нормаси ва ҳуқуқий муносабат ўртасида, ҳуқуқ билан ҳуқуқнинг қўлланиши ўртасида мутаносиблик нисбатининг мавжудлиги принципи;

5) ижтимоий эркинлик, қонун ва суд олдида тенглик, тенг ҳуқуқлилиқ принципи;

6) қонунда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларнинг юридик кафолатланганлиги;

7) тенг юридик мезон (микёс)ларда ифодаланган ҳуқуқ-атворнинг адолатлилиги ҳамда юридик жавобгарликнинг содир этилган ҳуқуқ бузилишига мутаносиблиги;

8) юридик жавобгарликнинг фақат айбли ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик) учунгина қўлланиши ва айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда кўрилиб, унинг айби исботланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги; айбсизлик презумпцияси принципи (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси);

9) янги ёки нисбатан оғирроқ юридик жавобгарликни ўрнатаётган қонуннинг орқага қайтиш кучига эга эмаслиги принципи; жазолаш тизимини инсонпарварлаштириш.³

Тармоқлараро ҳуқуқий принциплар икки ёки ундан ортиқ ҳуқуқ тармоқлари доирасида амал киладиган принциплардир. Кўпинча бундай принциплар бир-бирига яқин турувчи ҳуқуқ соҳаларини қамраб олади (масалан, конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ соҳалари; жиноий-процессуал ва фуқаролик-процессуал ҳуқуқи соҳалари учун умумий бўладиган принциплар). Айтайлик, моддий жавобгарлик принципи меҳнат ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи соҳаларида қўлланиладиган тамойил. Фақат айб учун жавобгарлик принципи эса Жиноят кодексида ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда, бевосита улардаги моддаларда акс эттирилган. Бу

³ *Қаранг: Общая теория государства и права. Академический курс в 2-х томах. Под ред. М.Н.Марченко. Том 2. Теория права. – М., 1998, 24-25-бетлар.*

принцип фуқаролик қонунчилигида ҳам асосий дастуриламалардан бири ҳисобланади.⁴ Айбсизлик презумпцияси принципи ҳам тармоқлараро характерга эга. У жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, жиноят-процессуал ҳуқуқи ва бошқа тармоқларда қўлланилади.

Соҳавий ҳуқуқий принциплар фақат битта конкрет ҳуқуқ соҳаси доирасида ҳаракатланади. Масалан, ер ҳуқуқи учун «ерга эгалик қилиш шаклларининг кўплиги ва уларнинг тенглиги» принципи, «ернинг фуқаролик муомаласида бўлиш» принципи, «ер устидан давлат бошқарувини амалга ошириш» принципи, «ерда мустақил хўжалик юритиш ва ердан фойдаланувчи субъектларнинг тенглиги» принципи, «ердан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланиши» принципи ва ҳоказолар.

Яна бир мисол. Хўжалик-процессуал (арбитраж-процессуал) ҳуқуқида қуйидаги принциплар раҳбарий роль ўйнайди: судьяларнинг сайлаб қўйилиши, уларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуши принципи, ишларни кўришда коллегиялик ва яккабошчиликнинг қўшиб олиб борилиши принципи, ишларни кўришда ошкоралик принципи, ишда қатнашаётган тарафларнинг тенглиги принципи, низоларни кўришда баҳслашиш, оғзакилик ва бевоситалик принциплари.

Ҳар бир ҳуқуқ соҳаси умумий ва тармоқлараро принципларга таянишдан ташқари фақат ўзигагина хос принципларга ҳам асосланади. Бу принципларнинг барчаси биргаликда нафақат ҳуқуқ соҳаси учун, балки бутун ҳуқуқ тизимининг тузилиши ва ҳаркатланишига замин бўлиб хизмат қилади.

3-§. Ҳуқуқ функциялари тушунчаси ва турлари

Ҳуқуқнинг моҳияти ва ижтимоий вазифаси унинг функцияларида намоён бўлади. **Ҳуқуқ функциялари** – ижтимоий муносабатларга юридик таъсир этишнинг асосий йўналишлари бўлиб, уларнинг мазмуни ҳуқуқнинг моҳияти ва жамият ҳаётидаги ижтимоий вазифаси билан белгиланади. Ҳуқуқ, аввало, жамият ҳаётининг турли жабҳаларига – иқтисодиётга,

⁴ Лившиц Р.З. *Теория права*. М., 1994, 199-бет.

сиёсатга, ижтимоий соҳага, маданий-маънавий муносабатларга таъсир этади ва шу тарика иқтисодий, сиёсий ва тарбиявий мазмундаги умумижтимоий функцияларни бажаради.

Ҳуқуқ функциялари қуйидаги хусусиятлар билан характерланади:

биринчидан, ҳуқуқ функциялари ҳуқуқнинг моҳиятидан келиб чиқади ва унинг жамиятдаги вазифаси билан белгиланади. Функция – ҳуқуқ моҳиятининг ижтимоий муносабатлар мазмунида ифодаланиши (ёритилиши)дир;

иккинчидан, ҳуқуқ функциялари – ижтимоий муносабатларга таъсир этишнинг шундай йўналишларики, уларни амалга ошириш эҳтиёжи ҳуқуқнинг ижтимоий ҳодиса сифатида мавжудлиги заруриятидан келиб чиқади;

учинчидан, функциялар ҳуқуқнинг энг муҳим, жиддий сифатларини ифода этади ва жамият ривожининг ҳозирги босқичида ҳуқуқ олдида турган туб вазифаларни бажаришга йўналтирилади;

тўртинчидан, ҳуқуқ функциялари унинг ижтимоий муносабатлар муайян турини тартибга солувчи фаол ҳаракатининг йўналишини акс эттиради. Шу боис ҳуқуқ функцияларининг муҳим белгиларидан бири унинг динамизми, ҳаракатланиши, таъсир этишидир;

бешинчидан, ҳуқуқ функциялари доимийлик хусусиятига эга, бу уларнинг узлуксизлиги, узоқ муддат ҳаракатланишини англатади.

Соф юридик нуқтаи назардан ҳуқуқ функцияларини икки турга ажратиш мумкин: **регулятив** (тартибга солувчи) ва **негатив** (кўриқловчи) функциялар.

Ҳуқуқнинг регулятив функцияси жамият аъзолари юриштириши ва хулқ-атворининг ижобий, барчага мақбул қоидаларини ўрнатишдан, ижтимоий муносабатларни юридик ташкиллаштиришдан, инсонлар ўртасидаги ижтимоий алоқаларни уйғунлаштириш ва барқарорлаштиришдан иборат. Бу функция доирасида ҳуқуқий таъсирнинг яна икки йўналиши ҳақида гапириш мумкин: **регулятив-статик** ва **регулятив-динамик** ҳуқуқий функциялар.

Ҳуқуқнинг регулятив-статик, яъни тартибга солувчи – статик функцияси деганда, ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларга, улар мавжуд ҳолатини, эришилган даражасини мустаҳ-

камлашга, барқарорлаштиришга қаратилган таъсир этиши тушунилади. Ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу ҳуқуқий институтлар шаклида мустаҳкамланиши ҳуқуқий тартибга солиш мақсадларидан биридир. Ушбу функция турли субъектларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда, масалан, инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлашда, давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг ваколатларини белгилашда, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқдорлигини белгилашда намоён бўлади. Ҳуқуқнинг мазкур функциясида унинг табиати ниҳоятда яққол акс этади. Зеро, фуқаролар ва ташкилотларга ҳуқуқий ваколатлар берилади, улар шу ваколатлар доирасида эркин, ўзлари истаганча фаолият юритадилар. Бу чегара қанчалик кенгайса, инсонлар шунчалик эркин ҳаракат қиладилар.

Тартибга солувчи – статик функция ваколат берувчи ва ман этувчи нормалар орқали амалга ошади, шу боис улар асосида таркиб топадиган муносабатлар пассив ҳуқуқий муносабатлар тоифасини ташкил этади. Бундай ҳолатларда ҳуқуқ субъектлари ўзлари ташаббус кўрсатиб ҳуқуқий фаолият қилишлари мумкин.

Ҳуқуқнинг регулятив-динамик, яъни тартибга солувчи – динамик функцияси деганда, ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларга таъсир этиб, уларнинг келгусидаги ривожланишини, ўзгариш ҳамда такомиллашувини белгилаб бериши тушунилади. Бу ерда ҳуқуқ ижтимоий муносабатларнинг тарққиётини, ҳаракатланиши (динамикаси)ни расмийлаштиради. Мазкур функция мажбурият юкловчи нормалар воситасида амалга оширилади. Масалан, қонунчиликда фуқаролар зиммасига қатор мажбуриятлар юклатилади: солиқларни тўлаш, ҳарбий бурчни адо этиш, меҳнат интизомига риоя қилиш, шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш ва ҳоказолар. Тартибга солувчи-динамик функция фаол тоифадаги ҳуқуқий муносабатлар шаклида рўёбга чиқади. Булар фуқаролик, меҳнат, маъмурий, молия ва бошқа ҳуқуқ соҳалари институтларида ўз аксини топади.

Ҳуқуқнинг регулятив функциясини амалга оширишда кенг тарқалган усуллар қуйидагилардир:

– ҳуқуқ нормалари воситасида фуқароларнинг ҳуқуқий-муомала лаёқатини белгилаш;

– фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш (мустаҳкамлаш) ва ўзгартириш;

– давлат идораларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда мансабдор шахсларнинг ваколатларини белгилаш;

– юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини мустаҳкамлаш;

– ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи юридик фактларни белгилаш;

– ҳуқуқ субъектлари ўртасида конкрет ҳуқуқий алоқани ўрнатиш (тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлар);

– конкрет ижтимоий муносабатларга татбиқан ҳуқуқий тартибга солишнинг оқилона типини белгилаш.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятлардан келиб чиқиб, ҳуқуқнинг регулятив функциясини шундай таърифлаш мумкин. Ҳуқуқнинг регулятив (тартибга солувчи) функцияси – ҳуқуқнинг ижтимоий вазифаси билан белгиланган бўлиб, у ҳуқ-атворнинг ижобий қондасини ўрнатишда, жамият, давлат ва фуқаролар манфаатларига оид муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида ҳуқуқ соҳибларига субъектив ҳуқуқлар бериш ва юридик мажбуриятларни юклашда намоён бўлади.

Ижтимоий муносабатларни қўриқлаш зарурияти ҳар доим мавжуд бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Ҳуқуқ ҳамisha ижтимоий муносабатларни муҳофаза этиш воситаси бўлиб келган. Ҳуқуқий таъсирнинг бу йўналиши ҳуқуқнинг қўриқловчи функциясини ташкил этади.

Ҳуқуқнинг қўриқловчи функцияси – унинг ижтимоий вазифаси билан белгиланган ҳуқуқий таъсир этиш йўналиши бўлиб, у умумий аҳамиятга молик, ўта муҳим иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа ижтимоий муносабатларни муҳофаза этишга, уларнинг дахлсизлигини таъминлашга йўналтирилади ва шу билан бирга, жамиятга ёт, зарарли муносабатларни сиқиб чиқаришга қаратилади.

Қўриқловчи функциянинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, у ҳуқуқни кишилар ҳуқ-атворига таъсир этишнинг алоҳида воситаси сифатида таърифлайди. Ҳуқуқ бу вазифани жазо қўллаш, тақиқлар ўрнатиш ва юридик

жавобгарликни амалга ошириш билан кўрkitиб, инсонлар ироласига таъсир ўтказиш орқали бажаради;

иккинчидан, унда давлат ҳуқуқий қондалар воситасида қандай ижтимоий кадриятларни ўз ҳимоясига олганлиги тўғрисида ижтимоий муносабат субъектларига ахборот етказилади;

учинчидан, у жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ларажасининг, ҳуқуқдаги инсонпарварлик асосларининг кўрсаткичидир.

Ҳуқуқнинг кўриқловчи функциясига хос хусусиятлар уни давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолияти билан қиёсланда аниқроқ намоён бўлади. Тегишли давлат идоралари ҳуқуқ соҳиблари томонидан қонун талаблари сўзсиз қатъий бажарилишини таъминлайди, жамиятда қонунийлик муҳитини вужудга келтирадилар. Бу ҳуқуқ бузилиши фактини аниқлаш, уларни тергов қилиш ва айбдорларни юридик жавобгарликка тортиш билан таъминланади.

Шундай қилиб, ҳуқуқнинг кўриқловчи функцияси – ҳуқуқнинг бевосита ҳаракатланиши бўлса, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолияти ҳуқуқ талабларига риоя қилишнинг моддий кафолатидир. Бунда махсус идоралар (ИИВ органлари, прокуратура, суд)нинг ҳуқуқни кўриқлашга қаратилган фаолияти майдонга чиқади. Бундан ташқари, кўриқловчи функция ижтимоий муносабатларни ҳимоялашга йўналтирилгандир.

IX боб. ХУКУҚИЙ ОНГ

1 -§. Хуқук ва ҳуқуқий онгнинг ўзаро боғлиқлиги

Жамият ҳаётининг олға қараб ривожланишида ҳуқук ижтимоий муносабатларни тартибга солиб туриш йўли билан унга уюшқоқлик ва тартиб киритади. Ҳуқукнинг қондага солиш таъсири ўта кўп кирралидир. Яъни у, бир томондан, мавжуд ижтимоий муносабатларни мустаҳкамласа ва барқарорлаштира, иккинчи томондан, ҳаётда энди туғилиб келаётган янги муносабатларнинг ривожига рағбатлантирувчи таъсир қилади. Ижтимоий ҳаёт ривожига тўсқинлик қилувчи, жамиятнинг олға боришига ҳалақит берувчи, яъни жамият муносабатлари учун нохуш бўлган ҳодисаларнинг олдини олишда ҳам ҳуқукнинг вазифаси кам эмас.

Ҳуқук – озодлик меъёрини белгилаб ёки ман этиб, мажбурият юклаб ва аниқлаб, одамларни аниқ ривожланиш изига солиб, уларнинг феъли-атвориға фаол таъсир кўрсатади. Ҳуқукнинг тартибга солиш таъсири, унинг одам онгига таъсирида юзага чиқади. Ҳуқуқий талаблар онгда акс этиб, шахс томонидан англаб етилади, тушунилади ва ўзлаштирилади, инсоннинг ҳуқуққа муносабатини белгиловчи таассурот ва ишончнинг мураккаб билимлар бирикмасига айланади.

Ҳуқук, ижтимоий ҳодиса сифатида, ондан ташқарида мавжуд бўла олмайди. У, ҳақиқий воқеликнинг бошқа ҳамма ҳодисалари каби, жамият онгида акс этиб, нафақат унинг инъикосига, балки билиш қуроли ёки усулиға айланади. Ушбу мураккаб руҳий соҳада кечадиган ички фикрлаш жараёни ҳуқуқий ҳақиқатнинг ондаги аксини тушуниб етиш ва ҳуқук ҳақидаги билимларни шакллантириш билан боғланган. Ҳуқук ва онг ўртасида вужудға келадиган узилмас боғлиқликни кўзда тутиб, аввало ҳуқуқий онг тушунчасини аниқлаб олиш лозим.

Ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг бир шаклидир. Демак, у ягона шакл эмас. Ҳаётнинг соҳалари ғоятда хилма-хил ва уларнинг ҳар бири жамият онгида диний, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва бошқа аниқ шаклларда юз беради. Ўрганадиган соҳасининг ўзига хослигидан қатъи назар, ижтимоий онг-

нинг ҳар бир шакли бошқа шакллар билан узвий алоқада ривожланади. Гоҳо, ижтимоий онгнинг ҳар хил шакллари ўртасидаги ўзаро сингиб бориш тарзи муайян қийинчиликлар туғдирадики, натижада уларни ажратиш осон бўлмай қолади.

Ҳамма биладиган – «Ўлдирма!», «Ўғирлама!» каби диний ақидалар ўзининг юқори ахлоқий талаби билан ажралиб туради. Аммо шу талабларнинг ўзи ижтимоий онгнинг ахлоқ каби шаклида ҳам кўринади.

Ҳуқуқда кўзда тутилган ўғирлик, жамоат мулкни талон-торож қилиш ёки одам ўлдириш учун жиноний-ҳуқуқий жавобгарлик ўзининг табиати билан ўша ахлоқий талабнинг гавдаланиши ёки тимсоли эмасми? Яхшилик ва ёмонлик ҳодисаларини тушуниш, кўрдингизки, жамият онгининг ҳар хил шакл ва даражаларида ва шундай диалектик ўзаро боғлиқликда намоён бўлади. Шу билан бир вақтда уларнинг ҳар бири ижтимоий онгнинг алоҳида соҳасида ҳуқуқ ва ҳуқуқий воқеликнинг хилма-хил ҳодисалари билан узвий боғлиқдир. Онгнинг бу шаклини ҳуқуқсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, ҳуқуқни ҳам ҳуқуқий онгсиз ақлга сиғдириб бўлмайди. Бири иккинчисидан келиб чиқади, биридан олдин иккинчиси юз берган бўлади, чунки бир ҳолда ҳуқуқ ҳуқуқий онгнинг ривожига ёрдам берса, бошқа ҳолда бунинг акси бўлиб, ҳуқуқий онг ҳуқуқнинг ривожига, унинг такомиллашувига кўмаклашадди ва амалга киритилишини таъминлайди. Аммо, улар ўртасидаги мавжуд узилмас боғлиқлик, уларнинг ҳар бири инсон одатига таъсир қилишига қарамасдан, ҳуқуқ ва ҳуқуқий онгни бир-бирига ўхшатиш учун асос бўла олмайди. Уларнинг ҳар бири алоҳида ҳуқуқий ҳодиса сифатида, одамлар муносабатига, ўзининг тартибга солиш хусусиятига таъсир этиши билан фарқ қилади. Масалан, ҳуқуқнинг одамлар муносабатига таъсирининг ўзига хослиги шундаки, унинг меъёрий қоидалари умуммажбурий хусусиятга эга. Бу – ҳар ким ҳуқуқий талабга бўйсунмишга мажбур деганидир. Бўйсунмаслик бўлса, ҳуқуқий жавобгарлик билан боғлиқдир.

Ҳуқуқий онгга келсак, унинг тартибга солиш таъсир кучи бошқа шаклда амалга оширилади.

Гап шундаки, ҳар бир ҳуқуқий кўрсатма ҳуқуқий онг соҳаси орқали ўтгандан сўнггина, аниқ феъл-атворда ёки қилмишда амалга оширилади.

Ҳуқуқий буйруқ, ҳамма вақт, шахснинг онгига мурожаат қилади, чунки одилликнинг таъсир кучи шахсга қаратилган буйруқни инсон томонидан англаб олиб қабул қилинишига қаратилган. Инсон ҳуқуқий ахборотни англаб қабул қилиш, рухий тушуниб етишдек мураккаб жараёнга дуч келади. Ахир, ҳуқуқий онг, моҳияти бўйича ўзига хос «лабораторияни» ташкил қилади, унда ҳуқуқий ахборотни ўзлаштириш ва қабул қилиб олиш билан боғлиқ бўлган мураккаб жараён кечади. Ҳуқуқий онгнинг билиб олиш вазифаси, ҳуқуқий талабга нисбатан, ўзининг феъл-атвор йўлини ишлаб чиқишдаги баҳолаш фикрига ёки мулоҳазага айланади. Бошқача қилиб айтганда, миянинг ички фикрлаш ишининг бутун жараёни инсоннинг ўз-ўзини бошқариши, ўзини ўзи назорат қилишига, унинг феъл-атвори хусусиятини аниқлашга ёрдам беради. Ҳуқуқий талабни тушунишда, ҳуқуқий билим даражаси, адлия соҳасидан хабардорлиги, умумий ва шунингдек ҳуқуқий маданиятнинг савияси сўзсиз муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳуқуқ – қандай феъл-атвор шаклида (қонуний ёки қонунсиз) амалга оширилмасин, у ҳамма ҳолларда, аввало, инсоннинг онгига қаратилган бўлади, у орқали феъл-атворга уни тартибга солиш маъносида таъсир кўрсатади. Ҳуқуқ ва ҳуқуқий онгнинг юқоридагидек ўзаро таъсирида, шу мураккаб ижтимоий ҳодисанинг жамият муносабатларига таъсир кучи ва тартибга солиш таъсирининг моҳияти намоён бўлади. Ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг шундай соҳасики, унинг камровида: тушунча, таассурот, баҳолаш, фикр юритиш каби жараёнларнинг ҳуқуқ меъёрларигина шаклланиб қолмасдан, балки ҳуқуқий тизимнинг хилма-хил қисмлари (ҳакам, ҳакамлар иши, жазо бериш ҳуқуқи, милиция хизмати, нотариал идоралар, прокуратура ва бошқа кўп соҳалар) борасида тушунчалар юзага келади.

Пировардида – одамлар ҳулқ-атвори тамойилига сингиб кетадиган, хилма-хил ҳуқуқий ҳодисаларга жамият аъзоларининг муносабати, ҳуқуқ тўғрисидаги тушунча, ҳуқуқий билим – юқорида зикр этганимиздек шаклланади.

2-§. Ҳуқуқий онгнинг тузилиши

Мураккаб руҳий ҳодиса бўлган ҳуқуқий онг икки қисмга: ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий руҳиятга ажратилади. Шу бирликларнинг ҳар қайсисида ҳуқуқий ҳодисалар ўзига хос аксини топади. Масалан, улардан бирида, ҳуқуқий ҳодисалар илмий-тушуниб етилган мафкура кўринишида акс этса, иккинчисида эса, ҳуқуқий ҳодисанинг таркибий қисмлари, хилма-хил ҳис қилиш ва ҳолатлар шаклида намоён бўлади.

Ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий руҳиятларнинг ўзига хослиги улардаги мавжуд умумийликни ва ўзаро таъсири мутлақо инкор этмайди. Чунки улар бир-бирлари билан чамбарчас боғлангандир. Уларнинг бири иккинчисини тўлдиради, бири иккинчисидан келиб чиқади, шу тариха ҳуқуқий воқелик тўғрисида илмий асосланган, ҳиссий тушуниб етилган, мураккаб йўлни ўтган тушунчани ҳосил қилади.

Ҳуқуқий онг руҳий таркибининг бойлиги, унинг одамлар ҳулқ-атвориغا, уларнинг ҳуқуққа муносабатига таъсири унга ўзига хос куч бағишлайди.

Ҳуқуқий мафкура – ҳар хил ҳуқуқий ҳодисалар ҳақидаги нуқтаи назар, тушунча, гоё ва қарашларнинг илмий умумлаштирилган тизимидан иборатдир. Ҳуқуқий онгнинг ҳуқуқий мафкура қисмида аксини топган ҳуқуқий ҳодисалар ҳуқуққа бағишланган махсус назарий изланишларда ўз ривожини топиб, илмий даражада англаб етилади.

Бундай илмий асарларнинг мазмуни одамлар маънавий мулкига айланиб, уларнинг онгига аниқ ҳуқуқий билимларни, мулоҳазаларни, эътиқод ва кайфиятни олиб киради. Инсоннинг онгида ҳуқуқни билиб олиш жараёни, юқорида зикр қилганимиздек ёки шунга яқинроқ тарзда кечади. Одамнинг ҳуқуқий онг жараёнини билиб олиш вазифаси туфайли ҳуқуқни қўллашда, суд ишларида, қонунийлик ва қонун тўғрисида ахборот олинади. Шундай ахборотлар асосида ҳуқуқий маданият даражаси кўтарилади, одамнинг ҳуқуқий билими ривожланади ва теранлашади. Инсоннинг ҳуқуқий феъл-атвори қандайлиги, пировардида унинг ҳуқуқий маданияти даражасига, ҳуқуқий билимининг кенглиги ва теранлигига боғлиқдир. Ҳуқуқий мафкура – шахснинг ҳуқуқий онгини

илмий асосда шакллантира бориб, ҳуқуққа, одамнинг ҳуқуққа бўлган муносабатига ҳал қилувчи таъсир қилади.

Ҳуқуқий руҳият – онг доирасидаги ҳуқуқий ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда, онгда юзага келадиган ва унга сингиб кетган ҳис, кечинмалар соҳасини ифодалайди. Ҳуқуқий руҳият – ҳуқуқий ҳодисаларни ҳиссиёт билан тиклаш соҳасидир. Одам ҳиссиз, ўз-ўзидан ўйламасдан фикр қиладиган машина эмас – у, нафақат фикр қиладиган, балки сезадиган тирик зотдир. Шунинг учун, у ижтимоий ҳодисаларни, жумладан ҳуқуқий ҳодисаларни ҳам, нафақат ақл билан, балки сезги билан ҳам тушуниб етади.

Ҳуқуқий ҳодисаларни тушуниб етиш жараёни одамнинг иштирокисиз ривожлана олмайди, шу сабабли унда табиий тарзда ғоявий ва ҳиссий жараёнлар қўшилиб, чагишиб кетади. Мисол учун, лойихаланаётган қонун мазмуни билан оддий танишиб чиқиш, унда ҳар хил ҳаяжонланишни (шодланиш ва қаноатланишдан, англашилмовчилик ва ачинишгача, чуқур хафа бўлишгача) келтириб чиқаради ёки тўлқинланишга олиб келади. Одам ўзининг руҳий ҳолатига кўра ҳуқуқни оёқ ости қилиш, ноқонунийлик, зулм ва инсон эркини камситиш билан боғлиқ бўлган салбий ҳуқуқий воқеликларга бифарқ, лоқайд қола олмайди. Унинг ҳуқуқий кечинмалари ва кайфияти ғазаб, қаҳр ва норозилик сезгиларида намоён бўлиб, ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётнинг манфий ҳодисаларига танқидий қараш учун ҳиссий асос ярата бориб, инсонпарварлик ғоялари негизда, одамда қайта тузишга интилиш тугдиради.

Ҳуқуқий онг чегарасида ҳар қандай билимнинг шаклланиши идрок этиш жараёнини теранлаштира бориб, улар акс эттирган ҳодисаларни ўзлаштиришда ҳиссий тус олади. Ҳуқуқни такомиллаштиришда худди шу инсон ҳиссиёти (буни эслатиб ўтиш жоиз) олдинги ўринлардан бирида туради. Жамиятда ижтимоий одилликка эришишга қаратилган ва ҳиссий тус берилган талаблар кучига ишониш учун қулликни бекор қилиш, табақавий имтиёз ва чегаралаш, иркий камситиш, қонун олдида ҳамма фуқароларнинг конституциявий тенглигини тан олиш кабиларни эслашнинг ўзи кифоя. Ҳуқуқий онг соҳасида кечадиган фикрлаш жараёни одамлар талабини ва манфаатини ифода этувчи инсон ҳиссиёти билан йўғрилган ёки шу ҳиссиётдан тузилган. Ҳуқуқий онг

соҳасида вужудга келадиган ҳуқуқий ғоялар, тушунчалар ва таассуротлар, ақл ва сезгининг шундай ноаниқ чалкашиб кетиши оқибатида, одам феъл-атворини тартибга солишда катта таъсирчан кучга эга бўлади. Шунинг учун, ҳуқуқий онгни ўрганишга катта аҳамият берилади.

Ҳуқуқий онгнинг тузилиши таҳлили, бир томондан, ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий руҳият каби унинг табиий таркибий қисмларининг ўзаро таъсири табиатини ва ўзаро нисбатини очади, бошқа томондан, ижтимоий ҳаётда бутун ҳодиса сифатида унинг вазифасини очиб беришга ёрдамлашади.

Ҳуқуқий фан ҳуқуқий онг соҳасини ижтимоий ва шахсий турларга ажратади. Аммо бу чегаралаш, уларнинг ўртасидаги диалектик ўзаро боғлиқликни мутлақо инкор этмайди. Ҳуқуқий онгнинг ҳар бир турини, нисбатан мустақиллигини тан олган ҳолда, уларга хос бўлган хусусиятларни очадиган ҳуқуқнинг умумий назарияси, уларнинг иккаласи ҳам жамият ҳаёти маҳсули бўлганлиги учун, уларнинг бирлигини ягона ижтимоий ҳодисалар сифатида тан олишдан келиб чиқади. Ижтимоий онг ҳуқуқий онгнинг янада юқорироқ даражаси ҳисобланади, чунки унда ҳуқуқий воқеликка хос бўлган ҳамма хусусиятлар мужассамлашган. Унинг мазмуни ҳуқуқни билишда ва ҳаётга татбиқ қилишда одам тафаккурининг ижодий ютуқлари ва ижтимоий-ҳуқуқий амалиёти билан суғорилган.

Шахсий ҳуқуқий онгга келсак, у ўз мазмуни билан унча катта ҳажмли ва кенг эмас. Бундан ташқари, у, ҳуқуқий тафаккур тарихида тўплангани учун, ҳуқуқий билимлар йиғиндисини қамраб ола олмайди. Шахсий ҳуқуқий онг билиш имкониятлари жиҳатидан бир қадар чекланган. Ҳаммага маълумки, ҳар бир одамнинг ҳаёти алоҳидадир. Бир шахсда ҳуқуқий билим олиш имконияти катта бўлса, бошқасида камроқ. Биринчисининг ҳуқуқий онг даражаси юқори бўлса, иккинчисиники – паст. Шунинг оқибатида, шахсий ҳуқуқий онг ҳар хил ривожланиш даражасига эга. Маълум даражада, ҳуқуқий онг даражаси жамият аъзоларининг ҳуқуқий маълумотларига ҳам боғлиқдир. Шунга кўра, фуқароларнинг ҳуқуқий маданият даражасини кўтаришга кўмак берадиган ҳуқуқий ахборот тизимини ташкил қилиш масаласи алоҳида амалий аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий маданиятнинг даражасига қараб, ҳуқуқий онг

уч турга ажратилади: **оддий, илмий ва касбий**. Оддий ҳуқуқий онг, одатда, ўз-ўзидан вужудга келади ва одамнинг шахсий тажрибаси ва ҳуқуқий ҳодисалар билан боғлиқ бўлган ҳаётий вазиятлар ҳақидаги тушунчаси билан белгиланади. Бунга – одамнинг ишга жойлашувидаги ёки олий ўқув юртига кириш қоидалари ёки йўл қоидасини бузгани учун жавобгарлиги ҳақидаги билимлар мисол бўла олади.

Шахсий тажриба, кундалик ҳаётнинг чегарасида кечиб – тор бўлганлиги учун, ҳуқуқий онг жуда чегаралангандир. Ҳуқуқий онг бизни ўраб турган борлиқ ҳақидаги оддий тушунчалар чегарасида муттасил қола олмайди ва доимо ривожлана бориб, табиий ижтимоий қонуниятлар даражасига чиқади, шу билан назарий, илмий тушунчага айланади.

Илмий ҳуқуқий онг ижтимоий ҳуқуқий-ҳақиқатни у ёки бу даражада тўғри ақс эттирувчи билимлар тизимини ўз ичига олади. Илмий ҳуқуқий онг ҳуқуқни ижод қилиш фаолиятининг биринчи даражали манбаи бўлгани учун ҳуқуқий амалиётни такомиллаштиради. Унда ҳуқуқий назария ва ҳуқуқий ғоялар, тасаввурлар ва тушунчалар тизими билан бир қаторда, ҳуқуқшуносларнинг касбий ҳуқуқий онги ҳам ажратилади.

Ҳуқуқшуносларнинг ҳуқуқий онги қонунга бўйсунувчи фуқароларнинг ҳуқуқий мулоҳазаларидан ҳуқуқий меъёр ва нуктаи назарлари билимининг теранлиги ҳамда катта ҳажми ва энг муҳими, ҳуқуқшунослар ҳуқуқнинг қоидалари ва меъёрларни қўллашни билиши билан фарқ қилади. Ҳуқуқшунослар ҳуқуққа, шунингдек унинг амалда қўлланишига касбий малака билан ёндашадилар. Бу қонунчилик билан юқори даражада мос келишни, ҳуқуқни қўллаш фойдалилигини ва уни чуқур тушуниш зарурлигини кўзда тутлади.

Касбий ҳуқуқий онг ҳуқуқий олий ўқув юртларида ўқиш натижасида шаклланади, сўнгра, ҳуқуқий амалиёт жараёнида сайқалланади.

3-§. Ҳуқуқий онг – ҳуқуқни такомиллаштириш ва ривожлантириш омилли

Ҳуқуқий онг – жамият онгининг таркибий қисми сифатида ижтимоий ҳаёт ривожига катта аҳамиятга эгадир. Ҳуқуқий тизимда бирон-бир соҳа топилмайдик, унга ҳуқуқий

онг ўзининг тартибга солиш таъсири билан кириб борган бўлмаса. У ҳуқуқий тизимнинг меъёрий асосидан бошлаб, ҳуқуқий ташкилотлар фаолиятида ҳуқуқни такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёнига қўшилиб, бу билан жамиятда қонунчиликни ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлайди. Ҳуқуқий онгнинг бу қадар кўп қирралилиги ва кўп қамровлилиги унинг ижтимоий табиатининг қонуний кўринишидир. Ахир, ижтимоий тизимнинг таркибий қисми сифатидаги ҳуқуқий тизимнинг мавжудлигини ҳуқуқий онгдан ташқарида тасаввур этиб бўлмайди. У ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисмларини бевосита яратади, такомиллаштиради, бунёдга келтиради, мустаҳкамлайди ва унинг хилма-хил қисмларини ривожлантиради, одамлар муносабатини тартибга солишга хизмат қилади. Ҳуқуқий тизимнинг асоси ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар (қонунлар, қонун асосидаги ҳужжатлар) ҳисобланади. Бу ҳужжатларни яратиш, нормаларни ижод қилиш фаолиятини амалга оширувчи алоҳида органларга тегишлидир.

Умуммажбурий ҳуқуқий нормалар яратиш жараёнининг ўзи осон эмас. У ҳуқуқий меъёрни яратишда ижтимоий талаб ва манфаатни англаб етиш ва ўрганиш, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни муҳокама қилиш, қабул қилиш ва қабул қилинган ҳужжатларни фуқароларга етказиш билан боғлиқдир. Бу мураккаб, норма ижод қилиш жараёнининг ҳар бир босқичи, соҳасида ҳар бир қабул қилинган ҳужжатни англаб етиш ҳуқуқий онгнинг бевосита иштирокида кечади. Яратилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижодкорларининг умумий, ҳуқуқий ва касбий маданияти даражаси қанча юқори бўлса, улар яратган ҳужжат ҳам шунча мукамал бўлади. Шунинг учун ҳуқуқни ижод қилиш жараёни қатнашчиларига, ҳуқуқий онгни такомиллаштириш учун, шу соҳанинг юқори даражали мутахассиси бўлишдек юқори талаб қўйилади.

Аммо, ҳуқуқ ижод қилиш жараёнида фақат шу касб бўйича тайёрланган одамларгина қатнашмайдилар. Демократик давлатларда қонун лойиҳалари жамиятнинг ўзи томонидан муҳокама қилинади. Масалан, ҳозир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ёки 1996 йилда Олий Мажлис қабул қилган Меҳнат кодекси лойиҳасининг қатор му-

ҳокамалари кўпчиликнинг кизиқиши ва хоҳишини ҳисобга олиб қолмасдан, уларнинг ҳуқуқий онг даражасини ҳам аниқлади.

Бундан ташқари, умумий муҳокама жараёнида аҳолининг жалб қилиниши фуқароларнинг ҳуқуқий онгини кўтариш, унинг ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятидаги салмоғини оширишда ҳам фойдалидир.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқни нафақат яратади ва такомиллаштиради, балки ривожлантиради ҳам. Уни ҳаётга татбиқ этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бирок, унинг чегарасида бўлиб ўтадиган ҳуқуқий талабларни англаб олиш жараёни унчалик оддий бўлмай, анча мураккабдир. Ҳуқуқий талабларга онг муносабатининг бир хил бўлмаслиги шахснинг нафақат реал ҳаётида, балки зиддиятли феъл-атворида ўзгаради.

Ҳар бир давлатга уюшган жамиятдаги қонунбузарлик шундан далолат беради. Ҳуқуқий онг даражасида шахснинг ўзининг ҳуқуқий билимлари кўлами ҳам, ҳуқуқни қабул қилиш ҳолати ҳам, маънавий ўсганлиги ҳам шаксиз кўзга ташланади. Ҳуқуқий онгга фақатгина юқорида санаб ўтганларимиз таъсир этиб қолмай, яна бошқа кўп омиллар ҳам (жумладан, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маиший) ўз таъсирини ўтказди. Одамларнинг бир-бирлари билан ўзаро таъсири ва муносабати, муҳити, тарбияси, ахлоқий даражаси ҳам кам таъсир қилмайди. Ижтимоий-ҳуқуқий йўл-йўриқ ҳуқуқни баҳолаш, унинг талабларига муносабат, ўта хилма-хил омиллар мажмуининг таъсирига боғлиқ ҳолда онгда шаклланади. Шунинг учун, ҳуқуқий талабларга бўлган, салбий ёки ижодий ҳолатнинг ўзи ҳам ҳар хиллиги билан фарқ қилади. Масалан, бир одамнинг қонуний феъл-атвори унинг ахлоқий онги билан таърифланса, бошқаси фақат юридик жавобгарлик олдидagi кўрқув туфайли ўзини тўғри тутди. Шахснинг феъл-атворида қайд қилинган нозик фарқлар, ҳуқуқий онг табиатининг ўзи нақадар мураккаблигини яққол кўрсатади. Шунинг учун, шахснинг ҳуқуқий билимини кенгайтириб ва тераплагштириб қолмасдан, балки унда ҳуқуқнинг ҳақ талаблари изидан боришини англаб етишида ва унда ички ишонч шаклланишига ёрдам берадиган, ҳуқуқий тарбия бўйича тўғри йўлга қўйилган фаолият зарурдир. Ҳуқуқни

амалга киритишга, демак жамиятда ҳуқуқий тартиб ўрнатишга ёрдам берувчи, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини тартибга чақириш каби туйғулар фақат шундай шароитдагина ривожланади. Ҳуқуқий талабларга риоя қилмаслик, албатта ҳуқуқий тартибнинг бузилишига олиб келади. Худди шунинг учун, ҳуқуқий оннинг юқори даражада ривожланган бўлиши, ҳуқуқий тарбиянинг муҳим масаласига айланади. Бу, демак, фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини мақсадли ривожлантириш, ҳуқуққа зўр эътибор билан қараш, унинг ижтимоий қимматини тушуниш демакдир. Шахснинг ҳуқуқий билимлари кўлами, нафақат унинг ҳуқуқдан хабардорлиги, билиш даражасига боғлиқ, балки ҳуқуқий талабларга муносабатига ҳам боғлиқдир. Чунки, онгда ахборотларнинг ижобий ёки салбий қабул қилинишига қараб, муттасил англаб етиш жараёни кечиб туради.

Ҳуқуққа ҳурматсизлик билан салбий (нигилистик) муносабатда бўлиш, ахлоққа қарши феъл-атвор билан боғлиқдир.

Ҳуқуқий тарбиянинг вазифаси, одамларнинг онгида ҳуқуқнинг аҳамиятини, мақсадини тўғри тушунишни, унинг талабларининг ҳақиқатлигини, уларга онгли равишда риоя қилиш зарурлигини шакллантиришдан иборат.

к

Х боб. ХУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ

1-§. Хуқуқ ижодкорлиги тушунчаси, турлари ва функциялари

Хуқуқ давлат билан жамият ўртасидаги боғловчи воситадир. Хуқуқ давлат сиёсатини, мақсади ва интилишларини жамият ижтимоий онгига етказди. Ўз навбатида, жамият хуқуқда ўз иродаси ҳамда манфаатларининг мужассам ифодасини, адолат мезонини кўради. Давлат ҳокимияти хуқуқ ёрдамида жамиятни бошқаради, унга сиёсий раҳбарликни амалга оширади, ижтимоий муносабатларни тартибга солади, ўз амри-иродасини рўёбга чиқаради. Айнан шу мақсадда хуқуқ яратишга ижтимоий зарурий эҳтиёж келиб чиқади.

Хуқуқ ижод этиш давлатнинг юридик нормалар яратишга қаратилган махсус фаолиятидир. Давлат мазкур фаолият орқали халқнинг муштарак иродасини конун даражасида ифода этади, ижтимоий бошқарув ва сиёсий раҳбарликни амалга оширади. Бу фаолият натижасида жамиятда ҳаракатланувчи бир бугун ва ички мутаносибликка эга бўлган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий хуқуқий нормалар тизими вужудга келтирилади. Хуқуқ нормаларининг яратилиши, юридик кучи, шакли, қуйидан юқорига бўйсунуш муносабатлари давлатнинг хуқуқ ижодкорлик функцияси билан бевосита боғлиқдир. **Хуқуқ ижодкорлиги** нисбатан кенгрок жараён бўлмиш **хуқуқ яратишнинг** таркибий қисми ҳисобланади.

Хуқуқ яратиш – юридик нормани шакллантириш ва расмийлаштиришга қаратилган жараён бўлиб, у анча узоқ вақт давом этади. Ушбу жараён: ижтимоий вазиятни таҳлил этиш, уни хуқуқий тартибга солиш заруриятини англаб етиш; бўлажак юридик қоида ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш; юридик нормани ишлаб чиқиш ва қабул қилиш каби ҳаракатларни қамраб олади. Хуқуқ яратишнинг сўнгги босқичи хуқуқ ижодкорлигини ташкил этади.

Хуқуқ ижодкорлиги – ваколатли давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг (референдум чоғида – бугун халқнинг)

ҳуқуқ нормаларини ўрнатиш, ўзгартириш, такомиллаштириш ва бекор қилишга йўналтирилган махсус фаолиятдир.

Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятига нафақат янги ҳуқуқий нормалар ўрнатиш, балки илгари чиқарилган норматив ҳуқуқий қоидаларни ўзгартириш ва бекор қилиш ҳам қирали. Ҳуқуқ ижод этишининг ижтимоий қадр-қиммати, роли шундаки, у ижтимоий муносабатларни тартибга солиш механизмининг бошланғич бўғинидир. Зеро, давлат ҳуқуқий нормани ўрнатиш ёки санкциялаш (маъқуллаш) орқали ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни қўриқлашдек серқирра, мураккаб жараёнга туртки беради. Ҳуқуқ ижодкорлиги туфайли вужудга келтирилладиган ҳуқуқ нормалари давлат идораларининг турли хил расмий ҳужжатларида акс эттирилади. Бундай расмий ҳужжатлар норматив – ҳуқуқий актлар деб аталади. Ҳуқуқ ижодкорлиги давлат ҳарактерига эга бўлган актив фаолиятдир. Давлат идоралари жамият тараққиёти эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш функциясини мунтазам равишда амалга ошириб борадилар. Бу эса ҳуқуқ ижодкорлик жараёни бетўхтов давом этиб туришини тақозо қилади.

Ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти ўз моҳиятига кўра давлат иродасини ифодалаш билан боғлиқ. Дунё тарихида бу қоида кўплаб маротаба ўз исботини топган. Муайян шароитда ҳукмронлик қилувчи индивидлар ўз кучини давлат тарзида ўрнатишдан ташқари, шу шароит таъсирида қарор топган ўз иродаларига давлат иродаси кўринишида (қонун кўринишида) умумий тус беришлари лозим. Давлат ташкилий куч бўлса, ҳуқуқ юридик қоида шаклига кирган иродадир.

Ҳуқуқ ижодкорлиги ўз мазмунига икки тоифа ҳаракатни камраб олади: **биринчидан**, ҳуқуқ ижод этувчи органларнинг норматив акт лойиҳасини тайёрлаш бўйича ҳаракатлари: яъни, лойиҳани ишлаб чиқиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш; лойиҳани тайёрлаш; лойиҳани муҳокама этиш; уни манфаатдор идоралар билан келишиб олиш ва қўшимча ишлов бериш. **Иккинчидан**, бу тоифага норматив актни чиқариш бўйича ҳаракатлар қиради: ҳуқуқий акт лойиҳасини ҳуқуқни ижод этувчи орган муҳокамасига киритиш; ҳуқуқ ижод этувчи орган томонидан лойиҳани муҳокама этиш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва уни эълон қилиш (нашр этиш).

Албатта, ҳуқуқ ижод этишининг мазкур босқичлари (ҳаракатлари) баъзан бирлашиб кетиши, баъзан эса янги ҳатти-ҳаракатлар билан тўлдирилиши мумкин. Хусусан, яқка тартибда ҳуқуқий акт қабул қилувчи мансабдор шахс ушбу босқичларни бирлаштириб юбориши мумкин. Масалан, Президент фармон чиқарганда ёки ҳоким фармойиш қабул қилганда айтиб ўтилган босқичларни бирлаштириб, ўзи бажаради. Айрим ҳолларда юқоридаги босқичлардан ташқари, лойиҳа юзасидан мутахассис – олимларнинг ҳулосасини олиш, уни экспертизадан ўтказиш ва лойиҳани кенг халқ муҳокамасига қўйиш каби ҳатти-ҳаракатлар ҳам амалга оширилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳуқуқ ижодкорлиги фақат қонун лойиҳаси ёки ҳуқуқий қарорни кўриб чиқиш ва қабул қилиш билан чекланмайди. Бу жараён давлат идораларининг амалдаги ҳуқуқий актларга ўзгартиришлар киритиш, эскирган юридик нормаларни бекор қилиш ва мавжуд норматив актларни тизимлаштиришга қаратилган фаолиятини ўз ичига олади.

Юридик нормаларни ўрnatувчи субъектлар сифатида халқ, давлат ҳокимият ва бошқарув идоралари, мансабдор шахслар майдонга чиқади. Ана шу маънода ҳуқуқ ижодкорлигининг **турлари** ҳақида гапириш мумкин.

1) **Халқнинг бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги.** Халқ томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқ ижодкорлигининг энг ёрқин ифодаси **референдум** – давлат ва жамият ҳаётининг ўта муҳим масалалари бўйича умумхалқ овоз беришидир. Референдум ҳуқуқ ижод этишининг алоҳида шакли сифатида халқнинг бевосита ирода баён этиши ҳисобланади. Бу ҳуқуқий нормалар яратишининг ўта нуфузли тури бўлиб, референдум натижалари давлат ҳокимият идораларининг бирон-бир тарздаги тасдиқлашига муҳтож эмас. Референдум йўли билан қабул қилинган ҳужжат мамлакат ҳудудида олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум орқали бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин (Ўзбекистон Республикасининг «Референдум тўғрисида»-ги қонунининг 1-моддаси). У қатъий иродавий мазмундаги сиёсий-юридик институтдир. Моҳият-эътибори билан референдум давлатнинг у ёки бу қарорини халқ овози билан тасдиқлаши, шу орқали унга узил-кесил ва умуммажбурий характер бахш этилишидир. Халқнинг интилиш ва истакларини, ман-

фаат ва иродасини аниқлаш ҳамда қонун даражасига кўтаришда референдум энг самарали усул ҳисобланади.

2) **Давлат идораларининг ҳуқуқ ижодкорлиги.** Бу ҳуқуқ ижодкорлигининг асосий, энг кенг тарқалган, аниқ мақсадга йўналтирилган туридир. Давлат идораларининг вазифаси, ваколатлари ҳамда фаолият йўналишлари қонунда белгилаб қўйилади. Ана шу юридик ваколатлар доирасида ҳар бир давлат идораси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Уларнинг ваколатлари даражаси ва кўлами норматив ҳужжатларнинг юридик кучини, ўзаро мутаносиблик (иерархик) муносабатларини белгилаб беради. Одатда, давлат идоралари ҳуқуқий мақомини белгиловчи юридик актда (Конституция, қонун, фармон ёки низомда) улар қандай юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий акт қабул қилиши белгилаб қўйилади. Масалан, Ўзбекистон Конституциясининг 83-моддасига кўра Олий Мажлис – қонун қабул қилади; 94-моддасига кўра Президент – фармон, қарор ва фармойиш чиқаради; 98-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлис ва Президент актлари ижросини таъминлаш учун – қарор ва фармойишлар чиқаради. Конституциянинг 15 ва 16-моддалари эса қонун устуворлигини таъкидлайди. Бу моддалар мазмуни билан норматив-ҳуқуқий актлар ўртасидаги ўзаро бўйсунуш ва устуворлик муносабатлари аниқ-равшан белгилаб қўйилган.

3) **Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги.** Аввало, мансабдор шахс тушунчасини аниқлаб олиш лозим, чунки амалдаги қонунчиликда унга тегишли таъриф берилмаган. Чамаси, **мансабдор шахс** – бу давлат ҳокимият ёки бошқарув идорасида ёхуд нодавлат ташкилотда муайян лавозимни эгаллаган, унга юкланган функцияларни бажариш учун ҳуқуқий актлар қабул қилиш ва амалга ошириш ваколатига эга бўлган фуқародир.

Нодавлат ташкилотлар (хўжалик, тижорат, ижодий ва ҳоказо) раҳбарларининг ҳуқуқий акт қабул қилиш ва амалга ошириш бўйича ваколатлари меҳнат, фуқаролик, молия ва бошқа соҳаларга оид қонунчилик қоидаларидан келиб чиқади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган қуйидаги мансабдорлик лавозимларини санаб ўтиш мумкин: Президент, Олий Мажлис Раиси, вазир, ҳоким, депутат, прокурор, судья, бошқ-

арма ва бўлим бошлиқлари, корхона, муассаса, нодавлат ташкилотлар раҳбарлари ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлатимиздаги энг олий мансабдор шахс ҳисобланади.

Мансабдор шахснинг норматив-ҳуқуқий актлар лойиҳасини тайёрлаш ва уни қабул қилиш бўйича фаолияти ҳуқуқ ижодкорлиги ҳисобланади. Бироқ унинг ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ хатти-ҳаракати ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти доирасига кирмайди.

Ҳуқуқ ижодкорлиги давлат фаолиятининг ҳуқуқий шакллари билан бири бўлиб, бу жараёнда қуйидаги **функциялар** бажарилади: қонунлар, бошқа ҳуқуқий актлар лойиҳасини тайёрлаш; амалдаги қонунчиликни янгилаш, уни ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларига доимо мослаштириб туриш; эскирган ҳуқуқий нормаларни бекор қилиб бориш; ҳуқуқда ҳал этилмаган жабҳалар (пробел)ни тўлдириб бориш; қонунчиликни батартиблаштириб туриш, системалаштириш. Мазкур функцияларнинг юқори савияда мунтазам бажариб турилиши ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиниш самарадорлиги ошишини, қонунчилик тизими такомиллашган ҳамда муқамал бўлишини таъминлайди.

2-§. Ҳуқуқ ижодкорлиги принциплари

Демократик давлатда халқнинг иродасини, ижтимоий интилиш, манфаат ва эҳтиёжларини қонун даражасига қўтариш ҳуқуқ ижодкорлигининг мазмунини ташкил этади. Бу ўта муҳим ва масъулиятли жараён муайян тағзамин принциплар асосида амалга оширилади. Зеро, шундай принциплар, яъни раҳбарий ғоя ва қоидаларга таянилмаса, ҳуқуқий нормалар тизимини вужудга келтиришда лозим даражадаги сифат ва самарага эришиб бўлмайди. Энг муҳими, халқ иродаси ва манфаатларини тўлиқ ҳамда айнан ифода этишни таъминлаб бўлмайди.

Шу боис мамлакатимизда амалга ошириладиган ҳуқуқ ижодкорлиги қуйидаги асосий принципларга таянади:

а) Ҳуқуқ ижодкорлигининг халқчиллиги

Демократик ва ҳуқуқий давлат мақомига эга бўлишга интилаётган давлат ўзининг қонун ижодкорлик, ҳуқуқ

яратиш фаолиятида ўз халқи билан, аҳоли кенг қатламлари билан маҳкам боғлиқ ва узвий алоқадор бўлиши лозим.

Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги Конституциямизда мустаҳкамланган. Шундай бўлгач, давлат, унинг идоралари ҳуқуқ яратиш чоғида халқ манфаати ва эҳтиёжларидан келиб чиқиши мантиқий ҳолдир. Айниқса, қонунни халқ томонидан сайланган депутатлар қабул қилишида чуқур ва бевосита раъзий маъно бор. Халқ ўз мухтор ноиблари орқали қонун чиқариш ҳокимиятига дахлдор бўлади. Қолаверса, ҳуқуқ ижодкорлиги субъекти саналмиш барча давлат идораларининг ушбу фаолияти кенг жамоатчилик, халқ оммаси назорати остида рўй беради. Халқчиллик принципи ҳақида гап борганда бутун масъулиятни ҳис этиш даркор.

б) *Ҳуқуқ ижодкорлигининг демократиклиги*

Демократизм ҳуқуқ ижодкорлигида халқ иродасини аниқлаш ва қонунда ифода этиш даражаси билангина тавсифланмайди. Бу, аввало, ҳуқуқий актларни қабул қилишда, хусусан, қонун чиқаришда халқнинг иштирокини таъминлашда намоён бўлади. Демократизм парламент ва маҳаллий халқ депутатлари кенгашлари фаолияти жараёнида акс этади. Референдум қонун қабул қилишнинг бевосита демократик шакли эканлигини юқорида таъкидлаб ўтган эдик. Шунингдек, демократиянинг бевосита шаклларига ўта муҳим норматив-ҳуқуқий актлар лойиҳасининг оммавий ахборот воситалари орқали кенг халқ муҳокамасига қўйилиши ҳам киради. Бундай муҳокамалар чоғида мамлакат фуқаролари, жумладан, олимлар, мутахассислар лойиҳа юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирадилар. Шу тариқа халқнинг фикри, иродаси қонун чиқарувчи органга аён бўлади ва уни ҳуқуқий нормалар мазмунида тўлақонли акс эттириш имконияти пайдо бўлади.

Бинобарин, демократияга мутгасил интилиш ижтимоий тараққиётимизнинг стратегик йўналишидир. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «демократия атамасининг қандай шарҳланиши эмас, балки унинг қанчалик реаллиги, ҳақиқийлиги, яшашга қобиллиги муҳимдир... У ҳаётимизнинг ҳар бир сониясига сингиб кетмаса, тур-

мушимизнинг ажралмас қисмига айланмаса, ҳамма шиорлар ва таърифлар мазмунсиз... сўз ўйини бўлиб қолаверади».¹

Демократик қадриятлар, мезон ва меъёрлар ҳақида сўз борганда куйидагиларни қайд этиш муҳим аҳамиятга эга. «Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар – халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир»².

в) *Ҳуқуқ ижодкорлигида қонунийлик принципи*

Ушбу принцип ҳуқуқ ижодкорлиги субъектларининг норматив ҳуқуқий актлар лойиҳасини тайёрлаш, муҳокама этиш, қабул қилиш ва эълон қилиш борасидаги хатти-ҳаракатлари Конституцияга ва бошқа қонунларга асосланишидан келиб чиқиши лозим. Ҳуқуқ ижодкорлигидаги қонунийлик икки жиҳатни назарда тутати: **биринчидан**, давлат идоралари томонидан қабул қилинадиган ҳар бир акт уларнинг ваколатлари доирасида ва тегишли актлар учун белгиланган таомил (тартиб) асосида чиқарилиши шарт; **иккинчидан**, норматив-ҳуқуқий актнинг мазмуни ҳам қонунийлик талабларига жавоб бериши шарт. Яъни, янги чиқарилаётган ҳужжат, қонунлар ва юридик кучи бўйича ўзидан юқори турувчи бошқа ҳуқуқий актларга зид бўлмаслиги керак.

Қонун устуворлиги, қонунийлик принципи аввало қонун чиқарувчи идора ҳамда ижроия ҳокимият юқори идоралари учун ҳам дастуриламалдир. Башарти, қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорлари Конституцияга мувофиқ бўлмай қолса, махсус муҳофаза механизми ишга тушади. Бундай ҳолларда Конституциявий суд ўзининг тегишли ҳулосасини чиқаради ва ғайриконституциявий актни ҳаракатдан тўхтатади.

г) *Ҳуқуқ ижодкорлигининг ошкоралиги*

Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг натижаси бўлмиш норматив актларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланади. Шу сабаб, норматив-ҳуқуқий акт дарҳол ўз ижрочилари эътиборига етказилиши зарур. Фуқаролар

¹ Каримов И.А. *Ўзбекистон буюк келажак сари*. – Т.: «Ўзбекистон», 560-бет.

² Каримов И.А. *Ўзбекистон буюк келажак сари*. – Т.: «Ўзбекистон», 560-бет.

ўзларига ҳуқуқ нормалари томонидан қўйилаётган талаблардан хабардор бўлишлари, жиллақурса, шундай билим олиш имкониятига эга бўлишлари керак. Куйидаги юридик презумпция барчага аён: қонунни билмаслик ҳеч кимни жавобгарликдан озод қилмайди; ҳеч ким қонунни билмаслигини рўқач қилиши мумкин эмас. Худди шунинг учун ҳам, яъни жавобгарликка тортишга маънавий ҳуқуққа эга бўлиш учун давлат фуқароларнинг норматив-ҳуқуқий актлар билан таъминлаш имкониятини таъминлаб бериши лозим.

Норматив-ҳуқуқий актларни ошкор қилишнинг асосий воситаси уларни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилишдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасида жуда муҳим қоида мустаҳкамланган: «Қабул қилинган қонунларнинг ва бошқа норматив ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир». Мазкур конституциявий тамойил муҳим демократик мазмунга эга. Норматив-ҳуқуқий актни ҳаётга жорий этишдан аввал у ошкора тарзда халққа етказилиши лозим. Ҳуқуқий ҳужжатлар фуқаролардан сир тугилиши, яширин ҳаракатда бўлиши мумкин эмас.

Бу тамойилга халқаро ҳуқуқда ҳам қатта эътибор берилди. Оврупода хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгаш қатнашчилари бўлган давлатларнинг 1989 йил 15 январдаги Вена учрашуви Якуний ҳужжатида шундай дейилади: ОХХК қатнашчиси бўлган давлатлар «шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини билишга ҳамда уларга мувофиқ ҳаракат қилишга бўлган ҳуқуқини самарали таъминлаш, шу мақсадда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига оид қонунлар, маъмурий қоида ҳамда тартиботларни нашр этиб барчага етказиш мажбуриятини оладилар».

д) *Ҳуқуқ ижодкорлигининг илмий асослантирилганлиги*

Ҳуқуқий нормалар яратиш жараёни замонавий ҳуқуқ илми ва амалиёти ютуқларига, ҳуқуқий тафаккур ва мантӣқ қондаларига қатъий таянмоғи лозим. Ҳар бир қонун, ҳуқуқий норма ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш қонуниятларини чуқур англаш ҳамда илмий асослантириш замирида яратилиши керак. Муайян қонун ёки бошқа ҳуқуқий актни қабул қилишдан олдин уни яратиш

учун қандай эҳтиёж борлиги илмий жиҳатдан далилланиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ҳуқуқий тартибга солиш мўлжалланаётган ижтимоий муносабатлар тури чуқур таҳлил этилиши, зарур бўлса конкрет социологик тадқиқотлар, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишлари амалга оширилиши ўринли бўлади.

Илмийлик принципи ҳақида гап борганда, камида икки жиҳат назарда тутилади. **Биринчидан**, ҳуқуқ ижодкорлиги пухта илмий стратегияга таяниши зарур. Бундай стратегия умумдавлат миқёсида шакллантирилади. Уни, одатда, давлат юқори ҳокимият органлари ҳузуридаги стратегик тадқиқотлар институтлари амалга оширади. **Иккинчидан**, конкрет норматив-ҳуқуқий акт матни устида иш борганда, ҳуқуқ нормасини яратиш ва ифодалашда (мазмунан ҳамда юридик техника нуқтаи назаридан) илмий тавсиялар инobatга олиниши лозим. Бундан мақсад – ижтимоий муносабатларни тартибга солишда мумкин қадар кўпроқ самарага эришишдир. Ўз фаолиятини илмий жиҳатдан таъминлаш учун ҳуқуқ ижод этувчи органлар ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда ишчи гуруҳлар таркибига етакчи юрист – олимларни киритадилар; лойиҳа юзасидан хулоса олиш учун уни тегишли илмий муассасаларга юборадилар.

Сўнги пайтларда Ўзбекистон Республикаси парламенти фаолиятида лойиҳаларнинг илмий экспертиза қилишга эътибор қаратилаётганлиги таҳсинга сазовор. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси лойиҳаларни мустақил экспертизадан ўтказишни назарда тутди. Унга мувофиқ:

«Қонун лойиҳалари эксперт баҳолашидан ўтказилиши мумкин. Экспертиза Олий Мажлис кўмитасида, комиссиясида лойиҳа устидага ишлар тугалланганидан кейин ўтказилади.

Қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишга олимлар, амалиётчи ходимлар ва бошқа юқори малакали мутахассислар жалб этилади.

Лойиҳани экспертизадан ўтказиш натижалари юзасидан экспертлар тегишли хулоса тақдим этадилар».

Илмийлик тамойилида собит туриладиган бўлса, ҳуқуқ ижодкорлигининг субъектлари бўлган идораларнинг ваколатлари ҳокимиятлар тақсимланиши асосида, ўзаро тийиб

туриш ва қарама-қарши мувозанат асосида ташкил этилиши лозим. Шу йўл билан мазкур идоралар фаолиятида параллелизм, такрорлаш, номувофиклик ва бошқа идоранинг ваколат доирасига дахл қилиш ҳоллари истисно этилади.

Ҳуқуқ ижодкорлигига илмий ёндашиш талаби айниқса бугунги кунда, яъни бозор муносабатларини қарор топтириш даврида, демократик кадриятларни шакллантириш чоғида инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлаш, миллий, сиёсий, ижтимоий-маънавий муносабатларни муваффақиятли ривожлантириш учун муҳимдир. Бу муносабатларни аниқ ҳуқуқий тартибга солишга эришиш учун ҳуқуқ ижодкорлигининг илмий заминини муттасил такомиллаштириб бориш лозим.

3-§. Норматив-ҳуқуқий актлар – ҳуқуқ ижодкорлиги маҳсули

Ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятининг ҳосиласи, бевосита маҳсули – турли-туман норматив-ҳуқуқий актлардир. Бундай актлар ҳуқуқ ижодкорлиги субъектларининг юридик нормаларни ифодаловчи ҳужжатларидир.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни ифодалашнинг (баён этишнинг) асосий манбаи, шакли норматив-ҳуқуқий актлар ҳисобланади. Норматив-ҳуқуқий актлар давлат томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулланадиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг алоҳида расмий туридир.

Норматив-ҳуқуқий акт деганда, давлат ваколатли органларининг ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умумий мажбурий тусдаги қоидаларни ўрнатовчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи ҳуқуқ ижодкорлик ҳужжати тушунилади. Ҳуқуқнинг норматив акт шакли демократик ҳуқуқий жамият шароитида мамлакат хўжалик, сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётига давлат йўли билан раҳбарлик қилишнинг энг мақбул шаклидир.

Норматив-ҳуқуқий актлар ўзининг қуйидаги уч хусусияти билан ижтимоий нормаларнинг бошқа турларидан ажралиб туради: 1) норматив-ҳуқуқий актлар ваколатли давлат органлари томонидан яратилиб, барча учун умумий мажбу-

рий қоидаларни ўрнатади, ўзгартиради (такомиллаштиради) ёки бекор қилади; 2) уларда ҳуқуқий қоидаларнинг мазмуни, яъни ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари ифода этилади; 3) норматив-ҳуқуқий актларда мустаҳкамланган қоидалар бажарилмаган ёки бузилган такдирда муайян ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқади, қоида бўйича, давлатнинг мажбурлов кучи ишга солинади.

Юридик устқурма мураккаб ва серқирра бўлганлиги сабабли норматив-ҳуқуқий актлар турли мезонлар бўйича туркумланиши (тасниф қилиниши) мумкин. Бундай мезонлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

– ҳуқуқий тартибга солиш предмети ёки тартибга солинаётган ижтимоий муносабатларнинг тури;

– ҳуқуқ ижод этувчи субъект;

– ҳуқуқий актнинг юридик кучи;

– ҳуқуқий акт ҳаракат қиладиган ҳудуд;

– ҳуқуқий-норматив актнинг юридик номланиши.

Норматив-ҳуқуқий актларни туркумлаш усуллари, услублари, йўллари ҳам турличадир. Туркумлашнинг энг кенг тарқалган илмий усуллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: алифболи-предметли кўрсаткичлар; иерархияга (поғонали мутаносибликка) асосланган туркумлаш, у оддий ва ўнликлар бўйича бўлиниши мумкин; фасетли туркумлаш ва дескриптор туркумлаш.

Норматив-ҳуқуқий актлар, уларни чиқарадиган давлат органларининг мавқеига, актларнинг юридик кучига кўра қуйидаги туркумларга бўлинади:

1. Қонунлар (Конституция ва жорий қонунлар);

2. Президент фармонлари, қарор ва фармойишлари;

3. Ҳукумат қарори ва фармойишлари;

4. Давлат ва ҳўжалик бошқарув органларининг қарор, буйруқ ва йўриқномалари;

5. Маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг қарорлари ва фармойишлари.

Ушбу туркумлашда келтирилган норматив-ҳуқуқий актларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхталиб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек ўзаро муносабатлари ва фарқларини кўрсатиб ўтамыз.

1) Қонун норматив-ҳуқуқий актлар тизимида

Норматив-ҳуқуқий актлар тизимида қонунлар асосий ўринни эгаллайди. Қонун ҳуқуқнинг энг муҳим ва баобрў шакли бўлиб, унда ҳуқуқнинг ҳамма сифатлари мужассамлашади. Албатта, «қонун» ибораси серқирра ва маънодордир³. Бу ўринда сўз юридик қонунлар хусусида бормокда. Қонун давлат олий вакиллик органларининг энг юқори юридик кучга эга бўлган актидир. Конституция (Асосий қонун) қонунлар орасида марказий ўринни эгаллайди. Унда жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий асослари, сиёсий тизими мустақкамланади, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқарув механизми, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари белгилаб берилади. Конституция жамият ҳуқуқий тизимининг, бутун қонунчиликнинг ўзагини, юридик заминини ташкил этади. Жорий қонунларнинг барчаси конституция қоидалари ва принциплари асосида ҳамда уларнинг ижроси манфаати йўлида чиқарилади.

Қонун олий юридик кучга эга. Бу сифат қуйидагиларда намоён бўлади:

– қонунни уни қабул қилган олий вакиллик органидан бошқа ҳеч ким ўзгартира олмайди, бекор қила олмайди ёки янғисини ўрната олмайди;

³ «Қонун» категорияси ижтимоий ва табиий фанлар томонидан кенг қўлланилади. Хусусан, турли илмий адабиётларда «фалсафа қонунлари», «иқтисодий қонунлар», «табиат қонунлари», «ижтимоий тараққиёт қонунлари» каби тушунчалар тез-тез учраб туради. Шулар қаторида «юридик қонунлар» ибораси ҳам ишлатилади. Булар турли фанларга тааллуқли бўлишига қарамасдан, уларни бирлаштирувчи умумийлик мавжуд. Шунга кўра «қонун»нинг умумий универсал таърифини бериш мумкин. Қонун – табиат ва жамиятдаги воқеа, ҳодиса ҳамда жараёнлар ўртасидаги муносабатдир, шунингдек уларнинг ички энг муҳим, зарурий, барқарор ва тақрорланиб турувчи алоқаси, боғланиши ва ўзаро таъсиридир. Қонун – ҳодисаларнинг ички алоқадорлиги ва ўзаро бир-бирига сабабчилиги. Қонун тушунчаси моҳият тушунчасига яқин туради. Қонунни бишлиш ҳодисадан моҳиятга ўтишини назарда тутати. Қонун тасодифиятнинг эмас, балки заруриятнинг ифодасидир. Қонунлар объектив характерга эга. Қонунларни табиатга инсонлар эмас, аксинча табиат инсониятга беради. Ижтимоий турмуш, тараққиёт қонунларининг асосий манбаидир. «Қонун муҳим муносабатдир», «моҳиятларнинг муносабати ёки моҳиятлар ўртасидаги муносабатдир».

– бошқа барча норматив-ҳуқуқий актлар қонунга қатъий мувофиқ ҳолда қабул қилинади ва амалга оширилади;

– бирон-бир қонуности норматив-ҳуқуқий акт қонунга зид бўлса, у қонунга мувофиқ ҳолга келтирилади ёки бекор қилинади;

– қонун олий юридик кучга эга бўлган акт бўлганлиги сабабли уни қабул қилган органдан бошқа ҳеч ким қўшимча тарзда тасдиқлаши ва ҳаракатдан тўхтатиб қўйиши мумкин эмас.

Қонун давлат нуқтан назаридан энг муҳим деб ҳисобланган ижтимоий муносабатларни мустақкамлаш, ривожлантириш ва тартибга солиш воситасидир. Унда мазкур муносабатлардаги қонунларнинг норматив мажбурий характери ва сиёсий ҳуқуқий меъёри ўз ифодасини топади. Қонунлар фақат сиёсатнинг ифодаси, сиёсий чора бўлиб қолмасдан, беқиёс ижодий ва тарбиявий вазифани бажарувчи катта маънавий бойлик ҳамдир.

Ўзбекистонда қонун ҳуқуқининг асосий шакли бўлиб, у давлат олий ҳокимият вакиллик органи томонидан махсус белгиланган тартибда қабул қилинади. У давлат томонидан муайян ҳолатларга (муносабатларга) татбиқ қилиш учун чиқариладиган, айнан ўхшаш турдаги ҳолатларга такрор-такрор қўлланадиган, барча фуқаролар, мансабдор шахслар, давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган умумий қоидаларни ўз ичига олувчи норматив-ҳуқуқий актдир.

Республика қонунларида янгиланаётган ижтимоий тузумимизнинг, ҳуқуқий давлат барпо этишнинг энг муҳим принциплари, ривожланишимизнинг йўналишлари ва дастурий вазифалари ўз аксини топади. Бундай муҳим принциплар, аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустақкамланган. Масалан: давлат суверенитети принципи, халқ ҳокимиятчилиги принципи, инсон ҳуқуқларининг устуворлиги принципи, қонунийлик принципи, демократизм принципи, давлат билан шахснинг ўзаро бурчдорлиги принципи, Конституция ва қонуннинг олийлиги принципи, ҳокимиятлар тақсимланиши принципи, ижтимоий адолат принципи, қонун ва суд олдида барчанинг тенглиги принципи, айбсизлик презумпцияси, фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариши принципи ва бошқалар.

Шундай қилиб, қонун ижтимоий тараққиёт қонуниятларининг юридик шаклдаги тавсифини ўзида акс эттирган ва энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, бевосита халқ иродасини ифодаловчи, белгиланган тартибда давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи томонидан ёки референдум йўли билан қабул қилинадиган ва олий юридик кучга эга бўлган норматив актдир.

Қонуннинг юридик хусусиятлари ичида унинг нормативлиги алоҳида аҳамият касб этади. Нормативлик қонуннинг муҳим белгиси ва хусусияти ҳисобланади. Ҳуқуқий ҳужжатларнинг бошқа шакллари ҳам норматив бўлиши мумкин, бироқ улар қонунчалик қатъий кучга эга бўлмай, тезкор ижро этувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза этувчи бўлиши мумкин. Қонун норматив акт эканлиги қуйидаги икки жиҳат билан характерланади. Биринчидан, у қонун чиқарувчи органнинг ҳуқуқий қоида ўрнатиш хусусидаги амр – фармойишини, иродасини, қарорини мустаҳкамлайди; иккинчидан, реал ҳаётга қатъий ва мунтазам ҳуқуқий таъсир этиш шакли, воситасидир. Қонун нормаларининг мавжудлиги норматив-ҳуқуқий актда намоён бўлади.

Қонуннинг нормативлиги деганда, шунингдек, унинг барча учун умумий-мажбурий қоида, давлат талабининг ифодаси эканлигини ҳам тушуниш лозим. Бошқача қилиб айтганда, қонуннинг нормативлиги унинг бир хилдаги қоида-ни барча учун норма, меъёр, мезон даражасига кўтарилишидир. Қонунда мустаҳкамланган қоида ҳамма ўхшаш ҳолларда бир хилдаги талаб сифатида такрор-такрор амал қилаверади. Ҳар қандай ҳуқуқ амалда бир-бирига тенг бўлмаган ҳар хил одамларга бир хилдаги масштабни татбиқ қилишдир. Бу ерда «масштаб» сўзи «норма» сўзини англатади. «Норма» – грекча сўз бўлиб, меъёр, андоза, масштаб, қолип демакдир. Унинг умумий ва мавҳум табиати ҳам ана шунда. Нормативлик эса муайян ҳаракат, фаолият ва муносабатнинг фақат норма талаби асосида амалга оширилишидир. Қонуннинг нормативлиги унда ифодаланган давлат иродасининг қатъийлиги, устунлиги ва олийлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Айнан шу ироданинг императив (бўйсундирувчи) мазмуни қонун воситаси билан умумий юриш-туруш ва ҳуққ-атвор мезонларини белгилайди.

Демак, қонуннинг нормативлиги: 1) унинг давлат ҳокимият мазмунидаги олий иродани ифода этишлигида; 2) энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилганлиги ва бундай тартибга солишнинг қатъий чегарасини белгилашида; 3) ҳамма учун бир хилдаги умуммажбурий ҳаракат қондасини ўрнатишида ва лозим бўлганда давлат мажбурлов кучи билан таъминланганлигида; 4) махсус ваколатли давлат органи томонидан алоҳида белгиланган таъминил асосида яратилишидадир.

2) Президент Фармонларининг ҳуқуқий мақоми

Ўзбекистон Президенти давлат бошлиғи ва ижроия ҳокимияти бошлиғи сифатида республика ҳудудида мажбурий тарзда амал қилувчи Фармонлар чиқаради. Президентнинг давлат механизмида ва ижроия ҳокимияти тизимида тутган қатъий ўрни унинг Фармонларининг норматив-ҳуқуқий актлар тизимида эгаллайдиган мавқеини, ролини белгилаб беради.

Президент Фармонлари ижроия ҳокимияти тизимида энг юқори кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий актдир. Анъанага кўра, Фармон юридик кучи ва аҳамияти жиҳатидан қонундан кейинги ўринда туради. Бирок, ҳокимиятлар тақсимланиши принципи давлат ва сиёсий тизимимизга жорий этилган ҳозирги шароитда Фармонни оддийгина «қонуности акти» деб тушуниш тўғри бўлмайди. Бундай эскича талқинни тарк этиш керак. Фармон ижроия ҳокимиятининг Конституцияда белгиланган ўз ваколатларини амалга ошириш актидир. Шу боис уни «қонуности акти» эмас, балки «конституциявий даражадаги ҳуқуқий акт» деб ҳам аташ мумкин. Унинг қонун билан муносабатига келганда шунини айтиш лозимки, Президент ваколатига тааллуқли масала бўйича чиқарилган Фармонни қонун билан ҳам бекор қилиш ёки бошқача ҳал этиш мумкин эмас. Масалан: Президент Фармони билан тайинланган Бош Прокурор ёки вазирни ҳеч бир қонун билан вазифасидан озод этиб бўлмайди. Бундай лавозимларга ҳатто қонун билан ҳам бирор шахсни тайинлаб бўлмайди. Борди-ю, шундай қилинган тақдирда мазкур қонун Конституцияга зид бўлиб, юридик кучга эга бўлмайди, чунки бу Президентнинг конституциявий ваколатларига дахл қилиш бўлади. Ва, аксинча, Конституцияда қонун билан тартибга солиниши кўзда тутилган масала

бўйича Фармон чиқариш мумкин эмас. Ҳокимиятлар тақсимлавиши принципнинг қатъий талаби ана шундай.

Фармонлар, умумий қоидага кўра, Ўзбекистон Конституцияси ҳамда қонунларига мувофиқ ва уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида чиқарилади.

Президент Фармонлари юксак нуфузлилиги туфайли мамлакат иқтисодиётининг, аҳоли ижтимоий ҳаётининг ҳамда давлат бошқарувининг қонунлар ва ҳукумат қарорлари билан қамраб олинмаган талайгина долзарб масалаларини тез ва самарали ҳал этиш имконини беради. Масалан: Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан аҳолини ижтимоий муҳофазалаш кун тартибининг ниҳоятда долзарб масаласига айланди. Халқнинг кам таъминланган қатламларига давлат кўмагини бериш лозим бўлиб қолди.

1990 йил 3 майдаги «Кўп болали оналарга нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида» биринчи рақамли Фармон шу масалага бағишланди. Бу чуқур рамзий маънога эга ҳужжатга кўра кўп болали оилаларнинг моддий аҳволини, ёш авлоднинг ўсиш шароитларини яхшилаш мақсадида оналарга тўланадиган ҳар ойлик нафақа миқдорини икки баравар кўпайтириш белгиланди.

Республикада бозор иқтисодиёти инфратузилмасини жадал шакллантиришда ҳам Президент Фармонларининг аҳамияти катта бўлди. «Республикада деҳқон (фермер) хўжалиқларини янада мустақамлаш ва тadbиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида биржа фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш кўмитасини ташкил этиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Фармонлар бунга мисол бўла олади.

Президент Фармонлари стратегик ва дастурий характерга эга бўлиб, уларда Ҳукумат, у ёки бу вазирлик, давлат кўмитаси муайян йирик мураккаб масалани қандай ҳал этиши кераклигининг аниқ режаси ва йўл-йўриқлари белгилаб берилди. Фармонлар Вазирлар Маҳкамаси ва давлат бошқарувининг бошқа бўғинлари фаолиятига раҳбарлик қилиш-

нинг самарали воситасидир. Бироқ Фармонлар ҳукумат қарорлари ўрнини эгаллаб олмайди. Ҳар икки турдаги бу ҳужжатлар Конституция ва қонунда белгиланган ваколатлар доира-сида чиқарилади.

Фармон билан қонунга қўшимча ёки ўзгартириш кири-тиш мумкин эмас, у қонун асосида ва қонун ижросини таъ-минлаш мақсадида чиқариладиган актдир. Шу ўринда қонун билан Фармон ўртасидаги муносабатни аниқроқ баён этиш лозим:

1. Қонун парламентнинг, ҳокимият олий вакиллик орга-нининг актидир; Фармон эса, олий ижроия ҳокимияти раҳ-барининг акти.

2. Қонун ҳамиша норматив характерга эга бўлади; Фармон норматив акт бўлиши ҳам, бундай бўлмаслиги ҳам мумкин. Баъзан Фармонлар индивидуал акт сифатида чиқарилади.

3. Қонун ўз юридик кучи жиҳатдан Фармондан устун туради. Фармон норматив-ҳуқуқий актлар иерархиясида қонундан кейинги ўринни эгаллайди. Қонун билан Фармон-нинг қоидалари ўзаро зид келиб қолган тақдирда, қонун устуворлик қилади.

Шу ўринда қонуннинг ҳам, Фармоннинг ҳам тартибга солиш предмети борлигини ёдда тутиш лозим. Конституция-га мувофиқ Фармон билан ҳал этиладиган масала бўйича қонун чиқариш мумкин эмас ва аксинча. Бироқ барча Фар-монлар парламент – Олий Мажлис тасдиғидан ўтиши лозим.

4. Қонун Конституцияда белгиланган алоҳида қатъий ўрнатилган тартибда (одатда тўрт мажбурий босқичли жара-ён оқибатида) қабул қилинади. Фармонни қабул қилиш эса, қонун ижодкорлиги жараёнидаги сингари махсус босқич-ларни амалга оширишни талаб этмайди.

3) Ҳукуматнинг қарор ва фармойишлари

Ўзбекистон Конституциясининг 98-моддасига биноан, Республика Ҳукумати – Ўзбекистон Республикасининг Ва-зирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ мамлакат-нинг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассаса-лар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томони-дан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади ва фармойишлар чиқаради. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиёт-нинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига

рахбарликни таъминлаш мақсадида қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фаройишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари норматив-ҳуқуқий характерга эга бўлиб, улар иқтисодиёт, ижтимоий-маданий ва бошқа ижроия идоралари фаолиятини бошқаришга йўналтирилгандир. Ҳукумат қарорлари ва фармойишлари қонунга ёки Президент Фармониغا зид келиб қолса, қонун ёки фармон амал қилади. Ҳукуматнинг бундай қарори бекор қилиниши шарт бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари фақат унга Конституция ва қонун билан белгилаб берилган ваколат доирасидагина чиқарилиши мумкин. Президентлик ҳокимияти қарор топганидан буён, аксарият ҳолларда, Фармонларда Ҳукуматга топшириқлар ифодаланиб, унга тегишли қарор қабул қилиш вазифаси юклатилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 3 апрелдаги «Ўзбекистон гўшт ва сут саноати давлат акционерлик уюшмаси («Ўзгўштсутсаноат»)ни ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармонида Вазирлар Маҳкамасига икки ҳафта муддат ичида «Ўзгўштсутсаноат» уюшмасини ташкил қилиш ва унинг фаолиятига оид қарорни қабул қилиб, тузилмаси ва Уставини тасдиқлаш вазифаси топширилди⁴. 1993 йил 6 апрель куни Вазирлар Маҳкамаси ўзининг «Ўзбекистон гўшт ва сут саноати давлат акционерлик уюшмаси («Ўзгўштсутсаноат»)ни ташкил қилиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги 172-сон қарорини қабул қилди⁵.

Президентнинг 1993 йил 2 июнь Фармони билан Вазирлар Маҳкамасига 20 кунлик муддат ичида «Ўзфармсаноат» (тиббий дори-дармон ишлаб чиқариш саноати) концернини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалаларига доир қарор қабул қилиш, концерн тузилмаси ва Уставини тасдиқлаш вазифаси топширилди⁶. Вазирлар Маҳкамаси ўша йил 17 июнда «Ўзбек фармацевтика саноати давлат акционерлик

⁴ *Ўзбекистон Республикаси Президенти. Хабарнома, 1993, № 10, 20-бет.*

⁵ *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, 1993йил, апрел, №172.*

⁶ *Ўзбекистон Республикаси Президенти. Хабарнома, 1993, № 10, 45-бет.*

концернини ташкил этиш ва фаолияти масалалари тўғрисида»ги 290-сон қарорни қабул қилди⁷. Қарорда «Ўзфармсанот» концернига бир ойлик муддат ичида унинг Уставини ҳукумат тасдиғига киритиш вазифаси топширилди. (Фармондаги 20 кунлик муддат Уставни тасдиқлашга ҳам тааллуқли эди).

4) Давлат ва ҳўжалик бошқаруви идораларнинг актлари

Норматив-ҳуқуқий актлар Ҳукуматга итоат этувчи бошқа давлат бошқаруви органлари томонидан ҳам чиқарилади. Булар вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат концернлари ва корпорацияларининг қарорлари, буйруқлари ва йўриқномалари бўлиши мумкин. Бундай ҳужжатларнинг таъсир кўлами, ҳаракат доираси ва юридик кучи бу актларни ўрнатувчи бошқарув идорасининг давлат органлари тизимида тутган ўрни ва унинг ваколатлари билан белгиланган. Улар қонунга, Фармонга ва ҳукумат қарорига мувофиқ ҳамда шу актларнинг ижросини таъминлаш мақсадида чиқарилади. Бошқарув тизимидаги қуйи турувчи органнинг ҳуқуқий акти ундан юқори турувчи органнинг актига мувофиқ бўлиши шарт. Республика вазирликлари, давлат қўмиталари ва бошқа бошқарув идораларининг қонунга, фармонга ва ҳукумат қарорига зид ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан бекор қилиниши кўзда тутилади. Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Президенти Фармонларига ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларининг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга⁸.

5) Маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг актлари

Маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари Конституция, қонунлар, Фармонлар, ҳукумат қарорлари, марказий давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг актларига мувофиқ ҳолда ва уларни ижро этиш учун қарор ва фармойишлар қабул

⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, 1993 йил июн, № 290.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида Қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, № 5, 202-модда.

қиладилар. Мазкур ҳуқуқий актлар шу давлат органлари ҳокимияти таъсир этадиган ҳудуд доирасида амал қилади. Улар юқорида саналган актларга зид бўлиб чиқса, тегишли тартибда бекор қилинади. Хусусан, Ўзбекистон Президенти, худди республика бошқарув органларининг актлари сингари, ҳокимларнинг қабул қилган ғайриқонуний ҳужжатларини тўхтатади ва бекор қилади (Конституциянинг 93-модда, 13-банди).

Юридик адабиётларда ҳуқуқнинг манбаи сифатида ҳуқуқий одат, суд тажрибаси (суд прецеденти), халқаро шартномалар ҳам кўрсатилади. Одатлар фақат давлатнинг маъқуллаши туфайлигина ҳуқуқий одат сифатига эга бўлиши мумкин. Ҳуқуқий одатлар қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий актлар амал қилмайдиган шароитларда қўлланилиши мумкин. Суд тажрибаси мавжуд қонунларни такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга. Халқаро шартномаларга келганда, уларнинг мамлакат ички ҳуқуқий қоидаларидан устуворлиги тан олинади. Ўзбекистоннинг деярли барча қонунларида қуйидагича қоида мустаҳкамланади: «Башарти халқаро шартнома ва битимларда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ва битим қоидалари қўлланилади».

Шундай қилиб, қонун республика норматив-ҳуқуқий актлари ўртасида ўз юридик кучи жиҳатидан энг устувор ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам қонун жамият ҳуқуқий тизимининг ўзаги сифатида майдонга чиқади.

4. Қонуннинг олийлиги принципи

Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жамиятда қонуннинг ҳукмронлиги қарор топишини тақозо этади. Чинакам ҳуқуқий давлат бўлиши учун мамлакатда адолатли, инсонпарвар, демократик қонунлар тантана қилмоғи шарт. Қонуннинг олийлиги давлат ва жамият ҳаётининг муқаддас принципларидан биридир. Ижтимоий сиёсий турмушда қонун муқаддас саналиб, унинг юксак нуфузга эга бўлишининг боиси шуки, унда халқнинг ҳукмрон иродаси, хоҳиши ва истаклари, манфаат ва интилишлари ўзининг мужассам ифодасини топади.

Қонуннинг олийлиги бугун пайдо бўлган янги муаммо эмас. Бу ғоя бир неча асрлардан буён сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар хазинасидан ўрин олиб, ўз кадрини хурматловчи давлатлар тажрибасида қўлланиб келмоқда. Масаланинг кадр-қиммати тоталитар тузумдан воз кечиб, миллий истиклол йўлига кирган ёш Ўзбекистон давлати учун алоҳида аҳамият касб этади. Ҳамма гап қонуннинг олийлиги принципини Ўзбекистоннинг сиёсий-ҳуқуқий воқелигига сингдиришда.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида вужудга келганлигини дунёга эълон қилувчи «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонундаёқ (1991 йил, 31 август) ўзининг умуминсоний қадриятларга содиқлигини, демократик давлатчилик йўлидан боражагини, Ўзбекистонда унинг Конституцияси ва қонунлари устун эканлигини баён этди. Мустақил Ўзбекистоннинг 1992 йилги янги Конституциясида ҳам халқимизнинг олий мақсади инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш эканлиги ўз ифодасини топди.

4-§. Қонун ижодкорлиги жараёни ва босқичлари

Қонун давлат ҳокимиятининг махсус фаолияти маҳсули сифатида вужудга келади. Давлат амрининг олий ифодаси бўлмиш қонун, ҳокимиятнинг алоҳида ваколатли органи томонидан амалга ошириладиган мураккаб жараён натижасида яратилади.

Қонунчилик (қонунни яратиш) жараёни – давлат олий вакиллик органининг конституцияда белгиланган тартибда янги қонунларни яратишга, амалдаги қонунларга кўшимча ва ўзгартириш киритишга қаратилган, шунингдек эскирган қонунларни бекор қилиш борасидаги ҳаракатлари йиғиндиси бўлиб, у қонун билан тартибга солиниши зарур бўлган муносабатларни аниқлаш, қонун лойиҳасини тайёрлаш, уни муҳокама этиш ва қабул қилишни ўз ичига олади. Қонунчилик жараёни муайян тартиб, ташкиллашганлик ифодаси сифатида мамлакатда қонунчилик ҳокимиятини амалга ошириш шакли ҳисобланади. Қонуннинг олийлиги, жамият ҳаёти-

даги устувор мавқеи қонунчилик жараёнининг илмий ва амалий аҳамиятини белгилаб беради. Зеро, қонун яратиш жараёнининг мукамал тартибга солинганлиги сифатли ва талаб даражасидаги қонуннинг туғилиши учун замин бўлиб хизмат қилади.

Қонунчилик жараёнининг таърифи икки маънога эга: биринчидан, бу қонун лойиҳасининг парламентга киритилишидан бошлаб, то у қабул қилингунга қадар давлат органлари томонидан рўёбга чиқариладиган ваколатлар бўлса, иккинчидан, қонунчилик ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этадиган турли субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи процессуал қоидалар ифодаси (шакли)-дир. Қонунчилик жараёнининг муҳим хусусияти шундаки, унинг мазмунини ташкил этувчи ҳаракатлар тартиби ва уларни амалга ошириш таомили конституциявий тарзда белгилаб қўйилади.

Қонун ижодкорлиги жараёни, анъанага кўра, ушбу жараённинг турли босқичларида иштирок этувчи органлар ўртасидаги ваколатларни тақсимлаш маъносида талқин этилади. Гарчанд, қонун чиқариш фаолиятида у ёки бу мустақил субъектлар иштирок этсаларда, қонунчилик жараёни асосан парламентнинг қонун яратиш фаолияти тартиби бўлиб қолаверади.

Қонун ижодкорлиги жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Муайян қонун яратилишига бўлган объектив эҳтиёжни аниқлаш;⁹

2. Қонунчилик ташаббуси;

3. Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш;

4. Қонунни қабул қилиш;

5. Қонунни имзолаш ва эълон қилиш.

Қонун билан тартибга солиш эҳтиёжини аниқлаш

Қонун ижод этиш фаолиятини фақат қонун чиқарувчи орган доирасидаги ҳаракатлар билангина чегаралаб бўлмайди. Мазкур фаолият қамровига муайян турдаги ижтимоий муносабатларни қонун воситаси билан ҳуқуқий тартибга солишга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, қонунчилик ташаббуси

⁹ Қаранг: *Одилқориев Х.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни* – Т.: «Ўзбекистон», 1995, 75-85-бетлар.

сохибларининг, парламент кўмиталарининг, комиссияларининг шу йўналишда олиб борадиган ишлари ҳам киради. Қонун чиқарувчи органнинг вазифаси анча мураккаб ва масъулиятлидир. У ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини аниқлагач, тегишли муаммоли вазиятнинг ҳуқуқий ечимини излаб топишга киришади. Ушбу муаммоли ижтимоий муносабатлар айнан қонун билан тартибга солиниши керакми ёки бошқа турдаги ҳуқуқий акт билан (масалан, фармон ёки ҳуқумат қарори билан) тартибга солиниши мумкинми, деган масалани ҳал этади. Сўнгра амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил қилиб, мавжуд норматив актларни тўлдириш, ўзгартириш етарлими ёки янги қонун қабул қилиш керакми, деган саволга ечим топади.

У ёки бу қонунни қабул қилиш эҳтиёжи (зарурияти) ҳамда муайян ҳуқуқий қондани ўрнатишга қаратилган халқ иродасининг йўналиши аниқлангач, қонун чиқарувчи органнинг диққат-эътибори ижтимоий шаклланган қондани юридик тилда баён этишга, уни аниқ ифодалашга, қатъий расмийлаштиришга қаратилади. Қонун ишлаб чиқишга киришишдан аввал мавжуд ижтимоий ҳаёт, реал воқелик, муайян муаммоли вазият атрофлича таҳлил этилиши лозим.

Шундай қилиб, у ёки бу қонуннинг яратилишига бўлган эҳтиёжни ўрганиш (аниқлаш) – қонун ижод этиш жараёнининг бошланғич босқичидир.

Қонунчилик ташаббуси

Қонунни яратиш жараёни, яъни қонун чиқарувчи орган доирасидаги бевосита фаолият қонунчилик ташаббуси рўёбга чиқишидан бошланади.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи – Конституцияда белгиланган ваколатли органлар, ташкилотлар ва шахслар томонидан муайян қонун лойиҳасини ёки янги қонун қабул қилиш тўғрисида, шунингдек қонунни ўзгартириш ёхуд уни бекор қилиш тўғрисидаги таклифни Олий Мажлис эътиборига тақдим этилиши ва парламент томонидан бу масалани белгиланган тартибда кўриб чиқиш ҳақида тегишли қарор қабул қилишидир.

Юридик адабиётда қонунчилик ташаббусининг объекти хусусида баҳс-мунозара мавжуд. Баъзи олимлар бундай объект сифатида парламентга тайёр қонун лойиҳаси ки-

ритилишини назарда тутадилар. Иккинчи гуруҳ олимлари бирон-бир қонунни қабул қилиш тўғрисида таклифни илгари сурилишининг ўзи – қонунчилик ташаббуси бўлади, деб ҳисоблайдилар. Бу мунозарага Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Регламентининг 66-моддасида аниқ жавоб берилган:

«Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи янги қонунлар лойиҳаларини, амалдаги қонунларга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қонунлар лойиҳаларини, янги қонунларни қабул қилиш ёки амалдаги қонунларга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни (қонун чиқариш тўғрисидаги таклифларни) киритиш шаклида амалга оширилади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Олий Мажлиснинг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат ва жамият ташкилотлари ёки алоҳида фуқаролар таклиф этган қонун лойиҳалари ёки қонунчилик характеридаги таклифлари мазкур ҳуқуққа эга бўлган идоралар ва шахслар орқали парламентга киритилиши мумкин.

Қонунларнинг лойиҳалари ва қонунчиликка оид таклифлар уларни ишлаб чиқиш зарурлиги асосланган ҳолда, бўлажак қонунларнинг мақсади, вазифалари ва асосий қоидалари ҳамда улар амалдаги қонунлар тизимида тутадиган ўрнининг, шунингдек, уларни қўллашдан қўтилаётган ижтимоий-иқтисодий оқибатларнинг батафсил таърифи билан бирга кўриб чиқиш учун такдим этилади. Амалга ошириш учун қўшимча моддий ва бошқа харажатлар талаб қилинадиган лойиҳа такдим этилаётганда унга молиявий-иқтисодий далиллар илова қилинади¹⁰.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш – қонун ижод этиш жараёнининг алоҳида муҳим босқичи. Бу босқич қонун лойи-

¹⁰ *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламенти. – Т., 1995, 14-бет (68-модда).*

ҳаси парламентга тақдим этилиб, у сессия кун тартибига киритилгач бошланади. Қонун лойиҳаси икки хил шаклда муҳокама қилинади. **Биринчи** ҳолда, қонун лойиҳаси парламент сессиясида муҳокама этилади. **Иккинчи** ҳолда, жамият ҳаётининг ўта муҳим масалаларига оид қонунлар лойиҳаси парламент қарори билан умумхалқ муҳокамасига чиқарилиши мумкин. Барча қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйиш мажбурий қоида эмас. Умумхалқ муҳокамалари қонунчилик тажрибамизда кенг қўлланилаётган демократик институтдир.

Умумхалқ муҳокамаси – ўз моҳияти-эътиборига кўра қонун лойиҳаси юзасидан халқ билан бевосита кенгашув, маслаҳатлашувдир. Бу тадбир халқ оммаси тажрибасини мужассамлаштириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш ва қонунда халқ манфаатларини, хоҳиш – иродасини тўла-тўқис акс эттириш имконини беради.

Парламент сессияси муҳокамасига киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш, қоида тариқасида, икки марта ўқиш йўли билан амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда унинг ташаббускори маърузасини ва бош кўмита ёки комиссиянинг қўшимча маърузасини тинглайди; лойиҳанинг асосий қоидалари (концепциясини) муҳокама қилади ҳамда ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиради. Биринчи ўқишда маъқуллангач, қонун лойиҳасининг матни устида бевосита иш олиб борилади. Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда у моддама-модда, бўлим ва боблар бўйича ёки ялпи матни бўйича муҳокама қилинади. Муҳокама чоғида қонун лойиҳаси камчиликларини тузатиш учун тегишли кўмита (комиссия) ёки идораларга қайтарилиши мумкин (Олий Мажлис Регламентининг 79-моддаси). Кўриб чиқиш натижасига қараб, Олий Мажлис қонунни қабул қилади ёки рад этади ёхуд маромига етказиш учун қайтаради.

Қонунни қабул қилиш босқичи муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеадир. Бу босқичнинг аҳамияти ва маъсулияти шундаки, бунда қонун лойиҳасига расмий юридик куч баҳиш этилади, у қонунга айланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ, қонунни қабул қилиш учун Олий Мажлис

депутатларининг (яъни 250 нафар депутатнинг) кўпчилик овози талаб этилади. Қонун лойиҳаси тўлиғича ёки модда-ма-модда ёхуд бўлим ҳамда боблар бўйича овозга қўйилиши мумкин. Қонун лойиҳасини ёқлаб депутатлар умумий сонининг ярмидан кўпи овоз берса, қонун қабул қилинган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиш ёки унга ўзгартиришлар киритиш халқ депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз билан амалга оширилади.

Олий Мажлисида қонунга овоз бериш демократик тарзда бевоситалик асосида амалга ошади. Ҳар бир депутат шахсан ўзи овоз бериш ҳуқуқига эга. Депутат овоз бериш учун бошқа ҳамкасбини вакил қилиши мумкин эмас.

Овоз бериш ошқора, очик, яширин ва номма-ном бўлиши мумкин.

Олий Мажлисида овоз бериш овозларни ҳисобловчи махсус электрон тармоқ ёрдамида ўтказилади. Сессияда депутатлар орасидан саноқ комиссияси сайланади. У овоз бериш натижалари ҳолислик билан ҳисоблаб чиқилишини таъминлайди. Яширин овоз бериш электрон машинадан фойдаланган ҳолда ёки бюллетенлар ташлаш йўли билан ўтказилади.

Қонунлар умумхалқ овоз бериши (референдум) орқали ҳам қабул қилинади. Бунда овоз бериш яширин тартибда ўтказилади: фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини изҳор этишлари устидан назорат қилишга йўл қўйилмайди. Референдум иштирокчилари тенг бўлиб, ҳар бир фуқаро шахсан овоз беради ва фақат битта овозга эга бўлади.

Қонунни имзолаш ва эълон қилиш. Қонун қабул қилинган, уни имзолаб, сўнг эълон қилиш (матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш) қонунчилик жараёнининг алоҳида босқичи саналади. Ўзбекистон Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ, қабул қилинган қонунларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари мамлакат Президентини томонидан имзоланади. Бунда Президент «вето» ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Яъни, Президент имзолаш учун юборилган қонунлар Конституцияга ёки инсон ҳуқуқла-

рига ёхуд миллий хавфсизликка зид деб ҳисобласа, қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли (Конституциянинг 93-моддаси 14-банди). Агар Олий Мажлис илгари ўзи қабул қилган қарорни (яъни, қонунни) учдан икки қисмдан иборат кўпчилик овоз билан тасдиқласа, Президент бу қонунга имзо чекади.

Ўрнатилган тартибга кўра Ўзбекистон қонунлари қабул қилинганидан сўнг ўн кундан кечиктирмасдан ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида нашр этилади. Қонунлар расмий матбуот нашрларида – «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси»да (ўзбек ва рус тилларида), «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида, шунингдек «Еркин Қарақалпақстан», «Вести Каракалпақстана» газеталарида босиб чиқилади.

Қонунни матбуотда эълон қилиш давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқий нормаларни аҳолига етказишнинг энг тезкор, эпчил ва ишончли усулларида биридир. Матбуотда эълон қилишнинг афзал томони шундаки, қонунларнинг матни билан қайта-қайта танишиш имконияти мавжуд бўлади.

Қонунни матбуотда эълон қилиш расмий юридик факт бўлиб, унинг кучга қираётганлигидан далолат беради. Қонун матбуотда босилиб чиққандан кейин 10 кун ўтгач кучга қиради (албатта, қонун матнида уни кучга киритишнинг узокрок муддати кўрсатилиши бу умумий хулосага путур етказмайди).

Шундай қилиб, парламент қонунни қабул қилиб, уни мамлакат аҳолиси эътиборига етказгач, қонунчилик ҳокимиятини амалга ошириш тартиби ҳисобланган қонун ижод этиш жараёни ниҳоясига етади.

5-§. Норматив-ҳуқуқий актларнинг вақт, ҳудуд ва шахсларга нисбатан амал қилиши

Норматив-ҳуқуқий актларни ҳаётга самарали таъбиқ этишнинг муҳим шарти – уларнинг амал қилиш доирасини аниқ белгилаб олишдир. Норматив ҳужжатларнинг ҳаракатланиши – уларда назарда тутилган юридик оқибатларнинг юзага

чиқишидир. Норматив-ҳуқуқий актларнинг ҳаракатланиш кўламлири амалиёт учун бевосита аҳамият касб этади. Бу масала қуйидаги тўрт йўналишни қамраб олади:

1) мазкур акт қандай ижтимоий муносабатларга татбиқ этилади (ҳаракатланиш мавзуси);

2) норматив акт қачондан бошлаб ва қайси вақтгача амал қилади (вақт бўйича ҳаракатланиши);

3) у қайси ҳудудга ўз таъсирини ўтказади (ҳудудда, маконда ҳаракатланиши);

4) норматив акт кимларга тааллуқли (шахсларга нисбатан амал қилиши).

1. Актнинг ҳаракатланиш мавзуси

Норматив-ҳуқуқий актлар турли мазмундаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Масалан, маъмурий қонунчилик соҳасидаги норматив актлар давлат бошқаруви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади; фуқаровий қонунчилик актлари мулкӣ ва мулкӣ бўлмаган шахсий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади. Бу соҳаларга оид актларнинг ҳеч бири ўзгасининг мавзусига, кўламига оид муносабатларни тартибга сола олмайди.

Ҳуқуқий тартибга солиш мавзуси предметини иродавий ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Бу ҳол ҳуқуқий актларнинг инсон иродаси иштирок этмайдиган ҳодиса ёки бошқа вазиятларга таъсир этишини истисно қилади. Бундай ҳолатлар фақат юридик фактлар сифатида майдонга чиқиши мумкин. Яъни, қонун бу фактлар туфайли келиб чиқадиган юридик оқибатларни белгилай олади, аммо уларнинг мазмунига, ички ҳаракатланишига таъсир эта олмайди.

Шундай қилиб, норматив-ҳуқуқий актлар муайян турдаги ва мазмундаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

2. Норматив актларнинг вақт бўйича амалда бўлиши қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатнинг юридик кучга кириши ва уни йўқотиш вақтини англатади. Ҳар бир давлатда қонун ва бошқа норматив актларнинг матбуотда эълон қилиниши ва кучга кириши тартиби тўғрисидаги нормалар амал қилади.

Ўзбекистонда қонунларни матбуотда эълон қилиш ва юридик кучга киритиш тартиби махсус қонун ҳужжатлари билан белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат ҳокимияти олий органларининг ҳуқуқий

актлари қабул қилинганидан (имзоланганидан) сўнг ўн кундан кечиктирмасдан ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида нашр этилади, айни вақтда радио ва телевидение орқали эълон қилиниши ҳам мумкин. Қонунлар Ўзбекистон Президенти-нинг имзоси билан эълон қилинади. Қонунларни кучга киритиш тўғрисидаги парламент қарори эса Олий Мажлис Раисининг имзоси билан эълон қилинади.

Қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари «Ахборот-нома»да нашр этилгандан сўнг 10 кун ўтгач, бутун республика ҳудудида кучга қиради. Худди мана шу ҳужжатлар расмий матбуот органлари («Халқ сўзи», «Народное слово», «Еркин Қарақалпақстан» ва «Вести Карақалпақстана» газеталари) да босилиб чикқанидан кейин 10 кун ўтгач юридик кучга қиради. Норматив мазмунга эга бўлмаган ҳужжатлар улар қабул қилиниб, матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб кучга қиради. Албатта, бу умумий қолидаир. Бирок, қонун чиқарувчи идора вазиятга қараб бошқа муддатларни белгилаши ҳам мумкин.

Агар Олий Мажлиснинг муайян қонунни кучга киритиш тартиби тўғрисидаги қарорида бошқача муддатлар белгиланган бўлса, қонун нашр этилгач, юқоридаги 10 кунлик муддатда эмас, балки парламент қарорида кўрсатилган муддатда кучга қиради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 1994 йил 24 сентябрда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелдан бошлаб кучга киритилган; Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 1997 йил 24 апрелда қабул қилиниб, 1998 йил 1 январдан эътиборан кучга киритилган; Республиканинг Божхона кодекси 1997 йил 26 декабрда қабул қилиниб, 1998 йил 1 мартдан кучга киритилган.

Одатда кодекслар ва бошқа катта қонунлар қабул қилингандан то кучга киргунча бир неча ой вақт ўтади. Бундай муддат белгиланишига сабаб тегишли ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитни вужудга келтириш, ташкилий-тайёргарчилик ишларини амалга ошириш учун вақт-имконият зарур бўлишидир. Бу давр ичида қонунни ҳаётга жорий этиш механизми таркибига кирувчи қонуности актлар (фармон, ҳукумат қарори, низом ва йўриқномалар) ишлаб чиқилиб қабул қилинади. Зарур бўлса, ташкилий-институционал тузилмалар тизими вужудга келтирилади ва ҳоказо.

Баъзи норматив-ҳуқуқий актлар матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради. Бу ҳақда тегишли кўрсатма қонунни кучга киритиш тартиби тўғрисидаги қарорда назарда тутилган бўлади.

Амалиётда қонун ҳужжатларини босқичма-босқич қабул қилиб, шу заминда кучга киритиш ҳоллари ҳам учраб туради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисми 1995 йил 25 декабрда қабул қилинди, Фуқаролик кодексининг иккинчи қисми эса 1996 йил 29 августда қабул қилиниб, ҳар иккала қисм 1997 йил 1 мартдан бошлаб кучга кирди.

Президент Фармонларида уларни кучга киритишнинг турли шакллари қўлланилади. Масалан, Фармонлар матнида шундай қоидалар учрайди: «Фармон имзоланган вақтдан кучга киритилсин», «Фармон матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киритилсин», «Фармон қабул қилинган вақтдан бошлаб кучга киритилсин». Кучга киритишнинг бундай шакллари бошқа турдаги норматив-ҳуқуқий актларга ҳам ҳосилдир.

Референдумда қабул қилинган қонунни эълон қилиш ва кучга киритиш тартиби «Референдум тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддасида белгиланган:

«Референдум натижаларини референдум ўтказувчи Марказий Комиссия овоз бериш тугаганидан кейин ўн кундан кечиктирмай оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистон Республикасининг аҳолисига маълум қилади. Референдум ўтказувчи Марказий Комиссиянинг қарорлари устидан бу қарорлар қабул қилинган кундан бошлаб бир ҳафта ичида Ўзбекистон Республикасининг Олий Судига шикоят қилиниши мумкин».

Референдумда қабул қилинган қарор (қонун) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши томонидан референдум натижалари ҳақида расман хабар қилинганидан кейин кечи билан етти кун ичида матбуотда босиб чиқарилади ва агар референдум қарорининг ўзида бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, эълон қилинган кундан кучга киради.

Норматив актларнинг кучга кириш ва амалда бўлиш вақтини аниқ белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки улар белгиланган вақтдан бошлаб сўзсиз бажарилиши лозим. Бу қонун

устуворлиги принципини ҳаётга жорий этиш билан боғлиқ. Қонун орқага қайтиш кучига эга эмас, деган талаб қонун чиқарилгунга қадар вужудга келган ҳамда мавжуд бўлган ҳаракат ва муносабатларга таъбиқ этилмайди, деган маънони англатади. Бирок, бу умумий юридик аксиомадан икки ҳолатда истисно бор: **биринчиси**, агар қонун ёки норматив актнинг ўзида, уларнинг орқага қайтиш кучи кўрсатилган бўлса; **иккинчиси**, агар қонунда қилинган хатти-ҳаракат учун жазо қўллаш тўхтатилган бўлса ёки жазони енгиллаштириш кўзда тутилган бўлса, қонун орқага қайтиш кучига эга.

Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий актлар қуйидаги уч асосга қўра ўз амал қилишини тўхтатади:

а) норматив актнинг амал қилиши белгилаб қўйилган муддат тугаган бўлса;

б) давлат ваколатли органининг норматив актни бекор қилиш тўғрисида қарори бўлса ёки эскисининг ўрнига келадиган янги қабул қилинган норматив актда бу ҳақда кўрсатилган бўлса;

в) илгари амалда бўлган норматив актни алмаштирувчи янги норматив акт қабул қилинса.

Одатда, эскирган норматив актни бекор қилиш ёки кучини йўқотган деб топиш ҳақида махсус қарор қабул қилинади.

3. Норматив актларнинг ҳудудда, маконда ҳаракатланиши

Давлат суверенитети тамойилига биноан норматив-ҳуқуқий актлар давлатнинг бутун ҳудудида ҳаракатда бўлади. Давлат ҳудудига қуйидагилар киради – ер майдони, ер ости, ички ва ҳудудий сувлар, ер ва сув ҳудуди устидаги ҳаво макони, элчи-хоналарнинг, ҳарбий кемалар, парвоз этувчи кемалар (аппаратлар) ҳамда очик денгизда сузувчи кемаларнинг ҳудудлари. Норматив актлар амал қилинишининг ҳудудий кўламлиги давлат юрисдикцияси билан чамбарчас боғлиқ. Баъзан хорижий мамлакат қонунчилиги муайян давлат ҳудудида амал қилиши мумкин. Бирок, бунинг учун бу икки давлат ўртасида улар қонун ҳужжатларининг ўзаро бир-бирининг ҳудудида амал қилиши ҳақида шартнома бўлиши шарт.

Халқаро шартномалар норматив актларнинг экстерриториал ҳаракатини ҳам назарда тутиши мумкин. Яъни, бир давлатнинг қонунлари ўз ҳудудидан ташқарида ҳам амал

килади (бир давлат қонунларининг бошқа давлат ҳудудида бўлган ўз фуқаролари ва ташкилотларига нисбатан қўлланилиши). Федератив давлатларда федерал қонунлар бутун иттифок ҳудудида, федерация субъектларининг қонунлари эса уларнинг ўз ҳудудларидагина ҳаракатланади.

Кўпчилик давлатларнинг қонунчилигида коллизия мезо-лар мавжуд. Булар низоли вазият вужудга келганда қўлланилади. Масалан, тенг кучли ҳуқуқий актлар тўқнашиб қолганда, шунингдек турли даврда чиқарилган актлар ёки ҳар хил ҳажмдаги актлар ёхуд турли идоралар томонидан ўрнатилган актлар ўзаро зид келиб қолганда коллизия нормалар ишга солинади. Давлатнинг турли маъмурий-ҳудудий бўлақлари учун чиқарилган актлар ўртасида ҳам ўзаро қарама-қаршилик келиб чиқиши мумкин. Аксарият ҳолларда бундай низолар суд орқали ҳал этилади.

4. Норматив актларнинг шахсларга нисбатан ҳаракатда бўлиши

Ҳуқуқий қоидаларнинг вазифаси улар татбиқ этилиши лозим бўлган муносабатларни, ташкилотларни ва кишилар доирасини аниқлаб беришдан иборат. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа ҳуқуқий актлари мамлакатнинг барча фуқароларига, давлат идораларига, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларга нисбатан амалда бўлади. Ўзбекистон Конституцияси, қонунлар ва бошқа норматив актлари мамлакатда яшовчи, вақтинча келиб-кетувчи ажнабий фуқароларга ҳам татбиқ этилади. Тартибга солиниши лозим бўлган муносабатлар ва хорижий давлатлар билан тузиладиган шартномаларнинг мазмунига қараб, юқорида кўрсатилган умумий қоидалардан айрим истиснолар мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикасида яшайдиган чет эл фуқаролари судга мажбурий тартибда кўрсатма бериш учун келтирилган бўлса, аммо у дипломатик иммунитет (дахлсизлик) ҳуқуқидан фойдаланадиган бўлса, бундай шахсларнинг хатти-ҳаракатлари дипломатик воситалар билан ҳал қилинади. Ўзбекистоннинг айрим қонун нормалари хорижий давлат фуқароларига қўлланилмайди. Масалан, улар бизда сайлов ҳуқуқига эга эмаслар; қуроли кучлар сафида хизмат қилиши ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи давлат идораларида ишлаши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари бизнинг чет давлатларда турган (доимий ишловчи, турист, хизмат сафарида бўлган) фуқароларимизга нисбатан ҳам қўлланилади. Масалан, чет элда жиноят содир этган Ўзбекистон фуқароси хорижий қонунчилик билан жавобгар бўлишидан ташқари, Ўзбекистон Жиноят кодекси билан ҳам жавобгар қилинади.

6-§. Норматив-ҳуқуқий актларни тизимлаштириш

Жўшқин қонунчилик ва ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти натижасида мамлакатда катта ҳажмдаги норматив-ҳуқуқий актлар мажмуи ҳосил бўлади. Уларни қамраб олиш, ўрганиш ва қўллаш учун норматив актларни батартиблаштириш, гуруҳлаштириш, яъни тизимлаштириш зарурияти туғилади. Тизимлаштиришнинг мақсади ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш, бир тизимга келтириш, уларни фойдаланиш учун қулай қилиб (муайян бўлим, рунлар асосида таснифлаб) жойлаштиришдан иборат.

Норматив-ҳуқуқий актларни тизимлаштириш – амалдаги қонунчилик ҳужжатларини батартиблаштиришга, тизимлаштиришга қаратилган махсус фаолиятдир.

Ҳуқуқий адабиётда тизимлаштиришнинг қуйидаги икки анъанавий тури – **кодекслаштириш** ва **инкорпорация** ҳақида гапирилади.

Кодекслаштириш – қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштиришнинг энг юқори шаклидир. Мазкур амал туфайли қонунчилик тармоғидан муҳим ҳуқуқий нормаларни мантикий бирлаштирувчи мажмуий ҳужжат (кодекс) вужудга келтирилади. Кодекслаштиришда норматив-ҳуқуқий актлар шунчаки, оддийгина тўплаб бирлаштирилмайди, балки ҳуқуқий тизимнинг умумий принципларидан келиб чиқиб, тармоқдаги барча норматив материал ички мутаносиб бир бутун ва илмий тизимлаштирилган ягона акт кўринишида баён этилади.

Кодекслаштириш – амалдаги қонунчилик нормаларини чуқур ва ҳар томонлама қайта ишлаш ҳамда лозим бўлса, унга жиддий ўзгартишлар киритиш орқали янги, мажмуий, тизимлаштирилган норматив-ҳуқуқий акт яратишдир. Ко-

декслаштиришнинг муҳим хусусияти ва инкорпорациядан фарқи шундаки, у фақат ҳуқуқ ижод этувчи идора томонидан амалга оширилади. Шу жиҳатдан у ҳуқуқ ижодкорлигининг бир тури ҳисобланади.

Кодекслаштиришда норматив актнинг мазмуни ўзгаради, яъни: эскирган ҳуқуқий норма бекор қилинади, янгиси яратилади; кўпчилик нормалар қайта баён қилинади; нормалар ўртасидан қарама-қаршиликлар, такрорлашлар ҳамда ҳуқуқдаги камчиликлар бартараф этилади.

Кодекс – муайян ҳуқуқ (қонунчилик) соҳасидаги устувор нормаларни ифода этувчи, мужассамлаштирувчи қонундир. У катта миқдордаги турли хил нормаларни камраб олса ҳам, ички мувофиқликка эга бўлган ягона бир бутун актдир. Унинг таркибий қисмлари (нормалар, институтлар) ўзаро узвий алоқадор бўлиб, муайян тизим тарзида жойлаштирилади. Анъанага кўра, қонунчилик соҳаларида уйғунлаштирувчи ва бошқарувчи фаол марказ ролини тегишли кодекслар ўйнайди. Кодекс оддий қонундан ўзининг муқамаллиги, сайқал топганлиги, барқарорлиги билан фарқ қилади. Агар муайян қонунчилик соҳасида бир вақтнинг ўзида кодекс ва бир неча қонун ҳужжатлари мавжуд бўлса, улар ичида кодекс юридик кучи ҳамда тартибга солиш имконияти жиҳатидан устунлик қилади. Кодекслар ички мантиқининг пишиқлиги, нормаларининг ўзаро мувофиқлаштирилганлиги билан ажралиб туради. Кодекслаштирилган актлар ўзининг ҳуқуқий тартибга солувчи таъсир кучини ва аҳамиятини узок муддат давомида сақлаб қолади.

Кодексдан ташқари кодекслаштирилган актларнинг **устав** ва **низом** шакллари мавжуд. Улар ўз мазмуни ва вазифасига биноан бир-биридан фарқ қилади.

Устав – бошқарувнинг у ёки бу соҳасидаги муайян идора, вазирлик ва ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи нормаларни ўзида акс эттирувчи кодекслаштирилган актдир. Масалан, темир йўл транспорти Устави; Қуролли Кучларнинг интизомий устави ва ҳоказо.

Низом – муайян давлат тузилмаларининг (жамоат бирлашмаларининг) ташкил этилиш тартибини, тузилиши, вазифаси, функциялари ва ваколатларини белгиловчи мажмуий кодекслаштирилган акт.

Низом – кодекслаштирилган актнинг энг кенг тарқалган тури. У муайян ҳуқуқ ижодкорлик органи ёки ваколатли мансабдор шахс томонидан тасдиқланади. Энг аҳамиятли соҳаларга тегишли ва юридик кучи юқорироқ бўлган низомлар республика Президенти, Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони тўғрисидаги низом» – мамлакат Президенти томонидан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг кўмити ва комиссиялари тўғрисида низом» – Олий Мажлис томонидан, «Уй эгаларининг ўзини ўзи бошқариш жамоат органлари – Уй-жой эгалари Кенгашлари тўғрисидаги Низом» – Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган ва ҳоказо.

Инкорпорация – тизимлаштиришнинг бир тури бўлиб, бунда қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорлари, фармойишлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларнинг мазмунига ҳеч қандай ўзгариш киритилмасдан алфавит, хронологик, мавзу бўйича ва бошқа тарзда тизимга солиб нашр этилади.

Қонунларни инкорпорация қилиш орқали тизимлаштириш деярли барча давлатларда амалга оширилади. Улар кўп жилдли қилиб нашр этилиб, қонунларнинг чиқарилган вақтига қараб (хронологик), алфавит тартибда ва бошқа сифат ҳамда белгиларига қараб жойлаштирилади. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб чиқарилган қонунларни «Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари» деган кўп жилдли хронологик тўплам сифатида нашр этиб келмоқда.

Инкорпорациянинг уч тури мавжуд:

а) **расмий инкорпорация** – қонунчилик актларини уларни чиқарган органлар томонидан тўплам ва мажмуа шаклида тизимлаштириш;

б) **норасмий инкорпорация** – бунда тизимлаштирилган тўпламлар тузиш унга махсус ваколати бўлмаган идора ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади (масалан, юридик нашриётлар томонидан ёки илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тизимлаштириш);

в) **официоз инкорпорация** – қонунчилик актларининг уларни тизимлаштириш ваколатига эга бўлган идоралар томонидан тўплам ё мажмуа қилиб чиқарилиши (одатда, бундай тизимлаштириш Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади).

Қонунлар мажмуини тузиш, қонунлар ва бошқа муҳим норматив-ҳуқуқий актларни тўплаб, қатъий тартиб асосида мавзули (предметли) тизимлаш – инкорпорациянинг энг юқори кўринишидир.

Конституция асосида мамлакат қонунлари мажмуини тайёрлаш ва чоп этиш қонунлар мазмуини аҳолига етказиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қўриқлашни кучайтириш, давлат ва жамият ҳаёти ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашга, омманинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Норматив-ҳуқуқий актларни жамлаш (консолидация қилиш) усули қонунчиликни тизимлаштиришга яқин туради. Қонунчиликни жамлаш норматив-ҳуқуқий актларни тизимлаштиришдан олдин, дастлабки босқич сифатида майдонга чиқади. Бунда у ёки бу масалага оид ҳуқуқий актлар тўпланади, бирлаштирилади ҳамда умумлаштирилади.

7-§. Ҳуқуқ ижодкорлигида юридик техника масалалари

Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ваколатли мутасадди идоралар ва шахслар муайян тамойилларга, қоидаларга риоя этишлари лозим. Ҳуқуқий адабиётларда ва юридик амалиётда «юридик техника» деган тушунча кенг қўлланилади.

Юридик техника – норматив-ҳуқуқий актлар лойиҳасини тайёрлаш, уларни расмийлаштириш, нашр этиш ва тизимлаштириш қоидалари (тартиби, таомили) йиғиндисидир. Авваламбор, юридик техника – ҳуқуқни ташқи ифодалаш қоидалари, аксарият ҳолларда ҳуқуқий маданиятнинг энг оддий (элементар) талаблари йиғиндиси ҳисобланади. Масалан, ҳуқуқни расмий ифодалашнинг асосий талаблари қуйидагилар: ҳуқуқ нормаларининг барчага тушунарли бўлиши; ибораларнинг аниқ, содда ва қатъий маъноли бўлиши; аҳоли савиясига мос юридик аңдозалар (конструкциялар)дан фойдаланиш; юқори турувчи идоралар актидаги қоидаларни такрорлайвермаслик; узундан-узун, гализ жумлалар тузмаслик ва ҳоказо.

Норматив актларнинг ички тузилиши ва баёни қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: ҳуқуқий қоидалар баёни-

нинг мантикий узвийлик ва собит кетма-кетликда бўлиши; норматив-ҳуқуқий актга киритилган қоидаларнинг ўзаро мутаносиб ва бир турли бўлиши; норматив актни мақсадли тарзда рукнларга бўлиш, унинг бўлим, боб ва моддаларини номлаш; норматив актнинг таркибий қисмлари ўртасида қарама-қаршилиқларнинг бўлмаслиги; қонунчиликнинг битта соҳасига кирувчи актлар ўртасида ўзаро мутаносибликнинг мавжуд бўлиши ва ҳоказо.

Юридик техниканинг ёрқин намуналаридан, кенг тарқалган турларидан бири қонунчилик техникасидир. Қонунчилик фаолиятининг сифати, самарадорлиги ва батартиб ташкиллаштирилиши, уюштирилиши кўп жиҳатдан қонунчилик техникасига боғлиқ. Юқори даражадаги қонунчилик техникасининг зоҳир бўлиши жамиятда шаклланган ҳуқуқий маданият даражасини, ҳуқуқ ва қонунга ҳурматни ифодаловчи кўрсаткичлардан биридир. Қонунчилик техникасини ҳуқуқий актларни расмийлаштириш усули (йўл-йўриқлари) сифатида талқин қилиш норматив актларнинг тили ва услуби, тузилиши, ҳуқуқий қоидаларни шакллантириш ҳамда баён этиш масалаларини чуқур ўрганиш учун зарурий асос бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқий адабиётда кенг тарқалган фикрга кўра, қонунчилик техникаси – норматив актлар лойиҳасини шаклан ифода этиш, баён этиш усул ва услублари, шунингдек уларни тайёрлаш ишларини ташкил этиш қоидаларини қамраб олувчи комплекс тушунча бўлиб, унда ҳуқуқий актлар лойиҳаларини тайёрлашнинг ташкилий-техникавий методлари ва уларни расмийлаштиришнинг методологик усуллари узвий бирикиб кетган.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган қонунчилик фаолияти тажрибасидан келиб чиққан ҳолда қонунчилик техникасига шундай таъриф бериш мумкин: **қонунчилик техникаси** – норматив-ҳуқуқий актлар лойиҳаларини тайёрлашнинг ҳуқуқ ижодкорлиги амалиётига таянувчи ва назарий жиҳатдан чуқур мушоҳада этилган қоидалари ва усуллари тизими бўлиб, у норматив-ҳуқуқий қоидалар шакли – мазмунига тўла ва айнан мувофиқ бўлишини, норматив материални тушунарли, оддий ҳамда осон илғаш, кузатиб боришга имкон беришини, тартибга солинадиган масала-

ларни бекаму кўст камраб олиншини таъминлайди. Қонунчилик техникаси қоидаларини шакллантиришда табиий-техникавий фанлар, ҳуқуқшунослик илмининг ютуқлари билан бир қаторда тилшунослик, информатика назарияси каби бошқа фанлар ҳам муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқий адабиётларда қонунчилик техникаси нуқтаи назаридан норматив-ҳуқуқий актлар лойиҳаларига қўйиладиган энг умумий талаблар муфассал ёритилган¹¹. Қонунчилик техникаси талаблари ва қоидаларига амал қилиш туфайли қуйидаги афзалликларга эришилади:

– муайян ижтимоий муносабатлар тўла-тўқис норматив тартибга солинади, бу борадаги бўш жиҳатлар ва ҳуқуқий қоидалар баёнидаги камчиликлар бартараф этилади;

– ҳуқуқий тартибга солиш конкретлашади ва аниқ белгиланади;

– ҳуқуқий актга киритилган норматив қоидаларнинг логикий изчиллиги ҳамда узвий алоқадорлиги таъминланади;

– норматив акт мазмунида ва бутун қонунчилик тизимида қарама-қаршилик истисно этилади; ўз аҳамиятини йўқотган ва эскирган актларни ўз вақтида бекор қилиш имконияти яратилади;

– бир тоифа ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий актлар сони кескин қисқаради; норматив материалдан фойдаланиш, уни бир тизимга солиш осонлашади;

– ҳуқуқий қоидалар баёни қатъий ва бир усулда ифода этилади;

– ҳуқуқий-норматив акт тилининг раван, аниқ, тушунарли бўлишига, ҳуқуқий ибораларнинг бир маънода қўлланилиши ва аниқлишига эришилади.

Қонунчилик техникасининг муҳим аҳамиятга молик жиҳатларидан яна бири қонуннинг тили, ифода услуби масаласидир. Қонунчилик тили – давлат ҳокимияти ўз фуқаролари билан алоқа боғлайдиган расмий тилдир. Айнан тил воситасида давлатнинг иродаси, у юритаётган сиёсатнинг мазмуни ва моҳияти халққа етказилади¹².

¹¹ Қаранг: *Одилқориев Х.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни*. – Т., 1995, 183-185-бетлар.

¹² *Қонунчиликнинг тили ҳусусида қаранг: Кўчимов Ш.Н. Ўзбекистон Республикасида қонунчилик техникаси: тил, услуб, ҳуқуқий атамашунослик*. – Т., 1996.

XI боб. ҲУҚУҚНИНГ МАНБАЛАРИ

1-§. Ҳуқуқнинг манбалари (шакллари) тушунчаси

Юридик адабиётларда эътироф этилишича, ҳуқуқнинг манбаи деганда умумий маънода ҳуқуқнинг ифода этилиш шакли тушунилади.

Ҳуқуқ тушунчасида махсус ҳуқуқий мазмуннигина эмас, балки унинг мавжуд бўлишининг ички шаклини ҳам тушунмоқ лозим. Ҳуқуқнинг манбалари (шакллари) тушунча сифатида ҳуқуқнинг давлат билан боғлиқлигини бевосита ифодалайди. Агар ҳуқуқнинг мазмуни бўлиб умумий юриш-туриш қоидалари йиғиндиси ҳисобланса, унинг ички шакли ҳар бир алоҳида ҳуқуқ нормасининг ташкил топиш усуллари ва барча ҳуқуқ нормаларининг бир тизимга бирлашишидир, унинг ташки шакли ёки ҳуқуқнинг манбаи эса, давлат эркини ўзига хос ҳужжатлаштириш, шакллантириш усуллари йиғиндисиدير. Ҳуқуқнинг манбаи тушунчасини уни ташки ифодалаш шакли нуктаи назаридан таҳлил қилганда, нормалар ҳокимият тепасида турган, халқнинг, бирор-бир синфнинг ёки гуруҳнинг манфаатларини ифодаловчи маълум бир сиёсий кучнинг эркининг қонун даражасига кўтарилган ифодасидир. Давлат ҳокимиятини ташкил қиладиган ва ҳуқуқни яратадиган куч сифатида майдонга чиқадиган жамиятнинг моддий шарт-шароити, моддий маънода ҳуқуқнинг манбаи тушунчасини англатади. Шакл доимо мазмунга эга бўлиши керак, агар у мазмунга эга бўлмаса, ўз қадр-қимматини йўқотади. Бизни биринчи ўринда ҳуқуқнинг манбаи сифатида шаклан ҳуқуқий одат, ҳуқуқий прецедент, норматив-ҳуқуқий акт, норматив шартномалар қизиқтиради. Юридик адабиётларда келтириб ўтилишича, ҳуқуқнинг шакллари қуйидаги ўзига хос хусусиятлар билан характерланади: у фуқаролар эркини норматив мустаҳкамлаши зарур; мавжуд ижтимоий-иқтисодий базис билан белгиланади; халқнинг манфаатларига хизмат қилувчи сиёсий ҳокимиятни таъминлаши зарур; манфаатларни ифодалашнинг энг демократик шакли сифатида қонунлар аҳамиятини тасдиқлаши керак.

2-§. Ҳуқуқий одат

Тарихан ҳуқуқнинг дастлабки манбаи (шакли) бўлиб ҳуқуқий одат ҳисобланади.

Ҳуқуқий одат – узоқ давр мобайнида амалда бўлиш натижасида шаклланган ва давлат томонидан умуммажбурий қоида сифатида тан олинган юриш-туриш қондасидир.

Ҳар қандай одат ҳам ҳуқуқий одатга айлана олмайди, балки маълум бир гуруҳ, синф ёки бутун жамиятнинг манфаатларига жавоб бера оладиган ва давлат томонидан санкцияланган одатгина ҳуқуқий одат бўлиши мумкин.

Ҳуқуқнинг манбалари тизимида ҳуқуқий одатнинг роли ва ўрни турли давлатларда турлича бўлган.

Ҳозирги даврда ҳуқуқий одатнинг роли ва аҳамияти унча катта эмас ва у камдан-кам ҳолатлардагина қўлланилади.

Қуйидаги ҳуқуқий ёдгорликларни ҳуқуқий одатга мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин:

Ҳаммурапи қонунлари, Ману қонунлари, XII жадвал қонунлари ва бошқалар.

3-§. Ҳуқуқий прецедент

Ҳуқуқий прецедент – лот. *praecedens* – «аввалгиси, олдингиси» маъносини англатади.

Суд ёки маъмурий органнинг ёзма ёки оғзаки қарори, келгусида барча шунга ўхшаш ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун асос бўладиган намуна, эталон, норма сифатида қабул қилинса, у прецедент бўлади.

Шундай қилиб, маълум бир иш бўйича қабул қилинган қарор ҳуқуқий норма сифатида тан олинади. Ҳуқуқий прецедент умумий (англо-саксон) ҳуқуқий тизими амалда бўлган давлатлар-Англия, АКШ, Австралия, Канада каби давлатларда кенг қўлланилади, лекин шу давлатларда ҳуқуқий прецедент турлича қўлланиши мумкин. Масалан, Англияда ҳуқуқий прецедент қуйидаги қоидаларга боғлиқ бўлади:

1) Лордлар палатаси қабул қилган қарор ҳамма судлар учун мажбурийдир;

2) Апелляция судининг қарори барча қуйи турувчи суд-

лар учун ҳам ва шу суднинг ўзи учун ҳам (жиноят ҳуқуқидан ташқари) мажбурий аҳамиятга эга.

4-§. Норматив-ҳуқуқий актлар

Норматив ҳуқуқий акт – давлат ваколатли органлари томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулланадиган ҳуқуқий актдир. Норматив-ҳуқуқий акт деганда, давлат ваколатли органининг ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган, умумий мажбурий тусдаги қоидаларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи ҳуқуқ ижодкорлик акти тушунилади.

Маълумки, давлат органлари ҳуқуқий актларни чиқардилар, лекин барча ҳуқуқий актлар ҳам норматив ҳуқуқий акт бўла олмайди. Фақатгина умумий ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи актларгина норматив-ҳуқуқий акт бўла олади. Норматив-ҳуқуқий актларда янги ҳуқуқий нормалар белгиланади, амалдаги нормалар ўзгартирилади ёки бекор қилинади. Демак, норматив-ҳуқуқий актлар қуйидаги хусусиятларга эга:

1) Умумий мажбурий қоидаларни ўрнатади, ўзгартиради ва бекор қилади;

2) Нормалар билан белгиланган ҳуқуқ ва бурчлар ифода этилади;

3) Уларда ўрнатилган нормаларнинг мажбурийлиги ва бажарилмаган тақдирда келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий актлар фақатгина давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув органлари томонидан чиқарилади. Норматив-ҳуқуқий актлар, ўз хусусиятига ва уларни чиқарган давлат органларини ваколатига боғлиқ бўлган юридик кучига қараб таснифланади. Норматив-ҳуқуқий акт ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни шарҳлаш актларидан фарқ қилади. Норматив-ҳуқуқий актнинг асосий шакли қонундир. Қонун – ҳуқуқнинг ёзма ҳолда ифодаланган шаклидир. «Қонун – жамият ҳуқуқий тизимининг энг муҳим таркибий қисми, ҳуқуқни ифода этишнинг олий шаклидир»¹.

¹ *Одилқориев Х.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995, 39-бет.*

Қонун давлат нуқтаи назаридан энг муҳим деб ҳисобланган ижтимоий муносабатларни мустахкамловчи, ривожлантирувчи ва тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий актдир ёки бошқача тарзда ифодалаганда, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, бевосита халқ иродасини ифодаловчи, белгиланган тартибда давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи томонидан ёки референдум йўли билан қабул қилинадиган ва олий юридик кучга эга бўлган норматив актдир.

Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳуқуқий актларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1) қонунлар (Конституция, конституциявий қонунлар ва жорий қонунлар);

2) Президент Фармонлари, қарор ва фармойишлари;

3) Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари;

4) давлат ва хўжалик бошқарув органининг қарор, буйруқ ва йўриқномалари.

5) маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг қарорлари.

5-§. Норматив шартномалар

Норматив шартнома ҳам ҳуқуқнинг манбаи (шакли) ҳисобланади.

У норматив-ҳуқуқий актга ўхшаса ҳам, лекин ташкил топиш хусусиятларига қараб, ундан фарқ қилади.

Норматив шартномалар айниқса халқаро ҳуқуқда катта аҳамиятга эга. Норматив шартномаларга кирувчи халқаро шартномалар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Халқаро шартнома – икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасида тузиладиган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатадиган, ўзгартирадиган ёки бекор қиладиган битимдир. Шартномалар – норма ўрнатадиган (масалан, ядровий қуроолларни тарқатмаслик ҳақидаги шартнома) ёки таъсис қилувчи (масалан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳақида) бўлиши мумкин.

Ҳуқуқнинг манбалари ҳақида яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳуқуқнинг тарихий ривожланиш даврида шундай

ҳоллар ҳам учраб турадики, бунда ҳуқуқий доктрина ва ғоялар ҳам ҳуқуқнинг манбаи ҳисобланган. Муслмон ҳуқуқида эса, диний матнлар, ақидалар ҳуқуқнинг манбаи бўлиб ҳисобланади. Муслмон ҳуқуқининг куйидаги асосий манбалари мавжуд: Қуръон, Сунна, ижмоъ, қиёс.

1) Қуръон (араб. – кироат, ўқув)да ислом ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар ўз ифодасини топган.

Қуръон 114 сура (тизма)дан иборат бўлиб, ундаги ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар кейинчалик шариат (тўғри йўл, қонунчилик)га асос қилиб олинган.

Муслмон ҳуқуқининг иккинчи манбаи Суннадир.

2) Сунна (араб. – одат, анъана) – Муҳаммад пайғамбарнинг сўзлари, ишлари ва хатти-ҳаракатлари. Сунна ҳақидаги ривоятлар ҳадис (ривоят)ларда берилган ва улар тўплам қилинган.

3) Ижмоъ (араб. – яқдиллик билан қабул қилинган қарор) Қуръон ва ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масалани ҳал этишда фақиҳ (қонуншунос) ва мужтаҳид (интилувчи)лар тўпланиб, ягона фикрга келган ҳолда фатво бериши (ҳукм чиқариши).

4) Қиёс (араб.– таққослаш)

Қуръон ва Суннада берилмаган бирор ҳуқуқий масала, улардаги шунга ўхшаш масала бўйича берилган кўрсатмага таққослаш йўли билан шарҳ этилади.

ХII боб. ХУҚУҚ НОРМАСИ

1-§. Хуқуқ нормаси тушунчаси

Хуқуқ ижтимоий муносабатларга таъсир этувчи восита сифатида доимо, муайян хулқ-атвор, хатти-ҳаракат қондаси сифатида ўзини намоён этиб, у тегишли ҳаётий ҳолатларда хуқуқ субъектлари томонидан қайта-қайта қўлланишга мўлжаллангандир.

Хуқуқ ўз ички тузилишига эга. Яхлит бир тизим сифатидаги хуқуқ тизими ўз ичига хуқуқ тармоқларини, хуқуқ институтларини олади. Хуқуқ тизимининг энг кичик, бирламчи таркибий унсури бўлиб, хуқуқ нормаси ҳисобланади. Агар хуқуқни, хуқуқ тизимини бир бино деб қарайдиган бўлсак, хуқуқ нормаси унинг бир гишти сифатида ёки бир жонли организмнинг энг кичик бир ҳужайраси сифатида намоён бўлади. Шу боис, унда хуқуққа хос бўлган муҳим белгилар жамланган бўлади. Хуқуқ нормаси ҳокимият тепасида турган сиёсий кучларнинг амр-иродасини ифодалайди; давлат томонидан ўрнатилган ёки санкцияланган бўлади; барча хуқуқ субъектлари томонидан бажарилиши мажбурий; акс ҳолда давлатнинг мажбурлов кучи билан ижроси таъминланади; норматив актларда ва бошқа хуқуқ манбаларида ифодаланади.

Айни пайтда, хуқуқ нормасига яхлит бир тизимнинг энг кичик бўлакчаси сифатида ўзига хос жиҳатлар ҳам тегишлидир.

Аслида «норма» сўзи лотинча бўлиб, у ўзбекчада «қоида», «намуна» маъноларини англатади. Дарҳақиқат, ҳар бир норма ўзида бирон-бир хатти-ҳаракат, хулқ-атвор қондасини, муайян юриш-туриш моделини ифодалайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасига биноан, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг хуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар, – бу хуқуқий норма фуқароларнинг амалдаги қонунчиликка нисбатан қандай хатти-ҳаракат қилиши тўғрисидаги қондаларни ўзида мустаҳкамлаган.

Шундай қилиб, хуқуқ нормаси – барча хуқуқ субъектла-

ри учун мажбурий бўлган, давлат томонидан ўрнатилган ва санкцияланган хатти-ҳаракат қондаси, хулқ–атвор намунаси бўлиб, унда ижтимоий муносабат қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланади.

Ҳуқуқ нормасида мустаҳкамланган ҳаракат, хулқ–атвор қондасида жамиятнинг, халқ ҳаётининг моддий шароитлари билан белгиланадиган эрки, манфаатлари ифодаланади. Ҳуқуқ нормаси шахсларнинг бир-бири билан бўладиган ўзаро муносабатида қандай хатти-ҳаракат моделига, намунасига риоя этишлари лозимлигини, яъни қайси ҳаракатларни содир этиш ёки этмаслик мумкин эканлигини кўрсатади. Шу маънода ҳуқуқ нормаси ҳуқуқий хулқ мезони сифатида ўзини кўрсатади. Унинг тартибга солувчи восита сифатидаги аҳамияти шунда кўринадикки, бирон-бир ҳуқуқ субъекти (хусусан шахс, орган, муассаса) ўз ҳаракатида ҳуқуқ нормасида мустаҳкамланган қоидага риоя этади ёки бошқа ҳуқуқ субъектидан ҳуқуқ нормасида белгиланган тегишли хатти-ҳаракатни содир этишни талаб қилади, шунингдек, белгиланган қоида-нинг бажарилмаганлиги ҳуқуқбузувчига нисбатан таъсир чорасининг қўлланишига олиб келади.

Ҳуқуқ субъекти ҳуқуқ нормасида белгиланган хатти-ҳаракат намунасига риоя қилган ҳолатида, ҳуқуқ нормаси ўзини хатти-ҳаракат ўлчови, хатти-ҳаракат доираси ва чегараси сифатида намоён этса, унда белгиланган қоида бузилганда эса, у ҳуқуқ субъектининг ҳаракатига баҳо бериш воситаси сифатида ўзини кўрсатади.

Маълумки, ҳуқуқнинг тартибга солувчилик роли катта тарбиявий аҳамиятга эга, шу боис ҳуқуқ нормаси ҳам бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқ бузилиши ҳолларининг олдини олишга хизмат қилади, чунки ҳуқуқ субъекти томонидан белгиланган хатти-ҳаракат қондасини бузиш, муқаррар равишда унга нисбатан таъсир чораларининг қўлланишига олиб келади.

Ҳуқуқ нормаси – ижтимоий нормаларнинг алоҳида бир туридир, у бошқа ижтимоий нормалардан бир қатор жиҳатлари билан ажралиб туради. Авваламбор, ҳуқуқ нормаси умумий характерга эгадир. У ижтимоий муносабат қатнашчиларининг барчасига, уларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган ҳолда тегишли бўлади, яъни у бирон бир конкрет ҳол ва ҳаётий ҳолатга мўлжалланган бўлмай, балки улар-

нинг муайян бир кўринишига, турига, яъни ижтимоий муносабатларнинг маълум бир категориясига, туркумига тегишлидир (масалан: битимлар тузиш, пенсияга чиқиш тартиби, никоҳдан ўтиш ва ҳоказо).

Ҳуқуқий норманинг умумий характерга эга эканлиги авваламбор шунда кўринадики, токи ҳуқуқий нормада кўзда тутилган ҳолатлар юзага келаверар экан, бу норма ҳам қўлланилаверади, қўлланилгач эса кучини йўқотмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддаси – «Транспорт воситаларидан фойдаланиш қондаларини бузиш» – шу пайтгача содир этилган ва этилиши мумкин бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолларида қўлланилади.

Ҳуқуқий норманинг яна бир муҳим жиҳати унинг давлат эрки-иродасини, амрини ифода этишида кўринади. Шу боис, ҳуқуқ нормаси – муайян муносабатлар ифодаси ёки муайян ҳаракатни содир этишни маслаҳат берувчи тавсиянома тарзидаги қоида бўлмай, балки, шу нормада кўрсатилган ҳолатлар юзага келганда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини белгиловчи ҳокимона амр – буйруқдир. Зеро, ҳар қандай ҳуқуқ нормаси ваколатли давлат органи томонидан ўрнатилади ёки санкцияланган бўлади, шу боис давлат амри-иродасини ифодалайди, умуммажбурий қоида тариқасида амал қилади. Ҳуқуқ нормасида белгиланган лозим хатти-ҳаракат қоидаси мабодо бажарилмаса, унинг бажарилишини таъминловчи давлатнинг мажбурлов чоралари ҳаракатга киради. Масалан: ҳуқуқ субъекти томонидан қонунга хилоф ҳаракатлар содир этилиши тегишли юридик жавобгарликнинг юзага келишига сабаб бўлади, демак, ҳуқуқ нормаси давлатнинг салоҳиятига, кучига таянади.

Давлатнинг амр-иродаси – ҳуқуқий норма ҳуқуқ субъектига муайян ҳуқуқларни берган ҳолида ҳам сақланиб қолади, чунки у ҳуқуқ субъектининг ҳуқуқий кафили сифатида, яъни шу ҳуқуқнинг кўриқчиси ва бажарилишини таъминловчи кафил тариқасида ўзини намоён этади.

Ҳуқуқ нормаси мазмунан ва ижтимоий аҳамияти боис давлат амри иродасини ўзида ифодалайди. Унинг бу жиҳати, ўз навбатида шакл масаласига, яъни ҳуқуқий норманинг ифодаланиш шаклига қатъий талаб қўяди. Ҳуқуқий норма

қонунларда, норматив актларда ва бошқа расмий ҳуқуқий ҳужжатларда шаклан аниқ қоидалар тарзида мустаҳкамланган бўлади, зеро, ҳуқуқ нормасини тўғри тушуниш ва ўринли қўллаш учун, у албатта пухта ишланган, аниқ ва ихчам шаклдаги қоида бўлиши керак.

Ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар ичида ҳуқуқ, айнан ўзининг шу жиҳати билан, яъни шаклан аниқ қоида эканлиги билан ахлоқ нормаларидан фарқ қилади.

Шундай қилиб, ҳуқуқ нормаси давлат томонидан ўрнатилган ёки санкцияланган, бажарилиши ҳамма учун мажбурий бўлган ва аниқ шаклланган хатти-ҳаракат, юриш-туриш қондасидир.

Ҳуқуқ нормаси – давлат томонидан ўрнатиладиган ва маъқулланадиган, муайян шаклда ифодаланадиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий юриш-туриш қондасидир.

2-§. Ҳуқуқ нормасининг тузилиши

Ҳуқуқ нормаси ўз ички тузилишига эга, яъни у таркибий қисмлардан иборат бўлиб, айти пайтда улар ўзаро бир-бири билан боғлиқдир.

Таъкидлаш лозимки, адабиётларда ҳуқуқий норманинг тузилиши масаласида турлича ёндашувлар мавжуд. Лекин, кўпчилик муаллифлар ҳуқуқий норма 3 элемент (унсур)дан иборат деган фикрни қўллашади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий норма қуйидаги 3 унсурдан иборат:

- 1) гипотеза;
- 2) диспозиция;
- 3) санкция.

Гипотеза – ҳуқуқ нормасининг таркибий унсури бўлиб, у ушбу ҳуқуқий норманинг қандай шароитларда ҳаракатга киришиши ва унинг диспозицияси қандай шароитларда амалга ошишини белгиловчи ҳаётий шароит ва мавжуд ҳолатларни кўрсатади, яъни ҳуқуқ нормасида белгиланган хатти-ҳаракат қандай шароитларда бажарилиши лозимлигини кўрсатади. Гипотезада ҳуқуқ нормасида белгиланган қоида қай шароит-

да ва қай ҳолатда ҳамда ким томонидан амалга оширилиши кўрсатилади. Гипотеза ҳуқуқий норманинг бир қисми бўлиб, унда диспозицияда кўрсатилган қонданинг кучга кириши учун зарур бўлган конкрет аниқ ҳаётий ҳолатлар (воқеа, ҳаракат, ҳолатлар) ўзининг ифодасини топади. Масалан, фуқаролик ҳуқуқи нормаси фуқароларнинг муомала лаёқати қайси ҳолда тўла вужудга келишини кўрсатади (қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 22-моддаси: «Фуқаронинг тўлиқ муомала лаёқати у вояга етгач, яъни 18 ёшга етгач тўла ҳажмда вужудга келади»). Ёки Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 13-моддаси фуқаронинг маъмурий жавобгарликка тортилиши қайси вақтдан бошланишини, яъни фуқаро 16 ёшга тўлганидан кейин бошланишини кўрсатади.

Диспозиция – ҳуқуқ нормасининг таркибий унсури бўлиб, унда ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади ва уларнинг бўлиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлари вариантлари аниқланади. Диспозиция ҳуқуқий норманинг бир қисми бўлиб, унда гипотезада кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда ҳуқуқ субъектлари роя этишлари лозим бўлган хатти-ҳаракат қондаси ифодаланган бўлади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасига мувофиқ, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар – бунда, демак гипотезада кўрсатилган ҳолатлар, яъни фарзандларнинг вояга етиши ва меҳнатга лаёқатли бўлиши ҳолларининг мавжудлиги диспозициянинг амал қилишига шароит туғдиради, яъни фарзандларда ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилиши мажбуриятини вужудга келтиради.

Санкция – юридик норманинг таркибий унсури бўлиб, у ҳуқуқий норма бузилган ҳолда ҳуқуқ бузган шахсга нисбатан қўлланиладиган давлат мажбурлов чорасининг турини белгилайди. Санкция ҳуқуқ нормасининг бир қисми бўлиб, унда диспозицияда кўрсатилган талабларни бажармаганлик учун берилиши мумкин бўлган жазонинг ёки тавсия этилган ҳаракатни содир этганлик учун рағбатлантиришнинг тури ва ўлчови ифодаланган бўлади.

Шундай қилиб, юридик норманинг таркибий қисмлари қуйидагиларни ўрнатади:

Гипотеза – диспозицияда кўрсатилган қонданинг ким ва қачон бажариши лозимлигини ва қайси шароитда бажариши лозимлигини кўрсатади; диспозиция эса – бажарилиши лозим бўлган қонданинг нимадан иборатлигини кўрсатади; санкция эса – нормани бажармаслик оқибатларини кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, ҳамма норма ҳам 3 унсурли тузилишга эга эмас. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 95-моддасида фақат гипотеза ва диспозиция кўрсатилган ва бу ҳол деярли барча конституциявий нормаларга хосдир:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таркибида унинг нормал фаолиятини таҳдидга соладиган ихтилофлар юз берганда ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президентнинг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида (гипотеза) Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин. Олий Мажлис тарқатилгандан сўнг унга янги сайлов 3 ой мобайнида ўтказилади» (диспозиция). Ёки бошқа бир мисол: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 88-моддаси: «Олий Мажлис депутати даҳлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади (гипотеза). У Олий Мажлисининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олинлиши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас (диспозиция)». Юқоридагиларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, деярли барча конституциявий нормалар асосан гипотеза ва диспозициядан иборат.

Жиноий ва маъмурий жавобгарликни кўзда тутувчи нормалар эса – асосан диспозиция ва санкциядан иборат бўлади. (Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг махсус қисми нормаларига қаранг).

Шундай қилиб, ҳуқуқ нормасининг таркиби – унинг ўзаро мантикий боғлиқлиги – ички тузилиши, «қурилиши»дир.

3-§. Ҳуқуқ нормасининг турлари ва уларнинг таснифи

Ҳуқуқ нормаларининг илмий ва ўқув адабиётида турлича таснифлари ва гуруҳланишлари мавжуд. Ҳуқуқ нормаларини, уларда мустаҳкамланган қондалар характерига қараб қуйидагича таснифлаш мавжуд:

1. Ҳуқуқ ва ваколат берувчи нормалар – яъни ҳуқуқ субъектига қандай ҳаракатларни содир этиш мумкинлигини кўрсатувчи нормалар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига биноан, «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».

2. Мажбурият юқловчи нормалар – яъни қандай ҳаракатларни содир этиш лозимлигини кўрсатувчи нормалар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасига биноан, «фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар».

3. Ман қилувчи нормалар – яъни ҳуқуқ субъектига муайян хатти-ҳаракатларни содир этишини ман қилиб қўювчи нормалар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида «махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади» деб кўрсатилган ва бу қоида ман этиш характеридадир.

Булардан ташқари, ҳуқуқ нормаларини бошқа қатор мезонлар асосида таснифлашлар ҳам мавжуд. Бунда энг аввало ҳуқуқ нормалари ҳуқуқ тармоқлари бўйича бўлинади ва бундай гуруҳлаш ҳуқуқ нормаларини бир тизимга келтириш ва зарур ҳолларда кодификация қилиш учун муҳимдир.

Ҳуқуқ нормаларини моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига бўлиш ҳам кенг тарқалган, бунда ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазмунини аниқлаб берувчи нормаларни моддий ҳуқуқ нормалари гуруҳига қўшамиз, ҳуқуқларни амалга ошириш ва мажбуриятларни бажариш, ижро этишнинг тартибини белгиловчи нормаларни эса процессуал нормалар деймиз.

Ҳуқуқ нормаларида хатти-ҳаракатни шакллантиришнинг мавҳумлигига қараб, улар абстракт (мавҳум) ва казуистик нормаларга ажратилади. Конкрет бир муносабат турини яхлит ҳолда тартибга соладиган нормаларни абстракт нормалар деймиз. Бир муносабат турининг конкрет бир қисмини тартибга соладиган нормалар эса казуистик нормалар деб аталади.

Гипотезада мустаҳкамланган ҳолатнинг фактик жиҳатлари аниқ ёки нисбий аниқлигига қараб, ҳуқуқ нормаларини аниқ ва нисбий аниқ ҳуқуқ нормаларига бўламиз.

Гипотезанинг ҳажмига қараб, ҳуқуқ нормаларини оддий (аниқ бир ҳолат кўрсатилган), мураккаб (икки ёки ундан ортиқ ҳолат кўрсатилган) ҳамда альтернативга (икки ҳолатдан бирининг мавжудлигига боғлиқ ҳолда нормани қўллаш мумкин бўлади) бўлиш мумкин.

Диспозициянинг аниқлигига қараб, ҳуқуқ нормаларини: мутлақ аниқ, нисбатан аниқ ва бланкет нормаларга бўлиш мумкин.

Мутлақ аниқ ҳуқуқий нормаларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар аниқ белгиланган бўлади.

Нисбатан аниқ ҳуқуқий нормалар эса ҳар бир конкрет ҳолатларда ҳуқуқ ва мажбуриятларни янада кўпроқ аниқлаш имконини беради.

Бланкет нормаларда эса – қайси қоидаларни бажариш зарурлиги (давлат стандартлари қоидалари, техника хавфсизлиги қоидалари) умумий тарзда кўрсатилади.

Ҳуқуқ кўриқловчи нормалар санкцияларнинг аниқлигига қараб, мутлақ аниқ, нисбатан аниқ ҳуқуқий нормаларга бўлинади. Мутлақ аниқ санкцияли ҳуқуқий нормаларда аниқ битта давлатнинг мажбурлов чораси кўрсатилади, масалан, етказилган зарарни қоплаш каби.

Нисбатан аниқ санкцияли ҳуқуқ нормалари эса, турли хил жазо турларидан бирини ёки ҳуқуқий таъсир чораси турларидан бирини қўллашни назарда тутди. Бундай санкциялар альтернатив санкциялар ҳам деб юритилади, Жиноят кодексининг аксарият санкциялари альтернатив санкциялардир.

Кумулятив санкцияли ҳуқуқ нормалари ўзида асосий жазодан ташқари қўшимча жазо берилишини ҳам назарда тутди, масалан, муайян жиноятни содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилиш каби асосий жазодан бошқа мол-мулкни мусодара қилишни ҳам ўзида мустаҳкамлайди.

Ҳуқуқ нормаларини яна асосий (дастлабки) ва ҳосила нормаларга бўлиш ҳам анча кенг тарқалган, биринчисида умумий характерга эга бўлган қоидалар мустаҳкамланса (масалан қонун нормалари), иккинчисида эса, умумий қоида-

ларни ривожлантирувчи, аниқлаштирувчи нормалар мустаҳкамланади (масалан, норматив актлар нормалари конун нормаларини аниқлаштиради, конкретлаштиради).

Ҳуқуқ нормалари яна ҳаракати ҳудудига қараб, умумий ҳаракат қилувчи, маҳаллий миқёсда ҳаракат қилувчи нормаларга бўлинади, бунда биринчиси бутун мамлакат ҳудудида амал қилса, иккинчисига кирадиган нормалар маълум ҳудудларда амал қилиши мумкин, масалан, экологик инқироз ҳудудларида, жуда баланд тоғлар шароитида, чўл зонасида, радиактив хавф мавжуд зоналарда ва ҳоказо.

Ҳуқуқ нормалари субъектларига қараб, умумий ва махсус нормаларга бўлинади, бунда биринчиси ҳамма ҳуқуқ субъектлари учун тааллуқли бўлса, иккинчиси эса, аҳолининг муайян гуруҳи учун ёки аниқ белгиланган доирадаги субъектларга, жумладан: пенсионерларга, ногиронларга, ички ишлар ходимларига ва бошқаларга тааллуқли бўлади.

Ҳуқуқий тартибга солиш услубига қараб, ҳуқуқ нормаларини яна императив, диспозитив нормалар гуруҳларига бўлишади. Императив нормалар қатъий амр характерига эга бўлиб, хатти-ҳаракат субъектига белгиланган ҳаракат моделидан четга чиқишни ман этади, масалан, кўпгина маъмурий-ҳуқуқий нормалар шундай мазмундадир.

Диспозитив нормалар, императив нормалардан фарқли ўларок, муносабат қатнашчиларига ўз хатти-ҳаракатлари вариантларини, субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳажми тўғрисида келишиб олиш имконини ўзида ифодалайди. Диспозитив нормалар кўпроқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда учрайди.

Коллизион нормаларда – бирон-бир ҳолат бир эмас, балки бир неча ҳуқуқий нормалар таъсирига тушиб қолиши мумкин ва бу ҳолда ўша нормалар ўртасида низо – «тўқнашув» содир бўлади, бу ҳолатни ҳал этиш учун коллизион нормалар қабул қилинади. Шу боис коллизион нормалар «ҳакам-норма» деб юритилади ва унда ўша ҳолатни тартибга солишда қайси ҳуқуқий норма қўлланилиши кўрсатилади.

ХIII боб. ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

1-§. Хуқуқий муносабатлар тушунчаси ва турлари

Хуқуқнинг ижтимоий муносабатларга таъсир этиши муаммоси давлат ва хуқуқ назарияси учун муҳим методологик аҳамият касб этади. Ижтимоий муносабатларнинг хуқуқ нормалари ёрдамида тартибга солинадиган қисми хуқуқий муносабатларни ташкил қилади. Хуқуқ нормалари ўз вазифа ва функцияларини хуқуқий муносабатлар орқали амалга оширади; ижтимоий муносабатлар шаклига айлантириш, яъни уларни тартибга солиш билан хуқуқ ҳаётга татбиқ этилади.

Хуқуқий муносабат – ўзаро субъектив хуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган шахслар (яъни, хуқуқ соҳиблари) ўртасидаги хуқуқ нормалари ва муайян юридик фактлар асосидаги алоқадир.

Хуқуқий муносабат таърифидаги асосий нарса, аввало, бу томонлар ўртасидаги алоқадорликни акс эттиришдир. Бундай муносабатларда камида икки томон – хуқуқ соҳиблари иштирок этиб, ўзаро мулоқотга киришадилар.

Соҳиблар бир-бири олдида тегишли субъектив хуқуқ ва мажбуриятларни ўтайдилар. Хуқуқий муносабат иштирокчиларининг хуқуқ ва мажбуриятлари бир-бири билан ўзаро муганосиб тарзда боғлиқ; бир томоннинг хуқуқига иккинчи томоннинг мажбурияти мувофиқ келади. Масалан, ишга кириш билан боғлиқ хуқуқий муносабатни олайлик. Бунда, ишга қабул қилинган ходимда муайян меҳнат фаолиятини амалга ошириш мажбурияти, корхона маъмуриятида эса тегишли иш ҳақи тўлаш мажбурияти пайдо бўлади. Айни пайтда, иккала соҳиб ҳам қонунда белгиланган қатор хуқуқлардан фойдаланадилар.

Юридик адабиётда хуқуқий муносабатларнинг табиати масаласи анча мунозарали. Бир гуруҳ олимлар хуқуқий муносабатларни ижтимоий муносабатларнинг алоҳида бир тури, деб ҳисоблайдилар (Л.С.Явич,¹ В.К.Бабаев,² Ю.И.Гревцев³

¹ Явич Л.С. *Право и общественные отношения*. -М., 1987.

² *Общая теория права*. Под ред. В.К.Бабаева. -Н.Новгород, 1993, 405 – 407 бет.

³ Гревцев Ю.И. *Правовые отношения и осуществление права*. -Л., 1987, 29 – 42 бет.

ва бошқалар) Бошқа мутахассисларнинг таъкидлашича: «Хуқуқий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тури эмас, яъни улар мулкӣй, меҳнат, оилавий, бошқарув муносабатлари силсиласида мустақил ўрин тутмайди: хуқуқий муносабатлар фақат уларнинг юридик шакли, ифодаси сифатида намоён бўлади... Ижтимоий муносабатлар хуқуқий шаклга эга бўлиши мумкин, бунда улар хуқуқий муносабатлар, деб аталади»⁴. Тўғри, ижтимоий муносабатларнинг ҳаммаси ҳам хуқуқий нормалар воситасида тартибга солинмайди. Одатда, давлат ва жамият манфаатлари нуктаи назаридан энг муҳим ижтимоий муносабатлар хуқуқ билан тартибга солинади. Ижтимоий муносабатларнинг қолган қисми ахлоқ нормалари, сиёсий нормалар, жамоат бирлашмалари нормалари, одат қоидалари, диний нормалар ва ҳоказолар билан тартибга солинади.

Хуқуқий муносабатлар қуйидаги хусусият ва махсус белгилар билан тавсифланади:

а) **Хуқуқий муносабат** – **ижтимоий тусдаги муносабат**, яъни инсонлар ўртасидаги муносабат бўлиб, бу уларнинг фаолияти, хулқ-атвори билан бевосита боғлиқдир. Айтайлик, мулкдор буюмга нисбатан муайян хуқуқларга эга. Бирок, бу хуқуқлар реал ҳаётӣй мазмунга эга бўлиши учун мулкдор мазкур буюм устидан бошқа одамлар билан муносабатга киришиши лозим. Хусусан, мулкдор шахс буюмни ўзга кишига сотиши, ўзининг мулкдан фойдаланиш хуқуқини бировга ўтказиши, ҳаля қилиши мумкин. Айни пайтда, улардан ўзининг мулк хуқуқига риоя этишларини талаб қила олади.

Хуқуқий муносабат ҳар қандай ижтимоий муносабат каби инсонлар онгли фаолиятининг натижасидир. Кишилар ўртасидаги хуқуқий алоқалар онгли ва уларнинг оқилона фаолияти натижаси ҳисобланади. Хуқуқий муносабат ижтимоий муносабатнинг махсус кўриниши сифатида ранг-баранг ижтимоий ҳаётнинг бутун борлиғи ва бойлиғи билан узвий боғлиқ ҳамда мазмунаң у билан белгиланади. Зеро, ҳар қандай устқурма воқелиғи каби хуқуқий муносабатлар ҳам моддий (иктисодий) муносабатларга, базисга асосланади. Бу устувор методологик фикрга яна шуни қўшимча қилиш мумкин:

⁴ Лазарев В.В., Липень С.В. *Теория государства и права*. -М., 1998. 290-291 бет.

хукукий муносабатлар, нафақат, иқтисодий муносабатларга, балки ҳаётда хуқуқнинг мавжуд бўлишини тақозо этадиган барча ҳолатларга ҳам таянади.

Хуқуқий муносабатларни тавсифлаганда ҳамиша эътибор бериладиган муҳим сифатлардан бири уларнинг мафкуравий табиатидир. Мафкуравийликни собиқ тоталитар тузумдаги синфийлик билан аралаштириб юбормаслик лозим. Тўғри, мафкура синфий интилиш ва манфаатларни акс эттириши мумкин. Бирок, бу ҳол улар айнан битта ҳодиса, деган хулосани бермайди. Ўз моҳиятига кўра, мафкура ижтимоий-сиёсий ҳаётга оид турли қарашлар, назариялар тизимидир. Масалан, эркин бозор ва тадбиркорлик муносабатларига ўтиш – мафкурадир; давлат ва жамиятнинг динга муносабати ҳам мафкура; аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳам мафкура ва ҳоказо. Шунингдек, хуқуқ ва унга муганосиб хуқуқий муносабатлар ҳамиша мафкуравий ҳодисалар бўлиб қолади. Бу ерда, энг муҳими, хуқуқнинг тор синфий манфаатларга эмас, аксинча, умуминсоний қадриятлар ва манфаатларни ифодалашга йўналтирилганлигидир. Мафкуравийликнинг яна бир хусусияти шундаки, хуқуқий муносабатлар авваламбор кишилар онги орқали (хуқуқий онг сифатида мавжуд) бўлиб, сўнг реал воқеликка айланади⁵.

б) **Хуқуқий муносабат** – хуқуқ нормаларининг инсонлар хулқ-атворига таъсири натижасида вужудга келадиган муносабат. Хуқуқ нормаси билан хуқуқий муносабат ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Ҳаётда фақат юридик нормаларда назарда тутилган хуқуқий муносабатларгина мавжуд бўлади. Кишилар ўртасидаги муайян муносабатларга хуқуқий норма қўлланилгач, улар хуқуқий муносабатларга айланади. «Ижтимоий муносабатларнинг хуқуқий тартибга солинишини ихтиёрий ҳодиса эмас, балки қонуний жараён деб тушуниш лозим. Бунинг шарти шуки, хуқуқий нормалар тартибга солинувчи ижтимоий муносабатлардан, хуқуқий воқеликлан бевосита келиб чиқиши керак, чунки хуқуқий нормалар муносабатларни туғдирувчи сабаб бўлишдан аввал ушбу муносабатлар ички

⁵ Қаранг: *Общая теория права и государства. Под ред. В.В.Лазарева. -М., 1996. 181 бет.*

ривожланишнинг оқибати, уларнинг зарурий, моҳиятига оид маҳсус белгиси бўлганлигидир⁶.

в) **Ҳуқуқий муносабат** – кишиларнинг ўзаро субъектив ҳуқуқлар ва юридик мажбуриятлар воситасидаги алоқаларидир. Бу алоқанинг алоҳида шакли. Яъни, ҳуқуқ нормалари билан мустаҳкамланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали амалга ошадиган алоқадир. Субъектив ҳуқуқ соҳиби – ҳуқуқдор, ваколатли шахс; юридик мажбуриятлар эгаси – мажбурият ўтовчи шахсдир. Ҳар қандай ҳуқуқий муносабатда ҳуқуқдор шахс қаршисида мажбурият ўтовчи шахс (инсон, ташкилот, давлат идораси) ҳозир бўлади. Худди шу маънода ҳуқуқий муносабат индивидуаллашган (яъни, шахси аниқланган) алоқа ҳисобланади. Шахсини белгилаш **номма-ном ва ижтимоий вазифани бажаришдаги ролига** қараб икки кўринишда бўлади.

Шахсини номма-ном белгилашда ҳуқуқ соҳиблари ўз исми-шарифлари, ташкилотлар эса ўзларининг тўлиқ унсурлари билан номланадилар. Масалан, никоҳ муносабатларига киришувчи шахсларнинг аниқ исм-шарифлари ифода этилади. Ёки маҳсулот етказиб бериш, юк ташиб бериш муносабатларига киришган ташкилотларнинг барча унсурлари, тўлиқ номланиши ва бошқа муҳим белгилари аниқ кўрсатилади.

Иккинчи ҳолатда субъектларни номма-ном ёки унсурлар (реквизитлар)га қараб белгилаш талаб этилмайди. Фақат уларнинг **ижтимоий роли, вазифаси таъкидланади**. Масалан, олди-сотди муносабатларида бир томон-сотувчи, иккинчи томон-харидор. Ёки маъмурий ҳуқуқ бузилиши муносабатларида бир томонда-милиция ходими, иккинчи томонда-фуқаро ва ҳоказо.

г) **Ҳуқуқий муносабат** – **иродавий муносабатдир**. Маълумки, ҳуқуқий нормаларда муайян давлат иродаси ифода этилади. Шу билан бирга ҳуқуқий муносабат вужудга келиши учун уни иштирокчиларининг ҳам иродаси талаб қилинади. Шундай ҳуқуқий муносабатлар борки, уларнинг вужудга келиши учун барча иштирокчилар иродаси баён этилиши лозим. Айтайлик, никоҳга кираётган ҳар икки томон ўз иродасини билдириши ёки олди-сотди муносабати сотув-

⁶ Дудин А.П. *Диалектика правоотношения*. – Саратов, 1984. 13 бет.

чи билан харидор хохиш-иродаси туфайлигина амалга ошиши мумкин. Баъзи ҳуқуқий муносабатларда бир томон ирода баён этса, етарли ҳисобланади. Бундай ҳуқуқий муносабатлар, хусусан, маъмурий ишлар ёки ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар амри билан қўзғатиладиган жиноят ишлари бўлиши мумкин.

д) **Ҳуқуқий муносабат – давлат томонидан қўриқланадиган муносабатдир.** Юридик нормаларда давлат иродаси ва манфаатлари акс эттирилганлиги боис давлат уларнинг талаблари тўла-тўқис бажарилишини назорат қилиб боради. Ҳуқуқий қондалар ихтиёрий бажарилмаган тақдирда давлатнинг мажбурлаш тизими ишга туширилади. Давлат ҳуқуқни қўриқлаш орқали, айна вақтда, ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатларни ҳам қўриқлайди. Ҳуқуқий муносабатлар давлат томонидан махсус тарзда қўриқланганлиги билан ижтимоий муносабатларнинг бошқа турларидан фарқ қилади. Давлат томонидан қўриқланадиган ҳуқуқий муносабатлар тизими жамиятдаги ҳуқуқий тартибнинг асосини ташкил этади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий муносабат – ҳуқуқий нормаларнинг кишилар хатти-ҳаракати, ҳуқ-атвориға таъсир этиши оқибатида вужудга келадиган, давлат томонидан қўриқланадиган ҳамда унинг иштирокчиларида субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар мавжудлиги билан тавсифланадиган ижтимоий муносабатлардир.

Жамият ҳаётида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар ниҳоят даражада турли-тумандир. Уларни бир қанча мезонлар асосида таснифлаш мумкин. Ҳуқуқий муносабатларни қуйидаги мезонлар асосида гуруҳлаш, турларға ажратиш, яъни таснифлаш мақсадға мувофик:

1) Ҳуқуқ соҳаларига татбиқан, яъни ҳуқуқ нормаларининг муайян ҳуқуқ соҳасига тегишлилигига қараб ҳуқуқий муносабатлар қуйидаги турларға бўлинади: давлат-ҳуқуқий (конституциявий) муносабатлар; фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар; жинсий-ҳуқуқий муносабатлар; меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар; молиявий-ҳуқуқий муносабатлар ва ҳоказо. Шунингдек, мазкур таснифлаш доирасида моддий ва процессуал ҳуқуқий муносабатлар; хусусий-ҳуқуқий ҳамда оммавий-ҳуқуқий муносабатлар ҳақида гапириш лозим.

2) **Хуқуқий муносабатлар ўзининг вазифаси, функционал белгиланишига кўра тартибга солувчи (регулятив) на кўриқловчи (негатив) турларга ажратилади.** Бу ерда таснифлаш мезони – ҳуқуқнинг динамик ва статик функциялари, яъни тартибга солувчи функциясидир. Тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқ субъектларининг мўътадил ҳуқуқ-атворлари, яъни ҳуқуққа мувофиқ хатти-ҳаракатлари натижасида юзага келадиган муносабатлардир. Кўриқловчи ҳуқуқий муносабатлар – ҳуқуқни бузиш содир этиш ва бунинг учун жазо тарзида давлат мажбурлов чорасини қўллаш зарурияти асосида келиб чиқадиган муносабатлардир.

3) **Хуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглиги ёки ҳокимлик-бўйсунуш (иерархик) тартибидигига қараб бу муносабатлар фаркланади.** То-монлар маъқеининг, ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглигига асосланган ҳуқуқий муносабатлар, масалан, фуқаровий-ҳуқуқий, оилавий-ҳуқуқий муносабатлар кўринишида бўлиши мумкин. Ҳокимлик ва итоат этиш (яъни, авторитар) мазмунидаги ҳуқуқий муносабатлар, жумладан, жинойи-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар шаклида бўлади. Бунда бир тараф кўпроқ ҳуқуққа, ҳокимият вакиллик ваколатларига эга. Иккинчи тараф эса итоат ҳолатида бўлиб, нисбатан кўпроқ мажбурият ўтайди.

4) **Адабиётларда комплекс (мажмуий) ҳуқуқий муносабатлар ҳақида ҳам гапирилади.** Бундай муносабатлар узоқ давом этувчи, нисбатан турғун, мураккаб таркибли бўлиб, улардаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар кўп қирралилиги билан намоён бўлади. Ушбу турдаги муносабатларга эр-хотин ўртасидаги муносабатлар ёки корхона маъмурияти билан ходим ўртасидаги муносабатлар ва ҳоказо мисол бўла олади. Комплекс ҳуқуқий муносабатлар ўз татбиқи жараёнида бир неча оддий ҳуқуқий муносабатларга бўлинади. Мажмуий ҳуқуқий муносабатлар уларнинг таркибига кирувчи оддий ҳуқуқий муносабатлардан ўзининг вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи асосларига кўра фарқ қилади.

5) **Хуқуқий муносабатлар умумий ва конкрет; мутлақ ва нисбий турларга ҳам бўлинади.**

Умумий ҳуқуқий муносабатлар деганда, аввало, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларини мус-

таҳкамловчи конституциявий нормалар асосида вужудга келувчи муносабатлар тушунилади. Фуқаролар қонунда назарда тутилган ваколатларга эга бўлгач, у ёки бошқа барча ҳуқуқ субъектлари билан ҳуқуқий алоқадорликда ҳисобланадилар. Башарти, мазкур ҳуқуқ ва эркинликлар амалга оширилса, **конкрет** ҳуқуқий муносабат вужудга келади. Аниқ (конкрет) ҳуқуқий муносабатлар жиноят, фуқаролик, меҳнат, оила, солиқ, уй-жой ва бошқа кодекслар махсус қисмидаги моддалар қўлланиши асосида келиб чиқиши мумкин. Бунда қонунда мустаҳкамланган конкрет ҳуқуқнинг таъминланиши учун муайян субъект тегишли юридик мажбуриятни адо этади.

Мутлақ ҳуқуқий муносабатларда бир тараф аниқ маълум бўлади – бу субъектив ҳуқуқ соҳибидир. Қолган барча субъектлар мажбурият ўтовчи мақомида бўладилар, яъни ваколатли шахс томонидан ўз субъектив ҳуқуқларининг амалга оширишига монелик қилмасликлари лозим. Бундай ҳуқуқий муносабатга мулкчилик муносабатлари мисол бўлади.

Нисбий ҳуқуқий муносабатларда барча иштирокчилар (тарафлар) аниқ белгиланган бўлади, яъни ҳуқуқ эгаси ҳам, мажбурият ўтовчи томон ҳам маълум бўлади. Масалан, сотувчи ва харидор, буюртмачи ва пудратчи, маъмурият раҳбари ва ходим.

2-§. Ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари

Ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини ташкил этувчи, уларнинг вужудга келиши учун зарур бўлган таркибий қисмлар мазкур муносабатларнинг унсурлари деб аталади. Булар ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти, объекти, субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлардир. Ҳуқуқий муносабат, авваламбор, инсонлар (инсонлар жамоаси) ўртасидаги алоқа, боғланиш, муносабатдир. Шу нуқтаи назардан ҳуқуқий муносабат ўз иштирокчиларига, тарафларига эга. Ҳар қандай муносабат икки ёки ундан ортиқ шахслар ўртасидаги боғланиш, мулоқот сифатида талқин этилади. Бинобарин, муайян субъектларнинг мавжуд бўлиши ҳуқуқий муносабатлар амалга ошишининг муқаррар шарти ҳисобланади.

Ҳуқуқий муносабатлар субъектлари – ҳуқуқий норма-

лар туфайли муайян муносабатлар иштирокчиси ҳамда субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар эгаси бўлган инсонлар ёки ташкилотлардир.

Таърифдан маълум бўлишича, ҳуқуқий муносабат субъектлари икки тоифага бўлинади: инсонлар ёки жисмоний шахслар ва ташкилотлар (жамоавий субъектлар). Жисмоний шахсларга тегишли давлатнинг фуқаролари, шу мамлакат ҳудудида турган хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар киради. Ҳуқуқнинг жамоавий субъектларига турли-туман давлат ва нодавлат идоралар ҳамда ташкилотлар, шунингдек давлатнинг ўзи ҳам киради. Жамоавий субъектлар сифатида баъзан ижтимоий бирликлар ҳам тушунилади: масалан, референдум ёки сайловлар ўтказилган чоғда – халқ ана шундай субъект ҳисобланади. Фуқаровий ҳуқуқий муносабатларда жамоавий субъектлар юридик шахслар сифатида майдонга чиқадилар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига жисмоний ва юридик шахслар таърифи берилган. Фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади. Қонун барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш қобилиятини (ҳуқуқий лаёқатини) тенг равишда эътироф этади. Кодекснинг 39-моддасида юридик шахс тушунчаси баён этилган. Унга мувофиқ, ўз мулкига, хўжалик юритишида ёки кундалиқ бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот **юридик шахс** ҳисобланади.

Юридик шахснинг ҳуқуқий лаёқати ва муомала лаёқати бир вақтда, яъни у тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади ва уни тугатиш яқунланган пайтдан эътиборан тугатилади. Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади. Юридик шахслар – давлат, давлат идоралари, жамоат ва ширкат

ташкilotлари, хўжалик бирлашмаларидир. Юридик шахсни тугатиш асослари ва тартиби Фуқаролик кодексининг 53-55-моддаларида мустаҳкамланган.

Давлат идоралари ва нодавлат ташкilotлар хўйидаги ҳолларда ҳуқуқий муносабатларнинг соҳиби бўладилар:

а) ўзларининг ҳоқимият ёки қонунда белгиланган вақолатларини амалга ошириш орқали;

б) жамият ва давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида (фаолиятида) иштирок этиш орқали;

в) хўжалик ва мулкий муносабат билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш орқали.

Давлатнинг ўзи тўлиғича ҳуқуқ соҳиби бўлиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Масалан, **халқаро-ҳуқуқий муносабатларда**—яъни, хорижий давлатлар билан мулоқотга киришганда; **давлат – ҳуқуқий муносабатларда**, – яъни, федерация билан унинг субъектлари ўртасида алоқалар амалга ошганда ёки давлат фуқаролигига қабул қилишда ёхуд давлат ўз фуқаросига фахрий унвонлар берганда ва ҳоказо; **фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда**, – яъни, давлат мулки билан боғлиқ муносабатларда, ижтимоий характердаги тарихий, миллий, илмий, маданий ва моддий бойликларга давлат меросхўр (ворис) бўлган ҳолларда; **жиноий-ҳуқуқий муносабатларда**, – яъни, жиноий иш бўйича ҳукм ёки фуқаролик иши бўйича ҳал қилув қарори давлат номидан эълон қилинади.

Давлат иштирок этадиган мулкий муносабатлар давлат мулки, ташқи савдо, кредит, бож ва қарз масалаларида вужудга келади. Муайян ҳолларда давлат ягона ҳуқуқ субъекти сифатида майдонга чиқади. Масалан, Конституция ва амалдаги қонунларга мувофиқ, Ўзбекистонда ер, ер ости бойликларига, сув ва ўрмонга, темир йўлга, ҳаво ва сув транспортига, алоқа воситаларига эгаллик қилиш ҳуқуқи фақат давлатга тегишлидир. Ўзбекистон Республикаси – халқаро ҳуқуқий муносабатлар субъекти, яъни маълум ҳуқуқ ва мажбуриятлар эгасидир.

Ҳуқуқий муносабатнинг субъекти бўлиш учун ташкilot ёки жисмоний шахс ҳуқуқдорлик мақомига эга бўлиши лозим. Фақат ҳуқуқдор, яъни ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатига эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқий му-

носабат иштирокчиси деб тан олинади. **Хуқуқдорлик** – ҳуқуқ соҳиби бўлиш, ҳуқуқий алоқалар иштирокчиси бўлиш қобилиятидир.

Хуқуқий лаёқат – шахснинг ҳуқуқ нормаларига мувофиқ субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларга эга бўла олиш қобилиятидир. Бошқача айтганда, ҳуқуқий лаёқат жисмоний ва юридик шахсларнинг субъектив ҳуқуқ ва субъектив мажбуриятларга эга бўлиш имконияти, қонунда кўзда тутилган турли аниқ муносабатларга киришиш қобилиятидир. Инсонларда ҳуқуқий лаёқат улар туғилган пайтда пайдо бўлиб, то вафот этгунича мавжуд бўлади. Ҳуқуқ нормалари ҳуқуқий муносабат субъектларининг улар ҳуқуқий лаёқатига мос тарздаги ҳаракатланиш мезони ва чегарасини белгилайди.

Хуқуқий муомала лаёқати жисмоний ва юридик шахснинг ўзига тегишли ҳуқуқини ўзи бевосита амалга ошириш қобилиятини англатади. Муомала лаёқати қонунда белгиланган шахслар томонидан ўз ҳаракатлари билан субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларга эга бўлиш қобилиятидир. Муомала лаёқатининг мазмуни, кўлами ва рўёбга чиқарилиш шартлари ҳуқуқ нормалари билан белгиланади.

Демократик жамиятда ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати уни чиндан ҳам амалга ошириш имкониятлари билан таъминланади. Умумий қоидага кўра, барча фуқаролар ҳуқуқ лаёқатига эга ҳисобланадилар. Бирок, ҳар бир фуқаро ҳам муомала лаёқатига эга бўлавермайди. Хусусан, Ўзбекистонда муомала лаёқати балоғат чоғи, вояга етиш кунидан бошлаб юзага чиқади. Айрим ҳуқуқ тармоқ (соҳа)ларида ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати бир вақтда пайдо бўлади. Масалан, давлат ҳуқуқи соҳасида асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш ўн саккиз ёшдан бошланади.

Меҳнат-ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқ ва муомала лаёқати 16 ёшдан, никоҳ-оила ҳуқуқий муносабатларида 18 ёшдан (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига кўра аёллар 17 ёшдан) қатнаша оладилар. Жиноий-ҳуқуқий муносабатларда жиноий жавобгарликка тортилиш 16 ёшдан, айрим жиноятларда ҳуқуқ ва муомала лаёқати ҳатто 13 ёшдан пайдо бўлади.

Фуқаролик қонунчилиги меъёрлари билан тартибга солиндирилган муносабатларда ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати ҳар доим ҳам бирга (бир вақтда) вужудга келмайди. Фу-

қароларнинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик мажбуриятларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади. Айни вақтда, таъкидлаш лозимки, вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла муомала лаёқатига эга бўлади (Фуқаролик кодексининг 22-моддаси). Шунингдек, ушбу қонунда ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача ва ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг муомала лаёқати кўлами белгиланган (27 ва 29-моддалар).

Ҳуқуқий муносабат субъекти ўз хатти-ҳаракати, ноҳўя хулқ-атвори ва ҳуқуқбузарлиги оқибати учун, шунингдек етказилган зарар учун жавобгарлик ўтай олиш қобилиятига ҳам эга бўлиши лозим. Гап деликт лаёқати ҳақида бормокда. «Деликт» лотинча *delictum* иборасидан олинган бўлиб, содир этилган ҳуқуқ бузилиши, жиноят учун жавоб бера олиш лаёқатини англатади⁷. Мазкур лаёқат соҳиби ҳисобланаётган шахс акли расо, руҳий жиҳатдан соғлом бўлиши ва ўз хатти-ҳаракатлари оқибати учун тўла жавобгарликни адо этишга лаёқатли, қодир бўлиши лозим.

Ҳуқуқдорлик тушунчаси таркибида ҳуқуқий лаёқат муҳим белгиловчи ўринни эгаллайди. Муомала лаёқати билан деликт лаёқати эса ундан келиб чиқади. Зеро, шахс ҳуқуқ лаёқатига эга бўлмаса, ҳуқуқни амалга оширишга оид ҳаракат ёки у билан боғлиқ жавобгарлик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

3-§. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар

Ҳуқуқий муносабат унинг иштирокчиларида ўзаро субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжуд бўлиши билан тавсифланади. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар ҳуқуқий муносабатларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Зеро, уларни ўзаро боғлиқликда таҳлил этиш орқали ҳуқуқий муносабатнинг табиати, мақсади ва йўналиши хусусида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

⁷ Қаранг: *Краткий словарь иностранных слов.* -М., 1952, 111-бет.

Субъектив ҳуқуқ – ҳуқуқдор (ваколатли) шахсининг ҳуқуқ нормалари доирасида ҳамда конкрет юридик фактлар асосида вужудга келувчи хатти-ҳаракати, феъл-атворининг меъёридир. Шунингдек, субъектив ҳуқуқ – ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг тегишли ҳуқуқ нормасига асосан унда кўзда тутилган ҳаракатни содир қилишга ҳақли эканини ёки улардан маълум ҳаракатларни амалга оширилишини талаб қилиш ваколатига эга эканликларини билдиради.

Субъектив ҳуқуқнинг мазмунини акс эттирувчи жиҳат *ҳуқуқий ваколат* ҳисобланиб, у уч хил бўлади:

а) **ўз хатти-ҳаракатларини амалга ошириш юзасидан бўлган ҳуқуқий ваколатлар**. Бунга мисол: мулкдор ўзига тегишли бўлган мулкка нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларига эга эканлигидир (булар мулк ҳуқуқини ташкил этувчи жиҳатлар ҳисобланади); ўз ҳаракатларини содир этиш ҳуқуқи ҳуқуқ нормалари ёки бошқа шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари билан чекланиши мумкин;

б) **ўзгаларнинг хатти-ҳаракатига бўлган ҳуқуқий ваколат**. Бунда субъектив ҳуқуқ жавобгар шахс томонидан муайян ҳаракатлар содир этилган тақдирдагина амалга ошади. Масалан, қарз шартномаси бўйича пулни қайтаришни талаб этиш ҳуқуқи;

в) **талаб тарзидаги ҳуқуқий ваколат**. Бу ваколатли давлат идорасига мурожаат этиб, муайян мажбуриятнинг бажарилишини талаб этиш имкониятидир. Масалан, судга мурожаат этиб, алимент тўланишини талаб қилиш ҳуқуқи.

Шундай қилиб, субъектив ҳуқуқнинг амалга ошиши ҳуқуқий ваколат эгаси бўлган шахсининг ихтиёри, истаги ва иродасига боғлиқдир.

Субъектив ҳуқуқ ҳамиша эркинлик (озодлик) билан узвий талқин этилади. У – эркинлик меъёри. Мабодо, эркинликнинг бу меъёри нолга тенг бўлса, ҳар қандай муносабат ўзининг ҳуқуқий табиатини йўқотади⁸. Башарти, субъектив ҳуқуқ ўзга шахс ёки ташкилот томонидан бузилса, ҳуқуқий

⁸ Қаранг: Варламова Н.В. *Правоотношения: философский и юридический подходы*. -Правоведение. 1991, № 4. 51-бет.

Давлат соҳибида завола топган ҳуқуқини муҳофаза этилишини талаб қилиб, муружаат этиш имконияти пайдо бўлади. Мазкур вазиятда давлатнинг қўриқловчи механизми ҳаракатга келтирилади.

Юридик мажбурият – ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг тегишли ҳуқуқий нормага асосан ўзларининг бурни (мажбурияти) бўлган ҳаракатни амалга оширишлари ёки муайян ҳаракатни содир этишдан ўзларини тийишларидир. Шахс юридик мажбуриятларни ўташ туфайли ҳуқуқий муносабат иккинчи иштирокчисининг субъектив ҳуқуқи амалга ошишини таъминлайди. Агар ҳуқуқимизга муқобил турувчи мажбурият ўтовчи шахс бўлмаса, агар у субъект қонун талаб этган хатти-ҳаракатларни содир этмаса (ёки бирон-бир ҳаракатдан ўзини тиймаса), бизнинг ҳуқуқимиз қуруқ қолган бошқа нарса бўлмай қолади. Юридик мажбурият қонунга мувофиқ талаб этиладиган, бажарилиши лозим бўлган ҳулқ-атвор, хатти-ҳаракатдир. Агар субъектив ҳуқуқдан фойдаланиш ихтиёрий бўлиб, ундан фойдаланмаслик ҳам мумкин бўлса, юридик мажбуриятни бажармаслик мумкин эмас.

Субъектив юридик мажбурият қуйидагиларда ифодаланadi:

■ **тақиқланган хатти-ҳаракатларни содир этишдан тийилиш** (бунда мажбурият ўтовчи шахс пассив бўлиб, субъектив ҳуқуқ амалга ошишига ҳалал бермайди);

■ **муайян хатти-ҳаракатларни содир этиш** (бунда мажбурият ўтовчи шахсдан фаол ҳаракат қилиш талаб этилади, токи ҳуқуқий муносабат бошқа иштирокчисининг субъектив ҳуқуқи рўёбга чиқиши учун шароит яратилсин).

Юридик мажбуриятни бажармаслик оқибатида юридик жавобгарлик келиб чиқади. Юридик мажбуриятни бажармаган шахсга нисбатан давлат мажбурлов чорасини қўллайди, яъни жазога дучор этади.

Шундай қилиб, субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбурият ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Ҳуқуқ мажбуриятсиз мавжуд бўлмайди. Ва аксинча, бирон-бир ҳуқуққа мутаносиб келмайдиган мажбурият бўлмайди. Айнан бир фактик ҳулқ-атвор, хатти-ҳаракат бир вақтнинг ўзида бир томон учун ҳуқуқ, иккинчи томон учун мажбурият ҳисобланади. Масалан, иш вақтидан ташқари ишлаганлик туфайли оширилган ҳақ тўлаш – маъмурият учун мажбурият; ходим учун – ҳуқуқдир.

4-§. Ҳуқуқий муносабатнинг объекти

Ҳуқуқий муносабатлар таркибий тузилишининг зарурий қисмларидан бири – уларнинг объектидир. «Объект» – лотинча сўз бўлиб, мавзу деган маънони англатади. Ҳар қандай ҳуқуқий муносабат унинг замирида ётган ҳаётий ҳодисаларни, нарса ва жараёнларни тартибга солишга қаратилган муайян вазифани ўтайди. Шу боис, объектсиз, яъни ҳеч нарсага қаратилмаган, ҳеч нарсага таъсир кўрсатмайдиган ҳуқуқий муносабатлар бўлмайди.

Ҳуқуқий муносабатда иштирок этаётган субъектларнинг диққат-эътибори, манфаати, ҳатти-ҳаракати қаратилган реал неъмат, нарса, жараён, ҳаракатлар (уларга эришиш, фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш) ҳуқуқий муносабатнинг объекти деб аталади. Масалан, уй-жой олди-сотди шартномавий муносабатининг объектини уй-жой ташкил этади; одам ўлдириш жиноятининг объекти – инсоннинг ҳаёти; бировни ҳақорат қилиш фуқаровий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳуқуқий муносабатлар объектини шахснинг шаъни, кадр-қиммати, обрў-эътибори ташкил этади.


Ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳаёт ҳодисалари ва ижтимоий воқеликлар каби турли-тумандир. Уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) Моддий олам неъматлари. Уларга буюмлар, ашёлар киради. Юридик маънода буюмлар – табиат неъматлари ва меҳнат фаолияти жараёнида яратилган нарсалар бўлиб, улар хусусида ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқади. Буюм (ашё)лар тоифасига: ишлаб чиқариш қурол-воситалари, истеъмол моллари, пул, қимматли қоғозлар, моддий маҳсулотлар ва бошқалар киради. Масалан, моддий олам неъматлари объект бўлувчи ҳуқуқий муносабатларга олди-сотди, маҳсулот айирбошлаш, ҳада, мерос каби муносабатлар киритилади.

2) Маънавий ижод маҳсулотлари. Бу интеллектуал-аклий фаолият натижасидир. Унга маданият, санъат, тасвирий ижод, кино, адабиёт асарлари ва бошқалар киради.

Интеллектуал-аклий ижод маҳсуллари юзасидан ҳам турли-туман ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқади. Санъат ва адабиёт асарларини яратган шахс муаллифлик ҳуқуқига даъ-

Хуқуқий муносабатлар таркиби



вогар бўлади. Музейга, кўргазмага, шеърят кечасига борган кимсаларда ана шу ижод маҳсулотларига қизиқиш пайдо бўлади. Бу манфаатнинг объекти – маънавий бойликлардир. Ижод маҳсулотлари олди-сотди, ҳада, ижара, фойдаланиш каби ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлиши мумкин.

3) **Ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг хулқ-атвори ва унинг натижалари.** Инсон фаолияти, хулқ-атвори ҳуқуқий муносабатлар воситасида тартибга солинувчи объект сифатида майдонга чиқади. Аксарият ҳолларда мажбурият ўтовчи субъектнинг хулқ-атвори ҳуқуқий муносабат объекти бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ, ички ишлар идоралари жазони ўтаб қайтган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатади ва амалга оширади. Бунда назорат остида бўлувчи шахснинг фаолияти, юриш-туриши, хулқ-атвори милиция билан жазо ўтаб чиққан шахс ўртасидаги ҳуқуқий муносабатнинг объекти бўлади.

Хулқ-атворнинг натижаси деганда, у ёки бу ҳаракат ёхуд ҳаракатсизлик келтириб чиқарадиган оқибат тушунилади. Кўшгина ҳуқуқий муносабатлар муайян оқибатга эришиш учун ўрнатилади ва амалга оширилади. Бу ҳолатда хулқ-атвор эмас, балки унинг натижаси ҳуқуқий муносабатнинг объекти саналади. Масалан, юк ташиш шартномаси асосида келиб чиқувчи ҳуқуқий муносабатни олайлик. Бунда ҳуқуқдор шахсни (юк қабул қилиб олувчи томонни) мажбурият ўтовчи шахснинг қандай хатти-ҳаракатлар содир этиши қизиқтирмайди. Балки унинг ҳаракатлари натижаси, яъни юкни муайян муддатда белгиланган жойга етказиб бериши қизиқтиради.

4) **Шахсий номулкий неъматлар.** Ҳуқуқий муносабатнинг шахсий номулкий объекти деганда, номоддий неъматлар, инсоннинг бевосита шахсияти билан боғлиқ нарсалар тушунилади. Булар – инсоннинг ҳаёти, қадр-қиммати, шаъни, соғлиғи қабилар. Инсонни ҳаётдан маҳрум этиш жиноятдир. Деярли барча давлатларнинг жиноят қонунчилигида инсон ҳаётига тажовуз қилиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Шунингдек, инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, обрў-эътибори, қадр-қиммати фуқаролик, маъмурий, никоҳ ва оила ҳамда бошқа қонунчилик соҳалари томонидан муҳофаза этилади.

5-§. Юридик фактлар

Барча ижтимоий ҳаёт ҳодисалари сингари ҳуқуқий муносабатлар ҳам диалектик қонуниятларга итоат этади. Инсонлар ўртасидаги алоқаларнинг юридик шакли бўлиши ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлиб, ўзгариб, барҳам топиб туради.

Ҳуқуқий муносабатлар юридик нормалар асосида келиб чиқади. Бироқ ҳуқуқий нормалар ўз-ўзидан, бевосита ҳуқуқий муносабатларни пайдо қилмайди. Нормалар фақатгина ҳуқуқий муносабатлар вужудга келишининг шартларини, ҳолатларини ва мезонларини белгилаб беради. Ҳуқуқий муносабатларнинг мавжуд бўлиши юридик фактлар, деб ата-лувчи муайян ҳаётий ҳодисалар билан боғлиқ. Юридик фактлар ҳуқуқий муносабатларнинг зарурий шарти, конкрет талаби сифатида майдонга чиқади.

Хўш, юридик факт дегани қандай ҳодиса? Турмушдаги барча воқеликлар мана шундай ҳодисалар ҳисоблана олади-ми? Чамаси, йўқ. Ҳаётда турли-туман фактлар, ҳолатлар, шарт-шароитлар бор. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам юридик факт мақомига эга бўлавермайди. Муайян ҳодиса ва ҳолатларни юридик факт, деб эътироф этиш давлатнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ. Юридик факт ҳуқуқий муносабатни келтириб чиқаради, томонларда ҳуқуқ ва мажбурият тугдиради. Ҳуқуқий нормалар таъсирида у ёки бу ҳаётий ҳолатлар юридик фактга айланади.

Демак, **юридик фактлар** – ҳуқуқий нормалар асосида ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва барҳам топтирувчи ҳаётий ҳодисалардир.

Юридик фактлар ҳуқуқий тизимда, ҳуқуқий тартибга солиш механизмида муҳим роль ўйнайди ва катта аҳамият касб этади. Улар ҳуқуқий норма билан конкрет ҳуқуқий муносабат ўртасидаги боғловчи бўғиндир.

Юридик фактлар ҳуқуқий нормалар ва ҳуқуқдорлик (ҳуқуқ субъекти), субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбурият билан муштаракликда ҳуқуқий муносабатларнинг зарурий шарти ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасига мувофиқ, ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Фуқаронинг олий ўқув юртига кириб

ўқиш ҳуқуқи амалга ошиши учун у балоғат ёшига етганлик ҳамда муомала лаёқатига эгаликдан ташқари тегишли юридик факт мавжуд бўлиши лозим. Бу юридик факт – кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириш ва буйруқ билан ўқув муассасасига қабул қилинишидир. Ана шундагина талаба билан ўқув юрти маъмурияти ўртасида ҳуқуқий муносабат келиб чиқади.

Юридик фактлар ҳуқуқ нормаларида назарда тутилади, мустаҳкамланади. Айтайлик, никоҳни ФХДЁ (ЗАГС) идораларида рўйхатдан ўтказиш факти юридик фактдир, чунки бу ҳолат Фуқаролик кодекси ва Оила кодексига мустаҳкамланган. Айни вақтда, масжидда ҳам никоҳ ўқитиш фактлари (урф-одати) мавжуд. Бирок, бу факт қонунда назарда тутилмаган. Шу боис у юридик факт бўла олмайди.

Юридик фактлар хилма-хилдир, улар моҳиятан бир неча турларга бўлинади.

1) Юридик фактлар улар келтириб чиқарадиган ҳуқуқий оқибатларга қараб: **ҳуқуқни яратувчи, ҳуқуқни ўзгартирувчи ва ҳуқуқни бекор қилувчи** фактларга бўлинади.

Айни бир юридик ҳодиса бир вақтнинг ўзида ҳам ҳуқуқ яратувчи, ҳам ҳуқуқни ўзгартирувчи, ҳам ҳуқуқни бекор қилувчи факт бўлиши мумкин. Масалан, инсоннинг ўлими факти мерос ҳуқуқий муносабатларининг келиб чиқишига сабаб бўла олади, ҳуқуқий муносабат иштирокчилари таркиби ўзгаришига олиб келади (яъни, ўлган шахс бу муносабатдан чиқиб кетади), мавжуд қатор (оилавий, меҳнат, нафақа) ҳуқуқий муносабатларнинг барҳам топишига асос бўлади.

2) Юридик фактлар иродани ифодалашига қараб, икки асосий гуруҳга: юридик ҳодисалар ва юридик ҳаракатларга бўлинади.

Ҳодисалар – табиат ва жамиятдаги шундай фактларки, уларнинг юз бериши кишиларнинг эрку иродасига, онгига ва эҳтиёжига боғлиқ эмас. Масалан, ер қимирлаши, бола туғилиши, инсоннинг вафот этиши, ёнгин, сел каби табиий офатлар ва бошқалар. Мазкур ҳодисалар ҳуқуқ билан тартибга солинувчи ижтимоий муносабатларга муайян таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабдан улар юридик фактлар, деб тан олинади. Одатда, ҳодисалар ҳуқуқий муносабатнинг объектига таъсир этади. Масалан, ёнгин туфайли уй-жойига зарар

етган шахс билан тегишли давлат идоралари, жумладан, су-
гурта идоралари ўртасида ҳуқуқий муносабат келиб чиқади.

Ҳаракатлар – ҳуқуқий муносабат иштирокчилари иро-
даси билан боғлиқ фактлар. Улар бир неча турга ажралади:
ҳуқуққа мувофиқ ва ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар. Амалдаги
қонун нормалари асосида вужудга келадиган ҳамда шу нор-
малар билан тартибга солинадиган ҳаракатлар ҳуқуқий
(ҳуқуққа мувофиқ) ҳаракатлар, деб аталади. Ҳуқуқий нор-
малар талабларига зид, уларни бузувчи ҳаракатлар ҳуқуққа
хилоф (ғайриқонуний) ҳаракатлар ҳисобланади.

Ҳуқуққа зид бўлган ҳаракатлар ўз мазмуни ва характери-
га қараб **жиноий, маъмурий, фуқаролик** ва **интизомий**
ҳуқуқий бўлмаган ҳаракатларга бўлинади. Ҳуқуқий бўлма-
ган ҳаракат қонунга биноан юридик жавобгарликни келти-
риб чиқаради. Масалан, жиноят содир қилинганлик учун
жиноий жавобгарлик келиб чиқади.


Ҳуқуққа мувофиқ ҳаракатлар ўз навбатида икки турга
бўлинади:

- **юридик актлар;**
- **юридик ҳатти-ҳаракат.**

Юридик актларда ҳуқуққа мувофиқ ҳаракатлар муайян
ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиришини назарда тутиб,
содир этилади. Бундай ҳаракатларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар-
ни вужудга келтириш, ўзгартириш ва барҳам топтиришга
онгли равишда қаратилган хоҳиш ифодаланди. Масалан,
фуқаролик ҳуқуқий битимлари, маъмурий актлар шундай
актлар сирасига киради.

Юридик ҳатти-ҳаракат кишилар томонидан ҳуқуқий
оқибатларга олиб келишини атайин кўзда тутмаган ҳолда
содир этилади, бироқ бундай оқибатлар қонунда назарда ту-
тилганлиги туфайли келиб чиқади. Масалан, ижодкор ил-
мий ёки бадиий асар яратди, дейлик. Бунда ижодкор ҳуқуқий
оқибатлар вужудга келтиришни истагани ёки истамаганидан
қатъи назар, қонун муаллифлик ҳуқуқий муносабатлари пайдо
бўлишини шарт қилиб қўйган. Демак, ижод маҳсулининг
яратилиши – юридик фактдир.

Юридик актларнинг энг муҳим хусусияти шундан ибор-
ратки, уларда юридик аҳамиятга молик асосий шарт – юри-
дик оқибатларни кўзлаб ўзича иш кўришдир.



Шундай қилиб, юридик фактлар ҳуқуқий муносабатлар ўрнатишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Улар, одатда, ҳуқуқий муносабат субъектларининг манфаатларига мос келади. Юқоридаги таҳлилларга яқун ясаб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Ҳуқуқий муносабатлар – ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тури бўлиб, улар устқурманинг таркибий қисми сифатида иқтисодий тизим, ишлаб чиқариш муносабатлари замирида вужудга келади ва такомиллашиб боради;

2. Ҳуқуқий муносабатлар, ўз навбатида, жамият ҳаётига, ишлаб чиқариш жараёнига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин;

3. Ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқ нормалари асосида пайдо бўлади (ўзгаради ёки барҳам топади) ҳамда ўз табиатига кўра иродавий характерга эга бўлади;

4. Фақат ҳуқуқий нормаларгина ижтимоий муносабатларга қонуний шакл бахш эта олади;

5. Ҳуқуқий муносабатлар – давлатли жамиятга хос ҳодиса. Улар давлат сиёсати, хоҳиш-иродаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳуқуқ воситасида давлат ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади; зарур ҳолларда ҳуқуқий муносабатларни рўёбга чиқариш, муҳофаза этиш учун давлатнинг мажбурлаш кучи ишга солинади;

6. Демократик жамиятда ҳуқуқий муносабатлар, асосан, ихтиёрий, онгли равишда амалга оширилади. Бироқ шундай бўлса-да, ҳуқуқий муносабатлар доимо давлатнинг мададига (зўрлик кучига) таянади;

7. Ҳуқуқий муносабатлар қуйидаги тўрт унсурли таркибий тузилишга эга: ҳуқуқий муносабат субъекти, унинг объекти, ҳуқуқдорлик, юридик мажбурият.

8. Ҳуқуқий муносабатлар вужудга келтириладиган, ўзгартириладиган (ривожлантириладиган) ёки барҳам топтирадиган ҳаётий ҳодисалар (шунингдек, табиат ҳодисалари) юридик фактлар ҳисобланади (чизмага қаралсин);

9. Юридик фактлар ҳаётда ҳуқуқдан алоҳида, мустақил ҳолда бўлиб, давлат хоҳиш-иродаси туфайлигина ҳуқуқий маънога эга бўлади;

10. Ҳуқуқий муносабатлар объектив ва субъектив ҳуқуқни амалга оширишнинг алоҳида шаклидир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий муносабатлар фуқаролар, жамоат бирлашмалари, давлат идоралари ва бошқа юридик шахслар ўртасидаги турли-туман алоқаларни тартибга солиш орқали жамиятда қонунийликни мустаҳкамлашга, қонун устуворлигини қарор топтиришга, шунингдек, инсон, жамият ва давлат манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан уйғунлаштиришга самарали хизмат қилади.

XIV боб. ҲУҚУҚ ТИЗИМИ

1-§. Ҳуқуқ тизими тушунчаси ва унинг таркибий қисмлари

Атрофимизда кечаётган ижтимоий ҳаёт турфа ижтимоий муносабатлар маконидир. Ижтимоий муносабатлар хилма-хил бўлишига қарамасдан, айти пайтда, мазмунан муайян гуруҳларга бирлашадилар, бошқача қилиб айтганда, улар маълум даражада ихтисослашади, оқибат натижада яхлит бир макротизимни ташкил этади. Бу объектив жараён ўз навбатида уни тартибга соладиган ҳуқуқ нормаларининг ҳам тегишлича гуруҳланишини, тизимланишини белгилайди.

Ҳуқуқ тизими – ҳуқуқнинг ички тузилиши, ички қурилиши – таркиби бўлиб, у ҳуқуқнинг қандай қисмлардан иборат эканлигини ва қисмлар ўртасидаги муносабат ҳамда нисбатни кўрсатади.

Ҳуқуқ тизими объектив характерга эга. Бунинг маъноси шуки, мавжуд ижтимоий муносабатлар ва уларнинг реал манзараси ҳуқуқ тизимини белгиловчи омил ҳисобланади. Ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши, янгиланиши ҳуқуқ тизимида ўзининг айнан ифодасини топади, шу жиҳатдан ҳар бир давлат ҳуқуқ тизими шу жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг инъикоси, ифодаси ҳисобланади. Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқ давлат томонидан ўрнатилган ва бажарилиши давлат томонидан таъминланадиган нормалар йиғиндисидан иборат, айти вақтда бу нормалар мажмуи стихияли тарзда жамланган бўлмай, балки қисмлари ўзаро мувофиқлик, боғлиқлик асосида бирлашган. Бу тизим бир пайтда умумийлик ва алоҳидалик, мустақиллик ва боғлиқлик, ўхшашлик ва фарқланиш хусусиятларига эгадир. Ҳуқуқ тизимини ташкил этган нормаларнинг умумийлиги ва муштараклиги уларда ифодаланган давлат амрининг бирлиги, ҳуқуқий нормалар амал қилиб турган «ҳуқуқий замин» ҳисобланмиш ҳуқуқий тизимнинг, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизми ва бу механизм асосланадиган умумий қоидаларнинг яхлитлиги, шунингдек, вазифа ва мақсадлар муштараклиги билан белгиланади.

Ҳуқуқ тизими жамиятда мавжуд бўлган ва доимо ривожланиш жараёнини бошидан кечираётган ижтимоий муносабатларнинг ифодаси бўлиб, у ҳуқуқнинг ички тузилишини, унда ҳуқуқ нормаларининг ҳам умумланиш, ҳам фарқланиш хусусиятларини кўрсатади.

Ҳуқуқ тизими:

– биринчидан, ижтимоий муносабатларнинг мазмуни билан боғлиқ ҳолда, объектив равишда шаклланган;

– иккинчидан, у яхлит тизим сифатида ҳуқуқнинг ички тузилишини, яъни бу тизим қандай ички «қурилма»дан иборатлигини кўрсатади;

– учинчидан, ҳуқуқ тизими уни ташкил этувчи юридик нормаларнинг муайян гуруҳларга бирлашишини кўрсатади;

– тўртинчидан, ҳуқуқ тизимини ташкил этувчи юридик нормаларнинг ва улар бирлашган гуруҳларнинг ўзаро фарқланишини, алоҳидаланишини кўрсатади;

– бешинчидан, ижтимоий муносабатларнинг хусусияти ва уларнинг ўзига хослиги юридик нормаларнинг ҳам маълум даражада ихтисослашувини тақозо этади.

Маълумки, тизимлар назариясига кўра, ҳар қандай тизимнинг таркибий қурилиши муайян қондалар ва мезонлар асосида ташкил топади. Бирон-бир тизимни чуқурроқ аниқлаш учун тизим асосида ётадиган шу мезонларни аниқлаш аҳамиятга моликдир. Бундай аниқлаш ҳуқуқ тизимини ўрганиш учун ҳам зарур бўлиб, унинг натижасида биз яхлит ҳуқуқнинг таркибан нималарга асосланиб «қурилганлиги», ҳуқуқ нормаларининг жамланиши ва гуруҳларга бўлиниши асосида нималар ётганлигини билиб оламиз. Шу мақсадда илмий-ўқув адабиётида қатор ёндашувлардан фойдаланилади. Генетик ёндашув асосида бирламчи ва иккиламчи (ҳосила) мезонлар ажратилади. Ҳуқуққа нисбатан бирламчи мезон бўлиб, аввало, инсон ҳисобланади. Шу маънода ҳуқуққа нисбатан иккиламчи (ҳосила) мезон бўлиб, турли йўллар билан шаклланган ижтимоий ва ижтимоий-сиёсий тузилмалар, энг аввало, давлат ва жамият ҳисобланади. Тарихий ёндашувга асосан эса ҳуқуқнинг тизим сифатида шаклланишининг бутун ривожланиш йўлини кузатиб таҳлил этиш мумкин, бу жараёнда энг муҳим мезон сифатида ҳуқуқнинг шакли (манбаи) олдинга чиқади. Ҳуқуқ шакллари таҳлил

этиш орқали биз у ёки бу ҳуқуқ тизими учун хос бўлган тизим шакллантирувчи асосларни аниқлашимиз мумкин. Тарихий ёндашув ҳуқуқ тизимининг генетик алоқаларини очиб бериши билан бир қаторда, тарихий ривожланиш жараёнида ҳуқуқ тизимида бўлган динамик ўзгаришларни ҳам кузатиш мумкин. Бу аввало инсоннинг ўзининг индивид сифатида ва турли ижтимоий-сиёсий тузилмалар аъзоси сифатида ривожланиши билан боғлиқ. Бундан ташқари, ҳуқуқ тизимига турли диний, этник, ғоявий омиллар ва уларнинг ўзаро нисбати таъсири ҳам намоён бўлган.

Ҳуқуқ тизимига тизимли-тузилмавий ёндашув унинг ички тузилмасида ҳуқуқ нормаларининг маълум тарзда тартибли жойлашганлигини кўрсатади. Ҳуқуқ тизимида жойлашган нормаларнинг тартибга солинганлиги, ўзаро мувофиқлиги ва алоқадорлиги ҳамда айни пайтда фарқланиши ижтимоий муносабатларнинг ҳам худди шундай тузилмавий характери ва уларни ҳуқуқий тартибга солишнинг боғлиқлиги билан белгиланади.

Ҳуқуқ тизимлилиги бир неча даражаларни ўз ичига олади. Улардан биринчиси ўз ички алоқаларига эга бўлган ҳуқуқ нормасидир. Шу алоқадорлик сабабли у конкрет ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Шу билан бир қаторда, айнан бир муносабат бир неча нормалар билан тартибга солинади ва бу уларни ҳуқуқ тизимлилигининг иккинчи даражаси ҳисобланган ҳуқуқ институтига бирлаштиришга асос бўлади ва бу ҳуқуқ нормасининг ташқи алоқалари натижаси сифатида вужудга келади. Учинчи, ҳуқуқ тизимлилигининг анча юқори даражаси бўлиб, ҳуқуқнинг тармоқларга бўлиниши ҳисобланади.

Ҳуқуқ нормаси ҳуқуқ тизимининг бирламчи унсури бўлиб, у давлат томонидан ўрнатиладиган ҳокимият характерига эга бўлган ҳагги-ҳаракат қондасидир. Ҳуқуқ нормаси ҳуқуқ тузилмаси ичида биринчи бўлиб, яхлит ҳуқуқда бўладиган ўзгаришларни ўзидан ўтказилади. Шу боис унинг бошқа ҳуқуқ тизими тузилмаларига таъсири каттагина, агар таъбир жоиз бўлса, уни ҳуқуқнинг ўлчов бирлиги дейиш мумкин.

Ҳуқуқ институти ҳуқуқий нормаларнинг алоҳида гуруҳи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солади. Одатда, ҳуқуқ институти ҳуқуқий нормалар-

нинг унча катта бўлмаган барқарор гуруҳи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг маълум бир турини тартибга солади. Демак, агар ҳуқуқий норма ҳуқуқий материянинг бирламчи унсури бўлса, ҳуқуқ институти эса унинг дастлабки ҳуқуқий умумлашмасидир. Ҳар бир тармоқ ўз ичига қатор институтларни олади ва улар тармоқнинг таркибий қисми, бўлаги, бўғини сифатида намоён бўлиб, айни пайтда, муайян мустақиллик характериға эга, зеро, улар маълум даражада мустақил масалаларни тартибга солади. Ҳуқуқ институтларига мисол қилиб, маъмурий ҳуқуқда мансабдор шахс институти, фуқаролик ҳуқуқида даъво муддати, шартномалар, олди-сотди институти, конституциявий ҳуқуқда сайлов тизими, фуқаролик институти, жиноят ҳуқуқида зарурий муҳофаза институти, оила ҳуқуқида никоҳ институти ва ҳоказоларни келтириш мумкин.

Ҳуқуқ институтларини турлича гуруҳлаш мумкин. Энг аввало биз уларни ҳуқуқ тармоқлари бўйича ажратамиз: маъмурий ҳуқуқ институтлари, фуқаролик ҳуқуқи институтлари ва шу каби. Институтларни турларға ажратишда бизға мезон вазифасини ҳуқуқ тармоқлари ўтайди. Ҳаётда шундай бўладики, муайян бир ижтимоий муносабат бир ҳуқуқ тармоғи институти билан тартибга солиниб қолмасдан, бир неча тармоқ институтлари билан ҳам тартибга солиниши мумкин. Шу муносабат билан тармоқ институтлари ва тармоқлараро институтлар (аралашган) ҳамда оддий ва мураккаб (комплексмажмуавий), регулятив (тартибга солувчи), кўриқловчи ва таъсис этувчи (мустаҳкамловчи) институтларға ажралади.

Ҳуқуқ тармоғи – бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар ва ҳуқуқ институтларининг алоҳида мажмуи. Ҳуқуқ тармоғи ҳуқуқни тизимлашнинг анча юқори даражаси ҳисобланади ва у маълум яхлитлик ва мустақиллик билан тавсифланади. Таъкидлаш лозимки, баъзи ўқув-илмий адабиётларда ҳуқуқ тизимининг юқорида кўрсатиб ўтилган тузилмавий элементларидан ташқари яна ҳуқуқ тармоқчаси (подотрасль) ва субинститутлар ҳам фарқланади. Ҳуқуқ тизимида тармоқларнинг ажралиб чиқишиға асос бўлиб, унга бўлган объектив зарурат ҳисобланади, давлат эса бу заруратни ўз вақтида англаб, уни расмийлаштиради холос. Тармоқ қонун чиқарувчи томонидан ўйлаб топилмай, балки

ижтимоий ва амалий эҳтиёж маҳсули сифатида шаклланади. Ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу соҳасининг сифат жиҳатидан турдошлиги муайян ҳуқуқ тармогининг шаклланишини тақозо этади ва шу боис у ёки бу ҳуқуқ тармогининг мавжудлиги ёки йўқлиги ҳуқуқий тартибга солишга муҳтож бўлган ижтимоий муносабатларнинг тегишли соҳаси мавжуд ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ бўлади. Айни пайтда, ҳуқуқ тармоқлари ҳам ўзларининг ҳажми, ижтимоий муносабатларга таъсири ва умуман ҳуқуқий тартибга солишда тутган ўрни билан фарқланади ва бу фарқ кўп жиҳатдан улар тартибга соладиган ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва аҳамияти билан белгиланади. Муस्ताқил ҳуқуқ тармоғи ташкил этилиши учун қуйидаги шартлар бўлиши лозим:

1) у ёки бу муносабатларнинг ўзига хослигининг маълум даражаси;

2) бу муносабатларнинг ҳажми, катталиги ва кўплиги;

3) вужудга келган муносабатларни бошқа ҳуқуқ тармоқлари нормалари ёрдамида тартибга солишнинг имкони йўқлиги;

4) бу муносабатларни тартибга солишнинг алоҳида услубини қўллаш зарурлиги.

Анъанавий тарзда илмий-ўқув адабиётида ҳуқуқ тармоқларига қуйидагилар киритилади: конституциявий, маъмурий, молия, меҳнат, фуқаролик, оила, жиноят ҳуқуқлари, фуқаролик-процессуал, жиноят-процессуал ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи, экология ҳуқуқи ва бошқалар.

Шундай қилиб, ҳуқуқ тизими мураккаб, кўптузилмали ва ҳаракатчан яхлит тузилма бўлиб, ўз ичига, проф. С.С.Алексеев таъкидлаганидек, қуйидаги бир неча даражаларни олади:

1. Алоҳида норматив қоида тузилмасини;

2. Ҳуқуқий институт тузилмасини;

3. Ҳуқуқий тармоқ тузилмасини;

4. Ҳуқуқнинг яхлит тизимини.

Буларнинг ҳаммаси бир бутун яхлитликда анча мураккаб таркибни ташкил этади.

Айни пайтда, ҳуқуқ тизими даражалари ўзаро мантиқан ва мазмунан боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини сабабнинг оқибати тарзида тақозо этади.

Оммавий ва хусусий ҳуқуқ. Таъкидлаш жоизки, жаҳон юридик фанида ҳуқуқ хусусий ва оммавий ҳуқуққа ажратилади. Хусусий ҳуқуқ алоҳида шахсларнинг эҳтиёжини қондириш ва манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган бўлса, оммавий ҳуқуқ эса давлатнинг умумий манфаатларини муҳофаза этади. Хусусий ва оммавий ҳуқуқнинг шаклланиши қадимги Римга бориб тақалади. Унда *jus publicum* ва *jus privatum* ажратилган бўлиб, уларга Рим юристлари тавсиф беришган. Масалан, Ульпианнинг фикрига кўра, оммавий ҳуқуқ Рим давлатининг ҳолатига, мақомига тааллуқли «*ad statum rei Romanae spectat*»; хусусий ҳуқуқ эса алоҳида шахслар фойдасига тааллуқлидир: «*ad Singulorum utilitatem*» (қаранг: И.Б.Новицкий. Основы Римского гражданского права. М., «Юр.лит». – 1972). Ҳуқуқ ҳимоя этадиган манфаатлар мазмуни, характери хусусий ва оммавий ҳуқуқ соҳаларини ажратишнинг мезони ҳисобланган. Оммавий ҳуқуқ доирасига давлат манфаатини муҳофаза этувчи ҳуқуқий нормалар кирган, хусусий ҳуқуқ соҳасига эса алоҳида шахслар манфаатини ҳимоя қилувчи нормалар кирган. Шуниси эътиборга моликки, Римда оммавий ва хусусий ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг характериға кўра анча фарқланган. Хусусан, оммавий ҳуқуқ учун *jus publicum priatorum pactis mutari non protest*, яъни оммавий ҳуқуқ нормалари алоҳида шахсларнинг қилишуви билан ўзгартирилиши мумкин эмас, деган тамойил ҳос бўлган. Бундай нормалар императив нормалар, деб аталган. Яъни, сўзсиз, мажбурий, ҳокимий-буйруқ характериғаги нормалар.

Хусусий ҳуқуқ учун эса ваколат берувчи нормалар ҳос бўлган.

Моддий ва процессуал ҳуқуқ. Ҳуқуқ тизимиғаги тармоқлар моддий ва процессуал (жараёний) ҳуқуққа ҳам бўлинади. Конституциявий, маъмурий, молия, ер ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи ва меҳнат ҳуқуқи моддий ҳуқуққа қиради ва улар инсонлараро, уларнинг хилма-хил тузилмалариаро реал таркиб топадиган муносабатларни тартибга солади. Бу муносабатлар мулк шакллари, мулкка эғалик қилиш, ундан фойдаланиш, тасарруф этиш, мулкни олиш ва сотиш, давлат бошқаруви соҳасиғаги муносабатлар, фуқароларнинг меҳнат ва сиёсий фаолиятлари, ҳуқуқ ва

эркинликларининг амалга оширилиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келади.

Процессуал ҳуқуқ тармоқларига эса жиноят-процессуал ва фуқаролик-процессуал ҳуқуқ тармоқлари киради. Улар турли низолар, келишмовчиликларни ҳал этиш, жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг тергов қилиниши ва судда кўрилишининг таомилий, ташкилий масалаларини тартибга солади. Масалан, жиноят ҳуқуқи нормалари қандай қилмиш жиноят эканлигини ва шу ҳатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун бериладиган жазонинг умумий асосларини белгилаб берса, жиноят процессуал ҳуқуққи уни тергов қилиш, судда кўриш каби қатор масалаларни ўз нормаларида мустаҳкамлайди. Моддий ҳуқуқ билан процессуал ҳуқуқ ўртасида узвий боғлиқлик борлиги яққол кўриниб турибди. Улар бир-бирини тақозо этади ва узвийликда бир бутун яхлитлик касб этади.

Шундай қилиб, ҳуқуқ тизими – ҳуқуқнинг объектив равишда шаклланган ички тузилиши бўлиб, у ҳаракатдаги, ўзаро бир-бири билан боғланган барча юридик нормалар, институтлар ва ҳуқуқ тармоқларини ўз ичига олади, ички узвийлик ва айни пайтда, тартибга соладиган муносабатларнинг хусусиятларидан келиб чиқадиган фарқ билан характерланади.

Ҳуқуқ тизими таркибидаги энг йирик тузилма – ҳуқуқ тармоғидир. Ҳуқуқни ҳуқуқ тармоқларига ажратиш икки мезон, яъни ҳуқуқий тартибга солишнинг предмети ва ҳуқуқий тартибга солишнинг усули (методи) орқали амалга оширилади.

2-§. Ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва усули – ҳуқуқни тармоқ ва институтларга ажратишнинг асоси сифатида

Ҳуқуқий тартибга солиш предмети деганда, ҳуқуқ бевожуб тартибга соладиган нарса – ижтимоий муносабатлар тушунилади. Ижтимоий муносабатлар ўзининг хусусиятига кўра, юридик нормалар ўртасида алоҳида боғлиқликни вужудга келтиради, уларни яқинлаштиради. Шу боис ҳуқуқий

тартибга солиш предмети ҳуқуқ нормаларини маълум тармоққа киритишда, гуруҳлашда асос бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқий тартибга солиш предмети тузилмаси қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

а) ҳуқуқий тартибга солиш предмети субъектлари (индивидуал ва жамоа);

б) субъектларнинг ҳуқ-атвори, хатти-ҳаракати, қилмиши;

в) атроф-муҳит объектлари: нарсалар ва ҳодисалар – булар юзасидан инсонлар бир-бирлари билан муносабатга киришадилар ва маълум манфаат юзасидан уларга қизиқадилар;

г) муайян муносабатларнинг пайдо бўлиши ва барҳам топишининг бевосита сабабчилари бўлган ижтимоий фактлар: ҳодиса ва ҳаракатлар.

Демак, ҳуқуқий тартибга солиш предмети – ҳуқуқий таъсир доирасидаги барча муносабатлардир, бошқача айтганда, ҳуқуқий майдон доирасидаги муносабатлардир.

Ҳуқуқий тартибга солиш предмети – жамият аъзолари бўлмиш инсонлар ўртасида вужудга келадиган ва таркиб топадиган фактик, реал муносабатлар бўлиб, улар объектив равишда ҳуқуқий тартибга солинишга муҳтож бўладилар. Бундай муносабатлар хилма-хил ва кўп сонли, яъни бошқарув, меҳнат, мулк, оила соҳаларида бўлиши мумкин. Улар мазмунан турлича бўлганлари ҳолда, муайян умумий хусусиятлардан ҳам холи эмас. Умумийлик қуйидагиларда кўринади:

1. Инсонлар ва уларнинг турли жамоалари, бирлашмалари учун ҳаётини муҳим бўлган муносабатлардир;

2. Муносабатлар стихияли тарзда бўлмай, балки доимо аниқ мақсадга йўналтирилган, иродавий муносабатлардир;

3. Муносабатлар, албатта, барқарор, қайта-қайта такрорланадиган, типик (хос ва мос) муносабатлардир;

4. Муносабатлар инсонларнинг хатти-ҳаракати орқали ифодаланган ва шу боис уларнинг кечиши устидан четдан назорат олиб бориш мумкин.

Шундай қилиб, ижтимоий муносабатлар, аниқроғи, уларнинг мазмуни, ҳажми, ихтисослашганлиги, гуруҳлашганлиги ҳуқуқ тизимининг ҳам таркибий тузилишини, унинг ички «қурилмаси»ни белгиловчи бош омил ва бош мезон бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир ҳуқуқ тармоғининг ҳуқуқий тартибга солиш предмети ўз хусусиятига эга. Шу боис бу ҳолат мазкур тармоқ объекти бўлган ижтимоий муносабатларнинг маълум турини тартибга солиш усулининг ҳам ўзига хос бўлишини тақозо этади.

Ҳуқуқни тармоқларга ажратишнинг яна бир муҳим асоси ҳуқуқий тартибга солиш усулидир.

Ҳуқуқий тартибга солиш усули – жамиятдаги мавжуд ижтимоий муносабатларга ҳуқуқнинг таъсирида қўлланиладиган усул, восита ва йўллар мажмуи. Ҳуқуқий тартибга солиш усули узоқ тарихий жараёнда шаклланган муносабат бўлиб, давлат ундан ҳуқуқий нормаларни яратишда ва ижтимоий муносабат иштирокчилари ўртасидаги ҳуқуқий алоқаларни тартибга келтиришда фойдаланади. Агар ҳуқуқий тартибга солиш предмети ҳуқуқ нимани тартибга солади, деган саволга жавоб берса, ҳуқуқий тартибга солиш усули эса ҳуқуқ шу ижтимоий муносабатларни қандай, қайси йўл, усул билан тартибга солади, деган саволга жавоб ҳисобланади.

Ҳуқуқий тартибга солиш усули ҳуқуқни тармоқларга ажратишнинг қўшимча асоси бўлса-да, унинг ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигини оширишдаги роли каттадир.

Таъкидлаш лозимки, дарслик ва илмий адабиётларда ҳуқуқий тартибга солиш усуллари турлари ва уларнинг таснифлари тўғрисида яқдиллик йўқ. Бироқ турлича таснифларнинг мавжудлигига қарамасдан, уларнинг барчасини мазмунан икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) автономия усули (диспозитив);
- 2) авторитар усул (императив).

Автономия усули, асосан, фуқароларнинг ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, меҳнат ва савдо ҳуқуқи, яъни хусусий ҳуқуқ ҳаракати дахлдор соҳаларда қўлланилади.

Авторитар усул эса давлат ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, яъни оммавий ҳуқуқ ҳаракати дахлдор соҳаларда қўлланилади.

3-§. Ўзбекистон Республикасидаги асосий ҳуқук тармоқларининг қисқача тафсиلى

Юқорида таъкидланилганидек, ҳуқук тармоқлари – ижтимоий муносабатларнинг катта бир яхлит соҳасини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуидан иборат ҳуқук тизимининг йирик таркибий қисмидир.

Ҳозирги пайтда, Ўзбекистонда мавжуд энг асосий ҳуқук тармоқларига ва уларнинг ўзига хос жиҳатларига, предмети ва тартибга солиш усули хусусиятларига, ҳар бир тармоқнинг яхлит ҳуқук тизимида эгаллаган ўзига хос ва мос ўрнига, уларнинг ўзаро фарқларига тўхталиб ўтиш мақсада мувофиқдир.

Ҳуқук тизимида етакчи ўринни конституциявий (давлат) ҳуқук эгаллайди. Бу ҳуқук тармоғи давлатга оид энг муҳим, асосий бўлмиш муносабатларни тартибга солади ва шу боис унинг нормаларида бошқа ҳуқук нормалари учун негиз бўладиган қондалар мустаҳкамланган. Унинг асосий нормалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва бошқа қонунчилик актларида мустаҳкамланган. Конституциявий ҳуқук нормалари Ўзбекистоннинг конституциявий тузуми асосларини, шахснинг ҳуқуқий ҳолати, давлат ҳокимиятининг олий ва маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари асосларини ва давлат тузилишига оид бошқа масалаларни мустаҳкамлайди. Давлат тузумига оид муносабатлар бевосита конституциявий ҳуқуқнинг объекти ҳисобланади. Бу ҳуқук тармоғи усулининг мазмуни – таъсис этиш, мустаҳкамлашдан иборатдир. Таъкидлаш лозимки, мазкур ҳуқук нормалари, асосан, гипотеза ва диспозициядан иборат тузилмага эга бўлиб, уларда аниқ санкция мустаҳкамланмаган. Айни пайтда, Конституциянинг баъзи нормалари тўғридан тўғри ҳаракат қилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқук конституциявий ҳуқук билан мустаҳкам боғлиқ ҳуқук тармоғи ҳисобланади ва у ижроия ҳокимиятини амалга оширишда вужудга келадиган бошқарув муносабатларини тартибга солади. Бу ҳуқук тармоғи нормалари давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг бошқарув, ижро этиш ҳамда фармойиш бериш билан боғлиқ фаолиятини тартибга солади. Бошқарув, ижро

этиш ва фармойиш бериш функциясини амалга оширувчи органлар, жумладан, Президент девони тузилмалари, ҳукумат, вазирликлар, қўмиталар, маҳаллий органлар маъмурияти тегишлича ваколатлар билан таъминланган. Халқ хўжалигининг, иқтисодиёт ва маданият соҳалари, саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маърифат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, мудофаа ва хавфсизлик кабилар бу ҳуқуқ тармоғининг объекти бўлиб ҳисобланади.

Тармоқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишда қўллайдиган усули ҳокимият ва бўйсунуш, императив характердаги буйруқлар, лавозими ва даражасига асосланган бўгинма-бўгин бўйсунуш, топширилган соҳа учун жавобгарлик кабилардан иборат.

Молия ҳуқуқи давлатнинг молия ва бюджет фаолиятини амалга ошириш, банклар ва бошқа молиявий муассасалар фаолиятида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиди. Тармоқнинг предмети бўлиб молиявий муносабатлар, давлат бюджетини шакллантириш ва ижросини таъминлаш, пул муомаласи, банк операциялари, кредитлар, солиқларга оид муносабатлар ҳисобланади. Молиявий фаолият кўпинча ижро этиш, фармойиш бериш характерига эга ва шу боис у маъмурий ҳуқуқ билан анча боғлиқдир. Бу фаолият яна давлат – ҳокимият характерига ҳам эга. Шунинг учун у конституциявий ҳуқуқ билан боғлиқ. Бу тармоқнинг усули – текшириш, назорат, бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар бериш йўли билан ижтимоий муносабатларга таъсир этишдан иборат.

Ер ҳуқуқи ердан фойдаланишга доир муносабатларни тартибга солиди. Унинг нормалари унумли фойдаланиш ва ер тузилиши, ер фондини сақлаш ва тақсимлаш, турли ер шаклларининг уларнинг маъмурий – хўжалик аҳамиятига қараб, ҳуқуқий ҳолатини аниқлашга доир муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Ер ҳуқуқи ўз ичига ўрмон, сув ва тоғ ҳуқуқ тармоқчаларини ҳам олади. Бу ҳуқуқ тармоғининг асосий норматив акти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ҳисобланади. Ер ҳуқуқи ижтимоий муносабатларни тартибга солишда йўл бериш, рухсат бериш ва ман этиш усулларидан фойдаланади.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи – қишлоқ хўжалик ширкатла-

ри, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, ижара хўжаликларининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши, уларнинг бошқа хўжалик субъектлари ҳамда давлат органлари билан ўзаро муносабатлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги меҳнатдан фойдаланиш ва унга ҳақ тўлаш тартиби, даромадни тақсимлаш тартибига доир муносабатларни тартибга солувчи нормалар мажмундан иборат. Маълумки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ўзига хос хусусиятларга эга. Бундан ташқари, бозор муносабатларининг қишлоқ хўжалигига кенг кириб бориши ва мустаҳкамланиши бу ҳуқуқ тармоғининг аҳамиятини оширмоқда.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи нормалари қонунларда, норматив актларда ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ташкилий шаклларининг Намунавий низомларида мустаҳкамланган. Бу нормалар ҳали кодекслаштирилмаган. Мазкур ҳуқуқ тармоғининг асосий усули диспозитив характерда бўлиб, у қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, муҳофаза қилиш, тавсия этиш, ёрдам кўрсатиш йўллари билан амалга оширилади.

Меҳнат ҳуқуқи нормалари меҳнат муносабатларининг вужудга келиши, ўзгариши ва барҳам топишининг шартларини аниқлаш, иш вақти ҳамда дам олиш вақти муддатининг давомийлигини аниқлаш, меҳнат муҳофазаси, меҳнат интизомига доир муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Меҳнат муносабатлари субъектларига ишчи ва хизматчилар, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари киради. Меҳнат ҳуқуқининг меҳнат муносабатларини тартибга солишда қўллайдиган усуллари бўлиб рағбатлантириш, тегишли шартномаларга норматив ҳужжат тусини бериш ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқи мулкӣ муносабатларни, шунингдек, шахсий номулкий муносабатларни (масалан, исмга бўлган ҳуқуқ, муаллифлик ҳуқуқи, қадр-қимматни ҳимоя қилиш) тартибга солади. Мулк муносабатлари, мерос ва ворислик муносабатлари ҳам фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади. Бу ҳуқуқ нормалари ўз таъсири билан корхона, муассаса, ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг барча фуқаролик обороти (муомаласи), хўжалик фаолиятини, жумладан, мулкга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни

тасарруф этиш, мулкни сотиб олиш ва сотиш, ҳадя қилиш, мерос қолдириш, мулкни ижарага саклаб туришга, гаровга бериш, маҳсулот етказиб бериш каби муносабатларни қамраб олади.

Таъкидлаш лозимки, фуқаролик ҳуқуқи нормалари ҳар қандай мулкий муносабатларни ҳам тартибга солавермайди. У фақат тарафлар ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлган мулкий муносабатларни тартибга солади. Масалан, даъвогар ва жавобгар, кредитор ва қарздор, буюртмачи ва пудратчи каби. Бу ҳуқуқ тармоғига ҳокимият ва бўйсунуш тарзидаги маъмурий ва молия ҳуқуқлари учун хос бўлган муносабатлар ётдир.

Фуқаролик ҳуқуқи ҳуқуқ тармоқлари тизимида энг йириги бўлиб, у ҳажман йирик ва комплекс характердаги ҳуқуқ тармоғи ҳисобланади. Айниқса, бозор муносабатларининг ривожланиши, турли мулк шаклларининг вужудга келиши муносабати билан унинг объекти яна ҳам кенгаймоқда. Шу боис мазкур ҳуқуқ тармоғи қуйидаги қатор ҳуқуқ тармоқчаларини ўз ичига олади: мерос ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, турар жой ҳуқуқи, патент ҳуқуқи ва бошқалар. Фуқаролик ҳуқуқининг бош норматив акти Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексиدير. Бундан ташқари, ушбу ҳуқуқ тармоғи ичига қирадиган баъзи ҳуқуқ тармоқчалари нормалари ҳам кодекслаштирилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, Уй-жой кодекси.

Мазкур ҳуқуқ тармоғи тартибга соладиган муносабатлар мазмуни учун тарафларнинг тенглиги ҳосдир. Шу боис фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш усули диспозитив характерга эга. Яъни қонунда белгиланган қоидалар доирасида шартномада муносабат иштирокчиларининг муайян хатти-ҳаракат вариантларини мустаҳкамлаш ва уларга асосланиб, иш юритиш ҳуқуқининг мавжудлигидир.

Оила ҳуқуқи, ҳуқуқ тармоғи сифатида фуқаролик ҳуқуқига боғлиқ ва унга яқин. Оила – никоҳ муносабатлари соҳасидаги мулкий ва шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади. Унинг нормалари никоҳ тузиш ҳамда уни бекор қилиш, эр-хотинлар, ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларни, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийликка оид муносабатларни, оила аъзоларининг мулкий аҳволига, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир маса-

лаларни тартибга солиди. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси оила ҳуқуқининг асосий норматив ҳужжати ҳисобланади. Бу ҳуқуқ тармоғининг тартибга солиш усули тарафларнинг тенглигига асосланади ва диспозитив характерга эга бўлади.

Жиноят ҳуқуқи ёрдамида давлат қандай ижтимоий хавфли хатти-ҳаракат жиноят ҳисобланиши ва улар учун қандай жазо тайинланишини белгилайди. Жиноят ҳуқуқи жиноят содир этган шахсларга нисбатан мутасадди давлат органининг ваколатларини, жиноятчиларни жиноий жавобгарликка тортиш асослари ва шартларини, уларга нисбатан давлатнинг қоралов сийёсати принципларини, конкрет жиноятлар таркибини ва уларга белгиланадиган жазолар тизими ҳамда турларини, айбнинг шакл турларини ўз нормаларида мустаҳкамлайди.

Жиноят ҳуқуқининг бош норматив акти Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидир. Бу ҳуқуқ тармоғининг ижтимоий муносабатларга таъсир ўтказиш усули жамият учун хавфли муносабатларни қатъий ман этишдан иборат.

Жиноят ижроия ҳуқуқи – маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати, жазоларни ва бошқа жиноий –ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар, органлар тизими, уларнинг фаолиятини текшириш ва назорат этиш, ҳар хил жазо турларини ижро этиш тартибига доир нормаларни ўз ичига олади.

Мазкур ҳуқуқ тармоғининг усули – тарбиялаш ва рағбатлантириш жараёнларини ҳокимият ва бўйсунуш усули билан қўшиб олиб боришга асосланган. Асосий ҳуқуқ нормалари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексида жамланган.

Жиноят процессуал ҳуқуқи – процессуал ҳуқуқ тармоқларидан бўлиб, у жиноят ишларини очиш, судда кўриш бўйича суд, прокуратура ва суриштирув ҳамда дастлабки тергов органларининг фаолиятини, шу фаолият шаклларини тартибга солувчи нормаларни ўз ичига олади; Жиноят – процессуал ҳуқуқи жиноят жараёнининг иштирокчилари бўлмиш гумдондор, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, айблов ва ҳимоя вакилларининг процессуал ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини, уларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилай-

ди. Ҳуқуқ тармоғининг бош норматив акти – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси. Бу ҳуқуқ тармоғи ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ҳам императив, ҳам тарафлар тенглигига асосланган усуллардан фойдаланади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фуқаролик, оила, меҳнат, ер ва молиявий соҳаларда вужудга келадиган низоларни қараб чиқиш юзасидан суд фаолиятини тартибга солади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам ушбу ҳуқуқ тармоғи нормалари билан белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси ҳуқуқ тармоғининг асосий норматив ҳужжати ҳисобланади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқига жуда яқин турадиган ҳуқуқ тармоғи – хўжалик процессуал ҳуқуқи бўлиб, у хўжалик судлари томонидан судда мулкчиликнинг турли шаклларига мансуб хўжалик субъектлари ва улар билан фуқаролар ҳамда тадбиркорлар ўртасида вужудга келадиган хўжалик низоларини кўради.

Юқоридагилардан ташқари, Ўзбекистон ҳуқуқида мажмуавий характерга эга бўлган тармоқлар, жумладан, хўжалик ҳуқуқи, экология ҳуқуқи, савдо ва тадбиркорлик ҳуқуқлари ҳам шаклланган. Мамлакатимиздаги асосий ҳуқуқ тармоқлари шулардан иборат.

Халқаро ҳуқуқ – халқаро, энг аввало, давлатлараро муносабатларни тартибга солади. Шу сабабли у биронта ҳам давлатнинг миллий ҳуқуқ тизимига кирмайди. Халқаро ҳуқуқда унинг субъектларининг жамоавий иродаси мустаҳкамланган ва мужассамлашган. Турли халқаро шартномалар, битимлар, келишувлар, конвенциялар, декларациялар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳужжатлари ушбу ҳуқуқнинг норматив базаси ҳисобланади. Бу ҳужжатларда халқаро муносабатларни тартибга солувчи норма ва тамойилларнинг яхлит, мукамал тизими ўз ифодасини топган бўлиб, улар халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳисобланмиш давлатларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи оммавий ва хусусий халқаро ҳуқуққа бўлинади. Халқаро хусусий ҳуқуқ турли давлатлар фуқаролари ҳамда ташкилотлари ўртасидаги мул-

кий ва бошқа муносабатларни, уларнинг ҳуқуқий ҳолатини, юрисдикциясини, яшаб турган давлат қонунчилигини қўллаш тартиби ва шартларига доир муносабатларни тартибга солади.

Давлатлар, халқлар ва халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар халқаро ҳуқуқнинг субъектлари ҳисобланади.

XV боб. ХУКУҚНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ВА ҚЎЛЛАШ

1-§. Хукуқни татбиқ этиш

Хукуқ нормалари ҳаётга татбиқ этилсагина, у мазмун касб этади ва жамият учун аҳамиятга эга бўлади. Агарда хукуқ татбиқ этилмас экан, охир-оқибатда у ўзининг моҳиятини бутунлай йўқотади. Жамиятдаги ижтимоий муносабатларни хукуқий тартибга солишнинг самараси кўп жиҳатдан хукуқ нормаларини тўғри татбиқ этишга боғлиқ.

Дарҳақиқат, мавжуд хукуқ нормаларини амалда қўлламадан туриб, давлат ижтимоий муносабатларни ўз мақсади йўлида тартибга сололмайди. Энг умумий ва кенг маънода олганда, хукуқ нормаларини татбиқ этиш – хукуқий нормалар ёрдамида ижтимоий муносабатларга таъсир этишдир.

Хукуқ нормаларининг асосий вазифаси шундан иборатки, улар хукуқий муносабат субъектлари хукуқларининг мазмунини белгилашга ва шу билан бирга хукуқнинг татбиқ этилишига ёрдам беради.

Хукуқни татбиқ этиш – давлат томонидан юридик жиҳатдан мустаҳкамланган ва қафолатланган имкониятларнинг амалга оширилиши ҳамда уларни кишилар ва уларнинг ташкилотлари фаолиятида ҳаётга татбиқ этишдир.

Баъзи юридик адабиётларда «хукуқни татбиқ этиш», «хукуқий нормаларни татбиқ этиш», «хукуқий нормани амалга ошириш», «хукуқий нормани қўлланиш» каби тушунчалар юзасидан мунозарали фикрлар мавжуд.

Кўпчилик назариётчи олимларнинг фикрларича, хукуқий нормаларни татбиқ этиш – хукуқий нормаларни амалга ошириш демакдир.

«Татбиқ этиш» маъносини билдирадиган «реализация» атамаси латинчадан олинган бўлиб, «realis»– моддий ёки моддийлаштириш деган маънони англатади. Ҳозирги кунда бу сўз кўпроқ у ёки бу режани, дастур ва лойиҳаларни, мақсадлар ва ҳоказоларни ҳаётда амалга ошириш ёки уларни татбиқ этиш маъносига қўлланилади. «Хукуқни татбиқ этиш» атамаси юқоридаги мазмунга мос келади. Дарҳақиқат, хукуқ

номоддий кўринишга эга бўлса ҳам, у кишиларнинг фаолиятларида, фаол хулқи ва юриш-туришларида, уларнинг моддий ва маънавий қадриятлардан фойдаланганларида татбиқ этилиб моддийлашади.

Хуқуқни татбиқ этиш мураккаб жараён бўлиб, у маълум муддат мобайнида амалга оширилади. Бу жараёнда нафақат субъектив хуқуқ ва мажбуриятлар эгалари (шахслар), балки давлат ҳам ўзининг органлари, яъни хуқуқни ижод қилувчи, хуқуқни ижро қилувчи, хуқуқни қўлловчи органлари орқали иштирок этади.

Хуқуқни татбиқ этиш жараёни хуқуқни татбиқ этиш шакллари ва уни амалга оширишнинг юридик механизмини ўз ичига олади.

Кўпгина юридик адабиётларда хуқуқни татбиқ этишнинг шакллари турлича кўринишларда бўлиб, уларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича таснифлаш мумкин.

Хуқуқни татбиқ этишнинг, норматив ҳужжатларда кўрсатилган қоидаларни қўлланиш даражасига кўра, уч хил шаклини кўрсатиш мумкин:

а) хуқуқий фаолият амалга ошириладиган умумий вазифалари ва тамойиллар ўз ифодасини топган қонунлар ҳамда моддаларнинг муқаддималарида кўзда тутилган умумий кўрсатмаларни татбиқ этиш;

б) хуқуқ субъектларининг хуқуқий мақомини ҳамда ваколатлар доирасини ўрнатовчи умумий нормаларни татбиқ этиш;

в) муайян хуқуқий муносабатларда тегишли хуқуқий нормаларни татбиқ этиш.

Хуқуқни татбиқ этиш субъектларига кўра унинг қуйидаги икки шаклини кўрсатиш мумкин: *индивидуал* ва *жамоа томонидан татбиқ этиш*. Хуқуқ нормаларининг амалда қўлланиши учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг маълум даражадаги амалий фаолияти талаб қилинади. Хуқуқ нормалари кишиларнинг муайян муносабатларига нисбатан татбиқ қилинади ва шунга кўра конкрет хуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки тўхтатилиши содир бўлади.

Хуқуқни татбиқ этувчи субъектлар фаолияти характерига кўра, хуқуқни татбиқ этишнинг тўрт хил шаклини кўрсатиш мумкин – хуқуқ нормасига риоя қилиш, хуқуқ

нормасини бажариш, ҳуқуқ нормасидан фойдаланиш ва ҳуқуқ нормасини қўллаш:

а) *ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш* – ҳуқуқ нормаларида белгиланган мажбуриятларни бажариш ва ҳуқуқ нормалари ман этган ҳаракатларни содир этмасликдан иборат;

б) *ҳуқуқ нормаларини бажариш* – одатда, ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ бўлган мажбурият юкловчи қонунларни фаол (актив) ҳаракатлар билан бажариш;

в) *ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш* – ҳуқуқ нормалари орқали тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар қатнашчиларининг тегишли нормаларда назарда тутилган ҳуқуқларидан фойдаланиши;

г) *ҳуқуқ нормаларини қўллаш* – маълум юридик ишлар бўйича юридик фактлар ёки муайян ҳуқуқ нормаларига асосланиб, ваколатли органлар ёки мансабдор шахслар томонидан индивидуал қарорни тайёрлаш ва уни қабул қилиш билан боғлиқ бўлган ҳокимият фаолиятидир.

Ҳуқуқни татбиқ этишнинг юридик механизми турли хил бўлиб, унинг мазмуни мамлакатнинг ҳуқуқий тизими хусусиятлари билан белгиланади.

2-§. Ҳуқуқни қўллаш

Ҳуқуқни татбиқ этиш жараёни одатда давлат ва унинг органлари иштирокисиз содир бўлади. Фуқаролар ва ташкилотлар ҳуқуқий муносабатларга ихтиёрий, мажбурлов кучисиз ва ўзаро келишувга асосан киришадилар ва шу муносабатлар орқали ўзларининг субъектив ҳуқуқларидан фойдаланадилар, ўзларига юклатилган мажбуриятларини бажарадилар ҳамда қонун билан ўрнатилган нормаларга риоя қиладилар. Шу билан бирга баъзи ҳолларда ҳуқуқни татбиқ этиш учун давлатнинг аралашуви зарурияти туғилади, чунки бусиз ҳуқуқни амалга ошириш мумкин бўлмай қолади.

Бир қатор ҳуқуқий муносабатлар давлат ва давлат органларининг бевосита иштироки билан белгиланади. Масалан, армия сафига чақириш, фуқароларнинг нафақа олиш ҳуқуқини амалга ошириш, содир қилинган ҳуқуқбузарлик учун тегишли таъсир чораларини белгилаш каби фаолият бўйича те-

гишли давлат органларининг бу масалалар бўйича ҳуқуқни татбиқ этишга қаратилган қарори зарур бўлади.

Умуман олганда, давлатнинг ҳуқуқни қўллаш борасидаги фаолияти жамият манфаатларидан келиб чиқади ва қонунга мувофиқ равишда амалга оширилади.

Ҳуқуқни қўллаш – маълум юридик ишлар бўйича юридик фактлар ёки муайян ҳуқуқ нормаларига асосланиб, ваколатли давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан индивидуал қарорни тайёрлаш ва уни қабул қилиш билан боғлиқ бўлган ҳокимлик фаолиятидир.

Ҳуқуқни қўллашнинг куйидаги белгилари мавжуд:

ҳуқуқ нормасини қўллаш ваколатига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади; индивидуал характерга эга;

муайян ҳуқуқий оқибатларни-субъектив ҳуқуқ, мажбуриятлар, жавобгарликларни ўрнатишга йўналтирилган;

махсус белгиланган процессуал шаклларда амалга оширилади;

индивидуал ҳаракатга эга бўлган юридик қарор чиқариш билан яқунланади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шунни таъкидлаш мумкинки, ҳуқуқий нормаларни қўллаш давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан амалга оширилади.

3-§. Ҳуқуқни қўллаш босқичлари

Ҳуқуқ нормаларини қўллаш – мураккаб жараён бўлиб, у ўз ичига куйидаги босқичларни қамраб олади:

– ҳуқуқ нормаси билан тартибга солиниши лозим бўлган юридик ишнинг фактик томонини ўрганиш ва ўрнатиш;

– кўрилаётган юридик ишга мос келадиган ҳуқуқ нормасини топиш, уни таҳлил қилиш ва татбиқ этиш;

– кўрилаётган юридик иш бўйича юридик кучга эга бўлган тегишли қарор, яъни ҳуқуқни қўллаш актини чиқариш.

Бу босқичларда амалга ошириладиган ҳаракатларнинг ҳаммаси қонунчилик талаблари асосида ваколатли давлат органлари, мансабдор шахслар ёки жамоат ташкилотлари томонидан, уларнинг ваколатлари доирасида олиб борилиши лозим.

Юқорида қайд этилган ҳуқуқ нормаларини қўллаш босқичларини қуйидагича таҳлил қилиш мумкин:

1. Кўрилаётган юридик ишга нисбатан ҳуқуқ нормасини қўллашни талаб этувчи ҳолатнинг фактик томонини ўрганиш ва ўрнатиш учун дастлаб ҳуқуқ нормаси қўлланилаётган иш юридик аҳамиятга эгами, шу масалани ҳал этишда ҳуқуқ нормасини қўлламасдан ҳам (масалан, ижтимоий нормалар: ахлоқ ёки одоб нормалари асосида) ҳал этиш мумкинми деган масалани кўриб чиқиш лозим бўлади. Бу масалани ечиш учун амалдаги қонунлар билан яхши таниш бўлиш талаб этилади.

Агар кўрилаётган иш юридик характерга эга бўлса, унинг фактик ҳолатлари содир қилинганда, масалан, жиноятни содир қилган шахс, жиноят содир этилган вақт, жой ва унинг қандай усулда амалга оширилганлиги, жиноят туфайли келиб чиққан оқибатлар, айбилик даражаси (характери – қасддан ёки эҳтиётсизликдан) ва бошқа ҳолатлар; фуқаролик ҳуқуқий низолар келиб чиққанида битим тузиш ҳолатлари, унинг мазмуни, бу битимни бажаришга қаратилган ҳаракатлар, томонларнинг ўзаро даъволари каби ҳолатлар ҳуқуқ нормаларини қўллаш зарур бўлган юридик ишнинг фактик ҳолатлари бўлиб ҳисобланади.

Одатда фактик ҳолатлар ўтмишда рўй берган бўлади, шунинг учун ҳуқуқни қўлловчи бу ҳолатларни бевосита ўзи кузата олмайди. Бу фактик ҳолатлар ўтмишда рўй берган ҳолатларни ўзида ифода(акс) эттирган моддий ва номоддий далиллар (гувоҳларнинг кўргазмалари, эксперт хулосалари, воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомалари ва бошқалар) ёрдамида аниқланади.

2. Ҳуқуқ нормаларини қўллашнинг иккинчи босқичи – кўрилаётган ишга мос келадиган ҳуқуқ нормасини танлаш ва таҳлил қилишдир. Агар ишнинг биринчи босқичида кўрилаётган иш юридик характерга эга бўлган ҳуқуқ нормаларини талаб этади деган хулосага келинадиган бўлса, шу ишни олиб бораётган шахс, барча ҳуқуқ нормалари орасидан мазкур ишга мос келадиган тегишли ҳуқуқ нормасини танлаб олиши ва шу кўрилаётган ишда уни қўллаши лозим. Бунинг учун эса, у аввало, мазкур норма матнининг ҳақиқий эканлигига, бу норма ўзгаришсиз ва ўз кучини йўқотмасдан ҳозирги кунда ҳам амал қилиш кучига эга эканлигига тўла ишонган бўлиши керак.

Аниқланган фактик ҳолатларни юридик баҳолашнинг моҳияти, яъни уларни юридик квалификация қилиш шунинг англатадики, бунда кўрилатган ҳодисаларни тартибга солиш учун айнан зарур бўлган ҳуқуқ нормасини излаб топиш ва танлаш лозим бўлади.

Кўрилатган иш бўйича фактик ҳолатлар ва юридик фактлар аниқланганидан кейин, қўлланиши кўзда тутилган ҳуқуқ нормасининг гипотезасига ушбу ҳолатларнинг мос келиши ёки келмаслиги ўрганилади ва таққослаш асосида бу иш юридик баҳоланади (квалификация қилинади).

Амалдаги қонунчилик кўрилатган ишни ҳал қилишда шу кунда кучда бўлган ҳуқуқ нормалари асосида иш олиб бориш ва айнан шу нормалар асосида қарорга келиш лозимлигини талаб қилади.

3. Ҳуқуқ нормасини қўллашнинг учинчи босқичи ҳуқуқни қўллайдиган орган ва ташкилот томонидан, шунингдек ҳуқуқни қўловчи мансабдор шахс томонидан қарор қабул қилиниши ёки ҳуқуқ нормасини қўлланиш актларини чиқаришдир. Бу актда ҳуқуқ нормаси шарҳланган мазмунга мослаштирилган аниқ иш, факт ва муносабатнинг ҳал этилиши ўз ифодасини топган бўлади. Кўрилатган иш бўйича қарор чиқариш вақтида, бу қарорнинг қўлланилатган ҳуқуқ нормасининг диспозицияси ёки санкцияси талабларига мос келиш-келмаслигига эътиборни қаратиш лозим.

Иш бўйича қарор қабул қилишнинг қуйидаги икки жиҳатини кўриш мумкин:

Биринчидан, бу *аклий фаолият* бўлиб, у ўз ичига иш бўйича тўпланган далилларни баҳолаш асосида бўлиб ўтган ҳодиса (воқеа) тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишни, уни юридик баҳолаш (квалификация)ни, томонлар ёки айбдор учун юридик оқибатларини, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, айбдорнинг жавобгарлик даражасини белгилашни ва ҳоказони ўз ичига қамраб олади.

Иккинчидан, бу иш бўйича қабул қилинган ҳужжат – ҳуқуқни қўлланиш актини чиқаришни назарда тутди. Бу актда юридик ишни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган аклий фаолиятнинг натижаси ўз ифодасини топиб, унда конкрет шахс учун юридик оқибат келиб чиқиш масаласи расман ўз аксини топади.

4-§. Ҳуқуқни қўллаш актлари

Ҳуқуқни қўллаш актлари – конкрет шахс(шахслар)-нинг ҳуқуқларини, мажбуриятларини ёки уларнинг юридик жавобгарлик даражасини белгиловчи, юридик фактлар ва ҳуқуқ нормаларига асосланиб ваколатли орган ёки мансабдор шахс томонидан чиқариладиган ҳуқуқий актдир.

Ҳуқуқни қўллаш актлари қуйидаги бир қатор хусусиятларга эга:

1) улар ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан чиқарилади. Бундан эса ҳуқуқни қўллаш актларининг давлат-ҳокимият характерига эга эканлиги келиб чиқади;

2) бу актлар қатъий индивидуаллашган бўлиб, улар конкрет шахслар ва ҳодисаларга қаратилган бўлади;

3) бу актларнинг бажарилиши давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланади;

4) ҳуқуқни қўллаш актлари бир марта қўлланилади, шунинг билан у ўз кучини йўқотади.

Ҳуқуқни қўллаш актлари хилма-хил бўлиб, уларни бир неча мезонларга кўра таснифлаш мумкин.

Ҳуқуқни қўллаш актларининг турлари

№	Мезонлар	Турлари	Мисоллар
1.	Субъектларга кўра	давлат ҳокимияти органлари актлари	Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қарорлар, Президент Фармонлари
		давлат бошқаруви органлари актлари	вазирликлар, давлат қўмиталари, ҳокимликлар қарорлари, фармойишлари в ҳоказо
		суд органлари актлари	суд қарорлари, ажрим ва ҳукмлари
		назорат органлари актлари	солиқ инспекцияси, прокуратура ва ҳоказо актлари
		маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари актлари	фуқаролар йиғинлари қарорлари
2.	Ҳуқуқий таъсир этиш характерига кўра	регулятив (тартибга солувчи) қўрқловчи	
3.	Ахамиятига кўра	асосий, ёрдамчи	
4.	Ифода этиш шаклига кўра	расмий ҳужжатлар устига ёзилган кўрсатма (резолүция) оғзаки	

Хуқуқни қўллаш актлари қабул қилинганда асослан-тирилганлик, қонунийлик ва мақсадга мувофиқлилик талаб-ларига амал қилиниши лозим.

• **асослантирилганлик талаблари** деганда қўри-лаётган юридик ишга тегишли бўлган барча ҳолатлар ҳар томонлама ўрганиб чиқилган ва далиллар асосида исботланган бўлиши тушунилади;

• **қонунийлик талаблари** ўз ичига тўртта муҳим жиҳат-ни олади, буларга: 1) ишни қўраётган ваколатли орган ёки мансабдор шахс тааллуқлилик, судловлик ва бошқа шу каби талабларга амал қилиши; 2) иш бўйича тегишли далиллар-ни тўплаш, ишни қўриш тартибини белгиловчи процессу-ал нормаларга қатъий амал қилиш; 3) аниқ юридик фактга нисбатан тегишли нормани тўғри юридик квалификация қилиш ва уни қўллаш; 4) иш бўйича қарор қабул қилиш пайтида қўлланилаётган ҳуқуқ нормасининг диспозиция (санкция)сида кўзда тутилган кўрсатмаларга қатъий риоя қилиш.

• **мақсадга мувофиқлилик талаблари** қуйидагиларни кўзда тутлади. Одатда ҳуқуқ нормасининг диспозиция(санкция)си-даги кўрсатмалар ҳуқуқни қўлловчи учун қарор қабул қилиш-да муайян танлаш эркинлигини туғдиради. Лекин бу эркин-лик мақсадга мувофиқлилик талаблари билан, яъни адолат-лилик, самарадорлик, томонларнинг моддий аҳволини эъти-борга олиш, жавобгарликни тақсимлаш ва ҳоказо тамойил-ларга кўра чегараланади. Масалан, суд жиноят қонунчилиги бўйича санкцияда кўрсатилган жазо чораларини танлаётган пайтда қилинган жиноий қилмишнинг оғирлигини, судла-нувчининг айбилик даражасини, жавобгарликни оғирлаш-тирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиши лозим бўлади.

Демак, ҳуқуқ нормаларини қўллаш актлари қонунчилик-нинг талабларини ўзида акс эттириши ва норматив актларга мос келадиган бўлиши, муайян органнинг ёки мансабдор шахснинг бевосита фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича чиқарилиши, илмий асосланиши ва бу актга расмий тус берадиган зарур реквизитларга эга бўлиши зарур.

XVI боб. ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ШАРҲЛАШ

1-§. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш тушунчаси

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар ўтказиш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш даврига кирди. Ўзгариб бораётган шарт-шароитларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди ва шу асосда ҳуқуқий ислоҳот ўтказилиб, кўпгина янги қонунлар қабул қилинмоқда. Бу ҳақда республика Президенти И.А.Каримов шундай дейди: «Қабул қилинган бу муҳим қонунлар миллий давлатчиликни барпо этишга, эркин бозор иқтисодиётини ривожлантиришга, жаҳон ҳамжамиятидаги мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилишга қаратилгандир»¹.

Бу қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларни, ҳар бир нормани ҳаётда тўғри татбиқ қилиш, қўллаш, яъни улар билан жамиятда, кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солиш муҳимдир. Бунинг учун ҳар бир татбиқ этиладиган ҳуқуқий норманинг моҳияти ва мазмунини тўғри тушуниб, англаб олиш ва шарҳлаш жуда катта илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Ҳуқуқий нормалар ҳаётда тўғри қўлланиб, улар орқали давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ўртасида турли ижтимоий муносабатлар тартибга солинади. Шунинг учун ҳуқуқий нормани ҳаётда татбиқ этишда шу ҳуқуқий норма билан ҳал қилинадиган ишни ҳар тарафлама ўрганиш ва ишни тўғри квалификация қилиш керак. Сўнгра, фуқаролар ва юридик шахслар ўртасидаги тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш лозим.

Ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини тўғри англаб олиш ва уларни шарҳлаш, содир бўлган ижтимоий муносабатларга уларни татбиқ этишдан олдин, унинг маъноси ва мазмунини тўғри англаш муҳимдир.

¹ Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий қафолати. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993 й., 3-бет.

Қонун ва бошқа ҳуқуқий актлар матнидаги сўз ва ибораларни грамматик, мантиқий ва юридик жиҳатдан талқин этиш, тушуниб олиш муҳимдир. Бунда татбиқ этилаётган ҳуқуқий норманинг, ҳар бир модданинг таъсир қилиш доирасини белгилаш, булар билан тегишли муносабатларни тартибга солиш учун сиёсий ва юридик малака талаб қилинади. Амалиётда ҳуқуқий нормалар қўлланиб ҳал қилинадиган ишлар суд, прокуратура, тергов ва суриштирув органлари томонидан қўриладиганда, йўл қўйиладиган ҳатоларнинг кўпчилиги – ҳуқуқий нормаларни нотўғри татбиқ этиш ва шарҳлаш натижаси бўлиб чиқади. Шу боис, ҳаётда татбиқ этиладиган ҳуқуқий нормалар билан тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун биринчи навбатда бу ҳуқуқий норманинг маъноси ва мазмунини аниқлаш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш масаласи қуйидаги учта муҳим масалани ўз ичига олади: 1) татбиқ этиладиган ҳуқуқий нормаларни шарҳловчи субъектларни аниқлаш (булар – давлат органлари – давлат ҳокимиятининг олий ва маҳаллий вакиллик органлари, ижро этувчи органлар – Президент, Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари, турли вазирликлар ва давлат қўмиталари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар – суд, прокуратура, адлия, ички ишлар идоралари ва бошқалар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар); 2) татбиқ қилинадиган ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини аниқлаш учун мантиқий, грамматик, тарихий ва систематик усуллар қўлланилади; 3) татбиқ этилаётган нормаларнинг ҳажми бўйича ва юридик кучига қараб шарҳлаш.

Ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш илмий томондан ишлаб чиқилган ва ҳаётда синаб қўрилган бир қатор махсус усуллар орқали амалга оширилади. Бу усуллар ҳуқуқий нормаларнинг маъноси ва мазмунини очишга ёрдам беради.

Ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини аниқлаш учун қуйидаги усуллар ишлатилади: **грамматик усул, мантиқий усул, тарихий-сиёсий усул ва систематик усул.** Бу усуллар орқали ҳуқуқий нормаларнинг барча хусусиятлари аниқланади: а) ҳуқуқий норманинг турлари ва унинг мазмуни; б) ҳуқуқий норманинг ёзилган тили; в) ҳуқуқий норманинг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ва ҳоказо.

Грамматик усулда қўлланиладиган ҳуқуқий норма мазмуни унинг матни грамматик – филология, тил қоидаларига асосан таҳлил қилиб берилади. Ҳуқуқий норма матнидаги сўз ва ибораларнинг, масалан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидаги «ёмон оқибатлар», «иғво қилиш», «жиноят таркиби» ва бошқаларнинг мазмуни аниқланади. Бунда ҳуқуқ нормаси матнидаги ҳар бир сўз ва жумланинг мазмуни грамматик жиҳатдан тўғри ва нотўғрилиги таҳлил қилинади. Грамматик усулда татбиқ қилинадиган ҳуқуқий норма турли жойларда учрайдиган сўз ва ибораларнинг тўғрилигига, уларнинг ўхшашлик ва боғлиқлик томонларига эътибор бериб, ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини аниқлаб, кейин улар шарҳланади.

Мантикий усулда – татбиқ этиладиган ҳуқуқий нормаларнинг мазмуни мантиқ фанининг қонуниятларига асосан аниқланади. Бунда ҳуқуқий норманинг матнидаги ифодалар, тушунчалар бир-бири билан ички ва узвий мантикий жиҳатдан боғланганлигига эътибор берилиб, ҳуқуқий норманинг мазмуни аниқланади. Масалан, ЎзР ФКнинг 15-моддасида «Рухий касаллиги ёки акли заифлиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни идора қила олмайдиган фуқаро суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилиши мумкин», дейилган. Демак, вояга етган фуқаро руҳий касал бўлса ҳам, то суд томонидан «муомалага лаёқатсиз», деб қарор чиқарилиб, тан олингунча мантиқан муомалага лаёқатли, деб фараз қилинади.

Тарихий-сиёсий усулда татбиқ этилаётган ҳуқуқий норманинг мазмуни қайси тарихий, шароитда, давлатнинг қайси органи томонидан, қандай мақсадда чиқарилганлиги аниқланади. Масалан, 1926 йилда қабул қилинган ЎзР ЖКда безорилик тўғрисидаги моддада фуқаролар томонидан корхоналарда, муассасаларда ва жамоат жойларида безорилик қилиш хусусидаги сўзлар бор эди. Ҳозирги ҳаракатдаги, 1994 йилда қабул қилинган ЎзР ЖКнинг 227-моддаси 1-қисмида безорилик жиноятига қуйидагича таъриф берилиб, унда юқоридаги сўзлар олиб ташланган: «Безорилик, яъни жамоат жойларида тартиб-қоидаларга қасддан ҳурматсизлик билдириш, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш жиддий

зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади».

Тарихий-сиёсий усулда ҳар бир ҳуқуқий норманинг қандай шароитда, қандай мақсадда чиқарилганлигига эътибор берилади.

Бу усул тергов, прокуратура ва суд органларида ҳуқуқий нормалар билан тегишли ишларни кўриб ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

Систематик усулда – татбиқ этиладиган ҳуқуқий норманинг мазмунини бошқа ҳуқуқий нормалар билан солиштириб, унинг тегишли ҳуқуқ соҳаси нормалари тизимидаги ўрнини аниқлаш керак. Бу усулда татбиқ этилаётган ҳуқуқий норманинг янғиси билан алмаштирилганлиги, қўллашда қоидадан истисно бор-йўқлиги аниқланади. Масалан, ЎЗР ФКнинг 321-моддасида мулкни ижарага олувчи томонидан ёмонлаштирилган ҳолда етказилган зарарларнинг ижарага берувчига тўланиши тўғрисида айтилади. Зарарнинг тўланиши тўғрисида ЎЗР ФКнинг 479-моддасида ҳам айтилади. Бу ерда зарар етказилиши, шартнома бўйича олинган мажбуриятнинг бузилиши учун бу моддалар бир-бири билан солиштирилиб, етказилган зарарнинг ундирилиши масаласи ЎЗР ФКнинг 479-моддаси билан эмас, балки 321-моддаси билан ҳал этилади.

Ҳуқуқий нормаларнинг мазмуни юқоридаги усуллар билан шарҳланади.

2-§. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш турлари

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш масаласи – ҳуқуқнинг мазмунини очиш, тушунтириш ва ҳуқуқий ҳужжатлар юридик моҳиятини ёритишга қаратилган фаолиятдир. Буни амалга оширишда ҳуқуқий нормаларни шарҳловчи субъектларнинг роли қатта.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий нормаларни шарҳлайдиган субъектлар қуйидагилардан иборат: давлат ҳокимияти вакиллик органлари, давлат бошқарув органлари, суд органлари, прокуратура ва бошқа органлар, жамоат бирлаш-

малари, мансабдор шахслар ва фуқаролар. Шу субъектлар ҳуқуқий нормаларни шарҳлаганда уларнинг мазмунини тўғри тушуниб, ҳуқуқий нормаларни қўллаб, турмушдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш уларни қўллайдиган субъектига қараб, икки гуруҳга: расмий ва норасмий шарҳлашга бўлинади.

Расмий шарҳлаш – турмушда қўлланиладиган ҳуқуқий нормаларни расмий шарҳлаш ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Бу шарҳ барча субъектлар учун мажбурий бўлади.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш билан ўз ваколати доирасида қуйидаги давлат органлари шуғулланади: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши.

Расмий шарҳлаш **аутентик, норматив** шарҳлаш тарзида бўлади.

Норматив шарҳлашда давлат ҳудудида ҳуқуқ нормаларини бир хилда қўллаш мақсадида, қайси давлат органи чиқарган бўлса, шу органнинг ўзи шарҳлайди. Бу шарҳлашнинг юридик адабиётда аутентик (муаллиф томонидан шарҳлаш) деб аталади.

Ўзбекистон Республикасида аутентик шарҳлаш ҳуқуқи Президентга, Вазирлар Маҳкамасига, вазирликларга, давлат қўмиталарига, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига ўзлари чиқарган ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича берилган. Бу шарҳлашнинг вазифаси: Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ҳуқуқий нормаларни тўғри қўллаш учун умуммажбурийлик кучига қараб, бир хилда шарҳлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 3-қисмига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди Конституция ва қонун нормаларини юридик кучига қараб шарҳлайдиган ягона органдир. Бу шарҳлаш расмий норматив бўлиб, барча давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Ҳуқуқий нормаларни казуал шарҳлашда суд органлари ҳар бир фуқаролик, жиноий, маъмурий ва бошқа ишларни кўраётганда тегишли ҳуқуқий нормалар билан бу ишларни кўриб, ҳал қилиш чоғида ҳуқуқий нормаларни шарҳлайди. Суднинг ҳар бир фуқаролик иши бўйича чиқарган қарори ёки жиноий ишлар бўйича чиқарган ҳукми ҳуқуқий нормани казуал (казус) шарҳлаш асосида амалга ошади. Бу норасмий шарҳлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунининг 16-моддаси 4-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми суд амалиётини умумлаштириб кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича уларни шарҳлаб, дастурий кўрсатмалар беради.

Ҳуқуқ нормаларини норасмий шарҳлашга шунингдек илмий шарҳлаш киради. Татбиқ этилаётган ҳуқуқий нормаларни илмий шарҳлаш илмий ходимлар, олимлар, жамоат ва давлат арбоблари томонидан дарсликларда, маърузаларда, китобларда ва илмий мақолаларда амалга оширилиши мумкин.

Норасмий илмий шарҳлаш натижалари давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлмасда, ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини шарҳлаб, тушунтириб беради. Бу шарҳлаш ҳуқуқий нормаларни амалиёт билан боғлаб, кишиларнинг ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Норасмий шарҳлаш қонунларни такомиллаштиришга, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар фаолиятини яхшилашга, қонунчиликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига, Фуқаролик кодексига, Меҳнат кодексига ва бошқа Кодексларига шарҳлар мавжуд.

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ҳажми бўйича уч хил бўлади:

1. **Сўзни том маъносида шарҳлаш** – бунда турмушга татбиқ этилаётган ҳуқуқий норманинг мазмунини ёзилган матнга қараб, ҳеч нарса қўшмасдан қўллаш тушунилади. Бунга мисол қилиб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

21-моддасини кўрсатиш мумкин. Унда шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилди. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир». Шунингдек, ҳуқуқий нормаларни сўзнинг том маъносида шарҳлашга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддасини келтириш мумкин. Бунда «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди», деб кўрсатилган.

2. Чекланган шарҳлаш – бунда татбиқ этилаётган ҳуқуқий норманинг ўз матнида чекланганлиги белгилаб қўйилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар», дейилган. Бу ерда ота-оналар ўз фарзандларини доимо боқиш эмас, балки вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар, деб чеклаб қўйилган.

3. Кенг маънода шарҳлаш – бунда қўлланиладиган ҳуқуқий норманинг мазмуни унинг ёзилган матнига нисбатан кенгрок қилиб шарҳланади. Масалан: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида «судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар», дейилган. Буни кенгрок қилиб шарҳлайдиган бўлсак, судлар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси – олий давлат вакиллик органи томонидан чиқарилган қонунлар, давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи Президентнинг чиқарган Фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва бошқа давлат органлари томонидан чиқарилган норматив ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади. Ёки бўлмаса, кенг маънода ҳуқуқий нормаларни шарҳлаб татбиқ этишда ЎЗР ЖКнинг 55-56-моддаларини – жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни олиш мумкин. 55-моддада жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга қуйидагилар киритилган: айбини бўйнига олиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш, етказилган зарарни тўлаш, оғир шахсий ва оилавий шароитлар оқибатида, мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан қарамлик сабабли ва бошқа бир қанча сабаблар натижасида жиноят содир этиш, вояга етмаганлиги, ҳомиладор аёллиги

сабабли. 56-моддада жазони оғирлаштирувчи ҳолатларга қуйидагилар киритилган: ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан, ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан, айбдорга моддий томондан, хизмат жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлса жиноят натижасида оғир оқибатлар келиб чиққан бўлса, умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида, мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари ёрдамида ва бошқа ҳолатларда жиноят содир этилган бўлса.

Суд ҳар бир жиноят ишини кўрганда юқоридаги жазони енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатларни кенг маънода шарҳлайди. Бу ҳолатлар ҳамма жиноятчилар учун бир хилда қўлланилмайди. Ҳар бир жиноий иш бўйича жиноятчининг шахсига оид характери ҳисобга олинади.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳозирги даврда кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатлар ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Бунда ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш-аввало турли усуллар билан уларнинг мазмунини аниқлаш ва ҳуқуқий нормаларнинг ҳажми, юридик кучига қараб шарҳлаш катта ёрдам беради. Бу эса аҳолининг ҳуқуқий нормаларни яхшироқ тушуниб, уларга амал қилишликка, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлишлигига олиб келади.

3-§. Ҳуқуқ аналогияси ва қонун аналогияси

Турмушда ҳуқуқий нормалар қўлланиб, тегишли ишлар ҳал қилинаётган вақтда, ҳуқуқ ва қонунларимиз қанчалик мукамал бўлмасин, баъзан улар билан баъзи ишларни ҳал қилиб бўлмайди. Чунки ҳаёт турли воқеаларга бой бўлиб, турмуш бирламчи, ҳуқуқ иккиламчидир. Бу ҳолда ҳуқуқда бўшлиқ пайдо бўлади. Ана шундай вақтда турмушдаги ижтимоий муносабатларни ҳал қилиш ҳуқуқ ўхшашлиги – аналогияси принципи билан тартибга солинади.

Юридик фанда ҳуқуқ ўхшашлиги ва қонун ўхшашлиги тушунчалари мавжуд. Ҳуқуқ аналогияси – ҳаётда учрайдиган тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқнинг умумий принципларига асосан тартибга солишдир. Қонун аналогии-

яси эса тегишли ишларни шу ишга ўхшаш бўлган қонун билан ҳал қилишдир. Ўхшашлик бўйича ҳуқуқий нормалар жуда кам ҳолларда қўлланилади. Фақат давлат, жамият ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўхшашлик қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида жиноят ишларини кўриш учун амалдаги жиноят қонунчилигига асосан аналогияга йўл қўйилмайди.

Аналогия фақат фуқаролик ишлари бўйича қўлланилиши мумкин. Бу ҳақда ЎЗР ФКнинг 4-моддасида фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчлари қонунларда назарда тутилган асослардан, шунингдек, фуқаролар ва ташкилотларнинг қонунда назарда тутилмаган бўлсада, лекин умумий асослари ва фуқаролик қонунларининг мазмуни туфайли фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтирадиган ҳаракатлардан келиб чиқади, деб кўрсатилган. Худди шундай ҳуқуқий норма ЎЗР ФКнинг 2-моддаси 3-қисмида берилиб, унда шундай дейилади:

«Низоли муносабатни тартибга соладиган қонун бўлмаган тақдирда, суд шу муносабатларга ўхшаш муносабатни тартибга соладиган қонунни татбиқ этади, бундай қонун ҳам бўлмаган тақдирда эса суд қонунларнинг умумий асослари ва маъносига таянади».

Аналогия бўйича ҳуқуқий нормаларни қўллаш ва ҳаётда содир бўладиган тегишли ишларни ҳал қилишнинг мажбурий шартлари қуйидагича:

1. Тегишли ижтимоий муносабатларни кўриб, ишни ҳал қилаётганда, шу масалага оид ҳуқуқий норманинг йўқлиги;

2. Пайдо бўлган ҳодисани – яъни ижтимоий муносабатларни тегишли ҳуқуқий тартибга солишни талаб қилиш-лиги;

3. Ҳаётдаги шу ҳодисанинг ёки ижтимоий муносабатларнинг ҳал этилиши жамият, давлат ва фуқаро манфаатлари билан боғлиқ бўлган объектив зарурият эканлиги.

XVII боб. ҲУҚУҚИЙ ХУЛҚ-АТВОР. ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК

1-§. Ҳуқуқий хулқ-атвор

Ҳуқуқ – ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, ри-
вожлантириб ва қўриқлаб турувчи муҳим восита. Шу билан
бирга, бу муносабатларнинг ўзи жамиятда кишиларнинг хулқи,
юриш-туришлари ва ҳаётий фаолиятларининг маҳсулидир.
Шундай экан, ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга
солиш воситаси сифатида кишиларнинг ҳаракатларидан ке-
либ чиқадиган муносабатларга таъсир қилади.

Жамиятда кишиларнинг хулқи турли хил шакллардан
иборат бўлиб, уни ифодаланишига, самарадорлигига, мотив-
ларига, мақсадлари ва оқибатларига қараб турларга ажратиш
мумкин. Шу билан бирга, хулқнинг барча кўринишлари
жамиятнинг тизимида маълум манфаатларни, йўналишлар-
ни, ғоявий томонларни белгилайди. Айнан шунинг учун
ҳам, ҳар қандай хулқ-атвор, ахлоқ ҳуқуқий баҳолашнинг
объекти бўлиб юзага чиқади. Ҳуқуқ нуктан назаридан киши-
нинг хулқи ҳар хил баҳолаши мумкин. Кишиларнинг
айрим муносабатлари ҳуқуқий тартибга солишнинг доира-
сидан ташқарида бўлиши мумкин, шунинг учун ҳам бундай
муносабатлар ҳуқуқ билан баҳоланмайди ва тартибга солин-
майди, улар фақат ахлоқий жиҳатдан баҳоланади ва ижти-
моий нормалар билан тартибга солинади (Масалан, севги,
дўстлик муносабатлари ёки спортга, мусикага, санъатга кизи-
қиш ва ҳоказо). Юридик адабиётларда ва амалиётда ҳуқуқ
нормалари билан тартибга солинадиган, ҳуқуқий таъсир этиш
доирасидаги хулққа кўп эътибор қаратилади.

Ҳуқуқий хулқ-атвор ҳуқуқ нормаларига мос келадиган,
юридик оқибатларни келтириб чиқарадиган, ижтимоий фой-
дали аҳамиятга эга бўлган, ҳуқуқ субъектларининг онгли
равишдаги хулқидир.

Юридик адабиётларда ҳуқуқий хулқ-атвор – ижтимоий
фойдали, жамият ва давлат томонидан ижобий баҳоланади-
ган, зарур ва исталган хулқ сифатида характерланади. Моҳи-

ятига кўра ҳуқуқий хулқнинг шакллари ҳуқуқни татбиқ этиш шаклларига тўла мос келади, яъни ҳуқуқий хулқ ҳуқуқ қоидаларининг татбиқ қилинишини ифода этади ва уларнинг характеридан келиб чиқиб, ҳуқуққа амал қилиш, уни бажариш, ундан фойдаланиш ва уни қўллаш каби шаклларда намоён бўлади. Ҳуқуқ қоидаларига амал қилиш, юридик мажбуриятларни бажариш, берилган ҳуқуқлардан фойдаланиш, махсус субъектлар томонидан ҳуқуқни қўллаш – буларнинг барчаси биргаликда ҳуқуқий хулқнинг моҳиятини ифодалайди.

Ҳуқуқ нуқтаи назаридан хулқ-атвор – *ҳуқуққа мос келувчи, юридик бетараф ва ҳуқуққа зид келувчи* бўлиши мумкин.

Ҳуқуқий хулқ-атвор тузилишига кўра қуйидаги тўртта элементлар бирлигидан иборат: субъект, объект, субъектив томон ва объектив томон.

Субъектлар бўлиб давлат томонидан белгиланган тартибда тан олинган жисмоний ва юридик шахслар ҳисобланади.

Объектлар бўлиб моддий дунёнинг предметлари, ижодий фаолият натижаси ва субъектларнинг хулқи ҳисобланади.

Объектив томон ҳуқуқий хулқнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шаклларида намоён бўлади.

Субъектив томон ҳуқуқий хулқнинг ички томонларини ифодалаб, у ҳуқуқ субъектларининг масъулиятлилиқ даражаси билан характерланади.

Ҳуқуқий хулқни бир қатор асосларга кўра таснифлаш мумкин:

- 1) фаол (актив) ҳуқуқий хулқ-атвор;
- 2) одатдаги ҳуқуқий хулқ-атвор;
- 3) суст (пассив) ҳуқуқий хулқ-атвор.

Фаол (актив) ҳуқуқий хулқ-атвор – фуқароларнинг, мансабдор шахсларнинг ташаббусли, маълум мақсадга йўналтирилган қонуний фаолиятидир. Ҳуқуқий фаолликни намоён этиш шакллари хилма-хил бўлиб, бу фаоллик ҳуқуқ субъектларининг ўз хизмат вазифаларига муносабатларида, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг шаклланишида ҳамда уларнинг ишларида иштирок этишларида, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида қатнашишларида, давлат тузилмалари билан ҳамкорлик қилишларида ва ҳоказоларда кўринади.

Одатдаги ҳуқуқий хулқ-атвор – кишиларнинг кундалиқ ҳаётидаги ҳуқуқ нормаларига мос келадиган хулқи бўлиб, бу

хулқ доирасида фуқаролар ўзларининг ҳуқуқий мажбуриятларинигина бажарадилар, у ёки бу кўринишдаги юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга оширадилар.

Суст ҳуқуқий хулқ-атвор – фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан атайин фойдаланмаганлигида намоён бўлади. Бунга мисол қилиб, фуқароларнинг сайловларда иштирок этмаслигини кўрсатиш мумкин.

Ҳуқуқий хулқни ҳуқуқ субъектларига кўра фуқаролар, давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва ҳоказоларнинг хулқларига ажратиш мумкин. Ҳуқуқий хулқ ўзининг барча кўринишларида шахснинг ҳар томонлама уйғунлашувига муҳим туртки бўлади ҳамда унинг ижодий ва интеллектуал маҳорати ҳамда қобилиятининг ўсишига, маънавий сифатларининг шаклланишига ёрдам беради.



2-§. Ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва турлари

Ҳуқуқбузарлик ижтимоий маънода жамият, фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва манфаатларига хавф туғдиришга қодир хулқ бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг ривожланишини қийинлаштиради ва уларнинг бузилишига сабаб бўлади. Ҳуқуқбузарлик қасд ёки эҳтиётсизлик кўринишида бўладиган, ҳуқуқ қоидаларига риоя қилмаслик

оқибатида жамият, давлат ва фуқаролар (шахслар) манфаатларига етказиладиган моддий ва маънавий зарар ёки хавфли ҳаракат ва ҳаракатсизликдир.

Ҳуқуқбузарлик – ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга субъект томонидан содир этиладиган, ҳуқуқ нормалари талабларига зид келувчи ҳамда шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли қилмишдир.]

Ҳуқуқбузарликнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

1) ҳуқуқбузарлик жамият ва шахс учун ижтимоий хавфли характерга эга;

2) ҳуқуқбузарлик ҳуқуққа қарши характерга эга;

3) ҳуқуқбузарлик – айбли қилмишдир;

4) ҳуқуқбузарлик фақат кишилар томонидан содир қилинади;

5) ҳуқуқбузарлик кишиларнинг эрки ва онгига боғлиқ бўлган ҳолда, улар томонидан ихтиёрий амалга оширилади ва ҳоказо.

[Ҳуқуқбузарлик юридик факт бўлиб ҳисобланади, у ўз навбатида кўриқловчи характерга эга бўлган ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиради. Ҳуқуқбузарликнинг таркиби муайян ҳуқуқ нормаларини шарҳлашда, унинг мазмунини очиб беришда ҳамда дунёқараш нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эгадир. У ўз ичига тўртта унсурни қамраб олади: *объект, субъект, объектив томон ва субъектив томон.*]

Ҳуқуқбузарликнинг *объекти* деб ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ва кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга айтилади. Объект ҳуқуқий нормада аниқ мустаҳкамланган бўлади.

Ҳуқуқбузарликнинг *объектив томони* бўлиб шахснинг ҳаракат ва ҳаракатсизлиги оқибатида ҳуқуқнинг бузилиши ҳамда унинг ижтимоий хавфлилиги ҳисобланади. Бу ҳуқуққа қарши қилмишнинг ташқи томонини ифодалайди. Айнан шу ифодаланиш ҳолатига қараб, ҳуқуқбузарлик тўғрисида, яъни у қандай содир бўлганлиги ва қай даражада зарар келтирганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади.

Объектив томоннинг унсурлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– ҳуқуққа қарши қилмиш;

– ҳуқуққа қарши зарарли оқибат;

– ҳуқуққа қарши қилмиш билан зарарли оқибат ўртасидаги сабабий боғлиқлик;

– жойи, вақти, усули ва муҳит.

↓**Ҳуқуқбузарликнинг субъекти** бўлиб, ҳуқуқбузарликни содир қилган юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Субъектларнинг хусусиятлари ҳуқуқбузарликнинг турига боғлиқ бўлади. Масалан, жиноий ва маъмурий ҳуқуқнинг субъектлари бўлиб фақат шахслар ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликнинг **субъектив томони** – шахснинг ҳуқуққа қарши қаратилган ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига ва улардан келиб чиқадиган ижтимоий хавфли қилмишга нисбатан психик-онгли кўринишдаги муносабатидир. Ҳуқуқбузарлик субъектив томонининг зарурий белгиси айбдир. Айб-ҳуқуқбузарнинг ҳуқуққа хилоф ҳатти-ҳаракатига ва уларнинг ижтимоий хавфли оқибатига нисбатан **қасд** ёки **эҳтиётсизлик** шаклидаги муносабатидир. ↓

Қасд – шахснинг ҳуқуққа хилоф ҳатти-ҳаракатини содир қилаётган пайтида, бу ҳаракатнинг ҳуқуққа хилофлигини, ижтимоий хавфлилигини, унинг оқибатини англаш ёки тушунишидир (тўғри қасд) ёки бу ҳатти-ҳаракатнинг маълум оқибатни келтириб чиқаришига онгли равишда йўл кўйишидир (эгри қасд).

Эҳтиётсизлик – шахснинг ҳатти-ҳаракатлари натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларнинг олдини олишни назарда тутиб, бепарволик билан ўз-ўзига ишониб ҳаракат қилишидир.

Ҳуқуқбузарлик характери ва ижтимоий хавфлилик даражасига қараб икки турга бўлинади: **жиноят** ва **ножўя иш**. **Жиноят** – ижтимоий хавфли ҳатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир. У давлатнинг ижтимоий тузумига, жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий тизимига, мулкка, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига хавфли таҳдид солувчи қилмишдир. **Ножўя иш** ҳуқуқбузарликнинг кўп тарқалган кўриниши бўлиб, ижтимоий хавфнинг йўқлиги билан характерланади ва жазо чораларининг кўлланишига қараб жиноятдан фарқ қилади. Ножўя ишнинг қуйидаги турлари мавжуд: фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ва интизомий-ҳуқуқий.

3-§. Юридик жавобгарлик тушунчаси, турлари ва асослари

Хуқуқшунослик фанида юридик жавобгарлик масаласи юзасидан турлича фикрлар мавжуд. Кўпчилик муаллифлар юридик жавобгарликни баъзан давлатнинг хуқуқ талабларини бажаришга қаратилган мажбурлов чораларини қўллаши деб тушунсалар, бошқа баъзи бир олимлар унга амалдаги юридик категориялар доирасида ёндашиб, юридик жавобгарликни кўриқловчи хуқуқий муносабатлар, махсус юридик мажбуриятлар ёки хуқуқ нормалари санкциялари кўринишида талкин этишга интиладилар.

Юридик жавобгарликнинг табиати ва мазмунини аниқ белгилаш учун аввало жавобгарликнинг ўзи нима деган саволга жавоб бериш зарур. Жавобгарликни икки маънода: *позитив* (ижобий) жавобгарлик ва *ретроспектив*¹ жавобгарлик маъносида тушуниш мумкин. Агар позитив (ижобий) маънодаги жавобгарлик мавжуд ҳамда келгусидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиб туришга қаратилган бўлса, ретроспектив жавобгарлик ўз навбатида ўтмишга қаратилган бўлади, яъни у шахснинг юридик мажбуриятларни бажармаслиги ёки хуқуқни бузганлиги оқибатида юзага чиқади. Жамиятда жавобгарликнинг бу икки тури ўзаро узвий боғлиқдир. Позитив жавобгарлик қанча юқори даражада бўлса, хуқуқ қоидалари ҳам шунча мукамал бажарилади ҳамда ретроспектив жавобгарликка тортилиш ҳолатлари шунча кам содир бўлади.

Юридик жавобгарлик – хуқуқбузарга нисбатан хуқуқ нормаларида кўзга тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаши бўлиб, бунда айбдор шахс муайян хуқуқлардан (шахсий, мулкий, ташиқлий ва ҳоказо) маҳрум этилади.

Юридик жавобгарлик қуйидаги белгилари билан характерланади:

1) юридик жавобгарлик давлат мажбурлов чоралари билан боғлиқ;

¹ *Ретроспектив – ўтмиш, ўтмишга қайтиш демакдир, яъни содир этилган хуқуққа хилоф иш учун жавобгарлик.*

2) юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ;
3) юридик жавобгарлик ҳуқуқбузар учун салбий оқибатларни келтириб чиқаради (озодликдан, ота-оналикдан маҳрум бўлиш ёки содир этилган қилмиши учун жарима тўлаш ва ҳоказо);

4) ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган чораларнинг характери ва ҳажми ҳуқуқ нормаларининг санкциясида ўрнатилган бўлади;

5) давлат томонидан қўлланиладиган мажбурлов чоралари ҳуқуқни қўллаш фаолияти давомида тегишли ваколатли органлар томонидан қонунда белгиланган тартибда ва процессуал шаклларга амал қилган ҳолда олиб борилади.]

Юқоридаги хусусиятлари билан юридик жавобгарлик сиёсий, ахлоқий ва бошқа жавобгарликлардан фарқ қилади.

[Шахсни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этишда унинг қилмишида ҳуқуқбузарликнинг таркиби мавжудлигига аҳамият бериш ҳал қилувчи роль ўйнайди, яъни ҳуқуққа қарши қилмишнинг объектив ва субъектив томонларини ҳамда объект ва субъектларни биргаликда боғлаган ҳолда ўрганиш масаланинг мазмунини очиб беришга, уни конкретлаштиришга ва индивидуаллаштиришга ёрдам беради.] Ҳуқуқ бузилишининг турларига мувофиқ юридик жавобгарлик ҳам тўрт турга бўлинади: 1) жиноий-ҳуқуқий; 2) фуқаролик-ҳуқуқий; 3) маъмурий-ҳуқуқий; 4) интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик.

[**Жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик** фуқаролар томонидан ижтимоий ва давлат тузумига, мулк шакллари, хўжалик тизими, шахслар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқладиган манфаатларига ва ҳоказоларга қарши тажовуз қилинганда келиб чиқади. Жиноят кодексида кўзда тутилган талабларни бузиш жиноят ҳисобланади ва шу жиноий ҳаракат ёки ҳаракатсизликка нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланади.]

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик фуқароларнинг, шахсларнинг мулкий муносабатлари ва бу муносабатлар билан боғлиқ мулкий характерда бўлмаган шахсий муносабатларга зарар етказганлик ҳолатларида белгиланади. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, Оила кодекси, Меҳнат кодекси ва бошқаларда назарда тутилган ҳолатларда қўлланилади.

Маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқий муносабат-

ларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, уларга – бошқаруving ўрнатилган умумтартиб қоидаларини бажармаслик, масалан, йўл ҳаракати қоидаларини ва жамоат тартибини бузиш, табиатни муҳофаза этишга қарши ҳаракатлар ва бошқалар киради.

[Маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик бўйича қуйидаги жазо чораларини кўрсатиш мумкин: огоҳлантириш; жарима солиш; предметни мусолара қилиш (агар у ҳуқуқни бузиш қуроли ёки объект бўлса); махсус ҳуқуқлардан маҳрум этиш (ов қилиш, транспорт воситаларидан фойдаланиш ва ҳоказо); маъмурий қамок; ахлоқ тузатиш ишлари ва бошқалар.]

Интизомий-ҳуқуқий жавобгарликнинг белгиланиш ҳолатлари Меҳнат кодексида, ички меҳнат тартиби қоидаларида ҳамда махсус Низомларда назарда тутилади. Интизомий – ҳуқуқий жавобгарлик меҳнат ва хизмат интизомини, ҳарбий ва бошқа интизомни бузиш билан боғлиқ бўлиб, уларга идоранинг ички тартиб-қоидаларини бузиш, ишга кеч келиш ёки ишдан барвақт кетиш ва шу каби ҳоллар киради.

Жиноий ва фуқаролик – ҳуқуқий жавобгарликни белгилаш фақат суд ва хўжалик судлари томонидан амалга оширилади.

Маъмурий ва интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик ички ишлар органлари, мансабдор шахслар ва тегишли ваколатга эга раҳбар шахслар (маъмурият) томонидан амалга оширилади.

Юридик жавобгарликни белгилашнинг асосий мақсади жазолаш эмас, балки ҳуқуқ умумий мақсадларининг муайян ифодасига қаратилган бўлиб, улар ижтимоий муносабатларнинг мустаҳкамланиши, тартибга солиниши ва ҳимоясида ўзининг ифодасини топади. Бу мақсадлар ўз навбатида ҳуқуқнинг тартибга солувчи (регулятив) ва қўриқловчи функциялари амалда бўлишини белгилайди. Юридик жавобгарликнинг асосий функцияси қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишдан иборат. Муайян ҳуқуқбузарга нисбатан жавобгарликнинг қўлланиши бирмунча тор мақсадни, яъни айбдорни жазолашни кўзлайди. Бу билан давлат ўзининг мажбурлов чораларини амалга ошира туриб, яна бошқа бир мақсадни кўзда тутади – бу мақсад келажакда ҳуқуқбузарликни содир этишнинг олдини олишга ёки бу ҳақда огоҳлантиришга қаратилган бўлади.

Бу мақсадлар ўз навбатида юридик жавобгарликнинг функ-

цияларини белгилаб беради. Кўзланган мақсадларга эришиш учун қуйидаги тамойилларга амал қилинади: *қонунийлик; адолатпарварлик; мақсадга мувофиқлилик; ҳуқуқ бузилган ҳолда жавобгарликнинг муқаррарлиги; индивидуаллик (жазонинг фақат ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланилиши).*

Қонунийлик. Бу тамойилнинг моҳияти ҳуқуқ қоидалари талабларининг қатъий ва аниқ татбиқидан иборат бўлиб, юридик жавобгарликка нисбатан бу талаб, уни фақат ваколатли органлар томонидан қонунда белгиланган асосларда ҳамда ўрнатилган тартибда амалга оширилишидир.

Адолатпарварлик. Бу тамойил айбдор бўлмаган шахсларнинг жавобгарликка тортилиш ҳолларига йўл қўймасликни ёки содир этилган қилмишнинг исботланиши зарурлигини талаб этади. Юридик жавобгарликнинг адолатпарварлик тамойили қуйидаги расмий талаблар тизимида ўз ифодасини топади:

– ноҳўя қилмишлар учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас;

– жавобгарликни белгиловчи ва уни оғирлаштирувчи қонун орқага қайтиш кучига эга эмас;

– ҳуқуқнинг бузилиши натижасида келтирилган зарарни қоплаш зарурати мавжуд бўлса, юридик жавобгарликни қўллаш орқали унинг ўрни тўлдирилади;

– ҳар бир бузилган ҳуқуқ учун фақат битта жавобгарлик белгиланади;

– ҳуқуқбузарлик ким томонидан содир этилган бўлса, фақат шу шахс жавобгарликка тортилади;

– жазо турлари ва чоралари ҳуқуқбузарликнинг даражасига (оғир ёки енгиллиги) боғлиқ бўлади.

[Ҳуқуқ бузилган тақдирда жавобгарликнинг муқаррарлиги. Юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарлик билан узлуксиз боғлиқ ва бу боғлиқликдан ушбу тамойилнинг моҳияти келиб чиқади, яъни содир этилган ҳар қандай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг қўлланиши ҳамда унинг муқаррарлиги белгиланади. Кишиларнинг онгида юқоридаги боғлиқликни, яъни ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг жазосиз қолмаслиги тўғрисидаги дунёқарашни шакллантириш – ҳуқуқбузарликнинг даражасини камайтиришга қаратилган муҳим омилдир.]

Мақсадга мувофиқлилик. Содир этилган қилмишга нис-

батан жавобгарликнинг муқаррарлиги бу тамойилнинг маъносини англатади, чунки белгиланадиган жавобгарлик мақсадга мувофиқдир. Ёки ҳуқуқбузарни қонуний асосларсиз жавобгарликдан озод қилишга йўл қўйилмаслик ҳам мақсадга мувофиқлиқдир ва ҳоказо. Мақсадга мувофиқлиқ талаблари жавобгарликни татбиқ этишда қонунийлик талабларига зид келмаслиги керак ва, аксинча, мақсадга мувофиқ эмаслик нуқтаи назаридан қонун талабларини бузиш мумкин эмас.

Индивидуаллик. Бу тамойилга биноан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун фақат айбдор шахснинг ўзига нисбатан жавобгарлик қўлланилади. Жавобгарликни айбдор субъектдан бошқа субъектга ўтказишга йўл қўйилмаслиги керак. Масалан, кўп ҳолларда раҳбар ходимларнинг масъулиятсизлиги туфайли йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик корхона ёки ташкилотларнинг зиммасига юклатилишига ҳаракат қилинади. Бу тамойилни ҳаётга тўғри татбиқ этиш учун ҳар бир ходимнинг функционал вазифалари ва унинг бу вазифаларни бажармаслик оқибатида келиб чиқадиган жавобгарлик чоралари доираси қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатларда ўз аксини (ифодасини) топиши зарур.

Юридик жавобгарлик ҳуқуқ нормалари қоидаларига биноан ҳуқуқни қўллаш органининг қарорига асосланиб юзага келади ва унинг фактик асоси бўлиб ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарлик ўз-ўзидан жавобгарликни келтириб чиқармайди ёки давлат мажбурлов чораларини қўллашни юзага келтирмайди, балки бундай қўллаш учун асос бўлади холос. Реал юридик жавобгарликни амалга ошириш учун эса ваколатли органнинг ҳуқуқни қўллаш акти зарур бўлади. Бундай актлар суднинг қарори, маъмурият буйруғи бўлиши мумкин.

4-§. Айбсизлик презумпцияси. Юридик жавобгарлик ва қилмишнинг ҳуқуққа хилофлигини истисно қилувчи ҳолатлар

Айбсизлик презумпцияси. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қону-

ний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айб-
сиз ҳисобланади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг
айбсизлигини исботлаб бериш мажбуриятига эга эмас.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бар-
тараф этиш имкониятлари тутаган бўлса, гумон қилинувчи,
айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши
лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар
ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг
фойдасига ҳал қилиниши керак. Фуқаронинг айбсизлик
презумпцияси – шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳ-
кам кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Конституция-
сида (26-модда) айбсизлик презумпцияси ўзининг ифодаси-
ни топган бўлиб, унда жумладан, шундай дейилади: «Жино-
ят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши
судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби
аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаёт-
ган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъ-
минлаб берилади...»

Бу масала Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал
кодексининг 23-моддасида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топ-
ган.

Юридик жавобгарлик ва қилмишнинг ҳуқуққа хилофли-
гини истисно қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлиб, уларга қуйи-
дагилар киради:

1) ақли норасолик (шахс ўзининг ҳаракатларига ҳисобот
бера олмайдиган ҳолларда);

2) зарурий мудофаа (шахс, жамият, давлат манфаатлари
ҳимоясидан келиб чиқиб, зарар етказувчига нисбатан зарурий
мудофаа доирасида қаршилик кўрсатиш ёки зарар етказиш);

3) охириги зарурат (шахс жамият, давлат манфаатларига
хавф туғдирадиган ҳолатларда, бу хавфнинг олдини олишга
қаратилган чоралар доирасидаги ҳаракатлар);

4) ижтимоий хавфлилик даражаси бўлмаган ҳуқуқбузар-
ликлар содир этилганда;

5) казус (тасодифлар) ва ҳоказо.

XVIII боб. ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИ

1-§. Ҳуқуқий тартибга солиш тушунчаси

Кишилиқ жамияти ўзининг муайян даражада батартиблиги, ташкиллашганлиги ва уюшганлиги билан тавсифланади. Турли-туман ижтимоий муносабатларнинг мажмуи бўлмиш жамият кенг кўламда норматив тартибга солувчи воситаларга муҳтожлик сезади. Норматив тартибга солиш зарурияти ижтимоий гуруҳлар эҳтиёж ва манфаатларининг хилма-хиллиги ҳамда уларни келиштириш, мувофиқлаштириш лозимлигидан келиб чиқади.

Жамият ўз ривожланишининг бутун мобайнида кишилар ҳуқ-атворини тартибга солувчи, меъёрловчи усул ва воситалар тизимини шакллантиради. Ижтимоий тартибга солувчи воситалар сирасида, аввало, ижтимоий нормалар муҳим ўрин тутади. Ижтимоий нормалар – ахлоқ нормалари, одат нормалари, ҳуқуқ нормалари, анъаналар, жамоат бирлашмаларининг нормалари, диний нормалар каби турларга ажралади. Улар турли ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ҳамда қатламлар томонидан вужудга келтирилади. Хусусан, давлат ўз функцияларини бажариш ва мақсадларига эришиш учун ҳуқуқ нормаларини яратади. Давлат ҳуқуқ нормалари ёрдамида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади.

Ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжи объектив заруриятдир. Зеро, мунтазам маромлиқ ва батартиблиқ ҳар қандай ишлаб чиқариш усулининг талаби бўлиб, у шу туфайли ижтимоий барқарорлиқ ҳамда мустақилликка эга бўлади. Қатъий тартиб иқтисодий ривожланишни тасодифлардан ва бебошлиқлардан сақлаб туради. Бундай тартибни давлатнинг мажбурият кучига таянувчи ҳуқуққина таъминлай олади. Ҳуқуқий нормаларда ижтимоий муносабат иштирокчилари фаолиятининг андозаси (моделли), кишилар юриш-туриши, хатти-ҳаракатининг алгоритми, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари меъёри акс эттирилади. Ҳуқуқ инсонлар хатти-ҳаракатини субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар шаклида меъёрлаш орқали ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Ҳуқуқ нормалари жамият ҳаётининг асосий жабҳаларини норматив тарзда тартибга солиб туради. Ҳуқуқий нормаларнинг ижтимоий муносабатларга таъсири, уларни тартибга солиши ҳуқуқни амалга ошириш жараёнининг бевосита натижасидир. Мазкур қондани теранроқ англаб етиш учун «**ҳуқуқий таъсир этиш**» ва «**ҳуқуқий тартибга солиш**» ибораларининг маъносини таҳлил қилиш лозим.

«Ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир этиш» ибораси анчагина кенг тушунча бўлиб, ўз мазмунига жамият ҳаётига ҳуқуқ таъсирининг барча йўналишлари ва шакллари қамраб олади. Ҳуқуқнинг бундай таъсири – норматив (умуммажбурий) регуляторлик, мафкуравий ва тарбиявий омил шаклларида, шунингдек ҳуқуқий принципларни ҳаётга синдириш тарзида ва бошқа кўринишларда намоён бўлади. Ҳуқуқ ишлаб чиқариш муносабатларига ва уларга асосланган бошқа муносабатларга таъсир этиб, уларни мустаҳкамлайди, кўриқлайди ва ривожлантиради. Ҳуқуқий таъсир этиш натижасида илғор ва ижобий ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий ҳимоя қилинади ҳамда такомиллаштирилади. Жамият манфаатларига мос келмайдиган ёхуд эскирган муносабатлар эса ижтимоий турмушдан сиқиб чиқарилади.

Шуни назарда тутиш жоизки, ҳуқуқнинг ўзи бевосита ижтимоий муносабатлар тизимини яратиши, ўзгартириши ҳамда ривожлантириши мумкин эмас. Ҳуқуқ ушбу муносабатлар иштирокчиларининг онгига таъсир этиш орқали, шунингдек қатъий ҳаракат қондаларини ўрнатиб, уларни тартибга солади. Ижтимоий муносабат (шу жумладан, ҳуқуқий муносабат) қатнашчилари онгли ва иролавий ҳаракатларни содир этадилар. Шу боис мазкур муносабатларга ҳуқуқий таъсир этиш, уларни йўлга солиб туриш мумкин бўлади.

Ҳуқуқий тартибга солиш ҳуқуқий таъсир этишнинг нисбатан мустақил ва фаол кўринишларидан биридир.

Ҳуқуқий тартибга солиш – ижтимоий муносабатларга ҳуқуқ ёрдамида уларни умуммажбурий, норматив тарзда тартибга солиш мақсадида таъсир этиш жараёнидир. Ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим хусусияти шундаки, у ижтимоий муносабат иштирокчиларининг юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, ҳуқуқлар рўёбга чиқарилишини ва мажбуриятлар бажарилишини таъминлайди.

Демократик жамиятда ҳуқуқий тартибга солиш ижтимоий (социал) тартибга солишнинг махсус тури бўлиб, ўзининг демократик қадриятларга таянганлиги, мақсадга йўналтирилганлиги, ташкилий-батартиблиги ва самаралилиги билан ажралиб туради. Шунингдек, ҳуқуқий тартибга солиш ўзига хос таъсир этиш воситалари (механизми) орқали амалга оширилади. Қонун чиқарувчи идоранинг юридик нормалар яратишдан кўзлаган мақсади худди ана шу ҳуқуқий таъсир этиш воситалари тизими ёрдамида рўёбга чиқарилади.

Ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатлар регулятори сифатидаги талқини ҳуқуқшунослик фанида узил-кесил тан олинган. Ҳуқуқнинг асосий вазифаси ҳам унинг регуляторлик (яъни, тартибга солувчилик) табиатидан келиб чиқади. Ҳуқуқ, қонун ҳаётий муносабатларни тартибга солар экан, уларнинг амал қилиши ва ривожланиши учун муайян чегара, аниқ меъёр ўрнатади. Шу йўл билан уларни жамият ва давлат манфаатлари нуқтан назаридан тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлатчилик йўлига киргач, жамиятни тубдан янгилаш, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий-маънавий жабҳала кенг қамровли ислохотлар йўлини тутди. Бундан кўзланган асосий мақсад – ижтимоий адолатни таъминловчи демократик давлатни қарор топтиришдир. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучлик демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир»¹.

Ана шу устувор мақсадлар мазмунидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, демократик ислохотлар ва ҳуқуқий давлатчилик барпо этишнинг ҳозирги босқичида давлат ҳамда жамият ҳаётининг қонуний заминини мустаҳкамлаш, янги тузумга оид ижтимоий муносабатлар мажмуни ҳуқуқий тартибга солишни муттасил такомиллаштириш – стратегик йўналишдир. Амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ҳуқуқий тартибга солиш ишининг ҳолатига боғлиқдир. Ислохотлар жараёни ривожланиб ва чуқурлашиб боргани сари, унинг ҳуқуқий негизи сайқалла-

¹ Каримов И.А. *Кучли давлатдан кучли жамият сари*. – Тошкент, «Шарқ», 1998, 49-бет.

ниб ва такомиллаштирилиб борилади, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритилади. Бу ҳол қонунларнинг таъсирчанлигини ошириш, уларнинг таркиб топаётган ижтимоий-иқтисодий шароитлар билан бевоқиф алоқасини кучайтириш имконини беради.

Давлат қонун, фармон ва ҳукумат қарорларини қабул қилиш йўли билан иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотларнинг боришини ҳуқуқий жиҳатдан жадал ва қатъий тартибга солиш, иқтисодиётнинг ҳамда сиёсий тизимнинг муҳим бўғинлари ва соҳаларини такомиллаштириш жараёни амалга оширилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатда бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатлари инфратузилмасини шакллантиришнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасида қорхоналар тўғрисида», «Тадбиркорлик тўғрисида», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Банкротлик тўғрисида», «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида», «Лизинг тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунлар, Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, Меҳнат кодекси ва бошқа норматив ҳуқуқий актлар қабул қилинди.

Юридик адабиётда ҳуқуқнинг регуляторлик функцияси турлича талқин этилади. Баъзан юридик шаклга ортикча ўрин берилиб, ҳуқуқий тартибга солиш механизми таркибига ҳуқуқ ижодкорлик жараёни ҳам қўшиб юборилади. Бу мантиққа мувофиқ эмас. Чунки гап иккита мустақил ҳуқуқий ҳодиса (институт) ҳақида бормокда. Демак, худди «ҳуқуқ нормаси»ни «ҳуқуқий тартибот» тушунчасига қўшиб бўлмаганидек, ҳуқуқ яратиш жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш механизмига қўшиш мумкин эмас. Хулоса шуки, ҳуқуқнинг имкониятларини, юридик шаклнинг аҳамиятини ҳаддан ошириб, объектив ижтимоий муносабатларнинг устувор белгиловчи ролини, таъсисчи характерини назардан кочириш тўғри бўлмайди.

Ҳуқуқий тартибга солиш кўламини таърифлашда ҳам олимлар икки гуруҳга ажралдилар. Баъзи олимлар ҳуқуқий тартибга солишда юридик нормалар фақат ҳуқуқий муносабатлар (шакли, модели) орқали таъсир этади, деб ҳисоблай-

дилар. Ушбу нуқтаи назарда турувчи муаллифлар субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларнинг мавжудлигини мутлак ва нисбий ҳуқуқий муносабатлар мавжудлиги билан боғлайдилар. Профессорлар С.С.Алексеев ва Н.И. Матузовлар ҳуқуқий тартибга солиш ҳуқуқий муносабатлар орқали амалга ошади, деган фикрни қувватлаб, айти пайтда, абсолют ва нисбий ҳуқуқий муносабатларга «умумий ҳуқуқий муносабатлар»ни ҳам қўшадилар. Бирок, ҳуқуқий тартибга солиш фақат ҳуқуқий муносабатлар билан чегаралаб қўйилса, унинг тартибга солиш доираси торайтириб юборилиши мумкин.

Иккинчи гуруҳ олимлар фикрича, ҳуқуқий тартибга солиш ҳуқуқий муносабатлар доирасидан ташқарига чиқади, анча кенгрок кўламда ҳаракатланади. Бундай ёндашув сўнги йилларда юридик илмий жамоатчилик томонидан устувор нуқтаи назар сифатида тан олинмоқда. Масалан, академик Ш.З.Ўразаев, профессорлар З.М.Исломов, М.М.Файзиев, У.Тожиҳонов, С.Н.Братусь, А.В.Мицкевич ва бошқалар субъектив ҳуқуқ ҳуқуқий муносабатдан ташқарида ҳам мавжудлигини ишонарли тарзда исбот қиладилар.

Мазкур хулоса илмий жиҳатдан ниҳоятда муҳимдир. Биринчидан, бу хулоса барча субъектив ҳуқуқларнинг (айниқса, конституциявий ҳуқуқларнинг) нафақат ҳуқуқий муносабат орқали, балки ундан ташқари ҳам амалга ошиши ва улардан фойдаланиш мумкинлигини ҳимоя қилади. Иккинчидан, у ҳуқуқ -тартибот ҳуқуқий муносабатлар тизимидангина иборат эмаслигини, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқий мақомини ҳам қамраб олишини кўрсатади. Учинчидан, масалага бундай ёндашиш объектив ва субъектив ҳуқуқларни амалга оширишнинг ҳамма шаклига эътиборни қаратади, ҳуқуқий тартибга солиш механизмини тўла изоҳлайди².

Шундай қилиб, ҳуқуқий тартибга солиш икки шаклда амалга ошади:

- ♦ ҳуқуқий муносабат орқали;
- ♦ ҳуқуқий муносабатдан ташқарида.

Ҳуқуқий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг махсус тури ҳамда ҳуқуқий тартибга солишнинг алоҳида шаклидир.

² Явич Л.С. *Суцность права*. – Л.: ЛГУ, 1985, 206-бет.

Хукукий тартибга солишнинг ушбу икки шакли учун умумий жиҳат шундаки, улар фаолиятининг асосий предмети – ҳамиша субъектив ҳуқуқ бўлишидир. Хукукий тартибга солиш фақат кишиларнинг ҳаракатларига (фаолиятига), муносабатларига қаратилади.

Хукукий тартибга солиш натижасида ҳамиша реал муносабатлар муайян тарзда меъёрланади, «қолип»га солинади, барқарорлик касб этади. Муҳими, бу муносабатлар давлат томонидан муҳофазаланади.

Ижтимоий муносабатларни хукукий тартибга солиш аниқ усуллар ёрдамида амалга оширилади. Хукукий тартибга солиш усули хукукий тартибга солиш предметига бевосита боғлиқ бўлади. Юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатларга хукукий таъсир этишнинг йўллари йиғиндиси хукукий тартибга солиш методи (усули) деб аталади. Хукукий тартибга солиш методининг икки тури, яъни: **автономия методи** ва **авторитар** (гетерономия) **методлари** мавжуд.

Автономия методи асосида тартибга солинувчи муносабатларда тарафлар тенг ҳуқуқли бўладилар ҳамда улар қонунда белгиланган ваколатлар доирасида мустақил фаолият юритадилар. Мисол учун, фуқаролик хукукий муносабатларини олайлик, уларда иштирок этувчи субъектлар қонун белгиланган меъёр кўламида ўз хатти-ҳаракатларини мустақил келишув, шартнома асосида эркин белгилайдилар.

Авторитар метод деганда, ижтимоий муносабатларга ҳукмронлик, буйруқ (императив) тарзида қатъий таъсир ўтказиш тушунилади. Масалан, маъмурий-хукукий ва жиноий-хукукий муносабатларни олайлик. Бу муносабатларда бир томонда давлат (давлат идораси ёки ваколатли мансабдор шахс) намоён бўлади, иккинчи томондан эса фуқаро майдонга чиқади. Маъмурий ёки жиноий жавобгарликни қўлловчи ваколатли субъект давлат ҳокимияти номидан иш кўради, авторитар методга таяниб хукукий тартибга солишни амалга оширади.

Демократик жамиятда хукукий тартибга солиш қуйидаги хусусиятларга эга:

- ♦ хукукий тартибга солишнинг барқарорлиги;
- ♦ конституциявий-тартибга солиш аҳамиятининг ошиши ва кўламининг кенгайиб бориши;

♦ ҳуқуқий тартибга солишнинг диалектик ва динамик сифатларга эгаллиги;

♦ иқтисодий, сиёсий, маданий ва мафқуравий ҳаёт соҳаларида ҳуқуқий тартибга солиш ролининг ўсиб бориши;

♦ ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида ижтимоий ўзини ўзи бошқариш ва ижтимоий муносабатларга жамоат таъсири омиллари ҳиссасининг ўсиши;

♦ ижтимоий ҳулқ-атвори олдидан белгилаш, башорат қилиш (прогнослаш), моделлаштириш имкониятларининг ошиб бориши;

♦ ҳуқуқий тартибга солишнинг халқчиллиги ва самаралилиги;

♦ ҳуқуқий тартибга солишнинг фаол, ижодий характерга эгаллиги.

2-§. Ҳуқуқий тартибга солиш механизми ва унинг унсурлари

Ҳуқуқий тартибга солиш механизми жамиятдаги турли-туман ижтимоий муносабатларга мунтазам равишда ва муайян кетма-кетликда таъсир этиш жараёнидир. Ижтимоий муносабатлар мазмуни ҳамда ҳуқуқий нормалар руҳи мамлакат интилаётган мақсад ва вазифалар, яъни: бозор иқтисодиётига ўтиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш манфаатлари билан узвий боғлиқ.

Ҳуқуқий тартибга солиш жараёни – ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир этиш, уларни амалга ошириш, ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг қатъий белгиланган тартибидир. Ҳуқуқий тартибга солиш ҳам ҳар қандай ижтимоий жараён сингари ўз ибтидоси ва интиҳосига, бошланиш ва ниҳояланиш нукталарига эга. Бу жараён давлат томонидан ҳуқуқий нормалар яратишдан бошланади. Ҳуқуқий норма халқнинг давлат иродасини ўзида мужассамлантирувчи, уни ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига етказувчи восита сифатида вужудга келади ва амал қилади.

Ҳуқуқий тартибга солиш жараёнини уч асосий босқичга ажратиш мумкин:

1. Ижтимоий муносабатларни қоидага солувчи (регламентация қилувчи) юридик норманинг яратилиш босқичи;

2. Ҳуқуқий норма асосида муайян субъектларда ҳуқуқ ва бурчлар келиб чиққан чоғда юридик норманинг амал қилиш босқичи;

3. Юридик нормада назарда тутилган ҳолатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келганда субъектив ҳуқуқ ва бурчларнинг амалга оширилиш босқичи.

Кўрсатилган уч босқичдан ташқари яна бир боғловчи қўшимча (факультатив) босқич ҳақида гапириш лозим. Бу факультатив босқич ҳуқуқни қўллашдир.

Ҳуқуқий тартибга солиш жараёнининг уч босқичига учта муҳим унсур (ҳуқуқий ҳодиса) мувофиқ келади:

а) ҳуқуқий нормалар;

б) ҳуқуқий муносабатлар;

в) субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш актлари.

Юқорида зикр этилган қўшимча босқичга мувофиқ тарзда ҳуқуқий тартибга солиш механизмида қўшимча (факультатив) унсур – ҳуқуқни қўллаш актлари майдонга чиқади.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг ҳар бир унсури, ўз навбатида, ўзига хос кичик тизимни ташкил этади. Чунончи, юридик нормаларнинг яратилиш босқичига мувофиқ келадиган тизимга – ҳуқуқий онг, ҳуқуқ ижодкорлиги актлари, норматив юридик актлар, ҳуқуқий нормалар, меъёрлар, ҳужжатларни тизимлаштириш, юридик техника ва бошқалар киради;

юридик нормаларнинг амал қилиш босқичидаги ҳуқуқий муносабатлар тизимига – ҳуқуқ соҳиби, юридик фактлар, умумий ва конкрет ҳуқуқий муносабатлар киради;

ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш тизимига – ҳуқуқий муносабат қатнашчиларининг муайян хатти-ҳаракатлари, ҳуқуқни қўллаш актлари киради.

Юқорида санаб ўтилган тизимларни ҳуқуқий тартибга солиш жараёнининг бўғинлари деб аташ мумкин. Ушбу жараёнда амал қиладиган унсурларнинг мужассам бир бутунлиги ҳуқуқий тартибга солиш механизмини ташкил этади.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизми – ижтимоий муносабатларга жамият ва давлат олдида турган мақсад ҳамда вазифаларга мос равишда самарали ҳуқуқий таъсир этишни таъминловчи юридик воситаларнинг муштарак тизимидир.

Ўз тузилмавий таркибига кўра мазкур механизм тегишли унсурлар алоқадорлиги ва бирлигига асосланган ғоят мураккаб тизим ҳисобланади. Ҳуқуқий тартибга солиш жараёнидаги барча ҳуқуқий воситаларнинг «механизм» ибораси билан изоҳланиши бежиз эмас. «Механизм» – бир қанча мустақил ҳодисалар, қисмлар (унсурлар)нинг ўзаро алоқадорлик асосида, бир бутун агрегат сифатида ҳаракат қилишидир. Бунда ҳар бир элемент уйғун ва барқарор бирлашиб, бири иккинчисини ҳаракатлантиради. Механизмга аниқ, қатъий ва бир маромда ишлаш хосдир. «Механизм» унсурларнинг оддий йиғиндиси сифатида мавжуд бўлмайди. У таркибий қисмларнинг ўзаро алоқадорлик асосидаги жипслиги билан, бири иккинчисининг мавжудлигини тақозо этиши билан, айнан мана шу ўзаро муносабатлар негизида ҳарқатланиши, ривожланиши ва такомиллашиши билан тавсифланади. Ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида намоён бўлувчи унсурлар ягона узвий бир бутун механизмни ташкил этади.

«Ҳуқуқий тартибга солиш механизми» тушунчаси «ҳуқуқий устқурма» (ёки устқурманинг ҳуқуқий қисми) тушунчасига яқин туради. Ҳар икки тушунча таркибига ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва бошқа ҳуқуқий воқеликлар қиради. Бирок, бу унсурлар ягона механизмнинг таркибий қисмлари сифатида таҳлил қилинганда эътиборни ҳуқуқий устқурманинг динамик томонига, ҳуқуқий таъсир этиш жараёнидаги юридик воситаларнинг бир бутун тизимдаги ўзаро ҳаракатига қаратиш лозим.

«Ҳуқуқий тартибга солиш механизми» категорияси ёрдамида ҳар бир ҳуқуқий институт (воқелик)нинг ҳуқуқий тартибга солиш тизимидаги ўрни ва ролини аниқлаб олиш мумкин. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, механизм таркибига кирувчи ҳуқуқий институт бутуннинг узвий қисми сифатида янги хусусият ва жиҳатларга эга бўлади.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизмнинг дастлабки унсури, меъёрий асосини – ҳуқуқий нормалар ташкил этади. Ҳуқуқий нормаларда давлат-ҳокимият иродаси баён этилади, ушбу норма орқали ўрнатилаётган ҳуқуқий талаб тартибга солинаётган ижтимоий муносабат иштирокчила-

рига етказилади. Ҳуқуқий нормада ҳуқуқий муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва бурчлари, ваколатлари доираси, шунингдек уларни амалга ошириш воситалари кўрсатилади.

Ҳуқуқий норманинг махсус функцияси шундаки, у норматив тарзда ҳуқуқий муносабат чегараларини ўрнатади. Унда ҳулқ-атвор ва юриш-туришнинг андозаси (моделли) белгиланади. Айнан ана шу юриш-туриш қоидалари ҳуқуқий тартибга солиш асоси бўлиб хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида фуқароларнинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Бу – умумий конституциявий – ҳуқуқий қоида. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 57, 72-моддаларида ишга жойлашиш ва қабул қилиш билан боғлиқ меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар назарда тутилган, Фуқаро меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятини тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Ишга қабул қилиш ёзма тарзда тузиладиган меҳнат шартномаси орқали амалга оширилади. Бу ерда юқоридаги конституциявий қоида аниқлаштирилаётганини кўрамиз. Бироқ, у ҳали ҳаётга татбиқ этилаётгани йўқ. Меҳнат кодексининг юқоридаги моддалари ишга жойлашиш ва қабул қилиш билан боғлиқ меҳнат-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишни назарда тутди. Мазкур норманинг мавжудлиги ҳали юқоридаги меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар ҳал этилганлигини аниқлатмайди, албатта. Бу тоифа масаланинг ҳуқуқий ечимига эришиш учун муайян фуқарони ишга қабул қилиш тўғрисида иш берувчининг (корхона маъмуриятининг) аниқ индивидуал ҳужжати (буйруғи, фармойиши) чиқарилиши лозим (МК нинг 82-моддаси). Ушбу мисолимизда МК 57 ва 72-моддаларидаги ҳуқуқий нормалар тегишли меҳнат-ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш учун асос вазифасини ўтайди.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг иккинчи унсури – **ҳуқуқий муносабатлардир**. Ҳуқуқ нормаси айнан ҳуқуқий муносабат орқали ҳаётга жорий этилади, субъектив ҳуқуқ ва бурчларга риоя этилади, улардан фойдаланилади ва тегишли талаблар бажарилади. Муайян субъектив ҳуқуқ ва бурчларнинг хусусиятлари ҳуқуқий норманинг тартибга солишдаги таъсир этиш характерига боғлиқ.

Ҳуқуқий нормаларнинг ваколат берувчи, мажбур этувчи ва ман қилувчи турларига мос равишда тартибга солувчи ва қўриқловчи ҳуқуқий муносабатлар турлари намоён бўлади.

Тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлар мажбур этувчи, ваколат берувчи ва ман этувчи муносабатларга бўлинади.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг учинчи унсури – **субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш актлари (ҳаракатлари)дир.** Бу ерда сўз ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ нормаларига риоя этиш, бажариш ва фойдаланиш шаклидаги реал амалий хатти-ҳаракатлари, хулқ-атвори ҳақида бормокда. Мазкур ҳаракатлар содир этилиши билан қонун чиқарувчи идора режалаштирган мақсад амалга ошади ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш механизми фаолияти яқун топади.

Ҳуқуқни қўллаш актлари ваколатли давлат идорасининг, мансабдор шахснинг давлат-ҳокимият характеридаги ҳужжатиدير. Бу ҳужжатлар ҳуқуқий норма талабларини ҳуқуқий муносабат орқали бевосита ҳаётга жорий этади. Лозим бўлган ҳолларда ҳуқуқни қўллаш актларининг бажарилиши давлатнинг мажбурлаш кучи билан таъминланади. Ҳуқуқни қўллаш актлари– қарор, фармойиш, буйруқ, ҳукм ва бошқа шакллардан иборат. Бу ҳужжатларда ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари аниқ кўрсатиб берилади.

3-§. Конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш

Ҳуқуқий тартибга солишнинг энг олий шакли – конституциявий тартибга солишдир. Зеро, Конституция мамлакатнинг Асосий қонуни бўлиб, юксак мақомли, ўта нуфузли сиёсий-юридик ҳужжат саналади. У мўътабар ижтимоий-ҳуқуқий кадрият сифатида жамият ва давлат ҳаётининг бош мезони, ижтимоий муносабатларни барқарорлаштирувчи, раво тартибга солувчи таъсирчан воситадир.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизмида Конституциянинг олийлигини, устуворлигини таъминлаш ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик масаладир. Конституция – мамлакат ҳуқуқий тизимининг ўзаги, унинг мустаҳкам пойдевори. Конституция нормалари бирламчи, таъсис этувчи характерга эга бўлиб, улар бевосита амал қилади. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа

норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас (16-модда, 2-қисм).

Конституция Асосий қонун сифатида мамлакат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида устуворлик қилади, «ҳукмрон» мавқени эгаллайди. Унинг нормалари бошқа қонунларнинг қоидаларидан ҳам юқорироқ юридик кучга эга. Қолган барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида, унга мувофиқ тарзда ва унинг ижроси учун чиқарилади. Башарти, қонунлар Конституцияга зид келиб қолса, ёки унда белгиланган тартибларни бузиб ишлаб чиқилган ва қабул қилинган бўлса, улар ўз кучини йўқотиши шарт.

Конституция бутун ҳуқуқий тизимнинг уюштирувчи, ҳамжихатлаштирувчи маркази, «тизим» ҳосил қилувчи ўзгаги бўлиб, барча ҳуқуқ тармоқлари ва қонунчилик соҳаларини шакллантирувчи ҳамда ривожлантирувчи юридик асосдир. Қонунчиликнинг ҳамма соҳалари бевосита Конституция қоидалари ва принципларига таянади. Бинобарин, Конституция қонунчилик тармоқлари вужудга келиши ва амал қилиши учун сарчашма – манба бўлиб ҳисобланади. Дикқатга сазовор жиҳати шундаки, конституциявий нормалар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётнинг энг муҳим томонларини ҳуқуқий тартибга солади. Ана шу маънода конституциявий тартибга солиш ҳуқуқий тартибга солишнинг бошқа турларидан фарқ қилади.

Конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш мураккаб ички тузилиш (структура)га ва ижтимоий ҳаётнинг алоҳида соҳаларига таъсир этишнинг ўзига хос хусусиятларига эга. У ҳуқуқий тартибга солиш ягона тизимининг махсус қисми сифатида бир қатор хусусиятлар билан тавсифланади, яъни:

- ♦ мамлакат миқёсида ягона конституциявий тартибга солишнинг муайян тизимини ташкил этади;
- ♦ у умумий-мажбурий, норматив характерга эга;
- ♦ ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий стратегиясини, сиёсий йўналишини, устувор принципларини белгилайди;
- ♦ ижтимоий муносабатларни конституциявий тартибга солиш давлат томонидан энг юксак даражада кафолатланади ва таъминланади.

Конституциявий-ҳуқуқий тартибга солишнинг муштарак тизимлилик хусусияти конституциявий қонунчилик нормаларининг ички мутаносиблиги, баҳамжихатлиги, ўзаро мантикий мувофиқлиги ва батартиблигида кўринади. Мамлакат конституциявий қонунчилиги тизимига -Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва барча конституциявий қонунлар (масалан, «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонун, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий қонун) киради.

Конституциявий-ҳуқуқий тартибга солишнинг нормативлик даражаси ҳамда сиёсий-юридик аҳамияти конституциявий қонунчиликни ўрнатиш характери ва тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг муҳимлиги билан белгиланади. Конституцияда мустаҳкамланган принципларнинг ҳаммаси норматив табиатга эга бўлиб, улар мавжуд ҳуқуқий тизим учун, давлат идораларининг ҳуқуқ ижодкорлик ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти учун, фуқаролар, мансабдор шахслар ва жамоат бирлашмалари фаолияти учун устувор, раҳбарий аҳамиятга эгадир. Конституциявий тартибга солишнинг умумий-мажбурий табиатига келганда шуни айтиш керакки, у энг олий даражадаги мажбурийликка эга ва ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг барча субъектлари учун бажарилиши шарт бўлган қатъий талабдир.

Мамлакатимизда Конституцияга амал қилиш мажбурияти конституциявий қонунчилик даражасида мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар (Конституциянинг 15-моддаси).

Конституциявий қонунчилик нормаларининг амалга оширилиши иқтисодий, сиёсий, ғоявий ва юридик кафолатлар тизими билан таъминланади. Бозор иқтисодиётига асосланган ишлаб чиқариш ривож топгани ҳамда хусусий мулкчилик муносабатлари қарор топгани сайин конституциявий нормалар амал қилишининг иқтисодий заминлари, кафолатлари мустаҳкамлана боради. Шунингдек, мамлакатимизнинг сиёсий тизими демократик тарзда такомиллашиб боргани сайин

конституциявий тартибга солишнинг сиёсий кафолатлари кучайиб боради. Жамиятнинг ғоявий асослари ва маърифий-маънавий камолоти таъминланиб, тобора юксалиб боргани сайин конституциявий тартибнинг ғоявий-маънавий кафолатлари ривож топади. Конституциявий тартибга солишнинг юридик механизми эса Конституция амал қилишининг барча ҳуқуқий воситалари ҳамда усуллари йиғиндисини қамраб олади. Конституция нормалари қонунийлик принципига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида Конституция устуворлигини таъминлашнинг, унга риоя қилишнинг алоҳида муҳофаза механизми вужудга келтирилган. Бундай механизмнинг асосий ва марказий бўғинини Конституциявий суд ташкил этади. У қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар актларининг конституциявийлиги тўғрисидаги ишларни кўриб ҳал этади. Ўзбекистон Республикасининг «Конституциявий суд тўғрисида»ги (1995 йил 30 август) қонунига мувофиқ, Конституциявий суд мамлакатимизда конституциявий назоратнинг олий судлов органи ҳисобланади. Конституциявий суд барча давлат органлари томонидан чиқариладиган ҳуқуқий актларнинг, Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари ва бошқа мажбуриятларининг Конституцияга тўла мос бўлишини кузатиб туради; Қорақалпоғистон Конституцияси, қонунлари ва ҳуқуқий актларининг Ўзбекистон Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради; Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас (Конституциянинг 109-моддаси).

Конституциявий тартибга солиш жамиятда етакчи ҳамда нуфузли ўрнини эгаллайди. У олий даражадаги ҳуқуқий тартибга солишдир. Конституция нормалари ўз юридик кучи жиҳатидан бошқа оддий ҳуқуқий нормалардан сўзсиз устувор бўлганлиги учун конституциявий тартибга солиш юксак юридик мақомга, шунингдек муҳим ижтимоий-сиёсий мазмунга эга.

Хўш, конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш қандай ижтимоий муносабатларни қамраб олади? Бундай тартибга солишнинг предметини жамият ва давлат ҳаёт фаолиятининг энг муҳим жиҳатлари, шунга оид асосий ижтимоий

муносабатлар ташкил этади. Бу ижтимоий муносабатлар – жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, социал ва маданий ривожланишини, Ўзбекистон давлати ички ва ташқи сиёсати асосларини, республикада инсон (фуқаро) ҳуқуқлари ва эркинликларини устувор таъминлашни асос эттирувчи, хусусий мулкчиликка асосланган барқарор бозор иқтисодиётининг қарор топиши билан боғлиқ муносабатлардир. Ушбу муносабатлар жамият ва давлатимизнинг моҳиятини ҳамда асосий хусусиятларини ифода этади.

Конституциявий-ҳуқуқий тарзда тартибга солинувчи ижтимоий муносабатларни бир неча йирик мажмуаларга ажратиш мумкин:

♦ жамиятнинг иқтисодий тизими, хусусий ва бошқа шаклдаги мулкчилик ҳамда тадбиркорлик асосларини ташкил этувчи ижтимоий муносабатлар;

♦ Ўзбекистон сиёсий тизими ва давлат тузуми асосларини ташкил этувчи ижтимоий муносабатлар;

♦ шахснинг ҳуқуқий мақоми асосларини белгиловчи инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш тизимига оид ижтимоий муносабатлар;

♦ мамлакатимизнинг давлат тузилиши шакли, маъмурий-худудий тузилиши, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқий мақоми асосларини белгилашга оид ижтимоий муносабатлар;

♦ сайлов тизими, парламент, Президент, Ҳукумат, суд ҳокимияти, маҳаллий давлат вакиллик ва ижроия идораларининг ҳуқуқий мақоми, ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ва ҳоказо.

Конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш механизмини (аввалги параграфда таъкидланганидек) уч унсур: конституциявий нормалар; конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар; конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш актлари ташкил этади. Ушбу механизмнинг норматив асосини ташкил этувчи юридик нормалар ўзининг энг олий сиёсий-юридик кучи, юксак барқарорлиги ва жамият ҳамда давлат томонидан қатъий таъминланиши билан ажралиб туради.

Конституциявий нормалар асосида таркиб топган ҳуқуқий муносабатлар умумий мазмун касб этади ва тармоқ ҳуқуқий муносабатлари (яъни конкрет муносабатлар) учун асос вази-

фасини ўтайди. Улар ўзининг доимий барқарорлиги, узок муддатга мўлжалланганлиги ва субъектларнинг юқори умумий ҳуқуқий ҳолатини ифодалаш билан тавсифланади. Бундай муносабатларнинг субъектлари: давлат, халқ, миллатлар, Қорақалпоғистон Республикаси, давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ҳисобланади. Конституциявий қонунчилик нормаларини амалга ошириш ҳар қандай ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш сингари риоя қилиш, бажариш, фойдаланиш ва қўллаш шаклида бўлиши мумкин.

Конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг хусусиятларидан бири Конституция нормаларининг жорий қонунлар томонидан конкретлаштирилиши ҳамда бевосита амалга оширилишидир. Қонун нормалари ўз навбатида Президент Фармони, Ҳуқумат қарори, давлат бошқарув идоралари ва ҳуқуқни қўлловчи органлар актлари орқали ҳаётга жорий этилади.

Шундай қилиб, жамият ва давлат ҳаётини конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш, унинг конституциявий асосларини мустақкамлаш мамлакатимизнинг янада илдам қадамлар билан мустақиллик йўлидан олға қараб ривожланишининг ишончли гаровидир.

4-§. Ҳуқуқий тартибга солишнинг ижтимоий ва руҳий механизми

Ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир этиш жараёнининг ички тузилишини (структурасини) янада кенгрок талқин қилиш мумкин. Зеро, бу ниҳоятда серқирра, мазмундор ва турфа хил намоён бўлиш жиҳатларига эга ҳодисадир. Ҳуқуқий тартибга солиш юридик механизмдан ташқари, ижтимоий (социал) ва руҳий (психологик) механизмларга ҳам эга.

Аёнки, ҳуқуқ ижтимоий муҳитда амал қилади. Унинг ҳаракатланишига турли ижтимоий омиллар, ҳаётгий вазият ҳамда ҳодисалар таъсир кўрсатади. Илмий адабиётларда ҳуқуқнинг кундалик реал ҳаётда амал қилиш ҳодисаси ҳуқуқ ҳаракатланишининг ижтимоий (социал) механизми деб юритилади.

Ҳуқуқ ҳаракатланишининг ёки ҳуқуқий тартибга солиш-

нинг ижтимоий механизми деганда, ҳуқуқий принциплар ва нормаларнинг талабларини ҳуқуқ субъектлари хулқ-атвори ҳамда юриш-туришига айлантириш (сингдириш) билан боғлиқ жараёнга таъсир этувчи ижтимоий ва бошқа ҳаётий омилларнинг ялпи умумий тизими тушунилади.

Мазкур жараённинг асосий босқичларига қуйдагилар киради: ҳуқуқ принциплари ва нормалари мазмунини барчанинг эътиборига етказиш; ҳуқуқий актларда ижтимоий фойдали мақсадни ифодалаш орқали ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атворни йўналтириб туриш; ҳуқуқий кўрсатмалар ёрдамида ижтимоий фойдали ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атворни шакллантириш; ижтимоий-ҳуқуқий назоратни амалга ошириш.

Ҳуқуқий тартибга солишнинг ижтимоий механизмини тавсифлашда унинг ушбу жиҳатлари алоҳида ўрин тутди:

а) ҳуқуқий ахборотнинг даражаси ва характери. Ҳуқуқнинг самарали амал қилиши кўп жиҳатдан ҳуқуқ субъектлари томонидан амалдаги юридик нормаларни билиш ҳамда англаб етиш даражасига боғлиқ. Табиийки, бунда ҳуқуқий қоидаларнинг барчанинг эътиборига қай йўсинда ва қай меъёردа етказилиши муҳимдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, аҳоли томонидан ҳуқуқий принциплар ва аниқ юридик нормаларни билиш даражаси бир хил эмас. Аҳолининг турли қатламларига ҳуқуқий ахборот ҳар хил йўл ва воситалар орқали бориб етади. Ҳуқуқий ахборотнинг етказилишида оммавий ахборот воситалар – радио, телевидение ва матбуотнинг ўрни алоҳидадир;

б) ижтимоий муносабат қатнашчиларининг ҳуқуқий эътиқоди ва йўналтирилганлиги. Ҳуқуқнинг ижтимоий ҳаётдаги ҳаракатланиши шахснинг ҳуқуқий эътиқоди, ўй-фикрларининг йўналтирилганлиги билан боғлиқ. Зеро, ҳуқуқнинг амал қилиши ҳуқуқ соҳибларининг нафақат ахборотланганлик даражаси билан, балки ҳуқуқий норма талабларига риоя этиш ва уни бажаришга бўлган шахсий ички қатъиятнинг шаклланганлик даражаси билан ҳам боғлиқ. Янада аниқроқ ифода этадиган бўлсак, шахс ҳуқуқий мақсад, вазифа ҳамда идеалларни бажариш ва эгаллашга қанчалик йўналтирилганлиги назарда тутилмоқда;

в) ҳуқуқ амал қилишининг ижтимоий оқибатлари. Юридик нормалар амал қилишининг оқибати – ҳуқуқий талабни

амалга оширишнинг якуний натижасигина эмас, балки ҳуқуқ ҳаракати кейинги босқичларининг бошланғич нуқтаси ҳамдир. Ҳуқуқнинг ижтимоий ҳаракати «қайта боғланиш» механизми (ҳуқуқий онг, юридик ва суд амалиёти, даврий ҳуқуқ ижодкорлиги) орқали ҳуқуқий тартибга солиш жараёнига, уни йўналтиришга ва тузатишга таъсир кўрсатади;

г) **ижтимоий муҳит.** Ҳуқуқнинг, шунингдек бутун юридик воситалар тизимининг ҳаракатланиши муайян ижтимоий муҳитда рўй беради. Бунда жамият, давлат, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари ҳамда фуқаролар томонида ҳуқуққа, қонунийликка муносабат намоён бўлади. Мазкур муҳитда мавжуд муайян шарт-шароит, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг ва тартибий ҳолати майдонга чиқади. Ҳуқуқ ҳаракатланадиган ижтимоий муҳитнинг муҳим жиҳатларидан бири жамиятдаги қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот режимини қамраб олувчи умумий ҳолат – «ҳуқуқий иқлим»дир.

Таҳлил этилаётган механизмда ҳуқуқнинг ҳаракатланишига турли ижтимоий омиллар таъсир кўрсатади.

Ижтимоий омиллар ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжларини аниқлашга, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг хулқ-атвориغا, юридик норма қўлланаётган масаланинг мазмунига у ёки бу шаклда таъсир ўтказувчи ижтимоий ҳаёт ҳодисаларидир. Ижтимоий омиллар иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий тараққиётнинг объектив қонуниятларини ўзида намоён этади. Ижтимоий омилларни қуйидагича туркумлаш мумкин: иқтисодий, демографик, экологик, жўғрофий, сиёсий-ҳуқуқий, ғоявий-руҳий, ижтимоий-маданий, миллий, байналмилал, илмий, ташкилий-техникавий ва бошқа омиллар.

Ҳуқуқий тартибга солиш жараёнининг руҳий механизми ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шахснинг иродаси, ақлий салоҳияти (интеллект), мотиви, мақсади, эътиқоди каби фазилатлари ҳуқуқ ҳаракатланишининг руҳий механизми замирида ётади. Қонун чиқарувчи идора ижтимоий муносабатларни тартибга солишда инсонларнинг руҳий хулқ-атвори хусусиятларини инобатга олади. Чунки ҳуқуқий тартибга солиш – бу онгга, иродага, эҳтиросга, мураккаб мотивли хулқ-атворга эга бўлган инсонларни бошқаришдир. Ҳуқуқ

воситасида инсон хулқ-атворининг мотивлари («ички истак-интилиш») шакллантирилади. Юридик нормада ўрнатилаётган тақик, ман этиш ёки ижозат бериш, рағбатлантириш усуллари билан, аввало, инсон руҳиятига таъсир этилади. Шу тариқа инсон руҳиятининг ташқи ифодаси бўлмиш юриш-туриши, хулқ-атворининг ўзгаришига эришилади.

Ижобий хатти-ҳаракатларни содир этишга сабаб бўлувчи фаол хулқ-атворни рағбатлантирувчи **ундовчи мотивларни** шакллантириш ҳуқуқий тартибга солишнинг бош мақсадидир. Ундовчи мотивларни шакллантириш икки йўл билан амалга оширилади:

биринчиси – фаол хатти-ҳаракат содир этиш мажбуриятини юклаш;

иккинчиси – ижобий хатти-ҳаракатни содир этиш ҳуқуқини бериш (ижозат бериш).

Шундай қилиб, ҳуқуқий тартибга солишнинг юридик, ижтимоий, руҳий механизмлари жамулжам инобатга олинган тақдирдагина кўзланган самарага эришиш мумкин.

ХІХ боб. ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБОТ

1-§. Қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот тушунчаси

Ўзбекистон – бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтар экан, унинг давлат қурилиши ва иқтисодий ислох қилиш дастурининг муҳим қоидаларидан бири қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашдир. Бусиз демократик ҳуқуқий давлат қуриб бўлмайди.

Бозор муносабатларига мос келадиган ҳуқуқий асосни шакллантириш – узоқ давом этадиган жараён дир. Бунинг учун янги ҳуқуқий тизимни ишлаб чиқиш керак бўлиб, унинг асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ташкил қилади.

Ҳозирги вақтда давлат қурилиши, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларга тааллуқли ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи бир қанча қонунлар қабул қилинди. Жумладан, уларнинг энг муҳимлари:

Давлат қурилиши соҳасида – сайлов тизими, Конституциявий суд, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, судлар, прокуратура, давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунлар.

Иқтисодий соҳада – мулкчилик, корхоналар, тадбиркорлик, банклар ва банк фаолияти, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинadиган солиқлар, ташқи иқтисодий фаолият, чет эл инвестициялари, валютани тартибга солиш тўғрисидаги ва бошқа қонунлар.

Ижтимоий соҳада – оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, кам таъминланган фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, нафақа билан таъминлаш тўғрисида ва бошқа қонунлар.

Бу қонунлар ҳаёт, амалиёт билан боғлиқ бўлиб, кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, уларда қонунга бўйсунуш бозор муносабатларига ўтишнинг барча амал қиладиган қоидаларидан бири этиб белгиланган.

Қонунийлик – барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор ҳамда юридик шахслар ва фуқаролар то-

монидан амалдаги қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва оғишмай бажарилишидир.

Қонунийликнинг асосий вазифаси – мамлакатнинг ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиётига ўтиш учун мулкнинг турли шаклларига йўл очиш ва уларни қўриқлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва бурчларини мустаҳкамлашдир.

Жамиятда қонунийлик икки хил маънода – кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода – бажарилиши талаб қилинадиган барча қонун-қоидалар тушунилади. Буларга давлат томонидан чиқарилган конституциявий ва бошқа амалдаги қонунлар, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қиради. Тор маънода олганда қонунийлик давлат органларининг фаолиятида қонунларга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилишини кўзда тутди. Чунки, Ўзбекистонда барча давлат органлари, мансабдор ҳамда юридик шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга асосан иш қўриши лозимлиги Асосий қонунда белгиланган.

Қонунийлик ҳуқуқий тартибот билан узвий боғлиқ бўлиб, у орқали амалга оширилади. Ҳуқуқий тартибот жамоат тартибининг бир қисми бўлиб, фақат ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилиши натижасида пайдо бўлиб, кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий воситалар орқали тартибга солади. Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибот орқали пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатлардан кенгроқ бўлиб, уларга ахлоқ, урф-одатлар ва бошқа турмуш қоидаларининг амалга оширилиши натижасида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатлар қиради. Кишилар ўртасидаги ёки фуқаролар билан давлат органлари ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқий тартибот, яъни ҳуқуқий нормалар орқали амалга оширилиб, қонунийлик мустаҳкамланади. Қонунийликнинг ўзига хос хусусиятлари унинг қуйидаги тамойилларида ифодаланadi.

1) **Қонуннинг устуңлиги ва ҳамма учун мажбурийлиги.** Бу тамойилга асосан Ўзбекистоннинг барча қонунлари ва бошқа ҳуқуқий нормалари муқаддас бўлиб, уларга ҳуқуқ субъектлари амал қилиши керак. Бу тамойил Конституция-мизнинг 15-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унда шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Респуб-

ликасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мунвофик иш кўрадилар.

Республика Президенти И.А.Каримов Ўзбекистонда янги жамият қуриш ва бозор иқтисодиётига ўтиш учун барча кишининг қонунга амал қилишлигини муҳим тамойил деб ҳисоблаб: «Мен учун энг муҳими – қонунийликни ҳурмат қилишдир»¹, -деб кўрсатди.

2) **Қонунийликнинг ягоналиги тамойили.** Бу эса Ўзбекистон ҳудудида қонунлар бир хилда қўлланилишини, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини билдиради. Бу ҳақда Конституциянинг 18-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар».

Республикада қонуннинг ягоналиги ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, биринчидан, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари унинг барча ҳудудида амал қилишини ҳамда бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қонун асосида қабул қилиниб, уларга зид бўлмаслигини талаб қилади. Иккинчидан, Ўзбекистон қонунлари унинг ижтимоий ва давлат тузумини, барча миллат ва элатларнинг манфаатларини кўриқлайди. Учинчидан, Республиканинг бутун ҳудудида қонунлар бир хилда қўлланилади.

3) **Қонунийлик ва мақсадга мувофиқлик тамойили.** Республикада ҳудудида амалдаги қонунларни ва бошқа норматив ҳужжатларни аниқ бажариш ҳар бир давлат органи, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахс ва фуқаролар учун шартдир. Аммо ҳаётда шундай кишилар ва раҳбарлар борки, улар ўзларининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатларини, гўё қонуннинг эскириб қолганлиги билан ва бугунги кун талабларига жавоб бера олмаслиги билан ёхуд қонунда маҳаллий шароит ҳисобга олинмаган, деган баҳоналар билан оклайдилар.

¹ Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. Т., «Ўзбекистон», 1993, 5-6-бетлар.

Башарти, амалдаги қонунлар эскириб қолган бўлса, у белгиланган тартибда давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи – Олий Мажлис томонидан ўзгартирилади ёки бекор қилинади. Мамлакатимизда қонунларнинг ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши халқнинг кенг иштирокида демократик асосда ўтади. Қонун лойиҳаси устида олиб бориладиган ишларда шу қонун лойиҳасига бевосита тааллуқли бўлган шахслар, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари иштирок этадилар.

4) Қонунийликнинг аҳоли маданий даражаси билан боғлиқлиги. Қонунийлик аҳолининг маданий даражаси билан, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти билан боғлиқ бўлади. Кишиларнинг ҳуқуқий онги қанча юқори бўлса, қонунни бузиш ҳоллари шунчалик кам бўлади.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1997 йил 29 августда «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»² тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Мамлакатимизда иқтисодиёт, сиёсат, давлат қурилиши, ҳуқуқий тизим ва жамият ҳаёти маънавий-маърифий соҳаларида кенг қўламли ислохотлар ўтказилмоқда. Бу ислохотларнинг қонуний асоси яратилди. Шунинг учун қарорда ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириб, кенг халқ ўртасида ҳуқуқий тарбияни мустаҳкамлаб, аҳоли маданий даражасини кўтариш вазифаси қўйилди.

5) Қонунийликни таъминлашда халқнинг иштироки. Ўзбекистонда халқ қонунийликни таъминлашда ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда кенг иштирок этади. Бу ҳақда Конституциямизнинг 7-моддасида шундай дейилган: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади».

6) Қонунийликнинг демократия билан боғланганлиги. Қонунийлик демократия билан узвий боғлиқдир. Халқ дав-

² *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, Тошкент, 1997, № 9, 23-33-бетлар.*

лат ҳокимиятини ўзи ишонч билдириб сайлаган депутатлари, Президент, ҳокимият ва бошқарув органлари орқали бошқаради. Қонунийлик демократик тартибларга бўйсунитишни талаб қилади, демократик тартиблар, ўз навбатида, қонунийликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда асосий шартдир. Бу тамойил Конституциянинг 13-моддасида белгилаб қўйилган: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади».

Қонунийлик ва ҳуқуқий-тартибот кафолатлари ва уларни таъминлаш усуллари. Жамиятда қонунлар билан кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатлар тартибга солинар экан, қонунларни ҳаётда тўғри қўллаш учун қонунийлик тегишли усуллар орқали амалга оширилади. Бундай усуллар давлат томонидан белгиланган бўлиб, қонунийликнинг кафолати деб аталади.

Қонунийликни амалга ошириш кафолатлари қуйидагилардан иборат.

Иқтисодий кафолат. Конституциямизнинг 53-моддасига асосан жамиятнинг иқтисодий негизини бозор иқтисодий муносабатларини ривожлантиришга қаратилган хилма-хил шакллардаги мулк ташкил қилади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тadbirkorлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини муҳофаза қилади. Бу мулк шакллариининг хилма-хиллиги халқнинг моддий ва маданий фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Бу эса фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи, қариган чоғида, касал бўлганида, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганда ва бошқа ҳолларда ижтимоий моддий таъминот олиш ҳуқуқи учун моддий негиз яратади.

Сиёсий кафолат. Бу Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий давлат қуришида, ҳуқуқий давлат эса умуминсоний қадриятларга ва миллий хусусиятларга амал қилишида, унинг сиёсий тизимида, шунингдек, давлат ва жамоат бирлашмаларини бошқаришда кенг халқ оммасининг иштирок этишида ифодаланади.

Ҳуқуқий кафолат. Қонунийликни амалга ошириш учун барча ҳуқуқий нормаларни бажариш, улар бузилган ҳолатларни аниқлаб олиш усуллари, қонун бузилишининг олдини олиш, қонунни бузган кишиларга нисбатан тегишли жавобгарлик чоралари: интизомий, маъмурий, фуқаролик ва жиноий жазо қўллашдан иборат.

Жамоатчилик кафолати. Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш фақат давлат органларининг иши бўлмасдан, балки барча жамоат бирлашмалари, қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқаролар бошқа уюшмаларининг вазифасидир.

Бу кафолатлар Ўзбекистонда барча халқнинг қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиб, қонунийликка риоя қилишни ва уларни ҳуқуқий жиҳатлардан тарбиялаб, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш ишларини яхшилади. Ўзбекистонда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни бузган кишиларга нисбатан махсус усуллар қўлланилади. Бу ишонтириш ва мажбур қилиш усуллари. Ишонтириш усули – кенг халқ оммасига қонунлар ва ҳуқуқий нормаларни тушунтириш орқали, улар онгига сингдириш ва бошқа тарбиявий чоралар кўриш йўли билан амалга оширилади.

Мажбур қилиш усулида – қонунлар ва бошқа ҳуқуқий нормалар бузилган тақдирда давлат органлари томонидан унинг зўрлик кучи билан мажбурий чоралар кўриш амалга оширилади.

2-§. Қонунийликни муҳофаза қилиш ва таъминлаш

Жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот фуқароларнинг қонуний ҳатти-ҳаракатлари билан, барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг қонунларга риоя қилишлари, улардан тўғри фойдаланишлари билан ўрнатилади. Ҳуқуқий тартибот қонунлар орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳуқуқий тартибот жамият нормал ривожланишининг муҳим шарт ҳисобланади.

Қонунийлик ва интизом бир-бири билан узвий боғлиқдир. Қонунийлик – давлат интизомининг асосидир. Давлат

интизоми эса қонунийликни мустаҳкамлашни талаб қилади. Қаерда интизом бузилса, тартибсизлик бўлса, ўша ерда қонунчилик бузилади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида бош вазифа қонуннинг устунлигини, яъни барчанинг қонунга оғишмай амал қилишлигини таъминлашдан иборатдир. Ҳар бир давлат органи, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахс ва фуқаро қонунларга амал қилиши керак. Чунки жамиятнинг аксарият иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий соҳадаги муносабатлари қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Республикада ҳозирги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда ислохотлар амалга оширилаётган вақтда қонунларни барча кишилар, давлат органлари ва мансабдор шахслар бажариши учун уларнинг жавобгарлигини ошириш жуда муҳимдир. Бу соҳада Республика Президенти ҳузуридаги Назорат инспекциясининг тузилиши муҳимдир. Унга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар ва қарорларнинг, Президентнинг Фармонлари, қарорлари ҳамда фармойишларининг ва бошқа норматив ҳужжатларнинг, ижтимоий ва иқтисодий дастурларнинг бажарилиши ва давлат интизомига риоя қилиниши юзасидан мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини текшириш вазифаси юкланган.

Қонунийликни мустаҳкамлашда вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари— давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари муҳим роль ўйнайди. Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистоннинг қонунларини, Президент Фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини бажаради, Республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни муҳокама қилишда қатнашади.

Республика Конституциясининг 100-моддасига асосан маҳаллий давлат ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар қиради: қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш; ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш ва фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш.

Демак, қонунларнинг қуйи давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар томонидан бажарилишини таъминлаш маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларининг асосий вазифасидир. Уларга қонуний равишда нафақат ўзларига бўйсунувчи корхоналар ва ташкилотларнинг, балки ўз ҳудудларида жойлашган республикага бўйсунувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ҳам қонунларга риоя қилишларини назорат қилиш ҳуқуқи берилган.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ижро этувчи органларнинг қонунларни бажариши ҳаётнинг барча соҳаларида қонунийликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир.

Халқ депутатлари ҳам қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда фаол қатнашади. Улар давлат ҳокимияти вакили сифатида қонунларни бузмасликни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Депутат сўрови – депутатлар зарур бўлган ҳолларда халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида бошқарув органларидан ўз иш фаолиятининг ҳар қандай масалалари бўйича, жумладан қонунийликнинг бузилиши бўйича тегишли талаб ва уни мустаҳкамлаш масаласини қўяди.

Халқ депутатлари Кенгашлари сессиялари орасидаги даврда депутатларнинг қонунийликни мустаҳкамлаш шакллари-дан бири доимий комиссиялар ҳисобланади, уларнинг ҳар бири ўз соҳасида қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни вазирликлар, корхоналар, муассасалар ва идоралар ўз иш фаолиятларида аниқ ва ўз вақтида ижро этишини таъминлаши керак.

Қонунийликни мустаҳкамлашда давлатнинг ижро этувчи, яъни бошқарув органлари муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистонда бошқарув органлари 3 гуруҳга: юқори, марказий ва маҳаллий органларга бўлинади. Юқори бошқарув органига – Республика Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши киради. Марказий бошқарув органларига – республикадаги вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар, ассоциация, корпорация, компаниялар ва бошқа идоралар киради. Маҳаллий давлат бошқарув органларига – вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги ҳокимлар бошчилик қиладиган ижроия органлари киради.

Бошқарув органлари ўз иш фаолиятида қонунларни ва бошқа норматив ҳужжатларни қўллайди ва уларнинг ижро этилишини таъминлайди. Бу органлар жамиятнинг тегишли соҳаларини бошқариб, ўз ҳудудида интизомни, қонунларга аниқ риоя қилишликни таъминлайди. Улар ижтимоий соҳанинг ўзларига юкланган томонларини идора этиб, қонун ва бошқа норматив ҳужжатларнинг ижросини таъминлайди.

Давлат бошқарув органларида қонунийлик тамойилига амал қилиш, Конституция ва қонунларнинг бажарилишини таъминлаш интизом ва қонунчиликни мустаҳкамлайди. Бу органлар қонун асосида барча мулкчилик шакллари, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилади ва жамоат тартибини мустаҳкамлайди. Қонунийлик тамойилига қатъий амал қилиш бошқарув органлари ишини ҳам яхшилайдди. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқий онглилигини ўстиришга олиб келади.

Давлат бошқарув органларида ижронинг назорат қилиш ва текширишнинг асосий вазифаси – қарорларни ўз вақтида бажариш, бу органлар иш фаолиятини яхшилаш ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини оширишдан иборат.

Фуқароларнинг шикоят ва аризаларини бу органларнинг ўзи қўриб чиқиши ва уларни ҳал қилиши қонунийликни мустаҳкамлашнинг муҳим шаклидир.

Қонунийликни ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг роли ва ўрни салмоқлидир.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни амалга ошириш ва мустаҳкамлаш йўлида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар: суд, прокуратура, ички ишлар, адлия идоралари ва бошқалар муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистоннинг суд тизими беш йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, унинг ҳўжалик суди, шу муддатга тайинланган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва ҳўжалик судларидан иборат.

Конституциявий суд Ўзбекистонда конституциявий назоратнинг олий суд органи бўлиб, барча қонунларнинг, Президент фармонларининг, ҳуқумат ва давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари қарорларининг ва бошқа нор-

матив ҳуқуқий актларнинг Конституциямизга мослигини белгилайди.

Ўзбекистон Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини қонуний кўриш учун тузилган суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Олий суд Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, шаҳар ва туман судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистонда мулкчиликнинг турли шакллариغا асосланган қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва тадбиркорлар ўртасида иқтисодий соҳада ва уни бошқариш соҳасида вужудга келадиган хўжалик низоларини Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари қонун асосида кўриб ҳал этади.

Судьялар мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунадилар. Уларнинг одил судловни амалга оширишида ҳеч кимнинг аралашishiга йўл қўйилмайди ва бундай аралашish қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Прокуратура органларига республика Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят, туман ва шаҳар прокурорлари киради. Уларнинг асосий вазифаси мамлакатнинг барча ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан олий даражада назоратни амалга оширишдир. Ўзбекистон Конституциясининг 120-моддасига биноан, прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширади.

Адлия органлари – республика Адлия вазирлиги, вилоят ҳокимликлари қошидаги адлия бошқармалари бўлиб, улар қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш учун катта иш олиб боради. Улар мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб, давлат, тадбиркорлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Булар турли ҳуқуқ бузилишларига қарши курашиб, уларни бартараф этади.

Милиция органларига Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги ички ишлар бошқарма ва бўлимлари киради.

Жойлардаги ички ишлар органлари ўз фаолиятида икки томонлама – маҳаллий ҳокимият органларига ва ички ишлар юқори органларига бўйсунди. Мамлакатда жамоат тар-

тибини сақлаш, мулкнинг турли шакллари кўриклаш, қорхоналар, муассасалар, бирлашмалар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини қонун бузилишларидан ҳимоя қилиш милициянинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу органлар жиноятчиликнинг ва бошқа қонун бузилишларининг олдини олишга асосий эътиборини қаратади ва шу соҳада катта иш олиб боради. Ҳуқуқий тартибнинг бузилишига олиб келадиган сабабларни ва шарт-шароитларни ўрганиб, уларни бартараф этиш чораларини кўради. Аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилади, жамоат тартибини сақлаш ва турли қонунбузарликларга қарши кураш масалалари бўйича чиқарилган амалдаги қонунларни халқ ўртасида тушунтириб беради.

Милиция органлари кўча, майдонларда, истироҳат боғларида, транспорт йўлларида, вокзалларда ва бошқа шу сингари жамоат жойларида тартибни сақлаш ва мустаҳкамлашни таъминлайди.

XX боб. ҲОЗИРГИ ЗАМОН АСОСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРИ

1-§. Жаҳон юридик харитаси

Жаҳон ҳуқуқий маданияти – инсоният тарихида тўпланган ҳуқуқий кадриятларнинг мажмуидир. Ҳар бир мамлакат жаҳон ҳуқуқий маданиятига муайян ҳисса қўшган. Жаҳон ҳуқуқий маданияти – умуминсоний ва миллий ҳуқуқий ғоялар, кечинмалар, таълимотларни ўзида мужассамлаштиради.

Ҳар бир миллий ҳуқуқий тизим жаҳон ҳуқуқий маданиятининг таркибий қисмидир. Шу боис жаҳон ҳуқуқий харитасини ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари орқали таърифлаш мумкин. Аммо, дунёдаги 200 га яқин миллий ҳуқуқий тизимларнинг барчасини кўриб чиқишнинг имкони ҳам йўқ, керак ҳам эмас. Шунинг учун юридик типология масаласи муҳим аҳамият касб этади. XXI аср бўсағасида миллий ҳуқуқий тизимларнинг сони деярли уч баробарга кўпайди ва ҳозирда уларнинг сони 200 тага яқинлашди. Албатта, гап миллий ҳуқуқий тизимларнинг сони ва уларнинг хилма-хиллигида эмас. Бунда юридик типология дунё ҳуқуқий харитасини кўп жиҳатдан ҳар томонлама таҳлил қилишнинг дастлабки зарурий шартидир.

Юридик типологиянинг асосий объекти қуйидаги тушунчалардир: «дунё ҳуқуқий харитаси», «ҳуқуқнинг тарихий типини», «ҳуқуқий тизим оиласи», «миллий ҳуқуқий тизим».

Ҳуқуқий тизим деганда, тор маънода «миллий ҳуқуқий тизим» деб аталадиган маълум давлатнинг ҳуқуқи тушунилади. Бунда «ҳуқуқий тизим» тушунчаси «ҳуқуқ тизими» тушунчасининг синоними эмас, чунки кейингиси объектив ва субъектив омиллар билан белгиланадиган, ҳуқуқ соҳаларининг тузилиши, ўзаро алоқаси ва муносабатини очиб берадиган институционал тушунчадир.

Ҳуқуқий тизим ҳуқуқ тизимга нисбатан кенг тушунча. У ҳуқуқнинг институционал тузилиши (ҳуқуқ тизими) билан бирга, жамият ҳуқуқий ҳаётининг бошқа катор таркибий қисмларини ҳам ўз ичига олади. Уларни таҳлил қилиш ҳуқуқий ривожланишнинг фақат бир институционал тузи-

лиш билан очиб бўлмайдиган томонларини ва жиҳатларини очиб имконини беради. «Хуқуқий тизим» тушунчасида «хуқуқ тизими»дан фарқли ўлароқ, хуқуқ соҳаларининг ички келишувчанлиги ақс эттирилибгина қолмасдан, балки уларнинг мухторлиги мустақил хуқуқий тузилмалар сифатида ақс эттирилади.

Кенг маънода ишлатиладиган «хуқуқий тизим» тушунчаси қиёсий хуқуқшунослик билан узвий боғлиқ. Бу ерда атамалар анча хилма-хилдир. Масалан, Р.Давид «хуқуқий тизимлар оиласи», К.-О.Эберт ва М.Рейнштайн «хуқуқий доиралар», И.Сабо «хуқуқий тизимлар шакли», С.С.Алексеев «тузилмавий умумийлик» атамаларини ишлатади. Энг кўп тарқалгани «хуқуқий оила» атамасидир.

«Хуқуқий оила» тушунчаси ўзаро ўхшаш юридик белгиларга эга бўлган хуқуқ тизимларининг нисбатан бирлигини аниқлаш учун хизмат қилади ва айтиб ўтилган тизимларнинг муайян тарихий ривожланиши хусусиятларини, яъни тузилиши, хуқуқ манбалари, етакчи хуқуқ институтлари ва соҳалари, хуқуқий маданияти, аъъанаси кабиларни ақс эттиради. У, энг аввало, «хуқуқнинг тарихий типини» тушунчасига нисбатан иккиламчи, ёрдамчи ҳисобланади, хуқуқ шаклининг нисбатан мустақиллигини, хуқуқнинг техник-юридик мазмунини, ўзига хослигини ақс эттиради. Шундай қилиб, хуқуқ оиласи деганда, бир хуқуқ чегарасида тарихий шаклланишининг ўхшашлиги асосида бирлашган миллий хуқуқ, тизимларининг ўзми ёки кўпми кенг мажмуи, хуқуқ манбалари тузилиши, етакчи хуқуқ соҳалари ва хуқуқий институтлари, хуқуқни қўллаш, юридик фаннинг умумий жиҳатлари тушунилади.

«Хуқуқий тизим» тушунчаси кенг маънода «хуқуқнинг тарихий типини» тушунчасига ўхшаш тушунча сифатида қўлланилади. Бу тушунчаларнинг иккинчиси бир ижтимоий-иқтисодий формациядаги хуқуқий тизимларнинг моҳиятан тавсифини умумлашганлигича қамраб олади ва энг муҳими, шу тизимларга ҳам хослигини ифода қилади. Бирок «хуқуқнинг тарихий типини» тушунчаси ҳозирги замон хуқуқий тизимларининг барча кўринишларини қамраб ололмайди. Хуқуқий тизимларнинг умумий белгилари мос келганда, айниқса, улар хуқуқнинг умумий назарияси учун муҳим бўлган ўзига хос тарихий тавсифи билан фарқланади.

Юридик адабиётларда бугун ер шаридаги миллий ҳуқуқий тизимларни эътиборга олиб, «дунё ҳуқуқий харитаси» (В.А.Туманов), «дунёнинг юридик жуғрофияси» (В.Кнапп), «ҳуқуқий тизимлар ҳамжамияти» (Ж.Сталев) ва бошқа атамалар ишлатилади.

Бу атамалар ер шарида мавжуд бўлган миллий ҳуқуқий тизимларни уларнинг ўзига хос белгилари билан бирга қамраб олади.

2-§. Юридик типология ва таснифлаш

«Типология» ва «таснифлаш» тушунчалари айнан ўхшаш эмас. Таснифлашга нисбатан типология кенгрок тушунча. У барча бўғинлари умумий ривожланиш қонуниятларига эга бўлган сифатий ўхшашлик йиғиндисини эътиборга олади. Моҳиятан типология билан таснифлашнинг алоқаси умумий ва махсус бирлик сифатида кўрсатилиши мумкин. Типология таснифлашга таянади, мантиқан билиш жараёни ундан кейин келади, унинг камчиликларини босиб ўтади, бу маънода унинг тўғридан-тўғри давоми ҳисобланади.

Дунё миқёсидаги типологияда ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари ҳуқуқнинг маълум тарихий типига тегишлилигича қараб аниқланади. Унинг тузилиши учун ишлатиладиган мезон тегишли ижтимоий-иқтисодий формациялар томонидан берилган ҳуқуқий тизимлар моҳиятини эътиборга олади. Шундай қилиб, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузум типологик мезон деб ҳисобланиши ва у ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларининг дунё миқёсидаги типологияси, яъни ҳуқуқнинг тарихий типларини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларининг дунё миқёсидаги типологияси шу муҳим нарсани қайд қиладики, бусиз ҳуқуқнинг тарихий типи мавжуд бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас. У ҳуқуқий тизимларни турли шакл ва кўринишларда бўладиган тегишли ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг таркибий қисми деб таърифлайди.

Юридик типология муаммоси умумий ва махсус муносабатлар билан ҳал этилмайди, шунингдек оралик сифатидаги даража ҳам мавжуд, усиз ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларини ўрғаниб бўлмайди. У ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларини умумий

на хусусий ўрганишда ўзаро алоқадорлик сифатида фалсафий тушунчаларни қўллашни кўзда тутади. Бу ерда сўз уч томонлама алоқа, яъни ҳуқуқнинг тарихий типи – дунё миқёсидаги типология натижаси, ҳуқуқий оилани таснифлаш натижаси ва муайян миллий ҳуқуқий тизим ҳақида боради. Ҳар бир миллий ҳуқуқий тизимда, биринчидан, барча ҳуқуқий тизимларга, умуман, ҳуқуққа тегишли ҳуқуқнинг умумий белгилари; иккинчидан, уларнинг айримлари билан ҳуқуқнинг маълум бир тарихий доирасида бирлашувчи хусусиятлар (типологияк белгилар), учинчидан, ҳуқуқ оиласи ва ҳуқуқ гуруҳи доирасида бирлашувчи хусусиятлар ва ниҳоят, фақат тегишли миллий ҳуқуқий тизимларгагина хос бўлган хусусиятлар аниқланади.

Юридик типология доирасида турли ҳуқуқий тизимларни муайян-тарихий, юридик-техникавий ва бошқа хусусиятлари жиҳатдан таснифлаш аънанаси мавжуддир.

Маълумки, ҳуқуқий типологиянинг иккала тури учун ҳам ўзаро алоқа, шартлашилганлик, бир-бирини ўзаро тўлдириб туришлик хос бўлсада, улар бир-бирига қарама-қарши қўйилмаслиги керак. Бунда умумий типология унинг ичидаги таснифлаш учун методологияк асос ролини бажаради, охиргиси эса конкретлаштиради ва у ёки бошқа ҳуқуқнинг тарихий типи доирасида ҳуқуқий тизимларнинг энг муҳим умумий белгиларини маълум маънода шакллантиради.

Таснифлаш умумий типологиянинг ўзига хос хусусиятлари билан ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олмаслиги мумкин эмас, ва аксинча. Умумий типология билан ҳуқуқий тизимларнинг таснифлаш бирлигидагина дунё ҳуқуқий ҳаритаси ҳақида умумий тушунча олиш мумкин.

Таснифлаш ҳуқуқий тизимлар даражасида ҳам, ҳуқуқнинг етакчи соҳалари даражасида ҳам бўлиши мумкин.

Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари таснифини ҳуқуқ оилалари тизими, ҳуқуқ гуруҳлари ва алоҳида миллий ҳуқуқий тизимлар тузилиши бўйича мураккаб деб қарамоқ лозим. Ҳар бир ҳуқуқ оиласи таркибида яна кўп майда таснифларни кўриш мумкин ва, ўз навбатида, уларни ҳам бир нечта ҳуқуқ гуруҳларига бўлиш мумкин. Масалан, роман-герман ҳуқуқ оиласида француз ҳуқуқи ва герман ҳуқуқ гуруҳи, умумий ҳуқуқ оиласида инглиз ҳуқуқи гуруҳи ва Америка ҳуқуқ гуруҳи ажратилади.

Академик В.Кнапп бундай таснифлашни келтиради. Масалан, у роман-герман ҳуқуқ оиласида қуйидаги ҳуқуқ тизимларини фарқлайди: француз ҳуқуқи, австрия ҳуқуқи, герман ҳуқуқи, швейцария ҳуқуқи, скандинавия мамлакатларининг ҳуқуқи, ҳуқуқнинг аралаш тизими, каноник ҳуқуқ¹.

Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимларини таснифлашда юрист «етти ўлчаб бир кес» қабилида иш тутиши керак ва, аввало, ҳуқуқий тизимларнинг унча кўп бўлмаган сони билан чегараланиши лозим. Агар кимда-ким таснифлашда бутун ер шаридаги ҳуқуқий тизимларни ишлатмоқчи бўлса, у эмпирик материал оғирлигини торта олмай қолади. Бугунги кундаги ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларининг энг мукамал рўйхати қиёсий ҳуқуқнинг халқаро қомусида келтирилган. Бироқ бу ерда ҳам дунёдаги барча ҳуқуқий тизимлар қамраб олинган эмас.

Шуниси қизиқки, юрист, аввало, ҳуқуқий тизимларнинг бош бўғинини аниқлаши, сўнг уларнинг кейинги жуғрофий тарқалишини аниқламоғи лозим. Агар дунё ҳуқуқий харитасига назар ташланса, шуни кўриш мумкинки, ер шарининг учдан икки қисми роман-герман ва инглиз умумий ҳуқуқларидан келиб чиқадиган ҳуқуқий тизимлар асосида яшамоқда.

Таснифлаш асоси бўлиб биринчидан, анча кенг ёки аксинча жуда тор илк жуғрофий доира хизмат қилиши мумкин. Иккинчидан, мезонлар эмас, балки тарихий характерда ҳам бўлиши мумкин. Ва, ниҳоят, бу вазифани юридик институтлар ва ҳуқуқ соҳалари ҳам бажариши мумкин. Умуман, ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларини кенг доирада таснифлашда ишлатиладиган мезонлар турли хил омилларни, яъни этник, маданий, жуғрофий, диний омиллардан бошлаб «ҳуқуқий техника», «ҳуқуқ услуги»гача ҳисобга олиши мумкин. Шу боис, юрист олимлар қанча бўлса, таснифлашлар ҳам шунчалик кўп.

Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларини таснифлашни иккита асосий йўналишга бўлиш мумкин. Табиийки, шартли равишда улардан ҳар бири ўз навбатида ўзига хос маълум хусусиятларга эга бўлган бир қанча турларига эга.

¹ *Қаранг: Кнапп В. Крупные системы права в современном мире. Сравнительное правоведение. М., 1978. 228-231 бетлар.*

Биринчи йўналиш француз олими Р.Давиднинг асарларида ўз аксини топган. Уч томлик асарида олим учта «хуқуқ оиласи» (роман-герман, инглиз-саксон, социалистик)ни ажратиб кўрсатади ва уларга дунё харитасининг бешдан тўрт қисмини ўз ичига оладиган ва «диний ва анъанавий тизимлар» деб номланган бутун юридик дунё туташади².

Бундай таснифлашга иккита мезон, яъни мафқуравий (бунга Р.Давид диний, фалсафий, иқтисодий ва ижтимоий омилларни киритади) ва юридик техника мезони асос бўлади. Ўз навбатида, уларнинг иккаласини ажратган ҳолда эмас, балки умумлаштирган ҳолда фойдаланиш зарур. Замоनावий юридик фанда Р.Давиднинг таснифлаши машҳур. Масалан: француз университетларида «Ҳозирги замон асосий хуқуқий тизимлари» ўқув фанининг ўқитилиши худди шу тасниф асосида олиб борилади.

Иккинчи йўналишнинг кўзга кўринган вакили немис юристи К.Цвайгерт ҳисобланади. Таснифлашга беш омил, яъни:

- 1) хуқуқий тизимнинг пайдо бўлиши ва тараккиёти;
- 2) юридик фикрлашнинг ўзига хослиги;
- 3) ўзига хос хуқуқий институтлар;
- 4) хуқуқ манбалари ва уларни шарҳлаш усуллари;
- 5) мафқуравий омилларни назарда тутувчи «хуқуқий услуб» («хуқуқ услуби») мезон бўлиб хизмат қилади.

Шу асосда К.Цвайгерт саккизта «хуқуқий доира»: роман – герман, скандинав, инглиз-америка, социалистик, ислом хуқуқи, ҳинд хуқуқини фарқлайди.

Асосий хуқуқий оилаларни ажратиш учун бир-бири билан ўзаро боғлиқ учта мезон:

- 1) хуқуқий тизимларнинг келиб чиқиши;
- 2) хуқуқ манбалари тизими;
- 3) хуқуқий тизимлар тузилиши, етакчи хуқуқий институтлар ва хуқуқ соҳалари муҳим ҳисобланади.

Хуқуқ асосларининг шакл, тизим ва иерархияси хуқуқий оиланинг ҳолатини тавсифлайди ва уларни таснифлашнинг муҳим мезонини ўзида ифодалайди. Агар роман-герман хуқуқ

² Давид Р. *Основные правовые системы современности*. М., 1988. 39-48-бетлар.

оиласи ёзма кодификациялашган ҳуқуқ, яъни қонунларда ўз ифодасини топган нормалар йиғиндисидан иборат бўлса, бунда доимий ва кенг норма ижодкорлиги қонунларга биржитиладиган умумий тамойилларга йўл топади. Инглиз-америка умумий ҳуқуқи эса континентал ҳуқуқ тизимидан шу маънода фаркланадики, унинг асосида суд прецеденти ётади: у ўзида мажмуалаштирилмаган ҳуқуқий тизимни ифода этади.

Ҳар бир ҳуқуқ оиласи манбалари тизими, аввало, тарихий ривожланишнинг ўзига хослиги билан белгиланади. Шу муносабат билан скандинав ҳуқуқи асослари алоҳида қизиқиш уйғотади. Мана юз йилдан ортиқ вақт давомида кўпчилик қонунчилик актлари бу ерда скандинав давлатлари ҳамкорлиги натижасида қабул қилинади. Агар илгари бу қонунчилик ҳамкорлиги фақат хусусий ҳуқуққа тегишли бўлса, энди у бутун оммавий ҳуқуқ соҳасини ҳам қамраб олади.

Ҳуқуқ манбалари тизимининг тарихий ривожланиш хусусиятларини юридик фикрлаш образи деб аталадиган ҳолат ҳам белгилайди. Масалан, роман-герман юристи учун тушунарли ёндашиш, тушунарли тузилишга, ҳамма ҳуқуқ соҳаларини тўла тизимлаштиришга интилиш ва мантикий алоқаларни мантиқан кўриб чиқиш хосдир. Инглиз юристи ўзини умумлаштириш ва мавҳумлаштириш билан овора қилиб ўтирмайди. У ўз тажрибасига асосланиб, ўз ишини яхши ва муваффақиятли ташкил қилиши мумкин.

Ҳуқуқий тизимларни таснифлашда умуман ҳуқуқ соҳалари ўрнини, айниқса, конституциявий, фуқаролик, савдо, жиний, процессуал каби етакчи соҳаларини эътиборга олмоғи лозим. Бир хил ҳуқуқий тизим ҳуқуқнинг қайси соҳаси мезон сифатида олинishiга қараб, турли ҳуқуқ оиласига киритилган бўлиши мумкин. Масалан, хусусий ҳуқуқ асосида ишлаб чиқилган таснифлашда Лотин Америкаси давлатлари ҳуқуқий тизими баъзи бир фарқланиши билан роман-герман ҳуқуқ оиласига мансублиги сезилади. Лекин конституциявий ҳуқуқ асосидаги таснифлашда бу мамлакатларнинг кўпчилиги умумий ҳуқуқ тизимидаги Америка ҳуқуқи гуруҳига киритилади.

Скандинав ҳуқуқ тизими эса роман-герман ҳуқуқ тизимига мансуб. Бу ерда хусусий ҳуқуқ билан оммавий ҳуқуқ ўртасидаги чегара озроқ аниқликка эгаллиги ҳисобга олинса, у ҳолда у «умумий ҳуқуқ»қа яқинрокдек туюлади.

Шундай қилиб, учта ўзаро боғлиқ мезонлар орасидан қуйидаги саккизта асосий ҳуқуқ оиласини ажратиш мумкин:

роман-герман ҳуқуқ оиласи, Лотин Америкаси ҳуқуқ оиласи, умумий ҳуқуқ оиласи, скандинав ҳуқуқ оиласи, мусулмон ҳуқуқ оиласи, ҳинду ҳуқуқ оиласи, одат ҳуқуқи оиласи, Узоқ Шарқ ҳуқуқ оиласи.

3-§. Роман-герман ҳуқуқ оиласи

Роман-герман ҳуқуқ оиласига Оврупо қитъасида Рим каноник ҳуқуқи ва маҳаллий анъаналар асосида юзага келган ҳуқуқ тизимлари киритилади. У Рим ҳуқуқини итальян, француз ва немис университетларида ўргатиш асосида XII-XVI асрларда Юстиниан қонунлари тўплами асосида шаклланган, кўпгина Оврупо давлатлари учун умумий бўлган юридик фанни ўрганиш асосида юзага келди. «Рим ҳуқуқи рецепцияси» номи оланган жараён юз берди. Бошида бу рецепция назарий шаклда эди. Рим ҳуқуқи бевосита қўлланилмасдан, унинг моҳияти, ривожланган тизими, ички мантики, юридик техникаси ўрганилар эди. Худди шу нарса Оврупо давлатларининг ҳуқуқий тизимларида маълум бир ўхшашликка олиб келди. Шу йўналишда каноник ҳуқуқнинг таъсири ҳам кўзга ташланади. Миллий кодификациялаш ҳуқуққа аниқлик ва равшанлик берди, унинг амалий ишлатилишини анча осонлаштирди ва континентал Оврупода вужудга келган ҳуқуқ нормаси ва умуман ҳуқуқни тушунишнинг мантиқан тугалланиши бўлиб майдонга чиқди. Улар роман-герман ҳуқуқ оиласининг бир бутун ҳолат сифатида шаклланишини тугаллади.

Роман-герман ҳуқуқ оиласи учун ёзма ҳуқуқнинг мавжудлиги, ҳуқуқ асосларининг бир бутун иерархик тизими, унинг оммавий ва хусусий ҳуқуқ соҳаларига бўлиниши, шунингдек ҳуқуқ тизимларининг соҳаларга бўлиниши ҳосдир. Роман-герман ҳуқуқи оиласидаги барча мамлакатлар ҳуқуқи учун уни тизимлаштирувчи хусусияти – озми-кўпми бир хил ҳуқуқ тамойилларининг яққа тизими умумий саналади. Бу мамлакатларнинг барчасида ёзма конституциялар мавжуд бўлиб, улардаги нормалар орқали олий юридик нуфуз тан олинади. Кўпчилик давлатларда бу нуфуз одатдаги қонунларнинг конституцияга мослиги юзасидан суд назоратини

ўрналиш билан мустаҳкамланади. Конституциялар турли давлат органларининг қонунчилик ваколатларини белгилайди ва шу ваколатга мувофиқ турли ҳуқуқ манбаларини даражалаштиришни ўтказиши.

Роман-герман юридик назарияси ва қонунчилик амалиёти одатдаги қонуннинг уч турини фарқлайди: тўпламлар, махсус қонунлар (даврий қонунчилик) ва нормаларнинг тўпланган матнлари.

Қўпчилик континентал мамлакатларда фуқаролик (фуқаролик ёки савдо), жиноят, фуқаролик процессуал, жиноят процессуал кодекслари ва бошқа баъзи бир қабул қилинган қонунлар амал қилапти.

Одатдаги қонунчилик тизими ҳам анча кенгайтирилган. Қонунлар ижтимоий муносабатларнинг алоҳида соҳасини тартибга солиши, масалан, ҳиссдорлик қонунлари. Ҳар бир мамлакатда уларнинг сони жуда кўп. Роман-герман ҳуқуқи манбалари орасида қонунга биноан қабул қилинган актларнинг, регламентлар, маъмурий фармойишлар, вазирлар декретлари ва ҳоказоларнинг роли катта ва бу роль янада ортиб бормоқда.

Роман-герман ҳуқуқи манбалари тизимида одат ҳуқуқи ўзига хосдир: у фақат қонунга қўшимча сифатида ҳаракат қилиб қолмасдан, балки «қонундан ташқари» ҳам амал қила олади. Шундай ҳолатлар бўладики, одатлар «қонунга қарши» бўлиб қолади. Масалан, Италия навигация ҳуқуқида денгиз одати фуқаролик кодекси нормасидан устун келиб қолади. Бугунги кунда одат баъзи истисноларни эътиборга олмаганда, мустақил ҳуқуқ манбаи хусусиятини йўқотди.

Суд амалиёти ҳолатининг анча қарама-қарши эканлигини кўриш мумкин. Лекин шунга қарамай, суд амалиётини ёрдамчи манбалар қаторига қўшиш мумкин эмас. Биринчи навбатда бу «кассацион прецедент» билан боғлиқ. Чунки кассацион суд – олий поғонадир, шунда «оддий» суд қарори масалан, қийослаш ёки умумий тамойилларга асосланган, кассацион босқичини ўтиб, шунга ўхшаш ишларни ҳал қилишда бошқа судлар томонидан фарқли прецедент деб қаралиши мумкин.

Роман-герман ҳуқуқи тизимида, шу ҳуқуқ оиласи қурилишининг асосий тамойилларини ишлаб чиққан доктрина алоҳида ўрин эгаллайди. Доктрина қонунни тайёрлаш фао-

лиятида анча муҳим роль ўйнайди. У ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунларни шарҳлаш ҳам ишлатилади.

Халқаро алоқаларнинг ривожланиши билан миллий ҳуқуқий тизимлар учун халқаро ҳуқуқ катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Баъзи бир давлатларда халқаро шартномаларга, ички қонунларга нисбатан, катта юридик куч берилмоқда. ГФР нинг 1949 йилдаги Конституциясида «халқаро ҳуқуқнинг умумий тамойиллари» қонунга нисбатан устуликка эгаллиги тўғридан-тўғри айтилади. Шундай қилиб, иерархия тизимининг ягона чизмаси доирасида акцентларнинг моҳият аралашуви бўлсада, роман-герман оиласига кирувчи давлатлар учун бундай чизмалар ҳосилдир. Худди шундай ҳуқуқий тизим ҳақида унинг соҳаларга бўлинишини айтиш мумкин.

Роман-герман оиласига кирувчи барча давлатларда ҳуқуқни оммавий ва хусусийга бўлиш тан олинади. Бундай бўлиниш умумий характерга эга ва охириги пайтларда ўзининг аввалги аҳамиятини йўқотди. Энг умумий маънода шуни айтиш мумкинки, оммавий ҳуқуққа давлат органлари мақоми ва фаолияти тартибини белгилайдиган ва индивид билан давлатнинг муносабатларини белгилайдиган соҳа ва институтлар тегишлидир. Хусусийга эса, шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солалиган соҳа ва институтлар тегишли. Ҳар бир бу икки соҳага турли давлатларда деярли бир хил соҳалар мос келади. Лекин, масалан, ГФРда оммавий ва хусусий ҳуқуқ ўртасидаги бўлиниш, Франциядаги нисбатан унчалик сезилмайди, умумий, маъмурий ва конституциявий адлия органларини ташкил қилиш ваколатида Франциядагига нисбатан бошқача аксини топган.

Турли Оврупо давлатлари ҳуқуқининг роман-герман ҳуқуқ оиласига мансублиги миллий ҳуқуқий тизимлар ўртасидаги маълум фарқларни истисно қилмайди. Шуни эслатиб ўтамизки, бир томондан француз ҳуқуқи, иккинчи томондан герман ҳуқуқи шу моделга хизмат қилишдики, бунинг асосида роман-герман ҳуқуқ оиласи ичида иккита ҳуқуқ гуруҳи ажратилади: роман гуруҳи; бунга Бельгия, Люксембург, Нидерландия, Италия, Португалия, Испания киради, герман ҳуқуқ гуруҳи, унга Австрия, Швейцария ва бошқа давлатлар тегишли. Роман-герман ҳуқуқи оиласида француз ҳуқуқида энг кучли деб танилган «рим (роман) ҳуқуқи» «герман ҳуқуқи»

гурухидан фарқ қилади, «герман ҳуқуқи»га герман ҳуқуқи фани анча таъсир кўрсатган.

4-§. Англия-Америка ҳуқуқий тизимлари (умумий ҳуқуқ оиласи)

Асосий ҳуқуқ манбаи ҳаракатга киритилган қонун ҳисобланган роман-герман ҳуқуқий давлатларидан фарқ қилиб, инглиз-саксон ҳуқуқий оиласига кирувчи давлатларда судьялар томонидан шакллантирилган ва суд прецедентларида ифодаланган норма ҳуқуқнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Инглиз-америка умумий ҳуқуқи, рим ҳуқуқи каби «ҳимоя бор жойда ҳуқуқ бор» тамойилига асосан ривожланган «Адолат ҳуқуқи» қоидалари билан тўлдирилган ва такомиллаштирилган инглиз умумий ҳуқуқини кодификация қилишнинг барча уринишларига (И. Бентам) қарамасдан, у судлар томонидан тузилган прецедент ҳуқуқи ҳисобланади. Бу статут (қонунчилик) ҳуқуқи ролининг ўсишини истисно қилмайди. Шундай қилиб, инглиз ҳуқуқи уч хил тузилишга эга бўлди: умумий ҳуқуқ – асосий манба; бу асосий манбани тузатувчи ва тўлдирувчи адолат ҳуқуқи; статут ҳуқуқи – парламент томонидан чиқарилган ёзма ҳуқуқ.

Инглиз-америка ҳуқуқий оиласида Англия ҳуқуқи гуруҳини ва келиб чиқиши жиҳатидан у билан боғлиқ АҚШ ҳуқуқини фарқлаш керак. Англия ҳуқуқи давлатлари гуруҳига Англия билан бирга Британия империясининг собиқ мустамлакалари – Ирландия, Канада, Австралия, Янги Зеландия кирди. Ҳозирги даврда 36 та давлат Ҳамдўстлик аъзоси ҳисобланади. Маълумки, Англия йирик мустамлакачи давлат бўлиб, инглиз умумий ҳуқуқи кўпгина мамлакатларда тарқалган эди. Бунинг натижасида бугунги кунда дунё аҳолисининг учдан бир қисми инглиз ҳуқуқи нормалари асосида яшамокда.

АҚШ ҳуқуқи инглиз умумий ҳуқуқига асосланган бўлиб, ҳозирги пайтда тўла мустақилдир. Француз ҳуқуқи сезиларли роль ўйнайдиган Луизиана штати ва худудида испан ҳуқуқи тарқалган жанубий штатлар бундан мустасно.

Умумий ҳуқуқ – ўзида тарихнинг чуқур таъсирини мужассамлаштирган тизим бўлиб, бу тарих эса то XVIII асргача, истисносиз инглиз ҳуқуқи тарихидир, у уч йўл: умумий

ҳуқуқнинг шаклланиши, уни адолат ҳуқуқи билан тўлдириш, статутларини шархлаш билан ривожланади.

Бироқ агар континентал Оврупо юристлари ҳуқуқни ўрнатилган тартиблар мажмуи деб қарасалар, инглизлар учун эса, у, асосан, суд нима қарорга келса шуни билдиради. Қитъада юристлар, авваламбор, бу ҳолат қандай шархланиши билан қизиқсалар, Англияда эса суд тўғри қарори чиқариши учун у қайси тартибда қурилиши билан қизиқишади.

Францияда, Германияда, Италияда, роман-герман ҳуқуқ оиласига кирувчи барча давлатларда одил судлов доимо университетларнинг юрист дипломига эга бўлган судьялар томонидан амалга оширилган. Ҳатто Англияда XIX асргача «юқори судлар»да ҳам юридик университет маълумотига эга бўлиш шарт эмас эди; улар адвокат бўлиб ишлаш, судлов ишлари амалиётини ўрганиш жараёнида мутахассисликни эгаллар эдилар. Фақат бизнинг давримизда адвокат ёки судья бўлиш учун университет дипломини олиш зарур одат бўлиб қолди. Юридик касб билан шуғулланиш имконини берадиган профессионал имтиҳонлар жиддий масала бўлиб қолди, ҳозирги кунда уларни юридик дипломнинг муқобили деб қараш мумкин. Лекин бугунги кунда ҳам инглизлар назарида ишларнинг судда виждонли кишилар томонидан кўрилиши асосий мезон бўлиб қолди. Уларнинг фикрича, умумий ахлоқнинг бир қисмини ташкил қилувчи судлов ишларининг асосий тамойилларига риоя қилиш «яхши судлаш» учун етарлидир.

Англия ҳуқуқи ҳозирда ҳам асосан муайян ҳолатларни кўриб чиқиш жараёнида судлар томонидан ишлаб чиқилган суд ҳуқуқи бўлиб қолмоқда. Прецедент қондаси нуқтаи назаридан олиб қараганда, бундай ёндашиш низомни етказиб беради, бунда умумий ҳуқуқ нормалари кўпроқ ўзгарувчан ва озроқ мавҳум ҳисобланади, лекин роман-герман ҳуқуқ тизими нормаларига нисбатан ҳуқуқни кўпроқ казуистик қилади.

Англо-саксон ҳуқуқ оиласида ҳуқуқ тузилиши (ҳуқуқ соҳалари ва институтларига бўлиш), ҳуқуқ концепцияси, ҳуқуқ, манбалари тизими, юридик тил – буларнинг ҳаммаси роман-герман ҳуқуқ тизимига нисбатан бутунлай бошқача. Инглиз ҳуқуқида ҳуқуқ оммавий ва хусусийга бўлинмасдан, умумий ҳуқуқ ва адолат ҳуқуқиға фарқланади.

Инглиз ҳуқуқи соҳалари континентал ҳуқуқ тизимидаги-дек ифодаланган, бунинг шарти кўпроқ иккита омилга боғлиқ. Биринчидан, ҳамма судлар умумий юрисдикцияга эга, яъни турли категориядаги, масалан: оммавий ва хусусий-ҳуқуқий, фуқаролик, савдо, жиноий ишларни кўриб чиқишлари мумкин. Бўлинган юрисдикция ҳуқуқ соҳаларини чегаралашга олиб келади, бирхиллаштирилгани эса, аксинча йўналишда ҳаракат қилади.

Иккинчидан, инглиз суд амалиёти асосий масалалар бўйича қонунчилик ислохоти йўли билан аста-секин ривожланиди. Англияда Оврупоча типдаги кодекслар йўқ. Шунинг учун инглиз юристига ҳуқуқ бир хил бўлиб кўринади. Инглиз доктринаси ҳуқуқнинг таркибий бўлиниши ҳақидаги мунозарани билмайди.

Америка инқилоби биринчи ўринга ўзининг «инглизча ўтмишидан» воз кечувчи мустақил америка ҳуқуқини барпо этиш ғоясини сурди. 1787 йилда ёзма федерал конституциянинг ва АҚШ таркибига кирган штатлар конституцияларининг қабул қилиниши бу йўлда биринчи ва муҳим қадам бўлди. Инглиз ҳуқуқида шу билан бирга прецедент тамойилидан ва умумий ҳуқуқнинг бошқа характерли белгиларидан бутунлай воз кечиш кўзда тутилади. Лекин Америка ҳуқуқи роман-герман оиласига ўтмайди. Фақат баъзи штатлар, яъни собиқ француз ва испан мустамлакалари бўлган штатларда (Луизиана, Калифорния) роман типдаги кодекслар қабул қилинди, улар барибир кейинчалик аста-секин «умумий ҳуқуқ» томонидан сингдириб юборилди.

Умуман, АҚШда Англиядагига ўхшаш дуалистик тизим: прецедент ҳуқуқи қонунчилик билан ўзаро ҳаракатдаги тизим вужудга келди; Англияда ва АҚШда худди шундай ҳуқуқнинг умумий концепцияси ва унинг роли мавжуд, умуман икки давлатда ҳам ҳуқуқни бир хилда бўлиш тамойили, ҳуқуқ нормаларининг бир хил тушунчаси ва уларни изоҳлаш мавжуд.

Инглиз юристи сингари америкалик юрист учун ҳуқуқ – бу, авваламбор, суд амалиётидир. Қонун чиқарувчи томонидан чиқарилган нормалар кўп маротаба судлар томонидан қўлланган ва шарҳлангандагина Америка ҳуқуқий тизимига киритилади. Бунда нормаларнинг ўзи эмас, балки суд қарорлари далил сифатида келтирилади. Шундай қилиб, АҚШ

ҳукуқи умумий ҳуқуқ тизимига ўхшаш тузилишга эга. У ёки бу муаммони кўриб чиқишга киришилганда, америка ва инглиз ҳукуқи ўртасидаги муайян фарқлар юзага чиқади, уларнинг кўпи ҳақиқатдан ҳам муҳим ва эътибордан соқит қилиш мумкин эмас.

Шундай фарқлардан бири АҚШ федерал тузилиши билан боғлиқ. АҚШ таркибига кирувчи штатлар анча кенг ваколатларга эга ва бу ваколатлар доирасида улар ўз қонунчилигини ва ўз прецедент ҳукуқи тизимини яратади. Шуносабат билан шунини айтиш мумкинки, АҚШ нинг 50 та штатида 50 ҳуқуқий тизим мавжуд ва бундан ташқари 1 та федерал ҳуқуқ тизими умумий равишда иш кўради, жами бўлиб 51 та ҳуқуқий тизим мавжуд. Ҳар бир штат суди ўз юрисдикциясини мустақил равишда амалга оширади. Шунинг учун, бир штат суди қабул қилган қарорга бошқа штатларнинг судлари амал қилиши шарт эмас.

Суд амалиётининг бир хиллигига интилиш қанчалик кучли бўлишига қарамадан, барибир турли штат судлари бир хил мазмундаги ишлар бўйича баъзан бутунлай қарама-қарши қарорлар қабул қилиши ҳоллари ҳам учрайди. Бу эса штатлар судлари (кўпчилик ишларни кўриб чиқувчи) қарорлари билан маълум тоифадаги ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган федерал судлар ўртасидаги тафовутларни чуқурлаштирадиган қарама-қаршилиқларни вужудга келтиради.

Америка ҳукуқи инглиз ҳуқуқидан яна бир жиҳати билан, яъни прецедент таркибининг кўпроқ, эркин ҳаракатда бўлиши билан фарқ қилади. Штатларнинг юқори суд инстанциялари ва АҚШ Олий суди ҳеч қачон ўз прецедентлари билан боғланган эмаслар. Шундан уларнинг ҳуқуқни ўзгараётган шароитга мослаштириш жараёнидаги анча эркинлиги намоён бўлади. Прецедент билан кўпроқ эркин муносабат, Америка судларининг (машҳур инглиз судлари эмас) қонунларни конституцияга мослаштиришни назорат қилиши алоҳида аҳамият касб этади. Штат олий суди ёки АҚШ Олий суди шундай қилиб конституцион шарҳлаш прецедентидан воз кечиши мумкин. Олий суд томонидан, айниқса, фаол ишлатиладиган конституциявий назорат ҳуқуқи нисбатан катта обрўга эга ва кўпроқ аҳамиятли. Бу аввало ёзилган конституциянинг борлиги, аниқроғи конституцияларнинг

бутун тизими: икки юз йил амалда бўлиб келган федерал ва турли ёшдаги штатлар конституциялари билан боғлиқ. Шунга қўшимча равишда юқорида айтиб ўтилдики, штатларга анча кенг қонунчилик ваколати берилган ва улар ундан фаол фойдаланишмоқда. Шундан катта ҳажмдаги қонунчилик ҳужжатлари штат даражасидаги статут ҳуқуқини эгаллайди.

АҚШ статут ҳуқуқида инглиз ҳуқуқи билмайдиған кодекслар ҳам учрайди. Бир қанча штатларда фуқаролик кодекси ҳаракатда, 25 тасида – фуқаролик жараёни, ҳамма штатларда – жиноят процессуал кодекси бор. АҚШда кодификациянинг махсус шакли, бир хил қонунлар ва кодекслар деб аталадиган тузилиш бор. Уларнинг мақсади қаерда айниқса муҳим бўлса, ҳуқуқнинг шу томонлари мумкин бўлган бирлигини ўрнатишдир. Шунақа қонунлар ва кодекслар лойиҳасини тайёрлашни барча штатлар вакилларининг умуммиллий комиссияси Америка ҳуқуқ институти ва Америка адвокатлар уюшмаси билан биргаликда амалга оширади. Лойиҳа қонун бўлиши учун у штатлар томонидан қабул қилиниши керак. Шундай кодекслар орасида биринчи ва энг машҳури 1962 йилда расман маъқуланган умумий савдо кодекси ҳисобланади.

АҚШда Англиядаги каби қонуннинг қабул қилиниши, уни шарҳлаш суд прецедентиға боғлиқ ва унинг бир хилда шарҳланишиға кафолат йўқ.

Бир қатор сабабларға кўра (мустамлакачилик босқини, рецепция (ўзлаштириш), мафкуравий таъсир ва бошқалар) Оврупо чегарасидан ташқарида шаклланган бир қанча миллий ҳуқуқий тизимлар бор. Улар у ёки бу изоҳлар билан роман-герман ҳуқуқ оиласиға киритилиши мумкин. Сўз «Лотин Америкаси ҳуқуқи», яна тўғридан-тўғри роман-герман оиласиға кирмаса ҳам, лекин унга яқин «скандинав ҳуқуқи» ҳақида бормоқда.

5-§. Лотин Америкаси ҳуқуқий тизимлари

Лотин Америкаси мамлакатлари ҳуқуқий тизимлари Лотин Америкаси давлатларининг тарихий тақдиридаги умумийлик, ижтимоий – иқтисодий тузум ва сиёсий тузилишнинг ўхшашлигини, уларнинг кўпида ўхшаш сиёсий-ҳуқуқий институтларни вужудға келтирди. Бу билан уларнинг

ҳуқуқий тизимлари ўхшашлиги ҳам юзага келди. Шунинг учун ҳам Лотин Америкаси ҳуқуқи ҳақида гапириш мумкин. Лотин Америкаси ҳуқуқи ўз асосида – кодификацияланган ҳуқуқ, хусусан кодекслар оврупоча нусхада тузилган. Бу, эса биринчи навбатда унинг роман-герман ҳуқуқ оиласига яқинлиги ҳақида гапириш имконини беради. Шундан ва бошқа ўхшаш белгилари – деярли ўхшаш ҳуқуқ, ҳуқуқ нормасининг умумий характеридадир. Худди оврупоча, аввало, кодификациянинг французча моделини қабул қилишга Лотин Америкаси давлатлари маълум даражада колониал ҳуқуқ, ўз тарихий ривожланиши бўйича француз ҳуқуқига яқин турадиган ва Америка қитъасига босқинчилар томонидан олиб келинган испан ва португал ҳуқуқи характери билан тайёрланган эдилар.

Характерлиси шундаки, ҳатто АКШга жуғрофий жиҳатдан бошқаларга нисбатан яқин турган давлатлар ҳам оврупоча континентал модель тарафдорлари бўлдилар. Бунга мисол тариқасида Мексикани кўрсатиш мумкин. Бу ерда сиёсий мустақиллик кўлга киритилганидан кейин «ҳуқуқий тизими» ҳуқуқнинг континентал тизими роман-герман гуруҳига хос бўлган ҳуқуқий ғоялар ва юридик техникани қабул қилди. Роман анъаналари Мексикада яна шунда кўринадики, унинг XIX асрда қабул қилган биринчи кодекслари ва кўпгина қонунлари ўзида француз ва испан ҳуқуқининг сезиларли таъсирини синаб кўрди.

Ўтган асрда қабул қилинган баъзи кодекслар бир қатор давлатларда янгиси билан алмаштирилди ёки сезиларли даражада замонавийлаштирилди (масалан, Мексикада 1917 йилдаги конституция қабул қилинганидан кейингидагидек), лекин кўпчилик ҳолларда эски кодификация кучда қолди. Бу ҳолат Франция ва ГФРда кузатишга ҳолатдагидек ва ўз навбатида худди ўша муаммо ва оқибатларни келтириб чиқарди. Эски қонунлар кўп сонли қонунлар ва қонуности актлари билан ўраб олинди. Лотин Америкаси ҳуқуқида, айниқса, ҳавола қилинган қонунчиликнинг роли катта, яъни ҳуқуқат актлари, президентлик бошқарув шакли билан ҳам ва узоқ муддатли «ҳарбий бошқарув» билан боғлиқ. Бунда нормал қонунчилик фаолияти факти йўққа чиқарилади.

Одат ҳуқуқининг Лотин Америкаси ҳуқуқи манбаи си-

фатидаги роли давлатдан давлатга ўзгариб боради. Аргентинада у анча кўп, Уругвайда эса, аксинча, оз. Лекин умуман бу ёрдамчи ҳуқуқ манбаидир ва Оврупо китъасида у қонунда кўрсатилган ҳолларда ишлатилади.

Тўртта Лотин Америкаси давлатлари федератив давлат ҳисобланади: Аргентина, Бразилия, Венесуэла ва Мексика. Бу давлатлар ҳуқуқини характерлаб, федерация ва унинг аъзолари ваколатининг тақсимланишини ҳисобга олмоқ лозим. Хусусан қонунчилик ваколатининг асосий қисми федерацияга тегишлидир.

Лотин Америкаси ҳуқуқи роман-герман ҳуқуқидан аввало оммавий ҳуқуқ соҳасида фарқланади. Агар Лотин Америкаси давлатлари мустақилликни қўлга киритиб, хусусий мулк шаклини киритишда назарларини Оврупага қаратган бўлсалар, конституциявий намунани улар АҚШда топдилар. Бу давлатлар конституциялари америкача бошқарув шакли – президентлик республикаси, бошқа конституциявий институтларни ўзлаштирган. АҚШ, Лотин Америкаси давлатларида, хусусан, таълаш имкони ҳам йўқ эди. АҚШ конституцияси ўша даврда бирдан-бир ёзилган амалдаги республика конституцияси эди. Шу билан бир вақтда Америка конституциявий намунасини қабул қилиш Лотин Америкасининг «дуализми», унга европача ва америкача модель қўшилганлигини гапиришга асос яратади. Лекин шуни алоҳида қайд қилиш керакки, АҚШдан фарқ қилиб, Лотин Америкаси давлатлари учун конституциявий барқарорлик хос эмас. Масалан, Венесуэлада 168 йил ичида (биринчи конституция қабул қилинган вақтдан бошлаб) йигирмата конституция, Боливияда эса 152 йил ичида 21 та конституция қабул қилинган.

Лотин Америкаси ҳуқуқи хусусиятларидан яна шуни айтиш керакки, бу минтақа давлатлари қонунларнинг конституцияга мослиги устидан суд назорати институти, суд конституциявий назоратининг америкача модели билмайдиган ҳолатлар ишлатилишини ҳам қўшиб, АҚШдан суд тизими қурилиши ва фаолияти тамойилларини олиб (айниқса Олий судлар ташкил этилиши ва ваколатига тегишли ҳамма жиҳатларни), лекин кўпинча Америка моделининг кўринишини ўзгартирдилар, қатор ҳолларда суд ҳокимиятини амалга

оширишнинг миллий концепциясини ишлаб чиқдилар, АҚШдан фарқ қилиб, суд амалиёти уларнинг кўпчилигида ҳуқуқ манбаи ҳисобланмайди.

XX асрда Лотин Америкаси ўтган даврларга ҳос бўлган хорижий сиёсий-ҳуқуқий моделлардан ҳам оммавий, ҳам хусусий ҳуқуқда андоза олишдан озод бўлмоқда. Давлат ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятидаги маҳаллий миллий институтлар ташкил этилиши ва ривожланиши тамойили кучаймоқда. Конституциялар матни аниқроқ бўлиб бормоқда, ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий шароитни ва сиёсий аҳволни, умуман дунёдаги ва хусусан Лотин Америкасидаги аҳволни анча яхши ҳисобга олмақда.

6-§. Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимлари

Скандинавия давлатлари – Швеция, Норвегия, Дания, Финляндия жугрофий жиҳатдан роман-герман ҳуқуқ оиласи давлатларига Лотин Америкаси ёки Японияга нисбатан анча яқин бўлишларига қарамасдан, Скандинавия ҳуқуқининг ўзига хослигини қайд қилиб ўтмоқ лозим. Рим ҳуқуқи, албатта, скандинав давлатлари ҳуқуқ тизимининг ривожланишида Франция ва Германиядагига нисбатан анча кам роль ўйнаган.

Шимолий мамлакатларда Франциянинг гражданлик кодекси ёки Германия гражданлик тузуклари каби кодекслар йўқ ва бўлмаган ҳам.

Бу ерда суд амалиёти Оврупо қитъаси мамлакатларига нисбатан кенг аҳамиятли ўрин эгаллаган.

Скандинавия ҳуқуқи ва англо-саксон тизимига умумий ҳуқуқ деб қараш лозим эмас. Шимолий мамлакатлар ҳуқуқий тизимининг тарихий ривожланиши инглиз ҳуқуқидан мутлақо мустақил тарзда тараққий этган. Шунингдек, скандинав ҳуқуқи умумий ҳуқуқнинг прецедент қондаси, фарқлаш техникаси, процессуал ҳуқуқнинг махсус роли тавсифий белгиларига эга эмас.

Шимолий ҳуқуқий тизимларнинг ўзаро мустақил боғлиқлиги Скандинавия мамлакатлари ўртасидаги мустаҳкам сиёсат, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг доимий мавжудлигидадир.

1683 йилда Данияда қабул қилинган «кирол Христиан V Кодекси» (унинг амал қилиши 1687 йилда Норвегияда «Норвег ҳуқуқи» номи билан тарқалган) ва 1734 йилги «Швед давлати қонунлар кодекси» каби икки қонунчилик ҳужжати, кодекс скандинав мамлакатлари ҳуқуқининг шаклланишида бошланғич нуқта бўлган. Бу кодекслар ҳар иккала, дания ва швед – скандинавия ҳуқуқи тармоқларининг кейинги ривожланиш асосини ташкил қилди.

Кодификацияланган қонунчилик Скандинавия ҳуқуқининг катта қисми бўлмаган. Масалан, Норвегия ва Данияда суд амалиётининг ҳуқуқ манбаи сифатидаги зарурий аҳамиятини кўрсатувчи аниқ ёндашув кузатилади. Швецияда ҳам суд амалиётининг тутган ўрни катта аҳамиятга эга. Бу эса скандинав ҳуқуқини роман-герман тизимидан фарклантириб, умумий ҳуқуққа яқинлаштиради.

Скандинав ҳуқуқи нафақат ҳуқуқ ривожланишининг тарихий йўлидаги ўхшашлик билан, балки қонунчиликдаги ўзига хос хусусиятлар, манбалар тизими билан ҳам ягона тизим сифатида чиқади. Бу ерда Скандинавия мамлакатларининг қонунчилик соҳасидаги мустаҳкам ҳамкорлиги алоҳида ўрин эгаллади. XIX аср охирида бошланган бу жараён ҳамма иштирокчи давлатларда тенг амалда бўлган бирхиллаштирилган актлар сонининг анча кўп яратилишига олиб келди.

Скандинавия мамлакатларида ҳуқуқ уйғунлашувининг юқори даражасига эришиш учун алоҳида мақбул шароитлар мавжуд бўлган. Уларнинг тарихий ривожланиши ва тиллари анча ўхшаш, маданий алоқалари жуда мустаҳкам, улар орасида жиддий сиёсий фарқланиш мавжуд эмас, уларнинг аҳолиси, жуғрофий ҳолати ва иқтисодий ривожланиш даражаси тахминан бир хил бўлган. Ушбу барча ҳолатлар, шунингдек бу давлатларда ҳуқуқнинг параллел йўналишда ривожланиши ҳуқуқий ҳамкорликни анча осонлаштирган.

Умуман олганда континентал моделга яқин бўлган Скандинавия ҳуқуқи моҳиятан ўзига хос хусусиятларга эга.

7-§. Мусулмон мамлакатлари ҳуқуқий тизимлари (ислом ҳуқуқи)

Мусулмон ҳуқуқи VIII-X асрларда Араб халифалиги даврида пайдо бўлиб, мусулмон дини – ислом асосида диний шаклда ифода этилган, асосан диндор мусулмон зодагонларининг эркини ўзида акс эттирувчи, у ёки бу даражада диний мусулмон давлатлари томонидан тасдиқланган ва қўллаб-қувватланган нормалар тизимидан иборат.

Ислом ҳуқуқни Оллоҳ томонидан тарихий бир даврда инсониятга Муҳаммад пайгамбар орқали нозил этилган деб билади. Жамият доимо ўзгарувчан ижтимоий шароит таъсири остида ўз ҳуқуқини яратмасдан, балки Оллоҳ томонидан бир маротаба ва абадий берилган ушбу ҳуқуқ орқали бошқарилиши лозим.

Ҳақиқатан, мусулмон ҳуқуқи назарияси Оллоҳнинг инояти шарҳлар ва изоҳларга муҳтожлигини тан олади, шунинг учун ҳам асрлар давомида бунга мусулмон ҳуқуқшуносларининг машаққатли меҳнатлари сарфланган.

Ушбу хатти-ҳаракатлар янги ҳуқуқни яратишга йўналтирилмасдан, балки Оллоҳ томонидан берилган ҳуқуқдан факатгина амалиётда фойдаланишга кўмак берди.

Мусулмон ҳуқуқи Оллоҳ эркини ўзида қанчалар акс эттирмасин, нафақат одатдаги ҳуқуқий соҳага тегишли бўлмай, балки ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини камраб олган. Шундай қилиб, мусулмон ҳуқуқи мусулмон билиши шарт бўлган мақсадларни, амал қилиши талаб қилинган рўзани, бериши фарз бўлган закотни, зиёрат қилиши керак бўлган ҳажни кенг маънода ёритиб беради. Белгиланган қоидаларга риоя қилишлик учун мажбур қилиш мумкин эмас.

Бунда у юридик нормаларни, шунингдек ҳуқуқий бўлмаган, биринчи навбатда диний ва ахлоқий регуляторларни ҳамда одатларни ўз таркибига киритган ягона ижтимоий-норматив тартибга солувчи ислом тизими асосига қурилади.

Шариат икки қисмдан – диний, яъни эътиқод тамойилларидан (ақида) ва ҳуқуқдан (фикҳ) иборат.

Фикҳ, яъни мусулмон ҳуқуқи икки қисмга бўлинади; биринчиси, мусулмоннинг ўзига ўзгалар муносабатига нисбатан хулқий қарашига кўрсатма беради (муомалат), иккинчи-

си эса, мусулмоннинг Оллоҳ олдидаги мажбуриятини (ибодат) белгилайди. Бу иккала қисм ҳам ҳуқуқий мактаблар томонидан қандай аниқланган ва ўрганилган бўлса, худди шундай кўринишда юридик фанлар предметини ташкил қилади.

Фикҳнинг асосий вазифаси мусулмон давлати қонунчилиги билан унинг бирламчи манбалари орасидаги узвий боғлиқликни сақлаб қолишдир. Мусулмон юридик фанлари билан дунёнинг юридик фанлари орасидаги фарк, мусулмон ҳуқуқий тизими Куръондан бошланиб, ҳуқуқни инсоният ақл-идроқининг ва ижтимоий шарт-шароитнинг маҳсули эмас, балки Оллоҳ томонидан ўрнатилган туҳфа деб ҳисоблашидан иборат эканлигидадир.

Ислом – учта жаҳон дини ичида энг ёши бўлсада, у жуда ҳам кенг тарқалган. Турли ҳисоб-китобларга қараганда, дунёда 750 миллиондан 1 миллиардгача киши ислом динига эътиқод қилар экан. Улар 51 давлатда кўпчиликни ёки аҳолининг сезиларли бўлагини ташкил қилади. Бирок, мусулмон ҳуқуқининг амал қилиш доираси мусулмон аҳолиси бор мамлакатларнинг жуғрофий чегараларига мос тушмайди.

Исломга дин сифатида эътиқод қилувчи, лекин мусулмон ҳуқуқини қабул қилмаган миллатлар ва этник гуруҳлар ҳам мавжуд.

Мусулмон юридик фанлари асосини казуистик усул ташкил қилади. Унда «илъм ал фуру» ёки ишларни ҳал қилиш (масъул) номи мустаҳкамланган. Суннийлар ва шиъалар ҳамма мактаблари тармоқларининг бошида таълимотлари тан олинган – Мадина ва Ироқ мактаблари туради. Ушбу қадимги мактаблар ўз назоратидаги худудларда илдиз отиб, оддий ҳуқуқдан фойдаланиб, уни янги дин эҳтиёжларига мослаштирган.

Тарихий сабабларга кўра, бугунга келиб мусулмон ҳуқуқининг тўртта суннийлар (ханафийлар, моликийлар, шафийийлар, ханбалийлар) мактаби, шунингдек учта шиъалар (жафарийлар, исмоилийлар, зайдийлар) мактаби бор.

Ҳар бир мактаб ўзининг юридик услуги ва қарашлар тизимига эга, шунинг учун уларнинг ҳар бири мусулмон ҳуқуқининг алоҳида тизими бўлиб ҳисобланиш учун даъвогарлик қилади.

Мусулмон ҳуқуқи мустаҳкам тизимга эга бўлган, рад қилиб бўлмайдиган далилларга асосланади.

Мусулмон ҳуқуқшунослари қайсидир томондан тасодифий ёки ноаниқ бўлган ҳамма нарсани қоралайдилар.

Мусулмон ҳуқуқшунослари томонидан шакллантирилган ҳуқуқий нормалар ўз тузилишига биноан доим ташқи далилларга асосланади. Шахснинг мақсад ва ниятлари ҳеч қачон эътиборга олинмайди. Ҳамма психологик (рухий) унсурларни кўриб чиқишга онгли равишда йўл қўйилмайди.

Қонунларнинг мусулмон ҳуқуқи тушунишида ўз тараққиётининг сўнгги босқичидаги римча ва ғарбча тушуниш мавжуд эмас.

Назарий томондан фақат Оллоҳ қонунчилик ҳокимиятига эга. Ҳақиқатда эса мусулмон ҳуқуқининг ягона мактаби ҳуқуқшунос олимларнинг таълимотларидир. Қозилар судлов ишини кўраётганда ҳеч қачон Куръони Карим ёки Сунна – пайгамбар ҳадисларига мурожаат этмайдилар. Бунинг ўрнига у мавқеи таниқли бўлган фақиҳ асарларига мурожаат қилади.

Ҳуқуқ маълум нормалар йиғиндиси сифатида, ислом пайдо бўлгандан кейинги дастлабки икки аср давомида ташкил топди. Кейинги асрларда амалда ҳеч бир янгилик киритилмаган. Бу турғунлик «Инсонлар хатти-ҳаракати»га берк эшик – «ижтиҳод» номи билан ифодаланади. Аммо шиъалар мактаби ушбу «берк эшик»ни ҳеч қачон тан олмаган. Шунинг учун шиалар ҳуқуқи суннийлар мактаби амал қилган ҳуқуққа нисбатан анча мослашувчан бўлган.

Шундай бўлишига қарамай, XIX асргача бўлган бутун давр мобайнида мусулмон ҳуқуқи англаш эволюцияси, шариятнинг аъъанавий ҳолати ва тамойилларининг ҳеч қачон одатий маъносини ўзгартирмай ҳамда тўғридан-тўғри юз ўғирмай янгича талқин қилган диний-юримдик ва илоҳий мажмуалардан келиб чиққан.

Бунга жамият ривожланиш суръатининг қиёсий сустлиги, жамият онгида диний шаклланиш ҳукмронлиги ҳамкорлик қилди. Шундай шароитларда ҳам мусулмон ҳуқуқи озми-кўпми ўзининг ижтимоий белгиланиш талабига жавоб беради.

Мусулмон ҳуқуқининг тўртта асосий манбалари ҳақидаги таълимот яратилди. Биринчи манба, табиий равишда, Куръони Каримдир. Иккинчи манба – Куръони Карим қоидалари-

ни изоҳлаб ва тушунтириб бериш учун ўта муҳим бўлган – Сунна, яъни пайгамбарнинг ҳадисларидан иборат. Учинчи манба – ижмо (битим), бутун мусулмон аҳли томонидан муайян диний-ҳуқуқий муаммолар юзасидан қилинган умумий фикр. Ниҳоят тўртинчи манба – тақдослаш (қиёс), яъни Куръони Карим, сунна ёки ижмо томонидан ўрнатилган қоидаларни янги ўхшаш ҳолатларда қўллаш.

Мусулмон ҳуқуқий манбалари тўғрисидаги таълимотни ривожлантиришнинг кейинги босқичларида унинг амалий ғояларини моҳиятан оширувчи фақат бир ўзгартириш – барча ёки фақат биргина мактаб ҳуқуқшунослари томонидан қабул қилинган тақлиф ҳам тўғри ҳисобланган ижмо ғояси қиритилди.

Оврупоча ҳуқуқ манбаларининг таъсири умуман олганда дастлаб барча ўзига хос манбалари бўйича мусулмон ҳуқуқи ҳукмронлик қилган ислом мамлакатларини ҳам четлаб ўтмади.

Ушбу мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимлари шундай режада моҳиятан ўзгартиришларга юз тутдики, мусулмон ҳуқуқининг аҳамияти, амал қилиш доираси ва таъсири камайиб, бу ҳуқуқнинг ўзи ҳеч бўлмаганда ўз ташқи шаклига кўра ҳам оврупоча кодификацияни қабул қилди.

Кўплаб мамлакатларнинг сиёсий ҳаётида исломнинг фаоллашаётганлигини тавсифловчи бундай йўналишдаги анъанавийликни айни вақтда ошириш керак эмас. Бундай фаолликда гарбий ҳуқуқий моделлардан юз ўгиришни, мусулмон ҳуқуқининг барча талаб ва нормаларни тўла тиклашни талаб этиш ҳоллари кузатилмоқда.

Мусулмон ҳуқуқида ҳуқуқнинг классик бўлиниши, яъни оммавий ва хусусий ҳуқуқларга бўлиш йўқ.

Боблар мантиқий чегараланмаган тартибда, хусусий ёки жиноий ҳуқуққа тегишли бўлсада, кетма-кет келади. Мусулмон ҳуқуқининг асосий тармоқлари йиғиндисига жиноят ҳуқуқи, судлов ҳуқуқи ва оила ҳуқуқи киради.

Мусулмон жиноят ҳуқуқи, авваламбор, оғир белгиланган (ҳад) ва обрўсизлантирадиган (таъзир) жазоларнинг фарқланишига асосланади.

Ўта қатъий жазо чораси қуйидаги жиноятлар учун белгиланган: қотиллик, хиёнат қилиш, хиёнат қилган деб ёлғон айблов, ўғирлик, спиртли ичимлик истеъмол қилиш, бос-

қинчилик ва исён. Юқорида санаб ўтилган жазолардан ташқари қози ўз нуқтаи назарига кўра, қонуннинг бошқа ҳамма бузилишларига ҳам жазо белгилаши мумкин. Шундай қилиб, унга ишни кўриб чиқишда катта эркинлик берилиб, қатор нормалар худди шу йўл билан яратилган.

Мусулмон суд тузилиши ўзининг оддийлиги билан ажралиб туради. Судьянинг якка ўзи ҳамма турдаги ишларни кўра олган. Судларда иерархия мавжуд бўлмаган.

Ҳозирги давр шароитларида баъзи мусулмон мамлакатлари (масалан, Миср) мусулмон судидан бутунлай воз кечди. Шунга қарамай улар кўпчилик араб мамлакатларида ҳуқуқнинг ижтимоий ҳаракат механизмида аҳамиятли роль ўйнамоқда.

Баъзи мамлакатлар (масалан, Судан) мусулмон судларининг кўп поғонали тузилишини қабул қилган бўлса, баъзиларида мусулмон судларининг турли шахсларга мос келувчи (масалан, Ироқ ва Ливандаги сунний ва жафарийлар суди) параллел тизими мавжуд.

Айрим мамлакатларда мусулмон судлари ўз ваколатлари доирасига, асосан шахс мақомидаги, бошқа мамлакатларда (Арабистон ярим ороли ва Форс қўлтиғи мамлакатлари) ҳам фуқаролик, ҳам жиноий ишларни кўриб чиқишни ўзларига қўшиб олган.

Қондага кўра, судьяларга диний-ҳуқуқий тайёргарлик нуқтаи назаридан юқори малака талаблари қўйилган.

Араб мамлакатларининг оила қонунчилиги мусулмон ҳуқуқи нормалари ва тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Мусулмон ҳуқуқи, бир қанча хорижий таъсирни бошидан ўтказган бўлсада, миллионлаб оммага таъсир кўрсатувчи мустақил ҳуқуқий оила бўлиб қолмоқда.

8-§. Ҳиндистон ҳуқуқий тизими (ҳинду ҳуқуқи)

Ташкил топиши қадимий бўлган ҳамда икки минг йиллик узок тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтган ҳинду ҳуқуқи, ҳинд жамиятининг юридик устқурмасининг асосий таркибий қисмидан бири бўлиб, ҳозирги давргача ўзининг тартибга солувчи аҳамиятини сақлаб қолган (чекланган тартибда бўлсада).

Ҳинду ҳуқуқининг «барҳаётлик» сирининг асосий сабаблари қандайдир алоҳида ўзига хосликда эмас, балки ўта барқарор, турли иқтисодий ва сиёсий шароитларга мосланувчан анъанавий ижтимоий институт нормалари билан мустаҳкам алоқада эканлигидадир. Биринчи навбатда – жамоа ва варнавий-гонфавий тузилишидадир.

Ҳинду ҳуқуқи юқорида кўрсатилган анъанавий ижтимоий институтларга боғлиқлиги туфайли кўп асрлар давомида нафақат ўзининг шаклини эмас, балки мазмунини ҳам сақлаб қолган.

Ҳинду ҳуқуқининг асосий хусусияти – дин билан узвий бирикиб кетганлигидир. Ҳинду ҳуқуқи мустақилликка эга эмас, моҳиятан аниқ, ҳаёт тарзини тахмин қилувчи, аниқ жамият тартибини, аниқ ижтимоий ташкилотлар ёки тузилмаларни, умуман олганда турли диний оқимлар ва урфларни, ахлоқий, фалсафий ва бошқа ғоявий қадриятларни қамраб олувчи ўзига хос воқелик – ҳиндуизмнинг ажралмас таркибий қисмидир.

Дунёда ҳуқуқнинг ҳинду тизими энг қадимги тизимлардан биридир. Эрамингача бўлган икки минг йиллик ва ундан ҳам олдинги даврларда яратилган қадимий Ведалар – ҳинд диний кўшиқлар тўплами, ибодатлар, гимнлар ва маталларнинг матнларида, алоҳида мисраларида ахлоқ қоидалари ифодаланган.

Ҳиндулар Ведаларни худонинг инояти ва ўз динлари ва ҳуқуқининг манбаи деб ҳисобласада, уларнинг ҳинду аҳолисининг маънавий ҳаётига амалий таъсири жуда кам аҳамиятлидир.

Қадимги Ҳиндистонда ҳуқуқий институтлар ва нормалар мусулмон ҳуқуқидек диний доирада ташкил топди.

Ҳинду ҳуқуқининг ривожини учун диний таъсирдан чиқиш жараёни хос бўлмай, балки ҳуқуқий ва диний шакллар ўзаро муносабатлардаги ўрин алмашуви диний шаклига бўлган муносабат ўзгарганлиги хосдир. Бунда ўзаро ва диний алоқа бўғини бўлиб давлат ҳокимияти чиқади.

Мусулмон дунёсидагидек, XI-XII асрларда секин-аста шаклланган ҳинду ҳуқуқи мактаблари учта: мерос ҳуқуқи, оила ҳуқуқининг бўлак бўлмаган алоҳида аъзоларининг мулкӣ ҳуқуқий режими, оила мулкни тақсимлаш билан боғ-

лик бўлган зарурий масалаларни ҳал қилишда турлича ёндашишлар билан фарқ қилади.

Ҳинду ҳуқуқининг асосий мактабларидан бири бўлиб, Бенгалиядаги дая мактаби ва кўп тармоқланган митақшара мактаби ҳисобланади. Бундан ташқари ҳинду ҳуқуқи айрим минтақаларда ҳалигача сақланиб қолган одатларни каста, уруғлар ёки оиланинг ҳуқуқ манбаи сифатида кўрилиши лозимлигини таъна олади.

Британия мустамлакачилиги даврида классик ҳинду ҳуқуқи диний бошқарувчилар томонидан ўрнатилган формал нормаларга ҳам, суд қарорларига ҳам асосланмаган эди. У моҳиятган олимларнинг меҳнатларига, асарларига, шарҳларга ва уларнинг тўпламларига асосланган. Ҳиндистоннинг қонун-юрислари ҳуқуқий таъна олишга арзийдиган одатларни аниқлашда шубҳасиз муҳим роль ўйнаганлар.

Британия мустамлакачилиги даврида ҳинду ҳуқуқи жиддий ўзгаришларга учради. Мулк ҳуқуқи ва мажбурият ҳуқуқи соҳаларидаги анъанавий нормалар жуда тезлик билан умумий ҳуқуқ нормаларини алмаштирди. Мерос, никоҳ, каста ва бошқа одатлар ёки институтлардаги ҳамма мушкуллик оила ва мерос ҳуқуқи соҳаларидаги ўзгача ҳолат бўлиб, улар ҳинду ҳуқуқи нормаларига мувофиқ ҳал қилинар эди.

«Инглиз-ҳинду ҳуқуқи»га ўхшаш ҳуқуқ келиб чиқди. Шунга қарамай, ҳинду ҳуқуқининг бутунлай сиқиб чиқарилиши содир бўлсада, унинг қатор анъанавий норма ҳамда институтлари ҳаракатда давом этди. Мустақиллик учун кураш кетаётган даврда ҳинду ҳуқуқини бутунлай кодификациялаш режаси муҳокама қилинди, 1947 йилда мустақилликка эришилгандан кейинок, Ҳиндистон ҳуқуқмати оила ва мерос ҳуқуқини ўзида мужассамлаштириши керак бўлган «Ҳинду кодекси»нинг лойиҳасини парламентга кўриб чиқиш учун тақдим қилди. Бироқ консерватив кучларнинг қаршилиги ва жойлардаги қарши натижалар туфайли лойиҳа кун тартибидан чиқариб ташланди, ҳуқуқат алоҳида қонун лойиҳаларини тайёрлаш йўлидан кетди, бундай тактика эса самара берди.

Ҳиндуларнинг никоҳ ҳуқуқини шакллантирган ва уни ҳозирги замон дунёқарашига мослаштирувчи никоҳ тўғрисидаги қонун 1955 йилда биринчи бўлиб қонуний кучга кирди. 1956 йилда яна уч қонун: вояга етмаганлар ва васий-

лик тўғрисидаги қонун, мерос ҳақидаги қонун, фарзандликка олиш ва оила аъзоларини боққанлик учун тўловлар тўғрисидаги қонун кучга кирди.

Шундай қилиб, ҳинду ҳуқуқини кодификациялаштириш бўйича айни вақтгача анча ишлар қилинган ҳамда судьялар, авваламбор, янги қонунлар ва прецедентларга амал қилади.

Кейинчалик ҳинду ҳуқуқи институтларининг қайтадан шаклланиши юз берганлиги натижасида одатларнинг амал қилиш доираси кескин қисқарди.

Етимларни фарзандликка олиш учун рухсат берилди. Фарзандликка олинган бола мерос ҳуқуқи бўйича қонуний фарзандларга тенглаштирилди. Кўп хогинлилик таққиланиб, суд орқали ажрашиш қонунийлаштирилди. Мерос ҳуқуқи аёллар мерос ҳуқуқининг кенгайтирилиши томон ислоҳ қилинди, натижада эркак ва аёллар ўртасидаги ҳуқуқ фарқи камайди.

«Ҳинду ҳуқуқи» бўйича юридик маълумотлар, қоида сифатида, табақаланиш масаласини «шахсий ҳуқуқ»га тааллуқли бўлмаганлиги учун ёритиб бермайди. Мамлакатда «табақа институтлари» ва «табақа автономияси» ҳақида гапириш қабул қилинган. Улар Ҳиндистон Конституциясининг 26-моддасида мустаҳкамланган: ҳар қандай диний оқим, мазҳаб, агар у жамоат тартибига, ахлоққа, соғлиқни сақлашга хилоф бўлмаса: а) диний ёки хайр-эҳсон мақсадида муассасалар тузиш ва сақлаш, б) диний масалаларда бошқарувни амалга ошириш... ҳуқуқига эга».

Бунда шундай маъно борки, тоифа диний ақидаларни бузган ўз аъзоларига жазо белгилаши мумкин. Агар келишувчилик диний тавсифда бўлса, унда тартиббузар бўйсунишдан воз кечганлиги учун ҳайдалиши мумкин.

Бинобарин, каста ибодат қилиш, овқатланиш, никоҳ ва сиғинишнинг бошқа масалаларига тааллуқли ички тартибни сақлаши мумкин. Суд каста қоидаларини қайта кўриши мумкин эмас, у унга рия қилиниши ва тўғри қўлланилишини кузатиш ҳуқуқидагина эга. Суд касталар қарорини, агар у мазмунан одил судловга қарши чиқишини аниқласа, бекор қилиши мумкин.

Шундай қилиб, «ҳинду ҳуқуқи» деганда, ҳиндуларнинг ташқи кўринишдан ўзгарган қонун (ҳали амалда бўлган,

масалан, Бирмада, Малайзияда, Сингапурда) ва одатлари билан шахсий ҳуқуқлари тушунилади.

Юқорида эслатиб ўтилган мамлакатларда ва шунингдек у ташқи кўринишдан қонунчилиги ўзгарган (Кения, Уганда) Шарқий Африка мамлакатлари сингари Ҳиндистонда ҳам ҳинду ҳуқуқи ҳуқуқ тармоғи сифатида бевосита ёки билвосита қўлланилмоқда.

9-§. Африка мамлакатлари ҳуқуқий тизимлари

Мустамлакачилик тизимининг емирилиши натижасида ўз мустақиллигини қўлга киритган давлатлар ҳали ижтимоий муносабатлар соҳасида нисбатан кенг қўлланилаётган эски диний ҳуқуқ (мусулмон, ҳинду), одат ҳуқуқи унсурларини ўзида сақлаб қолган янги ҳуқуқни шакллантирди. Ҳозирги даврга қадар Африка қитъасининг кўпчилик аҳолиси одат ҳуқуқи нормаларига риоя қилади.

Одат ҳуқуқининг тутган ўрнига тўғри баҳо бериш Африка қитъаси ҳуқуқий харитасида юз бераётган жараёнларнинг қонуният эканлигини англашда, Африка давлатлари миллий ҳуқуқининг ривожланишидаги тавсифий белги ва анъаналарни тушунишда ёрдам беради.

Кўпгина ҳолатларда «одат ҳуқуқи» атамасидан Африка халқларининг мустамлакачилик давригача мавжуд бўлган анъанавий ҳуқуқини ифодалаш учун фойдаланилган. Анъанавий ҳуқуқ, «қабила қонунчилиги»нинг анча кам сонли мисолларидан ташқари, оғзаки равишда авлоддан авлодга ўтказиб келинган ёзилмаган қоидалар мажмуини ўзида ифодалаган. Анъанавий ҳуқуқда ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар томонлар низоларини ечишда, яраштириш ғояси йўриқларига амал қилган ҳолда, мустаҳкам алоқада бўлади.

Африка халқлари орасидаги муҳим фарқларга (авваламбор, – этник ва лингвистик нуқтаи назардан, қардошлиқ тизимидаги, оила турмуш тарзидаги), уларнинг одат ва одат ҳуқуқининг турли-туманлигига қарамай Африка ҳуқуқини ягона бир ҳуқуқ сифатида кўрилиши учун етарли асослар бор. Африка одат ҳуқуқи индивид эмас, балки гуруҳий ёки уюшма ҳуқуқ ҳисобланади.

Бундай тавсифий белгилар деярли ҳар бир одат ҳукуки тармоқларида кўзга ташланади.

Одат ҳукуқида никоҳ шартномаси ўзида икки шахснинг иттифоқини эмас, балки икки гуруҳнинг келишувини намоён қилади ҳамда оилаларнинг розилиги билангина ажралиши мумкин. Ерга хусусий мулкчилик ҳукуқи ижтимоий гуруҳларга тегишлидир. Мерос ҳукуқида мулк, қоидага кўра шахсга эмас, балки оила ёки гуруҳга ўтади.

Етказилган зарар бир шахс томонидан иккинчи шахсга тўланмай, бир оила ёки уруғ томонидан бошқа оила ёки уруғга тўланади. Ва ниҳоят, Африка жамоасидаги низолар ҳам қоидага кўра, уруғ ва гуруҳлар орасида келиб чиққан.

Африка жамоаларида судларнинг ёки баҳсларни ечиш тизимининг икки асосий тури амалда бўлган. Баъзан улар бир жамоатда бир вақтнинг ўзида амалда қўлланилган. Уларни юридик расмиятчиликка риоя этган ҳолда арбитраж ва суд сифатида тоифалаш мумкин. Шу ўринда анъанавий ҳуқуқнинг ўта табиийлик ўрнини таъкидлаш лозим.

Суд таомилида бу ҳолат адолатни аниқлаш учун қасам ичишга мажбур қилиш ва «худо суди» томонидан синов ўтказишда намоён бўлган.

Одат ҳукуқидаги яна бир ҳолат – кишилар гуруҳи ёки жамоаларнинг масъуллиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Бу икки ёқлама:

а) оила ёки қариндошлар гуруҳи томонидан ўзларининг алоҳида аъзоси қилган ноҳўя хатти-ҳаракат олдидаги жавобгарлиги (ўзганинг айбини ювиш).

б) шахснинг содир қилган ҳуқуқбузарлиги гуруҳ аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахлдор бўладиган ҳолат сифатида ўзини намоён қилади.

Бизнинг фикрмизча, индивидуализм ва ундан келиб чиқадиган «субъектив ҳуқуқ» тушунчаси анъанавий одат ҳуқуқига мос келмайди. У шахснинг ҳуқуққа риоя қилишини ҳеч қанча таъминламай, унинг гуруҳ кишилари билан муносабатини тартибга солади.

Анъанавий ҳуқуқ институтлари орасида оила, ер мулки, мерос алоҳида ўрин эгаллайди. Юқорида қайд этилганидек, одат ҳуқуқи бўйича, никоҳ авваламбор, шахслар иттифоқи эмас, балки икки оила гуруҳларининг келишувидир.

Улар никоҳнинг ҳар бир босқичида сезиларли роль ўйнайди: кўёв ва келинни танлашади, келишишади ва сепини тўлайдилар, эр ва хотин орасидаги келишмовчиликларни бартаграф этишади, уларнинг фаол иштирокисиз ажралишнинг имкони йўқ.

Шу билан бирга одат ҳуқуқи эркакларнинг бир нечта хотин олиш ҳуқуқи, яъни полигамияни тан олади ҳамда «келин учун тўлов»ни белгилайди, буларнинг тасдиқлашича, одатга асосланадиган никоҳ хотинни сотиб олишдан бошқа нарса эмас.

Кенг тарқалган фикрларга кўра, никоҳни бекор қилиш одат ҳуқуқида жуда ҳам кам учрайди, чунки ажралиш учун руҳсат олиш катта меҳнат эвазига бўлади. Оилалар улар орасида амалда бўлган иттифокнинг давом этишидан ўта манфаатдор бўлганлар, негаки никоҳнинг бекор қилиниши сўзсиз тўловлар қайтарилишини аниқлар эди. Ажралиш оилалар орасида уруғ оқсоқолларини жалб қилган ҳолда ҳал қилинади.

Анъанавий жамиятларда ерга эгалик қилиш ҳуқуқи шахсга эмас, балки гуруҳларга берилган деб ҳисоблаш қабул қилинган. Шахс ердан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлсада, охиروقибатда у жамоа ёки гуруҳга тегишли бўлган.

Ерни тақсимлаш, ундан фойдаланиш ва уни ажратиб бериш бошқарувчилар (дохийлар) ёки бўлмаса уруғ ёки оила каби ижтимоий гуруҳлар назорати остида амалга оширилган.

Анъанавий жамиятларда мерос ҳуқуқи фақат мулкнинг эмас, балки марҳум ҳуқуқ ва мажбуриятларининг жами меросхўрга ўтишини назарда тутали.

Мероснинг жуда хилма-хил турлари мавжуд:

- 1) ота насли ёки она насли бўйича:
- 2) меросхўр (маълум ёки сайловли) вафотидан сўнг тўғридан-тўғри меросхўр сайланади:
- 3) универсал (фақат бир меросхўр) ёки ҳамкорликдаги (бир нечта меросхўр).

Маълумки, бутун Африка, баъзи истисноларсиз, Оврупо ҳукмдорлари томонидан мустамлақа қилинган эди.

XIX асрда ҳукмрон мустамлакачилар – инглизлар, французлар, португаллар, бельгияликлар метрополияларда амалда бўлган ўзларининг суд тизимини Африка мамлакатларига татбиқ этишга уриндилар.

Ҳар бир ҳукмдор мустамлакачи ўз ҳуқуқий андозасини қўл остидагиларга ўтказди: француз ҳуқуқи француз Африкаси ва Мадагаскарга, Бельгия ҳуқуқи – Конгога, португал ҳуқуқи Ангола ва Мозамбикка, умумийси инглиз мустамлакаларига, роман-голланд ҳуқуқи, кейинчалик инглиз умумий ҳуқуқи таъсири остида ўзгарган – Жанубий Африкага киритилди. Либерияда Англия ва АҚШнинг баъзи суд одатлари ва умумий ҳуқуқи амалда бўлди.

Мустамлакачилар ўз ҳуқуқий институтларини татбиқ этиш билан бирга фикран уз манфаатларига зид келмайдиган одат ҳуқуқи ва Африка судловининг айрим қисмларини сақлаб қолиш сиёсатини юргиздилар. Шундай қилиб, мустамлака бошқаруви натижасида ҳуқуқнинг аралаш тизими пайдо бўлди. У метрополиялар киритилган ҳуқуқ билан одат ҳуқуқини ўзида жамлади. Биринчиси имтиёзли равишда маъмурий ҳуқуқ, савдо, жиноят ҳуқуқини қамраб олди. Анъанавий соҳа – ерга эгалик, оила ва мерос ҳуқуқи (ҳаётлигида мулкни, баъзи фуқаролик мажбуриятларини тақсимлаш) – одат ҳуқуқининг ҳаракат доирасида қолдирилди.

Мустамлака даврида одат ҳуқуқида юз берган тўртта асосий ўзгаришни қайд этиш мумкин:

биринчидан, низоларни тартибга солишнинг анъанавий услубларидан воз кечиш, яъни асталик билан суд тизимини татбиқ қилиб, қабила томонидан ўрнатилган тартибдан буржуа суд қурилиши намунасига ўтиш;

иккинчидан, маҳаллий судларда, одат ҳуқуқи бўйича, судлар томонидан ишларнинг ҳал қилинишида қабул қилинган Оврупо нормалари қабул қилиниши;

учинчидан, одат ҳуқуқини бекор қилмай, африкаликларга ўз ҳуқуқий муносабатларини буржуа ҳуқуқи асосида тартибга солиш имкониятини берувчи қонунларнинг жорий этилиши;

тўртинчидан, варварлик деб тан олинган, масалан, қулик ва жароҳат етказиш каби баъзи одатларнинг тўғридан-тўғри тақиқланиши.

Анъанавий Африка (ҳуқуқий) одат ҳуқуқи, шубҳасиз, бошланғич аҳамиятини йўқотмоқда, баъзи ҳолларда кўп қисмини йўқотган ҳам. У ўзининг сезилар қисмида тизимлаштириш ва мажмуалаштириш объекти бўлди. Одат ҳуқуқи

кенг маънода давлат органлари, шунингдек судлар томонидан ривожлантирилган ҳуқуқ сифатида қаралмоқда.

Арбитраж одат ҳуқуқига хос бўлсада, амалиётда қўлланмоқда ва ҳатто баъзи мамалакатлар томонидан билвосита тан олинмоқда, у ҳозирги замон расмий судлари амал қилаётган ҳуқуқ ҳақидаги суд процедураси ғояларининг муқаррар таъсирини бошидан ўтказмоқда.

Миллий мустақиллик шароитида ҳуқуқ ривожланишининг асосий анъаналари бир томонидан мустамлакачиликка барҳам бериш, иккинчи томондан эса, миллий қонунчиликни қамраб олган ижтимоий муносабатларнинг кенгайиб бориши натижасида, одат ҳуқуқини тартибга солиш аҳамиятининг чегараланиши билан тавсифланади.

Африка давлатларининг ҳуқуқий қурилиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, миллий қонунчилик, дастлаб тарихан вужудга келган одат ҳуқуқи нормалари билан биргаликда «мерос»лик алоқасини сақлаб қолган.

Африка мамлакатларида одат ҳуқуқи нормаларини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидан сиқиб чиқариш жуда оғир ва узок давом этадиган жараён дир.

Умуман олганда, ёш давлатларда одат ҳуқуқи ривожланишининг асосий йўналиши ҳуқуқий одатни тартибга солиш аҳамиятининг чекланиши ҳамда миллий қонунчилик ҳаракатини қамраб олган ижтимоий муносабатлар доирасининг кенгайиши билан тавсифланади.

XXI боб. ЖАМИЯТ, ДАВЛАТ, ХУҚУҚ: ЗАМОНАВИЙ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

1-§. Хуқуқий давлатни шакллантириш – ҳозирги замон тараққиётининг объектив тенденцияси

Чуқур ўзгаришлар ҳаётимизга шиддат билан кириб бормоқда. Олға қараб муҳим силжишлар жаҳоннинг ҳозирги қиёфасини кескин ўзгартирмоқда. Халқларнинг озодлик, мустақиллик ва бахт сари азалий интилишлари, ўз тақдирларини ўзлари белгилаш йўлидаги катъиятлари уларни ҳаракатлантирувчи кучга айланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида, мустақилликнинг буюк неъматлари ҳақида гапириб, жумладан шундай деганди: «Фақатгина истиқлолнинг ҳаётбахш заминиде янги демократик кадриятлар илдиз отишига, инсон ҳақ-хуқуқлари ва унинг эрки асосий бойлиги бўлган хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятига мос келадиган янги замонавий сиёсий, хўжалик ва жамоа тузилмалари қарор топишига имкон туғилди»¹.

Президентимиз тўғри таъкидлаганидек, «ўтган беш йил тарих учун бир лаҳза бўлса-да, мана шу беш йил ичида биз бошқа мамлакатлар ўн-юз йиллар мобайнида ўтадиган йўлни босиб ўтдик.

Улкан синовлар, қийинчиликларни бошдан кечирдик. Ҳаётимизнинг энг машаққатли йиллари ортда қолди. Ўзбекистон собиқ Иттифок мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб кенг миқёсли ислохотлар йўлига, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш йўлига кирди»².

Шуни таъкидлаш жоизки, эришган ютуқларимиз сира ҳам тасодифий эмас. Бу – ўтмиш ва ҳозирги кунга берилган тўғри, илмий асосланган баҳонинг, ўтиш даври мураккаб

¹ Каримов И.А. Янгилаш ва фикрлаш – давр талаби. 5-том. Т., «Ўзбекистон», 1997., 104-105-бетлар.

² Каримов И.А. Янгилаш ва фикрлаш – давр талаби. 5-том. Т., «Ўзбекистон», 1997., 105-бет.

масалаларини ҳал этишнинг энг тўғри йўллари танланган-лигининг натижасидир. Ўзбекистон ҳаракат дастурини аниқ ишлаб чиқиб, жамиятни ўзгартиришга киришди. Республикадаги ҳақиқий иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий вазият чуқур англаб етилди ва шу асосда янгиланиш ва тараққиётнинг ўзимизга хос йўли белгиланди. Республика Президентининг олдимизга қўйилган машаққатли, аммо юксак вазифаларни бажариш йўлидаги изчиллиги, мақсад сари интилиши, қатъияти ҳурмат ва тақсинга лойиқ.

«Ҳозир бизнинг жамиятимиз тарихий чорраҳада турибди, – деди республикаимиз Президенти мустақиллик қўлга кири-тилганидан бир йил кейинроқ. – Республикани миллий дав-лат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камол топтирувчи ўз тараққиёт йўлини ишлаб чиқишимиз зарур. Бу мураккаб ва масъулиятли палладир. Ҳозир яшаб турганларнинг тақдири-гина эмас, балки уларнинг фарзандлари, невараларининг ҳам тақдири, келажақ авлодларнинг тақдири ҳам шунга боғлиқ бўлади, Республика тенг ҳолатларни қай даражада тезроқ бар-тараф этиши, яқка ҳокимлик тизимининг иллатларини бата-мом тугатиши, ривожланган маданиятли мамлакатлар даража-сига чиқиб олиши шу нарса билан белгиланади»³.

Танланган йўлнинг тўғрилигини, олдинга қўйилган мақ-садларнинг реал ва зарурийлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади. Маълумки, бу мақсадларни ҳам Президентимиз белгилаб берди: «Барқарор бозор иқтисодиёти, очик ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиши ке-рак. Шундай жамиятгина Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маданият қайта тикланишини, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин»⁴.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий давлат қарор топти-ришга даъват этилган ижтимоий бойликлардан бири бўлиб-гина қолмай, балки шахс эркинликлари, ор-номуси ва шаъни-

³ Каримов И.А. *Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура*. 1-том, Т., «Ўзбекистон», 1996. 39-бет.

⁴ *Ўша ерда.*

ни химоя қилишни таъминлашнинг зарур шarti, сансалорлик, маҳаллийчилик ва тор идоравий манфаатга қарши кураш воситаси, халқ ҳокимиятини амалга ошириш шаклидир.

Маълумки, қонун асосидаги уюшма, фаолият сифатида давлат тўғрисидаги тасаввурлар инсоният тараққиётининг дастлабки босқичлариданок шакллана бошлаган. Ҳаётнинг янада такомиллашган ва адолатли шаклларини излаш ҳуқуқий давлат ғояси билан бевосита боғланарди. Қадимги дунё мутафаккирлари (Сукрот, Демокрит, Афлотун, Арасту, Полибий, Цицерон) ўша давр жамиятининг узвий равишда яшашини таъминловчи ҳуқуқ билан давлат ҳокимияти ўртасидаги ана шу боғлиқликни очиб беришга уринишганди.

Ҳуқуқни тан олувчи ва айни пайтда чекланган давлат ҳокимияти, қадимги мутафаккирлар фикрича, адолатли давлатчилик ҳисоланади. «Қонун ҳокимияти йўқ жойда, – деб ёзганди Арасту, – давлат тузумининг бирон-бир шакли учун ҳам ўрин йўқ». Цицерон давлат тўғрисида халқ иши, ҳуқуқий муомала ва умумий ҳуқуқ-тартибот сифатида гапирганди. Қадимги Юнонистон ва Римнинг давлат-ҳуқуқий ғоялари ва тузилмалари ҳуқуқий давлат тўғрисидаги улардан анча кейин тараққийпарвар таълимотларнинг юзага келиши ва ривож топишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Феодализмдан капитализмга ўтиш давридаги ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши, ижтимоий ва сиёсий вазиятнинг ўзгариши давлат ва ижтимоий ишларни ташкил этишдаги унинг ролини тушунишга янгича ёндашувларни дунёга келтиради. Ҳокимиятнинг бир шахс ёки орган қўлида жамланшини истисно этувчи, қонун олдида ҳамманинг баробарлигини қарор топтирувчи давлат ҳаётини янгича ташкил этиш муаммолари уларда марказий ўринни эгаллайди.

Феодализм таназзулининг бошланиш даврларида ҳуқуқий давлат ғоялари ўша вақтнинг тараққийпарвар мутафаккирлари Н.Макиавелли ва Ж.Боден қарашларида ўз аксини топган. Ўтмишда ва ҳозирги давлат мавжудлигининг кўп асрлик тажрибаси асосида Н.Макиавелли ўз назарияларида ўша даврлар эҳтиёжларига энг яхши тарзда жавоб берадиган идеал давлат шаклини чизиб кўрсатиш мақсадида сиёсат тамойилларини тушунтириш, сиёсий ҳаётни ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучларини англаб етишга уриниб кўрган. У мулк-

дан эркин фойдаланиш ва хавфсизлигини таъминлашда давлатнинг мақсадини кўради. Давлат шакллари ичида кўпроқ республика афзал кўрилади. Чунки айнан республика тенглик ва эркинлик талабларига энг кўп жавоб беради.

Ж.Боден давлатни кўпчилик оилалар ва уларга тегишли нарсалар устидан ҳуқуқий бошқариш сифатида таърифлайди. Асосий вазифа ҳуқуқ ва эркинликни таъминлашдан иборат.

Илк буржуа инкилоблари даврида ҳуқуқий давлатчилик таълимотини ишлаб чиқишга Г.Гроций, Б.Спиноза, Т.Гоббс, Д.Локк, Ш.Монтескье, Д.Дидро, П.Гольбах, Т.Жефферсон ва бошқа тараққийпарвар мутафаккирлар катта ҳисса қўшишди. Ҳуқуқий давлат тўғрисидаги улар таълимоти айрим қоидаларнинг қисқача тавсифини келтирамыз.

Гроций табиий ҳуқуқнинг биринчи буюк назариётчиси бўлганди. Унинг назариясига кўра, табиий ҳуқуқ ва расмий ирода ҳуқуқи мавжуд. Инсон табиати, инсон ақл-заковати табиий ҳуқуқ манбаи ҳисобланади. Бегона мулкдан тийилиш, келтирилган зарарни қоплаш, шунингдек, қилинган ёмонлик учун ҳаққоний жазонинг муқаррарлигини ҳам у шулар қаторига киритади.

Расмий ирода ҳуқуқи давлат томонидан ўрнатилади ва табиий ҳуқуқ тенденцияларига тўла мос келиши керак. Айнан шу туфайли феодализмнинг ҳуқуқий тузилмалари Гроций томонидан инсон табиатига зид деб эълон қилинган ҳамда «инсон идроки қонунларига жавоб берадиган янги ҳуқуқ яратиш» талаби олға сурилганди. Ҳар бир одамга ўз мулкидан ҳамманинг розилиги асосида эркин фойдаланишини таъминловчи расмий ирода ҳуқуқлари воситасида хусусий мулкни муҳофаза этиш давлат мажбуриятига кирарди. Ижтимоий шартнома ҳар қандай давлатнинг манбаи бўлади, деб ҳисобларди у. Шунинг учун ҳам давлатни ташкил этишда халқ бошқарувнинг исталган шаклини танлаши мумкин. Лекин уни танладими – халқ ҳукмдорларга бўйсунушга мажбур. Давлат бошқаруви шаклини ўзгартиришга фақат ижтимоий шартномани тузган ҳар икки тараф розилиги билан йўл қўйилиши мумкин.

Спиноза биринчилардан бўлиб демократик давлатни таърифлаб берди. «Ҳар бир фуқарога нафақат ҳаётини асраш, балки унинг манфаатларини қондиришни кафолатлай

олгандагина – давлат қудратли бўлади», деб даъво қилган ҳамда фуқаролар мулки, хавфсизлиги, ор-номуси, эркинлиги ва бошқа неъматларига қасд қилишдан ҳукмдорларни огоҳлантирганди.⁵

Англияда мутлақ монархия ҳимоячиси деб ҳисобланишига қарамай, Гоббс ижтимоий ҳаётда ҳуқуқнинг ҳукмронлиги тўғрисидаги кўплаб илғор қоидалар муаллифидир. Бу қоидалар кейинчалик буржуа инқилоби мутафаккирлари томонидан ривожлантирилган. Қонун олдида расман тенглик, шартномаларнинг пойдорлиги ғоялари улар қаторига кирди. Гоббс инсон озодлигини қонун тақиқламаган ҳамма нарсани қилиш ҳуқуқи деб тушунарди ва шу билан ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий бошқаришнинг энг таъсирчан таъмоили пойдеворини яратди.

Локк буржуа жамияти ҳуқуқий қарашларининг типик ифодачиси бўлган эди. «Инсоннинг табиий ҳуқуқларини муҳофаза этиш учун тузиладиган давлат, – дея таъкидлаган эди Локк, – мулкчиликни ташкил ва таъсис этиш учун қонунларни қарор топтиради, шунингдек, ушбу қонунларни бажариш ҳамда ташқи ҳукмлардан ҳимоя қилиш учун ижтимоий кучлардан фойдаланади». Бундай давлатда мулкчилик, индивидуал озодлик ва тенгликнинг табиий, ажралмас ҳуқуқини таъминловчи қонун ҳукмронлик қилади. «Ҳуқуқий давлат шароитида одамлар озодлиги, – деб ёзганди Локк, – қонунчилик ҳокимияти томонидан ўрнатилган, ҳамма учун қатъий қоидалардан иборат. Унинг моҳияти қонун тақиқламаган ҳамма ҳолларда ўз майлига амал қилиш эркинлиги ҳамда бошқа одамнинг доимий мавҳум, номаълум якка ҳокимлик иродасига тобе бўлмасликдир».⁶

Монтескье фуқаролик жамиятида сиёсий эркинлик заруратини ҳуқуқий давлатчиликни барпо этишнинг муҳим шarti деб биларди. Айни пайтда у сиёсий озодлик ғоясини фуқаролик эркинлиги билан боғларди. Бу эркинлик давлат фуқароларининг хавфсизлигида ифодаланади. У, шунингдек, суиистеъмом қилишнинг олдини олиш учун ҳамма қонунларга бирдек қатъий риоя этиш зарур, деб ҳисобларди.

⁵ Спиноза Б. Избр. соч. -М., 1957. 2-том, 207-209, 261-бетлар.

⁶ Локк Д. Избранные философские произведения. М., 1960. 2-том, 16-17-бетлар.

«Озодлик қонун йўл кўядиган ҳамма нарсани қилиш ҳуқуқидан иборат. Мабодо, фуқаро ушбу қонунлар таққиклаган нарсаларни қиладиган бўлса, у озод бўлолмасди, зеро, бошқа фуқаролар ҳам худди шундай қилган бўлардилар».⁷

Монтескьенинг фикрича, сиёсий озодлик қонунийлик ва ҳавфсизликни қарор топтириш демақдир. Бунга эса, ҳокимиятни бир-бирини чеклаб, мувозанатга солиб турувчи қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиш йўли билан эришилади. Масалан, мазкур ғоя унинг сиёсий-ҳуқуқий назариясида энг муҳимларидан биридир. Кейинчалик, у кўпчилик ривожланган давлатлар давлат тузилишида ўзининг амалий ифодасини топди.

Дидро давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий асосларини ижтимоий шартнома асосига қурилган мустақиллик тушунчаси билан боғлайди. Давлат ҳокимияти ижтимоий шартнома ҳосиласи сифатида вужудга келади, деб ҳисобларди у, бу эса жамиятга уюшган сиёсий шаклни беради. Одамлар, барчанинг манфаатларини таъминлаш ҳамда кучи ва иродасини бирлаштириш мақсадида, ўз табиий мустақилликларини қисман топширадилар. Шундай қилиб, давлат ҳокимияти суверен бўлган халқнинг иродасига асосланган. «Фақат миллат чинакам суверендир. Фақат халқкина чинакам қонун чиқарувчи бўла олади, фақат халқ иродасигина сиёсий ҳокимият манбаи ҳисобланади».⁸

«Мустақил Америка Қўшма Штатлари Декларацияси»нинг муаллифи **Жефферсон** ҳуқуқий давлат ғоясини Америка китъасида амалда рўёбга чиқарди. У бошқарувнинг монархия шаклини рад этиб, халқ суверенитети тамойилини ҳимоя қилиб чиқди. Жефферсон Декларацияси, **инсоннинг тортиб олинмаган табиий ҳуқуқлари мавжуд, уларни таъминлаш учун давлат ташкил этилади**, деб эълон қилди. Декларацияга киритилган инсоннинг табиий ҳуқуқлари яхлит бир бутунлик сифатидаги давлатга нисбатан алоҳида индивидларнинг субъектив ҳуқуқларига айланди. Ўша давр учун бу мутлақо янги қоида эди. Зеро, илгарилари одамларга ҳуқуқни давлат беради, деб ҳисоблаб келинарди.

⁷ *Монтескье Ш. Избр. произведения. -М., 1955. 289-бет.*

⁸ *История политических учений. М.: Политиздат. 1971. 181-бет.*

Ўша даврларда ҳуқуқий давлат назариясини ишлаб чиқишга Волтер, Гельвеций, Руссо, Пейни ва бошқалар ҳам салмоқли ҳисса қўшишган.

Кант ҳуқуқий давлат назариясининг фалсафий негизларини асослаб, уни батафсил ишлаб чиқди. Унда инсон, шахс марказий ўринни эгаллайди. Халқнинг ўз иродасини ифодаловчи конституцияни қабул қилиш орқали ҳуқуқ-тартиботни ўрнатишда қатнашишни талаб қилиш имтиёзини у оммавий ҳуқуқнинг муҳим тамойили деб ҳисоблайди. Халқнинг устуворлиги давлатда барча фуқароларнинг эркинлиги, тенглиги ва мустақиллиги учун шароит яратиб беради ва у «ҳуқуқий қонунларга бўйсунувчи кўпчилик одамларнинг бирлиги» сифатида майдонга чиқади.⁹

Конституциявий ҳуқуқ асосида фаолият юритадиган, халқнинг умумий иродасига жавоб берадиган жойда ҳуқуқий давлат бўлиб, у ерда шахсий эркинлик, ор-номус, тафаккур, хўжалик фаолияти соҳаларида фуқаролар ҳуқуқларининг чекланишига йўл қўйилиши мумкин эмас.

Ҳуқуқий давлатда ҳукм, фармонлар фуқарога нисбатан муносабатларда қонунни аниқ бажаришга уларни қандай мажбур этсалар, фуқаролар ҳам ҳукм, фармонларни худди шундай мажбур этиш имкониятига эга бўлишлари керак. Ҳуқуқий ташкилот имкониятини у ҳокимиятнинг халқ томонидан сайланган парламентга тегишли қонун чиқарувчи, ҳукуматга тааллуқли – ижро этувчи ҳамда маслаҳат судлари томонидан амалга оширилувчи суд ҳокимиятларига бўлиниши билан боғлайди.

Кантнинг ҳуқуқий давлат ҳақидаги фалсафий таълимоти сиёсий-ҳуқуқий тафаккурнинг кейинги ривожига ва юксак маданийлашган жамият давлат-ҳуқуқий тузилиши амалиётига катта таъсир кўрсатди.

Гегель олам тўғрисидаги фундаментал фалсафий тасавурлар умумий тизимидан келиб чиққан ҳолда давлатни тадқиқ этади. Мазкур фалсафий қарашларнинг муҳим қисми ҳуқуқ фалсафасидан иборат эди.

Гегель талқинида давлат ҳам энг ривожланган ва мазмунан бойроқ ҳуқуқдир. **Зеро, у барча бошқа ҳуқуқларнинг – шахс, оила ва жамият ҳуқуқларининг тан олиннишини ўз**

⁹ Каранг :Гегель. *Философия права*. -М., 1990. 95-бет.

ичига олади. Давлатни шахс ва жамият устидан турувчи мустақиллик даражасига кўтараркан, Гегель давлат мавжудлигининг фуқаролик жамияти ривожидан олдин рўй беришини исботлайди. Маркс Гегелнинг давлат тўғрисидаги таълимотининг бош камчилигини айнан шу даъвода кўрганди. Зеро, жамият ривожининг маҳсули бўлган давлатдан жамият олдин вужудга келган. Тўғриси, бизнинг назаримизда, Гегель ҳам умуман жамият тушунчаси билан бир хил бўлмаган фуқаролик жамияти ҳақида гапиряпти.

Гегелнинг фикрига кўра, давлат ижтимоий ҳаётнинг энг такомиллашган ташкилоти бўлиб, унда ҳамма нарса рўёбга чиққан эркинлик салтанатидан иборат ҳуқуқий асосга қурилади.

Сиёсий-ҳуқуқий назариялар ривожини тарихини айниқса ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилишини ўрганиш нуктаи назаридан кўриб чиқар эканмиз, марксизм-ленинизм классиклари нуктаи назарига тўхталмасликнинг иложи йўқ.

Маркс давлат ва ҳуқуққа ўзи таърифлаган ижтимоий тараққиётнинг синфийлиги назариясидан келиб чиқиб қарарди. Ушбу назарияга мувофиқ жамият синфсизлик ҳолатига ўтиш жараёнида синфларнинг йўқолиши билан давлат ва ҳуқуқ ҳам йўқолиб кетади. Буржуа давлати ва ҳуқуқининг ўзаро нисбатини таҳлил этаркан, Маркс юридик қонунни ҳам синфий жамият моддий ишлаб чиқариш муносабатларининг ифодачиси сифатида исботлашга уринади. У, қонунчилик фақат иқтисодий муносабатлар тақозо этадиган талабларни қайд этади, деб ҳисобларди. Одамлар ўртасида муайян ижтимоий-иқтисодий тузумга мос равишда тарихан таркиб топган ўзаро муносабатларни қай даражада акс эттириш эса – давлатга боғлиқдир.

Маркс, қонунлар маъқуллайдиган, уларда ифодаланадиган ижтимоий муносабатлар вақти «ижтимоий ишлаб чиқариш усули билан ҳамоҳанг бўлгандагина қонунлар ҳақиқий кучга эга бўла олади»,¹⁰ – деб ёзади.

Иеринг, Еллинек, Дюги, Орну, Паунд, Спенсер ва бошқалар тимсолида Фарбий Оврupo илғор сиёсий-ҳуқуқий тафаккури ўз даври нуктаи назари ва ўтмиш йиллар тажриба-

¹⁰ Маркс К., Энгельс Ф. Соч. -Т., 28.427-бет.

си нуқтага назаридан ҳуқуқий давлат назарияси унсурларини чархлаб борарди. Субъектив баҳолар тафсилотига берилмай гапирадиган бўлсак, муаллифларнинг кўпчилиги қонун чиқарувчи худди фуқародек қонунга тобе бўлган давлатнигина ҳуқуқий давлат деб ҳисоблаш мумкин, деган фикрга қўшилишарди.

Чунончи, **Иеринг** фақат давлат ҳокимияти ўзи ёзган тартибга ўзи бўйсунган жойда, бу ҳокимият узил-кесил ҳуқуқий мустақамликка эришган жойдагина ҳуқуқий давлат мавжуд бўлади, деб ҳисоблайди. Фақат ҳуқуқ ҳукмронлигидагина миллий фаровонлик, савдо ва хунармандчилик гуллаб-яшнайти, халққа хос бўлган «ақлий ва ахлоқий кучлар» ривож топади¹¹.

Еллинек таълимоти бўйича, давлат ўз халқининг умумий манфаатлари вакили сифатида ҳукмронлик қилувчи халқ иттифоқи юридик шахс сифатида, жамият прогрессив ривожини йўналишида индивидуал, миллий ва умуминсоний бирдамлик манфаатларини қондирувчи сифатида таърифланади.

Ҳуқуқий давлат гоյлари рус сиёсий-ҳуқуқий тафаккурида ҳам кенг акс этган. Ҳуқуқий давлат бўйича рус таълимоти октябрлди даври ҳуқуқшунослари ва файласуфлари Н.М.Коркунов, С.А.Котляровский, В.М.Гессен, Г.Ф.Шершеневич, Б.Н.Чичерин, Н.А.Бердяев ва бошқалар асарларида назарий жиҳатдан ўз тақомилига етган.

Чунончи, **Шершеневич** ҳуқуқий давлатни шакллантириш йўллари ва асосий аломатларини қуйидагича кўрсатиб берганди: 1) зўравонликни барҳам топтириш учун ҳар бири киши эркинлиги чегараларини белгилаб, бир хил манфаатларни бошқаларидан фарқловчи объектив ҳуқуқ меъёрларини қарор топтириш даркор – бошқарувда ҳуқуқнинг ҳукмронлиги гоյаси шундан келиб чиқади; 2) агар шахсий ташаббус эркинликни талаб этса, давлатга субъектив ҳуқуқни мухофаза этиш билан чекланиш кифоя қилади; 3) янги тартиб ҳокимият органларининг ўзлари томонидан бузилмаслиги учун мазкур ҳокимият ваколатларини қатъий белгилаб қўйиш зарур. Бунда ижроня ҳокимиятидан қонун чиқарувчилик ҳокимиятини ажратиб, суд ҳокимиятининг мустақиллигини тасдиқлаб, қонунчиликда сайлаб қўйиладиган жамоатчилик

¹¹ *Иеринг Р. Цель в праве. – СПб., 1881. 47-бет.*

унсурларининг биргаликда қатнашишларига йўл қўйиш керак бўлади. Ҳуқуқий давлатнинг реал кафолатларини Шершеневич турли вақтларда давлат ҳокимиятининг зўравонлигига қарши турли кафолатлар олға сурилишида кўради: «...а) шахснинг узвий ҳуқуқлари; б) ҳокимиятларнинг бўлиниш тамойили; в) ҳокимиятнинг ҳуқуқий ўзини ўзи чегаралаши; г) давлатнинг ўз устида турган ҳуқуққа бўйсунishi. Ижтимоий фикрнинг тийиб турувчи кучи амалда шундай бўла олади»¹². Айтиш керакки, ҳокимиятни нодавлат жамоат бирлашмалари, матбуот, радио, телевидение томонидан «тийиб туриш» гоёсини ҳозир ҳамма тан олади ҳамда у ҳозирги замон жамиятида ўз амалий ифодасини топмоқда.

Гессен ҳуқуқий давлат тўғрисидаги ўз таърифини Ғарб сиёсий-ҳуқуқий тафаккури қарашлари асосига қуради. «**Ҳукумат сифатида ўзи томонидан қонун чиқарувчи сифатида яратиладиган юридик меъёрларни ўзи учун мажбурий деб билладиган давлат, – деб таъкидлайди у, – ҳуқуқий давлат деб аталади. Ҳуқуқий давлат ўз фаолиятида, ўзининг ҳукумат ва судлов функцияларини адо этишда ҳуқуққа боғлиқ ва унинг томонидан чеклаб турилади, зинҳор у ҳуқуқдан ташқарида ёки унинг устида туриши мумкин эмас**».

Гессен айна пайтда ҳуқуқий давлат тавсифи мазмунига аниқликлар киритиб, муайян изоҳлар беради. Жумладан, у шу маънода қонунчилик фаолияти мустақиллигини ҳимоя қилиб чиқадики, унга кўра, давлат оддий ёки қонун чиқарувчи ҳуқуқи билан боғланмайди. Зеро, «абдий» урф-одатлар ва қонунларнинг ўзи бўлмайди. Ўз моҳиятига кўра, қонун чиқарувчи ҳокимият қонун билан чекланиши мумкин эмас. Ушбу принципаал гоёда амалий негиз мавжуд бўлиб, уни қуйидагича таърифлаш мумкин: қонунлар жамиятнинг етуклик даражасига мос келиши, ижтимоий ҳаётнинг ўзгариб боровчи иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа шарт-шароитларини ақс эттириши, жамият ривожининг объектив эҳтиёжларига жавоб бериши керак.

Котляровский, давлат ва шахснинг бир-бирларига ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро масъулияти тўғрисидаги Кант назариясига қўшилади. Унга кўра, бу боғлиқликнинг кафолати ҳокимиятларнинг бўлинишидан иборат бўлади. Унинг давлат ва

¹² Шершеневич Р.Ф. *Общая теория права*. – М., 1911, 248-бет.

жамиятнинг реал ўзаро масъулиятини таъминловчи асосий орган сифатида суднинг роли тўғрисидаги ҳулосасининг ҳозирги замон давлат-ҳуқуқий ҳаёти учун амалий аҳамияти катта. Бундай суд ҳаммадан мутлақо мустақил бўлиб, шакл-шубҳасиз халқ ишончига сазовор бўлган конституциявий суд бўлмоғи лозим. Ушбу ишончни йўқотиш одил судлов асосига, шу билан бирга, ҳуқуқий давлат асосига путур етказишга қодирдир.

Октябрдан кейинги даврда Россияда ва у забт этган мустамлакалар ҳудудларида ҳуқуқий давлат ғояси реал ҳаётдан бутунлай сиқиб чиқарилган янги давр бошланади. Реал ҳокимият партия-давлат маҳкамаси қўлида мужассамлашган шароитдаги ҳуқуқий нигилизм, мазкур ҳокимиятнинг халқдан ажралиб қолиши адолат асосида ижтимоий ҳаётни ҳуқуқий ташкил этишни назарияда ҳам, амалиётда ҳам тўлиқ инкор қилишга ҳамда тоталитар давлатчиликнинг қарор топишига олиб келди.

Тоталитаризм даври шўро давлат-ҳуқуқий фани ҳуқуқий давлат ғоясини давлатчиликнинг синфий таълимотига зид, буржуа ғояси деб ҳисоблаб, уни қабул қила олмаганди. Бунинг салбий оқибатлари ҳам дарҳол ўзини кўрсатди. Ҳуқуқий давлатчиликнинг кўп асрлик назарияси ва амалиётининг тажрибасини ҳуқуқий инкор этиш ва илмий тан олмаслик жамият ҳаётида жиддий ижтимоий-иктисодий, маданий-маънавий ҳамда миллий можароларни келтириб чиқарди.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг марксча-ленинча босқичида ҳукмронлик қилган шўро давлатининг анъанавий баҳоси ҳамда Лениннинг «Давлат ва инқилоб» (1917 й.) асарига тўхталамиз. Ленин ўзининг бу асарида социалистик давлатда ҳокимиятни ташкил этиш тўғрисидаги Маркснинг айрим ғояларини, тўғрироғи пролетариат диктатураси ҳақидаги ғояларини ривожлантиришга уринган. Бундан ташқари, Париж Коммунаси тажрибасини, яъни бир шарҳда, боз устига, фавқулодда ҳолат (хужумлардан сақланиш, иктисодий қийинчиликлар) ҳукм сурган шароитда ҳокимиятни ташкил этиш тажрибасини улкан бир давлатга кўчиришга интилади. Бирок, етмиш йил мобайнида бу асар буюк илмий ютуқ, коммунистик жамият қурилиши даврида давлатчиликни ривожлантиришнинг назарий асоси деб

бахолаб келинди. Унинг мавжуд шароитга нисбатан утопик мазмуни 1918 йилдаёқ ҳаёт томонидан рад этилганига қарамай, шундай қилиб келинди.

«Давлат ва инкилоб» асарида меҳнат ва истеъмол мезонини бошқаришга ва уни назорат қилишга ҳамма ўрганиши билан коммунистик жамият биринчи босқичидан унинг олий босқичига, шу билан бирга, давлатнинг тўлиқ барҳам топишига йўл очилади, деган утопик ғоя ифодаланади. Бу қандай қилиб рўй бериши мумкин? Ленин шундай жавоб беради: «Бу ерда барча фуқаролар қуролланган ишчилар сингари давлат қўлидаги ёлланма хизматчиларга айланадилар. Барча фуқаролар ягона умумхалқ, давлат «синдикати» хизматчилари ва ишчилари бўлиб қоладилар. Гап шундаки, улар тенг ишлашлари, иш мезонига тўғри риоя қилишлари ва тенг ҳақ олишлари керак». Лекин Ленин – қандай қилиб тенг меҳнат қилиш, уни қандай қилиб ўлчаш мумкин – деган саволларга жавоб бермади ва беролмасди ҳам. Зеро, меҳнат кўпгина сифат тавсифларига эга! Қандай қилиб тенг ҳақ олиш мумкин? Ушбу тамойилда меҳнатга ҳар қандай интилишни барбод қилувчи жўн примитив текисчилик ифодаланганини зийрак ўқувчи дарҳол тушуниб олади. 1918 йилнинг ўзидаёқ ҳаёт бу таълимотни чиппакка чиқарди.

Мазкур ҳолатни батафсилроқ қараб чиқамиз. 1918 йилнинг ўзидаёқ халқни умумий қуролантиришни амалга ошириш эмас, балки профессионал Қизил Армия тузиш эҳтиёжи туғилди. Давлат бошқарувига синфий жихатдан ишончли, бироқ малакасиз ходимлар эмас, балки мутахассисларни жалб этиш зарур бўлиб қолди. Шуниси диққатга сазоворки, 1918 йили мутахассисларга ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақларидан 9 барабар зиёд маош тайинланганди. Шу билан бошқарувга оид ақлий ва жисмоний меҳнатга барабар ҳақ тўлаш ҳақидаги навбатдаги хомхаёл ҳам ҳавога учиб кетди. Шўроларда бошқарув маҳкамаси ташкил этилди – мансабдорлар, бюрократия Шўро давлати таркибида қайта тикланиб қолди. Лениннинг ўзи «социализмга нисбатан бутун нуктаи назарнинг ўзгаргани»ни тан олишга мажбур бўлган кезлари унинг «Давлат ва инкилоб» асаридаги ғоялар ва қоидалар кули кўкка совурилгани айниқса яққол сезилиб қолди. Бу ҳол НЭП йиллари содир бўлганди.

Бирок, ушбу асарда эълон қилинган ҳамда ривожлантирилган пролетариат диктатурасига келадиган бўлсак, у Шўро давлатининг моҳияти тавсифи сифатида ўз аҳамиятини сақлаб келди. Бунда Ленин, диктатура – бир синфнинг иккинчиси устидан, аҳоли бир қисмининг бошқа қисми устидан доимий зўравонлиги ташкилоти деб, диктатура қонунга эмас, балки кучга таянадиган чекланмаган ҳокимиятни англатади, диктатуранинг илмий тушунчаси ҳеч нарса билан чекланмаган, ҳеч қандай қонунлар билан, мутлақо ҳеч қандай қоидалар билан сиқиб қўйилмаган, бевосита зўравонликка таянадиган ҳокимиятдан бошқа нарса эмас, «инқилобий халқ» бевосита ўзи «суд қилади, жазолайди, ҳокимиятни қўллайди, янги инқилобий ҳуқуқни ижод қилади», деб даъво қиларди.

Шўро давлати назарияси ва амалиётига асос қилиб олинган мазкур ғоялар айна пайтда ушбу давлатни демократик ва ҳуқуқий давлат мафқурасига қарама-қарши қўйишни англатарди.

Бундан ташқари, назарияда Шўро давлати икки функцияни – яратувчилик (социалистик жамият қурилиши) ва мажбурлов (эзувчи синфлар қаршилигини бостириш) функцияларини бажараётганлиги таъкидланарди. Бирок бу назариядагина шундай эди. «Эзувчилар»ни бостириш ҳақиқатда бутун халққа қарши қатағонларга, мажбурий меҳнат ва ундан сал оғишларга қарши жиноий жавобгарликнинг жорий этилиши, давлат томонидан иш ҳақининг тоталитар тарзда чекланиши, крепостнойлик колхоз-совхозлари тузилишига, миллий ва ирқий камситишлар асосида халқларни қиришига, Шўро давлатининг зўравонлик шакллари ва функциялари жорий этилишига олиб келди.

Давлат диктатураси эса аста-секин партия диктатурасига, ҳукмрон партия элитаси диктатурасига, коммунистик партия бош котибининг диктатурасига айланиб кетди. Эълон қилинадиган расмий назария билан бошқарувнинг амалдаги шакли ўртасида, шўро давлатининг амалдаги функцияси ва бошқа тавсифлари ўртасида чуқур жарлик пайдо бўлди.

Масалан, давлат ва ҳуқуқ назариясига оид турли ўқув дарсликларидея коммунистик жамият қурилиши жараёнида давлатнинг «ўлиб бориши» ҳақидаги, социалистик шўро давлати «ярим давлат» эканлиги тўғрисидаги ғоялар албатта мавжуд бўларди. Буларнинг ҳаммаси Шўро давлатининг

мислсиз мустақамланиши ва ривож топиб боришида, унинг тоталитар, «партия» давлатига ўсиб ўтиши жараёнида рўй бераётганди. Бунда партия ва давлат ташкилотлари, мансаблари, ҳокимият таркиблари, шу жумладан, армия ва хавфсизлик органларининг ҳам тузилмавий, ҳам шахсий бири-бирига чатишиб кетиши содир бўлаётгани яққол кўриниб турарди. Ушбу даъволар асосида Шўро давлати томонидан меҳнаткашларнинг даҳшатли тарзда эзиб келинаётгани яшириларди. ГУЛАГ тизимларида, қишлоқ хўжалиги меҳнатини ташкил этишда зўравонлик билан меҳнат натижаларининг 70 фоизи тортиб олинарди, ва ҳоказо.

Давлатнинг «ўлиб бориши»ни асослаш учун жамият тузилиши, таркиби соддаланиб бораркан, синфий тафовутлар йўқолиб бораркан, синфлар ўлиб боради, бунда жамият таркиблари бундай соддаланиб боргани сари давлат ҳам ўлиб боради, айтайлик, ташкилий-меҳнат соҳасидаги унинг бошқарув ролини эса, меҳнатга бўлган оддий кўникма эгаллайди, деб уқтириларди.

Сиёсий, таркибий ва ҳудудий уюшган жамият сифатида барқарорлик ва фаровонликни таъминловчи давлатнинг умумижтимоий функциялари, унинг маданиятшунослик кадриятлари бундай мулоҳазалар давомида арзимас нарсалар сифатида эътибордан четда қолиб кетарди. Боз устига, шўро давлати – буржуа ҳуқуқий давлатига тамомила қарама-қарши, деб баралла эълон қилинарди.

«Давлат ва инқилоб» билан бир қаторда Лениннинг машҳур «Апрель тезислари» ҳам (1917 йил) муҳим роль ўйнади. Айнан шу «Апрель тезислари»да Ленин бутун ҳокимият Шўроларга тегишли бўлиши керак бўлган Шўролар республикасини парламенти «куруқ сафсатабозлик»дан иборат бўлиб, амалда капитал бошқарадиган, эзувчилар ҳукмронлик қиладиган парламент республикасига қарама-қарши қўйганди.

1918 йилги Конституция ижтимоий қатламларнинг ҳуқуқий тенгсизлигини, ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида зўравонликдан фойдаланишини очиқ эълон қилган давлат типини сифатида Шўро давлатини қарор топтирди ва мустақамлади. Шўро давлати ўз мақсадларидан бири сифатида жаҳон инқилобига эришиш ғоясини илгари сурди.

Бошқарув шаклига кўра, Шўро давлати республика деб эълон қилинганди. Бирок, у ғалати республика эди: унда ҳокимиятларнинг бўлиниши инкор этилар ва аксинча – ҳокимият барча шохобчаларининг Шўроларга бирлашиши эълон қилинарди. Шўроларнинг депутатлик корпуси ўзи қонунларни қабул қилар, уларни ўзи бажарар ва ҳатто улар ижросини назорат ҳам қиларди.

Дарвоқе, кўрсатиб ўтилган барча камчиликларга қарамай, ҳар қалай, давлат фаолиятининг тамойили сифатида қонунийликни қарор топтириш йўлидаги уринишларни ҳам таъкидлаш жоиз. Чунки қонунийликсиз давлатчиликнинг бўлиши мумкин эмас. Қонунчиликнинг махсус ишлаб чиқилган тизими йўқлиги туфайли «инқилобий судлар» фақат ҳуқуқий онтагина амал қиларди. Ҳуқуқни қўлланувчиларнинг ҳуқуқий маданияти паст бўлган, ҳуқуққа, умуман қонунга нигилистик муносабат ҳукм сурган шароитларда бунинг аянчли оқибатларини тасаввур этиш қийин эмас. Қонуний ижодкорлик фаолияти махсус касбий тайёргарликни талаб қилмайди, деган тасаввурлар кенг тарқалганди.

Шуларга қарамай, 20-йилларнинг бошларида Шўро давлатининг ҳуқуқий устуликларини шакллантиришга уриниб кўрилди – илк қонунлар, кодекслар қабул қилинди, давлат бошқаруви органлари фаолиятини назорат қилиш бош вазифаси ҳисобланган прокуратура ташкил этилди. Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг ҳуқуқий шакллари излаб топиш бўйича ишлар олиб борилди. Албатта, мазкур жараёнларнинг барчаси мажмуий, илмий асосланган моҳиятга эга бўлмай, янги қонунлар билан уларнинг қўлланиши ўртасидаги узилиш яққол кўзга ташланарди. Шунга қарамай, 20-йилларнинг ўзидаёқ Шўро давлатига нисбатан ҳуқуқий давлат концепциясини қўллаш тўғрисидаги масала қўйила бошлаганди. Чунончи, Шўро республикаси ўз фаолиятини ҳуқуқий тартиблар шароитида олиб боровчи ҳуқуқий давлатдир, деб ёзганди Маллицкий.

Бирок, тез орада мамлакатда аҳвол янада ёмонлашди. Бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими тикланиши бундай хулоса чиқаришга, ҳеч бўлмаганда, ҳали эрталигидан қатъий далолат бериб турарди. Ҳуқуқий давлат муаммосига расмий муносабат Л.М.Кагановичнинг Шўро ҳокимияти-

нинг 12 йиллиги муносабати билан қилган маърузасида таърифлаб берилганди. Ушбу маъруза билан у Коммунистик академия қошидаги Шўро институтида сўзга чиққанди. Унда, жумладан, шундай дейилган: «... биз ҳукукий давлат назариясини рад этамиз -«ҳукукий давлат» тушунчаси буржуа олимлари томонидан буржуазия давлатининг синфий моҳиятини яшириш учун кашф этилган ... Албатта, буларнинг ҳаммаси қонунларни истисно этмайди. Бизда қонунлар бор. Бизнинг қонунларимиз давлат ҳокимияти алоҳида органларининг функциялари ва фаолият доирасини белгилаб беради. Лекин бизнинг қонунларимиз ҳар бир вақтнинг ўзида мақсадга мувофиқлиги билан белгиланади».

Каганович тилга олган қонунийлик ва мақсадга мувофиқликнинг «нисбати»га аҳамият беринг-а. Ушбу давонинг ҳар қанча бемаънилигига қарамай, мазкур талқин бизнинг кунларимизгача ҳам ўз таъсирини бутунлай йўқотгани йўқ. Жумладан, қонун ва унинг «мақсадга мувофиқлиги» ўртасидаги нисбатни субъектив талқин этишда қонунга ҳурматсизлик муносабати намоён бўлади. Баъзи бир маҳаллий раҳбарлар ўз шахсий тасаввурларидан келиб чиққан ҳолда, қайсидир бир қонунни бажариш шартми ёки ижро этилиши «мақсадга мувофиқ эмасми» деган масалани ҳал этиш ҳуқуқини ўзларича ҳал қилиб оладилар. Хўжалик ёки бошқа ижтимоий «мақсадга мувофиқлик» баҳонаси билан қонунни четлаб ўтишга ҳатто, қонун ҳақиқатан ҳам ёмон ёки эскирган тақдирда ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Уни фақат вақолат берилган давлат органигина ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин.

Бундай амалий тажриба собиқ Иттифоққа фожияли оқибатлар олиб келгани, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳалокатли таъсир кўрсатганини, одамлар онгида қонун меъёрлари ва инсон ҳаётига менсимаслик билан қарашни қарор топтирганини ёдда тутиш керак.

Ҳукукий давлат муаммоси эса, кўп йилларга шўро даври назарий тадқиқотлари саҳифаларидан ўчиб кетди. Уни буржуазия давлатининг синфий моҳиятини ниқоблаш учун учун даъват этилган буржуа-либерал концепцияси деб ҳисоблаш одат бўлиб қолганди.

Юқорида қайд этганимиздек, ҳозирги вақтда, республи-

камиз истиқлолни кўлга киритиши муносабати билан, ҳуқуқшунослик назариётчилари ва амалиётчилари олдида ҳуқуқий давлат тўғрисида янада аниқроқ концептуал тасаввурларни тавсифлаш вазифаси кўндаланг бўлди. Ушбу муаммо юзасидан олимларимиз чуқур илмий тадқиқотлар олиб бормокдалар. Ўтмиш ва ҳозирги давр илмий хазинасидан, ҳозирги замон юксак цивилизациялашган мамлакатларидаги ҳуқуқий давлатчиликни барпо этиш ва унинг ишлашини таъминлаш тажрибасидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон ҳуқуқшунослиги, фалсафий, иқтисодий ва сиёсий тафаккури бизнинг жамиятимизда бўлажак ҳуқуқий давлат шаклини реал қилиб кўйдилар. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, мамлакат тараққиёти конкрет шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг концептуал қоидалари ва йўллари Президентимиз Ислоҳ Қаримовнинг асарларида кенг баён этилмоқда¹³. Республикаимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилишининг назарий тадқиқотлари учун ҳам, мазкур қурилишнинг амалиёти учун ҳам уларнинг аҳамияти ғоят каттадир.

Жумладан, ушбу тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини Президент шундай асослайди: «Биз ҳозир ўзгартираётган совет социалистик давлати халқимиз ҳаётига четдан зўравонлик билан жорий этилган эди. Бу давлатнинг шакли ва моҳияти халқимизнинг ахлоқий, маънавий ва руҳий қадриятларига тўғри келмайдиган, мос келмайдиган тизимга асосланган эди.

Хўш, бу тизим авваламбор кимга суянар эди?

Бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-аждодларини билмайдиган манқуртларга таянар эди. Шунинг учун ҳам эски совет тузумининг байроқларида ва шиорларида баён қилинган ғоялар амалдаги ишларидан ниҳоятда узоқ эди. Худди шу боис бу давлатнинг ижтимоий тизими билан халқ эҳтиёжлари ўртасида жарлик пайдо бўлди. Яъни инсон, унинг моддий, маънавий, шу жумладан, миллий қадриятлари бу тизимда орқа ўринда турар

¹³ Қаримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон». 1994. Яна: Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириши йўлида. Т., «Ўзбекистон». 1995. Яна: Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон».

эди. Бинобарин, бундай давлатнинг аввал бошиданок истикболи йўқ эди»¹⁴.

Президентнинг давлат ва ҳуқуқ муаммоларига янгича ёндашиш тўғрисидаги қуйидаги гаплари услубий қўлланма бўлиши мумкин: «Биз яқин ўтмишимизда синфий ҳукмронликнинг қуроли сифатида давлат ҳақидаги марксча ғояни шиор қилиб олиб, бу назарияни догмага, давлат ва ҳуқуқни эса, синфий кураш, синфий рақибларни енгиш воситасига айлантирган эдик. Демократик шароитларда эса давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муроаи мадора билан бартараф этиш воситасига айланади...»

2-§. Ҳуқуқий давлатнинг тарихий-назарий илдиэлари

Шундай қилиб, нимани ҳуқуқий давлат деб аташимиз ҳамда унинг аломатлари нималардан иборат эканлигини қараб чиқамиз. Аввал бошиданок қайд этиш жоизки, ҳуқуқий давлат – кўп ўлчовли ривожланиб борувчи ҳодисадир. У қандайдир ўзгармас нарсадан иборат эмас. Ижтимоий тараққиёт, ривожланиш давомида у янги хусусиятлар касб эта боради, жамият мавжудлигининг муайян шарт-шароитларига ҳамда унинг ривожланиш даражасига мувофиқ равишда янги мазмун билан бойиэди. Лекин ҳуқуқ билан боғлиқлик ҳуқуқий давлатнинг доимий зарурий асоси бўлиб қолаверади. Бунда ҳуқуқ ҳамма ва ҳар бир киши учун эркинлик мезони бўлиб майдонга чиқса, амалдаги қонунлар ҳақиқатан халқ ва давлат манфаатларига хизмат қилса, уларнинг амалга оширилиши адолат тимсоли бўлсагина ўша ҳуқуқ устувор ролни ўйнайди. Ривожланган қонунчиликнинг ўзи ҳали жамиятда ҳуқуқий давлатчилик мавжудлигининг аломати бўла олмайди: тоталитар давлатларда ҳуқуқий ҳужжатлар мунтазам равишда чиқариб борилади, уларнинг қатъий амалга ошириб борилиши таъминланади. Лекин бундай ҳуқуқий тартибга солиш ҳуқуқий давлатнинг тамомила зиддидир. Шунинг учун ҳуқуқий дав-

¹⁴ Қаримов И.А. *Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т., «Ўзбекистон», 1996. 7-бет.*

лат аломатларига ўтиш олдидан унинг асослари таҳлилига муурожаат қиламиз.

Мулкчиликнинг хилма-хил шаклларига асосланувчи ишлаб чиқариш муносабатлари ҳуқуқий давлатнинг иқтисодий асоси ҳисобланади. Шу муносабат билан Ислон Каримов шундай деб таъкидлайди: «Иқтисодий ўзгаришларнинг асоси мулкчилик ҳуқуқидир. Республикада мулкдорнинг ҳуқуқи тан олинади ва қонун йўли билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон биринчилардан бўлиб хусусий мулкчилик ҳуқуқини эътироф қилди, мулкчиликнинг ҳамма шакллари учун тенг шароитлар яратди».¹⁵

Ҳуқуқий давлатда мулк бевосита моддий неъматларни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга тааллуқли ҳисобланади, яқка тартибда ишлаб чиқарувчи ўз шахсий меҳнати маҳсулининг мулки эгаси сифатида майдонга чиқади. Давлатчиликнинг ҳуқуқий асоси фақат мулкдорнинг мустақиллиги ва эркинлиги мавжуд бўлгандагина рўёбга чиқади. Мазкур мустақиллик ва эркинлик биргаликда ҳуқуқнинг ҳукмронлигини, ишлаб чиқариш муносабатлари иштирокчларининг тенглигини, жамият фаровонлигининг мунтазам ўсиб бориши ва ўз-ўзини ривожлантиришини иқтисодий жиҳатдан таъминлайди. Ҳуқуқий давлат қашшоқ бўлиши мумкин эмас.

Ҳуқуқий давлатнинг ижтимоий асоси. Инсон, унинг хилма-хил манфаатлари бундай давлатнинг диққат марказида туради. «Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак, – деб таъкидлайди Ислон Каримов. – Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этган ҳисобланади. Бу қондан ҳамма тан олиши, бу қондага ҳамма итоат қилиши шарт».¹⁶

Ҳар бир фуқаронинг ўз ижобий имкониятларини ижтимоий тузилмалар, ижтимоий алоқалар тизими орқали амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратилади, фикр-

¹⁵ Каримов И.А. *Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т., «Ўзбекистон», 198-бет.*

¹⁶ Каримов И.А. *Ўша китоб, 17-бет.*

лар хилма-хиллиги, шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлар таъминланади. Бошқарувнинг тоталитар усулларидан ҳуқуқий усулларга ўтиш, бундан ташқари, давлат ижтимоий фаолияти мақсад интилишларини ўзгартириш, унинг манзили йўналиш касб этишини тақозо этади. Президент И.Каримов айтганидек: «Ижтимоий сиёсатни амалга оширишда, ижтимоий ҳимоя воситасини кучайтиришда сифат жиҳатидан янги босқич зарурлиги объектив эҳтиёж бўлиб қолди. Шу муносабат билан ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига изчиллик билан ўтиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Адолат тамойилларига изчиллик билан риоя этиш қондаси янгиланган ижтимоий сиёсат қурилишига асос қилиб олинди».¹⁷

Шундай қилиб, ҳуқуқий давлат – айна пайтда ижтимоий давлат ҳамдир.

Ҳуқуқий давлатнинг ахлоқий асосини инсонпарварлик ва адолат, шахснинг тенглиги ва эркинликлари, унинг орномуси ва шаънига оид умуминсоний тамойиллар ташкил этади. Ҳуқуқий давлат тартиби инсоннинг олий ахлоқий қадриятларини қарор топтиради, жамият ҳаётида уларнинг ҳал қилувчи ролини таъминлайди, шахс устидан зўравонлик ва куч ишлатишни истисно этади. Зеро, «ахлоқ – бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани.

Қадимги ажлодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона Ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак».¹⁸ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳуқуқий давлатни барпо этиш ишида ахлоқ ва унинг аҳамиятини ана шундай таърифлади.

Бизнинг республикамызда бу давлат бошқарувининг демократик усулларида, одил судловнинг адолатлилигида, давлат билан ўзаро муносабатларда шахс ҳуқуқлари ва эркин-

¹⁷ Каримов И.А. *Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир*. 3-том. Т., «Ўзбекистон», 1996. 267-бет

¹⁸ *Ўша китоб*. 39-бет.

ликларининг устуворлигида (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимаси, 14-моддасида), кам сонли миллатларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, турли диний қарашларга сабр-тоқатлилиқда (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида) ўзининг аниқ ифодасини топган.

Ҳуқуқий давлат – мамлакатда истиқомат қилувчи халқ, миллатлар ва элатлар суверенитетини ўзида мужассамлаштирган суверен давлатдир. «Ўзбекистон – суверен демократик республика» -дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида. Ҳокимият устуворлиги, умумийлиги, тўлиқ ва мутлақлигини амалга ошира бориб, бизнинг ёш давлатимиз беистисно ҳамма фуқаролар учун адолат асосига қурилган ижтимоий муносабатлар эркинлигини таъминлайди (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддаси).

Ҳуқуқий давлатда мажбурлов ҳуқуқ асосида амалга оширилади. Давлат суверенитетининг муҳим шарти бўлган мажбурлов ҳуқуқ томонидан чекланган ва шу йўл билан қонунсизлик ва зўравонлик истисно этилади. Албатта, давлат куч ишлатиши мумкин, лекин бу оқилона (яъни ҳуқуқ) доирасида ҳамда унинг суверенитети, фуқароларининг манфаатларига хавф туғилганда рўй бериши лозим. Давлат, шунингдек, бирон-бир кишининг хатти-ҳаракатлари бошқа кишиларнинг эркинлигига таҳдид солганда – унинг эркинлигини чеклаб қўяди.

Айни пайтда давлатнинг сиёсий табиати айнан унинг суверенитетида яққол намоён бўлади. Чунки жамият сиёсий тизими турли бўғинларининг эҳтиёжлари ва манфаатларининг бутун уйғунлиги унда жамланади. Суверенитет туфайли давлат ва нодавлат ташкилотлар манфаатларининг энг мағлуб нисбатига, уларнинг адолатли ҳуқуқий мувозанати ва эркин ривожига эришилади.

Энди ҳуқуқий давлатнинг асосий аломатларини кўриб чиқамиз.

Ушбу мавзу ҳамisha ҳуқуқшунос олимларнинг катта қизиқишига сазовор бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Унинг доирасида кўплаб илмий татқиқотлар ўтказилган. Чунончи, Россиялик академик Б.Н.Кудрявцев ва профессор Е.А.Лукашевлар ҳуқуқий давлатни шакллантириш қўйидаги

асосий тамойиллар ҳаётга изчил татбиқ этилишини талаб қилишини қайд этишади: 1) ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳуқуқнинг ҳукмронлиги; 2) давлатнинг ўзи ва органларининг қонун билан боғлиқлиги; 3) шахс эркинлигига, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари, ор-номуси ва шаънининг мустаҳкамлиги, уларнинг муҳофазаси ва қафолатланганлиги; 4) давлат ва шахснинг ўзаро масъулияти; 5) қонунлар ва бошқа меъёрий юридик ҳужжатларнинг амал қилиши устидан таъсирчан назорат чораларининг мавжудлиги.

Профессор Б.М.Лазарев ҳуқуқий давлат қуйидаги сифатларга эга бўлиши керак, деб ҳисоблайди: биринчидан, ўз функцияларини амалга ошириш учун у ҳуқуқ ва қонун ҳужжатларидан кенг фойдаланади; иккинчидан, давлат, унинг барча амалдорлари ва органлари ҳуқуқ билан боғланган бўлиб, давлат ҳокимияти қонунлар асосида амалга оширилади.

Кўриб турганимиздек, ҳуқуқий давлатнинг биз келтирган барча тавсифлари унинг бош жиҳатини фарқлашни талаб қилади – яъни жамият ва давлатда муносабатларнинг бутун тизими ҳуқуқий асосларга қурилиши лозим. Лекин мазкур муҳим хулоса муаммони тўлалигича бутунлай ҳал этади деб ҳисоблайди.

Юридик адабиётда ҳуқуқий давлат аломатларининг янада батафсилроқ рўйхатлари мавжуд. Уларга қуйидаги рўйхатни мисол қилиб келтириш мумкин:

1) давлат-ҳуқуқий бошқарув барча имтиёзларининг давлат тузилмалари тизимида тўпланиши;

2) ҳокимиятларнинг бўлиниши, яъни бир давлат ҳокимияти шохобчаси функцияларининг (қонун чиқарувчи муассасалар, ижро-фармойиш, суд ҳокимияти органларининг) бошқа шохобча ўрнини босишига йўл қўйиб бўлмаслиги;

3) фуқаролик жамиятининг мавжудлиги;

4) ҳуқуқли ваколатларнинг бирон-бир бўғин ёки тузилмада тўпланиб қолишига тўсқинлик қилувчи яқка ҳокимликка қарши механизмларни яратиш;

5) конституциявий қонуннинг устуңлиги ва тўғридан-тўғри амал қилиши;

6) давлат ҳокимияти суверенлигини қонунда белгилаш ва ҳаётга жорий этиш;

7) жамият томонидан сайлов ҳуқуқи меъёрлари асосида қонун чиқарувчи органларнинг шакллантирилиши ҳамда

қонунларда қонунчилик иродасининг шаклланиши ва ифодаланиши устидан назоратни йўлга қўйиш;

8) ички қонунчиликнинг халқаро ҳуқуқ умум эътироф этган меъёрлари ва тамойилларига мос келиши;

9) ижтимоий муомала барча субъектларининг кимнингдир ўзбошимча қарорларидан ҳуқуқий ҳимояланганлиги;

10) ҳуқуқий давлатчиликни таъминлаш намунаси, модели ва воситаси сифатида суднинг ҳаммадан юқори туриши;

11) қонунларнинг ҳуқуққа мослиги ҳамда давлат ҳокимияти тизимининг ҳуқуқий ташкил этилиши;

12) фуқаролар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бирлиги;

13) давлат ва шахснинг ўзаро масъулиятлари.

Айни пайтда, ҳуқуқий давлатни барпо этиш учун энг аввало чуқур илдиз отган ҳуқуқий фаолиятни расмий-догматик, тор меъёрий қабул қилишни барҳам топтириш кераклигини қайд этиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бунда жамият тамойиллари ва қадриятлари, унинг ривожланиш эҳтиёжлари ҳисобга олинмаган меъёрий қарорлар реал ҳуқуқ сифатида кўрсатилади. Назариядаги бундай аҳвол амалиётни олдинга силжитишга қодир бўлган илмий тафаккур, ижоднинг тараққиётига тўсқинлик қилади.

Собиқ Иттифокда юридик фан тушиб қолган вазият ҳуқуқни расмий-догматик талқин этишга яққол мисол бўла олади. У асосан икки функцияни: чиқариладиган қонунларни шарҳлаш ҳамда мавжуд маъмурий-буйруқбозлик тизими ва унинг асосида ётувчи авторитар тафаккур ҳақидаги масалалар яратиш функцияларини бажарарди. Бундай қуюшқон ичида ҳеч қандай жиддий танқид ва, демакки, илмий излаНИШЛАРНИНГ ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Шу билан бирга, яхши назариясиз, шунингдек, ҳуқуқий ижодкорлик жараёнида ҳуқуқшунослар иштирокисиз амалиёт нотўғри йўлдан кетиб қолиши мумкинлигини тарихнинг ўзи кўрсатди. Бирон-бир ҳуқуқий ҳужжат чуқур илмий текширишсиз ҳамда кенг муҳокамасиз қабул қилинмаслиги ва ҳаётга татбиқ этилмаслиги даркор.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, ҳуқуқий давлат назарияси табиий-ҳуқуқий қарашлар асосида шаклланган. У концептуал жиҳатдан ҳамда тўлиқ равишда илк бор И.Кант томонидан таърифлаб берилган. Энди эса, у томонидан так-

лиф этилган таълимотни батафсилроқ қараб чиқамиз. Сизнинг эътиборингизни Кантнинг табиий-ҳуқуқий мафқураси тавсифида тўрт жиҳатни фарқлаш лозимлигига жалб этишдан бошлаймиз:

1) табиий ҳуқуқнинг универсал характери, айтиш мумкинки, универсал этика бўлиб, унинг меъёри учун уларнинг адресатлари келиб чиқиши ва мансабига кўра кимлар эканлигининг фарқи йўқ. Улар инсонга қаратилган;

2) шартнома – давлат фаолиятининг бошланғич асосидир. Шартнома бўйича эса, табиий ҳуқуқларнинг ҳаммаси ҳам давлатга топширилавермайди. Уларнинг айримлари дахлсиздир. Зеро, улар индивидларнинг хусусий ҳаётини ташкил этади;

3) «ижодий ҳуқуқнинг» (одамлар томонидан ижод қилиниб, давлат томонидан қақириладиган меъёрларнинг) табиий ҳуқуқларга бўйсунishi;

4) табиий ҳуқуқ меъёрларининг ҳомийлиги, уларнинг ўзгармас моҳияти (мумтоз вариант) ёки табиий-ҳуқуқий ақидаларнинг ўзгарувчан мазмуни (табиий ҳуқуқнинг вужудга келиши назарияси).

Кант табиий-ҳуқуқий ва шу билан бирга ижодий ёндашуви учун унинг ҳуқуқий давлат назарияси моҳиятини ташкил этувчи бир қатор қоидалар хосдир.

Масалан, Кант, ҳар бир шахс мутлақ бойлик ҳисобланади: ҳеч кимга, ҳатто энг олижаноб режаларни бажариш учун ҳам, восита ёки қурол сифатида қараб бўлмайди, деб таъкидлайди.

У шунингдек, ҳеч қандай инсон ҳолатлари билан боғланмаган, тажрибадан олдинги ва тажрибадан ташқари, тажрибага асосланмаган ва мутлақ қандайдир бир қонун мавжуд, деб ҳисобларди. Кант уни «қатъий императив» деб атаган. Ушбу мавҳум шакл ҳар сафар жонли мазмун билан тўлаверади. Бу расмий қоида, лекин у ҳаётини муносабатларда қўлланиши билан ҳақиқий маъно касб этади. Императивда «Шундай ҳаракат қилгинки, сенинг ҳаракатларинг қоидаси ҳамма учун умумий қоида бўлиб қолиши мумкин бўлсин», – дейилган.

Фақат индивидлар қатъий императивга эркин амал қилганларидагина ҳуқуқ ҳақида сўз бориши мумкин, яъни уларнинг шундай қилишларига ҳеч ким ҳалақит бермаслиги керак. Бир

кишининг иккинчисига нисбатан зўравонлигини чекловчи ҳамма нарса, Кантнинг фикрига кўра, ҳуқуқнинг ўзидир.

Унинг таъкидлашича, «умумий қонун»ни (қатъий императивни) ҳаётга татбиқ этишни таъкидловчи реал куч зарур. Ҳуқуқ умуммажбурий, мажбурлов характериға давлат туфайли эга бўлади. Давлат эса, шахсга хизмат қилишга, унинг автономиясини таъминлаш ва бинобарин, шахсни ҳар қандай зўравонликдан муҳофаза қилишга даъват этилган.

Давлат ўз фаолиятини мутлақ ҳуқуқ асосига қуради. Қандай ҳуқуқ асосига, деган савол туғилади. Ахир унинг ўзи қонунларни чиқаради-ку.

Кант томонидан ҳуқуқ, биринчидан, априор (шубҳасиз ҳақиқатлар) меъёрларининг мажмуидан иборат табиий ҳуқуқ сифатида; иккинчидан, ижодий, қонунчилик иродасини акс эттирувчи ҳуқуқ сифатида; учинчидан, адолат сифатида тушунилади. Давлат табиий ҳуқуққа риоя қилади ва ҳамма билан бирга умуммажбурий қонунларни бажаради.

Олий ҳуқуқ-тартиботни ўрнатишда халқ иштирок этади. Конституцияда унинг иродаси ифодаланади. Руссо ортидан Кант ҳам халқ суверенитети ғоясини таъкидлайди. Қонун чиқарувчи ҳокимият ҳам халққа тааллуқлидир. Ижроия ҳокимияти қонун чиқарувчи ҳокимиятга бўйсунди. Суд ҳокимияти ижроия ҳокимияти томонидан тайинланади. Шу йўл билан ҳокимиятларнинг оддий бўлиниши эмас, ҳокимиятлар мувозанати таъминланмоғи даркор.

Яна бир бор эслатиб ўтамизки, ҳуқуқий давлат учун айнан ҳокимиятларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Алоҳида таъкидлаш жоизки, бу назария умуминсоний қадрият, бойлик бўлиб, ундан ҳар қандай тарихий типдаги давлатларда у ёки бу даражада фойдаланилиши мумкин.

Бизнинг республикамизда мазкур тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (12-модда)да қонуний мустаҳкамланган. Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов шундай деб таъкидлаган: «Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тизими – яъни ҳокимият тармоқларининг бўлиниши қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Уларнинг ҳар бирида қонуний асосда авторитаризм ва тоталитаризм зўравон-

ликларини истисно этувчи ҳақиқий демократик меъёр ва тартиблар жорий этилди»¹⁹.

Бирок, баъзи бир давлатларда қараб чиқилаётган концепциянинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳати шаклан ўзгарган. Чунончи, Лотин Америкаси бир қатор мамлакатлари конституциявий доктриналари тўрт ҳокимиятдан келиб чиқади: уларда кўшимча сайлов ҳокимияти тилга олинади. Баъзан бундай ҳокимиятларнинг бундан кўпроқ миқдори ҳам саналади. Жумладан, Никарагуанинг 1986 йилги Конституцияси лойиҳасида бешта ҳокимият кўрсатилганди: улар сирасига назорат ҳокимияти ҳам киритилган. Жазоирнинг 1976 йилги Конституциясида аслида олти ҳокимият санаб ўтилганди: улар – сиёсий, қонун чиқарувчи, ижроия, суд, назорат ва таъсис ҳокимиятларидир.

Шундай қилиб, турли мамлакатларда ҳокимиятларнинг бўлиниши ва ҳокимият бирлиги тўғрисида хилма-хил қарашлар мавжуд. Бир хил бўлмаган ҳуқуқий, конституциявий меъёрлар ҳамда амалиёт ҳам бор. Лекин бунда энг муҳими бир нарсада – уларнинг ҳаммаси ҳуқуқий давлатда ҳуқуқ асосида, энг аввало, қонун чиқарувчи ҳокимият эълон қиладиган ҳуқуқий қонунлар асосида амал қилади.

Ҳуқуқий давлат ҳақида гапирарканмиз, яна бир далилга эътиборни жалб қилмай иложимиз йўқ. Ҳуқуқий мафкурада, ҳуқуқий давлатнинг ўзи нима деган масалада икки хил қараш аниқ ажралиб туради. Биринчисини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида «қонуннинг ҳукмронлиги» деб таърифлаш мумкин. Албатта, бунда барча муаммолар шу сўз билан ҳал этилиб қолмаслигини ҳис этиш қийин эмас. Бу ерда конституциявий маънода қонун ҳукмронлиги, яъни давлат ҳокимияти олий вакиллик органларининг ҳужжатлари кўзда тутилмоқда. Боз устига, сўз қонуннинг эълон қилинадиган устуворлиги ҳақида эмас, балки ҳақиқий устуворлиги ҳақида бормоқда.

Албатта, мазкур ёндашувнинг асосий тамойилларини шубҳа остига олмаган ҳолда, барибир, бизнинг назаримизда, моҳияти «ҳуқуқ ҳукмронлиги», «устуворлиги» таърифида ифо-

¹⁹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-том. Т., Ўзбекистон» 1997. 107-108-бетлар.

даланган иккинчи нуқтаи назарни афзал кўрган маъкул. У ҳуқуқ билан қонун ўртасидаги мавжуд фарққа асосланган. Ҳуқуқ устуворлиги ҳуқуқий (юридик) қонуннинг устуворлигини назарда тутди. Зеро, бизнинг билишимизча, ҳамма қонун ҳам ҳуқуқий ифодага эришмади. Мазмунига кўра, қонунлар илғор ва қолоқ, мантиқий ва мантиқсиз, адолатли ва адолатсиз бўлиши мумкин. Қонун устуворлиги – муҳим, лекин, ҳар қалай, ҳуқуқий давлатнинг ташқи, расмий жиҳати ҳолос. Ҳуқуқий давлатнинг ички, мазмуний хусусияти қонуннинг ўзининг сифати, моҳиятида. Чинакам демократик ҳуқуқий давлатда қонун ҳуқуққа мос бўлиши керак.

«Ҳуқуқ ҳукмронлиги», «қонун ҳукмронлиги» атамалари ҳуқуқий давлатнинг қарийб ҳамма концепцияларида ўз аксини топади. Бирок, амалда ҳали ҳеч кимга ҳуқуқ ва қонун ҳақиқатан ҳукмрон бўлган жамиятни барпо этиш насиб этмаган. Қолаверса, бундай ҳукмронликнинг ўзи мумкин эмас. Чунки ҳуқуқ иқтисодий тузум ва у тақозо этган жамият маданий ривожидан юқори тура олмайди. Қонун ижтимоий муносабатлардан ташқарида ҳам эмас, юқорида ҳам эмас, балки шу муносабатлар тизимида яшаши ва амал қилишини исботлаб ўтиришнинг ҳождати йўқ.

Шунинг учун ҳам баъзи муаллифларнинг тасаввурлари бўйича қонун сал бўлмаса ҳокимият ва бошқарувнинг субъекти бўлиб қолиши кераклиги кишини ажаблантиради. Бирок, жамиятни қонунлар эмас, балки одамлар бошқаради. Боз устига, инсон ҳокимияти яширин, номсиз ва ўз ҳаракатларига жавоб бермайдиган ҳолатга интилганда, бу ҳокимият қонун кучини ўзига ниқоб қилиб олади. Ушбу ёндашув тарафдорлари қаттиққўл, лекин адолатли қонун ҳамманинг устидан ҳукмронлик қилади, деб ҳисоблайди. «Қонун ҳамма нарсадан устун», «қонун – қаттиққўл бўлса ҳам – қонун», «дунё ҳалок бўлса майли – адлия ўлмасин» каби ибораларни эслайлик. Яна бир бор такрорлаймиз – қонун номи билан ҳамisha одамлар ҳукмдорлик қилади.

Қизиғи шундаки, жаҳоннинг айрим буюк мутафаккирлари қонун, ҳуқуққа босиқ муносабатда бўладилар. Ҳақиқатан ҳам ижтимоий кадрлар орасида ҳуқуқ энг юқори ўринда турмайди. Дунёда ҳуқуқдан юқори турадиган кўп нарсалар бор. Улар – ҳақиқат, ақл-заковат, виждон, ор-номус, озод-

лик, адолат ва ҳоказолардир. Ҳуқуқ ва қонун фақат ушбу кадриятларни ифодалаганда, уларни ҳаётга сингдиришга ёрдам бергандагина бирон-бир қимматга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳуқуқ ва қонунни ўз ўрнига қўя олмаслик – ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлида бизни таъқиб этиши мумкин бўлган хавф-хатарлардан биридир.

Афсуски, ҳозирги замон жамияти бўлиши керак билан ҳақиқатда борлиқ ўртасидаги бирликка ҳали эриша олгани йўқ. Шу мақсадга эришишнинг узоқ жараёни айнан шу ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва қарор топтириш даври ҳисобланади. Бундай давлатда керак бўлган ва ҳақиқатда бўлмоқликни ўзида мужассамлаштирган устуворлик фақат ҳуқуқий қонунга тегишли бўлиши мумкин. Ҳақиқатда бор нарса – мавжуд қонун, керак бўлган нарса – қонуннинг қандай бўлиши кераклигидир. Керак бўлган нарсани излаш назарий жиҳатдан ҳуқуқ моҳиятини излашдан иборат.

Шу тарика, қонун устуворлиги ва ҳатто давлатнинг қонунга боғлаб қўйилиши ҳам бу давлатни ҳуқуқий деб аташ учун кифоя қилмайди. Фақат ҳуқуқ билан боғлиқлик давлатнинг чинакам ҳуқуқий табиатини билдиради.

3-§. Ҳуқуқий давлатни шакллантириш

Маълумки, ҳуқуқий давлатга даъват этиш ҳамда уни шакллантириш жараёнининг ўзи ҳамisha бошқарувнинг мустабидлик тарзига, мутлақ ҳокимликка, полиция давлатига қарши жавоб тарикасида юзага келган. Айнан шунинг учун ҳам ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим концепциялари буржуазиянинг феодалларга қарши кураши даврида пайдо бўлган. Буржуазия эски ҳукмрон синфларнинг имтиёзлари, муштум-зўрлик ҳуқуқлари, қонунийлаштирилган зўравонликлари ўрнига ўз юридик кадриятларини таклиф этган.

Ушбу ғояга конструктивлик ва барқарорлик бағишлаш, ярамас тартиботларни супуриб ташлаш истагининг ўзи мутлақо етарли эмаслиги диққатга сазовор ва тарихий тажриба буни исботлаб турибди. Бунинг устига яна тамайиллар, устувор мақсадга эга бўлган янги ҳуқуқ-тартиботни яратиш заруриятига қатъий ишонч, имон-этикод,

шунингдек, бошланган ишни охирига етказишга қатъият ва комил ишонч ҳам керак.

Яна бир қизиқ жиҳат. Ҳуқуқий давлат ғоясининг ўзи энг хилма-хил сиёсий режимлар ичида вужудга келган ва ҳамиша, агар таъбир жоиз бўлса, ўз ўрнида янграган. Чунончи, XIX-XX асрлар Германия тарихида ўзига ҳуқуқий давлат мақомини бермаган бирон-бир сиёсий тузум бўлмаган: Бисмарк даври немис давлати, Веймар республикаси, Гитлернинг фашистик режими – буларнинг ҳаммаси шу даъво билан чиққан. Ҳозир ҳам немис давлатининг Асосий қонуни (28-моддасининг 2-қисми)да ижтимоий-ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилларига садоқат қайд этилган.

Собиқ «социалистик лагерь» мамлакатлари ва собиқ Иттифоқ республикаларида ҳуқуқий давлат ғояси айниқса долзарб бўлиб қолганди. Бу ҳам тоталитаризмга, ҳукмронлик қилишнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари, инсон ҳуқуқларининг бузилишига қарши жавоб ҳаракати эди. Президентимиз И.Каримов таъкидлашича, «Бугун биз қандай давлат қуряпмиз? Унинг сиёсий ва ижтимоий негизи, унинг қиёфаси қандай бўлиши керак? Янги демократик жамият шаклланишида унинг таъсири қандай бўлади?– деган саволларга жавоб топиш, бу хусусда атрофлича фикр юритиш фурсати етди...

...Булар мураккаб, айни пайтда ғоят муҳим масалалардир. Биз бу саволларга қанчалик тўғри жавоб топа олсак, ҳуқуқий, демократик жамият қуришнинг энг мақбул ва маърифий йўллари шунчалик тезроқ топамиз. Халқимиз келажаги, Ватанимиз истиқболи ана шунга боғлиқ».²⁰

Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқий давлат таълимотидан чекиниш, хатолардан қочиш учун: а) мазкур таълимотдан нимага эга бўлишимизни; б) бизда ҳеч қачон бўлмаган ёки етишмаган нарса нималигини; в) уни шакллантириш учун нималар қилиш кераклигини кўра олишимиз даркор.

Энди яна тарихга мурожаат қиламиз. Собиқ совет ҳокимияти даврида давлатнинг ҳам ҳуқуқий ижодкорлик, ҳам ҳуқуқни қўлланиш фаолиятида асос қилиб олинган аксиомалар, меъёрлар, тамойилларнинг алоҳида мажмуи мавжуд эди. Лекин бу ўзига хос «социалистик ҳуқуқ» яқка ҳоким-

²⁰ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том, Т., «Ўзбекистон», 1996. 6-бет.

лик асосида бир партия томонидан шаклланган бўлиб, шу билан умуман жамият ҳуқуқи зўравонлик билан тортиб олинганди.

Айни вақтда, давлат ва жамият ҳаётининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар амалда мавжуд эди. Асосий Қонунда фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг жуда кенг доираси эълон қилинганди. Қонунийлик тамойили эълон қилиниб, давлат органлари ва фуқаролар ташкилотлари фаолиятида қонунийлик учун кураш олиб бориш вазифаси қўйилганди. Бирок, у номига эълон қилинган бўлиб, чинакам қонунийлик очикдан-очик етишмасди.

Собик Шўро давлатида ҳуқуқий давлатнинг бошқа кўпчилик аломатлари ҳам йўқ эди. Жумладан, шахс ҳуқуқлари ва манфаатларининг жамият ва давлат манфаатларидан устунлиги ҳеч қачон тан олинмаган. Айнан шунинг учун ҳам Президент И.Каримов, Ўзбекистон Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги нутқида қуйидагиларни таъкидлаган: «...Қайси масалани олмайлик, давлат манфаати биринчи ўринда, фуқаро, шахс манфаати эса деярли ҳисобга олинмаслиги эски Конституцияларнинг ҳар қайси моддасида яққол кўзга ташланар эди.

Янги Конституциямизнинг энг муҳим моҳияти шундан иборатки, унда «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар» дейилган, яъни, фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган...»²¹

Ҳокимиятларнинг бўлиниши назарияси, давлат механизмида тийиб туриш ва мувозанатлар назарияси тан олинмас, боз устига улар буржуазиянинг зарарли назариялари ҳисобланади.

Конкрет ижтимоий тузилмаларнинг йўқлиги собик СССР барбод бўлгандан кейин жиддий сиёсий қадамлар ва давлат-ҳуқуқий ўзгаришларни амалга оширишга катта эҳтиёжни келтириб чиқарди. Бошқача айтганда, сўз ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг зарур шарт-шароитларини ву-

²¹ Каримов И.А. *Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Т., «Ўзбекистон» 1996. 94-бет.*

жудга келтириш устида борарди. Жумладан, фуқароларнинг қоникарли аҳволини таъминлаш шундай шарт-шароитлардан биридир. Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясидаги нуткида Ўзбекистон Республикаси Президенти қуйидагиларни таъкидлашни зарур деб топди: «...кучли ижтимоий сиёсатни унутмаслигимиз лозим. Ижтимоий муҳофаза воеиталарини янада мустаҳкамлаш учун аниқ йўналишни кучайтириш зарур.

Мең, аввало, жамиятимизда одамларнинг ижтимоий жиҳатдан кескин табақаланишига йўл қўймасликни, яъни бой-бадавлат одамлар билан бир қаторда ночор ва қашшок кишилар пайдо бўлишига, аҳолимиз социал тоифалари ўртасидаги асоссиз тафовут ҳаддан ташқари катта бўлишига, уларнинг ўртасида қарама-қаршилик пайдо бўлишига йўл қўймасликни назарда тутяпман».²²

Президентимиз ҳақ, агар фуқароларнинг моддий фаровонлиги ўсмайдиган бўлса, бундай давлат ва ҳуқуқнинг қиммати бир пул. Моддий асоссиз, етарли даражада юқори умумий сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга эришмай туриб, халқ иродасини изҳор этишнинг барча шаклларини фаоллаштирмасдан ҳуқуқий давлатни тасаввур этиш қийин. Бу ҳуқуқий давлатни шакллантириш учун зарур бўлган биринчи замин эканлигини эслатиб ўтаимиз.

Айниқса, республикаимизда президентлик ҳокимияти тузилмаси яратилиши муносабати билан вакиллик органлари обрўси (роли)ни ошириш, қонунчиликни ва унинг ҳаётга тағбиқ этилишини назорат қилишни такомиллаштириш энг муҳим, мажбурий одимлар бўлмоғи керак.

Мамлакатимиз тарихида илк бор республика Президенти сайланди, мустақиллигимиз ҳақидаги тарихий Баёнот эълон қилинди, суверен давлатимизнинг янги Конституцияси – Асосий қонуни қабул қилинди. Булар ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг иккинчи заминидир.

Ниҳоят, ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг учинчи замини. Унинг маъноси нимада? Ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши даврида фуқароларни, жумладан, қонун чиқарувчидан ҳимоялаш вазифаси кўндаланг туради. Қонун чиқарув-

²² Қаримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. Т., «Ўзбекистон» 1996. 178-бет.

чилар ҳам янглишишлари, ёмон ва нотўғри қонунлар қабул қилишлари, зиммаларига ижроия ва суд органлари функцияларини олишлари ҳамда шу билан кўпгина кулфатлар келтиришлари мумкинлиги сир эмас. Шунинг учун фуқароларга ҳам, депутатларга ҳам қонун лойиҳаларини эркин танқид қилиш ҳуқуқи берилиши керак.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясининг лойиҳаси бутун халқимиз томонидан муҳокама қилинди. Шунинг учун «Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир».²³

4-§. Халқ ҳокимияти режимини таъминлашда қонуннинг роли

Илгари таъкидлаб ўтганимиздек, ҳуқуқий давлатчилик учта муҳим тамойилга: 1) қонуннинг устуворлиги; 2) ҳокимиятларнинг бўлиниши; 3) давлат билан фуқароларнинг бир-бирлари билан ўзаро мажбуриятлар асосида боғланганлигига асосланади. Бу энг кенг тарқалган нуқтаи назар, лекин шунга қарамай, бу ерда ҳам турли вариантлар бўлиши мумкин.

Олдинги бўлимда биз ҳуқуқий давлатда ҳамиша ҳам ҳуқуққа мос келавермайдиган қонун эмас, балки ҳуқуқ ҳукмронлик қилади, деган нуқтаи назарни ҳимоя қилгандик. Аслида ҳам бу жуда тўғри. Бирок, биз буни ҳуқуқий воқеликни фалсафий идрок этиш зарур бўлган давлат ва ҳуқуқ назариясига татбиқан айтган эдик. Лекин фақат назария ҳақида гапирмайдиган, агар фақат назариянигина кўзда тутмайдиган, яъни юридик амалиётга ҳам мурожаат этадиган бўлсак, бунда айнан қонуннинг ўзига мурожаат қилишимизга тўғри келади.

²³ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Т., «Ўзбекистон» 1996. 93-бет.

Маълумки, ҳақиқатан ҳам ҳуқуқий давлатни шакллантиришда албатта: мамлакат халқи умумий иродасини қонунда акс эттиришни қандай таъминлаш керак, қонунчилик фаолиятининг ўзининг қатъий қонунийлиги ва конституциявийлигини қандай кафолатлаш; қонунларнинг бажарилиши учун мансабдор шахслар масъулиятини қай йўл билан таъминлаш мумкин, – деган саволлар туғилади.

Булар оғир саволлар. Бошқарув демократик шакллари-нинг юзага кела бошлаганидан бошлабоқ инсониятнинг энг донишманд вакиллари умумий манфаат ва ўз фуқароларининг умумий иродасини шакллантиришни таъминловчи воситаларни қандай топиш устида бош қотириб келганлар. Бунда шунинг назарда тутиш керакки, бутун халқ миқёсида ягона ирода маъносида умумий ирода ҳеч қачон мавжуд бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Битта-биттадан қўшилиб, кўп ирода ҳосиласи сифатидаги халқ иродаси – бемаъниликдан бошқа нарса эмас. Лекин баравар амал қиладиган умумий ирода тўла маънода бор гап. У демократик русумқондалар асосида намоён қилинади. Шу русумқондалар тўғрисида умумий ирода, озчиликнинг иродаси ўз ўрнини топади. Чунки озчилик умумий иродани шакллантиришда қатнашган ва, эҳтимолки, дастлабки вариантнинг ўзгаришига таъсир қилган ҳамдир. Айнан шундай ирода конкрет қонунларда акс эттирилади, уларнинг қонунийлиги ва устуворлигини шарт қилиб қўяди.

Бирок, қонун устуворлиги фақат унинг мамлакат халқи умумий иродасини ифодалаши билангина тақозо этилмайди. Қонуннинг қабул қилиниши таомили ва унинг амал қилиш тамойилларининг ўзи уни барча бошқа меъёрий ҳужжатлардан юқорига кўтарди, ҳар қандай ҳуқуқ тизимидаги унинг алоҳида ўрнини белгилаб беради. Фақат референдумгина умумий ироданинг қонунда тўғридан-тўғри (бевосита) ифодаланишини таъминлай олади. Парламент ва унга ўхшаш вакиллик органлари ҳам, албатта, умумий иродани очиб боришга қодир, лекин уни ҳамини ҳам таъминлай олмайди. Уларнинг ичида ва ташқарисида турли механизмлар (масалан, лоббизм) вужудга келиб, умумий манфаатларга қарама-қарши ўлароқ хусусий (гуруҳий) манфаатларни амалга оширишга ёрдам бериши мумкин.

Лекин референдум – мураккаб, энг муҳими жуда қимматга тушадиган тадбир. Бунинг устига у қонун чиқарувчилик фаолиятининг тезкорлигини таъминлай олмайди, парламент эса атайин шунинг учун ташкил этилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, амалиёт маълум даражада унинг салбий фаолияти таъсирини камайтиришга қодир қарама-қарши тизимни яратди. Бу тизим номма-ном овоз бериш, конституциявий назорат, Президент, давлат бошлиғининг фаолиятдан иборат.

Яна бир нарса. Ҳуқуқий давлатда қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар уларсиз ишлаб бўлмай қолгандагина қабул қилинади. Зеро, меъёрий-ҳуқуқий бошқаришдан холи ижтимоий ҳаёт қанчалик кенг бўлса, ҳуқуқий давлат таянчлари шунчалик мустаҳкам бўлади. Меъёрий ҳужжатлар инфляцияси (қадрсизланиши) ҳуқуқий емирилишга олиб келади, қонунчиликни кўзга қийин ташланадиган қилиб қўяди.

Қонуннинг куч-қудрати фуқароларнинг унинг талабларига риоя этиш заруратига ишончларига боғлиқ. Бирок, меъёрий фармойишлар фуқаролар томонидан ҳамиша ҳам автоматик суратда ўзгартирилавермайди. Улар манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий меъёрлар ҳаммадан энгил қабул қилинади, ҳуқуққа қарши қаратилган ҳаракатларга нисбатан тийиб турувчи таъсир кўрсатади ёки ташаббускор ижобий ҳаракатларга рағбатлантирувчи хизматни бажаришга қодирдир. Лекин шу билан бирга субъектларнинг меъёрий фармойишларни бажариш бўйича ҳаракатларини баҳолаш қийин бўлади.

Қонун чиқарувчи эндиликда қонун тақдири устидан дарҳол ҳукм чиқариш имкониятидан маҳрум. Ҳамма ваколатлар қонунни қўлланиш бўйича махсус ваколатга эга бўлган муассасалар ва мансабдор шахслар ихтиёрига топширилади. Шунинг учун ҳуқуқни қўлланувчи муассасаларда ижро интизомининг йўқлиги қонунларни самарали амалга оширишда энг катта тўсиқ бўлиб қолади. Қонунчилик талабларини бажаришдаги танг вазиятлар кўпинча совуққонлик, фаолиятсизлик, лоқайдлик оқибатида ундан ҳам кўпроқ – мансабдор шахслар содир этадиган сунистеъмомликлар натижасида юзага келади. Худди шунинг учун ҳам Президентимиз Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида мана шу муҳим жиҳатга эътиборни жалб этишни зарур деб топди. Жумладан у шундай деди: «... мен бугун ҳуқуқий давлатнинг

энг асосий талаби – давлатимизда қонунларни амалга оширишга, қонунчиликни таъминлашга сафарбар этилган кишиларнинг уларни аниқ ва оғишмай ижро этишини талаб қилиш тўғрисида алоҳида гапирмоқчиман. Мен ҳокимият тузилмалари, ҳуқуқни муҳофаза этиш, суд ва назорат органларини назарда тутяпман ...

Агар шундай бўлмаса, агар ўша органлар ёки мансабдор шахсларнинг ўзлари қонунларни оёқ ости қилса, мазкур қонунларнинг ўзи обрўсизланади, янаям тўғрироғи, жамиятнинг маънавий асосларига путур етади».²⁴

Турли субъектларнинг тақдим этилган қонунларга муносабатини билиш ҳуқуқий давлат қонун чиқарувчиси учун жуда муҳим. Қабул қилинаётган қонунларга аҳолининг муносабати тўғрисидаги ахборот қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш учун зарурдир.

Қонунга нисбатан норозиликнинг жамиятда кенг тарқалган қуйидаги ҳолатлари исботланган. Биринчидан, мураккаб маросимларни кўзда тутган меъёрлар амал қилган ҳолатда. Иккинчидан, янги қоидалар билан фаолияти сиқилган шахслар тор доирасининг янги қонун қоидаларига фаол қаршилиги. Собиқ СССРда 1985 йилги алкоғолга қарши кампания бунга мисол бўла олади. Учинчидан, янги меъёрларга аҳоли кўпчилигининг қаршилиги энг жиддий вазият бўлиб, бу ҳолатда биз ҳуқуқий нигилизмга дуч келамиз. Қонун чиқарувчига нисбатан халқ ишончига путур етиши ҳамда қонунлар ўзининг сифати пастлиги ҳуқуққа нигилистик қарашларнинг бирламчи сабабларидан ҳисобланади. Боз устига, қонун ҳужжатлари ҳажмининг, ҳужжатларнинг кўп миқдорли қатламларининг ҳаддан ташқари шиширилиши ҳамда бир турли масалаларнинг ҳуқуқий мувофиқлаштиришдаги зиддиятлар тўла тартибсизликка яқин чалқашликларни келтириб чиқаради.

Албатта, демократик давлатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этувчи конституцияга қарши қонунларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли жуда оз, бундай қонунлар пайдо бўлган тақдирда ҳам уларнинг амал қилишига конституциявий суд томонидан тўсиқ қўйилади. Лекин ўз-ўзидан

²⁴ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. Т., «Ўзбекистон» 1996. 184-бет.

пухта ўйланмаган, шошма-шошарлик билан тайёрланган қонун пайдо бўлиши мумкин. Натижада қонун ҳужжатлари матнларида очик-ойдин қарама-қаршиликлар ва анахронизмлар ҳосил бўлади, оммавий онгда эса, қонун чиқарувчининг мақсадларини тушуниш етишмайди.

Айнан шунинг учун Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида «...талай муҳим қонунлар тегишли қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланмаган, қабул қилинган ҳуқуқли меъёрлар ва кафолатларни рўёбга чиқаришнинг аниқ механизми етарли даражада ишлаб чиқилмаган»²⁵лигига эътибор қаратилди.

5-§. Фуқаролик жамияти тушунчаси ва уни шакллантириш йўллари

Фуқаролик жамияти ҳуқуқий давлатнинг асосий ижтимоий-иқтисодий пойдевори ҳисобланади. Ўз вақтида Сен-Симон, жамиятнинг иккита: анархия ва мустабидликдан иборат душманлари бор, деб таъкидлаган эди. Ўрганиш ва таърифлаб беришда Гегель катта роль ўйнаган фуқаролик жамияти, унинг таъбирича, ижтимоий алоқаларнинг шундай етуклиги сифатида майдонга чиқадики, мазкур ҳар икки чегара (анархия ва мустабидлик) амалда истисно этилади. Унинг фуқаролик жамияти таҳлилида икки асосий тамойил ётади, яъни индивидлар фақат ўзларининг хусусий манфаатларини кўзлайдилар ва улар ўртасида ҳар бири ҳар бирига боғлиқ бўлган ижтимоий алоқа вужудга келади. Бошқача айтганда, Гегель фуқаролик жамияти деганда, аслида буржуа муносабатларининг иқтисодий таркибини тушунарди.

Бу тушунарли. Зеро, «фуқаролик жамияти» сўз бирикмаси немис тилида икки хил маънони билдиради: Bürger – ҳам фуқаро, ҳам буржуа дегани. Хусусий мулкчиликнинг ижтимоий тартиботи сифатида майдонга чиқар экан, фуқаролик жамияти зарурати рақобат ва маъмурий ҳокимият томонидан бошқариб бўлмайдиган бошқа жараёнлар орқали ўзига йўл очувчи бозор муносабатлари тизимидан иборат.

²⁵ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-том. Т., «Ўзбекистон» 1997. 118-бет.

Инсон ижодий имкониятларини фаол намоён қилишни кўзда тутувчи муносабатлар таркиб топганда, шахс эркинлиги шарпаси жисм ва қонга эга бўлганда фуқаролик жамияти бўлиши мумкин. Бу ерда шу нарса равшанки, «жамият» ва «фуқаролик жамияти» тушунчалари ўртасига тенглик белгисини қўйиб бўлмайди.

«Фуқаролик» сифатловчиси, ўзининг шартлигига қарамай, бой мазмунга эга. Ушбу атама маъноси олимлар томонидан турлича талқин қилинади. Бирок, фуқаролар истиқомат қилувчи ҳар қандай жамият ҳам фуқаролик жамияти деб аталмаслиги ҳаммага равшан. Зотан ҳуқуқ амал қиладиган ҳар қандай давлат ҳам ҳуқуқий бўлавермайди. Мисол учун, собиқ Шўро жамияти ҳеч қачон фуқаролик жамияти бўлмаган, шунингдек, ҳеч қачон ҳуқуқий давлат ҳам бўла олмаган.

Шуниси қизиқки, кўп вақтлардан маълум бўлган фуқаролик жамияти тушунчаси собиқ шўролар маконида ҳуқуқшунос олимлар учун нисбатан янги ва бўш ишланган мавзу бўлиб қолганди. Шунинг учун ҳам ушбу ғоянинг ўзи ижтимоий онгимизда жуда кам тарқалган. Ҳуқуқий давлат ғояси анча кўпроқ қарор топган. Агар ҳуқуқий давлат концепцияси расмий равишда 80-йиллар ўрталарида пайдо бўлган, тўғрироғи, олға сурилган ва собиқ Иттифоқ олимлари ва сиёсатдонлари томонидан фаол муҳокама этилган бўлса, фуқаролик жамияти тўғрисида жумладан, бизнинг республикамизда ҳам яқиндагина гапириладиган бўлинди. Ушбу тушунчанинг Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясида ўз аксини топмагани бунга мисол бўла олади. Ҳатто унда мазкур атаманинг ўзи йўқ. Ваҳоланки, унинг кўпгина унсурлари (хусусий мулк, бозор муносабатлари, сиёсий плюрализм, айбсизлик презумпцияси, шахсий манфаатларнинг давлат манфаатларидан устунлиги каби тушунчалар) Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бирон-бир асари йўқки, унда «фуқаролик жамияти» атамаси тилга олинмаган бўлсин. Айниқса, бу унинг республикамиздаги иқтисодий ислохотларга бағишланган фундаментал асарига кўпроқ тааллуқлидир. Унинг дастлабки саҳифаларини очганда қуйидагиларга кўзимиз тушади: «**Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очик**

ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир».²⁶

Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги нутқида Ўзбекистон Республикаси Президенти фақат фуқаролик жамиятини қуришнинг ўзигагина тўхталмайди. Зеро, бу «...бизнинг бош концепциямиз ва миллий равнақимиз асосидир». У (Президент) ушбу фаолиятнинг зарурлиги ва алоҳида муҳимлигини асослаб берди. Президентимизнинг фикрича, «...ҳақиқий миллий равнаққа биз фақат давлат ҳокимияти вазифалари қатъий ва муқкамал белгилаб ва шу билан бирга чекланиб қўйилган фуқаролик жамияти шароитидагина эришмоғимиз мумкин. Бундай жамиятда давлатнинг бош вазифаси тараққиёт стратегиясини аниқ белгилаш ва уни ҳаётга жорий этиш учун қаттиқ назорат олиб боришдан иборат бўлади.

Фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуммиллий манфаатларга дахлдор энг муҳим вазифаларнигина амалга оширади. Мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, пул-молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунчиликни ривожлантириш шулар жумласидандир».²⁷

Президент И.Каримов ҳавас қилса арзигулик қатъият ва садоқат билан фуқаролик жамияти ғояларини ҳаётга сингирмоқда. Айнан унинг ўзи республикамизда фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясининг муаллифидир, десак, ҳеч муболага бўлмайди.

У бу ҳақда Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясида шундай деганди: «Биз ислоҳотларни чуқурлаштириш, демократик туб ўзгаришлар йўлидан олға силжиш, ҳаётимизда асл демократик кадриятлар қарор топаётгани тўғрисидаги гапирганда, аввало, фуқаролик жамияти асосларига ўтиш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш муассасаларини бутун чоралар билан кенгайтиришни назарда тутамиз. Бу барча ислоҳотларимизнинг асосий моҳияти ва бош мантиғидир».²⁸

²⁶ Каримов И.А. *Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том, Т., «Ўзбекистон», 1996. 177-бет.*

²⁷ *Ўша китоб. 12-бет.*

²⁸ Каримов И.А. *Бунёдкорлик йўлидан. 4-том, Т., «Ўзбекистон», 1996. 183-бет.*

Биринчи чакирик Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясидаги нутқида Президент фуқаролик жамиятининг янада кенг тавсифини бериш, унинг моҳиятини ва шу билан бирга бу йўналишдаги мақсадимизни аниқлаштиришни зарур деб топди: «Бугун, эришилган марралардан туриб, ўз олдимизга демократик, сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш вазифасини кўяр эканмиз, пировард мақсадга эришиш – фуқаролик жамиятини куриш заруратидан келиб чиқиб, иш тутмоғимиз даркор.

Яъни, шундай давлат ва ижтимоий тузилма яратиб керакки, унда кучли марказий ҳокимият ўз саъй-ҳаракатларини мудофаа, давлат хавфсизлиги ва фуқароларнинг хавфсизлиги, тартиб-интизом, ташқи сиёсат, валюта-молия, солиқ тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва жамиятнинг бошқа стратегик вазифаларини амалга ошириш сингари асосий умумий вазифаларга қаратмоғи зарур.

Бошқа масалаларни ҳал этиш эса аста-секин марказдан жойларга, давлат ҳокимияти органларидан жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига ўтказилиши лозим».²⁹

Шу билан бирга Президент «сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий базани яратмай туриб, одамларнинг онгини тегишли даражада шакллантирмай туриб, қисқа давр ичида бу мақсадларга эришишнинг иложи йўқ»лигини яхши тушунади.³⁰

Кўриб турганимиздек, бу енгил масалалардан эмас. Бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилиш учун ўтмишга қайтамыз. Бу эса, фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввурлар узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтганлигига ишонч ҳосил қилишимизда бизга ёрдам беради. Ўйлаймизки, муаммога унинг туғилиши ва ўтмиш назари билан қараш фойдадан холи эмас.

Мазкур гоёнинг таваллуд тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади: Арастунинг «Сиёсат»и, Афлотуннинг «Давлат»и ва бошқа қадимги грек таълимотларида буни кўришимиз мукин. У Уйғониш даврида Г.Гроций, Т.Гоббс, Ж.Локк, Ш.Монтескье, Ж.Ж.Руссо асарларида ўз давомини топди. Лекин «фуқаролик жамияти» атамасининг ўзи фақат XVIII асрнинг охирларига келибгина мунтазам қўллана бошлади.

²⁹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-том. Т., «Ўзбекистон» 1997. 129-130-бет.

³⁰ Ўша китоб. 130-бет.

Фуқаролик жамияти деганда, муносабатларнинг алоҳида соҳаси, асосан, мулкчилик, бозор, оила, ахлоқий муносабатлар тушуна бошланганди. Мазкур муносабатлар давлатдан маълум мустақилликка эга бўлиши керак эди. Шу маънода фуқаролик жамияти ноҳарбий, хусусий, устувор жамият, яъни расмий тузилмалардан ташқари, улар назоратига кирмайдиган ҳаёт тарзи – алоҳида индивидлар ва улар бирлашмаларининг, манфаатларини амалга ошириш, товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ўзаро муносабатлари соҳаси мавжуд бўлган жамият шундай жамият сифатида талкин этиларди.

Кўриб турибмизки, бу ерда сўз давлатнинг шахс «фуқаролик иши»га, одамларнинг хусусий ҳаётига аралашмаслик ҳақида бормокда. Бунда эркин тadbиркорликнинг, ташаббус, удабуронликнинг алоҳида муҳити кўзда тутилганди. Бу ерда давлат фақат «тунги қоровул», «назоратчи», «ҳакам»лик ролини ўйнаши керак эди. Фуқаролик жамияти гўё тор бозор муносабатлари ва давлат ҳокимиятидан фарқ қилувчи фаолият бошқа шакллариининг ўзига хос синоними сифатида тушуниларди.

Гегель фикри бўйича, фуқаролик жамияти – бу, энг аввало, хусусий мулкка асосланган эҳтиёжлар тизими, шунингдек, оила, табақа, давлат тузуми, ҳуқуқ, ахлоқ, бурч, маданият, таълим-тарбия, қонунлар ва улардан келиб чиқадиган субъектларнинг ўзаро юридик алоқаларидан иборат. Унинг таъбирича, табиий, «маданиятсиз» ҳолатдан одамлар фуқаролик жамиятига кириб келишлари керак эди, зеро, ана шу жамиятда ҳуқуқий муносабатлар ҳақиқатга айланади».³¹

Айни пайтда у, бундай жамият фақат «ҳозирги замон дунёси»дагина бўлиши мумкинлигини таъкидларди. Бошқача айтганда, фуқаролик жамияти ёввойилик, қоқоқлик, нотамаддунийликка қарши қўйиларди.

Инсон, унинг роли, функциялари, мақоми Гегель таълимотининг асосий унсури сифатида майдонга чиқади. Гегель карашларига мувофиқ алоҳида шахс ўзи учун ўзи мақсад бўлиб, унинг фаолияти энг аввало ўзининг (табиий ва ижтимоий) эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлади. Айни пайтда, ўз эҳтиёжларини фақат бошқа одамлар билан муайян муносабатларда бўлган ҳолатдагина қондира олади. «Фу-

³¹ Қаранг: Гегель. Работы разных лет. -М., 1973. 50-бет.

қаролик жамиятида ҳар кимнинг ўз манфаати ўзи учун мақсад бўлиб, бошқа ҳамма унинг учун ҳеч нарса эмас. Лекин бошқалар билан муносабатда бўлмасдан ўз мақсадларининг тўла ҳажмига эриша олмайди».³²

Фуқаролик жамияти марксистлар эътиборидан ҳам четда қолмади. Чунончи, Маркс ўзининг илк асарларида оилани, табақа, синфларни, мулкчиликни, тақсимотни ташкил этишни белгилаш мақсадида ушбу атамани тез-тез қўлларди. Бунда уларнинг тарихий боғлиқлик моҳияти, иқтисодий ва бошқа омилларга тобелигини у кўп таъкидларди.

Кейин унинг асарларида бизга яхши таниш бўлган ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқариш муносабатлари, базис, устқурма, ишлаб чиқариш усули ва бошқа шу каби атамалар кўзга ташланадиган бўлиб қолди.

Шунга қарамай у шундай деб ёзганди: *«Ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва тақсимот ривожининг муайян босқичини олиб кўринг ва сиз муайян ижтимоий тузум, оила, табақалар, синфларнинг муайян ташкилотини, муайян фуқаролик жамиятини оласиз»* (муаллиф ажратиб кўрсатган).

Муайян фуқаролик жамиятини олинг ва сиз бунда фақат фуқаролик жамиятининг расмий ифодаси бўлган муайян сиёсий тузумни оласиз».³³

Шундай қилиб, фуқаролик жамияти ҳақидаги масала инсон ҳаётининг энг оқилона ва мақсадга мувофиқ тузуми тарзида қўйилганди. Моҳиятан гап цивилизация ривожининг янги босқичи ҳақида, ижтимоий тараққиётнинг ҳалқа бўйлаб янги силжиши ҳақида кетаётганди. Бу ўзига мос келадиган расмий тан олинниши ва ифодаланиши керак эди. Бунда таклиф этиладиган барча моделлар ва таълимотларда бош тамойил – мулкчилик ва давлатнинг ягона «ташкilotчи ва мувофиқлаштирувчи» ролдан, ўз қўлида барча ижтимоий ришталар ва алоқаларни ушлаб туришдан воз кечиши тамойили турарди.

Мулкдан узоқлашиши ҳар қандай шахсда салбий ақс этади, чунки бу билан у ўзининг иқтисодий илдизларидан узиб олинади. Озод ва тенг ҳуқуқли индивид – мулкдорлар,

³² Гегель. *Философия права*. -М., 1990. 228-бет.

³³ Қаранг: Маркс К., Энгельс Ф. *Соч. Т.3. 64-бет.*

моддий ва демак, маънавий, шахсий, сиёсий, ахлокий эркинлик, инсон шаъни – фуқаролик деб аталувчи жамиятнинг асосий қадриятларидир. Шунинг учун фуқаролик жамияти фуқаролардан иборат бўлгани учун эмас, балки фуқароларга керакли шароитларни яратиб бергандагина ўз номини оклайди.

Биз ўтмиш мутафаккирлари айтиб кетган гапларни атайлаб келтирдикки, бу билан, бизда фуқаролик жамияти қурилиши ҳеч вақосиз бўш жойда эмаслигини, балки назарий мерослар етарлича борлигини кўрсатиб боришга интилдик. Албатта, ўзгалар тажрибасидан нусха кўчириш ярамайди. Лекин унинг нималардан тузилганини билиб олиш шубҳасиз зарур.

Фуқаролик жамиятининг аломатларидан гапни бошлаймиз. Улар мазкур жамият мавжудлигининг уч даражасида – иқтисодий, сиёсий ва маънавий даражаларида жойлашади.

Тарихий тажрибанинг кўрсатишича, эндиликда хусусий мулк фақат одамларни бир-биридан ажратибгина қолмай, балки уларни жипслаштиришини ҳам инкор этиш мумкин эмас. Охир – оқибатда айнан мулкчилик давлат ҳокимиятига нисбатан автоном ҳолатда бўлган фуқаролик жамияти тартиботларини шакллантиришда ёрдам беради. Гегель «фуқаролик жамияти ҳаддан ташқари бойиган ҳолатида ҳам фавқулодда қашшоклик билан, чувриндиларнинг пайдо бўлишига қарши курашиш учун етарли даражада бойликка эга эмас», деб ёзиб кетганидан бери катта ўзгаришлар рўй берди. Ривожланган капитализм мамлакатларида тўла етук ва цивилизациялашган жамият таркиб топди. У кишилар ҳаёти даражаси ва сифати бўйича собик социалист-тик лагерь мамлакатларидан анча устун турарди. Фарбнинг кўпгина мамлакатларида фуқаролик жамияти синфлар ўртасидаги муносабатлар тенглигини ижтимоий инқилоблар даражасигача олиб бормасликка қодир бўлиб чиқди. Пролетариатнинг ҳам у ерларда йўқотадиган нарсалари бор.

Хуқуқий давлатчиликнинг асосий пойдеворлари нималардан иборат? Мухимларини санаб ўтамиз: мустақил ишлаб чиқарувчи, эркин истеъмолчи (харидор) ва озод фуқаро.

Аввал бошданок, хусусий шахс ҳам, шу қатори ҳар қандай жамоа ҳам мустақил ишлаб чиқарувчи бўлиши мумкинлигини қайд этамиз. Барча ҳозирги замон мамлакатларида тенг асосларда давлат мулкчилиги ҳам мавжуд.

Айнан хусусий мулкчилик жамиятида муҳтожликда ёки хоҳишига кўра унинг исталган аъзоси қонун доирасида давлатга «йўқ» деб, айна пайтда ҳаёти учун зарур маблағлардан ажралмай қоладиган ҳолатни шакллантиради.

Агар, ишлаб чиқарувчилар кўпчилик бўлмаса-да, улар жамиятнинг бир қисми бўлиб қолаверса, ҳамма – истемолчи ҳисобланади, Моддий ва маънавий неъматлар истемолчиси ҳисобланган фуқаро танқислик бўлмаган ҳолатдагина ўзини нисбатан хотиржам ҳис қилади. Ана шундагина жамият ва давлат барқарорликка эга бўлади.

Зарур моллар ва хизматлар танқислиги имтиёзлар ва ижтимоий адолатсизликни келтириб чиқаради: моллар ва хизматларни эгалланган лавозимнинг катта-кичиклигига қараб тақдим этиш бошланади, Шу тариқа моллар ҳажмининг ҳаракати устидан назоратни маъмурий ҳокимият бутунлай ўз қўлига олади ва истемолчи унга ҳаддан ташқари тобе бўлиб қолади. Бундай ҳолатда энди гап фуқаролик эмас, балки тоталитар жамият ҳақидагина бориши мумкин. Фуқаролик жамиятининг сиёсий тавсифи эндиликда ҳуқуқий давлат тушунчасида аъло тарзда жамланган. Шунини ҳам бошдаёқ қайд этиш жоизки, тарихий жараён ривожда биринчиликни фуқаролик жамиятига (Маркс) ёки давлатга /Гегель/ бериш иқтисодиёт билан сиёсатни бир-бирига қарама-қарши қўйишга олиб келади. Бу эса, назарияда ҳам, шунингдек амалиётда ҳам нотўғридир.

Агар фақат давлатчиликнинг ривожини асос қилиб олинган бўлса, фуқаролик жамиятининг сиёсий тавсифи ҳеч ҳам тўлиқ бўла олмайди. «Демократия таъсирчан бўлиши учун фуқаролик жамиятининг плюрализми керак бўлади».³⁴ Уни кўппартиявийлик, жамоат бирлашмаларининг кенг тармоғи, тадбиркорлар, мустақил жамоалар уюшмалари, маҳаллий бошқаруving хилма-хил шакллари ва бошқалар таъминлайди.

³⁴ Дарендорф Р. *Дорога к свободе: демократия и ее проблемы в Восточной Европе. /Вопросы философии. – 1990. 9-сон, 73-бет.*

Оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамияти сиёсий ҳаётининг муҳим қисмидир. Улар фуқаролик жамияти ҳаётчилигининг, унинг атроф муҳит билан мослашиш қобилиятининг муҳим шартларидан бири бўлган қайтар алоқани амалга оширади.

Умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги – маънавий ҳаёт соҳасидаги фуқаролик жамияти аломатлари ана шу иборада ўз ифодасини топган. Озодлик, қонун олдида тенгликка, ижтимоий адолатга изчил йўналганлик фуқаролик жамиятида тенг шароитларни таъминлайди. Бу эса жуда муҳим, деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти: «...Ислохотлар давомида кишилар ўз меҳнат ва ақлий имкониятларини амалга оширишлари . . . учун Конституцияда кўзда тутилган ижтимоий кафолатлар ва имкониятларни таъминлаш зарур. Ташаббускорлик ва омилкорлик бутун чоралар билан рағбатлантирилиши лозим»³⁵

Фуқаролик жамияти шароитида ҳуқуқ фақат иктисодий ва сиёсий ҳукмронлик қилувчи синф иродасинигина эмас, балки ўз даври инсонпарварлик асослари, унинг ахлоқий йўналишларини ифодалайди. Кантнинг фикрича, фуқаролик-ҳуқуқий ҳолати қуйидаги тамойилларга асосланади: «жамият ҳар бир аъзосининг инсон сифатидаги эркинлиги; фуқаро сифатида унинг ҳар бир бошқа одам билан тенглиги; жамият ҳар бир аъзосининг фуқаро сифатида мустақиллиги».³⁶

Албатта, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат зиддиятлардан холи эмас. Зеро, кўпчилик жараёнлар ҳокимиятлар томонидан кучли эҳтиёт чоралари кўрилмай, эркин тартибда кечади. Фуқаролик жамиятида, чамаси, бошқа ҳар қандай жамиятдагидан кўпроқ камбағалларнинг янада камбағал, бойларнинг янада бойроқ бўлиши учун шарт-шароитлар яратилиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу ерда давлатнинг ўз вақтида вазиятни тузатиб, тўғрилаб бориши жуда муҳим аҳамиятга эга. Бирок, агар у муайян афзалликларга эга бўлса ҳам, бу афзалликни тақсимот муносабатлари соҳасида эмас, балки ишлаб чиқарувчи кучларнинг шиддатли ривожланиши

³⁵ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т., «Ўзбекистон» 1996. 302-303-бетлар.

³⁶ Кант И. Соч. В 6-ти томах...-М., 4-том, 2-қисм. 79-бет.

қобилиятидан излаш керак. Ҳозирча чуқур илмий идрок этишни талаб қилувчи фуқаролик жамиятининг қандайдир бир қиёфаси таркиб топган, холос.

Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ, у ёки бу мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларидан қатъи назар, ҳар қандай фуқаролик жамиятига хос бўлган энг умумий ғоялар ва тамойилларни кўрсатиш мумкин. Улардан баъзиларини қуйида келтирамыз:

1) иқтисодий эркинлик, мулк шаклларининг хилма-хиллиги, бозор муносабатлари;

2) инсон ва фуқаронинг табиий ҳуқуқларини сўзсиз эътироф этиш ва муҳофаза қилиш;

3) ҳокимиятнинг қонунийлиги ва демократик табиати;

4) қонун ва одил судлов олдида барчаниннг тенглиги, шахснинг ишончли юридик ҳимояланганлиги;

5) ҳокимиятларнинг бўлиниши ва уларнинг ўзаро ҳамкорликда ишлашига асосланган ҳуқуқий давлат;

6) сиёсий ва мафкуравий фикрлар хилма-хиллиги, ошқора муҳолифатнинг мавжудлиги;

7) сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги;

8) давлатнинг фуқаролар хусусий ҳаётига аралашмаслиги, уларнинг ўзаро мажбуриятлари ва масъулияти;

9) синфий тинч-тотувлик, шерикчилик ва миллий аҳиллик;

10) одамларнинг муносиб ҳаёт даражасини таъминловчи таъсирчан ижтимоий сиёсат.

Фуқаролик жамияти – шахсий ҳокимият режимига, ўзбошимчаликка, синфий нафратга, тоталитаризмга, одамлар устидан зўравонликка ўрин бўлмаган, қонун, ахлоқ, инсонпарварлик ва адолат тамойилларини ҳамма хурмат қиладиган эркин, демократик, ҳуқуқий цивилизациялашган жамият. Бу – аралаш иқтисодиётга эга бўлган кўп укладли рақобатли бозор жамияти, ташаббускор тадбиркорлик, турли ижтимоий қатламлар манфаатларининг оқилона мувозанати таъминланган жамиятдир.

Фуқаролик жамиятида фуқароларнинг давлат олдидаги мажбуриятлари асосан қонунларга итоаткорлик ва солиқларни тўлашдангина иборат қилиб қўйилган бўлади. Албатта, муайян вазиятларда ва муносабатларда фуқароларда улар-

нинг ижтимоий, меҳнат, тadbиркорлик ва бошқа турдаги фаолиятлари билан, хизмат, ҳарбий, оилавий бурчни адо этиш билан боғлиқ бошқа мажбуриятлари ҳам юзага келиши мумкин. Бирок, бундай тизимда пастдан юқорига (вертикал) эмас, балки горизонтал алоқалар кўпроқ бўлади.

Фуқаролик жамияти фуқаро ва унинг эркинлигидан бошланади. Фуқаро сўзининг ўзи шахснинг мустақиллиги, тенг ҳуқуқлилиги, шаъни ва ўз-ўзини ҳурматлашининг синоними сифатида янграйди. Бу жамият ҳамиша ҳар турли табақавий амалдорларга қарама-қарши қўйилган, одамларнинг тенгсизлик ҳолатига қарши, уларнинг ҳуқуқларда чекланишига қарши даъват сифатида қабул қилинган. «Табақа» мақоми ёки крепостнойлик мақоми таҳқирловчи ва камситувчи номлар эди. Айни пайтда «фуқаро» унвони бурч, масъулият ҳиссини ифодалар, халққа хизмат қилиш билан боғланарди. Некрасовнинг: «Шоир бўлмаслигининг мумкин, лекин фуқаро бўлишга мажбурсан», деган сатрларини эслайлик.

Фуқаролик ҳуқуқий жамияти учун яна икки тамойил – айбсизлик презумпцияси ва «қонун тақиқламаган ҳамма нарсага ижозат берилади» таърифи ҳам характерлидир. Мазкур тамойилларнинг биринчисига мувофиқ белгиланган тартибда айби исботланмагунча, одам ҳалол, ҳеч нарсада айби йўқ, деб ҳисобланади. Боз устига, исботлаш машаққатлари ҳам айбловчилар зиммасига тушади. Иккинчи тамойил, эркин фуқаро қонун ва ахлоққа зид келмайдиган ҳар қандай ҳаракатларни қилишга ҳақли, деган маънони билдиради.

Фуқаролик жамияти – сиёсатлашувдан ва мафқуралашишдан холи жамиятдир. Бирок, бу сира ҳам мазкур жамият ҳеч қандай сиёсат юргизмайди, конкрет ғоялар ёки қарашлардан фойдаланмайди ёхуд улардан қайси бирларини афзал кўрмайди, деган маънони асло билдирмайди. Фуқаролик жамиятига мафқуравий якка ҳокимлик бегона эканлиги бошқа гап. Биронта назария, агар у ягона ва энг тўғри, нуқсонсиз ва танҳо унинг ўзи яшашга ҳақли деб тақдим этилган тақдирда ҳам истисноликка даъво қилолмайди. Масалан, собиқ Иттифокда коммунистик ғоянинг аҳволи нималар кечгани маълум. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида: «Ҳеч қайси мафқура давлат мафқураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», деган қоида акс этган.

Бу ерда бир ҳолатга эътиборингизни тортишни истардик. Бизнинг назаримизда, юқоридаги модда жуда ҳам сипо таърифланган деб бўлмайди. Зеро, давлатда, ҳар қалай, умуммиллий ғоя бўлиши, унинг атрофида бутун жамиятни жиқлаштириш мумкин-ку. Шунинг учун жамиятни мафкуравийлаштиришдан холи қилишни жўн тушуниш керак эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ (1993 йил 6 майда) бежиз шундай демаганди: «Олдимизда турган энг муҳим масала, бу – миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизда татбиқ этишдир.

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим».³⁷

Албатта, биз ҳозир, мафкуравийликдан холи жамият, мафкуравийликдан холи давлат, мафкуравийликдан холи одам, деган ибораларни тез-тез эшитадиган бўлиб қолганмиз. Бу фақат батта «ғолиб» ва шак-шабҳасиз мафкура ҳукм сурган олдинги шўро тизими мавжудлигига жавоб ҳаракатдир. Лекин бундан ҳеч ҳам эски таълимот ўрнида қандайдир бўшлиқ пайдо бўлади-ю, у ҳеч нарса биан тўлдирилиши мумкин эмас, деган маъно келиб чиқмайди. Бу мафкуравий масалалар бўйича жамият, давлат ҳеч қандай нуқтан назарга эга эмас, деган гап бўларди. Лекин Н.А.Бердяев аллақачон, ҳар қандай давлатда уни ушлаб турувчи, бирлаштирувчи синч, маънавий асос, тамойиллар бўлиши кераклигини қайд этган.

Инсонпарварлик илғор ғоялари биз барпо этаётган фуқаролик жамиятига ёт эмаслигидан ташқари, унга узвий равишда ҳосдир. Бу ерда сўз ақлий эркинлик, фикрларни ифодалашдаги эркинлик ҳақида, мафкуравий тазйикқа йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида, инсон ҳаёти асосларини қўпоровчи радикал-экстремистик дунёқарашдан, синфий ва миллий курашдан, большевизмдан халос бўлиш ҳақида бормоқда. Мафкуравийликдан холи бўлиш муаммоси эса – кўп йиллар давомида одамлар онгига сингдириб келинган ва улар хатти-

³⁷ Каримов И.А. *Ўзбекистон: миллий, истиқлол, иқтисод, сиёсий, мафкура*. 1-том, Т., «Ўзбекистон» 1996. 302-бет.

ҳаракатларини белгилаб берган партиявий-синфий ақида-лар ва қолипларни барҳам топтириш муаммосидир.

Фуқаролик жамияти – очик, демократик, тоталитаризм-га қарши, ўз-ўзини ривожлантирувчи жамият бўлиб, унда инсон, фуқаро, шахс марказий ўринни эгаллайди. Айнан шу маънода фуқаролик жамияти сиёсий-мафкуравий, айниқса авторитар жамиятга қарама-қарши туради. Бирламчи модель ва ижтимоий ҳаёт қурилишида таянч тузилмаси сифатида оила унда муҳим роль ўйнайди. Гегелнинг ўзиёқ оилани давлатнинг биринчи базаси, табақани – иккинчи базис деб атаганди. «Пок ва софдил шахсни тарбиялашда, она тилини қайта тиклашда ҳеч ким ва ҳеч нарса оила билан тенглаша олмайди», – деб ҳисоблайди мамлакатимиз Президенти..

Оила, мулк, шахс, эркинлик, ҳуқуқ, маънавият, тартиб ва давлатчилик – фуқаролик жамиятининг туб қадриятлари шулардан иборат. Шу билан бирга, мулкдор шахс бутун жамият эркинлигининг асосий пойдевори бўлиб майдонга чиқади. Гегель мулкчилик «эркинликнинг нақд ҳаёти мавжудлиги-ки, у ўз-ўзидан муҳим мақсаддир»³⁸, деб кўрсатганди.

Бунда мулкдорлар синфининг жиноятчилик йўли билан эмас, балки нормал цивилизациялашган тараққиёт жараёнида шаклланиши жуда муҳим. Шу жумладан Ўзбекистон Респуб-ликси Президентининг Олий Мажлис тўртинчи сессиясидаги нутқи диққатга сазовор. Унда шундай дейилади: «Республика-миз жамиятда бозор муносабатларини қарор топтирган ҳолда иқтисодий ислохотлар йўлидан дадил қадам ташламоқда. Ле-кин биз шуни теран англаб олишимиз керакки, бозор ва бо-зор муносабатларини мулк эгалари пайдо бўлмасдан тасаввур қилиш мумкин эмас. Бозор, иқтисодий эркинлик ўзига хос кишилар – мулк эгаларисиз амал қилолмайди».³⁹

Республиканинг мустақиллик шароитларидаги беш йил-лик тараққиётининг муҳим натижаларидан бири сифатида И.Каримов қуйидаги далилларни қайд этди: «Иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим яқунларидан бири – аксарият юртдошларимизда мулкка эгалик, мулкдорлик туйғусининг уйғониши ва ривожланиши жараёни, ўрта қатлам, кичик ва хусусий корхона эгаларининг, мулкнинг, ер участкалари-

³⁸ Гегель. Соч. -М., 1934. 7-том, 73-82-бетлар.

³⁹ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. Т., «Ўзбекистон» 1996. 172-бет.

нинг, акцияларнинг, бошқа қимматли қоғозларнинг, хуллас, даромад келтирадиган мулкнинг шаклланишидир».⁴⁰

Бу қонуний ҳамдир. Бозорда эркин, лекин шу билан бирга, қонунга итоаткор мулкдорлар ишлашлари керак. Капитализмнинг тикланиш даврида Америка маърифатпарвари Томас Жефферсон: «камроқ ҳукмдорлик қиладиган ҳукумат энг яхши ҳукумат», – деб атаганди. Маълум даражада бу нарса давлатнинг иқтисодиёт билан ўзаро муносабатларига татбиқан олганда унга ҳам тегишлидир. Бунда давлат бозорда камроқ буйруқ бериб, кўпроқ унинг нормал ривожланишини кузатиши керак бўлади.

Шунга қарамай, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, тураржой қурилиши ва ижтимоий таъминот кўпинча давлат аралашуви талаб қилинадиган муайян соҳалар сирасига киради. Беқарор жамиятда барқарор иқтисодиётни ва барқарор сиёсий тартибни ўрнатиш мумкин эмас.

Фуқаролик жамияти давлат билан ўзаро алоқада мавжуд бўлади, ривож топади ва ўз вазифасини бажаради. Уларнинг муносабатларида тўқнашувлар бўлиши эҳтимоли бор. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам «маҳкама», «органлар» ва уларнинг «агентлари» одамларнинг шахсий ҳаётига аралаша олмайдилар ёки уларга найранг ишлата олмайдилар. Яна бир бор таъкидламоқчимиз: фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қутблар сингари бир-бирларига қарама-қарши турмай, уйғун равишда ўзаро таъсир этишлари керак.

Шундай қилиб, баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, фуқаролик жамиятини давлатдан ташқари ва сиёсатдан ташқари муносабатлар (иқтисодий, ижтимоий, маданий, ахлоқий, маънавий, оилавий, диний муносабатлар) йиғиндиси деб таърифлаш мумкин. Бу муносабатлар эркин индивид-мулкдорлар ва улар бирлашмалари ўзига хос манфаатларининг махсус соҳасини ташкил этади.

Мазкур ҳолатда «давлатдан ташқари» ва «сиёсатдан ташқари» бирикмаларини уларнинг мутлоқ тарқоқлиги маъносида эмас, балки давлатнинг ўзбошимча аралашувиغا нисбатан мустақиллик, автономлик, эҳтиёт чорасини кўриб қўйиш сифатида тушуниш керак.

⁴⁰ Каримов И.А. Янгица фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-том. Т., «Ўзбекистон» 1997. 111-бет.

Айни пайтда, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат – бир-биридан ажратиб олинган ва айрим ҳолатдаги қисмлар эмас, балки ўзаро чамбарчас боғлиқ тизимлардир. Зеро, давлат – жамиятни ташкил этиш шакли ва фақат жилла бўлмаганда шунинг учун ҳам улар ажралмасдир.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг вужудга келиши – ҳал этилиши кўплаб омиллар ва шарт-шароитларга боғлиқ бўлган асосий ва узоқ давом этувчи вазифадир. Шунинг учун ҳам республикамиз Президенти Олий Мажлиснинг олдинчи сессиясидаги нутқида қуйидагиларни таъкидлашни зарур деб топганлиги бежиз эмас: «Биз шуни яхши биламизки, зарур базани – сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий базани яратмай туриб, одамларнинг онгини тегишли даражада шакллантирмай туриб, қисқа давр ичида бу мақсадларга эришишнинг иложи йўқ».⁴¹

Республика мустақилликни қўлга киритганидан буён нисбатан қисқа муддат ўтганига қарамай, ҳар қалай, ҳозир амалга ошириляётган ислохотларнинг бутун бориши оғир-оқибатда кўзланган мақсадга эришишга – ривожланган бозор инфратузилмасига эга бўлган фуқаролик жамиятини, демократик жамиятни, ижтимоий адолат жамиятини барпо этишга олиб боради.

Инсоннинг табиий ҳуқуқларини, шахс эркинлигини, мулкчилик шаклларининг хилма-хиллигини, ҳуқуқий давлат ғояларини, сиёсий фикрлар хилма-хиллигини эътироф этиш, хусусий ташаббусни ривожлантириш – фуқаролик жамияти йўлидаги бизнинг дастлабки одимларимиз мана шулардан иборат. Бундан қуйидаги муҳим хулоса келиб чиқади: фуқаролик жамиятини таълимот, ғоя, жараён сифатида ва интилишимиз юксак бўлган реаллик сифатида фарқлай билиш зарур.

6-§. Давлат, ҳуқуқ, шахс

Ҳуқуқий давлат – ҳуқуқ билан боғлиқ давлатдир. Ж.Шевалье ҳаққоний равишда таъкидлаганидек, «ҳуқуқий дав-

⁴¹ Каримов И.А. Янгица фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-том. Т., «Ўзбекистон» 1997. 130-бет.

лат» таркиби етарли даражада мураккаб ва тузилмаси бир хил эмас. Бир томондан, ҳуқуқий аралашувнинг оқибат мақсадларини аниқлаш керак бўлганида (масалан, одил судлов мақсадлари ёки унинг усули (процессуал шакллари) ёхуд меъёрий таъсир кучини (мажбурий жазо чоралари табиатини) аниқлаш керак бўлганда, ҳуқуқ давлатдан шикоят қилади ... Иккинчи томонидан эса, аксинча, фақат ҳамма фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий меъёрларнинг биргаликда амал қилишида давлатнинг қудрати ифодалангани учунгина эмас, балки у бутунча ҳуқуқ билан боғланганлиги, юридиклаштириш омили жамият сиёсий ташкилотининг бир шакли сифатида давлатни фарқловчи хусусият сифатида майдонга чиқадиган тарзда унинг тизимлари ҳуқуқий қобикқа ўралганлиги учун ҳам ҳуқуқдан шикоят қилади».⁴²

Давлатнинг ҳуқуққа боғланганлигини унинг энг аввало инсон ва фуқаро ҳуқуқлари билан боғлиқлиги сифатида тушуниш лозим. Ҳар қандай цивилизациялашган жамиятда туғилган кунидан бошлаб ҳар бир кишига тегишли бўлиб, ундан тортиб олиб бўлмайдиган ҳуқуқлар объектив суратда мавжудлиги умум эътироф этилган – бу ҳуқуқлар инсонга табиатдан инъом этилади. Давлат ва шахс муносабатлари уларнинг ўзаро ҳуқуқлар ва мажбуриятлар билан боғланиши асосига қурилиши керак.

Инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти узоқ тарихга эга. Инсон ҳуқуқлари – тарихий-табиий ҳодисадир. Бу эса, улар жамият тарихий ривож, инсон ҳаётининг доимий ўзгариб турувчи шароитларини ҳисобга олган ҳолда инсоннинг табиий ва ижтимоий моҳияти асосида вужудга келади ва ривож топади демакдир. Инсон ҳуқуқи – муайян ижтимоий муносабатларини мувофиқлаштирувчи меъёрлар ва тамойиллар мажмуидир.

Шуни назарда тутиш керакки, ҳар бир тарихий берилган ҳуқуқ тизими ҳуқуқ субъекти ва тегишли равишда унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақидаги, унинг озодлиги ёки озод эмаслиги тўғрисидаги тасаввурлар сифатида инсон ҳақидаги муайян юридик таълимотни ўз ичига олиб келган ва олади.

⁴² *Shevalier J.L. Etat de droit //Reunede droit publi. 1988. №2. P. 316.*

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланиши ва эволюцияси тарихи, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларининг ривожланганлик даражаси ижтимоий тараққиёт даражаси ва тегишли жамиятда ҳуқуқнинг ривожланиши билан белгиланишидан далолат беради.

Умуман ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари – принципиал жиҳатдан бир тартибдаги ва бир турдаги ҳодисалардир. Инсон ҳуқуқлари – умуман ҳар қандай ҳуқуқнинг зарур қисми, ижтимоий мувофиқлаштиришнинг махсус тури ва махсус шакли сифатида ҳуқуқ моҳиятини ифодалашнинг муайян шаклидир. Инсон ҳуқуқлари ҳуқуқсиз ва ундан ташқарида мавжуд бўлмаганидек, ҳуқуқнинг ҳам инсон ҳуқуқларисиз бўлиши мумкин эмас.⁴³

Илгари қайд этиб ўтганимиздек, ҳар қандай ҳуқуқнинг ўзига хос хусусияти муносабатлар муайян доираси иштирокчилари ролида чиқувчи амалда хилма-хил одамларнинг асос-эътибори билан мавҳум, расмий тенглигидан иборат.

Ҳуқуққа хос тенг эркинлик тамойили фақат бир маънода, яъни у ҳуқуқ тамойили таъсири остига тушиб қолган муносабатлар доирасининг барча эҳтимол тутилган иштирокчилари учун бир хил даражада аҳамиятли, деган маънодагина умумий характерга эга бўлади. Бироқ, бу умумийлик нисбийдир. Чунки у ҳуқуқ томонидан мувофиқлаштириладиган муносабатлар субъектлари билангина чекланади. Иштирокчилар таркиби сингари муносабатлар ҳуқуқ шакллари доираси ҳам тарихий ривожланиш жараёнида ўзгаради ҳамда барчанинг расман тенглиги ва эркинлиги тан олингунгача одамларнинг эркин ва эркин бўлмаган кишиларга бўлишининг ижтимоий-тарихий эволюциясини ифодалайди.

Одамлар у ёки бу қисмининг тўлиқ ёхуд қисман эркин эмаслиги (қуллик, крепостнойлик) сақланиб келган вақтларда ҳуқуқнинг ўзи ва ундан фойдаланиш расман тенг кишилар доирасига кирмаганларга нисбатан имтиёз (ҳуқуқ-имтиёз)дан иборат эди. Яъни инсон ижтимоий мақоми, муайян уруғ, табақа, гуруҳга мансублиги ёки мулки, бойлиги борлигига қараб тегишли ҳуқуқларга эга бўлган.

⁴³ Қаранг: *Общая теория права и государства: /Под ред. В.В.Лазарева. - М., 1994. 311-бет.*

Инсон ҳуқуқлари ҳозирги замон таълимоти тарихий йўлининг турли босқичларида имтиёзлиликнинг у ёки бу кўриниши ҳақида сўз борган. Ушбу тарихий қаторда шундай имтиёзларга эга бўлган одамнинг сўнгги типи фуқаро бўлди, имтиёзли киши ҳуқуқларининг сўнгги шакли эса – фуқаро ҳуқуқидир. Тарихий тараққиёт давомида тобора кўпроқ кишиларни фуқаро сифатида ҳуқуқий эътироф этишнинг кенгайиб бориши рўй берди. Ҳуқуқий тенглик тамойили тобора кўпроқ одамлар доирасига ёйилиб борди.

Турли даврларда расмий тенглик тамойили мазмуни қандай ўзгариб борганлигини кузатиш қизиқарлидир. Чунончи, талион тамойилида (қонга-қон, жонга-жон) ва одил судловнинг афсонавий тарозуси қиёфасида қилинган жиноятга тенг (баравар, адолатли) қасос ғояси ўз аксини топди. Бу ҳолатда биз кўпроқ жинойий ҳуқуқ билан иш кўрамиз, ҳуқуқий тенглик эса-энг аввало, масъулиятли тенглик, жиноят билан жазо ўртасидаги тенглик, жазонинг келтирилган зарарга мос келишидир.

Тенгликни ифодалаш ва амалга оширишнинг бошқа шакли – қуръа инсон муносабатларининг янада янада кенгрок доираси /неъматлар, ҳурмат-эҳтиром, лавозимларни тақсимлаш, қарорлар қабул қилиш, жанжалларни ҳал этиш кабилар/ни камраб олади. Қуръа иштирокчилари тақдир олдида бирдек тенгдирлар. Қуръа дастлаб тақдирнинг ўзини, мазкур воқеа у ёки бу иштирокчиси учун тегишли ролнинг у томонидан танловини билдирган.

Кейинчалик қуръанинг шакли ўзгариб, қуръа иштирокчисининг ўз улуши, ўз тақдирини ўзи танлашига айланади. Натижада қуръа тузилмаси – тенглик ҳуқуқий тамойилини кўшиш ва амалга оширишнинг янги ва истиқболли шакли шаклланади.

Суднинг пайдо бўлиши билан айнан бир суднинг ўзига судланувчи бўлганларнинг тенглиги муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан тенглик ҳақида, унинг адолат ва ҳуқуқ билан боғлиқ тасаввурларнинг ривожини кузатиш қизиқарлидир. Қадим даврларданок тенглик адолат ва ҳуқуқ тамойили сифатида талқин этиб келинган. Лекин бунда тенгликнинг икки турли – арифметик тенглик (ўлчов, тарозу тенглиги ва ҳоказолар) ва геометрик тенглик маънога қараб тенглик) мавжуд эди.

Мисол учун Арасту ҳуқуқни (табиий ҳуқуқни ҳам, иродавий белгиланган ҳуқуқни ҳам) сиёсий ҳуқуқ билан тенглаштирган. Арастунинг фикрича, бу тенглик одамларнинг «бунинг устига эркин бўлиб туғилган ва мутаносиб равишда ёки арифметик тенг фуқароларнинг»,⁴⁴ сиёсий (полисли) уюшиш шароитларида мавжуд бўлади.

Тўралар (яъни сиёсий бўлмаган) ҳокимияти ва муносабат хилида (вахшийларча истибдод тузумларида, хўжайин билан қул ўртасидаги муносабатларда) ҳуқуқ фақат сиёсий ҳуқуқ сифатидагина мавжуд бўлиши, инсон ҳуқуқи эса фақат (полис аъзоси) ҳуқуқи сифатида бўлиши мумкин.

Антик-маърифий ёндашувнинг бошланиши қадимги грек софистлари ижоди билан боғлиқ. Софист Протагорнинг машҳур «Ҳамма нарсанинг мезони – инсон» таърифи буюк инсонпарварлик маъноси билан тўлиқ. Бир қатор софистлар (Антифонт, Ликофрон, Алкидам) барча кишиларнинг табиий тенглиги – табиат бўйича, табиий ҳуқуқ бўйича тенглиги ғояси билан чиқишди. Одамларнинг тенгсизлиги, шу жумладан, эркин ва қулларга бўлиниш улар томонидан одамларнинг сунъий тартиблари, полис қонунлари сифатида талқин этиларди.

Инсон ҳуқуқлари таълимотида римлик юристлар томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқ субъекти тушунчаси муҳим роль ўйнайди. Мазкур тушунча юридик шахс конструкциясида ўз аксини топган. Шуниси қизиқки, улар табиий ҳуқуққа кўра, ҳамма эркин бўлиб туғилади, қуллик эса халқлар ҳуқуқи бўйича кириб келган, деб ҳисоблашса-да, уларнинг ўзлари яна қулларни ҳуқуқ объекти сифатида қолдириб, фақат озод кишиларни юридик шахс сифатида тан олардилар. Уларнинг ҳуқуқий субъектликни нафақат хусусий, балки оммавий ҳуқуққа ҳам тааллуқли деб ҳисоблашганини қайд этиш муҳимдир.

Римлик муаллифлар томонидан қонун талабларининг ялпи умумийлиги ва бирлигидек муҳим тамойил асослаб берилганди. У: «Қонун таъсири ҳаммага бирдек бўлиши керак», деб ифодаланган.

Ўрта асрларда умуман феодак тузуми тузилиши ва мавжудлигининг ҳуқуқ ҳамда табақавий ва иерархик тамойиллари билан ҳуқуқий боғланишнинг янада кенг ёйилган ва

⁴⁴ Қаранг.: Аристотель. Соч. 4.-М., 1983, 159-бет.

батафсилроқ таркиби юзага келади. Феодал жамиятида инсон ҳуқуқлари унинг қайси табақага мансублигига қараб белгиланадиган бўлди. Хилма-хил ижтимоий мақомлар турли ҳуқуқ-имтиёзлар белгиларди.

Қадим замонларда юзага келган одамларнинг ялпи тенглиги ғояси ўрта асрларда турли нуқтаи назарлардан туриб, турли шакл ва йўналишларда ривожланишда давом этди. Ўша давр ҳуқуқий ҳужжатларида ушбу ғоянинг амалий ифодаси табақавий ҳуқуқлар ва озодликлар /эркинликлар/дан иборат бўлганди. Шунга қарамай, буржуа конституциялари ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари юридик конструкцияларининг шаклланишига таъсир кўрсатган тарихий истикболли йўналиш бўлган.

Табиий ҳуқуқнинг ақл-идроқка асосланган назарияси, аввал таъкидлаганимиздек, Г.Гроций, Б.Спиноза, Ж.Локк, Ш.Монтескье, Т.Жефферсон ва бошқа мутафаккирлар асарларида ишлаб чиқилган. Уларнинг феодал тузумини танқид қилганликлари ва шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги янги тасаввурларни, индивид билан давлат ўртасидаги муносабатларда ҳуқуқ ҳукмронлигининг зарурилиги ҳақидаги янги тасаввурларни асослаб берганликлари буржуа дунёқарашининг шаклланишига, буржуа инқилобларини юридик тайёрлашга ва улар натижаларини юридик муштаҳкамлашга катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Инсон табиий ҳуқуқларининг ажралмаслиги, ҳокимиятларнинг бўлиниши таълимотига боғлиқ ҳолда конституциявийликнинг шаклланиш жараёнида ўз ролини ўйнади ва илк буржуа конституциявий қонунчилиги ва давлат-ҳуқуқий амалиётига сезиларли таъсир кўрсатди.

Чунончи, 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари француз Декларациясида барча одамларнинг эркинлиги ва ҳуқуқий тенглиги тантанали эълон қилинганди. Инсон ҳуқуқлари унда «табиий, ажралмас ва муқаддас» деб баҳоланган. «Табиий» деб аталишининг сабаби шундаки, инсонга унинг туғилиши чоғида табиат ва фақат табиатгина табиий ҳуқуқларни тақдим этади. «Ажралмас» деб тан олинishiда уларни ҳаётий фаолият юритувчи жонзод сифатида инсонга хос туб сифатлар қаторига киритишлари ҳамда унинг тимсолида «ижтимоий итти-

фоқ аъзоси»ни йўқотишнинг яққол таҳдидисиз бу ҳуқуқларни айириб олиб бўлмагани назарда тутилади.

Ниҳоят, Декларацияда инсон ҳуқуқлари «муқаддас» деб аталган. Бу ерда «муқаддас»лик фавқулодда муҳим, юксак ҳурматга сазовор ва барқарор демакдир.

Бундай ҳуқуқлар қаторига эркинлик, мулкчилик, хавфсизлик ва жабр-зулмга қаршилик кўрсатиш киритилган. Тафаккур ва фикрларни, шу жумладан диний масалалар бўйича эркин изҳор этиш ҳам инсон ҳуқуқлари сифатида тан олинган. Қонун олдида ҳамманинг тенглиги тамойили эълон қилинган. Декларациянинг бир қатор моддалари жинсий-ҳуқуқий соҳада инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамоя қилишга бағишланган. Айбсизлик презумпцияси «ҳар бир одам акси исботланмагунча айбсиз ҳисобланади» деган таърифда тан олинади.

«Биринчи авлод» ҳуқуқлари деб аташ мумкин бўлган қатор фундаментал сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларини эълон қилиб, уларни амалиётга киритиб, Декларация инсон ҳуқуқлари тузилмаси ривожининг илк босқичини очиб берди. Ушбу даврда инсон ҳуқуқлари ўзининг идеал киефасидан айниқса узоқликда эди. Уларни амалга ошириш ижтимоий таркиботлар омонидан вужудга келтирилган қийинчиликларга дуч келди. Натижада «тенг бўлиб туғилган» одамлар «фаол» ва «пассив» фуқароларга бўлина бошладилар, «инсон ҳуқуқлари» тушунчасига қарама-қарши сиёсий ҳаётга «ценз» тушунчаси кириб келди.

Ушбу тузилма тараққиётдаги иккинчи босқич ҳуқуқларининг янги, иккинчи авлоди – ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларнинг пайдо бўлиши муносабати билан энди бизнинг асримиз санасига киради. Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар (меҳнат қилиш, маълумот олиш, ижтимоий таъминланиш ҳуқуқи) сиёсий ҳуқуқларга қараганда давлатнинг ҳам моддий, ҳам юридик хусусиятдаги чораларига кўпроқ муҳтождир. Бусиз мазкур ҳуқуқлар озгина бўлса ҳам изчил амалга ошиши қийин.

Учинчи босқич асримизнинг иккинчи ярмига тегишли бўлиб, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ривож топтириш, амалга ошириш ва муҳофаза қилишда халқаро ҳуқуқ ролининг кескин ошиши би-

лан тавсифланади. Ҳуқуқлар ва эркинликлар рўйхати янада кўпроқ кенгайди, уларнинг «учинчи авлоди» шаклланади.

Учинчи авлод инсон ҳуқуқларига бағишланган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар орасида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси алоҳида ўрин тутади. Дастлаб Инсон ҳуқуқлари халқаро хартияси Инсон ҳуқуқлари декларацияси, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва Конвенция қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича тadbирлар акс этган ҳужжатдан иборат бўлиши керак деб белгиланганди.

1948 йил декабрида таклиф этилган ҳужжатларнинг биринчиси – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинди. Иккинчи ва учинчи ҳужжатларни тайёрлаш давомида инсон ҳуқуқларининг барча тоифалари киритиладиган ягона шартнома ўрнига Инсон ҳуқуқлари тўғрисида иккита пактни қабул қилишга қарор қилинди. Булар – Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактдир. Пактларни ҳаётга татбиқ этиш тadbирлари пактларнинг ўзларига ҳам, шунингдек, алоҳида ҳужжат – Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги пактга факультатив баённомага ҳам киритилган.

Хартияни ташкил этувчи ҳужжатларнинг юридик кучи турлича. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси тавсия берувчи меъёрлар, меъёр-даъватларни акс эттирса, иккинчи томондан, халқаро шартномалар сифатида пактлар шу пактлар қатнашчилари бўлган давлатлар учун мажбурий ҳаттиҳаракат меъёрларини белгилаб беради. Шундан келиб чиққан ҳолда Хартияга ягона ҳужжат сифатида қараб бўлмайди – бу етарли даражада мустақил халқаро ҳужжатларни бирлаштирувчи умумий номдир.

Декларацияда ифодаланган ҳуқуқлар ва эркинликларни тўрт гуруҳ бўйича таснифлаш мумкин. Биринчи гуруҳга элементар ҳуқуқлар ва эркинликлар деб ном олган ҳуқуқлар ва эркинликлар: яшаш, дахлсизлик, қулликдан озод бўлиш ҳуқуқи, азоб-уқубатга ёки ваҳшийларча, инсонликка иснод бўлган ёки жазога мустаҳиқ бўлмаслик, қонун олдида барчанинг тенглиги, одил судловнинг таомил кафолатларига таал-

луқли бир қатор ҳуқуқлар, шахсий ва оилавий ҳаётга ўзбошимчалик билан аралашиб ҳамда ор-номус ва шаънига ёки хатлардаги сирларга ўзбошимчалик билан тажовуз қилишдан ҳимояланиш киритилади.

Иккинчи гуруҳни фуқаролик ҳуқуқлари ташкил этади. Булар: шахснинг ҳуқуқий субъект сифатида тан олиниш ҳуқуқи, давлат ҳудудида эркин юриш ва ўзига истиқомат жойини танлаш эркинлиги, бошпанадан фойдаланиш ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, никоҳдан ўтиш ва оила ташкил этиш ҳуқуқи, мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқидир.

Сийсий ҳуқуқлар ва эркинликлар қаторида Декларация: фикр, виждон ва дин эркинлиги; эътиқодлар ва уларни изҳор этиш ҳуқуқи; тинч йиғилишлар ва уюшмалар ўтказиш (тузиш) ҳуқуқи; ўз мамлакатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини белгилайди.

Ниҳоят, 22-28-моддаларда меҳнат қилиш ҳуқуқи, ишни ўз эрки билан танлаб олиш, тенг меҳнатга тенг ҳақ олиш, касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи, дам олиш ва бўш вақт ҳуқуқи, муайян турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи каби иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар санаб ўтилади.

Ҳар бир кишининг жамият олдидаги мажбуриятлари келтирилган ҳамда индивиднинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш чоғида уларни чеклаш мумкин бўлган асослар белгиланган. Мазкур чеклашлар бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш ва ҳурмат қилишни таъминлаш мақсадида, шунингдек ахлоқийлик мулоҳазалари бўйича жамоат тартибини ҳамда умумий фаровонликни таъминлаш мақсадида белгиланади. Ана шундай барча чеклашлар, агар улар тўғридан-тўғри қонунда белгиланган бўлса, мавжуд бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни қайд этиш жоизки, Фарб демократияси ва Фарб цивилизациясининг барча қадриятлари инсоннинг табиий ҳуқуқлари сифатида бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган эмас. Жаҳоннинг турли мамлакатларида таркиб топган маданий анъаналарнинг хилма-хиллиги бунинг асосий сабабларидандир.

Инсон ҳуқуқлари, давлат – жамият – шахс нисбати тўғрисида гапирарканмиз, шундай бир муаммо, яъни ҳуқуқий тар-

тибга солиш ва давлат фаолиятининг чегаралари ҳақида албатта тўхталиш керак. Аввал бошиданок, муносабатларни тартибга солишга ёндашувда тамоман қарама-қарши қараш икки мавжудлигини қайд этамиз. Улардан биринчиси – «тунги қоровуллик давлати» номини олган концепция бўлиб, унга мувофиқ давлат энг аҳамиятли муносабатларнигина тартибга солиши, тўғрироғи муҳофаза этиши керак.

Иккинчи ёндашув шундан иборатки, одамлар ўртасидаги муносабатларнинг тобора кўпроқ микдори давлат бошқаруви доирасига кириб қолади. Айни замонда бундай тажриба фуқаролар бутун ҳаётини фаолиятига майда-чуйдаларда ҳам давлат органларининг аралашувига олиб келиши мумкин.

Ҳуқуқ жамият ўз вазифаларини ҳал этадиган асосий, лекин бирдан-бир восита эмаслигини ёдда тутиш зарур. Кишиларнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёти ижтимоий меъёрларнинг бутун бир мажмуи билан тартибга солинади. Бунинг устига ҳуқуқий тартибга солиш предмети бошқа қондалар таъсири предметларига мос келиши, лекин айни пайтда фарқ қилиши ҳам мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам ҳеч бўлмаса назарий жиҳатдан ҳуқуқий соҳанинг ташқи ва ички чегараларини аниқлаш зарур.

Шунга кўра, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш номувофиқ ёки бутунлай мумкин бўлмай қоладиган сарҳадлар, чегаралар тўғрисидаги масала кўндаланг бўлади. Бунинг билиш жуда муҳим. Зеро, қонунийлик ва ўрнатилган ҳуқуқ-тартибот фақат амалдаги қонунларни бажармаган ҳоллардагина бузилмай, балки қонунчилик, ҳуқуқни қўлланиш фаолияти жараёнида ҳуқуқнинг таъсир доирасидан чиқиб кетилганда ҳам рўй беради. Шахс манфаатларига риоя қилиш нуқтаи назаридан ҳам, жамият манфаатларига риоя этиш нуқтаи назаридан ҳам бундай ҳаракатлар номақбулдир.

Ҳуқуқий тартибга солиш чегаралари тўғрисидаги масала билан биринчилар қатори табиий-ҳуқуқий қарашлар тарафдорлари қизиқишган. Улар шундай бир қондани эълон қилишдики, унга мувофиқ ижобий ҳуқуқ табиий ҳуқуққа асосланиши, унга мос бўлиши ва унинг чегараларидан чиқмаслиги керак. Улар фикрига кўра, инсоннинг табиий, ажралмас ҳуқуқлари давлат учун мезон бўлиб хизмат қилиши керак.

Мазкур нуқтаи назарнинг кейинги вақтларда тарафдорлари сони ортиб бормоқда.

Ҳуқуқий тартибга солиш чегаралари тушунчаси «ҳуқуқий тартибга солиш доираси» ҳуқуқий категорияси билан чамбарчас боғлиқлигини эсда тутиш лозим. Бирок, юридик адабиётда ҳанузгача ҳуқуқий тартибга солиш доираси, ҳажми мезонларига ягона ёндашув таркиб топгани йўқ.

Чунончи, бир хил муаллифлар фикрига кўра, ҳуқуқий тартибга солиш мазмуни, ҳажми ва доирасини белгилаш ҳуқуқ ижодкорлиги органлари ваколатига киради; ҳуқуқий тартибга солиш чегаралилиги объектив мезонлар – ижтимоий тараққиёт қонуниятлари, ҳуқуқнинг ички қонуниятлари ва хусусиятлари билан, ҳуқуқий таъсир ўтказишнинг субъекти ва объекти сифат тавсифи билан белгиланади. Ҳуқуқий тартибга солишнинг доираси ва чегаралари бир-бирига мос келмайдиган ҳамда қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга, бинобарин, ана шу мувофиқликни таъминлашга қаратилган.

Бошқа олимлар нуқтаи назарига кўра, ҳуқуқий тартибга солиш доираси ҳуқуқ таъсирига берилган ижтимоий макондир. Тартибга солиш чегаралари – бундай маконнинг чегаралари, сарҳадларидир. Қонун чиқарувчи таъсир доиралари эҳтимол тутилган /потенциал/ бошқариш доираси; зарурий бошқариш доираси; қонуний тартибга солиш доираси; ҳуқуқни амалга оширувчи тартибга солиш доирасини фарқлайди.

Бизнинг назаримизда, ҳуқуқий тартибга солиш доирасини одамлар ўртасида таркиб топадиган, ҳозирги замон вазифалари нуқтаи назаридан ҳуқуқий регламентга солишни мумкин ва лозим бўлган, улар ҳаётий далиллари ва ҳолатларини объектив тарзда кузатиб борадиган муносабатлар мажмуи сифатида таърифлаш энг мақбулдир.

Мазкур ҳолатда ҳуқуқий тартибга солишга давлат томонидан мустаҳкамланган хатти-ҳаракатлар умумий қоидалари воситасида амалга ошириладиган юридик таъсирнинг кўринишларидан бири сифатида қаралади. Ҳуқуқий тартибга солиш нафақат одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар ва алоқаларгагина тааллуқли бўлмай, балки кишилар иродаси ва онгидан холи содир бўладиган аниқ ҳолатлар, шунингдек, ҳодисаларни ҳам қамраб олади.

Бунда ҳуқуқий тартибга солиш доирасига фақат юзага келган муносабатларгина киришини алоҳида таъкидлаш зарур. Қонун тегишли хатти-ҳаракатлар тарзи билан боғлайдиган фактлар юзага келиши олдиндан билинган ҳолда, бу фактлар вужудга келиш пайтидан бошлаб юридик бўлиб қолади.

Ҳуқуқий тартибга солиш сарҳадлари ҳуқуқий тартибга солиш иродасининг ўзига хос чегаралари ҳисобланади ва уларни аниқлаш учун кўпгина фақат қонун чиқарувчи ва унинг иродасига ишонишнинг ўзи кифоя қилмайди. Мазкур чегаралар кўпроқ мавжуд реаллик билан олдиндан белгилаб қўйилади. Ушбу реалликка жумладан қонунчилик фаолияти зарур омиллардан бири сифатида қўшилади.

Ҳуқуқий тартибга солиш доираларини аниқлаш мезонларини ижтимоий муносабатлар табиатининг ўзидан, шунингдек, муносабатларни тартибга солувчи сифатида ҳуқуқ хусусиятларидан излаш керак. Баъзи ҳолатларда, муайян сиёсий-иқтисодий вазиятда ҳуқуқий тартибга солиш доираси, чегараларининг кенгайиши кузатилиши, бошқа ҳолатларда эса, давлат-ҳуқуқий доираси торайиши мумкин.

Юқорида баён этилганлар асосида давлат, шу жумладан, ҳуқуқий таъсир чегараларига икки томондан – унинг имкониятлари ва заруратлари нуқтаи назаридан қараб чиқилиши мумкин.

Бу – тартибга солишнинг икки сарҳади – юқориги (ташқи чегаралар) ва пастки (ички чегаралар) чегаралардир.

Ҳуқуқий тартибга солишнинг юқориги чегараси мумкин бўлган чегара ҳисобланади. Унинг ортида қолган муносабатларга давлат ҳокимиятининг қўли етмайди ва улар бошқача, ҳуқуқий бўлмаган меъёрлар билан тартибга солинади. Улар жумласига табиат қонунлари билан тартибга солинадиган, жуғрофий, экологик ва бошқа шарт-шароитларга боғлиқ бўлган табиий омилларни киритиш мумкин.

Ижтимоий тараққиётининг айрим қонуниятлари, иқтисодиёт даражаси, ижтимоий-демографик, сиёсий ва бошқа шарт-шароитлар ҳам ҳуқуқий тартибга солишдан ташқарида қолиши мумкин.

«Юқориги» (мумкин бўлган) чегара бундан ташқари маданият омиллари билан белгиланиши мумкин. Бу омилларга жамият маданий тараққиёти даражасини, унинг ах-

локи, маънавияти, миллий, диний ва бошқа урф-одатлар ва маросимларни киритиш мумкин.

Бироқ тажрибанинг гувоҳлик бериши ва ҳаётнинг кўрсатишича, давлат вақти-вақти билан бу чегараларни босиб ўтишга, табиат, жамият тараққиётининг объектив жараёнларини ҳуқуқий рамкага солиш, киши ҳаётини регламентлаштириш, унинг ҳуқуқларини чеклашга уринади ва бу ҳол салбий оқибатларга олиб келади.

«Пастки» чегара (аралаштириш зарурати) у ёки бу ижтимоий муносабатларнинг давлат ва жамият учун муҳимлилик даражаси билан белгиланади. Ҳаётда одамлар ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларининг катта қисми ҳуқуқий тартибга солиш доираси билан қамраб олинмагани маълум. Бироқ, баъзи пайтларда улардан айримларининг давлат ва жамият олдидаги аҳамияти ортади, хусусийдан улар умумийга айланиб, салмоқлироқ бўлиб, одамлар ўзаро муносабатларига жиддий таъсир кўрсатади. Мазкур ҳолатда давлат ҳуқуқи тартибга солиш чегараларини кенгайтириши мумкин.

Лекин таъсирчанлиги ўз-ўзини тартибга солиш асосида ушлаб туриладиган ижтимоий муносабатлар давлатнинг тартибга солувига муҳтож эмас. Исталган тартиб ахлоқ меъёрлари, урф-одатлар ва бошқа ҳуқуқий бўлмаган тартибга солувчилар таъсири воситасида сақлаб турилади. Ушбу муносабатлар ҳам ҳуқуқий тартибга солишнинг «пастки» чегарасидан ташқарида қолади.

Албатта, давлат ҳуқуқий тартибга солишнинг «пастки» чегараларини бузиб ўтиш, одамлар кундалик ҳаётида юзага келадиган муносабатларнинг мумкин қадар кўпроқ микдорини қамраб олиш васвасасини доимий ҳис этиб туради. Бу ҳаддан ташқари тартибга солишга берилиб кетиш, давлатда «полиция» тартибини ўрнатишга интилиш билан хавфлидир. Ҳуқуқий тартибга солиш доирасини қонунга қўшимча ҳужжатлар воситасида белгилашга интилиш билан боғлиқ равишда бу хавф янада ортади. Қонун воситачи бўлган нарсалар ҳамиша ҳам қонуний ҳужжатлар билан тартибга солинмаслиги маълум бўласа-да, хавф хавфлигича қолади.

Муаммо яна шу билан мураккаблашадики, ҳуқуқдаги бўшлиқлар қонун кучидаги ҳужжатлар билан тўлдиришга

уринилади. Шу муносабат билан баъзи қонун лойиҳаларида қонун кучидаги меъёрий ҳужжатда қабул қилиниши мумкин бўлган чегараларни аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Энг эзгу ниятлар билан бўлса-да, давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш чегаралари, сарҳадларининг бузилиши муносабатларнинг эквивалентлик (тенглик) характери, улар иштирокчиларининг тенглигининг бузилишига олиб келади ва буни оқлаб бўлмаслигини унутмаслик керак.

Зўравонлик моҳияти ҳуқуқдан фарқли ўларок, муносабатларда унинг иштирокчилари ихтиёри эмас, балки ҳуқуқий муносабатларнинг эквивалент ва тенглиги моҳияти бузилишида намоён бўлади. Улардан чекланиш, томонлардан бирининг уларни ўз танлови бўйича алмаштиришга, хатти-ҳаракатларнинг аллақачон таркиб топган ва эътироф этилган миқёсларини бузган ҳолда ушбу кадриятлар ҳақида ўзига манфаатли тасаввурларни бутун ҳуқуқий бирлашмага ўтказишга уриниш – зўравонлик мана шундан иборат. Агар ҳуқуқий асосларда чекланиш давлат томонидан содир этиладиган бўлса, хатто у қонун нуқобига ўралган бўлса-да, биз давлат зўравонлигига дуч келаемиз.

Энди муаммога бошқа томондан қараб кўрамиз. Зеро, фуқаролик ҳуқуқини амалга ошириш чегаралари, сарҳадлари ҳақидаги масала, бу – яна фуқаролик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш муаммоси ҳамдир. Ҳуқуққа эга бўлишнинг мутлақ эркинлиги, ҳеч бўлмаганда давлат ҳам, жамият ҳам эркинликка эга эканликлари учун ҳам бўлиши мумкин эмас.

Шахснинг ҳуқуққа эгалликда мутлақ эркинликка эришиш учун интилиши эса ҳуқуқни суиистеъмол қилишга олиб келади.

Албатта, ҳар қандай субъектив ҳуқуқ уни амалга ошириш мумкин бўлгандагина, бошқача айтганда, тақдим этилаётган ушбу субъектив ҳуқуқ имкониятларида ҳуқуқли шахснинг қандайдир эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиш мумкин бўлган тақдирдагина ижтимоий қимматга эга бўлади.

Лекин субъектив ҳуқуқнинг ўзи ўз мазмунига кўра, ҳуқуқли шахс томонидан ҳуқуқни реал амалга ошириш мақсадида қонун кафолатлайдиган эркинлик ҳам чексиз бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай субъектив ҳуқуқ ўз мазмуни бўйича

ҳам, уни амалга ошириш характери бўйича ҳам муайян чегараларга эга. Чегаралар ҳар қандай субъектив ҳуқуқнинг ажралмас хусусиятидир. Зеро, бундай чегаралар бўлмаганда, у ўзининг аксига – зўравонликка айланади ва шу билан ҳуқуқ мақомидан умуман маҳрум бўлади.

Мазкур чегаралар, **биринчидан**, субъектив ҳуқуқ предмети (предмет чегаралари) билан боғланган. Яъни бир ҳаракатни содир этишга мўлжалланган субъектив ҳуқуқ бошқа ҳаракатларга дахлдор бўлиши мумкин эмас. Жумладан, харидор, нуқсонли буюмни муайян муддат ичида алмаштириб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлгани ҳолда, яхши сифатли буюмни ўша муддатларда алмаштириб беришни талаб қилолмайди.

Иккинчидан, субъектив ҳуқуқнинг амал қилиши субъектив чегаралар билан чекланган. Бу – ҳуқуқлар конкрет шахсга тегишли бўлиб, фақат унинг ўзи шу ҳуқуқлардан фойдаланиш мумкин, демакдир. Маълумки, субъектив ҳуқуқлар жамиятдаги уларнинг алоҳида мақомларига мос равишда субъектларга: фаолият тури муносабати билан (ҳарбий хизматчилар), ёши (балогатга етмаганлар), меҳнат фаолияти шарт-шароитлари муносабати билан тегишли бўлади ва ҳоказолар. Шунинг учун субъектив чегаралар билан фақат мазмуннинг ўзигина эмас, балки субъектив ҳуқуқ ҳажми ҳам боғлиқ.

Учинчидан, субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш чегаралари вақт чегараларига ҳам эга. Шунинг учун бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилишни талаб этиш ҳуқуқи муддат билан чегараланган.

Тўртинчидан, субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш чегаралари ҳуқуқларни амалга ошириш усуллари ва шакллари билан боғлиқ.

Бешинчидан, субъектив ҳуқуқни амалга ошириш чегараларига ҳимоя усуллари ҳам киради. Масалан, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш меҳнат низоларини қараб чиқиш бўйича қонунда белгиланган тартиб асосида олиб борилади.

Олтинчидан, субъектив ҳуқуқларнинг уларнинг вазифаларига мувофиқ амалга оширилиши ушбу ҳуқуқларнинг умумий чегараси ҳисобланади.

Субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш чегараларини аниқлашга уларни чеклаш сифатида қараб бўлмаслигини ёдда тутиш керак. Аксинча, бу ижтимоий муносабатлар тизимида олдиндан мавжуд бўлган одамларнинг расмий тенг аҳволи-

нинг юридик ифодаси ҳисобланади. Айрим шахсларнинг ўзларига тегишли ҳуқуқлардан фойдаланиб, мазкур иктисодий ва ҳуқуқий мувозанат ташқарисига чиқишга интилишлари, уларни амалга ошириш чегараларини бузиш ҳуқуқи суниестемол қилиш бўлади.

Ҳуқуқни суниестемол қилиш ҳуқуқни вазифасини бузишда, қонун матнининг унинг руҳига қарама-қарши қўйилишида ифодаланади. Бунда одам расман қонунга мувофиқ ҳаракат қилса ҳам, аслида унга қарши иш кўрадиган вазият юзага келади.

Ҳуқуқни суниестемол қилиш субъектив ҳуқуқни унинг вазифасига зид равишда амалга оширишдан иборат. Ҳуқуқни суниестемол қилиш натижасида фуқаролар, давлат, умуман жамият ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (иккинчи бўлим, бешинчи боб, 20-модда) шундай дейилган: «Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт».

Агар фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини қонуний йўл билан амалга оширишлари давлат томонидан қафолатланиб, қонун билан ҳимоя қилинадиган бўлса, унда ҳуқуқни суниестемол қилиш, аксинча, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик сингари сиқиб чиқарилиши даркор.

Ҳуқуқни суниестемол қилишга мисол тариқасида ноқонуний тарзда турар-жой олиш учун сохта никоҳдан ўтиш ёки автомашинани мавжуд қоидаларни четлаб ўтиб сотиш учун ҳадя қилиш шартномасини тузиш далилларини келтириш мумкин. Ҳимоялаш ҳуқуқини суниестемол қилишни мисолларнинг алоҳида қаторига қўйиш керак. Зеро, бундай суниестемол номақбул оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки давлат органлари мажбурлов кучи билан боғлиқдир.

Субъектив қонунга ноқонуний тарзда эга бўлиб, кейин ундан фойдаланишга қаратилган ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ҳам ҳуқуқни суниестемол қилишга кирмаслигига эътиборингизни тортаман. Фақат фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлардан уларнинг вазифасига зид ҳолатда фойдаланишлари шундай суниестемоллик сифатида тан олинади. Шунинг учун

ноқонуний йўл билан ҳуқуқни сотиб олиш ҳам, қалбаки ҳуқуқни амалга ошириш ҳам ҳуқуқни суиистеъмол қилиш сифатида қаралиши мумкин эмас. Биринчи ҳолатга бегона мулкни эгаллаб олиш мисол бўлса, иккинчисига меросхўрни мероснинг мажбурий улушидан маҳрум қилишни кириштириш мумкин.

Ҳуқуқни қўлланувчи органларнинг қонунийликни қарор топтириш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва жамиятнинг ахлоқий асосларини барқарорлаштириш фаолиятларида ҳуқуқни суиистеъмол қилишнинг олдини олиш муҳим ўрин тутиши керак.

7-§. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг конституциявий асоси

Республикаимиз Президенти И.Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида жамиятимиз ва халқимиз яқин келажакда ҳал этиши зарур бўлган муаммоларга эътиборни қаратди. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур маъруза давлат-ҳуқуқий тафаккурни чинакамига янгича шарҳлаш бўлди. Зеро, ҳозирги замон давлат-ҳуқуқий фанида илк бор «давлат», «ҳуқуқ», «ҳуқуқий маданият» ва бошқа асосий тоифалар каби тушунчалар мутлақо янги маънода ўз талқинини топди.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти фақат мураккаб масалаларни ўртага ташлабгина қолмай, уларга батафсил жавоблар ҳам берди. Шу муносабат билан у қуйидагиларни айтди: «Биз барпо этаётган давлат энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга, ижтимоий қадриятларга асосланиши лозим.

Ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди. Ва ўз навбатида бу фалсафий-ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди.

Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уй-гун ҳолда, Хўжа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйгун ҳолда шаклланиши лозим...

Ўйлайманки, биз бугун барпо этаётган жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий асосларини белгилашда мана шундай ғояларга суянсак, хато қилмаган бўламиз».⁴⁵

Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг илмий асосланган дастурига айланган ушбу маърузада республика-миз Президенти И.Каримов, демократик, адолатли фуқаро-лик жамиятини қуриш – бизнинг мақсадимиз ва асосий ва-зифамиздир, деб таъкидлади.

Маълумки, демократик бошқаришнинг энг муҳим жи-ҳатлари «ҳуқуқий давлат» тушунчасида жамланган. У давлат суверенитети, қонуннинг устуворлиги, ҳокимиятларнинг бўлиниши, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларининг пойдор-лиги тамойиллари асосига қурилади.

Ушбу тамойилларнинг ҳар бири бизнинг Конституция-мизда мустаҳкамлаб қўйилган. Шунинг учун ҳам улар ҳуқуқий давлатчилигимизнинг конституциявий асослари сифатида қаралиши мумкин.

Бу ерда шунини таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республика-си Конституцияси фақат юридик ҳужжатгина бўлиб қолмай, балки муайян дастурий узоқни кўзловчи салмоққа ҳам эга.

Ҳам бугунги, ҳам эртанги кунимизнинг Асосий қонуни сифатида у жамиятимизда содир бўлаётган ўзгаришларнинг асосий йўналишларини олдиндан белгилаб боради. Фуқаро-ларнинг кундалик ҳаётларида конституциявийлик руҳини, ҳуқуққа ва қонунга ҳурматни шакллантиришдаги аҳамияти шундан келиб чиқади.

Конституция тамойилларининг универсаллиги унинг Муқаддимасида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Фунда-ментал кадриятларимизни мавжуд шарт-шароитлар билан боғлар экан, Конституция ижтимоий идеал аҳамиятини касб этади: унинг Муқаддимасида биз ахлоқий қарашларимиз ва инсонпарварлик оҳангини топамиз.

⁴⁵ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т., «Ўзбекис-тон» 1996. 7-8-бетлар.

Конституциявий меъёрларнинг универсаллигини тақозо этувчи юқоридаги кадриятлар энг олий мақсад ва вазифани гавдалантириб, унинг учун халқ томонидан ва халқнинг ўзи учун конституциявий тузум яратилипти. Лекин, маълумки, ҳуқуқ одамлар ҳиссиётлари ва уларнинг даъваткор кадриятларини эмас, балки уларнинг хатти-ҳаракатларини бошқаради ва шу тариқа конституциявий тузум асосларида мантикий ривожини топади. Масалан, Муқаддимада эълон қилинган демократия кадриятлари 1-моддада мустаҳкамланиб: «Ўзбекистон – суверен демократик республика», – дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзга чиқар экан, бу муҳим ҳужжат аҳамиятини аниқ таърифлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий аҳамияти шундан иборатки, у дунёнинг сиёсий харитасида янги суверен давлат пайдо бўлганлигини қонуний мустаҳкамлади. Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида И.Каримов буни алоҳида таъкидлади: «1992 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа бўлди. Ҳеч бир давлат ўзининг Асосий қонунида давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамламасдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайди. Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради, дейиш учун тўла асосларимиз бор».⁴⁶

Суверенитетнинг ўзи нима ва унга нима учун бундай катта аҳамият берилади? Агар суверенитет ҳақида умуман гапирадиган бўлсак, уни шундай таърифлаш мумкин: «суверенитет – давлатнинг ўзи мустақил равишда, четдан ҳеч кимнинг аралашувисиз ўзининг ички ва ташқи сиёсатини белгилай олишини кўрсатувчи, XVI асрдаёқ Оврупода миллий мустақил давлатларнинг ташкил топиш даврларида тарқиб топган тушунчадир».

⁴⁶ Каримов И.А. Янги фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-том. Т., «Ўзбекистон» 1997. 107-бет.

Давлат суверенитети:

♦ мазкур давлат фуқароларининг унинг суверенитети юзасидан ирода изҳоридан;

♦ бошқа суверен давлатлар томонидан ушбу давлатнинг халқаро ҳуқуқ субъекти деб тан олинishi ва у билан дипломатик муносабатларни ўрнатишидан;

♦ халқаро ташкилотларга киришидан;

♦ халқаро шартномаларни имзолаб, ратификация қилгандан кейин давлатнинг бутун ҳудудида ўз мажбуриятларини бажара олиш қобилиятидан;

♦ инсон ҳуқуқларини тан олиши ва муҳофаза этишидан иборат.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг бир йил ўтгач унинг биринчи Президенти Ислом Каримов шу муносабат билан ёзганди: «Ўзбекистон чинакам мустақилликка эришиш мақсадини биринчилар қатори билдирганлигини жонажон ўлкамиз учун фахр-ифтихор туйғуси билан қайд этиб ўтиш керак. Собиқ Иттифокдаги республикалардан биринчи бўлиб президентлик бошқарувини амалда жорий этган ҳам, кенг миқёсдаги ислохотларни амалга ошириш, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш йўлига ўтиб олган ҳам бизнинг республика бўлди.

Ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи – ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилди. 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Муқаддас орзу ушалди – Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди».⁴⁷

Республика кўпмиллатли аҳолисининг иродаси «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги конституциявий қонунда мустаҳкамланди ва умумхалқ референдумида яқдиллик билан тасдиқланди.

Шу заҳотиёқ республикада ҳуқуқий демократик давлат асослари кўйила бошлади. Энг аввало тоталитар тизим нуқсонлари кескин барҳам топтирила бошланди. Кўппартиявийлик, фикрлар ва гоялар хилма-хиллиги реал воқеликка айлана бошлади. Бир гоя – коммунистик гоянинг яқка ҳокимли-

⁴⁷ Каримов И.А. *Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура*. 1-том. Т., «Ўзбекистон» 1996, 37-бет.

гига барҳам берилди. Умуминсоний қадриятлар, демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг жаҳон эътироф этган шакллари устуворлиги тобора кўпроқ қарор топа борди.

Ҳокимиятлар – қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларига бўлиниш тамойили изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг чинакам манбаига айланмоқда ҳамда бу ҳокимиятни бевосита ўз вакиллари – депутатлар корпуси орқали амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида шундай деб таъкидланган: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади».⁴⁸

Ёш, навқирон давлатни оёққа тургазишни ҳар томонлама юридик таъминлашга қаратилган республика парламентининг қонун ижодкорлиги фаолияти дарҳол фаоллашиб кетди. Бошқарувнинг президентлик шакли ўзаги бўлган давлат бошқарувининг илғор ва таъсирчан тизими шаклланди. Конституциянинг 89-моддасига мувофиқ Президент давлат ва ижроия ҳокимиятининг бошлиғи ва айти пайтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади. Президент ҳокимияти – миллий мустақиллик ва ҳудудий яхлитликнинг, халқаро шартномалар ва битимларга риоя этилишининг кафолатидир. У республика Асосий Қонуни талабларининг бажарилишини ҳамда фуқаролик жамиятининг нормал ишлаб туришини таъминлайди.

Жойларда бошқарув тизими қайта ташкил этилмоқда – вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлик тузилмаси таъсис этилди. Унинг зарурлиги Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Президентимиз томонидан шундай асослаб берилган: «Эски, қотиб қолган тизим билан янги тизим ўртасидаги кураш кескин тус олган ҳозирги ўтиш даврида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш учун кучли ижро ҳокимияти зарур. Буни ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда тақозо этмоқда. Жамият тубдан янгиланаётган бир пайтда бизга малакали, ҳар томонлама тажрибага эга бўлган, ўзгаришларни ҳаётга татбиқ этишга қодир бошқарув аппарати керак.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Т., «Адолат», 1998.

...Янги тарихий жараёнда ўтмишда синалган анъанавий бошқарув идоралари – ҳокимликлар қайта тикланди. Уларнинг фаолияти ва ислохотларни қўллаб-қувватлаётган кучлар мавжудлиги туфайли давлатимизда сиёсий ва иқтисодий барқарорлик сақланиб турибди. Ҳар биримизнинг хонадонимизда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда».⁴⁹

Қонуннинг устуворлигини, унинг олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминлашга даъват этилган суд ҳокимияти ислохоти амалга оширилмоқда. Бу жараён машаққатли, аммо ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида зарур жараёндир. Бу ерда ҳокимиятнинг учинчи мустақил тармоғи сифатида бутун судлов тизимини демократиялаш даркор. Республикамиз тараққиётининг ҳозирги босқичида судларнинг ролига тўхталиб, Президентимиз жумладан шундай деганди: «...Ижтимоий турмушимизнинг демократик институти тариқасида суднинг аҳамияти жиддий оширилиши зарур.

Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида асосий мазмунга айланмоғи керак...

...Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим».⁵⁰

Фуқаролик демократик жамияти юқорида кўрсатиб ўтилган барча тамойиллар қўшилиб, қонунийлик ва тартибнинг, қатъий интизомнинг, ички ўз-ўзини уюштириш ва масъулиятнинг асоси бўлиб қолди.

Мустақиллик қўлга киритилиши билан Ўзбекистон давлат суверенитетини ташкил этувчи ва уни амалга оширувчи ташкилий тартиботларни шакллантириш жараёни бошланиб кетди. Мудофаа, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси ташкил этилди. Илк бор давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш бўйича, қимматбаҳо металлар бўйича, фан

⁴⁹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-том. Т., «Ўзбекистон» 1997. 127-бет.

⁵⁰ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқадасдир. 3-том. Т., «Ўзбекистон» 1996, 11-12-бет.

ва техника бўйича қўмиталар, Олий аттестация комиссияси ташкил этилди.

Банк тизими қайта ташкил этилди. Республика Марказий банки мустақил бўлиб, бошқарув органларига тобеликдан чиқди. Ўзимизнинг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкимиз ташкил топди. Мустақил миллий авиакомпания, ахборот агентлиги ва бошқа умумдавлат хизматлари ишга тушди.

Ўзбек халқининг истиқлолга интилиши жаҳон ҳамжамияти, халқаро жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейинги бир йилнинг ўзида унинг давлат суверенитетини жаҳоннинг 125 мамлакати тан олди. 40 дан ортиқ мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилди.

1992 йилнинг 2 март куни Ўзбекистон тарихда илк бор халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Республика Хельсинки жараёнига қўшилди. Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгашнинг якуний ҳужжати имзоланди. Буларнинг ҳаммаси республика тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Фаол ва тенг ҳуқуқли халқаро иқтисодий, илмий ва маданий ҳамкорликнинг кенг имкониятлари очилди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришганлиги ва унинг халқаро эътироф этилиши ҳеч кимнинг воситачилигисиз мустақил ички ва ташқи сиёсатни юргизиш, ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш имконини беради. Республика Президентининг таъкидлашича: «Республикани ҳақиқатдан ҳам, унинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, халқнинг азалий турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари ва кўникмаларини, мавжуд беқиёс табиий бойликларни ҳар томонлама ҳисобга олиб, юксалтириш амалда мумкин бўлиб қолди»⁵¹.

Миллий-давлатчилик, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ахлоқий янгиланиш ва тараққиёт бўйича ўз йўлимизни ишлаб чиқиш масаласи кўндаланг бўлди. Бунда Президент Исом Каримов таъкидлаганидек, «**Барқарор бозор иқтисодиёти, очиқ ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик**

⁵¹ Каримов И.А. *Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. 1-Том, Т. «Ўзбекистон», 39-бет.*

ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиши керак. Шундай жамиятгина Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маданият қайта тикланишини, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин»⁵².

Мавзудан биров чекиниб бўлса-да, «давлат суверенитети» атамаси билан бир қаторда «халқ суверенитети» атамаси ҳам мавжудлигига эътиборингизни жалб қилишни истардик. Булар ўзаро бир-бирига боғлиқ икки тушунча. Халқ суверенитети халқнинг давлат ҳокимиятидан мустақиллигидан иборат. Зеро, фақат халққина ижтимоий-сиёсий ҳаёт қонунларини белгилаб беради, давлат ҳокимияти эса, унинг иродасининг ижрочиси бўлиши керак.

Шундай қилиб, халқ суверенитети – давлат суверенитетининг асосидир. Халқаро ҳуқуқнинг чинакам субъекти сифатида давлат фақат халқ иродаси унинг бутун ҳаётида белгиловчи куч бўлиб қолгандагина шундай бўла олиши мумкин. Кейинги асосий тамойил қонуннинг устуворлиги бўлиб, у Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган ва шунинг учун ҳам ҳуқуқий давлатнинг конституциявий унсурларидан бири сифатида қаралади. М.Р.Раҳмонқулов тўғри таъкидлаганидек, «демократия тегишли қонунларсиз, ҳуқуқий таъминланмай туриб, мавжуд бўлиши мумкин эмас...

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий масалалари, давлат бошқарувини такомиллаштириш фавқулодда долзарб масалалардир»⁵³.

Бошқача қилиб айтганда, ушбу жараённинг ҳуқуқий таъминловчиси бўладиган тегишли қонунлар керак. Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қилган маърузасида Ислом Каримов қонун ижодкорлиги соҳасида беш йўналишни белгилаб берди:

Биринчидан, жамиятда нисбаган ижтимоий ва мулкий тенг ҳуқуқликни таъминловчи қонунлар тизими даркор. «Одамлар ўртасида мулкдорлик жиҳатидан тафовутнинг кучайиб бориш тенденцияси жамиятимиз учун ташвишли аломат бўлиб турмоғи

⁵² Каримов И.А. *Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.*

1-том. Т. «Ўзбекистон» 1996, 39-бет.

⁵³ Каранг: Раҳманқулов М. *Демократия и право.* Т. 1995

керак. Бу тенденциянинг олдини олиш учун тегишли тарзда харакат қиладиган ҳимоя механизмини шакллантириш даркор.

Давлатимизнинг олий қонунчилик органи – Олий Мажлис фаолиятининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида ана шундай таъсирчан ҳуқуқий механизмни вужудга келтириш деб биламан»⁵⁴.

Давлатимиз бошлиғи ушбу масалани ҳамиша диққат марказида тутиб келаётгани эътиборга лойиқ. Чунончи, у Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясидаги маърузасида бу муаммога яна қайтишни зарур деб топди. Жумладан, у ўз нутқида қуйидагиларни таъкидлади: «...кучли ижтимоий сиёсатни унутмаслик лозим. Ижтимоий муҳофаза воситаларини янада мустаҳкамлаш учун аниқ йўналишни кучайтириш зарур.

Мен, аввало, жамиятимизда одамларнинг ижтимоий жиҳатдан кескин табақаланишига йўл қўймасликни, яъни бой-бадавлат одамлар билан бир қаторда ночор ва кашшок кишилар пайдо бўлишига, аҳолимиз социал тонфалари ўртасидаги асоссиз тафовут ҳаддан ташқари катта бўлишига, уларнинг ўртасида қарама-қаршилик пайдо бўлишига йўл қўймасликни кўзда тутяпман»⁵⁵.

«Қанчалик қийин бўлмасин, – деб қайд этди Президентимиз Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида, – давлат ва жамият пенсионерлар, серфарзанд оилалар, талабалар ҳамда аҳолининг кучли ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган бошқа табақалари хусусида ғамхўрлик қилишни бир дақиқа бўлса ҳам унутгани йўқ...

Бунинг натижаси ўлароқ, биз кишиларнинг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишига йўл қўймадик, ижтимоий барқарорлик ҳамда аҳолининг ислоҳотларга ишончини, жамиятда умуммиллий тоғувликни сақлаб қолдик».

Иккинчидан, барча даражадаги давлат органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи қонунлар тизимини яратиш даркор эди. Бу тизим давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг марказий, вилоят, шаҳар ва туман органлари

⁵⁴ Каримов И.А. *Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир*. 3-том, Т., «Ўзбекистон», 1996. 12-бет.

⁵⁵ Каримов И.А. *Бунёдкорлик йўлидан*. 4-том, Т., «Ўзбекистон» 1996. 178-бет.

функциялари, ваколатларининг аниқ регламентини аниқ белгилашни таъминлашга қодир бўлиши лозим эди. Шу билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти шундай деган эди: «Давлат бошқаруви идораларининг барча бўғинлари фаолиятини юқоридан пастга қадар қатъий тафтиш қилиб чиқиш зарур. Улар қандай ишляпти? Уларнинг умумий ишимизга амалий фойдаси тегаяптими-йўқми? Ана шу масалани аниқлаб олиш шарт. Чунки самарасиз бошқарув бўғинлари қанчалик кўп бўлса, фуқаролик жамиятини қуриш шунчалик қийин кечиши ҳеч кимга сир эмас.

Биз давлат қудратига ҳокимият ва бошқарув идораларининг сони ва миқёсига қараб эмас, аксинча, уларнинг иш тизими қанчалик самара бераётганига, улар фаолиятининг қонуний асослари қай даражада шаклланишига қараб баҳо беришимиз лозим»⁵⁶.

Учинчидан, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар бевосита бошқарув кадрлари тайёргарлик даражасига боғлиқ эканлиги туфайли «...давлат хизматчиларининг мақоми тўғрисида қонун қабул қилиш зарурати сезилмоқда...

Мазкур муносабатларни қонун йўли билан тартибга солиш кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги ўзбошимчаликни, шахсий садоқат, қариндош-уруғчилик каби иллатларнинг пайини қирқади. Қонун кучли рағбатлантириш механизмини вужудга келтириши керак. Сир эмаски, бугун давлат муассасаларида хизмат қилиш на моддий, на маънавий жиҳатдан ҳавас қиладиган машғулот. Бундай қонун қабул қилинган эса, ўз хизмат вазифасига садоқатли, юксак малакали хизматчилардан иборат давлат аппаратига эга бўламиз, деб ўйлайман»⁵⁷.

Тўртинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг қонунчилик асосларини мустақамлаш лозим. Бундай қонунларни қабул қилиш зарурати ва долзарблигини Президентимиз Ислом Каримов шундай изоҳлайди: «... биз ҳар ким ва ҳар бир нарса қонунга бўйсунishi лозим бўлган ҳуқуқий давлат қурмоқчимиз. Бизнинг жамиятда қонун бош-

⁵⁶ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-том, Т., «Ўзбекистон» 1997. 113-114-бет.

⁵⁷ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том, Т., «Ўзбекистон». 1996. 13-бет.

қарувнинг асосий ва кўпқиррали воситасига айланиши зарур. Бундай шароитда ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари зиммасига катта масъулият юкланади. Уларнинг касб маҳорати ва ахлокий сифатларига бўлган талаб кескин ошади. Шундан келиб чиққан ҳолда суд, прокуратура, милиция тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириб бориш зарурати тобора кўзга ташланмоқда. ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари тўғрисида қонун қабул қилишни ҳам ўйлаб кўриш лозим»⁵⁸.

Бешинчидан, фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, давлатни бошқаришда қатнашишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш тўғрисидаги масала ҳам кечиктириб бўлмайдиган масалалардан. И.Каримов ушбу масалага оидлик киритиб, жумладан, шундай дейди: «..мен сиёсий партиялар, бирлашмалар, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари, турли хил хайрия ва ижодий жамғармалар ҳамда уюшмалар фаолиятини назарда тутяпман... Бугунги кунда биттагина қонун эмас, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, уюшмалар ҳуқуқини оширадиган, уларнинг жамият сиёсий тизимдаги ўрни ва аҳамиятини белгилаб берадиган, давлат ишларига таъсирини кучайтирадиган бутун бир қонунлар тизимига эҳтиёж сезилмоқда»⁵⁹.

Бундан ташқари: «**Жамиятимизнинг маънавий қиёфасини белгилаб берадиган барча ижодий меҳнат соҳалари ҳам қонун ҳимоясида бўлиши зарур ...**

Ижодий меҳнат қадр-қимматини оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш керак. Ижодий бирлашмалар, илмий, илмий-техник жамоалар ва уюшмалар фаолиятини кенгайтириш учун янгидан-янги имкониятларни вужудга келтириш лозим»⁶⁰.

Маълумки, Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида истиқлолга эришилгандан кейинги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикасини ривожлаштиришнинг яқунлари сарҳисоб қилинганди. Шуниси диққатга сазоворки, сессияда фақат ҳақиқатан ҳам салмоқли ва ҳайратланарли ютуқларга

⁵⁸ Ўша китоб, 14-бет.

⁵⁹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том, Т., «Ўзбекистон». 1996. 14-15-бетлар.

⁶⁰ Ўша китоб. 16-бет.

урғу берибгина қолмай, балки демократик ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан янада жадалроқ бориш заруратига эътибор қаратилди. Президент И.Каримов тўғри таъкидлаганидек, «Демократлаштириш ва турмушимизнинг барча соҳаларида туб ислохотлар ўтказиш жараёни узоқ ва узлуксиз давом этадиган жараён эканини аниқ билиб олишимиз керак. Таъбир жоиз бўлса, бу бизнинг кундалик табиий ҳолатимизга айланиши лозим. Биз изчил, қадам-бақадам янги марраларни эгаллашимиз, янги вазифаларни белгилаб олиб, уларни ҳал этишга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз керак»⁶¹.

Бинобарин, олтинчи сессияда шахдам одимлар билан олға силжишнинг бундан кейинги йўналишларини белгилаш, уларни конкрет мазмун билан бойитиш зарурлиги ҳақида гапирилди. Уларнинг моҳияти нимада? Бу ҳақда тўхталиб, юртбошимиз камчиликларни ҳам рўй-рост очиб ташлади: «Бугунги кунда гап, энг аввало, сиёсий ислохотларни чуқурлаштиришнинг вазифалари ва дастури тўғрисида бориши керак. Бу ислохотларнинг суръатлари эса, очигини айтганда, иқтисодиётдаги ва турмушимизнинг бошқа соҳаларидаги ислохотларнинг кўламлари ва самарадорлигидан орқада қолмоқда»⁶².

Кейин Президентимиз «талай муҳим қонунлар тегишли қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланмаган, қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар ва қафолатларни рўёбга чиқаришнинг аниқ механизми етарли даражада ишлаб чиқилмаган»лигига эътиборни қаратди.

«Бу борадаги муҳим йўналишлардан бири, – деб давом этади И.Каримов ўз нутқида, – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш юзасидан муайян тадбирларни амалга оширишдир. Ушбу тадбирлар ҳам давлат томонидан, ҳам ижтимоий тузилмалар фаолиятини кенгайтириш натижасида амалга оширилмоғи лозим»⁶³.

⁶¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-том, Т., «Ўзбекистон» 1997. 117-бет.

⁶² Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-том, Т., «Ўзбекистон» 1997. 117-бет.

⁶³ Ўша китоб, 118-бет.

Бу шу нарса билан боғлиқки, «...кундалик ҳаётда инсонни, фуқарони камситадиган кўплаб фактлар учраб туради. Бу ҳол мансабдор шахсларга, ҳуқук-тартиботни муҳофаза қилиш органларига, яъни вазифасига кўра инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиши лозим бўлган кишиларга мурожаат қилинганда учрамоқда». Шунинг учун, деб таъкидлайди Президент, – «инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалаларида суд органлари ва, энг аввало, Конституциявий суд қатъий позицияда турмоғи лозим». Бунинг учун у республика қонунчилигини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрлар ва андозалар билан мувофиқлаштириш чораларини кўришни таклиф этади.

Аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш масалаларига Президентимиз махсус тўхталади. Унинг ҳаққоний таъбирича, «... аҳолининг аксарият қисми кундалик юмушлар, одамдаги турмуш ташвишлари, иқтисодий муаммолар билан яшайди. Одамларнинг янги демократик қадриятларни идрок этиши кўнгилдагидек эмас». Афтидан, бу аҳолининг сиёсий маданияти пастлиги натижасидир. Бу ҳолат фуқароларнинг сиёсий, нодавлат ва жамоат тузилмаларини шакллантиришда суст иштирок этаётганида ўз аксини топмоқда. Бу республикада кенг кўппартиявийлик тизими ишлаб туриши учун ҳуқуқий асослар тўла мавжудлигига қарамай, «сиёсий партияларнинг шаклланиш ва қарор топиш жараёни ғоят суст кечаётгани, уларнинг сиёсий ва иқтисодий дастурлари ҳам заифлиги»нинг сабабларидан биридур. «Мамлакатни сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг муқобил (амалий) турларини ишлаб чиқиш ва ҳимоя қилишда улар етарлича фаоллик кўрсатмаяптилар». Республикада муҳолифатнинг мавжудлиги муаммоси ҳам шундан келиб чиқади. Бундай муҳолифат, Ислоҳ Каримовнинг таъкидлашича, «цивилизациялашган жаҳонда, умум эътироф этилган демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатаётган ва ривожланиб бораётган жамият учун, одатдаги ҳолдир».

Албатта, бунда «муҳолифат» деганда биз нимани кўзда тутамиз, бу тушунчага қандай маъно берамиз – шуни аниқлаб олиш муҳим аҳамиятига эга. Президентимиз қатъий ишонч билан айтадики, бу ерда гап ислохотлар дастурларининг муқобил вариантларини, жамиятнинг тараққиёти ва

янгилашиш йўлидан олға силжишини таклиф этишга қодир конструкциявий муҳолифат ҳақида кетиши керак.

Республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар оммавий ахборот воситалари олдида принципиал янги вазифаларни қўндаланг қўймоқда. Бироқ, деб қайд этади Президентимиз, «бизнинг матбуотимиз, телевидение ва радио ҳозирча замонавий иш усуллари ва шакллари эгаллаб олганича йўқ, халқаро мезонларга мувофиқ эмас. Матбуот саҳифаларида ва телевидениеда чуқур таҳлилий материаллар, жиддий сиёсий, иқтисодий ва халқаро шарҳлар йўқ, баҳс-мунозара кўринмайди. Айрим оммавий даврий нашрларнинг аниқ фуқаролик позицияси ва қиёфаси кўзга ташланмайди». Айни пайтда, оммавий ахборот воситалари демократиялаш йўлининг, ислоҳотлар йўлининг фаол йўл кўрсатувчилари бўлишлари, шу билан бирга улар ҳам моҳиятларига кўра демократик бўлишлари керак.

«Қонунчилик механизмини ва қабул қилинган қонун меъёрлари ижроси назоратини янада такомиллаштириш, – дея таъкидлайди Президент, – республика қонунларини умумэтироф этилган халқаро меъёр ва қоидаларга мувофиқ ҳолга келтириш муҳим вазифа ҳисобланади». Суд ислоҳотини ҳам жадал амалга ошириш лозим. Бунинг учун эса:

***биринчидан*, халқ маслаҳатчилари тузилмасини ислоҳ қилиш;**

***иккинчидан*, судларнинг таркибини такомиллаштириш, уларни янги тузилмалар билан тўлдириш, уларни янгилари билан тўлдириш, шу мақсадда транспорт ва солиқ судларини тузиш, ҳолис ҳакамлик судлари (арбитражлар) имкониятларидан кенгрок фойдаланиш;**

***учинчидан*, суд қарорларини ижро этиш тизимини қайта ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;**

***тўртинчидан*, судларнинг ижро этувчи ҳокимият билан ўзаро муносабатларини тубдан қайта кўриб чиқиш;**

***бешинчидан*, адвокатлар тизимининг мавқеи ва аҳамиятини кескин кўтариш, улар биринчи навбатда суд амалиётида конституциявий ва ҳуқуқий меъёрларга қатъий риоя этилишини таъминлашлари, ўз ҳимояларидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилишлари лозим.**

Депутатлар олдида сўзларкан, Ислом Каримов, шунингдек, ҳуқуқий давлатни шакллантиришда «аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини тубдан яхшилаш, унинг ҳуқуқий маданият даражасини ошириш, ҳуқуқий ахборотнинг кенг майдонини яратиб бериш» муҳим йўналиш эканлигини таъкидлади. Бунинг учун, «юридик таълим тизимини жиддий тарзда ислоҳ қилиш, юридик олий ўқув юртларига талабалар қабул қилишни анча кенгайтириш, юристларнинг малакасини ошириш бўйича ягона ўқув марказини ташкил этиш зарур»⁶⁴.

Республикамиз Президенти, пировард мақсадга эришиш – фуқаролик жамиятини қуриш заруратидан келиб чиқиб демократик ислохотларни чуқурлаштиришдаги бундай йўналишларни устувор йўналишлар деб ҳисоблайди.

Лекин бу жараёнда бутун жамият, ҳар бир одам қатнашиши шарт. Зеро, «**демократия жамиятнинг ҳар бир аъзо-си ҳаётининг узвий бир қисмига айланган тақдирдагина, демократия ҳисобланади.** Фарзандларимизни болаликданок айна шу руҳда тарбиялаб бориш зарур».

Яна бир жиҳатга эътиборингизни тортишни истардик. Ҳуқуқий давлатчиликни, демократияни шакллантиришда қонун, қонунчиликнинг устувлиги ҳақида гапирар эканмиз, ўтмишимиздаги бор энг яхши нарсаларнинг ҳаммасидан фойдаланишимиз даркор. Чунончи, буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳукмронлиги даврларида Қонун энг ҳурматли ўринда тургани маълум. Ўзининг машҳур «Тузуқлари»да у шундай деб ёзганди: «Қонун ҳукм сурган жойда озодлик ҳам бор». У яна фикрларини шундай давом эттирганди: «Яна тажрибамда билдимки, давлат яна агар ойин⁶⁵ асосида қурилмас экан, тўра – тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса, назарини олиб қочади. Ёхуд қасу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги – тўсиғи йўқ уйга ўхшайди.

Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни

⁶⁴ Каримов И.А. Янгица фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-том. Т., «Ўзбекистон», 1997. 128-бет.

⁶⁵ Ойин – қоида, расм, тартиб, одат, тарз.

бошқаришимда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида бажардим». ⁶⁶

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзга чиқаркан, Президентимиз қуйидагиларни қайд этди: «Янги Конституциямизнинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, давлат ҳокимиятининг тузилиши ва фаолияти тартиби ваколатларнинг тамойили асосида амалга оширилади...»

Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг, суд ҳокимияти идоралари бўлмиш – Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик судининг ваколатлари аниқравшан белгилаб қўйилган.

Қонун чиқарувчи ҳокимият Олий Мажлис томонидан, ижроия ҳокимияти эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди томонидан амалга оширилиб, улар биргаликда республиканинг ягона суд тизимини ташкил этади.

Биз ҳуқуқий давлатнинг асосий аломатлари тўғрисида гапириб ўтгандик. Ушбу аломатлардан бири – ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойилидир. Энди ушбу тамойиллар бизнинг янги Конституциямизда ўз ифодасини қандай топганлиги масаласига тўхталшни лозим топдик. Бирок, олдинданок, ҳокимиятларнинг бўлинишини зинҳор уларнинг қарама-қарши туриши сифатида тушунилмаслиги кераклигини қайд этамиз. Аксинча, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бундай имкониятни бутунлай истисно этади. Ҳокимиятларнинг бўлиниши концепцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасига мувофиқ белгиланиб, уларнинг ҳар бири – қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятлари – вазифалари ўз функцияларига эга, уларга тегишли ваколатлар бериб қўйилган; ҳокимиятлар ўз ваколатларини тийиб туриш ва назорат қилиш имкониятларига эгадирлар. Ҳокимиятлардан бироргаси бошқасининг функциясини ўз зиммасига ололмайди, лекин алоҳида-алоҳида ҳаракат қилиши ҳам мумкин эмас, бундай қилишга қурби етмайди.

⁶⁶ *Темур тузуклари. Т., Ф.Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991. 57-бет.*

Шунинг учун ҳокимликлар бир-бирларини тўлдиришлари, зарур алоқа ва мувофиқликни сақлаб туришлари, шу билан халқ фаровонлиги, бахт-саодати йўлида хизмат қилувчи ягона «сиёсий организм»ни ташкил этишлари даркор.

Ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойили тийиб туриш ва посанги тизимининг бўлинишини тақозо этади. Бундай тизимнинг қуйидаги унсурларини келтириш мумкин; мансабдор шахслар ваколатларининг муддатлилиги; депутатлик манфаатининг бошқарув маҳкамаларида масъул лавозимларни эгаллаш билан келишолмаслиги; (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 87-моддаси); қонунларга вето қўйиш ҳуқуқи (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси); парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқи (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 95-моддаси); сайловлар мобайнида халқ томонидан амалга ошириладиган қонун чиқарувчи ҳокимият устидан назорат; судьялар корпусининг мустақиллиги (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддаси).

Шу муносабат билан Б.Нишоновнинг қуйидаги асосли таъкидига қўшилмаслик мумкин эмас: «ҳақиқий давлат ва иқтисодий мустақилликка эришиш, чинакам демократик, очик, инсонпарвар жамиятни барпо этиш қонунчилиқ, ижроия ва суд ҳокимиятлари учаласининг бирлигига асосланган ҳозирги замонавий ҳуқуқий тизимни, ҳуқуқий давлатни қарор топтиришни қатъий кўзда тутади. Шу жиҳатдан сўнги йиллар тарихимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда учинчи ҳокимият тўғрисидаги қондани ҳаётга татбиқ этувчи Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунининг қабул қилинишидек воқеалар аҳамиятини таъкидлаш ҳеч ҳам муболага бўлмас». ⁶⁷

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти» деб аталган XXII боби учинчи ҳокимиятга бағишланган ўн битта моддани ўз ичига олади. Бундай бўлиши табиий. **Ҳуқуқий давлат – айни пайтда ҳуқуқий суд давлати ҳамдир.** Суд ҳокимияти мустақил ва холис судда ишлари объектив кўриб чиқишга даъват этилган. У фақат қонунгагина амал қилади. Илгари қайд этиб ўтгани-

⁶⁷ Нишонов Б. Доклад о позиции Узбекистана. Демократия и право. Т., 1995.

миздек, Ўзбекистон Республикаси суд тизими Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик судидан иборат (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддаси).

Конституциявий суд – мустақил ва ташкилий жиҳатдан қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятларидан алоҳида туради. Янги Конституция бўйича Конституциявий суд анъанавий ваколатлари қонунлар, халқаро шартномалар ва битимларнинг Конституцияга мос келиши, ваколатлар тўғрисида ҳокимият тармоқлари ўртасидаги низоларни ҳал этиш ва ҳоказолардан ташқари яна бир муҳим имтиёз – Конституция ва ҳуқуқнинг умумий тамойилларини талқин этиш ҳуқуқини ҳам олди (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-модда, 3-банди). Энциликда унинг ўзи ҳам қонун чиқарувчилик билан бир қаторда ҳуқуқ ижодкорига ҳам айланди.

Олий ҳўжалик суди иқтисодиёт соҳасида юзага келадиган низоларни ҳал этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиний ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. У Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, шаҳар ва туман судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Қайд этиб ўтганимиздек, республикада суд тизимини ислоҳ қилиш бўйича кўпгина ишлар қилинди. Лекин ҳали энг аввало одамлар онгида уларнинг суд ҳокимиятига бўлган муносабатини ўзгартириш борасида яна ҳам кўпроқ иш қилиш керак бўлади. Бугунги кунда оддий фуқаро тўла даражада на ўз ҳуқуқларини, на қонунларни ва на суд таомилларини билмаслигини исботлаб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак. Бундай аҳвол, олдинги тоталитар тузум суд қарорлари орқали бир мафқуранинг тазйигини қарор топтириб, ўзининг жинояткорона сиёсатини амалга ошириши билан изоҳланади. Бу эса, одамлар онгига маҳкам ўрнашиб қолган. Шунинг учун республикамиз Президенти бу соҳада асосий вазифалар: «ушбу кўникмаларни, психологияни синдириш, одамларнинг судга муносабатини тубдан ўзгартиришдан иборат, – деб ҳисоблайди. – Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча уларнинг

ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билиши керак».⁶⁸

Инсон ҳуқуқлари қонунчилик кафолатлари тизимини шакллантириш ҳуқуқий давлатнинг муҳим тамойили, фуқаролик жамиятини бунёд этишнинг зарур шарти ҳисобланади. Бизнинг республикамызда бундай тизимнинг конституциявий, ҳуқуқий асослари яратилган. «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида, – деб таъкидлади Президенти-миз, – Конституциямыз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча асосий ғоя ва қондаларини ўзига сингдирган».⁶⁹ Бизнинг республикамыз учун бу принципал янги оҳангдаги ва йўналишдаги ҳужжат бўлганди. Зеро, «...биз сўнгги 70 йил мобайнида давлатга қарамлик ва соғиниш ҳолатида яшадик. Мамлакатдаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат деб ҳисоблаб келдик. Қайси масалани олмайлик, давлат манфаати биринчи ўринда, фуқаро, шахс манфаати эса, деярли ҳисобга олинмаслиги эски Конституцияларнинг ҳар қайси моддасида яққол кўзга ташланар эди».⁷⁰

Бугунги кунда Ўзбекистонда инсон ва фуқаронинг ажралмас ҳуқуқлари – сўз эркинлиги, эътиқод эркинлиги, касбни, ишни эркин танлаш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлар қонун йўли билан ишончли тарзда мустаҳкам ҳимояланган. Шунга қарамай, Республикамызда фуқаро, шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик соҳасида жадал иш олиб борил-япти. Бу иш бир неча йўналишга эга.

Биринчи йўналиш – ижтимоий ҳаётни бошқариш, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилган қонунчиликдир. Бу ерда муайян ишланмалар мавжуд. Уларга «Ошкоралик тўғрисида»ги, «Сайловлар тўғрисида»ги, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги, «Президентнинг ор-номуси ва шаънини муҳофаза этиш тўғрисида»ги, «Фуқаролик тўғрисида»ги, «Кўнгилли жамоат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Муқобил

⁶⁸ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том, Т., «Ўзбекистон», 1996. 186-бет.

⁶⁹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том, Т., «Ўзбекистон», 1996. 95-бет.

⁷⁰ Ўша китоб, 94-бет.

хизмат тўғрисида»ги, «Референдум тўғрисида»ги, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сугурта тўғрисида»ги, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар киради.

Янги Конституцияда бутун бир бўлим (иккинчи бўлим)да мамлакатимиз тарихида илк бор инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари конституциявий тарзда мустаҳкамланди. Сайлов ҳуқуқларининг кафолатланиши тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Иккинчи йўналиш. Шубҳасиз мазкур йўналишни иқтисодий қонунчилик ташкил этади. Унга «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Кооперация тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Фермерлик тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Гаров тўғрисида»ги, «Пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги, «Харбий инвестициялар тўғрисида»ги, «Биржа ва биржалар фаолияти тўғрисида»ги бир қатор қонунлар ва бошқалар киради.

Шунга қарамай, бу йўналишдаги ишлар давом эттириляпти. Зеро, бозор муносабатларига ўтишда янги-янги муаммолар чиқиб тураверади.

Учинчи йўналиш – бевосита фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари, қонунийлик ва одил судловга тегишли қонунлардир. Чунончи, республикада мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари туфайли фуқаролар ҳуқуқлари бузилган тақдирда уларни суд йўли билан ҳимоя қилиш жорий этилган ва амал қиляпти. Илк бор айбисизлик презумпцияси конституциявий тарзда мустаҳкамланди. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси). Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиши ҳуқуқи берилди. Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга ва ҳаммалари қонун олдида тенгдирлар. Шунга қарамай, Президентимиз бу соҳадаги олиб борилаётган ишлардан қоникмаётганлигини баён қилиб жумладан, шундай деди:»...фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқлариңи суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгайтириш даркор. Ваҳоланки, айрим тармоқ қонунларида ҳуқуқлари поймол этилган фуқароларнинг шикоятларини судлов йўли билан эмас, маъмурий йўл билан кўриб чиқиш тартиби ҳам учрайди.

Албатта, бу ҳол – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ва бизнинг Конституциямиз талабларига зид. Фуқаро, агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмоғи даркор». ⁷¹

Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясидаги маърузасида Ўзбекистон Республикаси Президенти қуйидагиларни таъкидлашни зарур деб топди: «Инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни таъминловчи идоравий тузилмаларни барпо этиш ҳам муҳим вазифадир. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институтининг, ҳуқуқпарвар жамоат ташкилотларининг мавқеи ва мақомини кўтариш зарур. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги мавжуд Омбудсман институти, Жамоатчилик фикри институти, Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази сингари ташкилотларни ривожлантириш ҳамда бошқа янги институтларни ташкил этиш лозим» ⁷².

Буларнинг ҳаммаси инсон – давлат муносабатларида устунлик инсон томонида бўлишига қаратилган. Президентимизнинг фикрича, «давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этган ҳисобланади. Бу қондани ҳамма тан олиши, бу қондага ҳамма итоат қилиши шарт» ⁷³.

Шундай қилиб, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мураккаб вазифа, лекин инсоннинг қўлидан келадиган иш. Ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти – оддий ҳаёлпарастлик эмас, балки реал воқелиқдир. Бу ерда сўз қонун ва адолат ҳукмронлик қиладиган, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқлари ва эркинликлари энг буюк қадрият бўлган жамиятни ташкил этиш ҳақида бораяпти.

⁷¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том, Т., «Ўзбекистон» 1996. 17-18-бетлар.

⁷² Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-том, Т., «Ўзбекистон», 1997. 119-бет.

⁷³ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том, Т., «Ўзбекистон», 1996. 17-бет.

8-§. Ҳукукий давлат ва ҳокимиятлар бўлиниши тамойили

Ҳукукий давлатда давлат ҳокимияти мутлақ эмас. Бу ҳол нафақат ҳуқуқнинг устуворлиги, давлат ҳокимиятининг ҳуқуққа боғлаб қўйилгани билан, балки давлат ҳокимиятининг қандай тузилгани, унинг қандай шаклда ва қайси воситалар билан амалга оширилиши билан ҳам белгиланади. Шу ерда ҳокимиятларнинг бўлиниши назариясига тўхталиш лозим. Бу назарияга биноан, ҳокимиятларнинг (қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд ҳокимиятларининг) қўшилиб кетиши, бир орган, бир кишининг қўлида тўпланиши деспотик режимнинг ўрнатилиши, бинобарин, шахс эркининг йўққа чиқарилишини аниқлатади. Шу боис, ҳуқуқ билан чегараланмаган авторитар мутлақ давлат ҳокимияти пайдо бўлишининг олдини олиш учун ҳокимият шохобчалари бир-биридан ажратилиши ва аниқлаштирилиши лозим.

Ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд ҳокимиятларига ажратиш тамойили ҳокимиятнинг ушбу ҳар бир шохобчаси мустақил ва бошқасининг ваколатига дахл қилмаган ҳолда фаолият кўрсатишини билдиради. Мазкур тамойилни ҳаётга мунтазам суратда жорий қилиш йўли билан ҳокимият шохобчаларидан бирининг бошқасига тегишли ваколатларни ўзига олиб қўйиш хавфининг олди олинади. Ҳокимиятлар бўлиниши тамойили ҳаётга жорий этилиши учун «тўсиқ ва чекловлар» тизими билан ҳам таъминланиши даркор бўлади. «Тўсиқ ва чекловлар» тизими ҳокимият шохобчаларидан бирининг бошқасига тегишли ваколатларни тортиб олиши хавфига мутлақо ўрин қолдирмайди ва давлат органларининг меъёрида фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Шу нуқтаи назардан АҚШ намуна бўлиши мумкин. Ҳокимиятлар бўлиниши назариясига биноан бу ерда қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятлари фақат ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қиладиган учта куч сифатида фаолият кўрсатади. Айни вақтда, бир ҳокимият органининг бошқасига таъсир этиш шакллари ҳам кўзда тутилган. Масалан, президент Конгресс томонидан қабул қилинган қонунларга вето қўйиш ҳуқуқига эга. Ўз навбатида, конгресс вето ни баргараф қилиши мумкин, агар бунинг учун Конгресснинг

ҳар икки палатасидаги депутатларнинг камида учдан икки қисмининг розилиги олинса. Сенатга президент томонидан тайинланган ҳукумат аъзоларини тасдиқлаш ваколати берилган. Шунингдек, у президент томонидан тузилган халқаро шартномалар ва битимларни ҳам ратификация қилади. Президент жиноят содир этса, Сенат судга президентни мансабидан маҳрум қилиш масаласини ҳал этиши учун даъво билан мурожаат қилади. Бирок, «импичмент» ҳақидаги ишни Вакиллар палатаси қўзғашга ваколатли ҳолос. Сенатнинг қудратини чеклайдиган таъсир воситаларидан яна бири эса унинг раиси вице-президент экани билан боғлиқ. Бирок, овоз бериш чоғида овозлар тенг бўлиб қолган тақдирдагина Сенат раиси овоз бериш жараёнида иштирок этиши мумкин. Мамлакатда конституциявий назоратни АҚШнинг Олий суди амалга оширади.

9-§. Қадриятлар тизимида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари

Қонун устуворлиги дейилганда, қонуннинг бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга нисбатан устунлигининг ўзигина эмас, балки жамият аъзоларига амалдаги қонунчилик тарафидан берилган барча ҳуқуқ ва эркинликларнинг мажмуи ҳам назарда тутилади. Ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқларининг бирон тарзда камситилишига йўл қўйилмайди. Аксинча, у мазкур ҳуқуқларни мунтазам равишда ва беистисно таъмин этиши ва уларни ҳимоялаб туриши лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида ҳуқуқий тенглик масаласи принципиал аҳамият касб этади. Унинг ҳал қилиниши учун давлат томонидан ишончли қафолатлар яратилиши ва тенглик амалда таъминланиши зарур.

Ҳуқуқий давлатда яшаётган инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг рўйхати халқаро ҳужжатларда акс эттирилган. Булар сирасига, энг аввало, 1948 йил 10 декабрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 йил 16 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул этилган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги

халқаро пакт ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт киради.

Кайд этиб ўтилган ҳужжатларда санаб ўтилган ҳуқуқ ва эркинликлар ҳуқуқий давлатларнинг конституциясида мустаҳкамлаб ва кафолатлаб қўйилган. Уларда асосий эътибор айбсизлик презумпциясини кўзда тутадиган шахснинг юридик жиҳатдан ҳимояланиши масаласига қаратилади. Айбсизлик презумпцияси эса ҳақиқий демократик давлатда фуқаронинг у ёки бу жиноятни содир этишда айбдорлиги ёки айбсизлиги масаласини фақат суд ҳал қилади, деган маънони англатади. Шунингдек, ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноят юзасидан фуқаро ишни маслаҳатчилар суди кўриб чиқишини талаб этишга ҳақлидир.

1948 йили қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 30 та моддадан иборат. Унда «барча инсонлар эркин ва шаъни ҳамда ҳуқуқлари жиҳатидан тенгдир. Уларга ақл ва виждон берилган, бир-бирига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари лозим», деб ёзиб қўйилган. Шунингдек, мазкур ҳужжатда инсон шаънини ерга урадиган муносабатларга, зулм ва жазога йўл қўйилмаслиги ҳам кўрсатиб ўтилган.

Декларациянинг 6-моддасида ҳар бир шахснинг ҳуқуқ эгаси эканлиги, яъни инсонга қонунчиликда белгилаб қўйилган ҳуқуқларни олиш ва фойдаланиш имконияти берилиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Декларацияда ҳеч бир шахс асоссиз равишда қамокқа олиниши, ушлаб турилиши ёки сургун қилиниши мумкин эмаслиги, ҳар бир одамнинг тенг равишда қонун ҳимоясида бўлиши, ошқора ва адолатли суд қилиниши баён этилган. Декларацияда фуқаронинг шахсий ва оилавий ҳаётига руҳсатсиз аралашиб, уй-жойининг, хат-хабарларининг дахлсизлиги ҳуқуқига тажовуз этиш мумкин эмаслиги ҳам кўрсатиб ўтилган. Инсоннинг давлат томонидан тан олиниши ва ҳурмат этилиши шарт бўлган бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари (фикр, виждон ва дин эркинлиги, ҳар қандай давлат ҳудудида эркин ҳаракатланиш, бошқа давлат ҳудудидан бошпана топиш, меҳнат қилиш, тенг ҳақ олиш, эркин касб танлаш, ишсизликдан ҳимояланиш, касаба уюшмалари тузиш ҳуқуқлари) ҳам баён қилинган.

Сиёсий ва ғоявий плюрализм ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан саналади. Бундай плюрализмсиз унинг мавжудлиги маъносиздир. Плюрализм шароитида фаолият кўрсатётган турли ижтимоий кучлар ўзларининг сиёсий ташкилотлари воситасида давлат ҳокимиятини қўлга олиш учун маданий воситалар йўли билан ўзига рақиб бўлган кучларга қарши ҳалол сиёсий кураш олиб боради. Ғоявий плюрализм эса уларга ўзларининг дастурий қарашларини эркин ифода-лаш ва ғоявий концепциялари фойдасига эркин тарғибот-ташвиқот олиб бориш имкониятини таъминлайди.

Сиёсий ва ғоявий плюрализм жамиятдаги демократия-нинг намоён бўлиши ва тантанасидир. У жамиятнинг ҳар бир аъзосига у ёки бу сиёсий ташкилотга кириш, ғоявий жиҳатдан маъқулини танлаш масаласини ўзи ҳал этишга имкон беради. Давлат жамиятга бирон муайян мафқурани зўрлаб сингдирмаслиги ёки бирон сиёсий ташкилотга устун-лик бермаслиги керак, деган тушунчанинг маъноси ҳам шунда.

Декларацияда қайд этилган барча ҳуқуқ ва эркинликлар давлат томонидан амалда таъминланиши лозим. Бу вазифа, энг аввало, турли қонун ҳужжатларининг қабул этилиши ва жорий қилиниши ҳамда уларнинг ижтимоий муносабатлар-нинг тегишли соҳасида мустаҳкамланиши орқали амалга оширилади. Инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро ҳужжат-лар сирасида Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Боланинг ҳуқуқлари тўғри-сидаги конвенцияни ҳам санаб ўтиш лозим.

Замонавий фуқаролик жамиятидаги ҳуқуқларнинг юқори-да қайд этилган хусусиятлари орасидан биттасини алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунчилик ҳамда ҳуқуқий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолаётгандан ташқари, у ёки бу ҳатти – ҳаракатни баҳолаш суд ҳимояси предмети сифатида ҳам аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам давлат ҳужжатлари устидан, агар шикоятчининг назарида ҳуқуқлари чекланаёт-гандай туюлса, халқаро суд органларига мурожаат қилиш имконияти пайдо бўлади.

Реал ҳаётда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дунё-нинг ҳар жойида бузилиб турибди. Булар қуйидагиларда

кўринмокда: халқларнинг ҳуқуқларига тегишли бўлган халқаро ҳужжатларнинг бузилиши, фуқаролар ҳуқуқий тенглигининг бузилиши, экстремист кучлар томонидан ҳуқуқ ва эркинликлардан ноқонуний мақсадларда фойдаланиш, қонунларнинг бажарилмаслиги.

Дунё ҳамжамиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишларига ҳали тўла чек қўйилгани йўқ. Геноцид, иркий камситишнинг турли кўринишлари, ҳарбий жиноятлар, шунингдек, инсониятга қарши қаратилган жиноятлар батамом бартараф этилган эмас.

10-§. Давлат ва фуқаронинг ўзаро масъулияти

Шахс ва жамиятнинг ўзаро масъулияти – ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгисидир. Нодемократик давлатда фақат фуқаронинг давлат олдидаги масъулияти тан олинади. У гўё фуқарога ҳуқуқ ва эркинлик бераётгандай бўлади ва унинг мақомини тайинлайди. Ҳуқуқий давлатда эса бунинг аксини кўрамиз. Бу ерда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар қошида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари учун масъуллиги масаласига эътибор қаратилади. Бу масъулият фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишида айбдор бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишини таъминлайдиган ва кескин жазо чоралари кўрилишини кўзда тутадиган тегишли меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлган шароитдагина амалий тус касб этади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилмаслигининг муҳим кафолати конституциявий қоида бўлиб, унга биноан давлатнинг ҳокимият тузилмалари ҳар бир кишига унинг ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита тегишли бўлган ҳужжатлар ва материаллар билан танишишни таъминлашга мажбур. Ҳуқуқий давлатда ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи тан олинади.

Ҳуқуқий давлат ҳеч ким томонидан қурилган эмас, лекин муайян юридик меъёрлар ва сиёсий тузилмалар яратилишида онгли хатти-ҳаракатлар содир этилганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бундай давлатлар тарихан сиёсий-давлатчилик анъаналарининг сақланиши туфайли табиий равишда пайдо бўлган. Антик даврда стоиклар томонидан

шакллантирилган табиий ҳуқуқ ғоясидан ҳуқуқий давлат ғояси ўсиб чиққани ҳам тасодифий эмас. Улар табиий ҳуқуқ деганда инсон табиатига мос бўлган ва инсонни инсон қилиб турган ҳуқуқларни назарда тутар эди. Инсоннинг бу ҳуқуқлардан биронтасидан маҳрум қилиниши уни инсонлик мақомидан маҳрум қилиб, қулга, маҳкумга ёки ҳарбий асирга айлантириб қўяр эди. Табиий ҳуқуқлар сирасига яшаш ҳуқуқи, хавфсизлик, мулкка эгаллик, эркин юриш ва бошқа шунга ўхшаш ҳуқуқлар киради.

11-§. Фуқаролик жамияти ва унинг тузилиши

«Ҳуқуқий давлат» тушунчаси, «фуқаролик жамияти» тушунчаси билан чамбарчас боғланган.

Замонавий фуқаролик жамияти тушунчаси бир қанча муҳим белгиларнинг мавжуд бўлишини шарт этиб қўяди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида шундай деб таъкидлайди: «Биз учун фуқаролик жамияти бу – инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига халақит қилмайдиган, балки ёрдамлашадиган, шахс манфаатларини амалга жорий қиладиган, унинг ҳуқуқ ва эркинликларининг энг кўп даражада таъминланишига шароит туғдирадиган ижтимоий макондир»⁷⁴.

Фуқаролик жамияти учун характерли бўлган белгиларни қараб чиқсак: биринчидан, фуқаролик жамияти учун плюрализм ҳосдир. Бу турли сиёсий кучлар – сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, қасаба уюшмалари мавжуд бўлади, деганидир. Бу кучлар горизонтал алоқалар, битимлар, сабртоқат ва ўзаро бир-бирини тушуниш йўли билан ўз мақсадига етиши лозим. Фуқаролик жамиятида плюрализм инсонлар орасида қарор топадиган маданий муносабатлар доирасида ва воситасида амалга оширилади. Турли ижтимоий шакл ва институтларнинг мавжудлиги индивиднинг барча эҳтиёжи ҳамда манфаатларини қондириш ва инсон моҳиятининг барча қирраларини намоён қилиш имконини беради.

⁷⁴ Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Ўзбекистон, 1997. 166-бет.

Иккинчидан, фуқаролик жамияти эркин кишилар ҳам-жамиятидир. Инсон эрки масаласини фуқаролик жамиятида уч хил шарҳлаш мумкин. Сиёсий жиҳатдан инсон эрки масаласи фуқаро сифатида унинг турли сиёсий партияларга, жамоат бирлашмаларига эркин равишда киришини, ўз фаолиятини эркин суратда амалга оширишини, шунингдек, давлат ва маҳаллий бошқариш органларига сайлов жараёнида иштирок этишини кўзда тутди. Иқтисодий жиҳатдан мулкка эгалик қилишни ва ўзи хоҳлаган турдаги, лекин қонунда тақиқланмаган тadbиркорлик фаолияти билан машғул бўлишни, банкларда ҳисоб рақами очишни, қимматли қоғозларга эгалик қилишни, ўзига тегишли бўлган мулкдан даромад олиш мақсадида фойдаланишни билдиради. Ижтимоий жиҳатдан эса маълум бир синфга ёки табақага мансублик инсоннинг ҳаёти давомида ўзгариши мумкин. Масалан, зиёли одам тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиш оқибатида бизнесменга айланиши мумкин.

Учинчидан, фуқаролик жамияти очик ижтимоий жамиятдир. Унда сўз эркинлиги, жумладан танқид қилиш эркинлиги, ошқоралик, ахборот олиш эркинлиги, эркин равишда мамлакатга келиш ва кетиш, бошқа мамлакатлар билан маданий, илмий ва ахборот алмашиш ҳукуқи таъминланади.

Тўртинчидан, фуқаролик жамияти ўз имкониятлари ҳисобига тараққий этадиган ва ўз-ўзини бошқарадиган тизимдир. Жамият ҳаракатининг энг муҳим жиҳатларидан бири фуқаролар ташаббуси бўлиб, у онгли равишда жамият фойдасига йўналтирилиши лозим. Одамлар турли ташкилотларга бири-лашиб, ўзаро турли-туман, баъзан эса ўзларининг қарама-қарши манфаатларига бўйсуниб, муносабатга киришар экан, шу йўл билан давлатнинг сиёсий ҳокимият сифатидаги аралашувисиз жамиятнинг уйғун тараққиётини таъминлайди. Масалан, кўпгина мамлакатларда истеъмолчилар ҳукуқини ҳимоя қилиш жамиятлари мавжуд, улар жамоат ташкилоти сифатида истеъмолчиларнинг ҳукуқини сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилади. Истеъмолчининг соғлиғига ёки бошқа манфаатларига сифатсиз маҳсулот туфайли зарар етган пайтда судга истеъмолчининг ҳукуқини ҳимоя қилишни сўраб, давво аризаси билан муурожаат қилади.

Бешинчидан, фуқаролик жамияти ҳуқуқий демократик жамият бўлиб, бу ерда инсон ва фуқаронинг табиий ва қонуний ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши боғловчи омил вазифасини бажаради. Ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва таъминлаш ҳам қонунчилик, ҳам давлат қафолатлари билан, шунингдек, ноҳуқумат жамоат ташкилотларининг фаол ҳаракати билан таъминланади.

Фуқаролик жамиятининг қарор топиши ва ривожланиши маълум шароитларда мумкин бўлиб, уларнинг асосийси турли сиёсий кучларнинг энг муҳим ижтимоий қадриятлар масаласида консенсусга келиши ҳисобланади. Бу қадриятлар эса қуйидагилардан иборат: инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳақиқий халқ ҳокимияти, инсоннинг меҳнатини ва бошқа ҳаётий эҳтиёжларини рағбатлантиришга ва ҳимоя қилишга қобил бўлган бозор иқтисодиёти, ижтимоий адолат, ҳуқуқий давлат.

Фуқаролик жамиятининг тузилиши, деганда унинг ўзаро боғланган ва ўзаро таъсирда бўлган таркибий қисмларининг мажмуи тушунилади.

Бундай таркибий қисмлар сирасига иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий – маърифий, маданий ва ахборот тизимлари киради. Бироқ таъкидлаш зарурки, бу таркибий қисмлар баъзан шунчалик чамбарчас боғланиб кетганки, уларни бир-биридан ажратиш ҳам мушкул бўлиб қолади.

Ижтимоий тизим кишиларни оиладаги, ишдаги, жамоат ташкилотларидаги ва ижтимоий табақалардаги муносабатлари бўйича бирлаштиради. У фуқаролик жамиятининг бирламчи негизи бўлиб, фуқаролик жамиятининг бошқа тизимларига ҳам таъсир кўрсатиб туради.

Ижтимоий тизимда бош ролни оила ўйнайди, чунки айнан оилада ўсиб келаётган ёш авлодга тарбия берилади, айнан оилада кейинчалик бутун жамиятга ўз таъсирини кўрсатадиган психологик иқлим шаклланади. Ўзбекистонда оилага катта эътибор қаратилмоқда, ёшларга ва кўп болали оилаларга кўмак берилмоқда. 1998 йилнинг Ўзбекистонда «Оила йили», 1999 йилнинг эса «Аёллар йили», 2000 йилнинг – «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши ҳам бунинг ёрқин исботидир.

Қадим вақтлардан буён Шарқда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи куч маҳалла бўлиб келган. Мустақилликка эришилгандан сўнг бу эзгу анъаналар Ўзбекистонда қайта тиклана бошлади. Маҳалла ҳақиқатан ҳам ижтимоий институт бўлиб, бу ерда одамларнинг ўзаро яқин муносабатлари қарор топади.

Ижтимоий тизимлар қаторида кейинги ўринларни йирик тузилмалар ҳисобланадиган сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари эгаллайди.

Маънавий-маърифий тизимлар ягона ва бир бутун тузилмани ташкил этади. Уларга маърифий жиҳатдан ўзаро боғлиқ муносабатлар киради. Маърифатсиз жамиятнинг келажаги йўқ. Маънавий-маърифий тизимлар ўзига илмий фаолиятни қамраб олади, шунингдек, илмий-техник тараққиёт ҳам улар билан чамбарчас боғлиқ. Бу соҳада авлодларнинг мунтазам алоқасини ўрнатиш, ўз Ватанининг тарихий ўтмишини билиш жуда муҳимдир.

Иқтисодий тизим фуқаролик жамиятининг энг асосий таркибий қисмларидан бири саналади ва у мулкчиликнинг турли кўринишларини қамраб олган бозор иқтисодиётини кўзда тутади. Мулкчиликнинг барча шакллари тенг амал қилади ва тенг ҳимоя қилинади.

Моддий бойликларни ишлаб чиқариш муносабатлари ижтимоий тизимда муҳим ўрин тутади. Ишлаб чиқаришнинг асосида жамият аъзоларининг яратувчилик меҳнати этади, шу боисдан меҳнат муносабатлари иқтисодий муносабатларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ялпи ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш муносабатлари иқтисодий тизимнинг муҳим таркибий қисмларидан саналади ва гарчи, улар маълум даражада, бошқа ижтимоий тизим доирасида амал қилса ҳам. Сиёсий тизимни ўз-ўзини тартибга соладиган бир бутун унсурлар (ташкилотлар) – давлат, сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, бирлашмалар ва улар орасидаги ўзаро муносабатлар ташкил этади.

Ўзбекистонда тўртта сиёсий партия мавжуд. Бунинг моҳияти парламентдаги жойларни ва ҳокимиятни сиёсий кучлар нисбатига қараб демократик сайловлар йўли билан тақсимлашдан иборат. Сиёсий тизимга қонун чиқарувчи,

ижроия ва суд ҳокимиятларининг ваколатларини ажратиш ҳам киради.

Шундай қилиб, қанча одам ва уларнинг қанча бирлашмаси, яъни, шунча манфаат ва уларни тасаввур этишнинг шунча йўли мавжуд бўладиган фуқаролик жамиятидан фарқли ўларок, ёлғиз ҳуқуқий давлатгина жамиятни бирлаштирувчи бўгин вазифасини бажара олади. Агар ҳуқуқий давлат барҳам топтирилса, жамият ўзаро рақобатлашаётган таркибий қисмларга бўлиниб кетади.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. Давлат ва ҳуқуқ назарияси – умумназарий фан сифатида	
1-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг ўзига хос хусусиятлари	8
2-§. Ҳозирги замон ҳамда давлат ва ҳуқуқ назарияси фани	11
3-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани предметини ўрганиш методлари	12
4-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни ва роли	23
5-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси юридик фанлар тизимида	30
6-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг функциялари	34
7-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг ўқув фани сифатидаги тузилиши	38
8-§. Инсонпарварлик ва умуммаданний қарашлар давлат ва ҳуқуқ назарияси асослари сифатида	38
9-§. Ўзбекистон ҳуқуқий фуқаролик жамияти ҳуқуқини яратиш йўлида	45
II боб. Жамият, давлат ва ҳуқуқ	
1-§. Жамият ҳақидаги гоялар ва тушунчалар	49
2-§. Диний, сиёсий ва ҳуқуқий қарашларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши	58
3-§. Давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳақидаги дунёвий таълимот	61
4-§. Давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳақидаги марксча- ленинча таълимот	64
III боб. Давлат тушунчаси, моҳияти, белгилари ва типлари	
1-§. Давлат тушунчаси ва моҳияти	67
2-§. Давлатнинг асосий белгилари	75
3-§. Давлат моҳияти ва белгиларини тушунишда ёндашувлар хилма-хиллиги	77
4-§. Давлат типологияси	85
5-§. Давлатнинг асосий типлари	91
6-§. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов асарларида давлат масалалари	102
IV боб. Давлат шакллари	
1-§. Давлат шакли тушунчаси, унинг таркибий унсурлари	116
2-§. Бошқарув шакли	120
3-§. Сунний ва шиъа давлат-ҳуқуқий таълимоти хусусиятлари: бошқарувнинг халифалик ва имомлик шакллари	133
4-§. Давлат тузилиши шаклларининг хилма-хиллиги	140

5-§. Сиёсий режим тушунчаси ва турлари.....	154
6-§. Ўзбекистонда давлатчиликни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	169
V боб. Давлат функциялари	
1-§. Давлат функцияси тушунчаси ва таснифи	173
2-§. Давлатнинг ички ва ташқи функциялари ҳамда уларга таъсир қилувчи омиллар	178
3-§. Ўзбекистон давлатининг асосий функциялари	187
VI боб. Давлат механизми	
1-§. Давлат механизми тушунчаси	191
2-§. Давлат механизми таркиби	192
3-§. Давлат органи тушунчаси ва белгилари	193
4-§. Давлат органлари турлари	194
5-§. Давлат механизмида бюрократия ва бюрократизм	198
VII боб. Ҳуқуқ ҳақида таълимот	
1-§. Ҳуқуқнинг тушунчаси ва моҳияти	201
2-§. Ҳуқуқни тушунишнинг умумий масалалари ва уларни амалий фаолият учун аҳамияти	203
3-§. Ҳуқуққа «норматив» ёндашув – қонунийлик ва барқарорликни таъминлаш воситаси сифатида	205
4-§. Ҳуқуққа «социологик» ёндашув – ижтимоий ҳаётнинг ўсишини таъминлаш воситаси	207
5-§. Ҳуқуқнинг психологик назарияси	209
6-§. Табиий ҳуқуқ назарияси (ҳуқуққа фалсафий ёндашув) ...	210
7-§. Ҳуқуқни тушунишга тарихий ёндашув	212
8-§. Ҳуқуқни марксча тушуниш	212
9-§. Ҳуқуқни тушунишга интегратив ёндашув	213
VIII боб. Ҳуқуқ принциплари ва функциялари	
1-§. Ҳуқуқ принципларининг тушунчаси ва моҳияти	215
2-§. Ҳуқуқ принципларининг таснифи	217
3-§. Ҳуқуқ функциялари тушунчаси ва турлари	223
IX боб. Ҳуқуқий онг	
1-§. Ҳуқуқ ва ҳуқуқий онгнинг ўзаро боғлиқлиги	228
2-§. Ҳуқуқий онгнинг тузилиши	231
3-§. Ҳуқуқий онг – ҳуқуқни такомиллаштириш ва ривожлантириш омилли	234
X боб. Ҳуқуқ ижодкорлиги	
1-§. Ҳуқуқ ижодкорлиги тушунчаси, турлари ва функциялари	238
2-§. Ҳуқуқ ижодкорлиги принциплари	242
3-§. Норматив-ҳуқуқий актлар ҳуқуқ ижодкорлиги маҳсули ..	247
4-§. Қонун ижодкорлиги жараёни ва босқичлари	258

5-§. Норматив-ҳуқуқий актларнинг вақт, ҳудуд ва шахсларга нисбатан амал қилиши	264
6-§. Норматив-ҳуқуқий актларни тизимлаштириш	270
7-§. Ҳуқуқ ижодкорлигида юридик техника масалалари	273
XI боб. Ҳуқуқнинг манбалари	
1-§. Ҳуқуқнинг манбалари (шакллари) тушунчаси	276
2-§. Ҳуқуқий одат	277
3-§. Ҳуқуқий прецедент	277
4-§. Норматив- ҳуқуқий актлар	278
5-§. Норматив шартномалар	279
XII боб. Ҳуқуқ нормаси	
1-§. Ҳуқуқ нормаси тушунчаси	281
2-§. Ҳуқуқ нормасининг тузилиши	284
3-§. Ҳуқуқ нормасининг турлари ва уларнинг таснифи	286
XIII боб. Ҳуқуқий муносабатлар	
1-§. Ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва турлари	290
2-§. Ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари	296
3-§. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар	300
4-§. Ҳуқуқий муносабатнинг объекти	303
5-§. Юридик фактлар	306
XIV боб. Ҳуқуқ тизими	
1-§. Ҳуқуқ тизими тушунчаси ва унинг таркибий қисмлари	312
2-§. Ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва усули – ҳуқуқни тармоқ ва институтларга ажратишнинг асоси сифатида	318
3-§. Ўзбекистон Республикасидаги асосий ҳуқуқ тармоқларининг қисқача тафсили	321
XV боб. Ҳуқуқни татбиқ этиш ва қўллаш	
1-§. Ҳуқуқни татбиқ этиш	328
2-§. Ҳуқуқни қўллаш	330
3-§. Ҳуқуқни қўллаш босқичлари	331
4-§. Ҳуқуқни қўллаш актлари	334
XVI боб. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш	
1-§. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш тушунчаси	336
2-§. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш турлари	339
3-§. Ҳуқуқ аналогияси ва қонун аналогияси	343
XVII боб. Ҳуқуқий ҳуқ-атвор. Ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик	
1-§. Ҳуқуқий ҳуқ-атвор	345
2-§. Ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва турлари	347
3-§. Юридик жавобгарлик тушунчаси, турлари ва асослари ...	350
4-§. Айбсизлик презумпцияси. Юридик жавобгарлик	

ва қилмишнинг ҳуқуққа ҳилофлигини истисно қилувчи ҳолатлар	354
XVIII боб. Ҳуқуқий тартибга солиш механизми	
1-§. Ҳуқуқий тартибга солиш тушунчаси	356
2-§. Ҳуқуқий тартибга солиш механизми ва унинг унсурлари	362
3-§. Конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш	366
4-§. Ҳуқуқий тартибга солишнинг ижтимоий ва руҳий механизми	371
XIX боб. Қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот	
1-§. Қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот тушунчаси	375
2-§. Қонунийликни муҳофаза қилиш ва таъминлаш	380
XX боб. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари	
1-§. Жаҳон юридик харитаси	386
2-§. Юридик типология ва таснифлаш	388
3-§. Роман-герман ҳуқуқ оиласи	393
4-§. Англия-Америка ҳуқуқий тизимлари (умумий ҳуқуқ оиласи)	396
5-§. Лотин Америкаси ҳуқуқий тизимлари	400
6-§. Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимлари	403
7-§. Мусулмон мамлакатлари ҳуқуқий тизимлари (ислом ҳуқуқи)	405
8-§. Ҳиндистон ҳуқуқий тизими (хинду ҳуқуқи)	409
9-§. Африка мамлакатлари ҳуқуқий тизимлари	413
XXI боб. Жамият, давлат, ҳуқуқ: замонавий ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари	
1-§. Ҳуқуқий давлатни шакллантириш – ҳозирги замон тараққиётининг объектив тенденцияси	418
2-§. Ҳуқуқий давлатнинг тарихий-назарий илдилари	435
3-§. Ҳуқуқий давлатни шакллантириш	445
4-§. Халқ ҳокимияти режимини таъминлашда қонуннинг роли	449
5-§. Фуқаролик жамияти тушунчаси ва уни шакллантириш йўллари	453
6-§. Давлат, ҳуқуқ, шахс	467
7-§. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг конституциявий асоси	483
8-§. Ҳуқуқий давлат ва ҳокимиятлар бўлиниши тамойили	504
9-§. Қадриятлар тизимида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари	505
10-§. Давлат ва фуқаронинг ўзаро масъулияти	508
11-§. Фуқаролик жамияти ва унинг тузилиши	509